

Душанба оқшомидаги дарслар

**Муаллиф
Андижон жомеъ масжиди имоми
Абдували қори Ашурали ўғли
Мирзаев**

**2
Жузъ**

**Нашрга тайёрловчи
Саҳвий
2021 йил**

Кириш:

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бу китоб, Андижон жомеъ масжиди имоми Абдували қори, Ашурали ўғли Мирзаевнинг, Душанба оқшомидаги дарсларининг, иккинчи жузъидир. Андижонлик машҳур аллома, бу дарсни 1994 йил бошидан то ўзи йўқолиб кетгунга қадар, 1995 йил августигача, бўлган муддатда, ҳафтанинг ҳар душанба оқшомида қилган эди. Бу дарслар Жомеъ масжидида, шомдан кейин, хуфтонгача давом этарди. Шу зайлда, ҳаммаси бўлиб, 81 дарс қилинди. Шулардан учтаси Қори ака сафарга кетган пайтларда, шогирдлари томонидан қилинган. Қолган 78 дарсни ўзлари қилганлар. Мен шу 78 та дарсни, китоб қилишни мақсад қилганман. Улардан биттаси 28 дарс ҳозирча топилмади. Бу дарслар ақидаги оид муҳим мавзуларни тўлалигича, академик даражасида ёритиб берилган, мукаммал дарслар тўпламидир. Буларни китоб қилиш жараёнига дахлдор баъзи мулоҳазаларни, тўпламнинг биринчи жузъида, сўз бошисида батафсил ёзганман.

Бу қисмда, аввалги китобдаги каби, дарсда айтилган оят ва ҳадисларнинг арабчаси, тўла жамлаб қўйилди. Баъзи асарлар топилмади. Баъзи ҳадислар муҳаддислар томонидан заиф ва ҳатто орасида мавзуъ (тўқима) деб, танилган ҳадислар ҳам учради. Буларни тагига, шу ҳадисни муҳаддислар заиф ва мавзуъ дейишган деб, қўшимча қилиб кетдим. Бу каби ҳадислар асосан саҳобалар маноқибларига алоқадор бўлиб, дарснинг асосий мавзусида саҳиҳ ҳадислар қўлланилган. Баъзи нуқталарда, лозим топилганда, кичик изоҳлар бериб кетилди. Дарслар охиридаги, беш ўн минутлик, турли мавзулардаги савол жавоблар китобга киритилмади. Дарсларнинг тўлиқ матни, арабчаси ва ўзбекчаси мукаммал жамланди. Тўпламнинг биринчи жузъи 20 та дарсни ўз ичига олган эди. Бу иккинчи жузъида 19 та дарс жамланди. (28 чи дарс қори акани ўзи эмас, шогирди қилган. Бу китобга киритилмади.)

Китоб буюк устоздан қолган илмий меросни, келажак авлодларга ҳам хизмат қилиши учун, қилинган бир саъй, ҳаракатдир. Зеро, илм китобат қилиб сақланади. Замонамиз бу кунга келиб, овозларни ва видео тасвирларни, сақлаб қолиш имконига эга бўлган ва бу файллар интернетда турган бўлсада, инсоният тарихида минг йиллар давомида, илм китоб шаклида сақланган. Илмни ўрганишлик ҳам китобат қилишни тақозо қилади. Душанба оқшомидаги дарслар тўплами, жами тўрт қисмдан иборат бўлади. Учинчи ва тўртинчи жузъларда ҳам, 19 тадан дарс бўлади. Душанба дарслари, минбарда туриб қилинган ақидавий, сиёсий ижтимоий, тарихий мавзулардан иборат дарслар тўпламидир. У кишининг бундан бошқа, жума кунларида, минбарда туриб, қуръонга қилган тафсирлари ҳам борки, булар сони жуда кўп. Булар битта мавзунини тўла ёритилган, муайян дарслик ҳисобланмайди. Унда Қуръоннинг бошидан бошлаб, қарийб ярмигача, Раъд сурасигача тафсир қилганлар. (Тавба сурасидан бошқасини) Шу ерга келганда, у киши йўқ қилинди. Тафсирлар ҳам, дарслар ҳам тўхтаб қолди. Ўзбек мусулмон миллати, фидоий даъватчидан жудо бўлди. Аллоҳнинг иродаси шу бўлди. Бунда ҳам, биз билмаган ҳикматлар бор, албатта!

Аллоҳу таоло, устознинг бу хизматларини лойиқ ажр билан мукофотласин! Бу тўпламни ҳам, ўқувчиларга ва муаллифига ҳам дунё ва охиратда манфаатли қилсин! Китобдаги баъзи, имловий нуқсон хатолар бўлса, олдиндан узр сўрайман. Китоб ҳақидаги фикр мулоҳазаларингизни, кутиб қоламан.

Саҳвий

27 ноябр 2021 йил

21 Дарс

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятлари ҳақида

(Бу дарс аввалида инсонга берилган, баён қилиш неъматини, қанчалик катта неъматлиги тушунтирилади. Кейин, пайғамбарлар жўнатилгани ва улар ҳаммаси ягона Аллоҳга ибодат қилишга чорлагани ҳақида маълумот берилади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматга васиятлари эса, китобу суннатни ушлашлик бўлиб, буни ушлаган миллат адашмаслиги уқтирилади. Дарс охирида, Абу Бакр Сиддиқ фазилатлари гапирилади)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد:

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ер куррасида инсонни яратиб ўз ҳолига ташлаб қўйгани йўқ. Ер куррасида инсонни яратиб, унга ҳамма нарсани номларини таълим берди.

وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالَ أَنْبِئُونِي بِأَسْمَاءِ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

Бақара сураси 37 оят.

Оламдаги ҳамма нарсани исмини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонга таълим берди. Агар Аллоҳ инсонга бу таълимни бермаганда, ер куррасида инсонлар (ўзаро) муомиласи (мумкин) бўлмаган бўларди. Яъни, бир нарсанинг исмини айтилган вақтида, инсоннинг хаёлида, шу айрилган нарсанинг мусаммоси (сиймоси) гавдаланади. У Исмлар Аллоҳ тарафидан бўлган таълим бўлганлиги учун, у исмлар ҳар қанча кўп қатор келишлиги билан, у сўзлардан гап ташкил топиб, бу гапдан бир мафҳум, (тушунча) тезлик билан инсонга маълум бўлди. Шу билан инсон унга шу исмлар билан жавоб берди. Ва ўртада тафохум пайдо бўлди. Бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг катта неъматини. Инсон бу неъматни сезмасдан яшайди. Бирор инсон иккинчи инсон билан, кўрмаган ҳолатда муомила қиладиган бўлса, у исмлар шаклини ифодаловчи, ҳарфлар билан, хат деб, аталган нарсани ёзадида, у нарсани олувчи кишини қўлида ўқилиши билан, унинг мафҳуми намоён бўлади. Унга шу хат деб, аталган нарсанинг шакллари билан, жавоб беради. Ўртада яна тафохум (тушунишлик) пайдо бўлади.

ن وَالْقَلَمِ وَمَا يَسْطُرُونَ

Қалам сураси 1,2 оят.

الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ : عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ : اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ : خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ

Алақ сураси 1,2,3,4,5 оятлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни ўқишликка буюряпти. Ўзининг тарбиятқунандасининг исмини ёд қилиб, Яратувчи тарбиятқунандасики, инсонни қуюқ қондан яратган эди. Ва у яратган, инсон деб аталган махлуққа, қалам билан таълим берган эди. Агар инсон шу қалам билан бўлган таълимни, ўзи бир тасаввур қилса, бу неъматнинг катталигидан, юраги ёрилиб кетишлиги керак эди. Инсон бир қалам билан, қандайдир шаклни ёзса, иккинчи одам ундан катта бир мафҳумни (тушунчани) билиб, ҳаётнинг катта бир маъноси ифодаланади. Унга шу қаламнинг шакллари билан, баъзи бир нарсаларни ифодаловчи нарсани жўнатишлик билан, тафохум пайдо бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, буни таълим берди. Ва шу таълим билан, башариятга маданият кириб борди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсондаги неъматни биринчиси, шу таълим берганлигидир. Бу сўзлар, ниҳоят даражада инсоннинг оғзида шаклланади. Агар инсоннинг оғзидан чиқаётган сўзни, шакловчи бир, шунақа шаклларни ташкил қиладиган бир жиҳоз ўйлаб чиққанда, инсонлар ҳамма, ҳайратда қолиб, уни томоша қилган бўларди. Лекин инсон, ўзидаги бу катта неъматни сезмасдан яшайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг ер юзидаги Халифаси қилмоқчи эди. Шу инсон, Аллоҳнинг ер юзидаги Халифаси бўлди. Ва унга катта бир масъулият юкланди. Агар инсонга бир сўз айтилинганда, унинг маъносини тушунишлик хусусияти бўлмаганда, бир киши агар, ўзбек тилида, дейлик, «Мен тоққа бориб келдим» деса, шу сўзни «мен, тоғ, ва бориб келдим, сўзлари маъноси, мафҳуми бўлмаганда, (Тушунарли бўлмаганда) шуни тушунтиришлик учун инсон, ё у одамни қўлидан ушлаб, тоғни (Олдига олиб бориб) кўрсатиб, «шу ерга бориб келдим» дейишлиги, керак эди. Ёинки, шу тоғни кўтариб, шу ерга олиб келиб, шу ерга бориб келдим, дейишлиги, керак бўларди. Оддий бир калимани тушунтиришлик учун. Аммо, инсон бу мураккаб бўлган маъноларни, жуда осонлик билан, гапираверади. Тушунувчи ҳам, уни осонлик билан тушунаверади. Йиғлайдиган нарса бўлса, таъсирланиб йиғлайди. Куладиган нарса бўлса, кулади.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

وَأَنَّهُ هُوَ أَضْحَكَ وَأَبْعَى

Нажм сураси 43 оят

Аллоҳгина сизни кулдирди ва йиғлатди, дейди. Мана бу, инсонни мукаррам қилган неъматлар, инсон сезмасдан яшаётган, неъматлардан биттасидир. Инсонга баён қилиб, гапириб, мақсадини билдириш ва ўртада тафохум неъматини пайдо бўлишини билган вақтда, уламолардан бири ўзининг ҳаётида бир ўтган нарсани мисол қилади. Ҳаммамизни ҳаётимизда бир неча мисоллар ўтадию, лекин, бундан ибратланмаганимиз учун, (сезмасдан) ўтиб кетаверамиз. Ҳаммамиз (уламолар) ўтирган вақтда, бир йигит шошилиб, югуриб кирдида, ҳаммага ёлворди. Ёлвориш аломатини қилди.

Лекин, шу ердаги катта уламолардан бирортамиз, бу кишининг мақсадини тушунмадик. Шунда оддий бир киши, мумкин чанқаган бўлса, сув сўраётган бўлса керак деб, сув олиб келганда, у ташналик билан сувга ташланиб, сувни ичиб, миннатдорчилик аломатларини билдириб, чиқиб кетди, дейди. Агар инсонга баён илми берилмаган бўлганда, бир нарсани тушунтириш учун, ҳаётидаги қанча ҳаракатлар қилган бўларди? Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизни бу билангина қўйиб қўймади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзи билан инсон ўртасида, давомий алоқани боғлади.

Бу алоқа воситаси Ислом истилоҳида, Расул ва Наби деб, аталади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг пайғамбарлари, башариятнинг, дунё ва охират саодатига эга бўладиган йўлни, олиб келишдилар. Улар ўзларининг раъйларида олиб келишганлари йўқ. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло билдирди. Бу рисолатни улар, бирор нарса қўшмасдан ва олиб ташламасдан етказишдилар.

Расул, элчи, Набий, Аллоҳ тарафидан хабардор бўлиб турувчи киши. Расул, элчилик вазифасини, ҳар бир Пайғамбар ўтади. Пайғамбарлар силсиласи, Одам алайҳиссаломдан тортиб, то Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламгача келди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръони каримда, баъзи пайғамбарлар номини зикр қилди. Қуръони каримда, йигирма тўртта пайғамбарнинг номлари зикр қилинади. Лекин, биз башарийят тарихида, нечта пайғамбар ўтганлигини, жазм қилиб айта олмаймиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзи билади. Чунки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ مِنْهُمْ مَّن قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَّن لَّمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ
Ғофир сураси 78 оят.

«Биз сиздан илгари кўп пайғамбарлар жўнатдик. Улардан баъзиларини, Биз сизга, қисса қилиб бердик. Баъзиларини, қисса қилиб бермадик.» деяпти, Муҳаммад алайҳиссаломга.

Демак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, аввали инсониятдан тортиб, жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламгача, пайғамбарлар жўнатди. Охирги Пайғамбар, жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бўлдилар. Бу мўъжиза ҳаммамизга маълум. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин, ўтган бир минг тўрт юз йилдан бери, Пайғамбарликни даъво қилган бир одам чиқмади. Бу охирги Пайғамбар, деган сўзни исботидир. Ниҳоятда оддий исботи бу. Мабодо биров даъво қилган бўлса, уни шармандалик ҳолати (Яъни, сохталиги, халойиққа) эълон бўлиб келди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, бутун оламга раҳмат қилиб жўнатди.

Бу киши аввалда, атрофидаги араб халқларини даъват қилдилар. Кейин, тамоми ер куррасидаги башарийятни, Аллоҳ йўлига даъват қилдилар. Ер куррасидаги катта ҳукмдорларга мактуб йўлладилар. Аллоҳнинг йўлини, тавҳид йўлини тушунтирдилар. Дарсимизни аввалида айтганимиздек, тавҳидга, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасига чақирдилар. Ер куррасида, коинотда, сиғиниладиган Маъбуд, ягона Аллоҳу таоло деб, чақирдилар. Пайғамбарлар билан халқлар орасидаги хусумат, такрор айтамыз, Аллоҳни инкор қилиш хусумати эмас эди. Аллоҳни инкор қилишмасди. Аллоҳни ўлдирувчи деб, билишарди. Аллоҳни тирилтирувчи деб, билишарди. Аллоҳни ризқ берувчи деб, билишарди. Аллоҳни коиноту ерни бошқарувчи деб, билишарди. Аммо, ибодатда, шарик қилишарди. Ибодат маъноси ҳаммамизга тушунарлик. Дуодан тортиб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи жўнатган шариатда, кўрсатган ибодат турларини, якка Аллоҳга қилишликка, пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ва ўтган пайғамбарлар чақиришдилар. Мушриклар буни қабул қилишмадилар. Ўрталаридаги хусумат келишмовчилик, шу масалада бўлди, биродарлар!

Тавҳидга мушриклар қарши чиқишди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, сеҳргар, жунун, шунга ўхшаган кўп ёмон сифатлар билан сифатлашдилар. Ваҳолонки, қирқ ёшларигача, у кишини Муҳаммад Амин (Ишончли) деб, лақаб қўйгандилар. Яъни, содиқ ва омонатли киши, деб билишардилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам халқларнинг, бу озорларига, сабр қилдилар.

فَاصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تُطِعْ مِنْهُمْ آثِمًا أَوْ كَفُورًا
Инсон сураси 24 оят.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, «сиз Роббингизни ҳукмига, сабр қилинг! Жиноятчи, онкўр кофирларга, бўйсунманг!» деган. Инсон ҳаётда хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, сабр қилиб яшайди. Хоҳласин, хорлик йўлида, сабр қилиб яшасин! Хоҳласа азизлик йўлида, сабр қилиб яшайди. Ҳаётда одамларга сиғиниб яшаётган кишилар, хорлик йўлида сабр қилиб яшашяпти! Роббингизни ҳукмига сабр қилинг! Деган, буйруққа, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам итоат қилиб, сабр қилдилар.

«Жиноятчи, нонкўр кофирларга, бўйсунманг!» деган, буйруққа бўйсуниб яшадилар. Ўн уч йил муддатда, Маккада тавҳидга, даъват қилдилар. У кишига эргашганлар ҳам, азобу уқубатни бирга кўтаришдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ва асҳобларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Маккадан Мадинага, ҳижрат қилишликка буюрди. Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб, ана у ерда, тавҳид, ўзларига нозил қилинган ҳукмларни асоси билан, яшадилар. Ҳали айтиб ўтганимиздек, ҳукмдорларга, мактуб йўлладилар.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ، مِنْ مُحَمَّدٍ عَبْدِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى هِرَقْلَ عَظِيمِ الرُّومِ ، سَلَامٌ عَلَى مَنْ اتَّبَعَ الْهُدَى ، أَمَّا بَعْدُ ، فَإِنِّي أَدْعُوكَ بِدَعَايَةِ
الْإِسْلَامِ ، أَسْلِمْتَ تَسْلَمُ ؛ يُؤْتِيكَ اللَّهُ أَجْرَكَ مَرَّتَيْنِ ؛ فَإِنْ تَوَلَّيْتَ فَإِنَّ عَلَيْكَ إِثْمَ الْأَرِيسِيِّينَ وَيَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ إِلَى
قَوْلِهِ اشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Имон келтиргил, омонда бўласан. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, сенга икки ажр беради. Дунёда ҳам охиратда ҳам. Ўзинг эргашганинг ажри ва сенга тобеъ бўлганларнинг эргашгани, ажрини беради деб, икки ажрни ҳукмдорларга ваъда қилдилар. Ҳақиқатда шундай, бир одам бир йўлга эргашиши билан, унга эргашган одамлар ҳам, шу йўлга эргашиб кетади. Шунинг учун, иккита ажрни ваъда қилдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даъватларининг ҳаммаси, тавҳид асосида бўлган, биродарлар. Биз (Аллоҳни яхши кўрамиз деганимиздан кейин) Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатларини даъво қилганимиздан кейин, бу муҳаббат учун ўлчов,

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ ۗ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ
Оли Имрон сураси 31 оят.

Аллоҳнинг муҳаббатини ҳамма даъво қилади. Лекин, бу қуруқ тил билан бўлмайди. Аллоҳни яхши кўраман деган, кишиларга айтинг деб, буюряпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, «менга эргашинглар» денг! Ким Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашса, ўзининг Аллоҳни яхши кўраман деган, даъвосида содиқ кишидир. Бўлмасам козибдир! Аллоҳ шунда, сизларни муҳаббат қилади. Ва гуноҳингларни кечиради. Аллоҳ кечирувчи ва мағфират қилувчи раҳмлик Зотдир! Ундан ташқари, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатлари, мажозий нарса бўлиб қолмаслиги керак! Хоҳласак қиладиган ва хоҳламасак қилмайдиган нарса бўлиб қолмаслиги керак! Модомики, имонни даъво қилсак!

عن أنس: أن رسول الله ﷺ قال: لا يؤمن أحدكم حتى أكون أحب إليه من ولده ووالده والناس أجمعين

Сизларнинг битталаринг имон келтирган бўлмийди. Ҳатто, менга отасидан ва болаларидан ва ҳамма одамлардан кўра, унга суюмли бўлмасам, дедилар. Бухорий ва Муслим ривояти. Мана, бу муҳаббат мажозий нарса бўлиб қолмаслиги керак! Имон масаласидир бу! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳақиқий яхши кўришликни белгиси, биринчи у киши олиб келган, Аллоҳнинг китобига амал қилишдир. Ва у кишининг саҳиҳ ҳадисларига бўлган амалдир! Келишмай қолган вақтда, Аллоҳнинг китоби ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳиҳ ҳадисларига қайтариб, шуни ҳукмига қалбида хараж қолмаган даражада, эргашмоқликдир! Аллоҳни ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни яхши кўришликнинг, яна бир белгиси,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْدِمُوا بَيْنَ يَدَيِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۖ وَاتَّقُوا اللَّهَ ۚ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ
Ҳужурот сураси 1 оят.

Аллоҳ ва Расулини олдида, журъат қилманглар!
Бирор бир ҳукми, ҳаётда билмай қолганда, ўзининг раъйи билан айтмасдан, Аллоҳу Расулини, ҳукмини кутмоқликдир. Аллоҳу Расулини ҳукми келмасдан, журъат қилмаслик ҳам, Аллоҳни ва Расулига, муҳаббатнинг аломатларидан биттасидир!

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатларининг аломатларидан асосийси, у кишининг васиятларини, қилмоқликдир. Агар биз, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларини, дадамиз қилган васиятни бажарганча, агар бу ҳаётда дадаларимизни ҳурмат қилолмай ўтган бўлсак ҳам. Волидаларимизни ҳурмат қилмаган бўлсак ҳам, хусусан раъйимизга тўғри келмаган васиятларини ҳам, жуда маҳкам ушлаймиз. Шу васиятларини, дадамизнинг васиятича ушлаган бўлганимизда, биз жуда катта бир, мусулмони комил, бўлиб кетган бўлардик.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларини маҳкам ушлашлик, биринчи буларни, билишликка боғлиқдир. У кишининг васиятларини баъзисини, ўқиб бермоқчиман.

1 васият

تركتُ فيكم أمرين لن تضلّوا بعدهما: كتابَ الله جلَّ وعزَّ، وسُنَّةَ نبيِّه صَلَّى الله عليه وسلّم

Сизларга иккита нарсa қўйиб кетаяпман. Маҳкам ушласанглар ҳаргиз адашмайсизлар. Бу Аллоҳнинг китоби ва пайғамбарининг суннати, дедилар.

Яна такрор айтамиз. Маҳкам ушлашлик деганда, нимани тушунамиз?! Бир киши васиятини ёзиб берган бўлса, маҳкам ушлашлик нима?! Қўлиғига тиктириб олишликми?! Ё белига боғлаб олишликми?! Ё уйининг энг тўрига, қўйиб қўйишликми?! Ёки, уни ҳар куни, қўлига ушлаб, ўпиб қўйишликми?! Васиятни маҳкам ушлашлик деганда, биз бошқа нарсага солиштириб тушунамиз халос. Албатта, бу васиятга амал қилишликдир! Баъзи васиятларни биз, ёзиб олмиймиз, биродарлар. Баъзи васиятларни оғзаки эштамизу, шуни маҳкам ушлаб, қилиб юрган кишини айтамиз. Мана бизнинг уммат, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятини, мутлақо ушламаган уммат десак, Аллоҳ сақлаганлар муснасо, тўғри бўлади! Аллоҳнинг китоби ва пайғамбарини суннатини, маҳкам ушламаган уммат Биз! Маҳкам ушлаш, бунга амал қилиш, билан бўлади биродарлар.

عليكم بسنّتي وسنّة الخلفاء المهديّين الراشدين، تمسّكوا بها، وعَضُوا عليها بالنواجذ
Аҳмад ибн Ҳанбал ривояти.

Менинг суннатимни маҳкам ушланглар. Хулафои рошидини маҳдийин, ҳидоятда бўлган, тўғри йўлдаги халифаларнинг суннатини, маҳкам ушланглар. Тамассаку беҳо, такрор айтдилар. «Маҳкам ушланглар!» Биз, шунинг учун, ҳар қандай одамнинг сўзини, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва Хулафои рошидинлар йўлига таққослаймиз. Тўғри келса, қабул қиламиз. Бўлмаса, деворга урамиз.

Ҳозирги вақтда ҳам, баъзи кишилар томонидан ўйлаб чиқиладиган йўллар, бу Хулафои рошидинлар йўлимас, биродарлар! Биз бу Хулафои рошидинлар йўлига тўғри келмаган йўлни, заллат эканига шак шубҳа қилмаймиз. Мана шундай бўлмоғимиз керак! Чунки, бу васиятлар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятлари. Биз, муҳаббатни даъво қилганмиз, у кишига.

2 васият

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан, фарзандларига қилган васият, бу ҳаммамизга ибрат бўлмоқлиги керак.

يا فاطمة بنتُ مُحَمَّدٍ ! سلّيني من مالي ما شئتِ لا أُغنيَ عنكِ من الله شيئاً
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Фотиматуз Захро, жаннат аёлларининг саййидаси деб, жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тилидан баён қилинган. Покиза, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари. Оиша онамиздан ривоят қилинадик, юришда, ўтиришда, туришда, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламга ўхшаган, Фотиматуз Захродан бошқа кишини, кўрмадим, дедилар. Шундай ўхшардилар. Юришларида ва ҳамма ҳаракатларида ўхшардилар. Олдиларига келдилар бир кун. Қулоқларига бир сўз айтдилар, йиғладилар. Кейин, яна чақирдилар ва у қулоқларига яна бир сўз айтдилар, кулдилар. Шунда Оиша разияллоҳу анҳо айтдиларки, мени сизга оналик ҳурматим, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сизга иккита сўз айтдилар. Нима дедилар? деди. Мен бу сирни бировга айтмиман, дедилар.

Икки ойдан кейин, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам вафот қилдилар. Энди айтинг деди. (Оиша разияллоҳу анҳо) Энди айтаман дедилар. Биринчи қулоғимга айтган сўз, мен дунёдан кетаяпман, дедилар. Шунга йиғладим, дедилар. Кейинги айтилган сўз, менинг орқамдан, менинг авлодимдан, уруғларимдан, энг тез боровчи сизсиз, дедилар. Шунда кулдим, дедилар.

Бу кишининг маноқиблари, фазилавлари ҳисобсиз, биродарлар! Шу қизларига айтдиларки, Эй Муҳаммаднинг қизи Фотима, дедилар. Мендан хоҳлаган молимни сўранг қизим, дедилар. Менда бор нарса бўлса, бераман. Аммо, қиёматда, дадам Пайғамбар деб, дадам менга нажот беради деб, ўйламанг, дедилар. Мен сизга фойда етказолмайман. Амалингиз етказмаса, дедилар. Мана бу васият, ўзини аҳли илм ва улуғзода деган, зотларни, фарзандига васияти бўлмоғи керак. Ундан ташқари, дақиқ нуқтаки, қиз бола отасига, ўғил боладан кўра, кўпроқ суянади. Ана шу, суянган тарафга қараб хитоб қилинишлик, янада катта ҳикмат бу. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўғиллари агарчи, кичкиналигида, вафот этиб кетган бўлса ҳам.

من أطاعني فقد أطاع الله ومن عصاني فقد عصى الله
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ким Менга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилибди, дедилар. Менга итоат қилмаган одам, Аллоҳга итоат қилмабди. Чунки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўзларининг хоҳишларидан, бир сўзни гапирмасдилар. Фақат, Аллоҳнинг буйруғини гапирардилар.

3 васият

لا تطروني كما أطرت النصارى ابن مريم إنما أنا عبدٌ فقولوا عبدُ الله ورسوله
خلاصة حكم المحدث : إسناده صحيح

Ибни Марямни насоролар (мақтаб) кўтаргандақа, мени, ҳаддан ташқари баландпарвоз гаплар қилиб кўтарманглар, дедилар. Мен бандаман, дедилар. Мени Аллоҳнинг бандаси ва Расули денглар, дедилар. (Шу ерда, дарсни бир оз қисми, ёзилмай қолган)

4 васият

لعن الله اليهود والنصارى اتخذوا قبور أنبيائهم مساجد
رواه البخاري ومسلم

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олган яҳуд ва насороларни, Аллоҳ лаънат қилсин» дедилар.

Дуои бадни, (қарғишни) қиморвозларга қилмадилар. Маст қилувчи ичимлик ичган одамларга қилмадилар. Зонийларга қилмадилар. Ниҳоят даражада кўп, гуноҳи кабира қилганларга, қилмадилар.

Ҳатто, ўзларига озор берганларга ҳам, қилмадилар. Аммо, Пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олганларга, лаънат эълон қилдилар. Дуои бад қилдилар.

Нима учун?

Бу ширкнинг асоси бўлган учундир. Бу ширк амали бўлгач, дуо ижобат бўлмасди. Мустамлакачилар, мусулмонларни бемалол мустамлака қилиб яшайверарди. Чунки, улар дод деган, сари, дуолари ижобат бўлмайди. Ширк амалига гирифтор бўлиб кетганидан кейин! Мусулмонлар бу насиҳатни олмадилар. Аммо, диннинг душманлари бундан фойдаланишди. Улар дунёдаги масжид бўлган жойда, қабристонни унинг ичига олиб киришга, ҳаракат қилдиларда, шу билан булар, ширк амалларига гирифтор бўлиб, Пайғамбарлари лаънат қилган кишилардан бўлиб қолишлигини, душманлар хоҳлашди, биродарлар! Бу ҳадис Имоми Бухорий ривоятлари. Бу васиятлари умрларининг охиригача энг зарур бўлган вақтидаги васиятларидир, биродарлар! Васият инсоннинг кўпинча умрининг охирида бўлади.

5 васият

Яна бир васиятларидан биттаси

من تقول علي ما لم أقل، فليتبوأ مقعده في النار
رواه البخاري

Кимки, мен айтмаган сўзни айтди, деса, жойини дўзахдан ҳозирлаб олиб, кейин айтсин, дедилар. Шунинг учун ҳам, кўпчиликнинг олдида, китобни очиб, ривоятини ўқиб айтиб беришликнинг сири ҳам шу, биродарлар!

Ҳар қандай бир ҳадисни аниқ билсак ҳам, иложи борида, аниқ айтиб беришликка ҳаракат қилайликки, бирор бир ҳарфини ўзгартириб қўймайлик. Чунки, пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган сўзни айтди, дейиш, бу у кишига хиёнат. Шариатга хиёнатдир! Шунинг учун, бу одам жойини дўзахдан ҳозирлаб, тайёр қилиб, кейин айтсин, деядилар. Гуноҳларнинг энг каттаси шудир, биродарлар!

Шунинг учун, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини айтаётган вақтда, айтаётган уламолар, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар. Ав камо қола. Ё, шунга ўхшаган сўз, дедилар, деб қўшиб қўйишади. Қўққисдан бирор бир ҳарфини ўзгартириб қўйган бўлсам, шу сўз билан, шу ваъидга (юқоридаги ҳадисда айтилган кимсалар сафига) кириб қолмай, дейдилар.

6 васият

إني لا أصفح النساء
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Мен аёллар билан қўл бериб кўришмайман, дедилар. (Яъни, номаҳрам аёллар билан) Маҳрам аёллар билан қўл бериб кўришса бўлади, биродарлар! Яъни, никоҳи мумкинмас аёллар. Мабодо волидаси, ўзининг опаси, аммаси,

холаси, қизи, ва ҳаказо, маҳрамлар. Маҳрам бўлмаган аёл билан, қўл бериб кўришмийман, дедилар. Бу васиятларидан.

7 васият

فَمَنْ رَغِبَ عَنْ سُنَّتِي فَلَيْسَ مِنِّي

Менинг суннатимдан бош тортган киши, менданмас, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини, масҳара қилиб қўймоқликдан, эҳтиёт бўлмоқлигимиз керак! Менинг суннатимдан бош тортган одам, менданмас, дедилар.

У кишини йўлини тутмаган одам, унга бу йўл маъқул бўлмаган одамдир. Булардан Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўзларининг безорликларини эълон қилдилар.

8 васият

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَعَمَلٍ لَا يُزِفُّ، وَقَلْبٍ لَا يَخْشَعُ، وَقَوْلٍ لَا يُسْمَعُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан яна биттаси, Эй Аллоҳ, мен Сенинг ёрдамнинг билан паноҳ истайман, фойда бермайдиган илмдан, дедилар. Илм, шариат тарафига юргизмаса инсонни, тўнғиз гўшти ейишликдан паноҳ истагандек, маст қилувчи ичимлик ичишликдан паноҳ истагандек, мана бу Худоё, Ўзинг сақлагил бундай илмдан, демоқлигимиз керак. Илм, инсонни ҳалокатдан чиқариб, саодат йўлига йўллайдиган бўлмоқлиги керак. Мана бу ҳам, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидандир.

9 васият

نُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ
رواه البخاري

Мана бу ҳам, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан биттасидир. Яъни. Кимки, биз унга буюрмаган бир амални қилса, у рад қилинади. Ҳеч қандай унда манфаат йўқ! Мақбулмас. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан биттаси шудир.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, ҳамма саҳиҳ ривоятларда келган ҳадисларини, тасдиқламоғлигимиз керак. Шу ўринда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олиб келган йўлларида биттаси, (маълумотларидан биттаси) биз бу хусусда кўп муноқаша қилмаганмиз, (Тортишмаганмиз) Аллоҳу таолонинг қуръони каримда ва ҳадиси муборакларда келган сифатларини, албатта, биз тасдиқламоқлигимиз керак! Бу сифатни кайфиятини, Аллоҳу Субҳонаху ва таоло Ўзи билади. Унинг Зотиға лойиқ суратдадир деб, билмоқлигимиз керак.

إِنَّ الدِّينَ يُبَايِعُكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ
Фатҳ сураси 10 оят.

Аллоҳнинг қўли, уларнинг қўллари устидадир. Қўлни исбот қилдими, биз ҳам исбот қиламиз. (Аллоҳнинг Қўли бор дедими қуръон, биз тасдиқлаймиз) Яд деб, араб тилида, қўлни айтади.

Лекин, у қўл, биз билган махлуқлардаги қўлга ўхшайди, деб, билмиймиз. Унинг Зотига лойиқ бўлган, қўли бор деб, исботлаймиз. Соқ калимаси, бизда болдир деймиз. Бу биз билган болдирмас. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Зотига лойиқ бўлган соқ, яъни, болдирни исботламоғимиз керак.

Хуллас, қуръони каримда ва ҳадисларда собит бўлган сифатларни исботлаймиз. Кайфиятини билмаймиз. Мана шу сифатларни, исботламаслик, бизни, жуда ёмон оқибатга олиб боради. Эътиқодимизга, путур етказади. Мана шу сифатлардан биттаси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзини осмонда эканини баён қилди.

إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ وَالْعَمَلُ الصَّالِحُ يَرْفَعُهُ
Фотир сураси 10 оят

Қуръони каримда, Аллоҳнинг ҳузурига қалимут тоййиб, яъни, покиза сўзлар ва зикрлар ва яхши амаллар, кўтарилади. Аллоҳ уни, Ўзи кўтаради.

أَأَمِنْتُمْ مِّنْ فِي السَّمَاءِ أَنْ يَخْسِفَ بِكُمْ الْأَرْضَ فَإِذَا هِيَ تَمُورُ
Мулк сураси 16 оят

Осмондаги Зотдан хотиржаммисизлар? Деган.

Демак, Насс, қуръони карим бизга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг осмонда эканлигини баён қиляпти. Лекин, биз уни кайфиятини билмаймиз. Само, олийликдан киноядир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, муттафиқун алайҳ бўлган ҳадисда айтдиларки:

«النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَلَا تَأْمَنُونَ بِي وَأَنَا أَمِينٌ مِّنْ فِي السَّمَاءِ، يَأْتِينِي خَيْرُ السَّمَاءِ صَبَاحًا وَمَسَاءً»
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Менга ишонмайсизларми? Мен осмондаги Зотни омонатдор кишисиман, дедилар. Булар саҳиҳ ҳадислар. Биз бунга эътиқод қилмоқлигимиз керак. Яъни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, осмонда деган, эътиқодда бўлишимиз керак. Лекин, кайфияти бизга маълуммас деб, билмоқлигимиз керак. Шу ўринда Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳни сўзларини келтираман. Ақидатут Таҳовийяни шарҳидан.

قال الإمام أبو حنيفة رحمه الله تعالى -
من قال: لا أعرف الله أفي السماء أم في الأرض فقد كفر، قال الله تعالى: الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى"
Тоҳо сураси 5 оят.

إن قال: أقول: بهذه الآية، ولكن لا أدري أين العرش؟
في السماء أم في الأرض؟ فقد كفر أيضا
ونذكره من أعلى لا من أسفل
لأن الأسفل من الربوبية والألوهية في شيء
لا أدري العرش في السماء أم في الأرض؟ قال - أي الإمام أبي حنيفة - هو كافر؛ لأنه أنكر أن يكون في السماء، لأنه تعالى
في أعلى عليين.

Имоми Абу Ҳанифа айтган эканларки: Кимки, Аллоҳ осмондами ердами билмайман деса, кофир бўлади. Чунки, Аллоҳу таоло айтгандир: Раҳмон ўз Аршининг устидадир.
(Тоҳо сураси 5 оят)

Шунинг учун Насс, қуръони каримда собит бўлган сўзларнинг эътиқоди, бизда кўриниши керак, биродарлар! Биз кўп нарса ўқиб, оддий бир ақиданинг асосини билмасдан, яшаб қолмаслигимиз керак!

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى
Тоҳо сураси 5 оят

Имоми Бухорий китобут тавҳидда, Абул Олия ва Мужоҳиддан ривоят қилган. Шу оятни тафсирида, ало вартафаъа. Яъни, (Аршда) олий бўлди юксалди деган, маънони берган эканлар.

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى
Тоҳо сураси 5 оят

ояти далолат қиладики, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, аълою иллийин, яъни, энг олий мақомда эканлигига, далолат қилади. Бизнинг эътиқодимиз мана шундай бўлмоқлиги керак. Китобу суннатдаги, исбот қилинган сифатларни, исбот қилувчилар жумласидан бўлмоқлигимиз керак. Аҳли суннат вал жамоат эътиқоди, китобу суннатда келган, Аллоҳнинг сифатларини исбот қиламиз. Кайфиятини Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога топширамыз. Ҳаммамизнинг эътиқодотимиз, мана шундай бўлмоқлиги керак!

(Кичик изоҳ: Қори ака бу ерда, сўфийларнинг Мотуридийларнинг Аллоҳни Ломакон (маконсиз) дейдиган ақидасига қарши, ҳужжатларни келтирганлар. Аллоҳ осмонда деб, эътиқод қилиш, китобу суннатга мувофиқлигини таъкидлаб ўтганлар)

Абу Бакр Сиддиқ фазилати

Саҳобаи киромларнинг фазилатларидан биз Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг фазилатини айтаётган эдик. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг ҳақида, жуда кўп фазилатларини айтганлар. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар

عَبْدُ اللَّهِ أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ قَالَ: كُنَّا نَقُولُ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَيٌّ: أَفْضَلُ أُمَّةٍ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَهُ أَبُو بَكْرٍ ثُمَّ عُمَرُ ثُمَّ عُثْمَانُ

Биз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида (Ҳаётликларида) бу умматнинг пайғамбаридан кейинги энг яхшиси, Абу Бакр кейин Умар ва кейин Усмон разияллоҳу анҳум дердик. Яъни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида шу сўзни айтардик. У киши бизни бу сўздан қайтармасдилар, демоқчилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг фазилатини айтиб,

وفي الصحيح أنه قال علي المنبر: إن أمن الناس علي في صحبته، وذات يده، أبو بكر؛ ولو كنت متخذاً من أهل الأرض خليلاً لاتخذت أبا بكر خليلاً، ولكن صاحبكم خليل الله. ألا لا يبقين في المسجد خوخة إلا سدت، إلا خوخة أبي بكر

لَوْ كُنْتُ مُتَّخِذًا خَلِيلًا لَاتَّخَذْتُ أَبَا بَكْرٍ خَلِيلًا، وَلَكِنَّهُ أَخِي وَصَاحِبِي، وَقَدْ اتَّخَذَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ صَاحِبَكُمْ خَلِيلًا
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мен учун одамларнинг ичида Абу Бакрдан кўра, моли ва жони, манфаатлироқ киши йўқдир. Агар мен ўзимга фидоий дўст танлаганимда, Абу Бакрни танлаган бўлардим.

Лекин, Исломий биродарлик етади, дедилар. Одамлар масжидни атрофига уйлар солишиб, масжидга дарча очиб олган эдилар. Ҳамма дарчалар бекитилсин! Абу Бакрни очиқ қолсин, дедилар. Али ибн Абу Толиб минбарда туриб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни зикр қилдилар.

Али ибн Абу Толибни, Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг ҳақидаги сўзлари бизга диққатлироқки, кўп адашган тоифалар, Али ибн Абу Толибни, Абу Бакр разияллоҳу анҳудан афзал деб эътибор қилиб, бунинг тагида Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг шаънини пастлатувчи, камситувчи, сўзлар айтадиган адашган тоифалар, зарарига бу ҳужжат бўлади.

Али ибн Абу Толиб минбарда туриб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни зикр қилдилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам вафот қилдилар. Ундан кейин, Абу Бакр разияллоҳу анҳу халифа қилинди. Ундан кейин, (у киши) Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини тутдилар. У киши то, Аллоҳ у кишини вафот топтиргунча, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларидан заррача силжимадилар. Яъни, бирон марта, пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини ўзгартирганлари йўқ.

Сўнг Умар ибн Хаттоб халифа қилинди. У киши то, Аллоҳ у кишини вафот топтиргунча, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ва Абу Бакрнинг йўлларини тутдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларида, Абу Бакр разияллоҳу анҳуни асҳобларга намозда имом қилиб, намоз ўқиб беришга буюрдилар. Бу ўзларидан кейинги халифа ким эканлигига ишора бўлди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтиргандим, дейди, Али ибн Абу Толиб. Шунда тўсатдан Абу Бакр разияллоҳу анҳу билан Умар ибн Хаттоб келдилар.

عن النبي صلى الله عليه وسلم، وأنه قال: يا علي، هذان سيدا كهول أهل الجنة من الأولين والآخرين؛ إلا النبيين والمرسلين

Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Эй Али, дедилар. Икковлари аҳли жаннатнинг ёши катталари ичидаги, энг саййидларидир, дедилар. Одам алайҳиссаломдан тортиб, то қиёматгача бўлганларнинг ҳаммасидан (афзалдирлар) магар Пайғамбарлар мустасно, дедилар. «Пайғамбарлардан бошқа, аҳли жаннатларнинг саййидлари кириб келаяпди» дедилар, икковларига. Кейин айтдиларки, Ё Али, бу хабарни у икковига айтманг, дедилар. Али ибн Абу Толиб, икковлари ўтиб кетганидан кейин, бу сўзни айтдилар.

Тобиинлардан бири жиҳоддаги ўлжа тушган ғаниматлардан, Абу Бакрни авлодларига алоҳида учдан бирини ажратган эканлар. Кейин, айтган эканларки, нима учун, мен ўзимнинг улушимдан у кишининг авлодларига мол ажратяпман? Чунки, у киши Табук ғазотига мол тўпланганда, уйдаги бор молни олиб чиққанлар. Уйларида, аҳлига ҳеч нарса қолдирмаганлар. Шунинг учун, мен шундай зотнинг фарзандларига, ўзимнинг улушимдан мол ажратдим, қариндошларимга ҳеч нарса қолдирмадим, деган эканлар.

Ибни Шихобдан ривоят қилинадики, Абу Бакрнинг фазилати шуки, Аллоҳ азза ва жалла ҳақида, бирор дақиқа шак қилмаган. Абдуллоҳ ибн Аббосдан сўрадим дейдилар, Шаъбий, биринчи имон келтирган киши ким? деб сўрадим. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан биринчи имонни қабул қилган киши ким? деб сўрадим. Абу Бакр Сиддиқ деб жавоб берди.

ما من نبي إلا وله وزيران من أهل السماء ووزيران من أهل الأرض فأما وزيراي من أهل السماء فجبريل وميكائيل وأما وزيراي من أهل الأرض فأبو بكر وعمر

(Бу ҳадисни муҳаддислар заиф дейишган)

Аллоҳу таоло пайғамбар жўнатган бўлса, ҳаммасига осмон аҳлидан ва ер аҳлидан иккитадан вазир қилиб берди. Мени осмон аҳлидан бўлган вазирим Жибрил ва Микоил дедилар. Ер аҳлидан бўлса, Абу Бакр ва Умар дедилар. Разияллоҳу анҳумо.

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам бир кун айтдиларки,

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : (من أصبح منكم اليوم صائما قال أبو بكر : أنا فقال : من أطعم منكم اليوم مسكينا قال أبو بكر : أنا قال : من عاد منكم اليوم مريضا فقال أبو بكر : أنا فقال : من تبع منكم اليوم جنازة قال أبو بكر : أنا فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم : ما اجتمعت هذه الخصال قط في رجل في يوم إلا دخل الجنة رواه ابن خزيمة في صحيحه

Ким бугун рўза тутди? дедилар. Абу Бакр мен, деди. Ким бугун мискинга таом берди? дедилар. Абу Бакр мен, деди. Ким бугун касални бориб кўрди? дедилар. Абу Бакр мен, деди. Ким бугун жанозага қатнашди? дедилар. Абу Бакр мен, деди. Шунда, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бу тўртта хислатни фақат, жаннат аҳлидан бўлган кишида жамлайди, дедилар.

Вакиъ ибн Жарроҳдан эшитдимки, дейдилар, Абдуллоҳ ибн Юнус, у киши айтган эканлар: Агар, Абу Бакр бўлмаганда, Ислом кетиб қолган, бўларди.

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин, муртадлиқ вужудга келди. Пайғамбарлик даъво қилган каззоб мусайлама пайдо бўлди. Одамлар унга эргашиб кетди. Буни каззоблиги тезда равшан бўлди. Лекин, унгача кўп мусулмонлар диндан қайтиб кетди, биродарлар! Ислом ёмғирда қолган кўзичоқдек бўлиб қолди. Ҳамма атроф, Муҳаммад алайҳиссалом вафот қилгач, энди бу қутулдик деб, ғанимат учун, дунё учун имон келтирганлар диндан қайтиб кетди. Исломни ҳоли қийин бўлиб қолди. Мана бу ҳолни зикр қилиб, Абдуллоҳ ибн Юнус айтадиларки, Вакиъ ибн Жарроҳдан эшитдимки, Агар Абу Бакр Сиддиқ бўлмаганда, Ислом йўқ бўлиб кетиб қолган бўларди.

Муҳаммад алайҳиссалом вафот қилдилар деган, сўзни саҳобалар тушунолмади. Умар ибн Хаттобдек киши ҳам, қиличларини суғурдиларда, ким Муҳаммад алайҳиссалом вафот қилди деса, қиличдан ўтказаман, деди. Абу Бакр Сиддиқ Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни жасадларини кўмиб бўлганларидан кейин, Абу Бакр Сиддиқ хутба ўқидилар.

فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: أَمَّا بَعْدُ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ يَغْبُذُ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَإِنَّ مُحَمَّدًا قَدْ مَاتَ، وَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ يَغْبُذُ اللَّهَ فَإِنَّ اللَّهَ حَيٌّ لَا يَمُوتُ

خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ким Муҳаммад алайҳиссаломга ибодат қилган бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом вафот қилдилар. Ибодати тўхтади, деди. Ким Аллоҳга ибодат қилган бўлса, Аллоҳ ўлмайдиган тирик Зот, деди. Кейин, мана бу оятни ўқидилар.

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ عَلَى أَعْقَابِكُمْ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَى عَقْبَيْهِ فَلَنْ يَضُرَّ اللَّهَ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ

Оли Имрон сураси 144 оят.

Муҳаммад алайҳиссалом элчидир. Ундан олдин ҳам, кўп Расуллар ўтган. Агар у ўтиб кетса, ортингизга қайтиб кетасизми? деган оятни ўқидилар. Абу Бакр Сиддиқ заковатлари билан, ана шу соатда, Умар ибн Хаттоб айтадилар, бу оят, янги нозил бўлгандек, бўлди, дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Мана Исроъ. Бу Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога кечқурундаги бўлган сайр, биродарлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир ойлик масофага, (Макка билан Қуддус ораси 1500 км. кунига туяда 100 км. Юрилса, боришга ярим ой кетади. Қайтишга ҳам шунча кетади.) озгина муддатда бориб келдилар. Исро, оят билан собитдир. Ким инкор қилса, кофир бўлади. Лекин, бу жуда катта имтиҳон бўлди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, бу хабарни (одамларга) беришлик, оғир бўлди. Одамлар инкор қилиб юборади, деб қўрқдилар.

وروى أبو وهب مولى أبي هريرة أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال ليلة أسري به: "قلت لجبريل إن قومي لا يُصدقونني"، فقال له جبريل: يُصدقك أبو بكر، وهو الصديق (*). وروى عروة، عن عائشة قالت: لما أُسري بالنبي صلى الله عليه وسلم إلى المسجد الأقصى، أصبح يحدث بذلك الناس، فارتدّ ناس ممن كان آمن، وصدق به، وفُتِنُوا فقال أبو بكر: إني لأصدقُه فيما هو أبعد من ذلك أصدقُه بخبر السماء غداة أو رَوْحَة، فلذلك سمي أبو بكر الصديق

Шу Исроъни хабар берсам, одамлар мени тасдиқламайдиларда, имондан қайтиб кетиб қолишади, мени ҳеч ким тасдиқламайди, деганларида, Жибрил алайҳиссалом Абу Бакр сизни тасдиқлайди, дедилар. Биродарлар, бу кишини номини Жибрил алайҳиссалом айтаядиларки, Абу Бакр сизни тасдиқлайди, дедилар.

Макр ибн Абдуллоҳ айтадиларки: Абу Бакр одамлардан ортиқлиги, кўп намоз ўқиб, рўза тутганлиги учунмас, балки, қалбидаги нарса билан ортиқ бўлди, дедилар. Имонлари шундай эдики, бирор дақиқа, шак шубҳа қилмаганлар. Умар ибн Хаттобга бир киши, Сиздан улўроқ одамни кўрмадик деганда, Умар унга, ҳал роайта Абу Бакра? Абу Бакрни кўрганмисан? деди. У, йўқ деб жавоб берди. Шунда Умар унга «агар Абу Бакрни кўриб туриб, мени яхши деяётган бўлганингда, сени дарра билан таъзирингни берардим» деди. Абу Бакрни кўрмаган экансан, мени афзал десанг, сенга дарра урмийман, дедилар. Биродарлар, асҳоблар орасидаги дўстликни гапиришга, инсон хижолат бўлади. Бир тарафдан биз қилолмаётганлигимиз. Иккинчи тарафдан, буни (эшитган) одам тасдиқлай олармикан? деб ўйланиб қоласиз. Мана бу оят нозил бўлганида мана,

وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِّنْ غَلٍّ إِخْوَانًا عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَابِلِينَ
Ҳижр сураси 47 оят.

Қалбларидаги гинани суғуриб ташлаганмиз. Улар бир бирларига қараб жаннатдаги супаларда ўтирадиган дўстлардир, деган оятни, саҳобалар, Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумо ҳақида нозил бўлган, дейишган эканлар.

قوله تعالى ﴿ وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِنْ غَلٍّ ﴾ الآية أخرج ابن أبي حاتم عن علي بن الحسين أن هذه الآية نزلت في أبي بكر وعمر ﴿ وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِنْ غَلٍّ ﴾ قيل وأي غل قال غل الجاهلية إن بني تميم وبني عدي وبني هاشم كان بينهم في الجاهلية عداوة فلما أسلم هؤلاء القوم تحابوا فأخذت أبا بكر الخاصرة فجعل علي يسخن يده فيكمدها خاصرة أبي بكر فنزلت هذه الآية

Али ибн Ҳусайн, Имоми Ҳусайнни ўғиллари айтган эканларки: Валлоҳи индаҳо лафиҳим унзилат. Бу оят, Аллоҳга қасамки, улар ҳақида нозил бўлган, деган экан. Бу оятдаги бу (оятдаги) ғилл, нима? деб, сўрашганда, Ғилл деб, ичкарида турадиган гина ва кудуратни айтамыз. Кўпроқ, ён тарафда турган нарсага айтилади. Одамзод гина кудуратни, ён тарафига жойлаши, киноя қилинади. Шу Ғилл нима? деганимизда: Бани Тамим, Бани Адий, ва Бани Ҳошим қабилалари ўртасида, жоҳилийят даврида, адоват бўлган эди.

Улар исломни қабул қилганларидан кейин, бир бирларига шунақа муҳаббат пайдо бўлди. Шунда, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг биқинида, бир оғрик пайдо бўлди. Бу оғрикни бировга билдирмай турарди. Али ибн АБУ Толиб қўлини қиздириб, шу Абу Бакрни биқинига қўярди.

Шундай бир бирларига киришиб кетганки, бирларидаги оғрикни, бирлари сезадиган даражага чиқиб кетганлар. Уларнинг қалбларидаги гина кудурат, шу даражада кўтарилиб кетганди.

الراوي : علي بن أبي طالب ألا أخبركم بخير هذه الأمة بعد نبيها؟ أبو بكر، وخيرها بعد أبي بكر عمر، ثم يجعل الله الخير حيث أحب

خلاصة حكم المحدث : إسناده صحيح

(Бу ҳадис қори ака айтганидан бошқа ҳадис, шу мавзуда бўлгани учун илова қилдим)

Али ибн Абу Толибдан ривоят қилинган ҳадисларда, Муҳаммад ибн Ҳанафийя отаси Али ибн Абу Толибдан сўрадики, ман хойра ҳозиҳил умма? Бу умматнинг яхшиси ким? деб сўрадим, дадамдан дейдилар, Муҳамма ибн Ҳанафийя.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейинги улуғ киши ким? десам, қола Абу Бакрин, кейин ким? дедим. Қола Умар. Кейин ким? деб сўрашликдан қўрқдим. Дадамни ҳам шу мартабада бўлишини орзу қилардим. Дадам кейинги мартабага тушиб кетармикан деб, сўрамадим, дейдилар. Лекин, ундан кейин, сизми? дедим. Шунда, Абука минал муслимин дедилар. Сени даданг, муслмонлардан биттаси халос, дедилар. Али ибн Абу Толиб, Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳумони шундай ҳурмат қилганлар. У золлин, фирқаларнинг, (шиаларнинг) Абу Бакр разияллоҳу анҳу ҳақидаги сўзлари, у тухматдир.

Абу Бакр разияллоҳу анҳу кўп кулларни озод қилганлар. Булар ичида Билол ибн Абу Рабоҳа разияллоҳу анҳу ҳам, бор эди. Умайя ибн Халафни қули эди, бу киши. Абу Бакр разияллоҳу анҳу, ўтиб кетаётиб, Билол разияллоҳу анҳуга азоб бераётганини кўрдилар. Диндан қайт, Муҳаммаднинг йўлидан қайт, дерди, азоб бериб. (У киши имонга кирганди) Абу Жаҳл, Абу Бакрга қараб, бу биродарингни сотиб олмайсанми? Бу (Умайя) унга азоб берайпди? деди. Қанчага сотасан? деди. Шунча шунчага дейишди. Хўп, дедилар, шу билан меники бўладими бу? Қад ахазту деди, Абу Бакр. Мен олдим, деди. Кейин, Билолга қараб, сен кимга таслим бўлган бўлсанг, шуникисан дедилар.

(Кимга итоат қилиб, таслим бўлган бўлсанг, яъни, Аллоҳникисан, озодсан, дедилар) Билол разияллоҳу анҳу, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин, азон айтишни тўхтатганлар. Чунки, у киши, Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ деганларида, ўзларини йўқотиб қўяр эканлар.

Бу озон калимасини айтганларида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларида турардилар. Энди у киши йўқ пайтида, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг Расули деган ерига келиб, кейин, айтолмай қолар эканлар. Шунинг учун, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин, озон айтишни тўхтатганлар.

Абу Бакр разияллоҳу анҳуга хабар етдики, бу Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин, азон айтмайман деганлари. Бу киши ошон айтиб турсалар бўларди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муаззинлари эди, дедиларда, Билол Ҳабашийни олдида келиб, азон айтиб турсангиз бўларди, деганларида,

قال أبو بكر: ومن يؤذن لنا؟ قال بلال وعينه تفيضان من الدمع: إني لا أؤذن لأحد بعد رسول الله -صلى الله عليه وسلم-. قال أبو بكر: بل ابق، وأذن لنا يا بلال، قال بلال: إن كنت قد أعتقتني لأكون لك، فليكن ما تريد، وإن كنت أعتقتني لله، فدعني وما أعتقتني له، قال أبو بكر: بل أعتقتك الله يا بلال

Агар мени, доим ёнингизда юришлик учун озод қилган бўлсангиз, олдингизда юраман, дедилар. Йўқ, мени Аллоҳ учун озод қилган бўлсангиз, унда мени Роббим билан қўйиб қўйинг, дедилар. Шунда, мен Аллоҳу азза ва жалла учун озод қилдим, дедилар.

Кейин, у одамга таклиф қилмадилар. Бу киши озон айтмаганлар. Магар Қуддсни Фатҳида, Умар разияллоҳу анҳу, Қуддусга борганларида, Оқ қасрни устида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам башорат қилганларки, умматим Рум ва Форс устидан ғалаба қилиб, уларнинг Оқ Қасрлари умматим қўлига ўтади, деган башоратлари рўёбга чиқиб, шундай катта тантанада турганларида, ҳаммалари Умар ибн Хаттобдан, Билол Ҳабаший бир озон айтсин деб, илтимос қилиб сўрашди. Шунда, азон айтдилар. Ҳаммаси йиғлашдилар. Соқоллари ивиб кетди, ҳамма саҳобаларни.

Яъни, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу, шунчалик ҳассос эдилар. Бу кишининг фазилати ҳақида айтилган жуда кўп сўзлар бор. Бу сўзлар ҳаммаси, бу кишининг қанчалик улуғ зот эканликларида, далолат қилади. Абу Бакр разияллоҳу анҳудан ривоят қилишганларки, Аллоҳу Расули безордир. Абу Бакр безор бўлган кишидан деган, сўзлар ҳам бор. Биродарлар, бу жуда бир катта мақтов, инсонга.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: دَخَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَسْجِدَ وَأَبُو بَكْرٍ عَنْ يَمِينِهِ، وَعُمَرُ عَنْ يَسَارِهِ، وَهُوَ مُتَكِيٌّ عَلَيْهِمَا، فَقَالَ: هَكَذَا تُبْعَثُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

(Бу ҳадисни муҳаддислар заиф дейишган)

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирдилар. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу, ўнг тарафларида, Умар ибн Хаттоб чап тарафларида эди. Ва қола ҳаказо нубъасу явмал қиёмаҳ. Қиёмат кунида ўрнимиздан шундай турамин, дедилар. Ёнимда икковлари бўлади, дедилар. Бу ниҳоят даражада катта бир фазилат бу.

روى البخاري عن أبي سعيد الخدري قال خطب النبي صلى الله عليه وسلم فقال إن الله خير عبدا بين الدنيا وبين ما عنده فاختار ما عند الله فبكى أبو بكر الصديق رضي الله عنه فقلت في نفسي ما يبكي هذا الشيخ إن يكن الله خير عبدا بين الدنيا وبين ما عنده فاختار ما عند الله فكان رسول الله صلى الله عليه وسلم هو العبد وكان أبو بكر أعلمنا قال يا أبا بكر لا تبك إن أمن الناس علي في صحنه وماله أبو بكر ولو كنتم مؤمنين خلا من أمي لأتخذت أبا بكر ولكن أخوة الإسلام ومودته لا يبعثن في المسجد باب إلا سد إلا باب أبي بكر : وروى الترمذي وقوى سننه الألباني في المشكاة عن عمر بن الخطاب قال أبو بكر سيدنا وخيرنا وأحبنا إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم"

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам минбарга кўтарилдилар. Хутба қилиб, мен ҳозир, ҳавзи кавсарни устида турибман, дедилар. Яъни, у кишига Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жаннатни, шу минбарда турганларида кўрсатди. Бир бандасига Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, дунёда хоҳлагандек яхши яшашликни, ва хоҳлагандек яшашлик билан, Аллоҳнинг ҳузурига боришликни танлашликда, ихтиёрлик қилди, дедилар. Шунда, банда Аллоҳга рўбарў бўлишликни ихтиёр қилди, дедилар. Шунда, Абу Бакр разияллоҳу анҳу йиғладилар.

Шунда бу чол нимага йиғлаяпти? деб, ҳамма саҳобалар шунақа дедик, дейишди. Бир бандага дунёда хоҳлагандек яшайсанми, ёинки, Аллоҳнинг ҳузурига борасанми? деб ихтиёрни қўйганда, ҳақиқий банда охиратни ихтиёр қиладида. Ҳамма Аллоҳни ҳузурини танлайдида. дедик дейишди. Шунда, Абу Бакр разияллоҳу анҳу туриб, ё Расулллоҳ, онам ва отам сизга фидо бўлсин! Молларимиз, жонларимиз, сизга фидо бўлсин! дедилар.

(Яъни, У киши Пайғамбар алайҳиссаломнинг кетиши, яқинлигини англагани) Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шу хутбани айтиб, минбардан тушдиларда. Ундан кейин, минбар устида қайтиб кўринмадилар. Ана, Абу Бакр разияллоҳу анҳу, шунчалик ҳассос ва зийрак эдилар. Шу сўзни ҳам, ягона бу киши, тушунган эдилар.

إِنْ تَتُوبَا إِلَى اللَّهِ فَقَدْ صَغَتْ قُلُوبُكُمَا وَإِنْ تَظَاهَرَا عَلَيْهِ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ مَوْلَاهُ وَجِبْرِيلُ وَصَالِحُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمَلَائِكَةُ بَعْدَ ذَلِكَ ظَهِيرٌ

Таҳрим сураси 4 оят.

Албатта, Аллоҳ унинг дўстидир. Ва Жибрил ва солиҳ мўминлар ва Малоикалар унинг орқасида туради, деган оятдаги солиҳул муъмининдан мурод ким? дейилганда, муфассирлардан Заҳҳок, бу Абу Бакр ва Умардир деган, экан. Яъни, ким Расулига озор берадиган бўлса, Расулини орқасида Жибрил ва Малоикалар ва мўминларнинг солиҳлари ҳимоясида туради, деган оятда, бу мўминларнинг солиҳлари, Абу Бакр ва Умардир, деган эканлар. Абу Бакр ва Умар ибн Хаттобни, Аллоҳу таоло Ўзини ва малоикаларини сафида зикр қилган, биродарлар!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана солиҳларнинг зикри бўлган вақтда, Ўзининг раҳматини нозил қилади. Солиҳ кишиларнинг энг улуғлари саҳобалардир. Саҳобаларнинг энг улуғлари мана, Абу Бакр разияллоҳу анҳудир. Шу кишининг фазилятлари ўқилинган бўлди. Иншааллоҳ, бу дарс давомида, бошқа саҳобаларнинг фазилятлари ҳам ўқилинади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, гуноҳларимизни мағфират қилсин. Ибодатимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло балоларидан сақласин! Шу дарсимизни давом этишини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло насиб қилсин! Ва шу дарсни фақат эшитиб қолмасдан, амал қилишликка, Аллоҳ тавфиқ берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

21 дарс тугади.

22 Дарс

Катта гуноҳлар ҳақида

(Бу дарсда бешта тоифага мансуб, катта гуноҳлар ҳақида, қисқа шаклда маълумот берилади. Бешта соҳада шариат чегаралар ўрнатган. Буни мақосиди шариа дейилади. Шу бешта йўналишда ўзига хос мавқеъда туриш шартдир. Шулардан тажовуз қилишлик, кабира гуноҳларга дохил бўлади. Ақидада, молда, ақлда, жонда, ирзда, яъни, номусда. Шу бешта соҳадаги хатолар, кабираларга киради. Бу дарсда шулар баён этилади.)

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره، ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له، ومن يضلل فلا هادي له، وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له، وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين، أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

إِن تَجْتَنِبُوا كَبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ نَكَفَّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَنُدْخِلْكُمْ مُدْخَلًا كَرِيمًا

Нисо сураси 31 оят

الكبائر: الشِّرْكُ بِاللَّهِ، وَ قَتْلُ النَّفْسِ، وَ عُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ، أَلَا أَنْتَبِهُكُمْ بِأكْبَرِ الْكِبَائِرِ؟ قَوْلُ الزُّوْرِ
خلاصة حكم المحدث: صحيح

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, бизга хабар бердики, балки, башорат бердики, Сизлар қайтарилган гуноҳларнинг катталаридан ижтиноб қилсанглар, хатоингларни кечирамыз. Ва сизларни хатоингларни кечирамыз, дебгина қолмасдан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, улуғ ўринларга киргизамиз, дейди. Демак, инсон қайтарилган кўп гуноҳлардан қайтса, бу гуноҳлар ичида, катталари бор. Гуноҳи кабиралар. Шу гуноҳи кабиралардан ўзингларни ижтиноб қилиб, четга олсанглар дейди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бошқа хатоингларни кечирамыз. Ва мудҳалан каримо, Муфассирлар тафсири, жаннатга дохил қиламыз, дейди, Аллоҳу таоло. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, гуноҳи кабиралар ичидаги энг катта гуноҳларга ишора қилиб, айтдилар. Муттафақун алайҳ ҳадис. Катта гуноҳларнинг энг катталари, ал ишроку биллоҳ, Аллоҳга шарик келтиришлик, дедилар.

Катта гуноҳларнинг энг катталари, Акбарул кабоир деб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ўқиямиз. Ва Қатлун нафс. Ноҳақ одам ўлдиришлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, буни ҳам кечирмайди, дейилган.

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعَنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا

Нисо сураси 93 оят.

Ким ноҳақ одам ўлдирса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бунга абадий азоб беришлигини, баён қиляпти. Ва уқул волидайне ва шаҳодатиз зуур.

Ота онага осий бўлишлик. Яъни, шариатга мувофиқ бўлган буйруқларига итоат қилмаслик ҳам, катта гуноҳларнинг ичидаги катталаридан ҳисобланади, биродарлар! Ва шаҳодатиз зуур. Ёлғон гувоҳлик беришлик. Бу ёлғон, кизб ва маъсият ўринларида шоҳид бўлиб туриш биродарлар. Шаҳодатиз зуур. Бирон бир кишининг зарарига ёлғон гувоҳлик бериш, мана булар гуноҳи кабиралар ичидаги, катталарига киради. Гуноҳи кабира деганда, фуқаҳоларнинг таърифида,

المعصية التي عليها عقوبة دنيوية المعصية التي عليها وعيد في الآخرة

Гуноҳи кабиралар, маъсиятлар, яъни, Аллоҳу Расулига осий бўлишлик, бунда дунёда уқубати бор. Дунёда жазоси бор. Ё бўлмасам, охиратда ваъид, шу гуноҳлар қилинса, охиратда азоб бор, деган, ваъидлар келган, оят ва ҳадислар бўлган гуноҳлар кабира, гуноҳ дейилади деб, баъзи фуқаҳолар таъриф қилишганлар. Гуноҳи кабираларнинг сони ҳақида, Абдуллоҳ ибн Аббос, айтган эканлар.

قَوْلُ النَّبِيِّ - عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ: اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُوبِقَاتِ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا هُنَّ؟
،قَالَ: الشِّرْكُ بِاللَّهِ، وَالسَّخَرُ، وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ، وَأَكْلُ الرِّبَا، وَأَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ
وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الرَّخْفِ، وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ الْغَافِلَاتِ

Еттита ҳалок қилувчи гунлоҳлардан сақланинглар деган ҳадисга ишора қилиб, улар еттитадан етти юзтагача бор, деган эканлар. Лекин, истиғфор айтилган билан, улар гуноҳи кабира бўлмайди. Бир одам гуноҳи кабирани қилди. Шуни билдию, шу вақтда истиғфор айтса, шу гуноҳи кабира бўлмайди. Вало кабирата маал истиғфор, Вало сағирата маал исғор. Кичик гуноҳлар доим такрорланса, кичик бўлмайди. Яъни, кабира гуноҳ бўлмаган кичик гуноҳларни, давомий суратда қилганда, бу гуноҳи сағира бўлмайди. Гуноҳи кабирага айланиб кетади. Демак, гуноҳи кабирани қилиб, истиғфор айтса, шу гуноҳи кабира бўлмайди. Йўқ бўлиб кетади. Гуноҳи сағирани давомий суратда қилганда, бу гуноҳи сағира бўлмайди. Гуноҳи кабирага айланиб кетади. Гуноҳи кабиранинг даражотларида, фарқлари бор. Шулардан баъзиларига, мен тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ерда далилларини келтирмаймизда, кичик бир ишоралар қилиб ўтамиз. Ҳаммаси лекин, далиллари билан келтирилган.

1. Ал кабоиру фил ақида.
2. Ал кабоиру фин нафс вал ақл.
3. Ал кабоиру фил мол.
4. Ал кабоиру фил ибодот.
5. Ал кабоиру фил усрати ваннасаб.

Мана бу гуноҳи кабираларнинг баъзилари, ақидада. Баъзи, гуноҳи кабиралар инсоннинг ўзида, жасади ва ақлида бўлади. Баъзи, гуноҳи кабиралар, молу дунёда содир бўлади. Баъзи гуноҳлар, ибодатларда содир бўлади. Баъзи, гуноҳи кабиралар, насабда тааллуқли бўлган ишларда, содир бўлади.

Ал кабоиру фил ақида (Ақидадаги гуноҳи кабиралар)

Ақидадаги гуноҳи кабиралар, агарчи биз аввалги айтганимиздек, гуноҳи кабиралар истиғфор билан кечирилади деяпмиз. Кечирилмайдиган гуноҳи кабирани, аввалда зикр қилинган. У Аллоҳга ширк келтиришлик. Аллоҳга ширк келтиришлик гуноҳларнинг энг каттаси ва у кечирилмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ۚ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا

Нисо сураси 116 оят.

Яъни, ибодатни Аллоҳдан бошқага қилишлик, ширқдир! Аллоҳ кечирмайдиган гуноҳи кабиралардандир!

Дуо ҳам ибодат. Имоми Термизий ривоят қилган, ҳасан ҳадис.

الدَّعَاءُ هُوَ الْعِبَادَةُ

Албоний саҳиҳ деган.

الدَّعَاءُ مَخَّ الْعِبَادَةُ

Албоний заиф деган.

Дуо ибодатнинг негизидир. Асосидир. Демак, дуони, Аллоҳдан бошқага қилишлик, ширқдир! Буни, Аллоҳ кечирмайди.

Ақидадаги гуноҳи кабираларнинг биттаси, илмни бекитишлик. Шаръий илмни бекитишлик, гуноҳи кабиралардандир. Хиёнат қилиш, илмга, молга, аҳдга ва умуман хиёнат қилиш, бу гуноҳи кабиралардандир. Ҳар бирига ҳужжат келтиришга вақт етишмайди, биродарлар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمَانَاتِكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ

Анфол сураси 27 оят.

Аллоҳу таоло аҳли илмлардан аҳду паймон олдики, илмни бекитмасдан баён қиласизлар деб, Сураи Оли Имронда.

Фолбинни тасдиқлаш ширқдир! Ёки, сеҳргарни тасдиқлаш. Ёинки, мунажжимни тасдиқлашлик. Юлдузга тааллуқли илмлар билан, ғайбдан хабар берувчини тасдиқлаш ширқдир. Сеҳрни ўрганиш ва у билан шуғулланиш ширқдир.

Аллоҳдан бошқани номига, бирор ҳайвонни сўйишлик ширқдир!

Аллоҳдан бошқага назр қилиш, ширқдир! Аллоҳнинг номидан бошқага қасам ичиш ширқдир! Аллоҳдан бошқани номига қасам ичиш, гуноҳи кабирадир, биродарлар! Бу сўзлар ҳаммаси мусулмонларга тегишлидир. Мабодо бир сўзингизни биров қабул қилмаса, унга ажабланманг. Улар албатта қабул қилмайди. Лекин, Исломни қабул қилган кишига, Аллоҳдан бошқани номига қасам ичишлик, бу гуноҳи кабирадир! Шарафига, фарзандига, фаришталарга ва бошқа бир улуғ кишиларни номига ёки бирор тоққа ва дарахтга қасам ичишлар ҳаммаси гуноҳи кабирадир.

Мусулмон кишига лаънат айтишлик. Мусулмон кишини далилсиз кофир дейишлик. Аниқ кофир бўлган одамни кофирмас дейишлик ҳам, гуноҳи кабирадир, биродарлар! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ва Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам кофир деганни, кофир дейишликка, мушрик деганни мушрик дейишликка, шак шубҳа қилмаслик керак! Аллоҳу Расули номидан кизб, ёлғон сўзлашлик. Мавзу ҳадисларни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тарафидан, саҳиҳ ривоят бўлмаган сўзни айтишлик, бу кизбдир! Бу гуноҳи кабирадир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, мен айтмаган сўзни айтди, деган киши олдин дўзахдан жойини тайёрлаб олсин, деганлар.

Шунинг учун шу ерда ўтирган биродарларга айтаманки, ҳадис ўқиб берганда, шу китобни қўлида ушлаб туриб, шу ҳадисни ким ривоят қилганлигини, тўлиқ айтишликни одат қилсинлар! Мана бу биз, Ҳадисларни айтаётганда диққат қилиб ровийларни айтиб бераётганимиз, китобга қараб айтиб бераётганимиз, бу Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шаънларида, бирор хато қилиб қўймай деган, мақсад билан қилинганми халос. Ҳаммалари ҳам ҳадис ривоят қилаётганларида, шу ҳадисни ким ривоят қилган? Қайси жомеъус саҳиҳда келтирилган? Саҳиҳми? Шу нарсани эҳтиёт бўлиб айтмоқлиги керак!

Аллоҳнинг азобидан хотиржам бўлиш. Гуноҳи кабирадир. Ўлган кишига йиғлаётганда, ўзини шапалоқлаб уриш. Ёинки, овозини чиқариб, Аллоҳ рози бўлмайдиган сўзларни айтишлик, гуноҳи кабирадир. Қадарни инкор қилиш ва ҳар хил сақлагич деб, эътиқод қилиб, уйларга, фарзандига ё сайёрасига осиб қўйишлик. Кўзmunчоқ ё бошқа нарсаларни осиб, шулар мени сайёрамни, (машинамни) уйимни ёки фарзандимни сақлайди, дейишлик, бу гуноҳи кабирадир.

Бизга Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, йўлланма бердилар. Бирор бир нарса ажаблантирса, уйига кирганида хурсанд бўлиб, уйи бир ажабга солса, «Мошааллоҳ, Ло ҳавла вало қуввата, илло биллоҳ!» десин деб, таълим берганлар.

وَلَوْلَا إِذْ دَخَلْتَ جَنَّتَكَ قُلْتَ مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ
Каҳф сураси 39 оят.

Ло ҳавла вало қуввата, илло биллоҳ! деб, шуни айтсанг бўлмасмиди, боғинга кирган вақтда?, деб, Бизга Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шуни, машруъ қилди. Хуллас, биродарлар, қайси нарса Исромада машруъ бўлган бўлса, биз ташлаганмиз. Қайси нарса гуноҳ бўлса, шу нарсани олганмиз.

Ал кабоиру фин нафс вал ақл (Кишининг ақли ва жасадига доир, гуноҳи кабиралар)

Ноҳақ одам ўлдиришлик, гуноҳи кабира. Инсонни ёки ҳайвонни, ўтда ёндириб азоб беришлик. Заиф кишиларга зўравонлик қилишлик. Бу инсоннинг жасади ва ақлига тааллуқли бўлган нарсалар. Заифларга кимлар киради? Етимлар, ўзининг оиласи ва баъзи ўқувчилари ва ёинки, ходимлари, мана буларга забондароз бўлиб, зўравонлик қилишлик. Заиф ҳеч нарса деёлмайди деб, зулм йўлига ўтишлик, булар гуноҳи кабиралардир. Ҳатто, минадиган жонли маркабларга ҳам, зулм қилиш бўлмайди, дейдилар.

Ғийбат қилишлик, чақимчилик, намима, аслида нима? Фитна учун, ёмон гапларни ташиб юришлик. Бу гуноҳи кабиралардандир! Маст қилувчи ичимликлар, ичишлик. Унинг номи нима бўлишидан қатъий назар, Маст қилувчи ичимликларни ҳамма турли номлари, хоҳ ўзбек тилида, хоҳ ажнабий тилларда бўлсин, ҳаммаси гуноҳи кабиралардандир! Заҳар ичишлик, ҳаётдан безор бўлиб, гуноҳи кабиралардандир. Тўнғиз гўштини ёки ўлакани гўштини заруратсиз ейишлик. Музтар бўлиб қолганда, инсон очидан ўладиган бўлиб қолганда, ҳаром бўлган Тўнғиз гўштини ёки ўлакани гўштини ейишлик мубоҳ бўлади. Маълум бир миқдорда ейишлик. Ҳаётни сақлаб қолишлик учун.

Зарар қилувчи ичимликлар ичиш. Гуноҳи кабиралар ичига афюн (наркотик модда) ва духон (сигарета) ва кашандаликлар ҳаммаси киради, биродарлар. Булар ҳаммаси инсонга зарарлигини, мусулмонун кофир табиблар ҳаммаси тан олишган. Умри бўйи кашандалик қилаётган одам ҳам, буни зарарини билиб туриб қилади. Гуноҳи сағира деб, даъво қилган одамлар билсинки, давомли қилишлик билан, гуноҳи сағира ҳам, гуноҳи кабирага айланади. Давомий деб нимани айтади? Давомий гуноҳ, мабодо битта бўлса, у ҳам шу кашандаликдир!

Гуноҳи сағира деганлар даъвосида, кашандалик дунёда битта бўлса, давомли қилиш билан у ҳам кабирага айланади. Ботил нарсани кўтариб, ҳаққа қарши жанжал қилишлик. Гуноҳи кабирадандир. Ўзи гапираётган сўзингиз ноҳақ! Ҳаққа қарши чиқишингиз билан, Ўзингизни раъйингизни бунёдга чиқариш учун, курашмоқчисиз. Бу гуноҳи кабира, биродарлар. Одамларга зулм қилишлик, Ҳақни инкор қилишлик. Ҳақ олдида, ғазаби келишлик. Булар гуноҳи кабирадир, биродарлар. Саҳобаларни сўкишлик. Битта саҳобани сўкишлик ҳам, гуноҳи кабирадир.

Такаббурлик қилишлик. Ужб, (одамларга мақтаниш учун иш қилиш) тажассус (жосуслик) Одамларни доим текшириб, одамлар сизга айтмоқчи бўлмаган гапни, қувиб юриб, эшитишлик. Вало тажассасу деган, Аллоҳу таоло. Ҳаммасига ояту ҳадисдан далиллар келтирилган. Ҳоким олдида бирорта мусулмонга озор беришлик учун, уни ёмонлаб гапиришлик. Яъни, зулмга қуввати етадиган одамини, ўзича ғанимат билиб, бирор мусулмонга зарар етказсин деб, шуни бошқача қилиб гапиришлик. Тимсол ва суратлар. Булар гуноҳи кабирадир. Зарурат бўлганлари мустаснодир. Зарурат бўлганда, инсон ўзини тасвирини кўрсатишга, ҳужжат учун гувоҳликда кўрсатишга, ҳожати тушади.

Ал кабоиру фил мол. (Молдаги гуноҳи кабиралар)

Етимлар молини ейишлик. Гуноҳи кабирадир. Қимор. Унинг номлари қайси тилда бўлсин, ҳаммаси, ҳаромдир. Ҳозирги кунда қиморнинг ютуқ чиқадиган турлари чиққан. Булар ҳаммаси, гуноҳи кабирадир. Ўғирлик гуноҳи кабирадир. Йўл тўсарлик, гуноҳи кабирадир. Молни зўравонлик билан тортиб олишлик, гуноҳи кабирадир. Ришва, порахўрлик, гуноҳи кабирадир. Ўлчовни кам беришлик, гуноҳи кабирадир. Яминул ғамус, бирор молни ё мартабани кўлга киритиш учун, Аллоҳ номига ёлғон қасам ичишлик, гуноҳи кабирадир. Баъзилар Аллоҳ номига қасам ичади, бирор бойликни ёинки, бирор мартабани кўлга келтиришлик учун. Мана бу гуноҳи кабирадир, биродарлар. Баъй олди сотдиларда алдашлик. Аҳдларга вафо қилмаслик. Дарсимизни аввалида айтганимиз, ёлғон гувоҳлик беришлик. Табзир. Ҳаддан ташқари исроф қилишлик. Булар ҳаммаси молга тааллуқли бўлган, гуноҳи кабиралардир. Васият билан зарарлантиришлик. Масалан, ўзини бир қарзи йўқ эди. Меросхўрларига зарар бериш учун, йўқ қарзини қарзим бор деб, бировга беришга васият қилишлик, бу васият билан зарар етказишга киради. Гувоҳликни бекитишлик. Тилло тақинчоқларни эркак кишилар тақишлиги, гуноҳи кабиралардандир. Либосни судралиб юрадиган даражада кийиш ва ошиқни бекитадиган даражада кийишлик, гуноҳи кабирадир.

Ал кабоиру фил ибодот (Ибодатлардаги гуноҳи кабиралар)

Намозни тарк қилишлик. Ёинки, вақтидан таъхир қилишлик, узрсиз ҳолда. Закот бермаслик. Рамазонда узрсиз, рўза тутмаслик. Ҳажга қодир бўла туриб, Ҳаж қилмаслик. Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан қочишлик. Яъни, жон билан, мол билан ва тил билан бўлган, жиҳодлардан. Жума намозини тарк қилишлик. Амри маъруф ва наҳй мункарни қодир бўла туриб, тарк қилишлик. Бавлдан (сийдиқдан) ўзини эҳтиёт қилмаслик. Бунни тури кўп, биродарлар. Ўзини тозаламаслик. Ёки, ҳозирги динсизларга ўхшаган, ўзини бавлидан мутлақо эҳтиёт бўлмаслик. Яъни, таҳоратхонага кирганда ўзини эҳтиёт қилмасдан, кириб чиқишлик. Бавлдан Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам эҳтиёт бўлишликка, буюрдилар. Жамоат намозини ҳам, узрсиз тарк қилиб қўйишлик, гуноҳи кабирага киради. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам «дўст тутардимки, бир кишини имом бўлишга буюрсамда, жамоатга чиқмаганларни уйларини ёндириб юборсам,» деганлар. Шунинг учун гуноҳи кабирага киради. (Бу масалада ихтилоф бор) Буларнинг ҳаммасини далил билан айтсак, узоқ вақт бўлиши учун, айтмасдан ишора қилиб қўйдик.

Ал кабоиру фил усрати ван насаб (Оилага ва насабга алоқадор бўлган, гуноҳи кабиралар)

Зино қилишлик, гуноҳи кабирадир. Зино, ўзини шаръий никоҳида бўлмаган аёл билан, жинсий алоқада бўлишлик. Ливот, бу наузан биллоҳ, эркаклар ўзаро жинсий алоқада бўлишлиги. Покиза мўъмина аёлларни, нопокликка нисбатлаш.

Покиза аёлнинг шаънида, уни зинога тухматлаш, гуноҳи кабиралардандир. Аёл киши ўзининг зийнатларини маҳрамларидан бошқага кўрсатиб юришлиги. Аёл киши ўзини эр кишига ўхшатишлиги. Эр киши ўзини аёл кишига ўхшатишлиги. Гуноҳи кабиралардандир. Ота онага осий бўлишлик. Албатта, гуноҳ бўлмаган ишларда. Агар ота онани буйруғига, гуноҳ иш бўладиган бўлса, итоат қилинмайди. Яқин қариндошларидан, Аллоҳ борди келди, қилишга буюрган қариндошларидан воз кечишлик. Аёл кишининг эрига итоат қилмаслиги. Узрсиз. Ва ҳамда шариат ҳукмларига ҳийла найранглар ишлатишлиги. Мисол қилиб айтганимизда, бир икки, уч талоқ бўлишлиги билан, муттафақун алайҳ, бошқа турмуш қилмагунча, у аёлга уйланиш, мумкин бўлмайди. Шунда шариатни ўйин қилиб, ҳар хил ҳийла найрангларни қилишлик, гуноҳи кабиралардандир. Аёл киши турмуш ўртоғини яхшиликларини инкор қилишлиги, гуноҳи кабирадир. Наҳотки, аёл киши эрини яхшиликларини инкор қилишлиги, гуноҳи кабира бўлса? деб, ажабланишлик мумкин?! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аёлларга ваъз қилганларида, садақа қилинглари, жаҳаннам аҳлини кўпчилиги аёллар эканини кўрдим, деганларида, нима сабаб? деганларида, улар инкор қилишади, дедилар.

Нонкўрлик қилишади ёки кофир бўлишади, деган маънода. Аёллар, Ё Расулulloҳ Аллоҳ ва Расулига кофир бўлишадими? деб сўрашди. Йўқ, турмуш ўртоқларига кофир бўлишади, дедилар. Маъноси нима? деганларида, уларга умр бўйи яхшилик қилсанг, яхшиликларингни инкор қилиб қўйишади дедилар. Мана бу нарсаси, жаҳаннамга киришга сабаб бўлгани учун, гуноҳи кабиралардан саналади. Отасидан бошқага билиб туриб, ўзини нисбатлашлик. Баъзи, дунёда шундай одамлар бўлар эканки, биродарлар, бирор давлатманд одамни, ўзини дадаси бўлмасада, уни меросини олишлик учун, уни дадам деб, шундай нарсалар ҳам бўлган экан. Бунга ажабланишни кераги йўқ! Ҳозирги вақтда ҳам, дунё учун қилинаётган ишлар, ундан каммас, биродарлар.

Илгариги вақтда, инсон дунё учун шунақа ишлар қилар экан дейилса, ҳозирги вақтдаги қилинаётган ишларни айтилса, йўқ, инсон бунга қилмаса керак, дердик. (Бугун шулар бўлаяпти) Ўзининг хотинини, зино қилишига рози бўлишлик. Гуноҳи кабиралардандир. Қўшнига озор беришлик, гуноҳи кабирадир. Эркакми аёлми, кўпроқ аёлларда топилади. Қошларини теришлик. Сочларини улашлик. Тишларини орасини очиб, ҳар хил зийнат услублари бор. Мана бу нарсалар, гуноҳи кабиралардандир. Гуноҳи кабираларни эслатиб ўтилди. Бу гуноҳи кабиралардан тийилишлик билан, Аллоҳ таоло бошқа хатоларни мағфират қиламан деб, ваъда қилаяпти. Гуноҳи кабираларни ҳаммаси шу деб, эътиқод қилиб қолинмаслиги керак. Бошқа кўп гуноҳи кабиралар борки, уларни биз, вақтни қисқалигидан айтмадик. Аввалги дарсларимизда айтганимиз учун, кифояландик. Масалан, биттаси ғино, мусиқа. Бу ҳам, гуноҳи кабиралардандир.

Мусиқа ҳақида

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда,

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًا ۚ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ
Луқмон сураси 6 оят.

Одамларнинг баъзиси, лаҳвал ҳадисни, на динга ва на дунёга кераги йўқ, маъносиз нарсаларни, сотиб олишади. Одамларни билимсизлик билан, Аллоҳнинг йўлидан адаштиришлик учун ва бу Аллоҳнинг йўлини, ҳазлий нарса қилишлик учун, шундай қилишади. Муфассирларнинг кўплари, лаҳвал ҳадисдан мурод, ғино, мусиқа, дейишганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд, ғино деганлар.

Ҳасанул Басрий, ғино ва мазомир ҳақида, нозил бўлган, деган.

وَأَسْتَفْزِرُ مَنْ أَسْتَفْتَيْتُ مِنْهُمْ بِصَوْتِكَ وَأَجْلِبُ عَلَيْهِمْ بِخَبْرِكَ وَرَجْلِكَ وَشَارِكُهُمْ فِي الْأَمُولِ وَالْأَوْلَادِ وَعِدَهُمْ وَمَا يَعْدُهُمُ الشَّيْطَانُ إِلَّا غُرُورًا
Исро сураси 64 оят.

Шайтонга Аллоҳу таоло айтдики, ўзингни товушинг билан, хоҳлаганларингни елкасини учириб олиб кет! деди. Шу оятни тафсир қилиб, Мужоҳид айтган эканларки, бундан мурод ғино! Маст қилувчи ичимлик инсоннинг жасадини ишдан чиқарганга ўхшаган, ғино, инсоннинг руҳини ишдан чиқаради. У ҳаётни ҳазлий нарса деб, билиб қолади. У ҳаётдаги инсоннинг вазифаларини, эсдан чиқаради. Шу мавзуда, баъзи мунозаралар бўлаяпти. Баъзи кишилар, кўнглида ғинога мойиллик борлиги учун, кечалари билан истаб, рухсат бор экан деб, ҳужжат истаб юрмасликлари учун, мен шу нарсани, ўзим ўқиб бераман. Ғино мутлақо мумкинмасми ё, мумкин жойи ҳам борми? Деган, савол бўлади. Ғино мумкин, деган кишилар, Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисни, олиб келтиришади.

دَخَلَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعِنْدِي جَارِيَتَانِ تُغَيَّيَانِ بِغَنَاءٍ بُعَاثٌ، فَاضْطَجَعَ عَلَى الْفَرَاشِ وَحَوَّلَ وَجْهَهُ، فَدَخَلَ أَبُو بَكْرٍ، فَأَنْتَهَرَنِي وَقَالَ: مِزْمَارَةُ الشَّيْطَانِ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ! فَاقْبَلْ عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: دَعُهُمَا
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Оиша разияллоҳу анҳо, ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳужрамга кириб келдилар. У кишининг олдида, иккита жория бор эди. Жория ким? Камолот ёшига етмаган қизчани, жория дейди, араб тилида. Икковлари дуф уриб туришарди. Дуф деб, бизни тилимизда айтганда, чилдирмани айтамыз. Шуни чалиб туришганди. Абу Барк разияллоҳу анҳу кирдиларда, уларни зажр қилдилар. (Тўхтатдилар ва койидилар) Шунда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, уларни ўз ҳолига қўйинг! дедилар. Ҳар бир қавмининг, байрами бўлади. Бизнинг байрамымиз шу кун, дедилар. Ийди қурбон ё, ийди фитр кунлари эди. Бу ҳадиси шариф, Имоми Бухорийнинг Жомеъус Саҳиҳларида келтирилган.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "فَصَلُّ مَا بَيْنَ الْخَلَالِ وَالْحَرَامِ: الدُّفُّ وَالصَّوْتُ فِي النِّكَاحِ

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ҳалол билан ҳаромни ўртасидаги нарса, дуффни уриб туришлик ва товуш чиқариб туришлик, яъни, шариатга зид бўлмаган шеърларни айтиб туришлик, никоҳ вақтида, дедилар. Исломий нашидлар ва Исломий руҳларни ифодаловчи шеърларни ўқишлик, ҳам мумкин. Иш вақтларида қаттиқ ишлар пайтида ўқишлик ҳам, шариатга мувофиқ ишдир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бунни қилганлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Хандақ кавлаётган вақтларида, ишлаётган кишиларни журъатлантиришлик учун,

اللَّهُمَّ لَا عَيْشَ إِلَّا عَيْشُ الْآخِرَةِ،
فَاغْفِرْ لِلْأَنْصَارِ وَالْمُهَاجِرَةِ

(Бу шаклдаги матн топилмади. Қуйида шуни бошқаси, саҳиҳ ривоят билан келди.)

اللَّهُمَّ لَا خَيْرَ إِلَّا خَيْرُ الْآخِرَةِ
فَاغْفِرْ الْأَنْصَارَ وَالْمُهَاجِرَةَ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Эй Аллоҳ, охират ҳаётидан, бошқа ҳаёт йўқ. Ансорлар ва муҳожирларни гуноҳларини, Ўзинг мағфират қилгил! деган, Абдуллоҳ ибни Равоҳанинг шеърларини, ўқирдилар.

Саҳобалар ҳам,

نحنُ الَّذِينَ بَايَعُوا مُحَمَّدًا
على القتالِ ما بقينا أبدًا
صحيح ابن حبان

Муҳаммад алайҳиссалом билан жиҳодга байъат қилганлар, Бизмиз, Модомики ҳаётда тирик бўлсак, деб, шеър билан жавоб, қилишардилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, саҳобалар билан, Хандақ кавлаётганда, Абдуллоҳ ибни Равоҳанинг, мана бу шеърини ҳам ўқирдилар.

اللَّهُمَّ لَوْلَا أَنْتَ مَا اهْتَدَيْنَا
وَلَا تَصَدَّقْنَا وَلَا صَلَّيْنَا
فَأَنْزِلْ سَكِينَةً عَلَيْنَا
وَتَيِّبِ الْأَفْدَامَ إِنَّ لَاقَيْنَا
إِنَّ الْأَلَى قَدْ بَغَوْا عَلَيْنَا
وإن أرادوا فِتْنَةً أَبِينَا

Муттафақун алайҳ. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, Аллоҳнинг ҳидояти бўлмаса, биз ҳидоятланмасдик. Садақа қилмаган ва намоз ўқимаган бўлардик. Бизларга оромни туширгин! Қадамларимизни мустаҳкам қилгин! Душман билан рўбарў бўлганимизда. Мушриклар бизга тажовуз қилишди. Агар динимизда фитна қилмоқчи бўлса, биз бош тортамыз. Абайно деган ерида, саҳобалар ҳам қўшилиб, абайно айбайно, Биз бош тортамыз. Биз бош тортамыз. дейишардилар.

Мана бу нарсa, бизга оғир ишда, дуо зикр ва баъзи бир, шеърларни жўр бўлиб ўқишга рухсат борлигини билдиради. Чунки, шу ишлаётган кишиларнинг ишини енгиллатади. Рухсатлик бўлган ерлар, шулардан иборат. Буни асос қилиб, биродарлар, бутун шайтоний мажлисларга рухсат бериш, мумкинмас. Бир киши, шу нарсани қилмоқчи бўлса, уни ҳеч қандай шариатга боғламасдан туриб, мени табиатим шу деб, қилаверсин! Бизнинг у қилаётган одамлар билан, ишимиз йўқ. Бир одам Ислоннинг жавобини истаса, мана шу жавобдир!

Тасвир ва тимсоллар ҳақида

Сурат ва шакл, яъни, жонлик нарсаларнинг шакллари ҳақида. Аввал айтиб ўтганимиздек, Нуҳ сурасидаги бутларнинг номлари, аввалда ўтган солиҳ кишиларнинг номи бўлиб, улар ўтиб кетгач, уларнинг шаклларини қилиб, уларга ибодат қилишганини айтганмиз.

وَقَالُوا لَا تَذَرُنَّ آلِهَتَكُمْ وَلَا تَذَرُنَّ وَدًّا وَلَا سُوَاعًا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ وَنَسْرًا
Нуҳ сураси 23 оят.

Вадд, Сувоъ, Яғус, Яку, Наср булар ҳаммаси, Нуҳ алайҳиссаломдан олдинги даврда ўтган солиҳ кишиларнинг номлари бўлиб, кейинги авлод буларга ибодат қилишиб олган. Суратлар ҳақида ҳадисда борки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Али бин Абу Толибни сафарга жўнатиб, айтганлар.

قال لي علي بن أبي طالب ألا أبعثك على ما بعثني عليه رسول الله صلى الله عليه وسلم أن لا تدع تمثالا إلا طمسته ولا قبراً مشرفاً إلا سويته

Имоми Муслим ривоятида

أَنْ لَا تَدَعَ صُورَةً إِلَّا طَمَسْتَهَا، وَلَا قَبْرًا مُشْرِفًا إِلَّا سَوَّيْتَهُ" رواه مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам дедиларки, жонли нарсаларнинг тимсолларини кўрсангиз, йўқотиб кетинг. Баланд қабрларни кўрсангиз, ерга пастлатиб кетинг. Бошқа ривоятда суратни кўрсангиз бўяб кетинг, дедилар. Чунки, бу суратлар ҳаммаси, бизларни ширкка олиб боради. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан Оиша разияллоҳу анҳо, ривоят қиладилар.

أَنَّهَا اشْتَرَتْ تُمْرَةً فِيهَا تَصَاوِيرُ، فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْبَابِ فَلَمْ يَدْخُلْ، فَقُلْتُ: أَتُوبُ إِلَى اللَّهِ مِمَّا أَذْنَبْتُ، قَالَ: مَا هَذِهِ التَّمْرَةُ قُلْتُ: لَتَجْلِسَ عَلَيْهَا وَتَسِدَّهَا، قَالَ: إِنَّ أَصْحَابَ هَذِهِ الصُّورِ يُعَذِّبُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يُقَالُ لَهُمْ: أَحْيَا مَا خَلَقْتُمْ وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَا تَدْخُلُ بَيْتًا فِيهِ الصُّورَةُ
خلاصة حكم المحدث: صحيح

Бунда суратлар бор эди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам кўрганларида дарвоза олдида туриб қолдилар. Юзларида ёқимсизлик белгиси кўринди. Аллоҳу Расулига тавба қиламан. Нима гуноҳ қилдим? дедилар Оиша разияллоҳу анҳо. Бу мато нима? дедилар. Буни устида ўтирасиз деб, сотиб олдим, дедилар. Буни биродарлар, болиш деб, тушунилмасин. Бу ҳам, шу болиш шаклида бўлган ва ҳар бир одам ўтирадиган нарса бўлган. Узундан узун тўшаклар бўлганмас у вақтда. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу сурат эгалари қиёмат кунини азобланишади, дедилар. Уларга ўзинглар яратдим деб, даъво қилган нарсаларга, жон қирғизинглар, дейилади. Сурат бўлган уйга, фаришталар кирмайди, дедилар. Имоми Бухорий ривоятида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам уйда сурат борлиги учун, кирмаганлар, ҳатто шу сурат йўқотилмагунча.

Мен шу билан айтмоқчиманки, биродарлар, бу суратлар ҳаёсиз суратмас эди, булар. Бу айтилаётган суратлар ҳаёсиз суратлар, эмасди. Шундай суратлари бор уйга, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Малоикалар кирмайди, деядилар. Ҳозирги вақтда, ҳаёсиз суратлар тарқалган. Бу нарсалар аввалда, жиноят эди. Мабодо, бир киши ҳаёсиз суратни кўтариб келаётганда ушланса, жиноий жавобгарликка тортиларди. Ҳаёсиз тамошолар бўлса, жиноий жавобгарликка тортиларди. Бу нарсанинг динга зарарини, ҳеч ким билмасди. Шунинг учун, бунга қаршилиқ қилинарди. Бу нарса, динни асосий йўқ қилиб берадиган нарса экани маълум бўлганидан кейин, бунга рухсат бўлиб кетди.

Саҳюнийлар мана бу суратлар орқалик, динни одамлар қалбидан йўқотиб ташлайди. Ҳаёсиз суратни кўришлик билан, завқланган қалбда, Аллоҳнинг муҳаббати бўлмайди, у ерда биродарлар. Сурати бор бўлса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам кирмаган бўлсалар. У суратни пулга сотиб олинса, биродарлар. ?! Уйига ўз ихтиёри билан олиб кирса? Уни соатлаб тамошо қиладиган бўлса, у уйда малоика бўлмаслигига, шак шубҳа йўқ, биродарлар. У ерда шу сурат ва шу суратни эгасига ўхшаган, махлуқлар бўлади, у ерда. Ҳаёсиз суратлар шаръан маън қилинган! Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олиш керакки, сурат бўлган ўринга кирмаганлар. Ҳатто йўқотилмагунча.

Беш тоифа намозхон ҳақида

Уламолардан баъзилар, одамлар намозда беш мартабалик (тоифа) бўлишади, дейишган. Ўзимизни тарбиялайдиган намозни билишлигимиз учун, шуни ўқиб бермоқчиман.

1. Тоифа Ўзига зулм қилган, намозхон. (намозни ташқи кўринишида, нуқсонлари кўп)

فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ
Моун сураси 3.4 оятлар

Намозига бепарво бўлган кишиларнинг ҳолига вой деяпди, Аллоҳу таоло. Намозни ўқимайдиганларнинг ҳолига войлигига, шак шубҳа йўқ. Бу ким? Таҳорати нуқсонлик. Намоз вақтларини риоя қилмайди. Намознинг зоҳирларига ҳам, риоя қилмайди. Бу одамнинг ҳолига вой, биродарлар! Бу вайл эълон қилинган намозхон, азобланади.

2. Тоифа, Қалбида васваса билан намоз ўқийдиган намозхонлар. (намозни ботиний шартларига риоя қилмайдиган) бу тоифа Таҳорати нуқсонсиз. Намоз вақтларини риоя қилади. Намознинг зоҳирлари риоя қиладию, қалбидаги васваса билан курашмайди. Нима ҳаёл бўлса, ўзини қўйиб беради. Бундан мурод ҳаёлига бир нарс келмасин, деганимас. Инсон борки, ҳаёлига бир нарс келади. Шайтон васваса қилади. Шу билан курашга эътибор бермайди. Бу иккинчи намозхон, қиёматда ҳисоб беради.

3. Тоифа намозхонлар, Намозларнинг ҳудудини, рукнларини, вақтларини риоя қилган. Васвасага қарши курашган. Васваса келишини ҳам шайтон тўхтатиб қўймайди. Бу ҳам курашишни қўймайди. Бу одам, ўзининг ашаддий душмани шайтон билан, доим мужоҳадада. (Курашда) Ҳам намозда ва ҳам жиҳоддадир. (Бу одам намозига савоб олади, иншааллоҳ)

4. Тоифа намозда рукнларини қоиим қилган ҳолатда туради. Қалбини бутун ҳудудларни риоясига бағишлайди. Бирор бир нарсани, зоеъ қилиб қўймай, дейди. Бу одам убудийят билан сифатланган кишидир. Робб таолога ҳақиқий абд (банда) бўлаётган кишидир. Бу одам албатта, савоб олади.

5. Тоифа намозда гўёинки, ўзини Аллоҳнинг олдида тургандек ҳис қилиб туради. Қалби билан тамоми Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони кўриб тургандек, ибодат қилади. Аллоҳнинг муҳаббати, Азаматини кўриб тургандек, тасаввур қила олади. Ундан васвасалар йўқ бўлиб кетади. Бу одам муқарраб, Аллоҳга яқин бўлган, одам ҳисобланади. Аввалги иккита намозхон билан, охирги намозхон бир сафда тургани билан, ўртасида, мағриб билан машриқча фарқи бор, биродарлар!. Охирги иккита сифатни, одам ўзида пайдо қила олса, намозда қувонч пайдо бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло билан, бир мулоқот қилиб, лаззатлангандек бўлиб, намоздан чиқади. Биз умримизни сафсата нарсалар билан ўтказиш ўрнига, шу беш вақт намоздаги ўзимизни тарбиялашликни ғанимат билмоқлигимиз керак. Одам ўзини намозини риоя қиладиган бўлса, ҳаётини ҳаммасини, ибодатга айлантира олади.

Бир киши имонни ҳақиқати ҳақида, савол берган эди. Шунга жавоб бериб ўтамиз. Баъзи бир кишилар, имоннинг ҳақиқати ҳақида, онг у, бу деб, бош қотира бошлашган. Биз имонни ҳақиқати нималигини, китобу суннатга қараб, айтамыз. Раъйимиз билан айтмаймиз. Шу ҳадис билан, қисқа жавоб бериб қўяман. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ҳорис исмлиқ саҳобага, кайфа асбахта ё Ҳорис? дедилар.

وأما الحديث المشهور بين الناس عن الحارث بن مالك الأنصاري ، أَنَّهُ مَرَّ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ لَهُ : كَيْفَ أَصْبَحْتَ يَا حَارِثُ ؟ قَالَ : أَصْبَحْتُ مُؤْمِنًا حَقًّا ، فَقَالَ : أَنْظِرْ مَا تَقُولُ ، فَإِنَّ لِكُلِّ شَيْءٍ حَقِيقَةً ، فَمَا حَقِيقَةُ إِيمَانِكَ ؟ فَقَالَ : قَدْ عَزَفْتُ نَفْسِي عَنِ الدُّنْيَا ، وَأَسْهَرْتُ لَيْلِي ، وَأَطْمَأَنَّ نَهَارِي ، وَكَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى عَرْشِ رَبِّي بَارِئًا ، وَكَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى أَهْلِ الْجَنَّةِ يَتَزَاوَرُونَ فِيهَا ، وَكَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى أَهْلِ النَّارِ يَتَضَاغُونَ فِيهَا . فَقَالَ : يَا حَارِثُ عَرَفْتَ فَأَلْزَمَ . ثَلَاثًا

فهذا الحديث رواه الطبراني في " المعجم الكبير " (3/266) وهو حديث ضعيف لا يصح

(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Қандай тонг оттирдингиз, деганда, ҳақиқий мўмин бўлиб тонг оттирдим, дедилар. Шунда, имонингизни ҳақиқати нима? дедилар. Гуноҳ иш қилсам, жаҳаннам ичида қолгандек тасаввур қилоламан, дедилар. Агар Аллоҳга ибодат қилсам, яхши амаллар қилсам, жаннатни ичида юргандек, тасаввур қила оламан, дедилар. Имонни ҳақиқатини топибсиз, маҳкам ушланг! дедилар. (Бу ерда ҳадисни ичидаги бир қисмининг, мазмунини айтилди) Имоннинг ҳақиқати ҳақида, бошқа гапни кўпайтиришга ҳожат йўқ. Бу масалада, баъзилар онг, тафаккур ва бошқа, ўзининг фалсафий фикрлари билан баён қилишлиги, менимча тўғри бўлмаса керак? Ҳорис бу Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг улуг саҳобалари. Бу киши ҳақида, айтадиларки, бу кишини кўрдим, пешанаси туянинг тиззасига ўхшаб кетган эди, дейдилар. Яъни, саждада узоқ турганлигидан.

Кишилар дуо қилишни сўрашибди. Бу биродарлар, бу минбарда биз кўпроқ умумий дуолар қиламиз. Минбар бу, шахсий ишларни гапирадиган жой бўлиб қолмаслиги керак. Биз шу минбар омонатига хиёнат қилиб қўймайлик деб, шу умумий дуолар қиламиз. Менга ҳам дуо қилайлик деб, бу ерда туриб, шундай қилманглар. Менга дуо қилмоқчи бўлсангиз, ғойибда, ҳеч ким йўқ ерда, дуо қилиб қўйинглар, тамом. Мен ҳам шундай қиламан. Бири биримизга ғойибона дуо қилсак, шу етади. Минбарда фақат, Аллоҳу Расулини сўзи бўлмоқлиги керак. Албатта, бизга муҳаббатингларни изҳор қилмоқчи бўлсанглар, бизга қанчалик муҳаббатинглар бор? Бу нарсани Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи билади. Қалбларни билиб туради. Бири биримизга ғойибона дуо қилсак, шу етади. Умумий дуо қиламиз, бу ерда ғойиб бўлиб турган мусулмонларни ҳаққиға, дуолар қиламиз.

وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا ذُرِّيَّتًا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِمَتِّقِينَ إِمَامًا

Фурқон сураси 74 оят

Худоё бизнинг фарзандларимиздан ва жуфтларимиздан кўзимиз қувонадиган қилгин. Мўмин одамни кўзи нимага қувонади? Ўзининг аҳли Аллоҳу Расулига итоат қилаётганлигини кўрса, қувонади. Фарзандларини, Аллоҳу Расулига итоат қилаётганлигини кўрса, қувонади.

Шунақа қувонадиган жуфтлар ва қувонадиган фарзандлар бер, деган дуоларни ўқиб, ўтамин биродарлар! Ҳақиқатда, фарзанди бўлмаган киши, Аллоҳ менга фарзанд берса, у динга хизмат қилса, деган орзуси бўлади. Бу нарса, умумий дуо қилинади. Лекин, минбардан бошқа ерда ҳам, бу дуоларни қилиш мумкин.

اللهم أعز الإسلام والمسلمين، وأذل الشرك والمشركين،

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу дарсимизни китобу суннатга мувофиқ бўлишлигига, Ўзи тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шу дарсни билиш ва унга амал қилиш ва унга чақириш ва бу йўлдаги қийинчиликларга сабр қилишликни, ҳаммамизга Аллоҳу таоло насиб қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммаларимизни фарзандларимизга ва жуфтларимизга китобу суннатга мувофиқ амал қилишликка, тавфиқ берсин! Шундай, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғига итоат қиладиган жуфтлар ва Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғига итоат қиладиган фарзандлар, ҳаммамизга Аллоҳу таоло насиб қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи аждаъин! Омин!

22 дарс тугади.

23 Дарс

Диндаги тўрт асос ҳақида

(Бу дарс мавзуси, олдинги китобдаги, 17 дарс билан бир хил бўлиб, Илм, амал, даъват ва сабр ҳақида, янада кенгроқ, батафсилроқ тафсир қилинади. Биринчи жузъда шу мавзуда дарс бўлганди. Эътибор бериш лозимки, ҳар бир асос ўз ичига яна учта асосни олади. Илмдаги учта асос, Аллоҳни таниш, Расулини таниш ва Динни танишлиқдир. Аллоҳни танишлиқда учта асоса, Рубуийят, Улуҳийят ва Асмои сифот тавҳидидир. Динни ҳам учта асоси билан таниймиз. Имон, Ислому ва Эҳсон. Шулар ҳаммаси битта, Илмга тааллуқлидир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу оламни яратиб ўз ҳолига ташлаб қўймади. Доим Аллоҳнинг буйруқларини етказадиган элчилар қилиб, ўзларининг жинсларидан танлади. Бу элчиларга фақат, бир динни ваҳй қилди. Бу дин Ислому динидир.

إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ

Оли Имрон сураси 19 оят

Аллоҳнинг ҳузуридаги Дин фақат Ислому динидир. Одам алайҳиссалом ўзларининг давридаги санокли кишиларга олиб келган дин Ислому дини эди. Умумбашариятнинг гўдаклик босқичи деб эътибор қилсак, уларнинг ақл ва идрокларига мувофиқ бўлган шаклини жўнатган. Муҳаммад алайҳиссалом даврида, башарият гўёинки, инсоннинг камолот ёшига етгандек, камол топган. Ва бу Дин, Ислому ҳам камол топди.

الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا

Моидасураси 3 оят.

Бугун динингларни сизларга комил қилдим, дейди, Аллоҳу таоло. Демак, Дин, Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида, камол топди. Ва шу камол топганлигича, қиёматгача боқий қолди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ерга ёлғиз Ўзи меросхўр бўлгунча, (қиёматгача) бу Дин комил қолади. Пайғамбарлар инсонларга нима деди?

أَيُّهَا النَّاسُ قُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ تَقْلَحُوا

خلاصة حكم المحدث : صحيحا

Бизнинг динимизнинг асоси.

لا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

Диннинг комил рукнидир. Яъни, Аллоҳдан бошқа Маъбудни инкор қилиш. Фақат Аллоҳнинг Маъбудлигини исбот қилиш. Аллоҳдан бошқа Маъбудни инкор қилиш ва Аллоҳнинг ягона Маъбудлигини исбот қилишни, ўз ичига олади.

Суфён ибн Уяйна айтган эканларки,

قال سفيان بن عيينة - رحمه الله - " ما أنعم الله على العباد نعمة أفضل من أن عرفهم لا إله إلا الله " وإن لا إله إلا الله لهم في الآخرة كالماء في الدنيا
شعب الإيمان للبيهقي

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандаларга, Ла илоҳа иллоллоҳни танитиб қўйишдан, каттароқ неъматни бермади. (Юқоридаги асарни мазмунини бир қисми айтилди. Уни давомида, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, охиратда, бандалар учун, бу дунёдаги сувни ўрнида бўлади, дейилган. Яъни, сувга инсон қанчалик муҳтож бўлса, бу калимага ҳам, шунчалик муҳтож бўлади, деган маънода)

Агар бир киши Ла Илоҳа иллоллоҳ неъматини танишган бўлса, энг катта неъмат эгаси бўлибди, шу одам. Кўрсангиз, банда, Ла Илоҳа иллоллоҳ неъматини танишлик билан, Аллоҳ бандаларни қайтарган нарсаларнинг энг каттаси, ширқдан озод бўлади. Ва Ла Илоҳа иллоллоҳ, калимасини ким айтса, жаннатга дохил бўлади деган, мукофотга сазовор бўлади. Шунинг учун ҳам биз, Ла Илоҳа иллоллоҳ калимасини билишга маъмурмиз. Ўтган дарсларимиз кўпи, мана шу нарсани ўз ичига олди. Шу калима билан боғлиқ ва биз билишимиз лозим бўлган, тўртта масала бор. Бу тўртта масаладан биринчиси, Илмдир.

1. Илм. Илм, Аллоҳни таниш, Муҳаммад алайҳисаломни таниш ва дини исломни далиллари билан танишни, ўз ичига олади. (имон ҳам шудир)

2. Амал қилиш. Бизнинг бошқалардан фарқимиз, илмга амал қилишлиқдир. Бошқалардан илмдаги фарқимиз шуки, улар дунёдаги ҳамма илмни олиб, Шу илмни маркази бўлган Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан, бебаҳра бўлиб яшайди. Яъни, илмнинг алифбосини билмаган ҳолатда, илм дарёсига кирмоқчи бўлади. Яратувчи бўлган Зотни танимайди. Сиғинадиган Маъбудини танимайди. Шу Маъбуди тарафидан жўнатилинган, элчини танимайди. Ўзининг мукаррам қилиш учун жўнатишган неъматини исломни, танимасдан яшайди. Исломнинг маъноси бўйсунтиришдир. Шунга амал қилишлик билан, фарқ қиламиз. Иккинчи нарсамалдир, биродарлар!

3. Шу илмга чақиришлик.

4. Сабрга чақиришлик. Биз шуни билмоғимиз керакки, шу илмни олиб, унга амал қилиб, унга даъват қилар эканмиз, кўп озорлар етади. Буни яхши билмоқлигимиз керак. Фарзандларимизни ёшлик вақтидан, огоҳлантириб қўймоқлигимиз керак. Худди, Луқмонул Ҳаким, ўзининг ўғлини огоҳлантирганидек.

يَا بُنَيَّ أَقِمِ الصَّلَاةَ وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ وَانْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأَصْبِرْ عَلَى مَا أَصَابَكَ إِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ
Луқмон сураси 17 оят

Луқмонул Ҳаким «Эй ўғлим намозни барпо қилинг. Маъруф ишларга буюринг ва мункардан қайтаринг ва бу йўлдаги қийинчиликка сабр қилинг» деди. Намоз ўқисангиз, маъруфга буюрсангиз ва мункардан қайтарсангиз кам бўлмайсиз, демади, Луқмонул Ҳаким. Одамлар ўртасида обрўлик бўлиб яшайсиз, демади.

Ёинки, сизга яхши бир дунёлар насиб бўлади, демадилар. Балки, бошингизга етган мусибатга сабр қилинг, дедилар. Бу мижозий масаламас бу. Намозни барпо қилиш, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш бу жиддий иш бу! Бу тарк қилиниши мумкинмас бўлган нарсадир бу деб, болалик вақтида, Луқмонул Ҳаким фарзандига таълим бердилар. Мен тарғиб қилманглар, демоқчимасман. Мукофот тайин қилманглар, демоқчимасман. Лекин, илм ўқишдан мурод фақат, мукофот бўлиб қолмаслиги керак. Мукофотики, бир дунёвий нарса. Масалан бизнинг фарзандларимиз ҳаммаси, маълум бир, дунёвий нарса учун, илм ўқишади. Ҳаким ота, бу йўлдаги келажакни ҳам, баён қилиб қўяди. Мана бу озорга сабр қилиш, биз билишлигимиз зарур бўлган, тўртта нарсанинг биридир. Булар ҳаммаси жам бўлиб, аср сурасида

وَالْعَصْرِ
إِنَّ الْإِنْسَانَ لَفِي خُسْرٍ
إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَتَوَّصُوا بِالحَقِّ وَتَوَّصُوا بِالصَّبْرِ
Аср сураси

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма инсонлар зиёнда эканлигини, қасамёд қилиб айтяпти. Аср вақтига ёки, замонга қасамёд қилиб айтяпдики, ҳамма инсон зиёндадир магар, тўрт нарса эгалари, мустасно бундан. Имон, мана бизда, илм. Илм, асли Имон.

Имон насиб бўлмаган одамни, жоҳил деб, биз иккиланмасдан айта олишимиз керак. Чунки, у илмни аввалидан бебаҳра одам. Иккинчиси амал. Ҳаққа васият қилишлик, бу даъват. Сабрга васият қилишлик, бу шу йўлдаги бошига етган мусибатларга, сабр қилишлиқдир. Шунинг учун Имоми Шофий, агар Аллоҳу таоло, Ўзининг халқига, шу сурадан бошқа сурани туширмаганда, шу кифоя қилган бўларди, деган эканлар. Шу сура ўзи бизга ҳужжатликка, кифоя қилади. Чунки, Аллоҳу таоло, қасамёд қилиб, инсон зотики, зиёнда бўлишига, шак шубҳа йўқ, деяпти. Зиённи маъносини ҳам, билиб қўяйлик. (Зиён кўриш, бу охирада, зиён кўришлиқдир!) Ҳозирги асрда, зиённи фақат иқтисодий зиён деб, ўйлаб қолдик, биродарлар. Чунки, биз иқтисод илоҳига сиғинтирилган фалсафада, улғайганмиз.

Шунинг учун биз зиён деганда, иқтисодий зиённи тушунамиз. Фойда деганда ҳам, иқтисодий фойдани тушунамиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу ерда, қасамёд қилиб инсон номики, хоҳ кекса бўлсин, хоҳ ёш бўлсин, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, хоҳ олим бўлсин, хоҳ илмсиз бўлсин, ҳаммаси зиёнда бўлишига магар, шу тўрт сифатни олган кишиларгина зиёндан чиқади, деяпти. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, аср сураси билан, бизнинг устимизда ҳужжатни барпо қилди.

Илмдаги учта асосни биринчиси, Аллоҳни танишлиқдир

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло учта нарсани билишни лозим қилди. Бу учта нарса диндаги учта асосдир. Биринчиси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони танишлик. Қисқа ва ижмолий суратда танишлик, шартдир. Роббим мени ва барча оламни яратган ва тарбия қилиб турган Зотдир. Бу мени ва бутун оламни тарбия қилувчи Зот, менинг Маъбудим. Бу Маъбуддан бошқа маъбуд йўқ! Деб, эътиқод қилмоқлигимиз керак. Роббимни, Роббимга далолат қилувчи аломатлар билан танийман. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда айтади.

وَمِنْ آيَاتِهِ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ
Фуссилат сураси 37 оят

Ва ҳаказо, шундай оятлар, Аллоҳни аломатларидан танийман деб, эътиқод қилмоқлигимиз керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг оятларига қуръони каримда кўп ишорат қилди.

إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ يُغْشِي اللَّيْلَ النَّهَارَ يَطْلُبُهُ حَثِيثًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ وَالنُّجُومَ
مُسَخَّرَاتٍ بِأَمْرِهِ ۗ أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ ۗ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ

Аъроф сураси 54 оят

Мана бу оятлар, Робб Субҳонаҳу ва таолони, оятлар ва аломатлар билан таниш лозимлигига ишора қилади. Робб Субҳонаҳу ва таолони кўрадиган кўз, ер куррасида яратилганмас. Мусо калимуллоҳ, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, «менга Ўзингни кўрсат!» деди. Аллоҳу таоло «лан тарони,» Мени ҳаргиз кўра олмайсан, деди. Ер куррасида Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кўрадиган кўз, яратилганмас. Лекин, қиёмат куни, Аллоҳу таолони, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандалари, кўради.

وَجُودٌ بِوَمَنٍ نَّاصِرَةٌ . إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ
Қиёмат сураси 22, 23 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу оятларда, Аллоҳу таолони, кўришликни хабарини бераяпди. Демак, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандалар, қиёматда Аллоҳни кўради. Ҳаётда инсон Роббисини оятлари билан танийди. Робб Субҳонаҳу ва таоло, бутун оламни тарбиятқунандасигина, Маъбудликка (ибодат қилинишликка) лойиқдир.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ
Бақара сураси 21 оят.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонларни, ибодатга буюрган вақтида, Роббингларга, тарбиятқунандангларга ибодат қилинглар деб, тарбиятқунанданинг яратиш сифатини, зикр қилаяпди. Бирор бир ерда, бирор бир мавжудот йўқки, яратишлик сифатини олган.

Магар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодир. Яратиш Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога хосдир. Яратиш маъносини, яхши билиб олишимиз керак. Баъзи илмни даъво қилган тоифалар, яратиш калимасини маъносини тушунмасдан, ўзига нисбатан истеъмол қилади. У мутлақо, ҳалиги айтиб ўтганимиздек, жоҳил киши. Чунки, меванинг "мана бу турини яратдик. Мана бу нарсанинг, бу турини яратдик." Бу яратиш деган маънони, мутлақ тушунмаслиқдир. Яратиш дегани, аслида йўқ бўлган нарсани, вужудга келтириш, деганидир.

Бир одам бир моддани, бошқа бир моддага қўшишлиги билан, овқатларда ҳам шундай, модданинг бошқа бир тури, пайдо бўлади. У нарса, у дарахтларни турини, бунга улаб, бунисини унга улаб, у яратишлик дейилмайди, биродарлар. Бу нарса Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонга берган қобилият. Ерда Хилофат вазифасини ўташлиқдан бошқа нарсамас бу! Яратиш йўқ нарсани, бор қилишлиқдир! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ибодатга буюрган вақтда, Роббингларга, ибодат қилинглар, деган вақтда, Яратувчи бўлган Роббингларга, ибодат қилинглар! деди.

Демак, яратувчи, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодир. Ер куррасидаги ҳамма мавжудот жамланса ҳам, гўнг титадиган пашшани ҳам, яратолмайди, биродарлар! Биз шу ерда ибодат турларига, агарчи, ўтган дарсларимизда кўп ўтган бўлсакда, яна тўхталиб ўтамиз.

Ибодат турлари

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган ибодатларнинг турлари Ислому, Яъни, бўйсунуш. Имон, ишонишлик. Эҳсон, ихлос. Дуо, сўраш. Хавф, қўрқув. Ражоъ, умид қилиш. Таваккул, суянишлик. Рағбат, мойил бўлиш.

Раҳбат, ҳайбатланиш даражасида бўлмасада, озроқ қисмда қўрқиш. Хушуъ, қаттиқ ёлворишлик. Хашя, қаттиқ бир даҳшатланиш. Инобат, Аллоҳга қайтиш. Истионат, ёрдам сўраш. Истиозат, мусибатдан паноҳ иташ. Истиғофа, фарёд чекиб ёрдам сўраш. Забҳ, қурбонлик қилиш. Назр, бир нарсани аташ. Шулар ва бошқа ибодат турлари фақат ягона Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўлмоқлиги керак!

Кимда ким, шу ибодатларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан бошқага ҳам қиладиган бўлса, мушрик бўлади. Яъни, Аллоҳга қилган ибодатида, Аллоҳдан бошқани шарик қилган бўладида, амали ҳабата бўлади. Ҳаж қилган бўлса, ҳажи бекор бўлади. Яна такрор айтамикки, бир одам айтмасинки, намоз ўқишлик ибодат. Мен бирор бир нарсага хоҳ дарахтга, хоҳ тоққа, хоҳ булоққа сиғинаётган вақтимда, бирор бир нарсани атаб сўяётган вақтимда, мен намоз ўқиётганим йўқ эди, демасин! Сўйишлик ибодат, биродарлар! Бир нарсани қурбон қилишлик ибодат. У қуръони каримда сарих (очиқ) айтилган.

قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ
Анъом 162 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, айтинг, деб, буюряпди. Намозим ҳам, нусук, қурбонлик, бирор нарсани сўйишлигим ҳам, ҳаётим ва мамотим ҳам, оламларнинг тарбиятқунандаси бўлган, ягона Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло учундир деб айтинг! деяпди. Бу сўйишликни ибодат эмас, дейдиган одамга, савол қиламикки, бу сўйишликдан мақсад нима? Савоб умид қилишлик ва бирор нарсага каффорат бўлишлик ва ҳаказо, шунга ўхшаган нарсаларни айтади. Шулар ибодат бўлмасдан нима?

Шу қилаётган амалга бирон бир савобни умиб қиласанми? деб, сўрашлик керак. Бирон бир савобни умиб қилиш у ёқда турсин, энди гуноҳларим қолди десам, катта гуноҳкор бўлсам керак деб ўйлайди. (Яъни, шу иши билан, ҳамма гуноҳларим ювилиб кетди деб, ўйлайди) Жаннатнинг ҳамма дарвозасидан киришга, менга рухсат бўлди дейди, хусусан ибодатда йўқ бўлган жоҳил кишилар. Ибодатда бу ширк бўлаяпди десак, мен ибодат қилмадим десаю, лекин, бу тарафдан, инсу жин жамланиб қиладиган савобни, топаяпман, деса?!

Бу гапи билан, ўзининг зарарига ҳужжат бўлади. Буларнинг ҳаммасига ҳужжат бор. Аввалги дарсларимизда айтганмиз.

وَأَنَّ الْمَسَاجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا
Жин сураси 18 оят

Дуо ибодатини фақат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўлишлигига далил шу оят.

الدَّعَاءُ مَعَ الْعِبَادَةِ . هَذَا الْحَدِيثُ بِهَذَا اللَّفْظِ ضَعِيفٌ
أَمَّا اللَّفْظُ الصَّحِيحُ فَهُوَ . الدَّعَاءُ هُوَ الْعِبَادَةُ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам «Дуо ибодатдир» деганлар.

Хавф ҳақида мана:

فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُوا اللَّهَ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ
Оли Имрон 173 оят

Умид қилиш ҳақида,

فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا
Қаҳф сураси 110 оят

Таваккулни далили:

و عَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ
Моида 23 оят

وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ
Талоқ сураси 3 оят

Рағбат, раҳба ва хушуъга далил:

إِنَّهُمْ كَانُوا يُسَارِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا وَكَانُوا لَنَا خَاشِعِينَ
Анбиё сураси 90 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг улуғ бандаларини, мана шу сифатлар билан зикр қилаяпди.

فَلَا تَخْشَوْهُمْ وَاخْشَوْنِي
Бақара сураси 150 оят

Улардан қўрқманглар, мендан қўрқинглар, деяпди. Аллоҳнинг буйруғини қилишлик билан, инсон, ибодат қилади.

Инобат қилишлик:

وَأَنِيبُوا إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَأَسْلُمُوا لَهُ
Зумар сураси 54 оят

Ёрдам сўрашликка:

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ
Фотиҳа сураси 5 оят

وَإِذَا اسْتَعَيْنَا فَاسْتَجِبْ بِاللَّهِ
أَخْرَجَهُ التِّرْمِذِيُّ فِي سَنَنِهِ

Абдуллоҳ ибн Аббосга, шундай дедилар. (Бу ерда арабча ҳадис, мазмунини айтмасдан ўтганлар. Абдуллоҳ ибн Аббосга Наби САВ Қачон ёрдам сўрасанг. Аллоҳдан сўрагин! Деганлар.)

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ
Нос сураси 1 оят

Одамларнинг Роббисидан паноҳ сўрийман, денг. Роббунносдан паноҳ ишташни ўргатдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло таълим бераяпди. Бу нарсалар шуни кўрсатадики, ибодатларни турлари, фақат Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўлмоқлиги керак.

Илмдаги учта асосни, иккинчиси Ислом динини билишликдир

(Имон, Ислом, Эҳсон ҳақида)

Биринчи, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога тавҳид билан бўйсунуш. Итоат ва ширкдан пок ҳолда бўйсунуш. Аҳли ширкдан безор бўлишлик билан бўйсунуш бўлса, бу иккинчи асос Ислом, имон ва Эҳсонни, ўз ичига олади.

Ислом рукнлари бешта:

1. Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадан Расулulloҳ деб, шаҳодат беришлик.

2. Иқомис салот. Намозни барпо қилишлик.
3. Итаиз Закот. Закотни ўташлик.
4. Савми рамазон. Рамазонда рўза тутишлик.
5. Агар йўлга қодир бўлса, Байтуллоҳни ҳаж қилишлик.

Бир одам муслимман дейиши учун, мана бу беш рукн унда топилмоқлиги керак. Бу рукнлар топилмаган одам, Иломни даъво қилишликка ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам, Абу Бакр разияллоҳу анҳу, намоз билан закотни фарқи қилганларга, жиҳод эълон қилдилар. (Закот беришдан бош тортган, намозхонларга қарши урушдилар.) Закотни бермаганларга қарши жиҳод эълон қилдилар. Шунда, Умар ибн Хаттоб, ҳужжат келтириб, сиз закот бермайдиган намозхонларга қарши жиҳод қиласизми? деганларида, агар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга бериб турган, битта эчкини менга беришдан бош тортсалар, жиҳод эълон қиламан деди. Уларни Иломдан қайтган кишилар деб, эълон қилдилар. Буларни ҳужжатлари кўп келтирилган.

(Биринчисига ҳужжат, Жибрил ҳадисида) Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадан Расулulloҳ деб, шаҳодат беришлик. дейилган.

Намоз ва закотга далил:

وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ
Байина сураси 5 оят.

Рўза ҳақида,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ
Бақара сураси 183 оят

Ҳаж ҳақида, ҳажга кетаётган кишиларни ҳажларини ўтаб келишни, Аллоҳу таоло насиб қилсин! (Шу дарс пайтида, Ҳаж мавсуми бўлгани учун, Ҳожиларга дуо қилиб қўйилган)

وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ
Оли Имрон 97 оят

Имон рукнлари олтига

Аллоҳга имон келтиришлик. Фаришталарга имон келтиришлик. Китобларга имон келтиришлик. Яъни, Аллоҳу таоло ўтган пайғамбарларга муқаддас китобларни нозил қилган. Буларга имон келтиришлик. Ва элчиларга имон келтиришлик. Қиёмат кунига имон келтиришлик. Қазо қадарнинг яхшилиқ ва ёмонлигига (Аллоҳдан эканига) имон келтиришлик.

Булардан баштасига далил,

لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُولُوا وَجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ وَآتَى الْمَالَ عَلَى حُبِّهِ ذَوِي الْقُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَالسَّائِلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَآتَى الزَّكَاةَ وَالْمُوفُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ أُولَئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ
Бақара сураси 177 оят.

Қадарга далил:

إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ
Қамар сураси 49 оят

Булар имоннинг олтига рукни. Лекин, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Имон етмишдан ортиқ бўлақларга эга, дедилар. Яъни, имон бир дарахт бўлса, унинг етмиштадан кўп, тармоқи бор. Энг олийси, Ла илоҳа иллоллоҳ , бўлса, энг кичиги, имотатул аза, ан тариқул муслимин. Ёки, имоматул аза аниттариқ.

Муслмонларнинг йўлидан ёки, мутлақо йўлдан, озор берадиган нарсани олиб ташлашлик. Имон дарахтининг энг кичик шохчасидир, Демак, имонли кишида, мана бу нарсалар топилмоқлиги керак.

Эҳсон рукни битта

Эҳсоннинг битта рукни бор.

”أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ“

Яъни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони кўриб тургандек, ибодат қилишлик. Агар кўриб тургандек, тасаввур қилолмасак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мени кўриб турибди деб, ибодат қилишлик. Дин деганда, Имон, Ислому, Эҳсонни, баробар тушунмоқлигимиз керак.

وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ خُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ

Баййина сураси 5 оят.

Бизда қолган бўлса биродарлар, Исломдаги бешта рукн қолди. Ва Имондаги олтига рукни билдик. Бу амалларни қилишликдаги эҳсон, яъни, ихлос йўқолган биродарлар. Шунинг учун бизга, бу қилган амалларимиз нур бўлмайдими.

عن عمر بن الخطاب قال: بَيْنَمَا نَحْنُ جُلُوسٌ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ إِذْ طَلَعَ عَلَيْنَا رَجُلٌ شَدِيدُ بَيَاضِ الثِّيَابِ، شَدِيدُ سَوَادِ الشَّعْرِ لَا يَرَى عَلَيْهِ أَثَرُ السَّفَرِ وَلَا يَعْرِفُهُ مِنَّا أَحَدٌ حَتَّى جَلَسَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَسْنَدَ رُكْبَتَيْهِ إِلَى رُكْبَتَيْهِ وَوَضَعَ كَفَّيْهِ عَلَى فَخْذَيْهِ وَقَالَ: ”يَا مُحَمَّدُ، أَخْبِرْنِي عَنِ الْإِسْلَامِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”الْإِسْلَامُ أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَتَقِيمَ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ وَتَصُومَ رَمَضَانَ وَتَحُجَّ الْبَيْتَ إِنْ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا“ قَالَ: ”صَدَقْتَ“ قَالَ: ”فَعَجِبْنَا لَهُ يَسْأَلُهُ وَيُصَدِّقُهُ“ قَالَ: ”فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِيمَانِ؟“ قَالَ: ”أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ“ قَالَ: ”صَدَقْتَ“ قَالَ: ”فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِحْسَانِ؟“ قَالَ: ”أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ“ قَالَ: ”فَأَخْبِرْنِي عَنِ السَّاعَةِ؟“ قَالَ: ”مَا الْمَسْئُولُ عَنْهَا بِأَعْلَمَ مِنَ السَّائِلِ“ قَالَ: ”فَأَخْبِرْنِي عَنْ إِمَارَاتِهَا؟“ قَالَ: ”أَنْ تَلِدَ الْأُمَةُ رَبَّتَهَا وَأَنْ تُرَى الْخِفَاءَةُ الْغُرَاءُ الْعَالَةَ رِعَاءَ الشَّيْءِ يَتَطَاوَلُونَ فِي الْبُنْيَانِ“ قَالَ: ”ثُمَّ انْطَلَقَ فَلَبِثَ مَلِيًّا ثُمَّ قَالَ لِي: ”يَا عُمَرُ، أُنْذِرُكَ مِنَ السَّائِلِ؟“ قُلْتُ: ”اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ“ قَالَ: ”فَإِنَّهُ جَبْرِيلُ“ ”أَتَاكُمْ يُعَلِّمُكُمْ دِينَكُمْ“

Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Биз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олидада ўтиргандик, либоси оппоқ бўлган ва сочи қоп қора бўлган ва устида сафар аломати бўлмаган бир киши кириб келди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни олдиларига келдиларда, иккала тиззаларини Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни тиззаларига теккизди. Иккита кафтларини Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни сонларига, шундай қўйди.

وقال: ”يَا مُحَمَّدُ، أَخْبِرْنِي عَنِ الْإِسْلَامِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”الْإِسْلَامُ أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَتَقِيمَ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ وَتَصُومَ رَمَضَانَ وَتَحُجَّ الْبَيْتَ إِنْ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا“ قَالَ: ”صَدَقْتَ“ قَالَ: ”فَعَجِبْنَا لَهُ يَسْأَلُهُ وَيُصَدِّقُهُ“

Ва Ислому нима эканини, айтиб беринг, деди. Ҳаммамизга маълум маъноси. Исломининг бешта рукнини айтдилар. Шунда, тўғри айтдингиз, деди. Шунда биз ажабландик, у ўзи сўраб, яна тўғри айтдингиз деб, қўяпди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, биров бир нарса сўраб, кейин тўғри айтдингиз дейишмасди. Бу синамоқлик учун сўраётган кишининг, саволи бўлади.

قال: ”فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِيمَانِ؟“

Шунда имондан хабардор қилинг мени, дедилар.

”قال: “أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ”. قال: “صَدَقْتَ

Имоннинг олтига рукнини айтдилар.

فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِحْسَانِ

Кейин, Эҳсонни хабар беринг, деди. Эҳсон деганда биз, тизза бўйи нонларни қўйиб, нарса қўйишга ўрин қолмайдиган даражада тўкин дастурхонни, эҳсон деймиз, халос. Агар бир кишидан ҳозир эҳсон нима деб сўрасак, шу дастурхонни яхши солиб, тизза бўйи нонларни қўйиб, шу одамни иккинчи Хотам Той деб, айтади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан у киши»Эҳсон нима? деб сўраганда,

”قال: “أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ

Аллоҳни кўриб турганингдек, ибодат қилмоқлигинг. Агар сен Уни кўрмасангда, У сени кўриб туради, деб ибодат қилмоқлигинг, дедилар. Демак, бизда эҳсон йўқ экан. Демак, эҳсон қилинмас экан, бизнинг диёрларда. Демак, бизда Хотамтой йўқ экан, биродарлар! Бундай эҳсон, бу йўқ нарса, бу.

”قال: “فَأَخْبِرْنِي عَنِ السَّاعَةِ؟

Шунда қиёматни хабарини беринг, деди.

”قال: “مَا الْمَسْئُولُ عَنْهَا بِأَعْلَمَ مِنَ السَّائِلِ

Сўралувчи сўровчидан олимроқ эмас, дедилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам.

قال: فَأَخْبِرْنِي عَنْ إِمَارَتِهَا؟

Белгиларини айтиб беринг, деди.

”قال: “أَنْ تَلِدَ الْأُمَمَةُ رَبَّتَهَا وَأَنْ تُرَى الْحَقَّاءُ الْعُرَاةَ الْعَالَةَ رِعَاءَ الشَّاءِ يَتَطَاوَلُونَ فِي الْبُنْيَانِ

Белгиларини айтиб беринг деганларида, чўри ўзининг хожасини туғмоқлиги, дедилар. Бунга бир неча маънолар беришганлар. Даврлар келиб, оналар ўзининг туққан фарзандига, чўрига ўхшаган хизматкор бўлиб қолади, деганлар. Ҳозирги вақт, худди шу давр десак, хато қилмасак керак?! Оталар оналар, энг қаттиқ хизматда. Маош олмайдиган хизматкор. Набираларини у бу, жойларга олиб бориб келиш, шуларни бўйнига тушган. У ҳам бўлса, куфр ва ширк жойларига. Ўйлаб кўрсак, мана бу нарса, шуни кўрсатади. Бундан ташқари яланоёқ, фақир, қўлида ҳеч нарса бўлмаган, чўпон бўлиб ўтган одамларнинг, биноларда забондарозлик (тилини узун қилиб) қилиб, керилаётганини кўришлик, дедилар.

Яъни, чўпонлик қилган, ўзи ялангоёқ бўлиб юрган одам, биноларда керилишга ҳожати йўқ эди. Чунки, у ўткинчи, ўтиб кетадиган ўринларда, бунақа иморатга ҳожати йўқ, эди. Чунки, кўчманчи бўлади, чўпонлар. Бунақа одамга, забондарозлик қилишликка ўрин йўқ, эди. Мана бу нарсани кўрган вақтингда, қиёматни аломатлари бўлади, дедилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам. Шу саволларни қилиб, бу киши кетдилар. Озгина тек, хомуш турдик.

”قال لي: “يا عمر، أتدري من السائل؟

Менга қараб, эй Умар, сўровчи ким эканини биласизми? дедилар.

”قُلْتُ: “اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ

Аллоҳ ва Расули билувчироқ, дедик.

”قَالَ: “فَإِنَّهُ جِبْرِيلُ أَتَاكُمْ يُعَلِّمُكُمْ دِينَكُمْ

Бу Жибрил, дедилар. Сизларга динингларни таълим беришлик учун, келган эди, дедилар. Демак, бу ерда Имон, Ислоҳ, Эҳсон ва қиёматни ғайб эканлигини билишлгимиз, Дин дедилар. Динини ўрганмоқчи бўлган киши, мана шу нарсани ўрганмоқлиги керак.

Илмдаги учинчи асосни учинчиси Наби саллоллоҳу алайҳи васалламни танимоқликдир

Муҳаммад алайҳиссалом ибн Абдуллоҳ ибн Абдул Мутталиб ибн Ҳошим оталари ва опоқ дадалари номини, қисман билмоқлигимиз керак. Бунинг сабаби шуки, Муҳаммад алайҳиссалом ота онадан туғилган деган, эътиқодда бўлмоқлигимиз керак. Шунинг учун ҳам, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг насабларини, эълон қилинади. Муҳаммад алайҳиссалом ота онадан туғилган деган, эътиқод қилмоқлигимиз керак. У киши олтмиш учга кирганлар. (ҳижрийда 63 йил мелодийда 61 ёш бўлади) Қирқ йил умрлари, пайғамбарликдан илгариги умрлари эди. Йигирма уч йил, Наби ва Расул бўлдилар. Уламолар таъвил қилишадик, ваҳй келган ва китоб нозил бўлмаган кишини, Наби дейилади. Китоб нозил бўлган бўлса, Расул дейилади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Икраъ ояти нозил бўлиши билан, Наби бўлдилар.

يا أيها المدثر قم فأنذر

Муддассир сураси 1,2 оятлар

Ояти тушиши билан, элчи бўлдилар. Икроъ деган, амрни ўзлари ўқишликка маъмур бўлдилар. Демак, Наби бўлдилар.

يا أيها المدثر قم فأنذر وربك فكبر وثيابك فطهر والرجز فاهجر

Муддассир сураси 1,2,3,4,5 оятлар

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни расул қилиб жўнатди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Маккаи Мукаррамада, ўн уч йил яшадилар. Ўн йил Мадинада яшадилар. Шу ўн уч йилнинг ўнинчи йили, Аллоҳу таоло у кишига, меърож неъматини кўрсатди. Шу соатда, беш вақт намоз фарз қилинди. Уч йил Маккада, беш вақт намозни ўқидилар. Савол бўлиши мумкин, Намоз фарз бўлишидан олдин, намоз ўқиганмилар деб? Намоз фарз бўлгунга қадар, Иброҳим алайҳиссаломнинг намозини ўқиб юрардилар. Уч йил ўзлари ва ўзларига эргашган кишилар, Маккада беш вақт намоз ўқидилар. Кейин, Мадинага ҳижрат қилиб, ўн йил у ерда турдилар. Закот, Рўза, Ҳаж Мадинада фарз бўлди. Азонни машруъ бўлишлиги, Мадинада бўлди. Масжидни Мадинада қурдилар. Жиход, амри маъруф, наҳй мункар ва бошқа шариатнинг буйруқларининг ҳаммаси, Мадинаи Мунавварада бўлди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, йигирма уч йил пайғамбар бўлганларидан кейин, вафот топдилар. Ўтган биродарлари (Пайғамдбарлар) вафот топганга ўхшаган.

إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُمْ مَيِّتُونَ. ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ عِنْدَ رَبِّكُمْ تَخْتَصِمُونَ

Зумар сураси 30 оят.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, сиз ўлажаксиз ва одамлар ҳам ўлади, деб, хабар бериб қўйган эди.

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ ۚ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَىٰ عَقْبَيْهِ فَلَنْ يَضُرَّ اللَّهَ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ

Оли Имрон сураси 144 оят

Шу оятда, у кишининг вафот этишлари хабари, берилган эди. У киши вафот этдилар. Динлари боқий қолди. Қуръони каримни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёматгача сақлаб қолишни, Ўзи ваъда қилди. Қуръони каримни душманлари кўп бўлишига қарамасдан, бу китоб ҳалигача ўзгаришсиз турибди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам умматни, қайси яхшилик бўлса, йўлладилар. Қайси ёмон бўлса, огоҳлантирдилар, қайтардилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам йўллаган яхшиликларнинг энг каттаси, бу тавҳиддир! Ва Аллоҳ буюрган ва рози бўладиган нарсаларнинг ҳаммаси, яхшиликдир!

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам огоҳлантирган нарса, ширқдир. Ва Аллоҳ ва Расули ёмон кўрган нарсалардир. Мана бу нарсалардан огоҳлантирдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг динлари комил бўлди. Бирор бир киши бу динга қўшилиги билан, олиб ташлашлигини фарқи йўқдир! Динга қўшган одамнинг иши, гўёки бу Дин комилмас, шу нарсани қўшган билан комил бўлади, дегандан, бошқа нарсамас. Худди, динни шу ери ортиқча бўлиб қолибди, деб олиб ташлаганни, даъво қилгандек.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: من أحدث في أمرنا هذا ما ليس منه، فهو ردٌّ؛
رواه البخاري ومسلم

Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу динимизда бўлмаган нарсани, ким вужудга келтирган бўлса, бу мардуддир! Бу нарса динимизда йўқ нарса деб, огоҳлантирдилар. Бу дарсимиз биродарлар, қисқа суратда бўлса ҳам, динимиздаги асосий мағзлардир. Бу нарсалар, мўмин киши, имонни даъво қилган киши, билмаслигига, ҳеч узи йўқ бўлган, нарсалардир. Шунинг учун бу нарсалар, агарчи содда шаклда баён қилинган бўлсада, буни мукамал билмоқлигимиз керак.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам вафот топганларидан кейин, Абу Бакр Сиддиқ Халифа бўлдилар. Бу кишининг фазилатлари ҳақида, ўтган дарсларимизда баён қилдик. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу саҳобалар ижмоси билан, Халифа бўлиб тайин қилинди. Иккинчи Халифа, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг тайинлаши билан, тайин бўлдилар. Саҳобалар буни, қабул қилишдилар. Демак, исломдаги Халифа саҳобалар ижмоси билан ҳам, бўлиши мумкин. Ёки, аввалги Халифа тайин қилган бўлса, бошқа мусулмонлар қабул қилишлари билан ҳам, бўлиши мумкин.

فَضَّلَ وَمَنْقَبَةُ لِعَمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу фазилатлари

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, иккинчи Халифа бўлдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ҳақида кўп сўзларни айтдилар. Жобир

ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки:

رَأَيْتُنِي دَخَلْتُ الْجَنَّةَ، فَإِذَا أَنَا بِالرَّمِيصَاءِ، امْرَأَةِ أَبِي طَلْحَةَ، وَسَمِعْتُ خَشْفَةً، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: هَذَا بِلَالٌ، وَرَأَيْتُ قَصْرًا بَغْنَانِهِ جَارِيَةً، فَقُلْتُ: لِمَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: لِعُمَرَ، فَأَرَدْتُ أَنْ أَدْخُلَهُ فَأَنْظَرَ إِلَيَّ، فَذَكَرْتُ غَيْرَتَكَ فَقَالَ عُمَرُ: بِأَبِي وَأُمِّي يَا رَسُولَ اللَّهِ أَعَلَيْكَ أَغَارُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, мен жаннатга кирдим. Румайсони кўрдим. У Абу Талҳани аёллари эди. Шунда бир оёқ товушини эшитдим. Ким бу? дедим. Менга «Бу Билол» дейилди. (шу ердан бошлаб юқоридаги ҳадисни мазмунида бўлмаган мисол келтирилади) Баъзи ривоятларда борки, Эй Билол дедилар. Сени энг умидлик амалингни айтгин. Чунки, мен жаннатда сени оёқ товушингни эшитдим, дедилар. Шунда айтдиларки, ё Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, менинг бир умидлик, бир амалим йўқ. Фақат битта давомли амалим борки, қачонки бир таҳорат қилсам, икки ракат намоз ўқимасдан қўйимман, дедилар. Шу бўлса керак, деб қўйдилар. (Ҳадисни мазмуни давом этади) Бир қасрни кўрдим, дедилар. Қасрни олдида, бир аёл турибди. Бу қаср кимники? десам, Умарники, дейишди.

Қасрни чиройлилигини кўриб, ичига кирмоқчи бўлдим, лекин, сизни рашкчилигингизни эсга олиб, кирмадим, дедилар. Шунда, баъзи ривоятларда келади, Ота онам фидо бўлсин ё Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизга ғаюрлик қилармидим, дедилар. Йиғладилар.

وعنه قال كان النبي صلى الله عليه وسلم يحدث فقال: "بينما أنا نائم أتيت بقدح فشربت منه حتى أني أرى الري يخرج من أطرافي ثم أعطيت فضلي عمر فقالوا فما أولت ذلك يا رسول الله قال العلم"

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, Тушимда сут ичдим. Шундай ичдимки, сероб бўлганлигим ва мамнун бўлганлигим тирноқларимда ҳам, кўриниб турди. Кейин, Умарга бердим, дедилар. Ё Расулulloҳ нимага таъвил қилдингиз бу тушни? дейишди. Илмга, дедилар. Яъни, шариат илмини мenden кейин, Умарга берганман, дедилар.

وعن عبد الله بن عمر رضي الله عنهما أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: "رأيت الناس مجتمعين في صعيد فقام أبو بكر فنزع ذنوبا أو ذنوبين — دلو أو دلوين- وفي بعض نزعه ضعف والله يغفر له ثم أخذها عمر فاستحالت في يده غربا فلم أر عبقريا يفري فريته حتى ضرب الناس بعطن"

Яна бошқа бир ҳадисларида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, тушимда бир қудуқ олдида, қўлимда пақир билан сув олаяпман, дедилар. Шунда Абу Бакр разияллоҳу анҳу келдиларда, сув ола бошладилар. Бир ё икки пақир олдилар. Аллоҳ гуноҳларини мағфират қилсин, дедилар. Кейин, Умар ибн Хаттоб келдилар. Шунда пақир катта сатилга айланди. Шунда бундай журъат билан, шижоъат билан сув чиқараётган одамни кўрмаганман, дедилар. Баъзи тафсирларда, бу ҳадисни Умар ибн Хаттобни Хилофатни ўн йилдан ортиқроқ олиб борганликларига ишора қилиб айтилган, дейишади.

اسْتَأْذَنَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَعِنْدَهُ نِسْوَةٌ مِنْ فُرَيْشٍ يُكَلِّمُنَهُ وَيَسْتَكْثِرُنَهُ، عَالِيَةً أَصَوَاتُهُنَّ عَلَى صَوْتِهِ، فَلَمَّا اسْتَأْذَنَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ فَمَنْ قَبَادَرْنَ الْحِجَابَ، فَأَذَنَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَدَخَلَ عُمَرُ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَضْحَكُ، فَقَالَ عُمَرُ: أَضْحَكَكَ اللَّهُ سَبَّكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَجِبْتُ مِنْ هَؤُلَاءِ اللَّاتِي كُنَّ عِنْدِي، فَلَمَّا سَمِعْنَ صَوْتَكَ ابْتَدَرْنَ الْحِجَابَ فَقَالَ عُمَرُ: فَأَنْتَ أَحَقُّ أَنْ يَهْبِنَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، ثُمَّ قَالَ عُمَرُ: يَا عَدُوَاتِ أَنْفُسِهِنَّ أَتَهَيَّنَنِي وَلَا تَهْبِنَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ فَقُلْتُ: نَعَمْ، أَنْتَ أَظْ وَأَعْظُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِيهَ يَا ابْنَ الْخَطَّابِ، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ مَا لَقَيْكَ الشَّيْطَانُ سَالِكًا فَجًّا قَطُّ، إِلَّا سَلَكَ فَجًّا غَيْرَ فَجِّكَ
صحيح البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларида Қурайш аёллари, фатво сўраб турганларида, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу келдиларда, киришга изн сўрадилар. Саъд

ибн Абу Ваққос ривоят қиладилар. Шунда Қурайш аёллари фатво сўраб, саволлар кўпайиб, гапиришиб турган, соати эди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу изн сўраши билан, ҳаммалари ҳижобларига ўранишиб, овозлари ўчиб, индамай қолишди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Умар ибн Хаттобга изн бердилар. Умар ибн Хаттоб кирдилар,

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам кулиб турган ҳолатда. Шунда, Умар ибн Хаттоб Аллоҳ сизни яшартирсин ё Расулulloҳ, кулишликни сабаби нима? деганларида, Мана бу савол жавоб қилаётган аёллардан таажжубланыпманки, мени олдимда овозини кўтаришиб турган эдилар. Сизни овозингизни эшитиб, ҳаммалари овозлари ўчиб, ҳижобларига шошилишди, дедилар. Шунда, Умар ибн Хаттоб, ҳайбат қилинишликка сиз лойиқсиз, ё Расулulloҳ, дедилар. Кейин аёлларга қараб, эй ўзларининг душманлари, мендан ҳайбат қиласизларми, Расулulloҳдан қилмасдан? дедилар. саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Шунда аёллар ҳа, сиз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан қаттиққўлроқ ва кўполроқсиз. Шунинг учун кўрқамиз, дейишди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг жамиятлари ҳаммаси очик, ошкора жамият эди. (Ҳамма гап очикчасига айтиларди) Шунда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жим бўлинглар, дедилар, аёлларга.

Ибн Хаттоб, дедилар, Умарга қараб, Рухим қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, сиз бир йўлда келаётган бўлсангиз ва шайтон ҳам шу йўлда келаётган бўлса, шу сизни келаётганингизни билиши билан, бошқа йўлга ўтиб кетади, дедилар. (Яъни, Умар ибн Хаттоб шайтонга ёқимсиз одам бўлган. Унга ёқадиган ишларни қилмаган. Шайтон уни адаштиролмаган деган, маънода, дейдилар уламолар бу ҳадисни шарҳида)

قَدْ كَانَ يَكُونُ فِي الْأَمَمِ مُحَدَّثُونَ فَإِنْ يَكُ فِي أُمَّتِي أَحَدٌ فَعَمُرُ بَنِي الْخَطَّابِ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизлардан илгариги умматларда, илҳомли кишилар бўлган. (Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бир нарсани ирода қилганда, шу кишининг тили орқалик, Ўзининг ижро қилмоқчи бўлган нарсасини, жорий қилган.) Агар менинг умматимда бирорта илҳомланадиган киши бўлса, шу Умардир, деган эканлар.

Чунки, Умар ибн Хаттоб ўзлари ҳам, Роббим тўрт нарсада менга мувофақат қилди, деб фахрланар эканлар. Биттаси, у киши, Ё Расулulloҳ шу мақоми Иброҳимни намозгоҳ қилмаймизми? Шу ерда икки ракат намоз ўқимаймизми? деганларида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, мен маъмур бўлмаганман, деб турдилар. Шунда,

وعن أنس قال قال عمر بن الخطاب رضي الله عنه وافقت ربي عز وجل في ثلاث قلت يا رسول الله لو اتخذنا من مقام إبراهيم مصلى.
"فنزلت: " واتخذوا من مقام إبراهيم مصلى

Мақоми Иброҳимни ўзингларга намозгоҳ қилинглари деган, оят нозил бўлди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларини, ҳижобда бўлишини орзу қилар эканлар.

وقلت يا رسول الله: إن نساءك يدخل عليهن البر والفاجر فلو أمرتهن أن يحتجبن فنزلت آية الحجاب
واجتمع على رسول الله صلى الله عليه وسلم نساؤه فيما جتمع له النساء بسبب الغيرة فقلت: " عسى ربه إن طلقكن أن يبدله أزواجا خيرا منكن" .. فنزلت كذلك

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ғаюрлигини келтириш учун, Савдо онамиз билан кетаётганларида, Савдо биз танидик. Кўриб олдик, деган эканлар ҳатто. Улар

ҳижобда бўлса деб, орзу қилар эканлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳижоб оятини нозил қилди. Шунга ўхшаган нарсалар борки, булар у кишининг илҳомлик киши эканига далилдир.

قال أبو هريرة رضي الله عنه: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: بينما راع في غنمه عدا عليها الذئب فأخذ منه شاة فطلبه الراعي حتى استنفذها منه، فالتفت إليه الذئب فقال له: من لها يوم السبع، يوم ليس لها راع غيري. فقال الناس: سبحان الله. فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: فإني أؤمن بذلك أنا وأبو بكر وعمر

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, бир чўпон қўйлари билан турган вақтда, бир бўри ҳужум қилдида, ундан бир қўйни олиб кетди. Чўпон қўйни олишлик учун Бўрини қувиб кетди. Ҳатто, қутқариб олди. Қутқариб олганидан кейин, Бўри шундай қаради. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга айтиб бераяпдилар. Бу қўйларни мендан бошқа чўпони қолмасдан мен чўпон бўлиб қолган кунимда, ким қутқариб оларкин? деди. Шунда эшитиб турган кишилар, субҳоналлоҳ, деб ажабланишди. Шунда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, мен Абу Бакр ва Умар бунга ишонамиз, агарчи АБУ Бакр ва Умар ана шу воқеъани олдида бўлмаган бўлса ҳам, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, биродарлар, Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумонинг имонларини ўзларининг имони билан, ёнма ён зикр қилдилар. Саҳобалар Бўри ҳам гапирадими? деб ҳайрон бўлиб турганларида, мен Абу Бакр ва Умар бунга имон келтирамиз, агарчи АБУ Бакр ва Умар ана шу воқеъани олдида бўлмаган бўлса ҳам, дедилар.

Биринчи имон, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тарафидан бўлган хабарни тасдиқламоқликдир. Ақлни чўнтакка солиб қўйиб. Ҳеч қандай ақлни ишлатмасдан. Шу сўз Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам собитми? Шуни қабул қилишлик имондир. Мана бу имоннинг мартабаси. Бундан шариат илмлари ақлга зид деган, нарса келиб чиқмайди, биродарлар!

Лекин, уни сизни ақлга тўғри келмаслиги билан, ақлга тўғри келмайди, дейишлик ҳам, беақллик ўзи! Чунки, ақлга тўғри келмайди, дейишлигиниз, ер куррасидаги тамоми ақл мендадир, дейишингиздан бошқа гапмас у. Мени ақлимга тўғри келмаяпди, дейишингиз керак.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга исроъ неъматини насиб бўлганида, Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога бориб, қайтиб келаётганларида Жибрил алайҳиссалом хабар беринг деганларида, мен бу хабарни айтсам, биров тасдиқ қилмайди, деганларида, Жибрил алайҳиссалом Абу Бакр тасдиқ қилади, деган эканлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам тарафидан бўлган хабарни тасдиқламоқлик, ақлга тўғри келадими келмайдими, текшириб ўтирмасдан тасдиқлашлик, имонни биринчи мартабасидир, биродарлар!

Абу Саид ал Худрий ривоят қилдилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тушимда умматларим менга кўндаланг қилинди, дедилар. Улар ичида қамис кийганлар бор эди. Қамис деб, ёқалик бўлган ва тиззага тушадиган, узун либосни айтилади. Шу умматларим қўйлақлари баъзилариники ёқасигача эди, баъзилариники қорнигача ва баъзилариники тиззасигача ва ҳаказо, Умар ибн Хаттоб кўндаланг қилинди. Устида судраб юрадиган даражада узун қамис турибди. Нимага таъвил қилдингиз бу тушни, ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам? дейишди. Динга дедилар.

Шундай катта диёнат эгаси эди Умар ибн Хаттоб деган маънони билдиради. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу умрларининг охирида шаҳид бўлиб кетдилар.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу эрталабки намозни ўқиётганларида, бир малъун тарафидан ханжар урилди. Табиблар у кишига сут ичириб кўришди. Сут ичакларидан чиқиб

кетди. Билдиларки, энди вафотлари яқинлашди. Абдуллоҳ ибн Аббос у кишини сабрлантириб,

فَقَالَ لَهُ ابْنُ عَبَّاسٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا - : يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ لَقَدْ صَحِبْتَ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - فَأَحْسَنْتَ صَحْبَتَهُ ، ثُمَّ فَارَقْتَهُ وَهُوَ عَنْكَ رَاضٍ ، ثُمَّ صَحِبْتَ أَبَا بَكْرٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - فَأَحْسَنْتَ صَحْبَتَهُ ، ثُمَّ فَارَقْتَهُ وَهُوَ عَنْكَ رَاضٍ ، ثُمَّ صَحِبْتَ صَحْبَتَهُمْ ، فَأَحْسَنْتَ صَحْبَتَهُمْ ، وَلَنْ تَفَارِقْتَهُمْ لَتَفَارِقْتَهُمْ وَهُمْ عَنْكَ رَاضُونَ ، قَالَ : أَمَا مَا ذَكَرْتَ مِنْ صَحْبَةِ رَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - وَرِضَاهُ ، فَإِنَّمَا ذَاكَ مَنْ مَنِ اللَّهُ تَعَالَى مَنْ بِهِ عَلَيَّ ، وَأَمَا مَا ذَكَرْتَ مِنْ صَحْبَةِ أَبِي بَكْرٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - فَإِنَّمَا ذَاكَ مَنْ مَنِ اللَّهُ جَلَّ ذِكْرُهُ مَنْ بِهِ عَلَيَّ ، وَأَمَا مَا تَرَى مِنْ جَزْعِي ، فَهُوَ مِنْ أَجْلِكَ وَأَجْلِ أَصْحَابِكَ ، وَاللَّهُ لَوْ أَنَّ لِي طِلَاعَ الْأَرْضِ ذَهَبًا ، لَأَفْتَدَيْتَ بِهِ مَنْ عَذَابَ اللَّهِ - عَزَّ وَجَلَّ - قَبْلَ أَنْ أَرَاهُ

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, билан суҳбатдош бўлдингиз. У киши сиздан рози бўлиб кетдилар. Кейин, Абу Бакр билан суҳбатдош бўлдингиз. Суҳбатдошликни ҳам ўрнига қўйдинг. У киши ҳам сиздан рози бўлиб кетдилар. Кейин, саҳобалари билан суҳбатдош бўлдингиз. Агар уларни тарк этиб кетсангиз, улар бари сиздан розидирлар. деганларида, Умар ибн Хаттоб айтдиларки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, билан суҳбатдош бўлганим, бу менга Аллоҳнинг неъматиди. Бу менинг ўзим хоҳлаб, қилганим йўқ эди, дедилар. Абу Бакр билан суҳбатдош бўлганим, ҳам менга Аллоҳнинг неъматиди. Мана мени энди ўзим, мана шу аҳволда кўриб турибсан. Бошқа бир ривоятда, Эй Абдуллоҳ дедилар. Сен ҳозир шундай гаплар айтдингки, агар шу гапларни қиёматда, Аллоҳнинг ҳузурида айтаолсанг айт, дедилар. Агар қиёматда гапиролмасанг гапирма, дедилар. Мен ҳозир шу аҳволда, савобим бўлмасада, гуноҳим ҳам бўлмасдан кетишни истар эдим дедилар. Умар ибн Хаттобдек зот, умри бўйи динга хизмат қилган киши, шундай деганлар. Агар менинг ер юзи тўла, олтиним бўлганида, Аллоҳнинг азобидан қутулиш учун, шуни берган бўлардим, деган эканлар.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ҳаётларида хассос бўлиб яшаган, улуғ саҳобалардандир, биродарлар! У киши мусулмонларнинг, бизларнинг Халифамиздир. У киши шунчалик кўп амал қилган билан бирга, доим нифоқдан ташвиш қилган эканлар. Ҳузайфат ибнул Ямоний Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўп сирларини билар эканлар. Мунофиқлар кимлигини, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ҳузайфат ибнул Ямонийга айтган эканлар. Бир куни Ҳузайфат ибнул Ямонийга, қасамёд қилиб сўрайман, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, мени мунофиқлардан санаганмилар йўқми, менга айтгин! Деган эканлар. Шунда йўқ деганда, Алҳамдулиллоҳ, деган эканлар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу шунчалик амаллари билан нифоқдан қўрққан эканлар. Фитналар ҳақида айтиб беринг! деган эканлар.

Тутун бўлади ва ундан кейин яна деганда, йўқ, уни эмас, мавж уриб келадиган фитналарни сўраяпман. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан шу ҳақида нималарни эшитгансан? Айтиб бер, деганларида, сиз хотиржам бўлинг! деган эканлар. Фитнани дарвозаси бор деган эканлар. Фитнанинг дарвозаси синадими ё йиқиладими? деганда, синдирилади, деган эканлар. Шунда баъзи саҳобалар, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Ҳузайфат ибнул Ямонийдан шу сўзларни эшитганларида, фитнанинг дарвозаси, ўзи эканини билармидилар? деганларида, кечадан кейин кундуз келишини аниқ билгандек, билардилар, деган эканлар.

Яъни, фитнанинг дарвозаси Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу деганлари бу! Фитнанинг дарвозаси синадими ё йиқиладими? Деганда, синдирилади, деганлари, шаҳид бўлишларига ишора бўлган эди. Ҳузайфат ибнул Ямонийнинг қалби шунақа бир кенг эдики, у сирлар тураверарди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам мана бу хабарни ҳам, айтиб кетган эдилар. Фитна биродарлар, шу кишига ҳам бўлиб, шу дунёда ўлдирилишликка лойиқ одам қолмасдан, шундай зотни ҳам ўлдиришганлар.

Шунинг учун бу замондаги бўлаётган фитналарга ажабланмаслигимиз керак. Кўп одамлар фитнани йўқотмоқчи бўлади. Фитнани албатта, йўқотмоқлик керак. Лекин, Ислом манҳажиди асосида бўлмоқлиги керак. У ҳавои нафсни асосида, ҳеч нарса йўқолмайди. Модомики,

жаннат боқий. Модомики, жаҳаннам боқий. Яхшилик ёмонлик, ҳақ ва ботил боқий қолаверади. Чунки, жаннатга лойиқ бўладиган кишилар, ҳаққа амал қилиб ўтмоқликлари керак. Жаҳаннамга ўтин бўладиганлар ботил ишларни қилмоқликлари керак. Ўзининг танасидаги ва жаҳаннам аҳлининг танасидаги йирингларни ичмоқлиги учун, аҳли ҳақларга, зулм қилмоқликлари керак. Шунинг учун, ҳаққа амал қилишлик билан, бирлашамиз. Ҳаққа амал қилмай туриб, ботил билан муроса қилиб, бирлашилмайди, биродарлар! Мана бу нарсани ҳам билиб қўймоқлигимиз керак.

Ҳар бир кишининг ўзига хос бир истеъдод ва хусусияти бўладики, Умар ибн Хаттобнинг ва Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг Халифа бўлганларидаги хутбаларига диққат қилинса, Абу Бакр разияллоҳу анҳу айтдиларки, Минбарга чиқдиларда, сизларга волий қилиндим, яхшиинглармасман аммо, дедилар. Сизларнинг олдинглардаги заиф одамлар, менинг олдимда кучлидир, агар мазлум бўлса, дедилар. Ҳаққини олиб бераман дедилар. Сизлар кучлик деб, қўрқиб юрган одамлар менинг олдимда заифдир, агар золим бўлса, дедилар. Ундан ўч оламан, дедилар.

Умар ибн Хаттобнинг хутбаларидачи? Мен билан арабларнинг мисоли, ўжар туя билан унинг эгасига ўхшайди, дедилар. Мен туянинг эгаси бўлсам, ўжар бир халқларга Халифа қилиндим. Аммо, Каъбанинг роббисига қасам ичиб айтаманки, Ислом йўлига мен сизларни мажбур қиламан, дедилар. Яъни, ўзларининг қаттиқ шиддатларини ифодаловчи калималарни, минбарда сўзладилар. Ҳар бир кишининг ўзига хос бир истеъдод ва қобилияти бўладики, шу билан бошқалардан ажралиб туради.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг раҳмати бўлсин, бутун Халифаларга, саҳобаларга ва тобеинларга. Аллоҳнинг раҳмати бўлсинки, улар қаторида ҳаммамизга.

صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ
Фотиҳа сураси 6,7 оятлар

اللَّهُمَّ أَحْسِنْ عَاقِبَتَنَا فِي الْأُمُورِ كُلِّهَا، وَأَجِرْنَا مِنْ خَيْرِ الدُّنْيَا وَعَذَابِ الْآخِرَةِ

Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

23 дарс тугади

24 Дарс

Катта ва кичик ширк турлари ҳақида

(Бу дарс мавзуси, 8 чи дарсга яқиндир. Тавҳид фазилати ва ширк турлари ва оқибати кенгроқ тафсир қилинади. Катта ширкнинг саккизта тури ва кичик ширклар турлари айтилиб, кейин, диндан чиқарувчи, имонни бузувчи амаллар, навоқизул ислом ҳақида, қисқача сўз юритилади. Бу дарс тавҳид дарсидир. Бу дарсдаги мазмун, деярли барча дарсларда қисман мавжуддир ва бу бежис эмас. Чунки. Тавҳид, қуръони каримдаги марказий масаладир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан, Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни, адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло биринчи, биз аҳли Ислом ва умуман башарийятнинг буюрган нарсанинг энг каттаси тавҳиддир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг бандаларини қайтарган нарсанинг энг каттаси, ширкдир. Ислом буюрган амалларнинг саҳиҳ бўлишлиги аввало, шу тавҳид бўлишлигига боғлиқдир. Агар тавҳид топилмаса, ҳар қандай амал бекордир! Хусусан тавҳиднинг зидди, ширк топилиб қолса, амаллари ҳабата бўлишида, шак шубҳа йўқдир. Ширкнинг жазоси дўзахга, абадий ўтин бўлишлиқдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳузурига, инсон тавҳид билан борса, ҳар қанча гуноҳлари бўлса ҳам, Аллоҳ хоҳласа кечиради. Бўлмасам, шу гуноҳига яраша азоб беради. Бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг машиатига (ихтиёрига) боғлиқ бўлган масаладир.

Аммо, ширк билан бориб қолса, у одамнинг амаллари кўринишда ҳар қандай чиройли бўлса ҳам, йиғлаб, нафл ибодатлари бўлса ҳам, ўзи тавҳид асосига қурилмаган нарсани, ибодат деб бўлмайдир. Кўринишда ибодат деб аталган нарсаси, ҳар қанча катта бўлса ҳам, ширк билан борса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уни кечирмайдир. Бунга ҳам, шак шубҳа йўқдир! Шунинг учун биз, ширкнинг баъзиларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси муборакларида, ашширкул акбар ва ашширкул асғар деган, иборалар билан келтирилган. Катта ширк ва кичкина ширк деганидир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига қараб, мен сизлар ҳақингизда энг кўп қўрқадиган нарсам, ширки асғар, дедилар. Яъни, ширки акбар демадилар. Ширки акбар хусусида, асҳоблар устида қўрқмадилар. Асҳоблар қалбида тавҳид, жуда мустаҳкам бўлган эди. Шунинг учун, кичкина ширкдан қўрқаман. Энг қўрқинчли нарса, шу дедилар. Кимларга? Ваҳй даврида яшаган, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, суҳбатдош бўлган.

Молларини ислом йўлида бағишлаган, жонларини ислом йўлида берган кишилар устидаги, энг қўрқинчли нарсам, ширки асғар дедилар. Демак, бошқалар учун, бу нарса ниҳоятда қўрқинчлик бўлмоғи керак.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан, гуноҳларни қайсиниси катта? деб, сўраганимда,

أَيُّ الذَّنْبِ أَكْثَرُ : أَنْ تَجْعَلَ لِلَّهِ نِدَاءً وَهُوَ خَلْقَكَ وَأَنْ تُزَانِيَ بِحَلِيلَةٍ جَارِكَ وَأَنْ تَقْتُلَ وَلَدَكَ أَجَلُ أَنْ يَأْكُلَ مَعَكَ أَوْ يَأْكُلَ طَعَامَكَ
إِسْنَادُهُ صَحِيحٌ

Сени яратган Аллоҳга ниманидир шерик қилишингдир! дедилар. Демак, Маъбуд бўлишга лойиқ Зот, яратувчи бўлади. Яратмаган ва ўзи яратилган нарса, Маъбуд бўлишликка ярамайди.

قُلْ أَنْظَرُوا مَاذَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ
Юнус сураси 101 оят

Ерда ва осмонларда нималар борлигига қаранглар! деяпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло .
Ундан ташқари,

يَا أَيُّهَا النَّاسُ ضَرْبٌ مَثَلٍ فَاسْتَمِعُوا لَهُ إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَنْ يَخْلُقُوا ذُبَابًا وَلَوْ اجْتَمَعُوا لَهُ إِنْ يَسْأَلُهُمْ الذُّبَابُ شَيْئًا لَا يَسْتَفِيدُونَ مِنْهُ ضَعُفَ الطَّالِبُ وَالْمَطْلُوبُ
Ҳаж сураси 73 оят.

Сизлар сиғинаётган нарсалар, Эй мушриклар деяпди, Аллоҳу таоло, сизлар Аллоҳдан бошқага сиғинаяпсизлар, улар ҳаргиз бир нарсани яратолмайди. Ҳатто, гўнг титиб юрадиган, нажас ейдиган қора пашшани ҳам, яратолмайди. Демак, Маъбуд бўладиган зот яратувчи бўлмоқлиги керак. Бирор нарсани, яратиш дегани, йўқдан бор қилиш, дегани. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло оламни, йўқликдан борликка олиб чиқди. Бор бўлган нарсани бирортасини йўқ қилиб бўлмайди, деб, динни инкор қилган тоифалар ҳам айтади. Нима учун, бор бўлган мавжудотни, йўқ қилолмайди? Чунки, уни йўқдан бор қилганмас, бу одамлар!

Уни бордан, йўқ қилолмайди, бу одамлар. Уни йўқдан бор қилган Зотгина, йўқ қила олади. Ер куррасидаги ҳамма жиҳозни жамлаб, ҳамма олимлар жамланса, бир томчи сувни йўқотишолмайди. Ўт қўйворса, (Парланиб) юқорига чиқиб кетади. Ҳали шу мулойим бўлган нарсани, қаттиқ нарсамас, шуни йўқотолмайди. Нима учун? Чунки, уни булар йўқдан бор қилган эмас.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳамма оламни яратди. Аллоҳ Ўзининг яратувчи сифати билан, мушрикларга ҳужжат қилди. Яъни, уларнинг сиғинаётган нарсалари, ҳеч нарса яратолмаслигини, баён қилди. Ва яратувчигина, ягона Маъбуд бўлишга, лойиқ эканини, баён қилди. Шунинг учун, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳодатлари билан, ширку акбар, энг катта гуноҳдир! Ширку акбарнинг баъзиларига, тўхталиб ўтамиз.

Катта ширк турлари

Биринчи, дуодаги ширк. Дуодаги ширк нима? Аллоҳдан бошқага дуо қилишлик. Ризқ талаби билан, ёинки, бир касалликдан шифоланишлик учун, Аллоҳдан бошқага дуо қилиб, сиғинишлик. Қуръони каримда

وَلَا تَدْعُ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَ فَإِنْ فَعَلْتَ فَإِنَّكَ إِذَا مِنَ الظَّالِمِينَ
Юнус сураси 106 оят

Аллоҳдан бошқа, сизга зарар ҳам етказмайдиган ва манфаат ҳам бермайдиган нарсага, дуо қилманг! деяпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Агар қилсангиз?!

فَإِنْ فَعَلْتَ

Кимга? Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло хитоб қилаяпди! Агар қилсангиз? деб, Муҳаммад алайҳиссаломга айтяпди. Аллоҳнинг расулига айтяпди!

فَإِنَّكَ إِذَا مِنَ الظَّالِمِينَ

Таъкид билан билан, шу сизга зарар ҳам, етказолмайдиган ва манфаат ҳам, беролмайдиган нарсага дуо қилсангиз, сизнинг золимлардан, яъни, мушриклардан бўлишингизга, шак шубҳа йўқ! деяпди, Аллоҳу таоло! Бундан қаттиқ гап бўлиши мумкинмас, биродарлар! Золим калимаси, мушрик дегани, қуръон истилоҳида, кўпроқ ширкка истеъмол қилинади.

لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ
Луқмон сураси 13 оят

Ширк катта зулмдир!

قَالَ: النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَلِمَةً وَقُلْتُ أُخْرَى، قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ مَاتَ وَهُوَ يَدْعُو مِنْ دُونِ اللَّهِ نَدَا دَخَلَ النَّارَ وَقُلْتُ أَنَا: مَنْ مَاتَ وَهُوَ لَا يَدْعُو لِلَّهِ نَدَا دَخَلَ الْجَنَّةَ
صحيح البخاري

Ким Аллоҳдан бошқага, ниддан, шарикка, дуо қилиб ўлиб кетса, ўтга киради. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда,

وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مَا يَمْلِكُونَ مِنْ قِطْمِيرٍ
إِنْ تَدْعُوهُمْ لَا يَسْمَعُوا دُعَاءَكُمْ وَلَوْ سَمِعُوا مَا اسْتَجَابُوا لَكُمْ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُونَ بَشِرِكُمْ ۖ وَلَا يُنَبِّئُكَ مِثْلُ خَبِيرٍ
Фотир сураси 13, 14 оятлар

Аллоҳдан бошқа, мушриклар сиғинаётган нарсалар, қитмир деб, хурмо данаги ўртасидаги ипни айтади. Хурмони еб бўлгандан кейин, қолган данагидаги бир ип. Аллоҳдан бошқага сиғинаётган нарсаларинглар, эй мушриклар, деяпди Аллоҳу таоло, улар хурмо данагидаги ипни ҳам, яратишликка қодирмас. Улар дуоингларни эшитмайдилар. Агар эшитишса мабодо?, Ўзи ҳеч қачон эшитишмайди! Мабодо эшитса, дуоингларни ижобат қилмайди. Қиёмат кунида сизлар мушрик бўлган нарсалар, ширкинлардан безор бўлади.

Баъзилар малоикаларни шарик қилган. Баъзилар пайғамбарларни, Аллоҳга шарик қилган. Баъзилар жинларни шарик қилган. Баъзилар солиҳ улуғ кишиларни шарик қилган. Қиёмат куни булар, безор бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, (бу дунёда) Аллоҳни ўғли деб, Исо алайҳиссаломга ибодат қилиб кетган, кетган насороларга хитобан айтади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат куни, Исо алайҳиссаломга, «Аллоҳни қўйиб, менга ва онамга ибодат қилинглар» сиз айтдингизми?, деб, сўрайди. У киши айтадиларки, Субҳонак! Зотингни поклайман. Бу нарса мен учун мумкинмас! Мен одамларга якка Аллоҳга ибодат қилинглар деб, буюрган эдим. Мен ҳаётимда, шу нарсага гувоҳ эдим. Ўтиб кетганимдан кейин, Ўзинг биласан. Мен одамлар нима қилганини билмайман, дейдилар.

Бу нарса, аввалги дарсларимизда кўп ўтган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло малоикаларга хитоб қилади. Малоикалар (уларга ибодат қилганлардан) безор бўлади. Солиҳлар безор бўлади. (Яъни, ўзларига ибодат қилган кимсалардан, бароат эълон қиладилар)

وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُونَ بَشِرِكُمْ

Фотир сураси 14 оят

Қиёмат кунда, сизларнинг ширкинглاردан безор бўлишади, деяпди, Аллоҳу таоло. Бу дуодаги ширқдир.

Аллоҳнинг сифатларидаги ширк: Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ғайбни, фақат Ўзи билади.

وَعِنْدَهُ مَفَاتِيحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ

Анъом сураси 59 оят

Иккинчиси, ғайбда ширк келтиришлик: Аллоҳнинг китобу суннатда келган сифатларини, исбот қиламиз. Мана бу биттаси, ғайбни билиш сифати. Аллоҳнинг ҳузуридадир ғайб хазиналари. Ғайбни фақат Аллоҳ билади. Мана бу сифатда, бирор бир кишини, ҳар қандай улуғ одам бўлсин, ғайбни билади деб, эътиқод қилишлиги ширқдир!

عالم الغيب فلا يظهر على غيبه أحدا إلا من ارتضى من رسول فإنه يسلك من بين يديه ومن خلفه رصدا

Жин сураси 26, 27 оятлар

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ғайбни ҳеч кимга кўрсатмайди. Магар Ўзи танлаган Расулга, баъзи ғайбларни билдириши мумкин. Илло ман иртазо мин расулин деган, сўздан маълумки, расул бўлса, баъзи ғайбларни билдиради. Биз буларни айтиб ўтганмиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, баъзи нарсаларни ваҳй қилди. Шуларни баён қилдилар.

قُلْ لَا أَقُولُ لَكُمْ عِنْدِي خَزَائِنُ اللَّهِ وَلَا أَعْلَمُ الْغَيْبَ وَلَا أَقُولُ لَكُمْ إِنِّي مَلَكٌ

Анъом сураси 50 оят

Шундай бўлсада, айтинг, мен ғайбни билмийман деб, айтишга буюрилдилар.

Учинчи катта ширклардан биттаси, ширкул муҳаббат. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўлган муҳаббатнинг баробарида, бошқа нарсага муҳаббат қилиш.

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَتَّخِذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَنْدَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ

Бақара сураси 165 оят

Яъни, баъзи одамлар борки, дейди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шариклар қилиб олишган. У шарикларни яхши кўришади, худди Аллоҳни яхши кўргандек. Демак, нидд қилиб олган, дейиляпди. Бу муҳаббат ширки, қандай билинади. Бошқа бировни буйруғини ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғи каби, деб билади. Аллоҳнинг буйруғига зид буйруқ. Шу зид буйруқни, Аллоҳнинг буйруғига, баробар кўради. Мана бу, муҳаббатдаги ширқдир.

Тўртинчиси, Ширку итоа, Итоатдаги ширк: Маъсият ишларда, гуноҳ ишларда, одамларнинг сўзига итоат қилиб кетишлик. Аллоҳ бир маъсиятдан, маън қилди. Бошқа одам бўлса, буюрди. Аллоҳни маън қилганини қилмасдан, бошқа одамга итоат қилиб кетиш, бу ширки итоадир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яҳудларни ва насороларни, қуръони каримда зикр қилди.

اتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرُءْيَاءَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا
Тавба сураси 31 оят

Одамзод, оддий одамга, итоат қилиб кетмайди. Яҳудлар ўзларининг олимларини ва насоролар ҳам ўзларининг олимларини, Аллоҳдан бошқа Робб қилиб олишди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдида, Адий ибн Хотим келди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қўлига, Хотим Тойни қизи асира бўлиб тушган эди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам уни, Хотим Тойни қизи эканлигини билганидан кейин, миннат қилиб, (Эваз олмасдан) озод қилиб юбордилар. Қизи бориб, Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқларини баён қилиб, бориб имон келтиришга тарғиб қилди. Шунда, Адий ибн Хотим кириб келди. Шунда, Адий ибн Хотимни бўйнида, бут бор эди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириб келди. Шунда ҳужраларига олиб кирдилар.

Хурмо баргидан қилинган кичкина, бир киши ўтирадиган тўшакчани, Адий ибн Хотимни тагига солдилар. Шунда, Адий ибн Хотим унамасдан, у кишига тортди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қасдан ўтиришга ундасада, ўтирмадида, у Адий ибн Хотим билан жаноби Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, ўртасида қолди. Икковлари ерга ўтиришдилар. Шу вақтда, шу оятни ўқидилар. Яъни, «Яҳудлар ўзларининг олимларини ва насоролар ўзларининг олимларини, Аллоҳдан ташқари, ўзларига Робб қилиб олишган.» деган, оятни ўқиганда, Адий ибн Хотим айтдики, Иннаҳум ла яъбудухум. Ё Расулulloх, улар ибодат қилишмаган эдию?! Бало, дедилар. Йўқ, албатта ибодат қилишганди, дедилар.

Олимлари ҳалолни ҳаром қилиб берса, ҳаромни ҳалол қилиб берса, булар итоат қилиб, қабул қилишган. Мана шу ибодатлари, дедилар. Демак, итоат ширки бу! Аллоҳ ҳаром қилган нарсани, ҳалол деса, ҳалол деган нарсани, ҳаром деса, диндан чиқади. Шунга бир одам қабул қилиб, итоат қилиб кетса, Аллоҳни қўйиб, бошқани илоҳ қилган бўлади. Бу ширки итоа, ширки акбар. Аллоҳ кечирмайдиган ширқдир!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг очиқ, сариҳ баёнидан кейин, буни таъвил қилишга ҳеч кимнинг, ҳаққи йўқ, биродарлар! Имоми Бухорий ривоят қилган, саҳиҳ ҳадисда,

الحديث صحيح إنما الطاعة في المعروف لا طاعة لمخلوق في معصية الخالق فلا يجوز طاعة الأب، أو الزوج، الأمير، أو السلطان في معاصي الله، فإذا قال له السلطان أو الأمير أو أبوه أو الزوج للزوجة اشربوا الخمر لا يطيعه في ذلك

Холиққа итоат қилмайдиган суратда, махлуққа итоат бўлмайди. Яъни, бир одамга итоат қилай десангиз, бу одам Аллоҳнинг буйруғига зид ишни қиляпди. Бунга итоат қилинмайди. Ким бўлишлигидан қатъий назар!

Бешинчиси, ширкул ҳулул. Шундай тоифалар борки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баъзи махлуқотига ҳулул қилади, дейишади. Кўпроқ бу, бараҳман тоифаларида бўлади. Яъни, Аллоҳ бир махлуққа тушадида, шу махлуқ шаклида кўринади, дейишади. Шу махлуқни, илоҳ дейди. Ёки, ваҳдатул вужуд, (сўфийларнинг бир йўналиши) эътиқодида бўлади. Аллоҳни ҳар бир нарсага ҳулуъ қилган деб, эътиқод қилади. Оламдаги нарсаларнинг хусусиятларини инкор қилади. Агар кимки, Аллоҳни, махлуқотига ҳулул қилган деб, эътиқод қилса, мушрик бўлади. (Насронийларда ва баъзи тасаввуф аҳлида бор, шундай куфр эътиқоди)

Олтинчиси, ширкут тасарруф. Яъни, кимки, баъзи кишилар коинотдаги нарсаларни бошқаради деб,эътиқод қилса, мушрик бўлади. Коинотдаги, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бошқарадиган нарсаларни, баъзи кишилар шундай мақомга етиб, бошқаради деб, эътиқод қилса, бу ширкут тасарруф, мушрик бўлади. Ҳатто бу, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам давридаги мушриклардан ҳам, баттар бўлади. Чунки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг давридаги мушрикларга, хитоб қилинса,

قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدِيرُ الْأَمْرَ
فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ
Юнус сураси 31 оят

Коиноту ерни ким бошқаради? дейилса, Аллоҳ дейишарди. Ҳозир бўлса, шундай тасарруфга эътиқод қилган мушриклар борки, бошқарувни, биронта бир баландликка, булоқми, ё Қоравул ота, ёки бошқа нарса бошқаради, деб, ҳамма оламни бошқарувини, шунга топшириб қўйган. Мана бу ширкут тасарруфдир, биродарлар!

Еттинчиси, Ширкул хавф, хавф ширки.

الَّذِينَ يَخَافُونَ الْعَذَابَ عِندَ رَبِّهِمْ وَالَّذِينَ يَخَافُونَكَ بِالَّذِينَ مِنْ دُونِهِ وَمَنْ يُضِلِلِ اللَّهُ فَمَا لَهُ مِنْ هَادٍ
Зумар сураси 36 оят

Аллоҳ бандасига кифоя қилгувчимасми? дейди, Аллоҳу таоло. Сизни, Аллоҳдан бошқа нарсалар билан, қўрқитишади. Яъни, инсон, Аллоҳни Ўзидан қўрққанлигидан, Аллоҳнинг буйруқларини қилишлиги керак. Қайтарган нарсаларидан, «қайтмасам, азоб бор» деб, қўрқиб, қайтмоқлиги керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғини қилишликда, мустасно суратлари бор. Уларни биз, аввалги дарсларимизда айтганмиз. Бир махлуқдан қўрқишлигингиз, Аллоҳнинг буйруғини қилмасликка сабаб бўлиб қолмаслиги керак. Унда, қўрқиш Аллоҳдан бошқасига бўлиб қолади. Мустасно суратлар деб, айтмоқчи бўлганимиз, Аммор ибн Ёсирни икроҳ (зўрланган) ҳолатлари мустаснодир. Аммор ибн Ёсирни, Муҳаммад алайҳиссаломни сўкишга мажбур қилиб, рўбарўларида оталари ва оналарини ўлдирди мушриклар.

Муҳаммад алайҳиссаломни сўкмасанг сени ҳам ўлдирамиз деган вақтда, азоб қаттиқ бўлган вақтида, у кишини оғзида, Муҳаммад алайҳиссаломни қадрини пастлатадиган сўз содир бўлиб қолди. Икроҳ ҳолатлари, бундан мустаснодир, биродарлар! Бу ширку хавфга кирмайди. Бошқа нарсаларнинг хавфи билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғини тарк қилишлик, бу ширку хавфдир, биродарлар! Лекин, инсоннинг йиртқич ҳайвондан қўрқишлиги ва тирик золимдан, баъзи ҳолатларда қўрқув қалбига келишлиги, ёинки, бир қоронғуликлардан қўрқишлиги, бу ширкка кирмайди. Бу инсондаги қўрқув ғаризасидир, бу! Лекин, бир одам, шу қўрқув сабаблик, Ҳамма Аллоҳнинг буйруқларини тарк қилишга сабаб бўлса, бу ширкул хавфдир, бу!

Саккизинчиси, ширкул ҳукм. Исломга зид бўлган ҳукмларни, бу Ислом ҳукми, энди ҳозирги замонга тўғри келмай қолди. Исломни ҳукми энди бекор бўлди. Энди бу исломга тўғри келмайдиган ҳукмларни қилишлик керак дейдиган бўлса, бу ширкул ҳукмдир, бу! Бу ширкдир бу! Юқорида биз ширк турларининг, баъзисини айтиб ўтдик. Бу ширклар содир бўлган одамнинг, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, амалларини ҳабата қилади.

وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ
Зумар сураси 65 оят

Бу энди, жуда қўрқинчли оят, биродарлар. Сизга ва сиздан илгаригиларга ваҳй қилинди. Агар ширк амали содир бўлса, амалингизни ҳабата бўлишлигида, шак шубҳа йўқ! Зиёнкорлардан бўлишингизга, шак шубҳа йўқ, деб, Муҳаммад алайҳиссаломга, Аллоҳу таоло шу хитобни, қилаяпди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширкни, ҳеч қачон кечирмайди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари мана:

اللهم إنا نعوذُ بك من أن نُشركَ بك شيئاً نعلمُه ، و نستغفُركَ لما لا نعلمُه

Яъни, Сенга бирон нарсани билиб турган ҳолатда, ширк келтириб қўйишлиқдан паноҳ истаймиз. Ва билмаган нарсаларимизга истиғфор айтамиз деб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўзларининг дуоларида, бизга таълим бердилар.

Ширкул асғар (Кичик ширклар)

Кичик ширкларга тўхталиб ўтамиз. Ширки акбарга олиб борадиган ширклар бор. Агарчи, ибодат мартабасида бўлмаса ҳам. Ширки асғарни қилган одам, Ислом доирасидан чиқмайди. Лекин, гуноҳи кабиралар жумласига киради.

Биринчиси риёдир. Яъни, бировлар кўришлиги учун амал қилиш. Ёинки, бировларга овоза бўлишлиги учун, бирор ишни қилишлик.

فمن كان يرجو لقاء ربه فليعمل عملاً صالحاً ولا يشرك بعبادة ربه أحداً
Каҳф сураси 110 оят

Роббисига рўбарў бўлишни умид қилган одам, солиҳ амал қилсин! Роббисига ибодатда ҳеч бировни, шарик қилмасин! Бирор бир амални Аллоҳ учун қиладию, лекин, шу амални чиройлироқ қилади. Бировлар кўриши учун! Бировлар мақташлиги учун! Мана шу ширки асғардир. Кичкина ширқдир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтганлар мана, Имоми Аҳмад ривоят қилган.

إِنَّ أَخَوْفَ مَا أَخَافُ عَلَيْكَ الشِّرْكَ الْأَصْغَرَ، قَالُوا: وَمَا الشِّرْكَ الْأَصْغَرُ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الرِّيَاءُ؛ يَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِذَا جُزِيَ النَّاسُ بِأَعْمَالِهِمْ: اذْهَبُوا إِلَى الَّذِينَ كُنْتُمْ تُرَاوُونَ فِي الدُّنْيَا، فَانظُرُوا هَلْ تَجِدُونَ عِنْدَهُمْ جَزَاءً

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, сизларнинг устингларда энг ташвиш қилиб турган нарсам, асҳобларга хитоб қилиб айтяпдилар. Энг улуғ асҳобларга, сизларнинг устингларда қўрқадиган нарсамнинг энг қўрқинчлиси, кичкина ширқдир, дедилар. Нима у? дейишганда, риё, дедилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат куни, одамларнинг амаллари билан мукофотлаган вақтда, «дунёда кимга риё қилган бўлсанглар, шуларни олдига боринглар. Қарангларки, уларнинг олдида сизларга мукофот бормикан? дейди.

Яъни, ҳақиқий ва адолатлидирки, ким амални ким учун қилса, ундан мукофотини талаб қилиши, мантиқий тўғри ва адолатдир! Аллоҳ учун қилса, Аллоҳдан талаб қилиши ва одамлар учун қилса, одамлардан талаб қилиши, ҳақиқий тўғри ва адолатдир!

Иккинчиси, ал хилфу биғойриллоҳ. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан бошқанинг, номига қасам ичишлик, бу ширку асғардир. Кичкина ширқдир.

وخرج الترمذي والحاكم بإسناد صحيح عن ابن عمر رضي الله عنهما أن النبي ﷺ قال: من حلف بغير الله فقد كفر أو أشرك

Ким Аллоҳдан бошқага қасам ичса мушрик бўлади. Яъни, кичкина ширк қилган бўлади. Аллоҳнинг номидан бошқанинг номига, қасам ичишлик, ярамайди, биродарлар! Мабодо бир киши, қуръонга қасам ичасан деса, йўқ, «Аллоҳни номига қасам ичаман» денг! Юлдузлар ва бошқалар, ҳеч қайсини номига, қасам ичишга ярамайди. Бу ширки асғардир. Мабодо шу қасам ичилаётган нарсани, агар ёлғон қасам ичсам, шу нарса менга зарар етказди деб, эътиқод қилса, унда бу ширки акбар, бўлади.

Масалан, юлдузни номига қасам ичишлиги, кичкина ширкдир. Лекин, ёлғон қасам ичсам, шу юлдуз, менга зарар етказди деб, эътиқод қилса, унда ширки акбар, бўлади. Биз сўзларимизга эҳтиёт бўлишимиз, лозимдир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, бир киши Аллоҳ хоҳласа ва сиз хоҳласангиз бўлади, деган вақтда, Ажаълтани ниддан лиллоҳ? Мени Аллоҳга шарик қилаяпсанми? дедилар. Бир киши, мо шааллоҳу ва шиъта демасин, дедилар.

وله أيضا عن ابن عباس رضي الله عنهما: "أن رجلا قال للنبي ﷺ: ما شاء الله وشئت. فقال: أ جعلتني لله ندا؟ ما شاء الله وحده

Муҳаддис уламолар ривоят қилган ҳадисда,

أن الرسول ﷺ قال: لا تقولوا ما شاء الله وشاء فلان، ولكن قولوا: ما شاء الله ثم شاء فلان

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, «Аллоҳ хоҳласа, фалончи хоҳласа» деманглар, дедилар. Шу фалончини қўшмоқчи бўлса, Аллоҳ хоҳласа, кейин фалончи хоҳласа, десин, дедилар. Аллоҳ хоҳласа, сиз хоҳласангиз дейишлик, ширк бўлади, биродарлар! Агар ҳеч шу нарсасиз бўлмайдиган бўлса, сумма, кейин, деган калима қўшилиши керак.

Мана бу, кичик ширклардан бўлган риё деган, нарса, жуда кўп нарсани, ўз ичига олади. Сумъа деган нарса, жуда кўп нарсани, ўз ичига олади. Яъни, Аллоҳ буюрган тоза амаллар, биров мақташлиги учун қилинса, ширкдир. Энди, Аллоҳ маън қилган нарсалар бор, биродарлар.

Ҳозирги замон, шунақа бир мураккаб замон бўлдики, одамлар жоҳиллиги шунақа мурккаблашдики, чор қиррамас, олти қиррамас, саккиз қиррамас, қиррасини санаб бўлмайдиган бўлиб кетди. Бу риё, Аллоҳнинг ибодатига қўшилганда ширк бўлади. Энди одамларда риё, шунчалик оммалашдики, Аллоҳ маън қилган нарсада ҳам, риё бўлаяпти. Аллоҳ Ўзи маън қилган, маст қилувчи ичимлик ичишликни. Мана бу нарсаларда ҳам, маъсият ва ҳам ширк ҳаммаси аралашиб кетган. Ҳатто инсон, бунинг номини, нима деб, аташликка ҳам, ўйланиб қолади. Шу ерда битта нарсани, айтиб ўтмоқлик керак. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам,

لعن الله اليهود والنصارى اتخذوا قبور أنبيائهم مساجد

Имоми Бухорий ва Имоми Муслим ривояти. Вафотларидан беш кун илгариги айтган ҳадисларида, Яҳуд ва насороларни Аллоҳ лаънатласин, пайғамбарларини қабрларини масжид қилиб олишди, дедилар. Яъни, буни ҳеч ким айтолмайди, мансук бўлган деб. Вафотларидан беш кун илгари айтдилар, мана шу насихатларини. Пайғамбарларини қабрларини масжид қилиб олишди, дедилар. Муттафақун алайҳ ҳадис бу, биродарлар!

لَعَنَ اللَّهُ مَنْ ذَبَحَ لِغَيْرِ اللَّهِ
صَحِيح مُسْلِم

Аллоҳ лаънат қилсин, Аллоҳнинг номидан бошқага сўйганни, дедилар. Ширк кўринишларидандир Аллоҳдан бошқага назр қилиш ва Аллоҳдан бошқага атаб сўйиш ва Аллоҳ буюрган Каъбадан, бошқа жойни тавоф қилишлик. Аллоҳ буюрдики,

وَلْيَطَّوَّفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ
Ҳаж сураси 29 оят

Байтуллоҳни тавоф қилишсин деди, Аллоҳу таоло. Биз фақат Байтуллоҳни, тавоф қиламиз. Бошқа жойни тавоф қилишлик бу ширк кўринишларидандир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кўпроқ ширк қабрлар орқалик бўлишини билдиларда, қабрдаги ширкнинг пайдо бўлишлиги мумкин бўладиган нарсалардан қайтардилар.

نهى رسول الله ﷺ أن يجصص القبر وأن يقعد عليه وأن يبنى عليه
Имоми Муслим ривояти.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қабрни юхасхас, мана бундай оқ моддалар қиламиз. Мана бундай моддаларни, бу ерда ишлатишликдан, ва қабрни устига ўтиришликдан ва қабр устига бино қуришликдан қайтардилар. Бу хасхасага, баъзи бир бўёқ ва ёғ ва шу кабиларни, истеъмол қилишлик ҳам киради, деган эканлар. Баъзи ривоятларда келади,

وَأَنْ يُقَنَّبَ عَلَيْهِ
Имоми Термизий ривоятларида.

Қабр устига китобат қилиб, шоирбозлик қилиб, ҳар хил нарсаларни ёзишликдан қайтардилар. Ҳатто, айтилган эканки, у ерда қуръон ва шеър ва шунақа нарсаларни ёзишликдан ҳам маън қилинди. Биродарлар ҳозир ҳамма шу нарсага эътибор қилиб кетишган. Ота оналарни ҳурмати ўлганидан кейин қабрига кўрсатилади. Бу айни шайтоннинг васвасасидир. Бу ҳаётда, ота онага яхшилик қилолмаслиқнинг аломатидир. Шу бола ота онасига ҳаётда яхшилик қилолмагани учун, ўлганидан кейин ҳам, яхшилик қилиш насиб қилмагандир. Чунки, шу устига сарф қилган нарсани, муслмонларнинг фуқарою мискинларига сарф қилса, ота онасига фойдаси бўларди. Шу нарсанинг ҳам, насиб бўлмаслигидир бу, биродарлар!

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қайтарган нарсани, ота онаси қабрига тикиб қўйишлиги ҳам, бир балодир, биродарлар! Ҳатто, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ота онага яхшилик қилинглари, деган буйруқларини ҳаётда қилолмасдан, ўлиб кетганидан кейин ҳам, қилишлик насиб бўлмаслигидир бу! Қабрларни устида ўтиришликдан маън қилинди, биродарлар.

Ҳатто, бир ҳадисда, саҳиҳми саҳиҳмасми билмиман, ўлиб кетган биродарингизни қабрида ўтирганингиздан, чўғни устига ўтирганингиз яхшироқ, дейилади. (Дарҳақиқат, бу ҳадис саҳиҳ ва қуйида уни арабча матни илова қилинди.)

لَأَنْ يَجْلِسَ أَحَدُكُمْ عَلَى جَمْرَةٍ فَتَحْرِقَ ثِيَابَهُ، فَتَخْلُصَ إِلَى جُلْدِهِ؛ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَجْلِسَ عَلَى قَبْرِ
رواه مسلم في صحيحه

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Али разияллоҳу анҳуга буюрдиларки,

قال لي علي بن أبي طالب ألا أبعثك على ما بعثني عليه رسول الله صلى الله عليه وسلم أن لا تدع تمثالا إلا طمسته ولا قبرا مشرفا إلا سويته

Имоми Муслим ривоятида

أَنْ لَا تَدَّعِ صُورَةَ إِلَّا طَمَسَتْهَا، وَلَا قَبْرًا مُشْرِفًا إِلَّا سَوَّيْتَهُ" رواه مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Али бин Абу Толибни, сафарга жўнатиб, «бирор бир тимсол қолмасдан, йўқотиб юборинг, деб айтганлар. Ҳамма жойга бут қўйиб ташланганди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида, якка Аллоҳга ибодат қилиш учун қурилган Байтуллоҳнинг ичида, уч юз олтмишта, бут бор эди. Биттаси сув оқизадиган бут. Биттаси ёмғир ёғдирадиган бут. Биттаси ўтқи бут. Биттаси дарахтларни бут. Ҳамма ёқни бўлиб беришган эди.

Худди, юнонлардаги бўлиб берганга ўхшаган. Улар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, ҳеч нарса қолдиришмаган эди. Ҳамма нарсани фойда ҳам, зарар ҳам етказолмайдиган, шаклларга топшириб қўйишган эди. Мана Али разияллоҳу анҳуга буюрдиларки, бирор тимсолни қўймасдан йўқотинг. Баланд қабри, қўймасдан теккислаб қўйинг, дедилар. Жуда катта пуллар сарф қилинган бутлар эди, булар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Алига, бу бир тарихий бир нарса, демадилар.

Аллоҳ ирода қилса, Аллоҳнинг шариатида мувофиқ, бир иш бўладиган бўлса, ҳозирги жуда кўп нарсалар борки, уларни тарихий эканига эътибор қилинади. Лекин, ҳаммаси қабрлар устига қурилган. Булар ҳаммаси исроф бу, биродарлар. У мусулмонларнинг моллари, бир кишининг қабрига сарф қилиниши мумкинмас, эди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қабрларни зиёратидан, аввалда маън қилдилар. Нима учун? Одамларнинг қалбларида тавҳид ўрнамаган эди.

عن بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: نَهَيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُورِ، فَرُزُّوْهَا

Бошқа ривоятда

فَزُورُوا الْقُبُورَ؛ فَإِنَّهَا تُذَكِّرُكُمُ الْمَوْتَ

Сизларни мен қабрлар зиёратидан маън қилувдим. Энди зиёрат қилаверинглар, дедилар. Чунки, энди сизлардан ширк амали содир бўлмайди, дедилар. Қабрларга борганда ширкий амални қилмайсиз, дедилар. Улар мана бундай, шариат маън қилган нарсани қилмайдиган даражага чиқишдилар. Кейинги ҳадисда, қабрларни зиёрат қилинглари, охиратни, (ўлимни) эсингларга солади, дедилар. Ҳозирги вақтда, баъзи бир сайлгоҳларга бориб, қилиб келинаётган ишлар, охиратни эсга соладими, биродарлар?!

Охиратни эсдан чиқаради! Бориб, ўйин кулгу, уйда емаган зиёфатлар. Бу ерда бунча овқатларни еб, бунча овқатлар ва ўйин кулгу билан борилган ерда, охират эсдан чиқади, биродарлар! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қабрларни зиёратига буюрдилар. Охиратни, (ўлимни) эсга солишлиги учун. Шунинг учун ҳам биз, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлланмаларини, тушунмоқлигимиз керак! Ислон душманлари, бизни қабрларни кўрганда, охиратни эсдан чиқариб ташлайдиган даража олиб боришлик билан, бугун биз охиратни ўйламасдан, яна туғён, халқларга зулм қилиш, Ислонни ҳукмларини қилмасдан, халқларга зулм қилишни, яна давом эттираверамиз.

Инсон қабри олдида борганда, ўзининг тенгдошларини шу ерда ётганлигини билса, ўзи ҳам шу ерга келишлигини билса, қилаётган зулмларидан ўзини тийишликка сабаб бўларди. Лекин, бу нарса, буни ифодаламайди, ҳозирги вақтда. Шунинг учун, биз ўзимиз, нима қилаётганимизни ҳам, билиб олайлик. Шу ўринда, Ислондан чиқарувчи нарсаларнинг баъзиларини эслаб ўтмоқчиман.

Навоқизул Ислон

Мусулмон киши баъзи, Исломга зид нарсаларни қилишлик билан, Исломдан чиқиб қолади. Шулардан баъзиларига, тўхталиб ўтамыз.

Биринчиси, Аллоҳнинг ибодатидаги ширк. Мана айтиб ўтаяпмиз.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا
Нисо сураси 48 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бирон нарсани, Ўзига шарик қилинишини кечирмайди. Ширк амалини қилган киши, айтиб ўтганимиздек, жаҳаннамга абадий ўтин бўлади. (Агар тавбасиз ўлса)

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ
Моида сураси 72 оят

Иккинчиси, ўзи билан Аллоҳнинг ўртасида, дуо қилиб, ёрдам сўрайдиган воситалар қилса, мушрик бўлади.

أَلَا لِلَّهِ الدِّينُ الْخَالِصُ وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَىٰ إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فِي مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كَاذِبٌ كَفَّارٌ
Зумар сураси 3 оят.

Улар бизни Аллоҳга, яқин қилади деб, ибодат қилаяпмиз халос, дейишади. Шунинг учун мушрик бўлишди.

Учинчиси, мушрикни кофир деяолмаса, ёки куфрида шак қилса ҳам, куфр бўлади, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мушрикларни жаҳаннамнинг абадий ўтини деб, турибди. Мушриклар абадий жаҳаннамда қолди, деб турибди. Мана бунда биз, шак шубҳа қилмаслигимиз керак.

Тўртинчиси, Муҳаммад алайҳиссаломнинг йўлидан бошқа йўл, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлидан комилроқ деб, эътиқод қилса, мушрик бўлади. Бу Муҳаммад алайҳиссаломнинг олиб келган йўлидан комил йўл йўқ. Бу йўл комил йўл. Бу йўл ҳақиқат йўли. Бундан бошқа йўллар, ҳаммаси залолат деб, била олишимиз керак. Агар, Муҳаммад алайҳиссаломнинг олиб келган йўлидан, бошқа йўллар комилроқ деса, кофир бўлади. Яъни, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ислом йўлини олиб келди. Бу йўлдан бошқа йўл, комил бўлишлиги мумкинмас!

Бешинчиси, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўлни, ёмон кўрса. Ўзи қиладую, лекин, ёмон кўради.

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَرِهُوا مَا أُنْزِلَ اللَّهُ فَاحْبَطُوا أَعْمَالَهُمْ
Муҳаммад сураси 9 оят

Аллоҳ туширган нарсани, булар кариҳ кўришдида, Муҳаммад алайҳиссалом қайси йўлни олиб келди? Аллоҳ тарафидан бўлган йўлни олиб келдилар! Мана шу йўлни кариҳ кўришгани учун, Аллоҳ амалларини ҳабата қилди, деяпди.

Олтинчиси, Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган йўлни, ёинки у киши айтган савобни ва азобни, масҳара қилса.

قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا رَسُولَهُ كُنْتُمْ تَسْتَهْزِئُونَ لَا تَعْتَذِرُوا قَدْ كَفَرْتُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ

Тавба сураси 65,66 оят

Аллоҳнинг ва Унинг оятларининг ва Расулининг устидан масхара қилаяпсизларми? Сизлар узр айтманглар. Кофир бўлдинглар, имонларингдан кейин., деяпди, Аллоҳу таоло. Кофир бўлганингларда шак шубҳа йўқ, деб, қад кафартум мин баъде имоникум, деяпди.

Еттинчиси, сеҳр. Сеҳр жумласидандир, совутма иситма қилишлик. Ким шу нарсани қилса, бу нарса куфрдир.

وَمَا يُعْلِمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ

Бақара сураси 102 оят

Саккизинчиси, мусулмоннинг зарарига, мушрикка ёрдам беришликдир. Мусулмонга зарар қиладиган иш, мушрикка фойда қиладиган иш. Мана шунга ёрдам бериш, бу куфрдир!

وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنْكُمْ فَبِإِنَّهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

Моида сураси 51 оят

Тўққизинчиси, баъзи одамларга, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шариатига амал қилмаса ҳам бўлаверади. Баъзи мақомга етганидан кейин, амал қилмаса ҳам бўлаверади деб, эътиқод қилса, куфрдир бу! Энг комил зотлар саҳобалардир. Шулар ҳаммалари Муҳаммад алайҳиссаломнинг буйруқларидан, заррача чиқишмадилар. Улардан ҳеч ким улуг бўлмайди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг олиб келган йўлидан, ўзларининг тили билан айтганда, «камол топган кишилар чиқиши мумкин» деса, куфрдир бу! Мана бу нарсаларни эсдан чиқармаслигимиз керак. (навоқизул имон ўнта бўлиб, бу ерда тўққизтаси зикр қилинди)

Шу ерда, турли хил саволларга жавоблар берилган. Улар дарсга алоқаси йўқлиги учун, киритилмади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширк амалларни қилишлиқдан Ўзи сақласин! Биз мана шу дарсни, кўп қилдик биродарлар. Хутбамизда ҳам кўп қилдик. Лекин, кўп қилинаётгани, бизнинг халқимизга нисбатан оздир, бу. Мана бу нарса мижозий масаламас, биродарлар. Бу имон ва куфр масаласидир. Бу ё, у тарафга ё, бу тарафга ўтиб қолинадиган масаладир. Ё аҳли жаннат ё, жаҳаннамнинг ўтини. Ўртада бошқа масала йўқ, биродарлар. Шунинг учун, бу масалани кўп эсга олиб, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини текшириб, ўтмоқлигимиз керак. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ширк, қора кечанинг зулматида қора тошнинг устида кетаётган, қора қумирсқанинг юришидан ҳам махфийроқ, деганлар. Шунинг учун билмай қоласиз. Кўп нарсани текширсангиз, ширкка бўлганиб кетган. Шунинг учун бизнинг дуоларимиз ижобат бўлмаяпди, биродарлар! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ширкдан сақласин. Аҳли тавҳидлардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ўтган хатоларимизни, Ўзи кечирсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шу дарсимизни давомли бўлишини насиб қилсин! Омин!

24 дарс тугади

25 Дарс

Бидъатлар келиб чиқиш тарихи ва турлари

(Бу дарсда диндаги турли хил бидъатларнинг келиб чиқиши ва турлари ҳақида, қисқача сўз юритилади ва улардан эҳтиёт бўлишликка, даъват қилинади. Бидъатларнинг келиб чиқишига эътибор беришлик зарурдир. Чунки, булар динда нўё, яхши ниятда пайдо қилинади ва шу билан динни бузади. Динда камчилдик йўқ. Унга ҳеч нарса қўшишлик ва олиб ташлашликка ҳожат йўқдир! Суннатлар тарк қилинса, бидъатлар пайдо бўлади. Бу дарс шу ҳақидадир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Башарийятнинг отаси Одам алайҳиссаломни яратгандан тортиб, то Муҳаммад алайҳиссалом давригача, Ўзининг яратган махлуқлари бўлмиш, инсонлар билан, Ўзининг ўртасида пайғамбарларни доим элчи қилиб, уларга Ўзининг энг буюк неъматини ваҳйни, нозил қилди. Шу даврдан тортиб, башарийятни йўллаган йўли бўлса, қайси бир саодат йўли бўлса, унга йўллаган ваҳйни нозил қилди. Қайси бир зарарлик нарса бўлса, огоҳлантирди. Пайғамбарлар устларига юкланган вазифада, хиёнат деган нарсанинг, бўйини ҳам қилишмадилар. Улар шу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан тушган ваҳйни етказишда, маломатчининг маломатидан қўрқмадилар. Могу давлат билан алданишмадилар. Ҳар қандай азоб уқубат билан, алданишмадилар. Шу Аллоҳ тарафидан бўлган ваҳйни ҳақлигида, бирор бир лаҳза, шак шубҳа қилмадилар. Шу ваҳйни етказишлик, уларнинг асосий ва бирдан бир, вазифалари эканлигини билишдилар. Бу ваҳйни етказишда, такрор айтамыз, бирор халқ билан, мурса қилмадилар.

Пайғамбарлар могу давлат, мерос қўйиб кетмади. Ё, катта бир қасрлар, мерос қўйиб кетмади. Ёинки, серфарзанд бўлиб, фарзандларим сизларга йўлланма кўрсатадиган деб, авлодлари билан фахрланишмадилар. Дунё кимсалари фахрланадиган, бирон бир нарса билан фахрланишмадилар. Ва шу нарсаларни қўйиб кетганлигини, халққа эълон қилмадилар. Аммо, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан келган ваҳйни, мерос қўйиб кетаётганлиги билан, доим умматларини огоҳлантирдилар.

Рисолат башарийятнинг гўёки, ижтимоий гўдаклик босқичидан, камолот босқичига етди. Бу камолот босқичига етган давр, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг даврлари бўлди. Шу даврда энди, башарийят, ижтимоий гўдаклик босқичидан, камолот ёшига етгандан кейин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, комил динини жўнатди. Яъни, дини комил қилди.

У аввалги динларни аслларига (асосий ақидасига) қўшимча бергани йўқ. Тармоқларига (шаръий ҳукмларига) қўшимча берилди.

У қўшилган қўшимча, аввалги жўнатилинган динларни, ноқис дегани эмас. Балким, одамларнинг, нуқсонларига мувофиқ эди, деб тушунмоқлиғимиз керак.

Энди инсонларнинг нуқсони кўтарилганидан кейин, комил манҳаж келди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло пайғамбарларнинг охиргиси, Муҳаммад алайҳиссаломни жўнатди. Ва Ўзининг каломида,

الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتِمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا

Моиди сураси 3 оят

Бугунги кунда сизларга динингларни комил қилдим. Исломни сизларга дин бўлишлигини ихтиёр қилдим, деб Ўзининг каломида ёд қилди. Демак, мўминларнинг эътиқоди, Муҳаммад алайҳиссаломнинг, йигирма уч йиллик рисолат даврида, Дин баркамол бўлди. Бирор бир нуқсон қолмади. Балки, тамоми комил суратда, Дин шаклланди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, бу оят нозил бўлганда асҳобларнинг донолари, мана Абу Бакр йиғладилар. Ҳаммалари, бу чолни нима йиғлятанди экан? Динни комиллигидан хабар эшитганда, бу чол йиғлятанди, дейишганларида, у киши, бу оят Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотидан дарак беради, дедилар. У киши, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам динни комил қилиш учун келганлар. Динни комил бўлиши билан, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан, фироқ даври келганлигини тушундилар.

Агар бир нарсани, динга бир киши қўшаётган бўлса, шу одамни диндан бирон нарсани олиб ташлагандан фарқи йўқдир, биродарлар! Яхши ният билан бир нарсани қўшаётган одам, яхши ният билан диндан бир нарсани олиб ташлаётганини фарқи йўқ. Албатта, яхши ният билан қўшганларни айтаямиз. Ёмон ниятда қўшган одам, у кофир бўлади. Шунинг учун биз ҳозирги дарсимизда, шу бидъат тўғрисида бир тўхталиб ўтмоқчимиз. Сўзимизнинг мавзуси, бидъатга келиб тўхтади.

Бидъат нима? Бидъатни луғатдаги маъноси, юқорида ҳали ўтмаган нарсани, ихтиро қилиш дегани. Қуръони каримда,

بَدِيعَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ

Бақара сураси 117 оят

Аллоҳу таолони коиноту ерни, илгариги мисолсиз қилиб, яратувчидир деб, ёд қилинган. Коиноту ерни, илгари бир мисоли ўтмаган. Мисоли йўқ нарсани, яратувчи Зот. Луғавий маъноси, мисоли йўқ нарсани, яратувчи маъносидадир.

قُلْ مَا كُنْتُ بِدْعًا مِّنَ الرُّسُلِ وَمَا أَدْرِي مَا يُفْعَلُ بِي وَلَا بِكُمْ

Аҳқоф сураси 9 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга айтинг деб, буюрдики, мен Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан рисолатни олиб келган кишининг янгисимасман. Биринчисимасман денг, деган маънода. Яъни, менга бунча таажжубланасизлар денг! Бандаларга. Мен рисолатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан биринчи, олиб келувчимасман. Мендан илгариги пайғамбарлар ҳам, рисолатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан олиб келди. Илгари бўлмаган нарсани, ихтиро қилди, дейилади. Демак, бидъатнинг ихтиро, маъноси бор. Истилоҳий маъноси бўлса, динда бўлмаган нарсани, дин деб, олиб келишлик. Аллоҳу Расули тарафидан китобу суннатда собит бўлмаган. Саҳобалар китобу суннатни, энг тушунувчи зотлар. Тобеъинлар китобу суннатни, энг тушунувчи зотлар. Шулар тарафидан, олиб келинмаган нарсани, шуни савоб бўлади деб, яхши ният билан ихтиро қилишликни, бидъат деймиз.

Бидъат, икки қисм бўлади.

Одатларда ихтиро қилишлик мумкин. Ва ибодатларда, ихтиро қилишлик мумкин. Бу одатларда ихтиро қилишлик мубоҳ нарсадир. Бирор бир одатда, буни Дин дебмас, одатий нарсани, ихтиро қилишлик мумкин бўлган нарсадир. Қилса савоб бўлади ва тарк қилса, гуноҳ бўладиган нарсани, Дин деймиз. Динда ихтиро қилишлик, бу ҳаромдир! Чунки, диндаги асл, тавқифийдир. Яъни, Аллоҳу Расулининг сўзига боғлиқ бўлган, масаладир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, олиб келган йўл бўлмагандан кейин, бу нарсани биз, бидъат деймиз. Бундаги асос,

مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ فِيهِ، فَهُوَ رَدٌّ
صحيح البخاري

Баъзи ривоятларда,

مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ.
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кимки бизнинг динимизда бўлмаган нарсани пайдо қилган бўлса, бу нарса мардуддир! дедилар.

Диндаги бидъат ҳам икки турли бўлади.

Биринчиси, бидъату қавлийя ва эътиқодийя. Яъни, эътиқодга тааллуқли бўлган бидъатлар. Масалан, муътазилийлар, рофизийлар ва жуҳаймийлар тоифалари, эътиқодга олиб кирган фикрлари, ҳаммаси бидъатдир! Хуллас, етмиш икки фирқа тарафидан олиб кирилган эътиқодий сўзлар, ҳаммаси бидъатдир. Диндаги ихтиродир. Аллоҳу Расул тарафидан бизга бундай эътиқодотлар, келмаган.

Иккинчиси, ибодатлардаги бидъат. Аллоҳу Расули тарафидан тузилмаган ибодатларни ихтиро қилишлик, бу бидъатдир, биродарлар! Биринчи тури эътиқодга тааллуқли бўлган бидъатлардир. Буни ҳам икки қисмга бўламиз. Аслида бўлмаган, тубдан ихтиро қилинган бидъат. Баъзи бидъатларда, динда асос бўлмайди. Аллоҳу Расули тарафидан буни айтилмаган. Инсон тарафидан тўқилган халос. Баъзи бидъат турлари борки, асл бору, унга қўшиб қўйилган. Бидъатни бу икки турини билмоқлигимиз керак.

Масалан, бир киши аслида бўлмаган, намозни ёки, рўзани пайдо қилди. Ёки, шариатда машруъ бўлмаган бир ийдни, (байрамни) пайдо қилди. Бир байрам ташкил қилди. Булар Исломда мутлақо асли бўлмаган бидъатдир бу. Беш вақт намоз, таҳорат қилганимизда, икки ракат намоз ўқиш. Масжидга кирганимизда, икки ракат намоз ўқиш. Азон билан такбирни орасида, икки ракат намоз ўқиш. Ва ҳаказо нарсалар борки, шариатда бунга асос бор. Шунақа намозларни қўйиб, ўзича, бошқа намозни пайдо қилса, бу бидъатдир.

Ийдга ҳам тўхталиб ўтайлик. Исломда машруъ бўлган ийд, ийди рамазон ва ийди қурбон. Ва жумаъ ийди. Мўмин одамнинг ҳар йилда келадиган, иккита ийди бор. Ва ҳар ҳафтада келадиган, жума ийди бор. Бундан бошқа ийдни, ташкил қилишлик, бидъатдир. Саҳобалар қилмаган ва тобеинлар қилмаган ва бу нарса, динда асли йўқ, бидъатга киради.

Иккинчи тури бўлса, шаръий ибодат. Шом намозини уч ракат ўқишлик. Тонг намозини икки ракат ўқишлик. Ва ҳаказо ибодатлар бор. Шу намозни, яхши ният билан, мен шу тўрт ракатни, беш ё, олти қилиб ўқий, деса, бу бидъатни иккинчи туридир. Ҳар ракатига шунча савоб бўлса, яхши ният билан, бу нарсани мен, беш ракат қилсам, савоби кўпаяди, деб, беш ракат ўқиш, бу бидъатдир.

Бу намоздаги беш ракат ўқишни, кўриниб тургани учун, бидъат бўлишини, ҳамма тушуняпти ҳозир. Баъзи бидъатлар борки, силлиқроқ бўладида, бу амални бидъат десангиз, нима учун бу бидъат бўлар экан, деб қилаверади. Масалан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, (асҳобларга кўрсатиш учун) ҳар азосини бир мартадан юиб таҳорат қилдиларки, кейин, бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бусиз, ибодатни қабул қилмайдиган таҳоратдир, дедилар. Кейин, икки мартадан ювиларда, бу ҳам таҳорат, дедилар. Кейин, уч мартадан ювиларда, бу менинг таҳоратим, дедилар. Демак, суннат уч марта ювишлик. Шарияти исломийя бу нарсани, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари билан бизга кўрсатди.

Шундай ўрин бўлиши мумкинки, бир марта ювишликка сув бор. Агар ҳар аъзони, бир марта ювсангиз, шу сув етади. Аммо, уч мартага етмайди. Шу вақтда таяммум қилишлик, мумкинмас. Бир мартадан юиб, таҳорат қилинади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларидан, мана бундай ўринда фойдаланишлик керак. Энди бир киши, сув ниҳоятда сероб жойда турибман деб, тўрт марта ювса, бу бидъат бўлади.

Шунда айтсаки, мен ниятим, тозароқ қилиб ювмоқчи эдим, деса, шу тозароқ қилиб, ювмоқчи бўлган иши бидъат, дейилади. Шунинг учун, уламолар бидъатдан шунчалик эҳтиёт бўлишганки, таҳорат қилинаётган вақтда, инсонга шубҳа бўлсаки, икки марта ювдимми ё, учми, деб, шубҳаланиб қолса, уч мартага ҳукм қилсин, дейишганлар. Майли, икки бўлиб қолса ҳам. Чунки, уч марта ювган бўлсаю, яна ювишлик билан тўртта бўлиб, бидъат бўлиб қолади, дейишганлар. Икки марта ювса, бидъат бўлмайди. Бидъатдан шунчалик, эҳтиёт бўлишганлар.

Баъзи бир кимсалар, ҳозирги вақтда, унчалик керак бўлмаган масала бу, деб қолишлиги мумкин? Лекин, мусулмон киши, Аллоҳнинг буйруқларига муқайядлиги, (боғлиқлиги) шу даражада бўлгандагина, у ҳақиқий мусулмон бўлиб, келажакда бундай мусулмонлардан ташкил топган жамият, покиза жамият бўлади. У хоҳлаган нарсасини қилиб юрадиган жамият, у фасод жамият бўлади. Ўзининг ҳукмига муқайяд бўлмаган шахслардан ташкил топган жамият, чириган тахталар жамланса, мустаҳкамликка айланади, деган фалсафадан бошқа нарсамас. Чириган тахталардан қайиқни ясайвераёлик. Кейин, бу қайиқ жуда яхши сузадиган бўлади, дейишликдан бошқа нарсамас. Бўрилар ҳаммаси тўпланганда, чўпонга айланади, дейишдан бошқа нарсамас бу. Битта бўри турганда, чўпон бўлмайди. Лекин, ҳаммаси тўпланганда, чўпон бўлиб кетади, дейишдан бошқа нарсамас бу. Шунинг учун мўминлар, шариатнинг буйруғига, муқайяд бўлмоқликлари керак!

Асҳоблар жиҳоддаги мағлубиятларини, мисовка беътибор бўлганимиз учун, Аллоҳ бизга зафар бермади, дейишганлар. Ҳар бир мусулмон, Аллоҳнинг ҳукмига шу даражада муқайяд бўлмоқликка, эътибор қилмоқлиги керак. Ана шулардан, ташкил топган жамият қуришга ҳаракат, бўлмоқлиги керак.

Учинчи бидъатнинг тури, ибодатларда ташдид, (динда чуқур кетишлик) қаттиқчилик. Бу ҳам бидъатдир. Яъни, ҳар бир ибодатни, нафсга зўр келадиган даражада қилишлик. Масалан, умрбод рўза тутишлик, бу бидъатдир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, буни қилмаганлар. Балки, умрбод рўза тутишликдан қайтарганлар, десак ҳам бўлади. Афзалус сиём, сиёми Довуд дедилар. Яъни, рўзаларнинг афзали, Довуд алайҳиссалом рўзаси, дедилар. Бир куни рўза тутардилар. Бир куни ифтор қилардилар. Чунки, доим рўза тутишлик, инсон нафсига малол келади. Инсоннинг ўзини тарбиясига зид бўлади. Жасаднинг ҳаққини ўтамаслик бўлиб қолади. Бизнинг жасадимиз, биз ўзимиз учун ҳам, амонат. Фарзандларимиз учун ҳам, амонат. Бизнинг жасадимизда, жамиятдаги мусулмонларнинг ҳақлари бор. Мана бу ҳақларни ўташлик учун, бу жасадни ўзига хос, бир тарбия қилмоқлик керак. Бу ташдид яхуд ва насоролардан қолган ишдир. Хусусан насоролардан қолган.

Улар ҳаддидан ошишлик билан, залолатга кетди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, китоб аҳлини, динда ғулу кетишдан, маън қилди.

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ
Нисо сураси 171 оят

Бу оят мазмунан мўминларни ҳам, динда ғулу кетишдан, маън қилади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам учта ташдиддан, биттаси умрбод рўза тутаман деб, битталари умрбод кечаси ухлამасдан, ибодат қиламан деб, битталари умрбод турмуш қилмийман деган, одамларга, жуда қаттиқ суратда, менинг йўлиммас бу, мен турмуш ҳам қиламан, рўза ҳам тутаман ва ифтор ҳам қиламан ва кечқурун ухлайман ҳам ва бедор ҳам бўламан. Менинг йўлим шу! Менинг йўлимдан бош тортган одам, менданмас, дедилар.

Кўпроқ бидъат, ташдид (динга чуқур кетишлик) орқасидан келади, биродарлар! Кўпроқ ибодат қилай, деган фикр билан, одам бидъатга кириб қолади. Баъзи вақтларни ибодатга хослаб қўйишлик. Мана бу ҳам, бидъатнинг бир тури. Масалан шаъбон кунини ўн бешинчи кечасини, бароат кечаси деб, айтилинилади. Шу ойда кундузи рўзаю, кечасини ибодатга хослаш бидъатдир. Аллоҳ ва Расули тарафидан бизга, бу кунни хослангани йўқ, биродарлар. Бир тарафдан олсангиз, аслида нафл рўза тутишлик савоб. Кечқурунда бедор бўлишлик савоб. Лекин, бир кунни хослаб туриб, шундай қилишлик, бу шариатда йўқдир, биродарлар! Инсон бидъатга, мана бундай йўллар билан тушиб қолади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бидъатни ҳамма туридан қайтардилар.

في الحديث الصحيح: إياكم ومحدثات الأمور، فإن كل محدثة بدعة وكل بدعة ضلالة

Динда пайдо қилинган нарсалардан четланинглар. Ҳар бир пайдо қилинган нарса, бидъат. Ҳар бир бидъат, залолатдир! дедилар. Шу ерда, айтиб ўтишлик керакки, бидъатни бидъату ҳасанага ва саййиага бўлишлик, бу хатодан келиб чиққандир. Дарсимизни аввалида айтдикки, одатларда пайдо қилинган нарсалар, бидъат дейилмайди. Баъзилар, ҳамма нарсани бидъат дейишади. Масалан, элакни бидъат, дейишади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, даврида бўлмаган, дейишади. Бу бидъатни мутлақо тушунмаслиқдир. Элакни ишлатаётган одам айтадимики, ким шу унни элаб, нон қилиб еса, савоби кўп бўлади, деб? Бундай эътиқод қилмайди. Унни эламасдан еган одам, дини сушт бўлади ва савоби кам бўлади деб, эътиқод қилмайди. Ёинки, эламасдан ейишлик савоби кўп, деган эътиқод қилмайди. Буни динга тааллуқли жойи йўқ. Унни элашлиқдан мақсади, уни покроқ бўлиши, баъзи нопок нарсалардан тозалаш, ёинки, уни ичидаги капакларни олиб ташлаш, бу одатий нарсаларга киради. Динга тааллуқли бўлмагани учун, одатдаги ихтиро қилинган нарсалар, мумкин бўлаверади. Шунинг учун, (элак ва шу каби нарсалар) янги пайдо қилинган нарсалар бўлганлиги учун, булар бидъати ҳасана дейишликка, ўтган. Бидъат маъносини бунга истеъмол қилишлик, мутлақо тўғри келмайди. Унда ҳамма нарса, бидъатга айланиб қолади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам (Динга тааллуқли ишларда, пайдо қилинган) Ҳар бир бидъат, залолатдир! дедилар.

أَنْتُمْ أَعْلَمُ بِأَمْرِ دُنْيَاكُمْ
صحيح مسلم

Дунёвий ишларингизни, ўзларингиз яхшироқ билувчироқсиз, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, бидъатнинг пайдо бўлишлигидан огоҳлантирдилар.

إِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ بَعْدِي فَسَيَرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ مَنْ بَعْدِي تَمَسَّكُوا بِهَا وَعُصُّوا عَلَيْهَا
بِالنَّوَاجِذِ وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فَإِنَّ كُلَّ بَدْعَةٍ ضَلَالَةٌ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Сизлардан, мендан кейин яшаганлар, дедилар, Демак, яқин вақтда бўлишига ишора қилдилар. Кўп қарама қаршилиқни ва ихтилофларни кўради.
Шу вақтда, менинг суннатимни маҳкам ушланглар. Ва хулафои рошидинлар суннатини маҳкам ушланглар, дедилар. Демак, мендан кейин яшаган кишилар, кўп қарама қаршилиқларни кўради, дедилар. Бидъатни тез пайдо бўлишига, ишора қилдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, шу ихтилофларни чиқишини билиб, умматни огоҳлантирдилар.

عن عبد الله بن مسعود قال: ((خط لنا رسول الله صلى الله عليه وسلم خطا، ثم قال: هذا سبيل الله، ثم خط خطوطاً عن يمينه وعن شماله، ثم قال: هذه سبيل متفرقة، على كل سبيل منها شيطان يدعو إليه، ثم قرأ: وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривояти. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ерга бир узун чизиқ чиқдиларда, унинг атрофига ўнг ва чап тарафига, кичкина чизиқлар чиздилар. Ва мана бу йўлларнинг, ҳар бирининг тепасида шайтон бор, дедилар. Булар ҳаммаси ўзининг йўлига чакириб туради дедилар. Ва мана бу оятни ўқидилар: Бу менинг тўғри йўлим деб, эълон қилинг. Тўғри бўлган ҳолатда шу йўлга эргашинглар. Бошқа йўлларга эргашманглар. Сизларни Аллоҳнинг йўлидан тарқатиб юборади. (Анъом сураси 153 оят)

Динда бидъатнинг пайдо бўлишлигининг сабаблари

Биринчи сабаб: Динда бидъатнинг пайдо бўлишлигининг сабабларидан бири, дин ҳукмларини билмаслик бўлади, биродарлар!

إِنَّ اللَّهَ لَا يَقْبِضُ الْعِلْمَ انْتِرَاعًا يَنْتَزِعُهُ مِنَ النَّاسِ ، وَلَكِنْ يَقْبِضُ الْعِلْمَ بَقْبِضِ الْعُلَمَاءِ ، حَتَّى إِذَا لَمْ يَبْقَ عَالِمًا اتَّخَذَ النَّاسُ رُؤْسًا جُهَالًا ،
فَسُئِلُوا فَأَفْتَوْا بِغَيْرِ عِلْمٍ فَضَلُّوا وَأَضَلُّوا
الراوي : عبدالله بن عمرو المحدث : الألباني المصدر : صحيح الترمذي

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илмни, одамларни қалбидан, суғуриб тортиб олмайди. Яъни, илмни кўтарилишлиги, эртаманда турса, олимлар илмсиз бўлиб қоладиган ҳолат билан бўлмайди. Лекин, илмни уламоларни жонини олишлик билан олади. Китобу суннатни биладиган уламолар, камайиб боради. Ҳаттоки, бирор бир олам қолмаганда, одамлар ўзига жоҳил кишиларни пешво қилиб олади. У жоҳиллардан саволлар сўралади. Улар илмсизлик билан, фатво беради. Китобу суннатни билмайдиган кишилар, пешво бўладида, улардан сўралса, фатво бераверади. Ўзлари ҳам адашиб, бошқаларни ҳам адаштиради. Бидъатнинг пайдо бўлишлигига биринчи сабаб шудир, биродарлар. Дин ҳукмларини билмаслик. Бидъат билан қарама қарши, иш қиладиган нарсаси, илм ва уламолардир. Шуни айтмоқлигимиз керакки, илмига амал қиладиган уламолардир. Илмига амал қиладиган уламолар йўқолишлиги билан, бидъатга ружуъ қўядиган бир шароит вужудга келадида, бидъат ривожланаверади.

Иккинчи сабаб: Ҳавосига эргашишлик. Китобу суннатдан ҳавосига бурилган одам, албатта адашиб кетаверади. Китобу суннатдан ҳавосига бурилгандан кейин, ақлига суянган бўлса ҳам, кишига суянган бўлса ҳам, ҳавосига суянади.

فَإِنْ لَّمْ يَسْتَجِيبُوا لَكَ فَاعْلَمْ أَنَّمَا يَتَّبِعُونَ أَهْوَاءَهُمْ وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنْ اتَّبَعَ هَوَاهُ بَغْيِرَ هُدًى مِّنَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ
Қасас сураси 50 оят

Агар сизга ижобат қилишмаса, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, ижобат қилишмаса, деяпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шуни билингки, улар ҳаволарига эргашишяпди. Бошқа нарсамас биродарлар. Ким Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлини қабул қилмайдими? У ҳавосига эргашган одамдир. Ва энг адашган одам ҳам шу, деяпди, Аллоҳу таоло.

وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنْ اتَّبَعَ هَوَاهُ بَغْيِرَ هُدًى مِّنَ اللَّهِ
Қасас сураси 50 оят

Аллоҳнинг ҳидоятини қўйиб, ҳавосига эргашгандан кўра, адашганроқ ким бор? деяпди. Шуни яхши билайликки, ким Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, эргашмаса, ҳавосига эргашгандир. Ва одамларнинг ичида, энг адашгани, шу одамдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, ҳавосига эргашган кишиларни, ҳавосини худо,, Маъбуд қилиб олган кишилар, деяпди.

أَفَرَأَيْتَ مَنِ اتَّخَذَ إِلَهَهُ هَوَاهُ وَأَضَلَّهُ اللَّهُ عَلَىٰ عِلْمٍ وَخَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِ وَقَفَّلَهُ وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِ غِشَاوَةً فَمَنْ يَهْدِيهِ مِنْ بَعْدِ اللَّهِ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ
Жосия сураси 23 оят

Мана бу ҳавосини ўзига Маъбуд қилиб, сиғинаётганларни кўрмайсизми? деяпди, Аллоҳу таоло. Баъзи кишиларга айтилса, биз Маъбуд қилиб, Худо қилганимиз йўқ, дейишади. Аллоҳу таоло уни рад қилаяпдики, «ким ҳавосига эргашса, ҳавосини ўзига Илоҳ қилиб олган одам,» деяпди.

وَخَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِ وَقَفَّلَهُ وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِ غِشَاوَةً فَمَنْ يَهْدِيهِ مِنْ بَعْدِ اللَّهِ
Жосия сураси 23 оят

Қайси бир одам, Аллоҳу Расулини сўзини қўйиб, ҳавосига эргашса, қулоғига ҳам ҳақ кирмайди. Ва қалбига ҳам ҳақ кирмайди. Ҳақни тафаккур қилишликдан ҳам, маҳрум бўлади. Шу билан бирга, ҳақни кўришликдан ҳам маҳрум бўлади.

وَخَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِ وَقَفَّلَهُ وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِ غِشَاوَةً فَمَنْ يَهْدِيهِ مِنْ بَعْدِ اللَّهِ
Жосия сураси 23 оят

Аллоҳ уни, ҳавосига эргашганлиги сабаблик, қулоғини муҳрлаб қўйса, қалбини муҳрлаб қўйса, кўзига парда, жаҳолат пардасини қўйиб қўйса, Аллоҳ уни шундай қилиб қўйганидан кейин, ким уни ҳидоят қилади? Шунинг учун ҳавосига эргашган одам билан мунозара қилишлик, у жанжалдан бошқа нарсани пайдо қилмайди, биродарлар! Аввал у китобу суннатга эргашаман деган, нарсани, даъво қила олишлиги керак. Агар, шу китобу суннатдан ҳақ чиқса, мен унга эргашаман дегандагина, у билан бир мунозара қилиб, ҳаққа йўлласа бўлади. Бўлмасам, Аллоҳ уни қалбию, кўзию, қулоғини муҳрлаб қўйган. Унга ҳақ кирмайди, биродарлар!

Учинчи сабаб: Раъйларига тарафкашлик қилиш. Баъзи бир кишиларга тарафкашлик қилиш. Маҳаллада катта бўлиб олган. Шу маҳалладагиларни ўзига уммат қилиб олган. Шу билан бошқа нарса йўқ, биродарлар. Шу раъйдан бошқа нарсага эргашмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг каломиди, оталаримиз билмаганими? дейдиганларни маломат қилди. Мазаммат қилди.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمِ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوَلَوْ كَانَ آبَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ
Бақара сураси 170 оят

Аллоҳ туширган нарсага эргашишлар деса, йўқ, биз дадаларимиз қилиб келган ишни қиламиз, дейишади. Мана бу бидъатнинг сабабларининг учинчиси. Мана бу нарса ривожланган нарса. Ҳеч ким ўзини дадасини хато қилган деб, айтолмайди. Бидъаткорлар буни яхши билишадида, тўхта, дейди. Сен дадангни адашган дейсанми? дейди. Унда, мунозарани бу майдонга, олиб кирмаслик керак. Олдин Аллоҳ ва Расули нима буюрганини билиб олайлик. Дадамни адашганми йўқми, буни масаласини кейин ҳал қиламиз, дейлик. Бўлмасам, ё дадангиз адашган бўлиши керак. Ё, наузан биллоҳ, Аллоҳ ва Расули адашган, дейишлик керак! Бу ерда, масала қаттиқ бўлади, биродарлар! Шунинг учун, Аллоҳ ва Расули тарафидан бир буйруқ келганида, бошқалар адашганми йўқми, буни масаласини қўяйлик. Аллоҳ ва Расули буйруғини қилайликда, ўтган аждодлар агар адашган бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мағфиратига олсин, деб, дуо қилайлик.

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ
Ҳашр сураси 10 оят

Биз ўтган одамларни адашди, адашмади, масаласини четга қўяйликда, Аллоҳ ва Расули буйруғи нима эди, деб, текширайлик. Буюрган буйруғини қилайликда, агар ўтган кишилар буни қилмаган бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларини кечирсин, деб дуо қиламиз.

Тўртинчи сабаб: Кофирларга ўзини ўхшатишлик билан ҳам, кўп бидъат амаллар пайдо бўлади. Бу энг хатарлик йўлдир. Абу Воқид ал Лайсий ривоят қиладилар.

خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ إِلَى خَنْبِ، وَنَحْنُ حَدِيثُو عَهْدٍ بِكَفْرِ، وَكَانُوا أَسْلَمُوا يَوْمَ الْفَتْحِ قَالَ: فَمَرَرْنَا بِشَجَرَةٍ فَقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ اجْعَلْ لَنَا ذَاتَ أَنْوَاطٍ كَمَا لَهُمْ ذَاتُ أَنْوَاطٍ، وَكَانَ لِلْكَفَّارِ سِدْرَةً يَعْكُفُونَ حَوْلَهَا وَيَعْلِقُونَ بِهَا أَسْلِحَتَهُمْ، يَدْعُوْنَهَا ذَاتَ أَنْوَاطٍ، فَلَمَّا قُلْنَا ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ - قَالَ: اللَّهُ أَكْبَرُ وَقُلْتُمْ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ كَمَا قَالَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ لِمُوسَى اجْعَلْ لَنَا إِلَهًا كَمَا لَهُمْ آلِهَةٌ قَالَ إِنَّكُمْ قَوْمٌ تَجْهَلُونَ لَتَرْكَبُنَّ سُنَنَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ
خلاصة حكم المحدث: إسناده حسن

Биз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, Ҳунайн ғазотига чиқдик. Эндигина мусулмон бўлган вақтимиз эди. У ерда бир дарахт бор эдики, мушриклар келиб у ерда ўтириб, қурол аслаҳаларини шунга осиб қўйишарди. Уни Зотул Анвот, дейиларди. Биз ҳам бир Сидра номлик, бир дарахтнинг олдидан ўтдикда, шунда ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бизга ҳам уларга ўхшаб, бориб ўтирадиган ва қиличларимизни осиб қўядиган, Зотул Анвот, қилиб беринг, дейишди.

Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳу акбар! дедилар. Янги мусулмон бўлишган эди. Бу аввалгиларнинг йўли, дедилар. Руҳим қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, бу сўз, Бани Исроилни Мусога айтган сўзини, айни ўзи, дедилар. Сизлар куфр дарёсидан саломат чиқиб, Ислол нажотига ўтувдинглар. Бани Исроил ҳам, Нил дарёсидан саломат чиқиб, Аллоҳнинг неъматларини кўришганидан кейин, бузоққа ибодат қилаётганларни кўриб, (Мусо алайҳиссаломга) бизга ҳам буларнинг маъбудига ўхшаган бир маъбуд қилиб беринг, дейишди. (Аъроф сураси 138 оят) Сизларнинг сўзингиз ана шу сўзни, айни ўзи, дедилар. Улар бизга бир маъбуд қилиб беринг, шунга бир сажда қиладиган бўлсин, дейишмаган эди. Кофирларнинг сайлгоҳга ўхшаган бир махсус жойи бор эди. Шунга ўхшаган, махсус жой қилиб беринг деб, талаб қилишган эди.

Баъзи бир кишиларга, бу нарса ширк бу! Бу нарса Исломда йўқ бу, десангиз, Биз сиғиняпмизми? Биз унга ибодат қилаяпмизми? дейишади. Масалан, Аллоҳдан бошқани номига сўйиб бўлмайди, деса, мен Аллоҳдан бошқани номига сўйиб, ибодат қилаяпманми? дейди. Ибодатни маъноси нима? Бу қўйни сўйишлик билан, савобни умид қиласизми? десак, савобни умид қилиш у ёқда турсин!

Бу билан мен, жаннатнинг хоҳлаган дарвозасидан киришни, умид қиламан, дейди. Бундан кейин, гуноҳим бор деб, ўйласам, гуноҳкор бўламан деган, даражада даъво қилади. Мана бу нарса, сиғиниш бўлмаса, нима нарса бу?!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизлар аввалгиларнинг йўлига эргашасизлар, дедилар. Ҳатто, оёқ кийимни бир пойи, иккинчи пойига тўғри келгандек, сизларнинг қилган ишингиз, Бану Исроил ва ўтган бошқа залолатдаги қавмларга ўхшаб кетади, дедилар. Ҳатто, энг ёмон иллатларни қилган умматларда нима бўлса, сизларда шу топилади, дедилар. Бошқалар ўзларининг улуғ кишилари туғилган кунини нишонлашадию, нима учун бизда улуғ саҳобаларни туғилган кунини нишонлаш йўқ?! Биз ҳам бир ўзимизнинг улуғ зотларни туғилган кунини нишонлаймиз деб, дарров биз, бир нарса пайдо қилиб оламиз. Буни ибодат тусига киргизиб, одамларга эълон қиламиз. Мана бу нарса, бидъатнинг пайдо бўлиши сабабларидандир, биродарлар!

Бошқалар қилган нарсаларни, одамлар, яхши ниятлик билан, шу одамларнинг таъбири билан айтганимизда, биз исломий шаклда қилиб оламиз, дейди. Улар маст қилувчи ичимликларни қатор қилиб қўйган бўлсалар, биз ҳалол нарсаларни қўямиз дейди. Мана бу нарсанинг натижасида, бидъат пайдо бўлади. Мана бу ҳамийят орқалик пайдо бўлган бидъат, хатарлик йўлдир, биродарлар. Бунинг ўзи асли, кофирларга ўзини ўхшатишлиқдир.

Агар бу улуғ кишини туғилган кунини нишонлаш бўлса, биродарлар, бу ҳамма одамни ўзини, маҳалласини улуғи бор. Шаҳарини улуғи бор. Улуғлар кўпайиб кетадида, бу уч юз олтмиш кун етмай қолади, биродарлар. Шу билан одамлар ҳаммаси туғилган кунни нишонлашга ўтиб кетади. Жамият бир маъносиз жамиятга айланиб қолади. Бировни ўнга кирганлиги, йигирмага кирганлиги, ўттизга кирганлиги, бу нишонланишларни кўриб туриб, мусулмонлар ҳам шуни қилишадида, ҳаётни ҳаммаси, чапани тилда айтганимизда, пўстдумбага чиқиб кетади. Ҳеч бир маъно қолмайди.

Ана Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, ёинки, саҳобаларга муҳаббат изҳор қилишлик, умрида емаган нарсаларни олдиға қўйиб, зиёфат қилишлик билан, муҳаббат изҳор қилмасин бир одам. (Мавлудни бидъатлиги айтилмоқда)

Ўзи ҳам лаззатли нарсаларни еб, нафсини хоҳлаган нарсаларини пайдо қилиб, шу билан муҳаббат изҳор қилмоқчи бўлмасин! Ҳақиқий Аллоҳни яхши кўраман деган, кишиларга,

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ
Оли Имрон сураси 31 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, «агар Аллоҳни яхши кўрсанглар, менга эргашинглар денг! деб буюряпди. Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, эргашинг! Имоми Молик, Мадинадаги энг фақиҳ уламолардан, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашишда, намуна бўлган одамдир. Саҳобалар ва тобеинлар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашганлар, ва ҳар бир амалларини, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига мувофиқ қилишга ҳаракат қилганлар. Имоми Молик, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисларини ривоят қилсалар, ранглари ўзгариб кетаркан.

Таҳорат қилган ҳолатда, либосларни тўғрилаб, Қиблага қараган ҳолатда, хушбўйланиб туриб, битта ҳадисни ўқиб берар эканлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу ҳадисни айтдилар, деб биров айтиб қолса, у кишининг ранглари ўзгариб кетар экан. У кишининг олдида, ҳадисни ривоят қилгани ҳаммалари кўрқади эканларки, ҳоллари ўзгариб кетади, деб. Шунда, нега бунчалик сиз ўзгарасиз, деганларида, мен кўрган нарсани кўрганингда, бу нарсага ажабланмасдинг, деган эканлар.

Нимани кўргансиз? деганларида, Саид ибн Мункадир олдиларида бир ҳадис ривоят қилиниб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг номлари айтилса, ҳолатлари қувватсизланиб, ингишиб қолар эканлар. Йиғи тутиб кетар экан. Ўзлари ниҳоятда ширингап, қувноқ ва одамларни қулдириб юрувчи киши бўлишига қарамасдан, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг номларини эшитиши билан, йиғи тутиб, ўзларини тутолмай қолар эканлар. (Яъни, Имоми Молик, Саид ибн Мункадирни кўргани учун, ўзлари ҳам шунақа эътиборлик билан, ҳадис айтганлар. Бу ерда, ҳикоя тўлиқ тугамай қолгани учун, кичик кўшимча қўшилди.)

У Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга ёинки, саҳобаларга муҳаббат изҳор қилишлик, у кишининг туғилган кунини нишонлашлик билан бўлмайди, биродарлар! Ислон умматининг пешволари, саҳобалар ва тобеинлар, бидъатга нисбатан қаттиқ туришганлар. Умму Дардоъ ривоят қиладилар.

دَخَلَ عَلَيَّ أَبُو الدَّرْدَاءِ وَهُوَ مُغَضَّبٌ، فَقُلْتُ: مَا أَغْضَبَكَ؟ فَقَالَ: وَاللَّهِ مَا أَعْرِفُ مِنْ أُمَّةٍ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا إِلَّا أَنَّهُمْ يُصَلُّونَ جَمِيعًا
صحيح البخاري

Имоми Бухорий ривояти.

Умму Дардо айтидиларки, Абу Дардоъ, яъни, турмуш ўртоқлари, ғазаб билан кириб келди уйга дейдилар. Нимага ғазабланыяпсиз? десам, саҳобалардан Абу Дардоъ. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг даврида қилинган, бирор нарса қолганини билмийман. Магар жамоат билан, намоз ўқиш қолди, халос, деган эканлар. Шунга ғазабланыпман, деган эканлар.

وحكى ابن العربي عن الزبير بن بكار ، قال : " سمعت مالك بن أنس ، وأتاه رجل ، فقال : يا أبا عبد الله ! من أين أحرم ؟ قال : من ذي الحليفة ، من حيث أحرم رسول الله صلى الله عليه وسلم ، فقال : إني أريد أن أحرم من المسجد . فقال : لا تفعل ، قال : فإني أريد أن أحرم من المسجد من عند القبر ، قال : لا تفعل؛ فإني أخشى عليك الفتنة ، فقال : وأي فتنة هذه ؟ ! إنما هي أميال أزيدها ، قال : وأي فتنة أعظم من أن ترى أنك سبقت إلى فضيلة قصر عنها رسول الله صلى الله عليه وسلم ؟ ! إني سمعت الله يقول : (فليحذر الذين يخالفون عن أمره أن تصيبهم فتنة أو يصيبهم عذاب أليم)

Имоми Моликининг олдида бир киши келдида, қаердан эҳром ўрашлик керак? деди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам тайин қилган Мийқотдан эҳром боғланг. (Ҳажда қилинадиган амаллар сўралди) У киши узоқроқдан эҳром боғласамчи? деди. Шунда Имоми Молик, мен бунга маслаҳат бермийман, деди. У киши ёмон ҳам кўрмайсизми? деди. Сени устингда фитнадан кўрқаман дедилар. Бу яхшилик бўлса, мен янада узоқроқдан эҳром боғласам, қанақа фитна бор, бу ерда? Яъни, яхшилиқни кўп қилса ҳам, фитна бўладими? деди.

فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ
Нур сураси 63 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу жойда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларига, қарама қарши иш қилганлар, фитна етиб қолишлигидан эҳтиёт бўлишсин! Ёинки, аламлантирувчи азобдан, эҳтиёт бўлишсин! деди.

Муфассирларнинг кўплари фитнани, шу дунёда етади, дейишганлар. Қайси миллат ва қайси жамоада, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг буйруғи, тарк қилинган бўлса, унга фитна етади. Ёинки, аламлантирувчи азоб етади. Бу охиратдагиси деб, шундай тафсир қилишган.

قال : وأي فتنة أعظم من أن ترى أنك سبقت إلى فضيلة قصر عنها رسول الله صلى الله عليه وسلم

Имоми Молик унга, сен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан кўра, фазилатли жойни кўрганнинг даъвосидан, фитнасидан, катта фитна борми? деди. Яъни, эҳромни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўраган жойдан, бошқа жойда ўрайман деганига. Бундан мурод биродарлар, узоқроқдан эҳром боғласа, эҳроми эҳром бўлмайди, деганимас. Ўзининг ҳар бир амалини, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг буйруғига, муқайяд қилмоқликка ҳаракат қилмоқлик керак. Шулар демак, бидъатларнинг пайдо бўлиш сабабларидан баъзилари эди. Буларни барисидан узоқроқ бўлиш ва суннатни ушлашлик, бизга кифоя қилиши керак. Шунда бидъатлардан саломат қоламиз. Саҳобалар фазилатлари ҳақида, дарс қилаётган эдик.

Усмон ибн Аффон ҳақида

أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال (من حفر بئر رومة فله الجنة، فحفرتها

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: Ким Рума қудуғини кавласа, унинг мукофоти жаннат, дедилар. Усмон разияллоҳу анҳу, шу қудуқни кавлаб, уни Аллоҳ йўлида вақф қилиб қўйдилар. Ривоят қилинадики, Усмон разияллоҳу анҳу, шу қудуқдан сув ичишлик, ё маркабларини суғоришга тўғри келиб қолса, одамларни олдига ўтмасдан, навбатларини кутиб турар эканлар, деб ривоят қилинади. Бу амалимни, Аллоҳ учун қилганман. Шунинг учун, бу қудуқни мен кавлаб берганман деган фикр, ҳаёлимга келиб қолмасин, дер эканлар.

Жайшул Усроъ дейишади. Табук ғазотида ниҳоятда камбағал бўлишган саҳобалар. Мадинада хурмо пишган вақти бўлган. Мадинадаги кишиларнинг асосий даромадлари, хурмони сотишлик бўлган. Хурмо узилмаган ва пишиб турган ва рамазони шариф бўлган. Табукка жиҳодга кетаётганларида, бу лашкарда кўп жиҳозлар бўлмаган. Жуйушни ким жиҳозлар билан жиҳозласа, унга жаннат лозим дедилар. Усмон разияллоҳу анҳу шу жуйушни маркаблари ва ҳамма нарсалари билан жиҳозлаганлар. Усмон разияллоҳу анҳу, шу жаннат лозим бўлади, деган шу мукофотни олган эканлар. Усмон разияллоҳу анҳуга, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтган эканларки, Жобир ибн Абдуллоҳ ривоятлари.

أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال انت ولي في الدنيا انت ولي في الآخرة

خلاصة حكم المحدث : موضوع

(Бу ҳадисни муҳаддислар тўқима мавзу деганлар)

Табук ғазотида олдидан Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб, жайшул усрага, тарғиб қилдилар. Абдурахмон ибн Ҳаббоб ривояти. Яъни шуни жиҳозлашликка. Ҳеч ким ижобат қилмади. Молу дунёлари йўқ эди. Усмон разияллоҳу анҳу туриб, Ё Расулуллоҳ, мен юзта туяни, ҳамма жиҳозлари билан таёрлаб бераман, дедилар. Биродарлар, бу чакана миқдордаги нарсамас бу! Яна тарғиб қилдилар.

Яъни шуни жиҳозлашликка. Ҳеч ким ижобат қилмади. Усмон разияллоҳу анху, яна ўринларидан туриб, мен икки юзта туяни, жиҳозлаб бераман, дедилар. Яна тарғиб қилдилар. Ҳеч ким ижобат қилмади. Усмон разияллоҳу анху яна туриб, Ё Расулуллоҳ мен уч юзта туяни, ҳамма жиҳозлари билан таёрлаб бераман, дедилар.

Абдурахмон ибн Ҳаббоб айтадиларки, мен ҳозир Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларини кўриб тургандекман, дейдилар. Усмон разияллоҳу анхуга ишора қилиб, энди Усмон бундан кейин, қанақа қилиб яшаса, яшайверсин! деган эканлар. Бугундан кейинги амалини, эътибори йўқ, деган, эканлар. Иши ҳал бўлди, ҳозир, деган эканлар.

جَهَزَ عثمان بن عفان ثلث الجيـش، ولقد كان الجيش يزيد على الثلاثين ألفاً

Биродарлар, бу нарсани кўз олдимишга келтиролмиймиз, биз. Оғир соат. Ҳозир ҳам айтишимиз мумкин. Бирор бир камбағал одам бор. Дин йўлида, ким ёрдам қила олади? деса, бир одам молини, ўн мингдан бирини бериши мумкин? Лекин, у соатда ҳеч кимда, ҳеч нарса бўлмаган. Лекин, у соатда, ҳозирги айтилган миқдорни, бундай дейишлик, энди шундай деса, у одам энди ёмонлик қилмайдиган одамгина, шундай дейишлик мумкин, биродарлар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, фитна ҳақида зирк қилдилар, дейдилар, Каъб ибн Ужра, разияллоҳу анху. Яқин кунларда, фитналар бошланиб қолади, дедилар. Шунда устига бир нарса ёпинган, бир киши ўтиб қолди.

وذكر الفتن ففربها فمر رجل مقتنع في ثوب فقال هذا يومئذ على الهدى ففقت إليه فإذا هو عثمان بن عفان قال فأقبلت عليه بوجهه فقلت هذا قال نعم قال أبو عيسى هذا حديث حسن صحيح

Шунда, шу ёпиниб олган одамни кўрсатиб, шуни айтяпсизми ё, Расулуллоҳ, дедилар. Ҳа дедилар. Шунда бориб, уни ёпиниб олган рўмолини кўтариб қарасам, Усмон разияллоҳу анху, эканлар дейдилар. Ҳақиқатда ҳам Усмон разияллоҳу анху даврида, фитна бўлди. Динни бузғунчилари, Абдуллоҳ ибн Сабоҳ Саҳюнийнинг одамлари, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг Мадиналарида, у кишининг ҳарамларида, у кишини энг яқин одамларини, қуръон ўқиб турган вақтида, фитналар бўлиб, сўйиб юборишди. Мана шу фитналарни гапириб, мана бу ва асҳоблари ҳақда бўлади, дедилар. Қарасам, Усмон разияллоҳу анху экан.

У киши айтган эдилар, Исломининг Халифасига қилич кўтаришлик билан, нажот тополмайсизлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, сизларга нажот бермай қўяди, деган эдилар. Аллоҳнинг мўжизаси содир бўлди, биродарлар. Мусулмонлар, қайтиб нажот топишолмай қолдилар. Оиша онамиз ривоят қиладилар.

فرأيت النبي صلى الله عليه وسلم قد رفع يديه حتى رُئي بياض إبطيه، يدعو لعثمان دعاء ما سمعته دعا لأحد قبيله ولا بعده
(Бу ҳадисни муҳаддислар заиф дейишган)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, битта киши ҳақида хос дуо қилмаганлар, магар Усмон ибн Аффон ҳақида дуо қилганларини кўрдим, деган эканлар. У кишини ҳаққига дуо қилдиларки, қўлларини кўтариб, ҳатто, мана бу ерларигача (Қўлтиқларига ишора қилинди) кўриниб турди. Бир киши ҳаққига, дуо қилмасдилар, магар Усмон ибн Аффон ҳақида дуо қилганлар. Ҳаммани умумий дуо қилардилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Усмон ибн Аффон ҳақида, Ҳудайбийяда турганларида, йўлларини мушриклар тўсишди. Ҳаж қилишга йўл бермадилар. Аллоҳнинг изни билан, Ҳудайбийяда қолдилар. Усмон ибн Аффонни сулҳ тузишлик учун, Маккага жўнатдилар. Маккага кирганларида, Усмон ибн Аффонни ўлдирилди, деган хабар тарқатилди. Мушриклар фитна қилишди.

Шунда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, дарахтга суяниб ўтирган ҳолатда, ҳаммаларидан, молларини ва жонларини, Аллоҳнинг йўлига тикишликка байъат олдилар. Аллоҳ рози бўлди, шу байъатни қилган кишилардан. Усмон ибн Аффон тирик эдилар. Бу (уни ўлди деган) гап кизб эди. Шунда, уни тириклигини ҳисобга олиб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки,

فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيِّدَ الْيَمْنَى: هَذِهِ يَدُ عَثْمَانَ فَضَرْبُ بِهَا عَلَى يَدِهِ فَقَالَ: هَذِهِ لِعَثْمَانَ

Ўнг қўлларини қўтардиларда, бу Усмонни қўли, деб, чап қўлларига боғладиларда, мана бу Усмоннинг байъати, дедилар. Ўнг қўлларини кўрсатиб, бу Усмонни қўли, мана бу менинг қўлим деб, чап қўлларини кўрсатдилар. Усмон ибн Аффон тирик эдилар. Қайтиб чиқдилар. Ҳатто, биродарлар, унга тавоф қилиб олинг сиз. Сизга шароит бўлди. Улар тавоф қилмасдан, кетишади, дейишганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тавоф қилмагунча, мен тавоф қилмайман деб, чиқиб кетдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам иккита қизларини, Усмон разияллоҳу анҳуга берганлар. Аввалгилари Руқийя ва кейингилари Умму Гулсум. Руқийя разияллоҳу анҳони никоҳлаб берганлар. У қизлари вафот топиб кетгач, иккинчи қизларини ҳам, никоҳлаб бердилар.

Иккинчи қизлари ҳам вафот топди. Шунда, агар учинчи қизим бўлса, Усмонга берардим, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Руқийя қизларини турмушга берганларида, уни уйига, хабар олгани келдилар. Руқийя разияллоҳу анҳо айтадиларки, ҳозир Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, мени олдимдан чиқиб кетдилар. Мен сочларини тараб қўйдим. Шунда, Абу Абдуллоҳга сени турмушга бердим. Розимисан? Деб, сўраган эканлар. Шунда, энг яхши одамлардан экан, дедим, дейдилар. Шунда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, уни ҳурмат қилгин! Асҳобларимни ичида ахлоқда, менга энг ўхшаган киши, Усмон ибн Аффон, дедилар.

Руқийяни никоҳлаб берганларини зикр қилиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳу Азза ва Жалла менга ваҳй қилдики, қизимни Усмонга никоҳлаб беришликни, деган эканлар.

قال النبي صلى الله عليه وسلم: "أرحم أمتي بأمتي أبو بكر، وأشهدهم في دين الله عمر، وأصدقهم حياء عثمان" صحيح سنن ابن ماجة

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтдиларки, Пайғамбардан кейинги бу умматнинг энг раҳмлиси, Абу Бакр Сиддиқ деган, эканлар. Бу умматнинг Пайғамбаридан кейинги энг ҳаёлиси, Усмон ибн Аффон деган, эканлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, аҳли жаннат эканини, хабар берган ўн кишининг битталари, Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу бўладилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рози бўлсин, саҳобаи киромларнинг ҳаммасидан. Саҳобаи киромларнинг ҳаммаси, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, фидоий асҳоблари бўлишганлар. Шу ерда, шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, ҳозирги кундаги етмиш иккита тоифанинг, баъзи тоифалари борки, асҳобларни сўкишади. Булар асҳобларни сўкишлиги билан, муттафақун алайҳ, диндан чиқади, биродарлар. Асҳобларни биронтасини сўксалар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, маън қилган ишини қилишади. Мана айтиб ўтдикки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, асҳобларимни сўкманглар! Агар Уҳуд тоғича олтинни, Аллоҳ йўлида берсанглар, буларнинг бир ҳовуч берганига, баробар бўлмайди, дедилар.

Асҳоби киромларни фазилатини ўқиб беришликдан мақсад шуки, биз асҳобларни сифатларини ўргансак, ўзимизни шуларга муқайяд қилишликка, ҳаракат қиламиз. Асҳобларни фазилатини ўргансак, уларга муҳаббатимиз ошади. Уларнинг фазилатлари, у бошқалар баён қилаётган муболаға суратдаги фазилатмас, биродарлар. Воқеъий бўлган ҳолатни, пайдо қилишлиқдир. Бошқаларнинг қаҳрамонлари ҳаммаси, бирортаси тўғри чиқиб қолмаса, ҳаммаси кизб ва муболағалардан иборатдир, биродарлар! Шунинг учун асҳобларнинг фазилати ҳақида, иложи борица, саҳиҳ ривоятларни ўқиб бериляпдики, бу нарсани, ғанимат билмоқлигимиз керак.

Асҳобларнинг ҳаммасига, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ризоси бўлсин! Тобеинларга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг раҳмати ва ризоси бўлсин! Ўтган мўмин аجدодларни Аллоҳу таоло раҳмат қилсин! Бизларни ҳам, Аллоҳу таоло раҳматидан маҳрум қилмасин. Асҳоби киромларга ва Тобеинларга эргашишга, Аллоҳу таоло ҳаммамизга тавфиқ берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

25 дарс тугади

26 Дарс

Сеҳр ва унинг исломдаги ҳукми

(Бу дарсда, Сеҳр, диндан чиқарувчи кабира гуноҳ эканлиги ҳақида, сўз юритилади ва охирида омонатдорлик ҳақида ҳам, маълумотлар берилади. Қуръондаги битта сеҳр оятини тафсири айтиб, сеҳрни келиб чиқишини тушунтирилади. Ва бундан сақланиш йўллари айтилади. Сеҳргарлик ва коҳинлик ва фолбинлик ва шунга ўхшаган ишлар, диндан чиқарувчи амаллар экани уқтирилади. Омонатлик бўлиш, мўминлар сифати экани ва бунинг акси мунофиқлик экани, баён этилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضل فلا هادي له, وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, инсонни яратди. Ва инсонни кўп ғаризалар ва табиатлар билан табиатлади. Инсоннинг асосий бизга кўриниб турган ва энг жозибador табиати, ёки ғаризалар, емоқ ва ичмоқ ва жинсий ғаризаси ва бошқа бир ҳаётдаги эҳтиёжотлар, энг жозибador ғаризаларидир. Шундай жозибador ғаризалар борки, агар у қондирилмаса, у ҳар қандай йўл билан бўлсада, ўзини қондиришликка ҳаракат қилади. Шулардан биттаси, емоқ ғаризаси. Бу қондирилмаса, сабр қилиб, ўрнини тўлдириб бўлмайди. Агар, Ислom буюрган ҳалол нарсалар билан қондирилса, бу ғариза оромланади. Бу йўл билан қондирилмаса, ҳаром йўл билан ҳам, қондирилади. Бу билан хотиржамлик ҳосил бўлмайдида, у беқарор бўла бошлайди.

Масалан, ҳаёти бўйича ўғирлик қилиб, ўзининг ғаризасини қондирган одам, бу еган нарсаси билан оромланмайди. Нима учун? Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ғаризани қондириш, тўғри йўлини, бу билан кўрсатмаган. Жинс ғаризаси. Буни Ислom кўрсатмаси билан, никоҳ орқалик қондирмаса, ғайри шаръий йўллар, зино ёнки, наузан биллоҳ, ливотагарлик, (бачавозлик) йўли билан қондирса, бу Аллоҳ кўрсатмаси асосида бўлмаганлиги учун, беқарор бўлиб қолаверади. Умрбод ҳаёти бўйи, фоҳиша бўлиб ўтган одамлар бўлса ҳам, бу билан ором ҳосил бўлганмас. Ислom инсонни, шундай, беқарор ҳолатда қолишини хоҳламади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон табиатида, сон саноқсиз ғаризаларни яратган бўлса, буларни қондириш йўлини ҳам кўрсатди. Бу қуръон ва ҳадислар асосида, ҳамма инсон ғаризаларини қондириш йўллари, қайтарилган нарсалар, кўрсатилган. Булар инсонни, бу ғаризаларини, нотўғри йўллар билан қондиришдан сақлаб қолади. Бу ғаризаларнинг биттаси, инсоннинг кўрмаган нарсасига ишонишлик ғаризасидир. Инсон фақат кўзига кўринган нарсасига ишонадиган фалсафада яшаса ҳам, агар умри минг йил бўлса ҳам, барибир кўринмаган олам борлигини исботлаб тураверади.

Уни туғилган кунидан бошлаб, «кўзинга кўринган нарсага ишонгин. Кўзинга кўринмаган нарса, йўқ олам,» деб, моддий файласуф, унга минг йил дарс берса ҳам, у айтадики, «албатта, кўзимга кўринмаган олам бор,» дейди. Чунки, унинг ғаризаси доим кўзига кўринмаган оламга талпиниб тураверади.

Бу ғаризани Ислом кўрсатмаси асосида қондирилмаса, инсон бу ғаризани қондириш йўлида, худди, бошқа ғаризани, Ислом кўрсатмаси билан қондирмасдан, кулгули бўлиб қолганига ўхшаган, бу йўлда ҳам, кулгули бўлиб қолаверади. Бу ғайбга ишониш, кўз кўрмаган нарсага ишонишлик, бу Исломнинг ғайбга бўлган ғаризани қондириш йўлидир.

Бу Ислом кўрсатмаси асосида бўлмоқлиги керак. Бўлмасам, кўзига кўринмаган олам, баъзида кўриниб қолгани, бировлар тили билан айтилганда, унга ном қўйишга шошиб қолишади. Баъзи миллатларни айтишадики, уйда чақалоқ туғилиши билан, кўчага чиқадида, кўзига нима кўринса, уни номини болага қўйиб қўяверади. Ҳатто, кўзига тезак кўринса, тезаквой деб, қўйиб қўяверади, дейди. Ҳақиқатдан ҳам бу нарсани кўп миллатларда борлигини, кўпчилик эшитган. Биз бу нарсани кулгули деб, билимиз. Лекин, баъзи номларни ҳеч кулгули деб, билмаймиз. Кўзга кўринмайдиган оламни борлигига ишонмайдиган одамларга, кўзга кўринмайдиган оламдагилар кўриниб қолган. Агар буни мусулмонлар айтганда, бу мусулмонлар доим хурофий, деган бўларди.

Лекин, улар мутлақо Исломга алоқаси йўқ одамлар тарафидан ҳикоя қилинганда, кўриниши ликопга ўхшаган бўлса, ликопча деб, ном қўйиб қўйишган. Кўзига кўринган нарса, шу бўлгани учун, шуни номини қўйиб қўйган. Каттароғини биров кўрса, унга Жом деб, ном қўйиб қўяверади. Шунинг учун, кўзига кўринмайдиган оламга ишонган кишилар, ғайбни билувчи Зот тарафидан бўлган хабарни, тасдиқлашади. У Зот, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодир. Расулига ваҳй нозил қилган. Ана шу ваҳй билан, ғайб оламини тасдиқлайди. Мисол қилиб айтганимизда, баландликда турган одам, пастда турганларга, бу баландликни орқасида шундай нарсалар турибди, деб айтган бўлса, албатта, сиз биз кўрмайдиган нарсани кўриб турибсиз. Чунки, сиз юқорида турибсиз, биздан. Биздан юқори ўринда турибсиз, бу олам бор. Агарчи, биз кўрмаган бўлсак ҳам, деймиз. Чунки, у зот (Пайғамбар алайҳиссалом) ҳеч қачон хабарида, кизб, ёлғонни сўзлаганмас.

Шу ўринда, кўп мусулмон биродарларимиз қалбида, бир шубҳа борки, шу шубҳа ҳақида, дарсимизни юргизмоқчиман. Бу сеҳр шубҳаси. Сеҳр нима? Сеҳрнинг вужуди борми? Сеҳрнинг турлари бўлиши мумкинми? Мана бу ҳақда, кўп одам қийналади. Сеҳрни йўқ деса, баъзи бир таъсиротларни кўрадики, бунинг отини нима дейиш керак, бўлмасам? Бу таъсиротлар вужуди бўлса, уни даф қилиш нима билан бўлади? Бу зарарлик таъсиротдан сақланишлик, бу инсоннинг ғаризаси бу! Инсон ғаризаси доимо, зарар қилувчи нарсадан сақланади. Агар буни тўғри йўл билан қилмаса, шу зарар қилувчи нарсадан бошқа бир зарар қилувчи нарса билан, сақланаверади.

Мисол қилиб айтганимизда, инсон ўзини диққатчилиги, бу зарар қилади. Ундан сақланишлик учун, кашандалик билан сақланади, кўпчилик. Бу ундан баттарроқ зарарлик. Диққатчилик, бу зарарлик. Бундан сақланиш учун, маст қилувчи ичимлик билан сақланади, кўпчилик. Бу эса, унданда каттароқ, зарардир. Гўёинки, бу қўлига қўниб турган пашшани, уриш учун катта бир тош билан уриб, пашшани пачақладим деб, қўлини ҳам пачақлаб олгандек гап. Мисоли худди шунга ўхшайди.

Ана энди, бу сеҳр борми? Сеҳрнинг вужуди борми? Бу сеҳр ҳақиқатда инсонга зарар қиладими? Бундан сақланиш йўли нима? Буни ўрганган одамни ҳукми нима? Мўмин киши сеҳрни ўрганиб, шу билан душманига зарар етказса бўладими? Мана шу фикрлар, инсонни қалбини чулғайди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидан илгари ҳам, сеҳр бўлганми, йўқми?» Аллоҳу таоло бизга сеҳр, Фиравн замонасида бор бўлганлигини хабар беради. Улар Аллоҳнинг пайғамбари Мусо алайҳиссаломга, сеҳр билан қарама қарши чиқишни, мақсад қилганлигини хабар беради. Мусо алайҳиссаломдаги мўъжизани, улар сеҳр деб, даъво қилишди.

قَالَ الْمَلَأُ مِنْ قَوْمِ فِرْعَوْنَ إِنَّ هَذَا لَسَاحِرٌ عَلِيمٌ
Аъроф сураси 109 оят

Улар Мусо алайҳиссаломни, бу жуда кучлик сеҳргар деб, тухмат қилишганлиги, ва Мусо алайҳиссалом билан сеҳргарларни мусобақа ўйнатганлигини, хабарини беради. Чунки, инсон, доим кўзига кўринмаган бир куч борлигини ҳис қилиб, яшайди. Инсон, бир одам рақиби бўладиган бўлса, кўриниб турган душман бўлса, унга қарши тайёргарлик кўришлик мумкин. Лекин, кўзига кўринмайдиган бир душманлик бўлса, унга кўриниб турган душманга қаршилиқ қилиш билан, душманлик қилиш, имконияти йўқ. Шунинг муқобаласига у ҳам, бир кўринмай турадиган душманликни ихтиро қилишни, хоҳлайди. Шунинг учун ҳам, сеҳргар деб, даъво қилинган, Аллоҳнинг улў пайғамбарига, булар ҳам кўринмай турадиган, сеҳргарлик билан қарши чиқишди. Ҳатто, буларнинг сеҳрлари одамларни кўрқитди ҳам. Бу ҳақида бошқа дарсларимизда баён қилганмиз. (Яъни, жума хутбаларида баён қилинган)

Хуллас, улар ипларини ташлашди. Иплари илонга айланди. Ҳатто, Мусо алайҳиссаломдек зот ҳам, кўрқдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло у кишига, кўрқманг деди. Қўлингиздаги асони ташланг, деди. Асони ташладилар, у илонга айланган сеҳрларни, ютди. Қайтиб қўлларига асо бўлиб келди. Сеҳргарлар билишдики, бу сеҳр эмасди. Чунки, улар сеҳрни илмини билишарди. Бу кўринаётган нарсаси, сеҳрмас, мўъжиза эканлигини билишдиларда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, имон келтиришди. Фиравн ўзининг мисли кўрилмаган ваҳшийлигини қилди. Уларнинг жасадларини бўлиб, хурмо дарахтларига осиб ташлади. Улар имондан қайтишмадилар. Сеҳргар ҳеч қачон нажот топмаслигини, Аллоҳу таоло баён қилади.

وَلَا يُفْلِحُ السَّاحِرُ حَيْثُ أَتَى
Тоҳо сураси 69 оят

Сеҳргар қаерга келса ҳам, нажот топмайди. Яъни, у шарманда ва нопок инсон деб, эътибор қилинаверади. Ўтган пайғамбарларни, булар сеҳргар дейишди. Солиҳ алайҳиссаломга

قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مِنَ الْمُسَحَّرِينَ
Шуаро сураси 113 оят

Солиҳ алайҳиссаломдан мўъжиза талаб қилишди. У кишига Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, туя мўъжизасини берди. Бу мўъжизани кўриб, улар сен сеҳргарлардансан, дейишди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳам ҳатто, булар сеҳргар деб даъво қилишди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, сеҳргар дейишлари сабаби, биринчиси, Аллоҳнинг тарафидан қалбларни сеҳрлаб кўядиган калом олиб келдилар. Кофирлару мусулмонларни қуръон сеҳрлаб, кўйди. Кофирларни сеҳрлагани натижасида қочишди. Мусулмонлар сеҳрланиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларига жамланишди. Сеҳр калимасини бу ерда, мажозий маънода айтяпмиз. Қуръон қалбларни шундай ушлаб қолганди. Қуръон ўзининг мўъжизаси билан, ушлаган эди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сеҳргар дейишга, ўзларининг ботил ҳужжатларини олиб келишиб, мана, ота болани ажратиб юборди, дейишди. Имон, бир қалбга кириб қолса, у йўлдан чиқолмайди. Чунки, имоннинг лаззатини бир татиган киши, бу йўлдан ҳеч қачон, қайтмасди.

Ҳатто, Ҳирақл ҳам, у кишига эргашганлар, қайтиб кетаяпдими? деб савол қилганида, Абу Суфён йўқ, деб, жавоб берди. Демак, имоннинг башошати, қалбларга кирса, шундай маҳкам киради, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳам, шундай тухмат қилишди. Биз шунга эътибор берайлики, бу сеҳрни вужуди бор нарса. Сеҳр таъсир қилади. Сеҳрни қилган одам, шуғулланган одамнинг, кофир бўлишлигида шак шубҳа йўқ. Сеҳрнинг таъсири бўлади. Сеҳрдан Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, Расули орқалик кўрсатган кўрсатмалари билан, сақланмоқлик керак.

Сеҳрдан, сеҳр билан сақланишликка ҳаракат қилишлик, куфрга қарши бошқа, куфр бўлиш билан, ҳаракат қилишлиқдан, фарқи йўқ, биродарлар. Қуръони каримга қайтамыз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Сулаймон алайҳиссалом давридаги кишиларни, Сулаймон алайҳиссалом йўлига эргашмасдан, жинлар ва шайтонлар айтиб берган йўлга, эргашиб кетганлигини баён қилади.

وَاتَّبِعُوا مَا تَتْلُو الشَّيَاطِينُ عَلَىٰ مُلْكٍ سُلَيْمَانَ ۖ وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلَٰكِنَّ الشَّيَاطِينَ كَفَرُ
Бақара сураси 102 оят

Улар жинларга, шайтонлар айтиб берган нарсага эргашишди ва Аллоҳнинг китобини ташлашди. Забурни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Сулаймон алайҳиссаломни дадалари, Довуд алайҳиссаломга нозил қилган эди. Бу Забур йўлига эргашишмасдан, улар сеҳр йўлларига, эргашиб кетишди. Ва Сулаймон алайҳиссалом, сеҳр қилган деб, даъво қилишди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ

Сулаймон алайҳиссалом кофирмас эди, деяпди. Яъни, сеҳрни қилган одам, кофирлигида, шак шубҳа йўқ!

وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ
Фалақ сураси 4 оят

Оятини тафсирида, аннаффосаат, сеҳргар аёллар дейилади. Кўпроқ бу билан шуғулланадиганлар, аёллар бўлганлиги учун, наффосаат, аёллар сиғасида келган. Яъни, улар, бир тугун боғлаб, дам урадиган аёллар деб, шуларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрашликка Аллоҳу таоло, бизни буюряпди. Сеҳрни таъсири бор биродарлар. Баъзилари касал бўлишга сабаб бўлса, баъзилари қатл қилинишликка, сабаб бўлса, баъзилари ақлдан озишликка сабаб бўлса, баъзилари кўзлари кўрмайдиган бўлиб, қолишликка сабаб бўлса, баъзилари, эр билан аёлни, жудо қилишликка, сабаб бўлади.

وَمَا هُمْ بِضَارِينَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ
Бақара сураси 102 оят

Лекин, мўмин кишининг эътиқоди шундай бўлиши керакки, Аллоҳнинг изнисиз сеҳр, таъсир қилмайди. Мўмин кишининг тасаввурида, ҳар бир нарсанинг ўзига хос хусусиятлари бор. Лекин, бу нарсалар, Аллоҳнинг изнисиз фойда ҳам етказолмайди, зарар ҳам етказолмайди. Ўшундай бўлса ҳам, биз йиртқич ҳайвонлардан, ўзимизнинг ҳимоя асбобларимиз билан сақланишликка маъмурмиз. Аллоҳга ёлвориш билан, сақланишликка маъмурмиз. Сеҳрдан ҳам, Аллоҳнинг кўрсатмаси асосида, сақланишликка маъмурмиз. Сеҳрнинг таъсири хусусида, Аксар, жумҳур уламолар фикрича, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга сеҳр қилишган. Ва сеҳр Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, таъсир қилган.

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: سَجَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، حَتَّى كَانَ يُحِيلُ إِلَيْهِ أَنَّهُ يَفْعَلُ الشَّيْءَ وَمَا يَفْعَلُهُ، حَتَّى كَانَ ذَاتَ يَوْمٍ دَعَا وَدَعَا، ثُمَّ قَالَ: أَشْعَزْتُ أَنْ اللَّهَ أَفْتَانِي فِيَمَا فِيهِ شِفَائِي، أَتَانِي رَجُلَانِ: فَقَعَدَ أَحَدُهُمَا عِنْدَ رَأْسِي وَالْآخَرُ عِنْدَ رِجْلِي، فَقَالَ أَحَدُهُمَا لِلْآخَرِ مَا وَجَعَ الرَّجُلُ؟ قَالَ: مَطْبُوبٌ، قَالَ: وَمَنْ طَبَّهُ؟ قَالَ لَبِيدُ بْنُ الْأَعْصَمِ، قَالَ: فِيَمَا ذَا، قَالَ: فِي مُشْطٍ وَمُشَاطَةٍ وَجَفَّ طَلْعَةُ ذَكَرٍ، قَالَ فَأَيْنَ هُوَ؟ قَالَ: فِي بَنَرٍ ذُرْوَانَ فَخَرَجَ إِلَيْهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ رَجَعَ فَقَالَ لِعَائِشَةَ جِئِي رَجَعِ: نَخْلُهَا كَأَنَّهُ رُؤُوسُ الشَّيَاطِينِ فَقُلْتُ اسْتَخْرَجْتَهُ؟ فَقَالَ: لَا، أَمَّا أَنَا فَقَدْ شَفَانِي اللَّهُ، وَخَشِيتُ أَنْ يُثِيرَ ذَلِكَ عَلَى النَّاسِ شَرًّا ثُمَّ دَفَنْتِ الْبَنَرَ
صحيح البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни сеҳрландилар деб, Оиша онамиз айтадилар: Ҳатто, у киши бу сеҳрнинг натижасида, дунёвий ишларни фақат, баъзи дунёвий ишларни, қилмаган бўлсалар ҳам, қилдим деб, қолдилар. Кунлардан бир куни, мени олдимда, эдилар. Аллоҳу Азза ва Жаллага дуо қилдилар. Кейин, ё Оиша сездингизми? дедилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мен талаб қилган нарсага ижобат қилди. Мен сўрадимки, дейдилар, Оиша разияллоҳу анҳо, бу сўраган нарсангиз нима, ва ижобат қилинган нарса нима? дедим. Шунда, айтдиларки, (тушимда) икки киши келдида, биттаси бошим тарафига ўтирди. Битталари оёғим тарафига ўтирди. Биттаси иккинчисига айтдики, бу одамни оғриғи нима? деди. Яъни, бу дарди нима ва табobati нима? деб сўради. Иккинчиси, Бану Зурайқ қабиласидан бўлган Лабид ибнун Аъсам сеҳр қилди, бу кишини деди. Қандай сеҳр қилди? деди. Шунда тароқнинг тиши ва қил ва хурмо гулининг қобиғига қилди, деди. Қаерда бу? деди иккинчиси. Арғом қудуғида, деди униси.

Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу тушни кўрганларидан кейин, асҳоблар билан шу қудуққа бориб қарадилар. Қудуқнинг ёнида бир хурмо бор эди. Қайтиб келиб, Оиша онамизга айтдиларки, шу қудуқнинг суви худди, хинонинг сувига ўхшаб кетган экан, дедилар. Яъни, Хинани туйилганда, суви қуйилишидан илгариги ҳолатига ўхшаб кетган экан, дедилар. Хурмонинг калласи, руусиш шаётинга ўхшаб қолибди. Яъни, бир кўрқинчли нарсани, шайтоннинг калласига ўхшайди деб, тасвирланади. Менга Парвардигорим шифо берди. Мен одамларга бу нарсдан, бирор бир ёмонлик, фитна пайдо бўлиб қолишлигидан кўрқдим, дедилар, дейди Оиша разияллоҳу анҳо.

Баъзи ривоятларда, буни қудуқдан чиқаришга буюрганлар. Баъзи ривоятларда, қудуқнинг ичига бир тош қўйиб қўйилар экан. Сув олмоқчи бўлган одам, шу тошни устига чиқиб, сув олиш учун ва (У сеҳрлаган нарсани) шу тошни остига қўйиб, қўйганликлари, ривоят қилинади. Баъзи ривоятларда, Фалақ ва Нос суралари, шунда нозил бўлган дейдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, Аллоҳ шифо берди.

Инсон бу сеҳрни таъсири бўлганлигини, ҳаётдаги баъзи нарсалардан ҳам, билса бўлади. Инсон баъзи жисмларни кўрадики, кўринишда бир хил бўлган билан, ўзига хос таъсири бор. Масалан, заҳар, бу нарса инсоннинг қатл қилинишига сабаб бўлади. Ёинки, инсоннинг қаттиқ бир оғринишига сабаб бўладиган нарсалар, баъзи бир нарсалар баданига зарар ва жароҳат етказадиган нарсаларни, ҳаётда кўради. Демак, кўринишда ўсимликка ўхшаган билан, инсон уни, ўзига хос хусусияти борлигини ва зарари борлигини ҳис қилади.

Инсонлар ичида ҳам, баъзи бирларини, ана шунақа зарар етказиш хусусиятига, эга қилиб қўйилиши мумкинлиги ҳам, эҳтимолдан узоқ нарсамас. Ақоидларда, сеҳрнинг вужуди ҳақ ва бундан сақланмоқлик керак, деган тушунча бор. Биз шу оятни тафсири билан, кифояланамиз. Шу сеҳрга тўла жавоб бўлади.

Шайтонлар айтиб берган нарсага эргашиб, Аллоҳнинг китобини, Забурни ташлашди, одамлар. Сулаймон алайҳиссалом сеҳр билан шуғулланиб, кофир бўлган кишимас, эди. У киши, Аллоҳнинг улуғ пайғамбари эди. Шу оят далил бўладики, ким сеҳр билан шуғулланса, кофир бўлади. Лекин, шайтонлар кофир эди. Кофир бўлишларига сабаб,

وَلَكِنَّ الشَّيَاطِينَ كَفَرُوا يُعَلِّمُونَ النَّاسَ السِّحْرَ
Бақара сураси 102 оят

Сеҳр билан шуғулланишарди. Одамларга сеҳрни таълим беришарди.

وَمَا أُنْزِلَ عَلَى الْمَلَكَيْنِ بِبَابِلَ هَارُوتَ وَМАْرُوتَ ۚ وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ
Бақара сураси 102 оят

Бобил шаҳрига иккита фариштани туширилган, Ҳорут ва Морутни. Булар одамларга сеҳрни таълим беришган. Улар таълим беришдан аввал, бизлар фитнамиз, кофир бўлиб қолма, деб айтмасдан олдин, ҳеч кимга таълим беришмасди. Шу ерда, булар одамларга нега сеҳрни таълим беришган? деган, савол пайдо бўлади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу оламда ҳалол нарсаларни ҳам яратди. Ҳаром нарсаларни ҳам, яратди. Бу нарсаларни баъзиси емоққа тааллуқ топади. Баъзиси, қилмоққа тааллуқ топади. Масалан, тўнғиз гўштини ейишлик ҳаром. Маст қилувчи ичимлик ҳаром. Баъзи нарсалар, феълга тааллуқ топади. Қимор ўйнашлик ҳаром. Фолбинлик ҳаром.

Булар муқобаласида, ҳалол нарсаларни ҳам яратди. Ҳалол нарсаларни, қилишга буюрди. Ҳаром нарсалардан, бош тортишга буюрганга ўхшаган. Биз тушунмоқлигимиз керакки, сеҳрни ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло воқеъда кўрсатдики, буни ҳаром ва буни қилишлик куфр, деди. Ким буни қилса, кофир бўлади, деди. Имтихон учун яратди.

Имтихон деб, икки нарса бўлса, шу нарсани қилишликда ихтиёрлик бўлиб турса, шунда имтихон вужудга келади. Тўнғиз гўшти аслида бўлмаса, тўнғиз гўшти еманглар, деса, бу имтихон бўлмайди. Рўбарўда битта яхшилик ва битта ёмонлик бор. Биттасини қилишлик ва биттасидан қайтишликдагина, имтихон вужудга келади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сеҳрни Ҳорут ва Морутга билдирди. Булар бирор кишига таълим беришмасди. Магар айтишардики, биз имтихонмиз. Бу сеҳрни ўрганиб кофир бўлма! дейишарди. Мана бу тўнғиз гўшти деб, ҳаром нарсани ема!, деса, бунинг маъноси бўлади. Ўзи йўқ нарсани, ема, деса, ўзи йўқ нарсани қилма, деса, маъноси йўқ, бўлади. Яна ғариза ҳақида гапирармиз. Инсон табиатида шу нарса борки, бир одамга бир нарсани қилдирмоқчи бўлсангиз, шу нарсани қилма, десангиз, қилади. Инсон доим, қайтарган нарсани қилишликка ҳукмли бўлади. Шунини қилсам, нима бўларкин? деб.

فَيَعَلِّمُونَ مِنْهُمَا مَا يَفَرُقُونَ بِهِ بَيْنَ الْمَرْءِ وَزَوْجِهِ
Бақара сураси 102 оят

Улар эр билан аёлни ўртасини жудо қиладиган нарсани ўрганишарди. Чунки, булар шайтонларнинг иши эди. Шайтонларга рўзгорлар бузилса, уларнинг бозори чаққон бўлади. Рўзгорлар бузилганда, булар энди бизга жавоб деб, кетаверади. Чунки, рўзгорлар бузилишлиги билан, жанг майдони бошланади. Қуда бўлган биродарлар, жанжал қиладди. Фарзандлар жанжал қиладди. Шайтонларга дам олиш бўлади. Улар хотиржам ўтиради. Сеҳрнинг ичида, қатл қилишликка сабаб бўладиган, касалликка сабаб бўладиган, бошқа нарсаларга сабаб бўладиганидан кўра, мана бу зарарни кўпроқ ўрганишарди. Қуръони карим жуда сариҳ тил билан айтяпдики, Улар эр билан, унинг жуфтини ўртасини жудо қиладиган нарсани, ўрганишарди.

وَمَا لَهُمْ بِضَارَيْنَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ
Бақара сураси 102 оят

Мўмин кишиларга Аллоҳ айтяпдики, Аллоҳнинг изнисиз, бирор зарар етказишга қодирмас улар.

وَيَتَعَلَّمُونَ مَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ
Бақара сураси 102 оят

Фойда бермасдан, фақат зарар берадиган нарсани ўрганишарди.

وَلَقَدْ عَلِمُوا لَمَنِ اشْتَرَاهُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلَقٍ
Бақара сураси 102 оят

Улар аниқ билишганки, бу сеҳрни сотиб олган одам, унга охиратда, мутлақо улуш йўқ! Охиратдан насибаси узилади.

وَلَيْبَسَ مَا شَرَوْا بِهِ أَنْفُسَهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ
Бақара сураси 102 оят

Сотиб олган нарсалари қандай ёмон эканини билишганда эди.

وَلَوْ أَنَّهُمْ آمَنُوا وَاتَّقَوْا لَمَنْ تُوبَةُ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ خَيْرٌ لَّوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ
Бақара сураси 103 оят

Агар улар имон келтиришганда, Яъни, сеҳр билан кофир бўлишганди. Энди имон келтириб, ваттақав, энди сеҳрдан сақланишиб, сеҳрдан воз кечишганда, (тақво қилишганида) Аллоҳнинг ҳузурида бўладиган ажр, яхши эди, агар буни билишганларида, дейди, Аллоҳу таоло.

Демак, биз мана шу оятдан ва бошқа оятлардан ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларидан, шуни биламизки, қайси одам сеҳр билан шуғулланса куфр. Сеҳрни ўргатиш куфр. Сеҳрни таъсири борми? Бор! Сеҳрдан биз сақланишмиз керакми? Худди, зарарли нарсалардан сақланганимиз қатори, сақланамиз. Лекин, сеҳрдан сақланиш учун, бошқа сеҳргарни олдиға, сақла деб, бормиймиз. Бу куфрдан, бошқа куфр билан, сақланишлиқдан бошқа нарсамас.

Қуръони каримдаги, муаввизатон, Фалақ ва Нос суралари ва маъсур бўлган дуоларни ўқиб, сақланишликка, биз маъмурмиз. Доим Аллоҳдан паноҳ истаб юрамизки, сеҳрнинг таъсиридан, Ўзинг сақлагин, деб. Ислом тарихида сеҳргарнинг жазоси қатл бўлган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинадики,

حد ساحر يضرب بي سيف

Яъни, сеҳргарниг ҳадди, жазоси, уни қилич билан уриш, деган эканлар. Сеҳргарлар, ислом тарихида қатл қилинган, биродарлар.

Омонат ҳақида

Ҳозирги мавзумизга алоқаси бўлмаса ҳам, тўхталиб ўтамиз. Мўмин кишининг сифати, омонатдордир. Бунинг акси хиёнатдир. Мана бу нарсa жуда кўп нарсани, ўз ичига олади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни яратишда, жуда кўп омонатни елкасига қўйди. Асли ер юзидаги Хилофатни ўташлиқдан, асосий мақсад, омонатни кўтаришлиқдир. Бу омонат, коиноту ер ва тоғлар кўтаролмаган омонатдир бу! Мана буни, инсон кўтарди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонга, Ўзи тарафидан руҳ киритди. Шундай оғир юкни кўтарадиган, қувватга эга бўлди.

إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا
Аҳзоб сураси 72 оят

Биз омонатни, коиноту тоғларга кўндаланг қилдик. Улар кўрқди, буни кўтаришлиқдан. Коиноту тоғлар ва ер, бу омонатни кўтаришлиқдан кўрқди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, шу тупроққа руҳ кириши билан, шу омонатни кўтара оладиган қобилият эгасига айланди. Қобилият эгаси бўлишлиқ билан, биродарлар, бу омонатни, Коиноту ер, ва тоғлар кўтаришлиқдан бош тортганлигини ҳам, билмоқлик керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда,

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَائِنِينَ
Анфол сураси 58 оят

Омонатга хиёнат қилувчиларни, Аллоҳ яхши кўрмайди, деди. Мўмин одамга Аллоҳ яхши кўрмайди, деган сўзни ўзи, етади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу омонатни кўтарган зотларнинг, устозидир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг номларини қирқ ёшгача, Муҳаммад дейишмасди. Муҳаммад Амин дейишарди. Яъни, омонатлик Муҳаммад дейишарди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг номларини алоҳида, Муҳаммад дейишмасди. Муҳаммад Амин дейишарди. Буни ўзи, у кишини Аллоҳу таоло, рисолатдан илгари, қанчалик омонатдор қилганлигини ва бу омонат, мўминнинг энг биринчи сифати бўлмоқлиги кераклигига далолат қилади, биродарлар. Агар инсоннинг шу сифати бўлса, уни бошқа хулқлари паст даражада бўлиши, унга зарар қилмаса керак?

Шунинг учун ҳам, Умар ибн Хаттоб, баъзи саҳобаларга, таманнаву дедилар. Қани кўнглингиздаги орзуларни қилинглари, дедилар. Битталари айтдилар: Агар шу ўтирган уйимиз тўла олтин бўлиб қолсаю, Аллоҳнинг йўлида эҳсон қилсам, дедилар. Яна битталари, ундан ҳам қиммат, зумрад ва забаржад бўлиб қолсаю, шуни Аллоҳнинг йўлида эҳсон қилсам, дедилар. Ўзингиз ҳам орзу қилингни, деганларида, Абу Убайда ва Талхага ўхшаган одамлар билан, шу уй тўла бўлса эди, дедилар. Абу Убайда разияллоҳу анҳу, Аминул ҳазиҳил умма, шу умматнинг омонатдор кишиси деб, лақабланганлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тиллари билан. У кишининг омонатдорлиги ҳақида гапирилса, одамлар, қандай қилиб эришилади бунга? Наҳотки, инсон ҳам шундай бўлиши мумкинми? деб ўйлаб қолиши мумкин? (Яъни, Умар ибн Хаттоб, Абу Убайдага ўхшаган, омонатдор кишилар кўп бўлишини орзу қилганлар)

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَائِنِينَ
Анфол сураси 58 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, хиёнат қилувчиларни, Аллоҳ яхши кўрмайди, деган сўзни ўзи, кифоя қилди уларга.

وَإِذَا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي شَأْنِ عِلَامَاتِ الْمُنَافِقِ، أَوَّلُهُمَا قَوْلُهُ: “آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذِبًا، وَإِذَا أَوْثَمَنَ خَانَ خَاصِمَ فَجَرٍ:

Мунофиқнинг учта сифати бор. Ер юзида, ҳеч ким ўзини мунофиқман, демайди. Мунофиқнинг сифатидан бошқа сифати йўқ одам ҳам, ўзини мунофиқман, демайди. Мунофиқнинг сифатидан бошқа сифати, йўқ ўзи! Ана шу мунофиқни, биз сифатларидан биламиз. Нима у?

Биттаси, гапирса, ёлғон гапиради.

Иккинчиси, омонатга хиёнат қилади.

Учинчиси, хусумат қилса, гуноҳ йўлига ўтади.

Масалан: Фарзанди билан, бировнинг фарзанди жанжал қилди. Жанжални шу фарзанд хусусида қилиш керак. Бошқа хусусга бурмаслик керак. Бир одам кудасидан ажралиб кетаяпти. Демак, шу қудалик соҳасида жанжал бўлиши керак. Шунда, сен ўзинг шунақа эдинг. Мана шунақа эдинг, деб, бошқа нарсаларни гапирса, бу мунофиқлик белгиси бўлади. Хусумат қудалиқдами, қудалиқда кетавериши керак. Хусумат болаларни жанжалидами, шунда кетавериши керак. Хусумат бирорта бир кичкина масжидни имоматидан тушиб қолишлик бўлса, нимага мен тушаман энди деб, хусумат шу йўлда кетаверсин! Лекин, уни бошқа тарафини қовлаб, бошқа айбини топишлик, бу мунофиқлик белгиси бўлади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, хиёнатдан кўп оятларда, маън қилди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمَانَاتِكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ
Анфол сураси 27 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Эй имон келтирганлар,, Аллоҳга ва Расулга хиёнат қилманглар! Ва ўзинглардаги кўп омонатларга, хиёнат қилманглар! деди. Аллоҳга хиёнат қилишлик нима? Аллоҳнинг китобидаги оятларни ўзгартириш. Аллоҳ айтган сўзни айтмади дейиш. Аллоҳ айтмаган сўзни, айтди дейиш. Шариатга хиёнат қилиш, Аллоҳга хиёнат қилишликдир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга хиёнат қилишлик нима? У кишининг суннатларни шу суннатми? деб, инкор қилишлик, биродарлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳиҳ ҳадисларини саҳиҳмас дейиш, бу хиёнатдир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, мавзу ҳадисларни тўқиб, тўқима ҳадисни айтганлар дейишлик, хиёнатдир!

Ва ўзинглардаги, кўп омонатларга хиёнат қилманглар! Буни маъноси кўпдир. Илм омонати, Фарзандлар омонати, оилалар омонати, ўзимиздаги танамиз омонати. Бу тана бизникимас биродарлар. Шунинг учун, бир ҳафтада бир, ғул қилиб, ювинтириб қўйишлик. Бу омонатни ўташлик бу, биродарлар. Шунинг учун, ким жума намозига келса, ғул қилсин! дедилар. Яъни, шу тананинг ҳаққини ўтаб қўйсин. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кўчада кетаётсалар, бир ҳомиладир аёл кишини, юриш мувозанатини бузиб кетаётганлигини кўриб, енгил мувозанат билан юргин. Қиёмат куни, қорнингдагидан сўраласан, дедилар. Яъни, бу омонат бу. Шу омонатни тандуруст бўлишлугига, жавоб берасан дедилар. Йиқилиб тушадиган бўлсанг, шунга зарар бўлса, жавоб берасан, дедилар. Ҳар бир нарсада биродарлар, омонатдор бўлишлик керак.

Танани кашандалик билан ва маст қилувчи ичимлик билан бузиш, бу жасад омонатига хиёнат. Илмни бировга ўргатмаслик, шариат илмига хиёнатдир. Аллоҳ берган ҳалол ҳунарни, бировга таълим бермаслик, бу ҳам биродарлар, хиёнатдир. Агар ҳунар ўргатилмасдан, қолиб, жамиятда ривожланиш йўли тўхтатса, шу хиёнат билан, мана бу ҳунар, ислом умматидан йўқотилади, биродарлар.

Хунармандчилик ҳам, ҳамма нарса йўқолиб кетади. Агар биздан илгаригилар хиёнат қилганда, бизга бу нарсалар, етиб келмаган бўларди. Хусусан шариат илмларини етказмаслик хиёнати, фош бўладиган бўлса, Ислох уммати кўр умматга айланади. Мана бу ҳадисдаги, хиёнатнинг бир белгисига ишорат қиламизки, бундан Аллоҳ сақлаганлар мустаснодир!

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: من استعمل رجلا من عصابة وفي تلك العصابة من هو أرضى الله منه فقد خان الله وخان رسوله
وخان المؤمنين

Кимки, бир кишини бир жамоага раҳбар қилиб қўйса, Ваҳолонки, шу жамоада, Аллоҳни рози қиладиганроқ одам борлигини билиб туриб, шуларни бошқариб турадиган одам қилиб қўйса, қариндошими, ошнасими, бошқа бир махфий муомила бўлганлиги учун, бошлиқ қилиб қўйган бўлса, Аллоҳу Расулига хиёнат қилибди ва мусулмонлар жамоасига хиёнат қилибди, деган эканлар. Мана бу ўринда, саҳобалар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг таълимлари билан, жуда ҳам, ҳассос бўлишганлар.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, шаҳарларда қўйган омилларини чақириб, зиёфат қилиб турар эканлар. Зиёфатларда қари туяни сўйиб, шуни гўштини қўйиб, меҳмон қилар эканлар. Ким ейди ва ким емайди, деб, қараб турар эканлар. Бу билан (амирларини) Аллоҳни рози қиладиганроқ одам бўлишига ҳаракат қилар эканлар. Чунки, улар бу Хилофатни омонат деб, билганлар. (Яъни, амирлари қари туя гўштини қаттиқлиги учун, емасалар, уни сен маишатпаратс бўлиб кетибсан, деб, вазифасидан бўшатар эканлар.)

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳуни фазилати

Маноқиблардан Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳунинг, навбати эди. Шу кишига тааллуққли бўлган омонатдорлигига, бир мисолни келтирамиз. Али ибн Абу Толиб доим байтул молни тақсимлаб туриб, шу ерни супуртириб тозалаб, шу ерда икки ракат, намоз ўқир эканлар. Алҳамдулиллоҳ, мен мусулмонларнинг бирор молини сақлаб турганим йўқ, деб, шу ерда икки ракат намоз ўқир эканлар. Шукронасига. Шунчалик булар байтулмолга амин, омонатли бўлишганлар биродарлар.

عن النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: إِذَا حَدَّثَ الرَّجُلُ بِالْحَدِيثِ ثُمَّ التَفَتَ فَهِيَ أَمَانَةٌ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: бир киши бир гапни гапириб. У ёқ бу ёққа қараб қўйса, яъни, бу билан, шу гап шу ерда қолсин, деганга ишора қилиб, шу омонат бўлади, дедилар. Шуни бошқа ерда, ошкор қиладиган бўлса, хиёнат бўлади.

المَجَالِسُ بِالْأَمَانَةِ إِلَّا ثَلَاثَةً مَجَالِسَ سَفَكِ دِمٍ حَرَامٍ أَوْ فَرْجٍ حَرَامٍ أَوْ اقْتِطَاعِ مَالٍ بِغَيْرِ حَقٍّ
خلاصة حكم المحدث: ضعيف

(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Мажлислар омонат билан, бўлмоқлиги керак. Магар учта мажлис, бундан мустасно. Бир одам, бировни ноҳақ одам ўлдирганлигини кўрди. Буни айтиш керак. Мана шу одам, ноҳақ одам ўлдирди деб. Буни омонат демайди. Иккинчи, зино билан шуғулланганлигини ошкор билди. Тўртта гувоҳ. Шуни очик зино ҳолатида кўрса, тўртта гувоҳ айтса, уни жазосини олади. Яъни, буни ошкор қилишни, шу Мажлисдаги омонатга, хиёнат қилдинг, дейилмайди. Бировнинг молини, биров ноҳақ тортиб олганлигини кўрди. Шуни айтса, бу мажлисга хиёнат бўлмайди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, омонатдор кишилардан қилсин! Ислом тарихини одам ўқир экан, хижолат бўлади, ўқиб айтиб беришга ҳам. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Мадинага гоҳо, Халифа қилиб қўйилар эканлар. Халифалар йўқ бўлганида, Мадинага бировни Халифа қилиб, тайин қилиб кетилган. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Мадинага Халифа қилиб, кўп тайинланган. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу, Мадинага Халифа бўлганларида, бир боғ ўтинни елкаларига кўтарар эканларда, Халифа бўлишлик билан, кибрларини йўқотиб, бу хилофат омонатини ўташда, бирор бир хатога йўл қўйиб, қўймай деб, ўзларини қалбларини синдириб олар эканлар. Шунда, бир боғ ўтинни елкаларига кўтариб, одамларни орасини ёриб кириб бориб, йўлни Амирга бўшатишлар! Одамлар кўрсин Амирни аҳволини деб, қўяр эканлар. Шу ишни бошқа одам қилса, биров айтиши мумкинки, бу риё учун қилаяпди деб. Саҳобалар ҳақида, бундай дея олмаймиз. Мен шу одамга айтаманки, келинг, сиз ҳали бир шаҳарни волийси эмассиз.

Ҳали бир маҳаллани каттаси эмассиз. Сиз шу, риё учун бўлса ҳам, бир қилиб кўринг! дейман. Риё учун бўлса ҳам, бир қилиб кўрсинчи шуни! Қилолмайди уни. Улар, бу волийликни омонат деб, билишганлар. Волийликдан қийин нарса йўқ, Исломда. Нима учун? Чунки, волий бўлган одам, яхши ея олмайди. Яхши кия олмайди. Яхши туролмайди. Оддий кимсага ўхшаб юришлиги лозим.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Маоз ибн Жабални Яманга жўнатаётганларида учта шарт қўйдилар. Чунки, Яман диндорлиги билан танилган, (насройний) одамларнинг диёри эди. Биринчи, маркаб минмийсиз, пиёда юрасиз, дедилар. Иккинчи, элақдан ўтган ун емайсиз, дедилар. Учинчи, одамлардан бекинмайсиз, дедилар. Дардини кўчада кетаётганида айтаверади сизга, дедилар.

Айтинг, Маркаб миномасангиз, эланган нонни емасангиз, бирор бир одамлардан бекинмасдан очикда юраверадингиз бўлсангиз, сизни битта ҳайъатнинг қоровулидан, нима фарқингиз бор?! Ундан кўра мен, волий бўлмасдан, яхши кийиб, яхши еб юрсам бўлмайдимиз, дейсиз. Шариат маън қилмаган сизни?! Яхши кийиб, яхши еб, яхши маркабларни миниб юринг. Шариат ҳалолдан топиб, юравер деган. Лекин, Волий бўлсангиз, оддий одамларни ҳолати каби, юришга мажбурсиз. Бундан мурод Исломдаги Волий маркаб минмайди, деганимас, албатта. Муҳитига қараб минишга мажбур бўлади.

Лекин, ўртачалиқдан ортиққа ўтолмайди. Бундай бўлгандан кейин, ким волий бўлади? деса, ҳамма хомуш бўлиб кетади. Ўзини волий қилиб сайлашга, ҳеч ким ҳаракат қилмайди. Тарғиб ҳам қилмайди. Тарғиб қиладики, мени волий қилиб қўйманглар, деб.

Ҳадисда келадики, кимки волийликка қизиқса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, уни шунга топшириб қўяди. Шу билан қийналиб, юраверади. Агар қизиқмаса, волий бўлиб қолса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, унга ёрдам беради. Шунинг учун, унинг иши тўғри кетаверади. Умар ибн Хаттоб Халифалик даврида, Минбарда, менга итоат қилинлар ва қулоқ солинлар деганларида, У либосингизга уланган уловни қаердан олганингизни айтмасангиз, итоат ҳам қилмаймиз ва қулоқ ҳам солмаймиз, дедилар. Шунда ўғиллари Абдуллоҳ ибн Умарни чақирдилар. Чунки, Исломда халифанинг ҳаёти, очик бўлади. Қанча моли борлиги ва нима еяётганлиги, кўриниб туради.

Шунда Абдуллоҳ дедилар, ўғилларини чақирдилар. Мана бу ўғлим, менга совға қилувди. Либосим калтароқ бўлиб қолувди, ўғлим менга ўзини улушини совға қилди, тўғримиз? деганда, тўғри, дедилар. Ундай бўлса, қулоқ ҳам соламиз ва итоат ҳам қиламиз, дедилар. Шунда, Алҳамдулиллоҳ, Умарни тарбиялаган одамлар ичида, Аллоҳ шундай кишиларни етказиб чиқарди, дедилар. Яна Аллоҳга ҳамд айтган эканлар. Шундан биламизки, биродарлар, Исломдаги бу ишлар ҳаммаси омонат деб, билмоқлигимиз керак!

Мана шу сифат йўқолишлиги билан, жамият бузилаверади, биродарлар. Омонатга қайтишлиқдан, яхши нарсa йўқ, биродарлар! Бу кичкина кичкина омонатлардан, тарбияланиб боришлик билан, бўлади. Биздаги мағлубият ҳам, мана шу омонатни йўқлиги сабаблидир. Исломни ҳақиқий кўриниши ҳам, мана шу омонат билан бўлади, биродарлар!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни хоинлардан бўлиб қолишлиқдан сақласин! Омонатлик кишилардан бўлишликка, Аллоҳ таоло ҳаммамизга тавфиқ берсин! Дарсимизнинг мавзусига алоқаси бўлмасада, биродарлар, омонатни йўқ бўлиб кетганига анча бўлгану, лекин, хиёнатни охирига етиб бормасимиздан олдинроқ, шуни гапириб қўяймиз. Ва шу дарсни фақат эшитиб қолмасдан, амал қилишликка Аллоҳ тавфиқ берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

26 дарс тугади

27 Дарс

Ла илоҳа иллоллоҳнинг маъноси ва шартлари

(Бу дарсда имон калимаси ҳақида ва унинг маъноси ва шартлари тўғрисида, сўз юритилади. Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, ўз ичига жуда кўп шартларни олади. Бу калима асосида тавҳид туради. Бу калимани айтиш билангина иш битмайди. Мунофиқлар ҳам, тилда айтишган. Қалбда тасдиқ бўлиши ва бу калимани талабига амал қилинмоқлиши шартдир! Шунда, бу имон мукаммал бўлади. Манфаатлик бўлади. Бу дарс шу ҳақидадир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом, Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

مَنْ مَاتَ وَهُوَ يَعْلَمُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، دَخَلَ الْجَنَّةَ
صَحِيحٌ مُسْلِمٌ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: Ким Ла илоҳа иллоллоҳни билган ҳолда, вафот топган бўлса, жаннатга киради, деб марҳамат қилдилар.

لا إله إلا الله صدقاً من قلبه دخل الجنة

Имоми Баззор ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда, Ким Ла илоҳа иллоллоҳни, ихлос билан қалбидан айтган бўлса, жаннатга дохил бўлади, деб ваъда қилдилар. Бугун шу, Ла илоҳа иллоллоҳ маъноси ва шартлари ҳақида, озгина баҳс юритамиз. Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтса, жаннатга дохил бўлади, деган ҳадисни баъзилар, шундай тафсир қилишган.

«Ким қасддан намозни тарк қилган бўлса, Кофир бўлади,» деган, ҳадис билан, Ла илоҳа иллоллоҳни айтган бўлса, жаннатга дохил бўлади, деган сўзлари, аввали Исломда бўлган. Яъни, намоз фарз бўлишидан илгари, Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулulloҳ калимасини айтган бўлса, жаннатга жохил бўлади. Намоз у вақтда фарз қилинмаганди. Беш вақт намоз Маккада, Нубувватнинг ўнинчи йилида, Мерож кечасида, фарз қилинган. Шу вақтгача ўтганларни, Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулulloҳ, калимасини айтган бўлса, жаннатга дохил бўлади, деб шарҳлашган.

(Қисқа изоҳ: Яъни, баъзилар, Ким қасддан намозни тарк қилган бўлса, кофир бўлади, деган ҳадис билан, «Ким Ла илоҳа иллоллоҳни, ихлос билан қалбидан айтган бўлса, жаннатга дохил бўлади,» деган ҳадиснинг ҳукми, мансук бўлган дейишган. Аммо, бу масалада, баъзи, уламолар бу ҳадис ҳукми мансук бўлмаган ва бу калимани сидқидилдан айтган одам, агар амалларни қилмаган бўлса, шунга лойиқ жазосини олиб, кейин, жаннатга киради дейишган.)

Ла илоҳа иллоллоҳ калимасининг маъносини тушуниб билсак, аслида буни шарҳлашга ҳожат қолмайди. Ла илоҳа иллоллоҳ калимасининг маъноси нима?! Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси билан биз, нимани исботлаймиз?! Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси билан биз, Аллоҳни яратувчилигини исботлаймизми?! Ёинки, якка ризқ берувчи сифатини исботлаймизми? Ёинки, коиноту ерни бошқаришлиқда, ягона сифатини исботлаймизми? Қайси сифатни исботлаймиз?!

Илоҳ калимасининг маъносини, араблар яхши тушунишарди. Агар Илоҳ калимасини, якка Яратувчи деб, тушунган бўлишганида, Муҳаммад алайҳиссалом билан, Макка мушриклари ва ер куррасидаги мушриклар орасида, ҳеч қандай хусумат бўлмаган бўларди. Чунки, Макка мушриклари, коиноту ерни ким яратган? деб савол қилинса, Аллоҳ дейишарди.

وَلَن سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ

Зумар сураси 38 оят

Коиноту ерни ким яратган деб, савол қилсангиз, Макка мушрикларидан, шу жаҳаннамнинг ўтини бўлиб турган мушриклардан, савол қилинса, Аллоҳ яратган, дейишарди. Уларни коиноту ерни Аллоҳ яратди, деган эътиқодлари, Исломга киргиза олмади. Агар, ким ризқ беради? деб савол қилинса, Макка мушрикларига, Аллоҳ беради, дейишарди. Ким ўлдиради ва ким тирилтиради? деб савол қилинса, Аллоҳ дейишарди. Ким коиноту ерни бошқаради деб, савол қилинса, Аллоҳ дейишарди. Демак, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси маъноси, Ла розиқа иллоллоҳ, Ла холиқа иллоллоҳ, Ла мудаббира иллоллоҳ, Ла муҳйия иллоллоҳ, Ла мумита иллоллоҳ, калималари маъносига чекланган бўлганда, Муҳаммад алайҳиссалом билан, Макка мушриклари орасида, ҳеч қандай хусумат бўлмаган бўларди. Улар иттифоқлик билан, яшашган бўларди. Чунки, қуръони карим баён қилаяпдики,

قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدَبِّرُ الْأَمْرَ ۚ فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ ۚ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ

Юнус сураси 31 оят

Айтинг, эй Муҳаммад алайҳиссалом, коиноту ердан ким сизларга ризқ беради? Кўз ва қулоқларни, ким яратишга қодир? Ким ўлдирадиган ва тирилтирадиган сифат эгаси? Ким коиноту ерни бошқаради? деб савол қилинг, улар Аллоҳ, дейишади. Фақул афало татақун. Шундай бўлса, сизлар ибодатни, шу сифат эгасидан бошқага қилишга, қўрқмайсизларми? денг! Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси маъносини, араблар яхши тушунган эди. Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси маъносини, Макка мушриклари, ҳозирги аҳли илмман деб, даъво қилиб, Исломда энг тавҳидни даъво қилаётган кишилардан кўра, Макка мушриклари, яхшироқ тушунган эди. Чунки, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси маъносини зимнида, еру коинотда сиғиниладиган Зот ягонадир! Бошқа сиғиниладиган на дарахт, на инсон, на тоғ ва на бошқа мавжудот йўқ, деган маъно, ошкор турарди.

Улар билишдики, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини қалбига жо қилган инсонлар, ўзларинг сохта обрўларига, бу қаттиқ бир хавф эканини, билишган эди. Илоҳ калимаси, Маъбуд дегани, эди. Аллоҳдан бошқа, маъбуд (ибодат қилишга лойиқ Зот) сифатига эга бўлган ҳамма нарсани, нафй (инкор) қилишлиқ, жойлашган эди. Шунинг учун, ҳамма Макка мушриклари, молларию, жонлари билан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларига, қарши туришди. Агар тил билан, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтиб қўйиш билан кифояланганда, Муҳаммад алайҳиссалом билан, Макка мушриклари орасида, ҳеч қандай хусумат, бўлмаган бўларди. Шунинг учун, бизнинг давримиздаги, имону исломни даъво қилган кимсалар, доим айтиб юрган, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасининг маъносини билишликка, муҳтождирлар.

أثر عن الحسن البصري أنه قال: ليس الإيمان بالتمني، ول بالتحلي ولكن ما وقر في القلب وصدق العمل

Ҳасанул Басрий айтдиларки, Имон таманний билан бўлмайди. Таманний нима? Яъни, Биз мусулмон эканмиз. Биз уммати Муҳаммад эканмиз. Биз жаннатнинг хоҳлаган дарвозасидан кириб кетадиган, уммат эканмиз, деган таманнилар. (орзу хаёллар) Таманнийни изоҳлашлик учун бир мисол. Яҳудлар айтишдики, жаннатга фақат яҳудлар киради, дейишди. Насоролар туриб, жаннатга фақат насоролар киради, дейишди.

وَقَالُوا لَن يَدْخُلَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَن كَانَ هُودًا أَوْ نَصَارَى ۚ تِلْكَ أَمَانِيُّهُمْ ۗ قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ

Бақара сураси 11 оят

Яҳудлар айтишдики, жаннатга фақат яҳудлар киради, дейишди. Жаннатга кириш учун яҳуд бўлишлик керак, дейишди. Насоролар буни рад қилишиб, жаннатга фақат насоролар киради, дейишди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони, миллий Аллоҳ деб, билишди. Фақат бизни миллатни киргизади, дейишди. Мусулмонлар ҳам, бу таманнидан таъсирланиб, жаннатга фақат мусулмонлар киради, дейишди. Унда агарчи, қавмия, миллат маъноси бўлмаса ҳам, биз, деган нарсаси, бекиниб ётарди.

لَيْسَ بِأَمَانِيَّتِكُمْ وَلَا أَمَانِيَّ أَهْلِ الْكِتَابِ مَن يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَى بِهِ وَلَا يَجِدْ لَهُ مِن دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا

Нисо сураси 123 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтдики: Жаннатга кириш сизларнинг орзуинглар билан бўлмайди. Ва аҳли китобларнинг орзулари билан ҳам, бўлмайди. Ким ёмонлик қилса, жазоланади, деди. Бу оят шунчалик таъсир қилдики, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб,

لما نزلت من يعمل سوءا يجز به قال أبو بكر الصديق رضي الله عنه : ما هذه بمبقية منا ؛ قال : (يا أبا بكر إنما يجزى المؤمن بها في الدنيا ويجزى بها الكافر يوم القيامة

(Бу ҳадис шу оятнинг шарҳида, Табарий тафсирида келган)

Ким ёмонлик қилса, жазоланади, деди, Аллоҳу таоло. Дунёда ёмонлик қилмаган ким бор? деди. Касал бўласизми? Бошингизга енгил мусибатлар етиб турадими? Ҳа, дедилар. Мана шу нарсалар, хатоларингизга каффорат бўлади, дедилар. Демак, имон таманний билан эмас, экан. Жаннатга биз кирамиз, деган сўзлар билан, жаннатга кирилмайди.

وَل بِالْحَلِي

Тахаллий билан бўлмайди. Ўзини мусулмонман деб, зийнатлашлик билан кирмайди. Тахаллий, яъни, ташқи қиёфасини, зоҳирий амаллар билан зийнатлашлик билан, кирилмайди. Тўғри, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини, зоҳирда ифшо қилишимиз керак. Зоҳирий амаллар билан, биз мусулмонни мусулмонлигини ва динсизни динсизлигини, биламиз. Масалан, зоҳирда намоз ўқиган одамни, биз мусулмон деймиз. Зоҳирдамас гап, деб, мени қалбим тоза деб, намоз ўқимай юрган одамни биз, мусулмон, демаймиз. Лекин, зоҳирий амалнинг ўзи билан, зийнатланишлик билан, имон вужудга келмайди.

ولكن ما وقر في القلب وصدق العمل

Имон нима? Қалбда маҳкам чўкиб, ўрнашган нарсаси. Вақрун. Оғир ўрнашган нарсаси. Ниҳоятда тош босиб, қалбда жилмайдиган бўлиб, ўрнашган нарсаси. Мусибатлар билан ўзгариб қолмайди. Қизиқтирадиган нарсалар билан, ўзгариб қолмайди.

У қалбда маҳкам чўкиб, ўрнашган нарса.

وَصَدَّقَتْهُ الْأَعْمَالُ

Ва амал уни исботлаб, тасдиқлаб туради. Бу қалбда имон мустаҳкам ўрнашганини, амали тасдиқлаб турса, имон шу, деган эканлар, Ҳасанул Басрий.

Шунинг учун, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси маъносига тўхталиб ўтамиз.

Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси жаннатнинг калити эканлиги, ҳақ сўз бу. Лекин, калитнинг тишлари бўлиши керак. Ҳеч қачон юмалоқ нарсани, калит дейилмайди. Шу тиши бўлган калит билан, дарвозани очса, очилади. Тиши бўлмаган нарса билан, дарвоза ҳеч қачон очилмаслигини, ҳамма билади! Имоннинг тишлари, намоз, рўза, закот, Ҳаж. Булар тишлар эканлигини, кам одам билади. Шу калимани айтса, жаннатга дохил бўламан, деб, бу ёғида тиши бўлмаса ҳам, жаннатга кираман деб, тушунади.

Ла илоҳа иллоллоҳ калимасининг шартлари

Биринчиси: шу Ла илоҳа иллоллоҳ калимасининг, маъносини билмоқлик. Яъни, Аллоҳдан бошқа, барҳақ Маъбуд йўқ! деб биламиз. Бу Маъбуд сифати, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига хос деб, эътиқод қиламиз.

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

Муҳаммад сураси 19 оят

Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқлигини, биз билишимиз керак. Бунинг маъносини билишликка муҳтож бўлганимиз учун, фаълам, деди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Билинг! деди. Буни билишликка муҳтож эканимизни, биз турган вазиятимиз ҳам исботлайдики, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтган одам, қанчалик кўп бўлса, унинг маъносини биладиган одам, шунчалик оз, биродарлар.

Иккинчиси: шакка зид бўлгучи, яқин бўлмоқлиги керак. Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини шарти, Аллоҳдан бошқа, барҳақ Маъбуд йўқ эканлигини, шакка зид бўлган, яқин билан, билмоқлиги керак.

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ۚ أُولَٰئِكَ هُمُ الصَّدِيقُونَ

Ҳужурот сураси 15 оят

Ҳақиқий имонида содиқ кишилар, қандай сифатдаги кишилар? Ҳақиқий мўминлар кимлар? Аллоҳу Расулига имон келтириб, кейин, ҳечам шубҳа қилишганмас. Ва ўзларининг моллари ва жонлари билан, Аллоҳ йўлида курашишган. Мана бу кишиларгина, имонларида, биз мўминмиз деган даъволарида содиқлар, деяпди. Булардан бошқалар содиқмас, деяпди, Аллоҳу таоло. Шубҳа бўладиган бўлса, биз имонида содиқмас, деймиз уни. Чунки, Аллоҳу Расулига имон келтириб, кейин, ҳечам шубҳа қилишганмас, деяпди. Мана бу нарса имонга шартдир, биродарлар. Имоми Муслим саҳиҳи жомеъларида келтирган. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَ أَنِّي رَسُولُ اللَّهِ ، لَا يَلْقَى اللَّهُ بِهِمَا عَبْدٌ غَيْرُ شَاكٍ فِيهِمَا إِلَّا دَخَلَ الْجَنَّةَ

Аллоҳнинг ягона барҳақ, Маъбуд эканлигига ва Аллоҳдан бошқа, ягона, барҳақ маъбуд йўқ эканлигига, гувоҳлик бераман, дедилар. Гувоҳлик бериш билан, айтишни фарқини, тушуниб олмоқлигимиз керак. Бир одам, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтиши, тили билан бўлади. Гувоҳлик, унинг ҳаракатлари, гувоҳлик берадики, У ҳаракатлари, Аллоҳдан ўзга, ягона барҳақ Маъбуд йўқ, эканлигига, далолат қилади.

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

Калимасини, эътиборга олмоқлигимиз керак. Шоҳидлардан бўлишликни, Аллоҳдан сўрашлигимиз керак!

رَبَّنَا آمَنَّا بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ
Оли Имрон сураси 53 оят.

Ҳаворийлар, Исо алайҳиссаломнинг фидоийлари, бутун молу жонларини, Исо алайҳиссаломнинг даъватларига, бағишлаган кишилар ҳам,

رَبَّنَا آمَنَّا بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ
Оли Имрон сураси 53 оят.

Худоё, биз Сен туширган китобга, Исо алайҳиссаломга туширган китобга, имон келтирдик. Ва расулга эргашдик. Шу гапимизда шоҳидлардан ёзгин! дедилар.

Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулulloҳ, калимасини айтган одам, ниҳоятда кўп. Лекин, шоҳидлардан бўлишликни, ҳисобга олмоқлик керак, биродарлар! Шоҳид, яъни, шу калимани маъносини, ўзида мужассамлаштириб турмоқлиги керак!

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўзимни Аллоҳнинг элчиси эканлигимга, гувоҳлик бераман, дедиларда ва айтадиларки: Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулulloҳ, калимасини, шак қилмаган ҳолатда айтган одам, Аллоҳга рўбарў бўлмайди, магар рўбарў бўлса, жаннатдан тўсилмайди, дедилар. Шу калима билан, Аллоҳга рўбарў бўлса, жаннатдан тўсилмайди, дедилар. Яъни, айтишликда содиқ қолса, то умрини охиригача.

Қуръони карим оятларига диққат қилсангиз,

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ خَيْرٌ مِنْهَا
Қасас сураси 84 оят

Баъзи ўринларда:

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ فَلَا يُجْزَى إِلَّا مِثْلُهَا وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ
Анъом сураси 160 оят.

Ким ҳасанотни олиб келса, дейиляпди. Ким ҳасанотни қилса, дейилганмас. Ҳасанотни аввало, қилиш қийин. Қилганидан кейин, буни олиб бориш қийин, Аллоҳнинг ҳузурига.

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ

Ким ҳасанотни қиёматга олиб келса, (йўлда ҳабата қилиб қўймасдан) йўлда олдириб қўймасдан, қиёматгача олиб келса,

قُلْهُ خَيْرَ مِنْهَا

Унга у ҳасанотдан кўра, яхшироқ нарсa бўлади. Қилган ҳасанотинигина мукофоти бўлмайди. Ундан ўн баробари берилади. Шу калима билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳузурига, рўбарў бўлгунча борса. Тили ва қалби билан, шу калимани айтгандан кейин, шу калима талаб қилган нарсани, қабул қилмоқлиги керак!

Бунга ҳужжат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, даъватларини қабул қилмаган, мушрикларнинг ҳолларини баён қилаяпди. Такрор айтамин, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, даъватларини қабул қилмаган мушриклар, Аллоҳни йўқ, демасди. Аллоҳни бор дейишарди. Коиноту ерни Аллоҳ яратган, дейишарди. Коиноту ерда, ўлдирадиган ва тирилтирадиган сифатга, фақат Аллоҳ эга, дейишарди. Аллоҳ ризқ беради, дейишарди. Коиноту ерни тарбиятқунандаси, Аллоҳ дейишарди. Ҳозирги, имонни даъво қилган кишилардек, тарбиятқунандаликни, тоғларга, дарахтларга, руҳсиз бўлган жасадларга, топшириб қўйган кишилар каби, эмасди, у мушриклар. Бу мушрикларнинг ҳолидан кўра, анча тузукроқ эди, улар. Шунча нарсаси тузук бўлган кишиларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шу калима талаб қилган нарсани, қабул қилмаган кишилар, деяпди.

إِنَّهُمْ كَانُوا إِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَسْتَكْبِرُونَ
وَيَقُولُونَ إِنَّا لَنَرُكَو الْهِنَّا لِشَاعِرٍ مَّجْنُونٍ
Сооффоот сураси 35, 36 оятлар

Уларга, Ла илоҳа иллоллоҳ, денглар, дейилса, улар айтишмадики, биз Аллоҳни яратувчи деяпмиз. Розик деяпмиз. Тарбиятқунанда деяпмизку, дейишмади. Ла илоҳа иллоллоҳни, яхши тушунишарди. Улар, Ла илоҳа иллоллоҳни, қабул қилишса, ўзлари қилаётган ҳамма ишдан, воз кечишлари керак эди. Уларга Ла илоҳа иллоллоҳ, денглар, дейилса, бу калимани талабини қилинглaр! дейилса, бош тортишарди. Яъни, бу калима талаб қилган, шартларга амал қилишмасди. Биз ўзимизни илоҳларимизни, шу мажнун шоирни сўзига кириб, ташлаймизми? дейишарди.

Учинчиси: шу калимани айтган кишиларга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, амр қилдики,

وَأَنبِئُوا إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَأَسْلُمُوا لَهُ
Зумар сураси 54 оят

Роббингларга инобат қилиб, қайтинглар ва Роббингларга таслим бўлинглар! деяпди. Демак, тўла бўйсунлиқ ва таслим бўлишлиқ, Ла илоҳа иллоллоҳ, калимаси талаб қилган шартдир!

Тўртинчиси: Кизбга зид бўлган, сидқ бўлмоқлиги керак. Яъни, содиқлик билан айтмоқлиги керак. Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасида, содиқлар бор. Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасини айтганлар ичида, каззоблар бор! Кимлар?!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизга баён қилаяпдики:

أَحْسِبَ النَّاسَ أَنْ يَبْرُكُوا أَنْ يَقُولُوا آمَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ الْكَاذِبِينَ
Анкабут сураси 2.3 оятлар

Одамлар имон келтирдик, деган ҳолатда ташлаб қўйилишини, гумон қиладиларми? Яъни, Ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулуллоҳ калимасини айтсалар, энди бўлди. Нима қилсалар ҳам, шу ҳолатда қоладигандек, гумон қилишадими? Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, айтяпди, ким содиқ ва ким козиблигини, биз имтихон қиламиз. Яъни, уларни бошларига ҳар хил мусибатлар солиб, содиқлар ким ва ким козиблар кимлигини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, билади. Ва халқларга ҳам, маълум қилиб қўяди. Ҳатто, ўзига ҳам, маълум қилиб қўяди. Ўзи ҳам, ўзига айтади, сен каззоб экансан, бу калимада, дейди. Сени ишинг юриб турганлиги учун, дунёвий ишинг юриб турганлиги учун, имон келтирган экансан, дейди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига, Хаббоб ибн Арат разияллоҳу анҳу келдилар. Каъба олдида, ёпинчиқларини тағларига солиб, ёнбошлаб ётган эдилар. Ё Расулуллоҳ дуо қилинг, Аллоҳ бизларни ғолиб қилсин! деб, жуда қийналиб кетганлигини билдирдилар. Хаббоб ибн Аратни аввал таниб олишимиз керак, биродарлар. Мен бу ҳадисларнинг шарҳида, ровийларнинг ҳаммасини, шарҳлаб берганман. Хаббоб ибн Арат Аллоҳ йўлида шундай азобланганларки, бу кишини Муҳаммаднинг йўлидан қайтасан деб, лаҳжа чўғда ётқизиб, азоблашган. Баданларидан тушган ёғ, ўтни ўчириб қўяркан. Умар ибн Хаттобдек, шижоатли ва қаттиққўл деб танилган киши, Хаббоб ибн Аратни қандай азоблашганини сўрар эканлар. Сўраганда баъзида айтиб берар эканлар. Аввали Исломдаги ҳолатни. Елкаларини очишликни сўрар эканлар. Очганида кўриб, қўрқиб кетар эканлар. Баданидаги чуқурларни кўриб. Болалар Хаббоб ибн Аратни олдида, қўлларини баданидаги чуқурларига солиб, ўйнашар экан.

Хаббоб ибн Арат, озор тортмаган кишимас. Дин йўлида, қаттиқ азоб тортган киши, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, Ё Расулуллоҳ дуо қилинг, Аллоҳ бизларни ғолиб қилсин! дедилар. Шунда, Аллоҳ бу динга албатта ёрдам беради. Шақдамисизлар? дедилар. Сизлардан илгаригиларни баъзиларини бошидан арралаб ташлаганда ҳам, диндан қайтмасди. Гўштларини очиб, суяқларини тараб қўйса ҳам, диндан қайтмасди. Шундай кунлар келадики, Саноъдан, Яманнинг пойтахтидан, Хазарул Мавтгача бўлган, даҳшатли ўринлардан ҳам, маркаб минган карвонлар, бемалол ўтиб кетаверади. Ислом адолати соясида, қўйи бўлса, бўри еб қўядими, деб, қўрқади халос. Бошқа нарсадан қўрқмайди, дедилар.

Яъни, Ислом адолати, шундай қароқчизор бўлган ўринларга ҳам, етиб борадики, ҳеч ким бу зулм етади, деган, ташвиш билан яшамайди, деб, шундай дедилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, шундай кишига, шунчалик қаттиқ гапирдилар. Ана, содиқлар кимлар эканлигини, Аллоҳу таоло билдиради. Ҳаётда ҳар қандай инсон, имон имтихонига учрайди. Бири имтихонга, азоб билан учрайди. Бири имтихонга, дунё билан учрайди. Иккала имтихондан саломат ўтиб кетганлар, ҳақиқий содиқлардир.

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَمُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ، قَالَ: يَا مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ، قَالَ: لَبَّيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَسَعْدَيْكَ، قَالَ: يَا مُعَاذُ، قَالَ: لَبَّيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَسَعْدَيْكَ ثَلَاثًا، قَالَ: مَا مِنْ أَحَدٍ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، صَدَقًا مِنْ قَلْبِهِ، إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَى النَّارِ، قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ: أَفَلَا أَخْبِرُ بِهِ النَّاسَ فَيَسْتَبْشِرُوا؟ قَالَ: إِذَا يَتَكَلَّمُوا وَأَخْبَرَ بِهَا مُعَاذٌ عِنْدَ مَوْتِهِ تَأْتِمًا
صحيح البخاري

Кимки, Ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулуллоҳ деб, Қалбидан содиқлик билан, гувоҳлик берган бўлса, Аллоҳ унга жаҳаннамни ҳаром қилади. Бирор одам, мен ҳазиллашиб айтяпман, демайди. Бошига тушган мусибатлар ва қувончлар, уни содиқми ё содиқмасми, одамларга билдиришдан ташқари, уни ўзига ҳам, билдириб қўяди.

Бешинчиси: Ла илоҳа иллоллоҳ, шартларидан биттаси, Ихлос. Биз ихлос дарсимизда, бу ҳақида, муфассал айтганмиз. Қуръони карим:

وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ خُنَفَاءَ
Баййина сураси 5 оят

Яъни, Динни фақат Аллоҳнинг Ўзига холис қилишликка, маъмур бўлганмиз. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу, ривоят қиладилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

روى البخاري عن أبي هريرة رضي الله عنه أنه قال: قلت يا رسول الله من أسعد الناس بشفاعتك يوم القيامة؟ قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: (لقد ظننت يا أبا هريرة أن لا يسألني عن هذا الحديث أحدٌ أول منك لما رأيت من حرصك على الحديث؛ أسعد الناس بشفاعتي يوم القيامة من قال لا إله إلا الله خالصاً من قلبه أو نفسه

Яъни, қалбидан холис бўлган ҳолатда, Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасини айтган одамлар, менинг шафоатим билан, саодатманд бўлган кишилар, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам

فَإِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَتَّبِعِي بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ
رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасини, Аллоҳнинг ризосини талаб қилиб айтган одамни, Аллоҳу таоло, ўтга ҳаром қилди, дедилар. Бу ҳалиги айтганимиздек, ўзининг ҳаётида, имонини содиқлигини, исботлаган кишилардир.

Олтинчиси: Ла илоҳа иллоллоҳ, шартларидан яна биттаси, шу калимага муҳаббат қилишлик. Шу калимани ўзининг ҳаётида, татбиқ қилган муваҳҳидларни, яхши кўриш. Ва шу калимани, ўзида мужассамлаштирмаган кишиларни, ёмон кўриш. Мана булар ҳам, Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасининг шартларидандир.

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَتَّخِذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَندَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ
Бақара сураси 165 оят

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, имон ҳаловатини, баён қилдилар.

أخرج البخاري من حديث أنس بن مالك رضي الله تعالى عنه وأرضاه ما ورد عن النبي - صلى الله عليه وآله وسلم - فيما يتعلق بحلاوة الإيمان: "عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: ثلاث من كن فيه وجد حلاوة الإيمان: أن يكون الله ورسوله أحب إليه مما سواهما، وأن يحب المرء لا يحبه إلا لله، وأن يكره أن يعود في الكفر كما يكره أن يقذف في النار

Уч нарса борки, шу уч нарса кимда бўлса, имоннинг ҳаловатини тотийди. Биринчи, Аллоҳ ва Расули унга бошқа ҳамма нарсадан, суюмли бўлса. Иккинчи, бировни Аллоҳ учун яхши кўрса. Аллоҳ учун яхши кўрганлиги, унинг имони ва тавҳиди учун, яхши кўрган бўлса, бошқа одамни, ширк бўлганлиги учун ёмон кўради. Ширк содир бўлган вақтда, огоҳлантиради. Қабул қилмаса, шу кундан бошлаб ёмон кўради. Аллоҳ учун яхши кўрганлигини, мана бу билан, исботлайди.

Бўлмасам, тижорати яхши бўлганлиги учун, бошқа ишлари учун, уни Аллоҳ учун яхши кўраман, деб юрган бўлса, бу даъвосини ҳам, тўғри ё нотўғрилиги, Аллоҳу таоло исботлаб қўяди. Ва Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, куфрдан қутқаргандан кейин, куфрга қайтишликни, худди, ўтқа улоқтирилишини ёмон кўргандек, ёмон кўради. Мана бу учта сифат бўлса, имоннинг ҳаловатини татийди.

Шундай кишилар борки, унга имону исломни шартларини таклиф қилинса, қабул қилиб, намозларини ўқиб, рўзаларини тутиб юрганидан кейин, имоннинг шартларини, рўбарўсига олиб келиб қўйилса. Шу шартларни, унинг ҳаётида топилмаётганини айтиб қўйилса, «мени бунчалик маҳкам ушлайверсангиз, илгариги ҳаётимга қайтиб кетаман» дейди. Мана бу нарса, имоннинг ҳаловати, мутлақ бўлмаганини белгисидир. Сиз буни талаб қилаяпсиз, уни талаб қилаяпсиз, қайтиб кетаман, дейди. Сиз бу талаб қилаётган нарсани, ўзизга талаб қилмаяпсиз. Мана бундайлар, куфрга қайтишликни, худди ўтқа улоқтирилишини ёмон кўргандек, ёмон кўрмагунча, имоннинг ҳаловатини татимайди.

Оддийроқ қилиб айтайлик. Агар айтсангиз, Сиз Исломга зид ва гуноҳ бўладиган ишни қилаяпсиз. Ислом маън қилади сизни, бу ишни қилишликдан. Сизни, бу йўл билан, бола чақа боқишликдан, Ла илоҳа иллоллоҳнинг, шарти маън қилади деса, мени бундан бошқа хунарим йўқ, дейди. Агар бунақа қилаверсангиз, илгариги ҳаётимга қайтиб кетаман» дейди. Бу гаплар қулоққа эшитилиб қолади беъзида.

Бундан ташқари аёлларда ҳам, шунақа ҳолатлар бўлишини, хабари келган. Менга бир мактуб йўлланганки, исломни қабул қилмасдан юрган вақтида, маст қилувчи ичимликни ичиб, кечқурун «меҳмонхона» деб, аталган уйига келиб, бошқа ҳеч нарса билан, иши бўлмасдан, ҳаёт нима?! Оиласини, турмуш ўртоғини, огоҳлантирмасдан, уйда ҳам овқат емасдан, тамоман улфатчиликда овқат еб юрган одамлар, исломни қабул қилганидан кейин, оиласини, бу Ислом! Энди сен ҳаёсизлигингни тўхтат! деса, у, илгариги ҳолатингиз тузук эди. Мени ҳеч тергамасдингиз, дейдиган аёллар ҳам, бор экан, биродарлар.

Мана бу нарса, намоз ўқиганидан кейин ҳам содир бўлганлиги, у Имон, тил билан айтилиб, у намоз ўқиб, рўза тутиб қўйишлик билан, ҳосил бўлмайди. У қалбга мустаҳкам чўккан ва амал уни исботлаб турган нарса, эканлигини билиш керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, имонга жаннат ваъда қилди. Жаннат, кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган, қиёматдаги Аллоҳнинг улуф бир зиёфатхонасидир. Бунга эришиш, оддий нарса билан, ҳосил бўлмайди.

Одамлар дунё ҳам ғозий бўлмоқчи ва ҳам шаҳид бўлмоқчи. Ҳам дунёда хотиржам яшаса, ҳеч қайғу етмасада, ҳам охирада, жаннатнинг энг тўри насиб бўлса. Мана бундай Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, уни куфрдан қутқарганидан кейин, куфрга қайтишликни, худди ўтқа улоқтирилишини ёмон кўргандек, ёмон кўриб, қўрқишлиги керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръони каримда,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تُطِيعُوا الَّذِينَ كَفَرُوا يَزِيدُوا عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ فَتَقْلِبُوا خَاسِرِينَ
Оли Имрон сураси 149 оят

Агар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғини қилмасанглар, сизларни илгариги ҳолатга қайтариб қўяди, деган сўз, кифоя қилган уларга. (саҳобаларга) Улар аввалдаги бадбўй жоҳилийятга қайтишликни ўйлаганларида, қўрқиб кетишганлар. Аввалдаги ҳолатга қайтариб қўяди, деган сўз, сизларни қатл қилади, деган сўздан ҳам, қаттиқ бўлган. Чунки, улар имоннинг ҳаловатини, тотишган эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизларга ҳам, имоннинг ҳаловатини тотишликни насиб қилсин!

Салафи солиҳинлар имоннинг таърифида нима деганларини айтиб, бу мавзуну якунлаймиз.

الإيمان هو واعتقاد بالقلب, ونطق باللسان , وَعَمَلٌ بِالْأَرْكَانِ

Имон, қалб билан бўлган эътиқод, тил бўлган нутқ ва Ислом арконларига амал қилишлиқдир, деганлар.

Абдурахмон ибн Авф фазилатлари

Саҳобаи киромнинг фазилатларидан, аввалги тўртта Халифанинг баъзи бир, фазилатларини аввалги дарсларимизда ўқиб, эшиттирган эдик. Саҳобаларнинг улуғларидан бири Абдурахмон ибн Авф разияллоҳу анхудир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, бир жамоа саҳобаларга, мурҳамат қилдилар. Шулар ичида Абдурахмон ибн Авф разияллоҳу анху ҳам, бор эди.

Уларга нарсга улашиб, Абдурахмон ибн Авф разияллоҳу анхуга, ҳеч нарсга бермадилар. У йиғлаб чиқиб кетди. Шу ерда, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху у кишини кўриб, нега йиғлаяпсиз? деб сўрадилар. У киши «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бир жамоага, марҳамат қилдилар. Мен ҳам бирга эдим. Менга ҳеч нарсга, бермадилар. Қўрқаманки, менга бирор бир, ғазаб қилиб қолганга ўхшайдилар. Расулининг ғазабига, дучор бўлиб қолганга ўхшайман. Шунга йиғлаяпман, дедилар.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кирдиларда, Абдурахмон ибн Авф разияллоҳу анху воқеъасидан, у кишини хабардор қилдилар. Менда Абдурахмонга ҳеч қандай ғазаб йўқ. Аммо, унга нарсга бермаслигимни сабаби, унинг мустаҳкам имонига ишониб, бермадим, дедилар.

Абдурахмон ибн Авф разияллоҳу анху, Усмон ибн Аффонга қирқ минг динорга, ер сотдилар. Абдурахмон ибн Авфни катта ерлари бор эди. Шуни қирқ минг динорга сотдилар. Қирқ минг динор биродарлар, жуда катта пул. Ҳозирги оламдаги юриб турган динор, бир динор, бир юз эллик минг маҳаллий пулга тўғри келади. (бу қиёслаш, 1995 йилдаги ўзбек сўмига ҳисобланган. Ҳозирда, (2021 йилда, 1 Кувейт динари 35, минг ўзбек сўмидан ортиқроқдир.) Шу пулни Бани Заҳра қабиласининг, ҳожатмандларига тақсим қилдилар. Ва уммаҳотул муъминин, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг оилаларига, тақсим қилдилар. Мисвар ибн Махрама, бу киши жианлари бўлади, валлоҳу аълам, (Абдурахмон ибн Авфни синглиси Отика Бинти Авфни ўғли бўлади.) Шу киши айтадилар, Абдурахмон ибн Авф разияллоҳу анху тақсим қилган пулни, Оиша разияллоҳу анҳонинг олдиларига олиб келдим. Ким жўнатди буни? дедилар.

أَنَّ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ عَوْفٍ بَاعَ أَرْضًا لَهُ مِنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ بِأَرْبَعِينَ أَلْفَ دِينَارٍ، فَقَسَمَ فِي فَقَرَاءِ بَنِي زُهْرَةَ، وَفِي ذِي الْحَاجَةِ مِنَ النَّاسِ، وَفِي أَمْهَاتِ الْمُؤْمِنِينَ، قَالَ الْمَسُورُ: فَدَخَلْتُ عَلَى عَائِشَةَ بَنَصِيبِهَا مِنْ ذَلِكَ، فَقَالَتْ: مَنْ أَرْسَلَ بِهَذَا؟ قُلْتُ: عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَوْفٍ، فَقَالَتْ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَحِلُّ عَلَيْكَ بَعْثُ إِلَّا الصَّابِرُونَ، سَقَى اللَّهُ ابْنَ عَوْفٍ مِنْ سَلْسَبِيلِ الْجَنَّةِ، إِلَّا أَنَّهُ قَالَ: قَالَتْ: أَمَّا إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: لَا يَحِلُّ عَلَيْكَ بَعْثُ إِلَّا الصَّابِرُونَ

Абдурахмон ибн Авф жўнатди дедим. Шунда, Оиша разияллоҳу анҳо, мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан: Мендан кейин сизларга, фақат собир сифатига эга бўлган кишиларгина, марҳамат қилади, деганларини эшитганман. Аллоҳу Субҳонаху ва таоло, Абдурахмон ибн Авфни, жаннатдаги булоқлардан суғорсин! дедилар.

Мисвар ибн Махрама айтадилар: Усмон разияллоҳу анху билан бирга, карвонда кетаётувдим. Тоғам (Абдурахмон ибн Авф) мендан олдинда кетаётувдилар. Қора ёпинчиқ, ёпиб олган эдилар. Усмон разияллоҳу анху, бу қора ёпинчиқ ёпиб олган ким? деб сўради. Абдурахмон ибн Авф, дейишди.

Шунда, Усмон разияллоҳу анҳу мени чақирдилар, дейди Мисвар. Эй Мисвар дедилар. Лаббайка, ё Амирал Муъминин дедим. Кимки, биринчи ҳижратда (Хабашистонга бўлган ҳижратда) ва иккинчи ҳижратда, (Маккадан Мадинага бўлган ҳижратда) бўлганлар ичида, сени тоғангдан афзалман деса, билгилки, шу одам ёлғончидир! дедилар. Усмон разияллоҳу анҳу, Абдурахмон ибн Авфни, биринчи ва иккинчи ҳижратдаги, энг содиқ кишилардан деб, санаган эканлар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: мендан кейин, менинг оилаларимни, содиқ фарзандлари, шундай риоя қиладилар, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг оилалари, мўминларнинг оналари, булар Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин, яшаб қолишганди.

Уларнинг нафақаларини берадиган Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам дунёдан ўтган эдилар. У кишининг қариндошлари бериши мумкин эди. Шунда айтганларки, мендан кейин, менинг оилаларимни содиқ фарзандлари, шундай риоя қиладилар, дедилар. Шу сифатга эга, кишиларгина қила олади, дедилар.

Уммаҳотул муъминин қачон ҳаж қилсалар, шу кишининг ҳисобидан ҳаж қилишар эканлар. Қачон сафар қилсалар, уларнинг хазражларини, хазраж деб, туянинг устига қўйиладиган уйдек келадиган, ичида салқинда кетадиган нарсани, айтилади. Шу сафарни бутун жиҳозларини Абдурахмон ибн Авф, тайёрлаб берар эканлар. Арафотда ва бошқа жойда, одамларга оёқ ости бўлмайдиган ерга, Абдурахмон ибн Авф, ўзларининг ҳисобларидан, уларни туширар эканлар.

Ровий айтади: Али разияллоҳу анҳу, Абдурахмон ибн Авф вафот этганида, айтган эканлар: Эй Абдурахмон ибн Авф! Йўл бўлсин энди сизга. Дунёни тоза топиб, бирор булғовига қўлингизни теккизмасдан ўтиб кетдингиз, деб, шундай деган, эканлар, тобутлари кўтарилган вақтда.

Оиша онамиз ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган эканлар, сизларнинг ишинлар, мендан кейин, менга энг муҳим бўлган нарса. Шу ҳақда кўп ўйлайман, деб қўйган эканлар. Мендан кейин, сизларга фақат Собирларгина шундай риоя қиладилар, деган, эканлар. Оиша онамиз, Абдурахмон ибн Авф ўтиб кетганларидан кейин, ўғилларига, дадангни Аллоҳ, жаннат булоқларидан суғорсин! дер эканлар. Бу сўзни баъзиларимиз тушунмаётган бўлишимиз мумкин? Сизларнинг нафақангизни, фақат собирларгина бериб тура олади, деган, сўзни тушунишлик учун, битта воқеъани айтиб бераман. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг оилалари Оиша разияллоҳу анҳога, жиянлари, бир халта олтинни бериб, ибодат қилиб, шуни олиб дуо қилиб ўтирсинлар, деб жўнатганларида, шу олтинни ҳаммасини, кечгача керакли ўринга, бериб юборган эканлар.

Жиянлари буни эшитиб, мен ўзларига сарфласинлар деб, юборгандим, деганларини, Оиша разияллоҳу анҳо эшитиб қолиб, қасамёд қилиб, шу жиянимга гапирмайман, деган эканлар. Агар молини менга берган бўлса, ихтиёри менда. Хоҳлаган нарсамни қиламан, деган эканлар. Оиша разияллоҳу анҳодан жиянлари кўрқиб, узр сўраб келганида, узрини қабул қилмаган экан. Киришга изн бермаган эканлар, жиянларига. Шунда одамлар биз бир масалани сўраш учун кирганимизда, сиз бирга кириб, бир пардани ортида туриб, қаттиқ йиғлаб, узр айтасиз, дейишган экан.

Саҳобалар, Оиша разияллоҳу анҳодан, пардани ортида туриб, масала сўрашарди. Шулар рухсат сўраганда, рухсат бердилар. Шунда жиянлари (бошқаларга қўшилиб) кирдиларда, қаттиқ йиғлаб, узр сўрадилар. Гапирмасликка қасам ичиб қўйганман дедилар. Қасамини бузган одам, қурбонлик қилиш керак.

Шунда жиянлари айтган эканлар, кошки шу қасамни бузсалару, мен тўхтамасдан туя мол жўнатсам, ва у киши қурбонлик қилаверсалар, деб, шуни орзу қилдим, деган, экан.

Сизларга собирларгина риоя қилиб тура олади, деган сўзни маъноси шуки, у катта молни берсалар ҳам, ана шу кун, тарқатиб юборсалар. Бунга одам сабр қилолмайди, биродарлар! Буни қалбида фақат, Аллоҳни ризосини мақсад қилган одамгина, бунақа одамга, мурувват қилишда, сабр қила олади. Бўлмасам, берадиган одам, уни устида кўришлигини ва бундан анча мунча мақтовлар эшитиб туришликни, хоҳлаган одамгина бера олади. Бир нарсанга берсангиз, сизга парво қилмай кетадиган одамга, сабр қиладиган одам, ҳақиқий Аллоҳнинг ҳузурида, собир бўлган одамларгина, бера олади.

Саҳобаларнинг биттаси, бир одамнинг муҳтожлигини билдида, иккита туяни устига, ҳамма жиҳозларини қўйиб туриб, эшигига бориб, чақирганда, чироқлари билан чиққан экан. Чироқнинг ўчириб, кейин эшикнинг оч, деган эканлар. Чироқнинг ўчириб, эшикни очса, туя кириб кетган экан. Ўзи қайтиб кетаверган. Яъни, шу марҳаматни қилсам, у мени ўзини наздида, улуғ одам деб, кўриб юрмасин!

Менинг олдимда айтмоқчи бўлган ҳақни, айтолмай қолмасин!

Нотўғри нарсадан, мени қайтаролмай қолса, бу ўзи учун ҳам зарар ва мен учун ҳам зарар деб, шундай қилишардилар. Ажрини фақат, Аллоҳнинг ҳузурида кутаман деб, мурувват қилишликдан, қийин нарсанга йўқ, биродарлар! Агар, биз бировга мурувват қилсак, тўқсон йил бизни ҳурмат қилсаю, бир кун ҳурмат қилмаса, шу кунда гапирамиз.

Сизларга жуда ҳам сабрли кишилар, сабр қила оладилар, деганни маъноси, шу бўлса керак, валлоҳу аълам?! Уммахотул муъминин ҳаммалари, шундай эдилар. Ўзларига келган мурувватларни, йўқотиб, юборишар эдилар. Абдурахмон ибн Авф савдода ҳам, ниҳоятда ҳалол одам бўлганлар. Умар ибн Хаттобдек одил киши, агар Абдурахмон ибн Авф қўлини тўлиқ бермасдан, бир силкитиб қўйса ҳам, қўрқмасдан ишониб, баъй қилаверинглар, деган эканлар. Яъни, шунақанги омонатли киши эканлар. Ҳозирги вақтда ҳаммамизга керакли нарсанга бу, биродарлар. Баъй қилинганда қўлни қўйиб, иккови икки томонга бурилиб кетишлиги билан баъйни қайтиб олишни иложи йўқ. Агар бир нарсани олсангиз, уч кун ихтиёрлиман деб, айтсангиз. Уч кунча ихтиёрли бўласиз. Бўлмасам, шу қўл қоқишлик билан, баъй тамом бўлади. Энди сиз, бу йигит киши, айтадям, қайтадям, мен шуни қайтиб олай дея, олмайсиз. Уни қайтариб олишлик бўлмайди, биродарлар! Шунинг учун, Умар ибн Хаттоб, Абдурахмон ибн Авф қўл қоқмаса ҳам, бир қўлини иккинчи қўлига қўйиб, бу Абдурахмон ибн Авфни қўли деб, Баъй қилаверинглар деган, эканлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг саҳобаларга берган фазилатлари шундайки, битталари камбағал бўлсалар, бу унинг имонига путур етказмаган. Баъзи саҳобалар ниҳоят даражада бадавлат бўлсалар, бу давлат уларни, ҳеч қандай алдаёлмаган. Абдурахмон ибн Авф, ниҳоят даражада, бадавлат бўлиб яшаган киши. Абдурахмон ибн Авф, катта қарвонларни Аллоҳнинг йўлида, бериб юборган кишидир. Ҳатто айтишар эканларки, «Аҳлул Мадинате иёлун ало моли Абдурахмон» деб қўйишар эканлар. Яъни, Мадиналиклар Абдурахмон ибн Авфнинг молига қарам деб, қўяр эканлар. Тамоми Мадина аҳли фуқароларини, таъминлар эканлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, устимизда ҳужжат барпо қилдики, энг аввало қуръони карим, катта ҳужжат. Киши қуръонни ўқир экан, барча пайғамбарларнинг ҳолидан огоҳ бўлади. Бир фақир киши айтсаки, Мен амалларни бажаролмадим.

Озгина дунё ҳам, керак экан, деса, Сени камбағаллигинг, Исо алайҳиссаломча бормиди? (дейилиши мумкин?) Исо алайҳиссаломни жойлари, йўқ экан. Қарда кеч кирса, шу ерда қолар эканлар. Баъзи кишилар, дунё кўп бўлсаям, ёмон экан.

Дунёйим кам бўлганда, яхши амал қилардим. Дунё сабаблик алданиб қолдим, деб, охиратда узр айтмоқчи бўлса, сени дунёинг, Сулаймон алайҳиссаломнинг дунёсидан кўпмиди? (дейилиши мумкин?) Сулаймон алайҳиссаломни дунёси, мислсиз кўп бўлишига қарамасдан, у киши ҳақ йўлда, барқарор бўлдилар.

Сулаймон алайҳиссаломни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръонда баён қилдики, кун ботишдан илгари ўқийдиган намозлари бор экан. Ўзларини отларини рўбарўсидан ўтказаётган вақтида, шу отларга берилиб қолиб, кун ботиб кетиб қолади.

إِذْ عَرَضَ عَلَيْهِ بِالْعَشِيِّ الصَّافِنَاتُ الْجِبَادُ. فَقَالَ إِنِّي أَحْبَبْتُ حُبَّ الْخَيْرِ عَنْ ذِكْرِ رَبِّي حَتَّى تَوَارَتْ بِالْحِجَابِ.
رُدُّوْهَا عَلَيَّ فَبَطِخُوا فِي السَّوْقِ وَالْأَعْنَاقِ
Сод сураси 31,32,33 оятлар.

Отларни қайтариб келинглари, деб буюрдилар. Ҳаммасини Аллоҳнинг йўлида қурбон қилиб юборган, эканлар. Мени Аллоҳнинг зикридан, машғул қилган нарсаси шуми? деб, Ҳаммасини Аллоҳнинг йўлида, қурбон қилиб юборган эканлар.

Баъзи кишилар, касалланиб, доим жасадим, касалдан чиқмадида, деб баҳона қилмоқчи бўлса, Сени касалинг Айюб алайҳиссаломни касалича бўлганми? (дейилиши мумкин?) У кишининг касаллари ҳақида, ҳаммамизга маълум. Баъзи кишилар, айтсаки, менинг дадам қаршилиқ қилиб қолиб, ҳақ йўлда барқарор бўлолмадим, деса, сени дадангни қаршилиги, Иброҳим алайҳиссаломни отаси Озарни қаршилигича бормиди? (дейилиши мумкин?) Ҳаёти бўйича, Озар. Иброҳим алайҳиссаломга қарши бўлди. Баъзи кишилар, ота онадан воз кечиб юборса бўлади. Фарзандники, қаттиқ экан. Мана, фарзанди кўйига кириб кетганларни кўряпмизки, фарзанди маст қилувчи ичимликлар кўйиб, берган зиёфатида, қуръон ўқиб, дуо қилиб юрган. оталар ҳам, шу ҳаётда яшайпди, биродарлар! Фарзанди меҳри сабаблик, бутун гуноҳларга, кириб қолаётгани сабаби ҳам, шу.

Нух алайҳиссаломнинг фарзанди, динда бўлмагани билан, Нух алайҳиссалом, заррача ўзгарганлари йўқ. Баъзи кишилар, оиланинг иши, қийин экан. Фарзандинг бор экан. Яшамасанг бўлмаса, шу аёлнинг фитнаси билан, ҳақ йўлда туролмадим, деса, Нух алайҳиссалом билан Лут алайҳиссаломнинг аёли, кофира эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, буни бизга, қуръони каримда баён қилди. Баъзи аёллар, эр аёлга, ғолиб бўлар экан. Аёлнинг иши, қийин экан. Аёл киши, эрнинг зулми қаттиқ бўлгандан кейин, енгилар экан, деса, сени куёвингни зулми, Фиравнча бормиди? (дейилиши мумкин?) Фиравннинг аёли, мана жаннатни кўриб, жон берди. Ер қуррасидаги энг катта золим, Фиравннинг аёли, мўъмина эди.

Бу сифатлар, пайғамбарларда бўладида. Пайғамбар бўлмаганлар, заиф экан, деса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, саҳобалардан, шунча риждонли, чиқариб қўйди. Мана бу Абдурахмон ибн Авф, бадавлат саҳобалардан. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг неъматини бердида, рўбарўларига олиб келиб қўйди. Бадавлат, камбағал, касалманд, довурак, паҳлавон, қора танлик, сариқ танлик, оқ танлик, араб эдида улар, деса, ажаллардан, фидоий саҳобаларни вужудга келтириб қўйди. Мана булар ҳаммаси, бизга ҳужжатдир, биродарлар! Қиёмат куни биз, билмабман дея, олмаймиз энди.

قُلْ فَلِلَّهِ الْحُجَّةُ الْبَالِغَةُ قُلُوا شَاءَ لَهْدِكُمْ أَجْمَعِينَ
Анъом сураси 149 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳужжати, ниҳоятда кучли ҳужжатдир. Қариндош уруғ, ака укалар, йўлга туширмадида, деса, Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакилари, қарши эди. Саҳобаларнинг ичида, ажойиб мурувват қилган, оналари қарши бўлди. Биз билан сизга қилинган мурувват, мурувват ҳисобланмайдиган даражада, катта мурувватлар қилган. Дин, ақида, шундай жиддий бўлмоқлиги керак!

ألا إن سلعَةَ اللَّهِ غَالِيَةٌ ألا إن سلعَةَ اللَّهِ الْجَنَّةُ
خلاصة حكم المحدث : إسناده حسن

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: Аллоҳнинг қиёмат кунида берадиган матоси қийматдир. Аллоҳнинг қиёмат кунида берадиган матоси, жаннадир! дедилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳаммамизни, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Имон йўлида барқарор қилсин! Ла илоҳа иллоллоҳни шартларига амал қилишликка, Аллоҳ тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шу дарсимизни давомли қилсин! Қуруқ эшитувчилардан ва гапирувчилардан қилиб қўямасин! Динга амал қиладиганлардан қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

27 дарс тугади

(28 дарс Қори аканинг шогирди қилган ва бу китобга киритилмади.)

29 Дарс

Исломий дунёқараш ва жамиятдаги муаммоларни ечими ҳақида

(Бу дарс аввалида, даҳрийлик дунёқараши пайдо қилган иллатларни, исломий дунёқараш, саҳиҳ ақида асосида, ислоҳ қилиш ҳақида, сўз юритилади ва Нисо сураси 36 ояти, муфасссал шаклда шарҳланади. 10 дарсда Нисо сураси 29 ояти муфасссал шарҳ қилинганди. Бу дарсда ҳам, шунга ўхшаш, Нисо сураси 36 оятдаги амалларни, Аллоҳни кўриб тургандек, ёки, Аллоҳ мени кўриб турибди, деб, қилишлик, эҳсон эканлиги баён этилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Ҳар бир маслак, дунёқараш асосига қурилади. Оламдаги ҳақ йўллар ва ноҳақ йўллар, аниқроқ қилиб айтганимизда, ҳақ йўл ва ноҳақ йўллар, чунки, ҳақ битта бўлади. Ҳар бир маслак, дунёқараш асосига қурилади. Шу дунёқарашдан, маслак келиб чиқади. Масалан, дунё қараш нима?! Инсон қалбида доим маҳкам турадиган саволлар борки, бу рўбарўмиздаги дунё нима?! Қандай вужудга келган?! Дунёда инсон қандай ўрин тутади?! Жонли мавжудот билан, жонсиз мавжудот ва инсон ўртасидаги алоқа нима?! Мана шу саволлар, модомики, инсон ақлсизлар оламига ўтмаган бўлса, бу савол унинг қалбида, маҳкам туриб олади. Ва шу саволларга инсондан, жавоб талаб қилади.

Шу саволларга, дунёдаги ҳамма маслак, турлича жавоб берган. Баъзи маслакларнинг жавобини, инсон тасдиқлаши ҳам мумкинми? деб ҳайрон қоласиз! Лекин, шундай бўлса ҳам, тасдиқлаши ҳам мумкинми? деб ҳайрон қоладиган бўлса ҳам, одамлар тарафидан тасдиқланган. Агарчи ҳеч бир инсон тасдиқлаши, мумкин бўлмаган даражада, бўлса ҳам.

Масалан, оламни ўз ўзидан пайдо бўлди, деган фалсафа, ҳеч тасдиқланиши мумкинмас, эди. Модомики, инсон ақлсизлар оламига ўтмаган бўлса, ақл неъматидан озгина бўлса ҳам, улуши бўлса, бу фалсафани тасдиқлаши мумкинмас, эди. Лекин, шундай бўлса ҳам, шу нарсани тасдиқлаб, одамларга узоқ вақт, дарс қилиб ўқитилди. Оламни ўз ўзидан пайдо бўлди деган, гапни, ҳеч бир инсон тасдиқланиши мумкинмас эди. Чунки, бирор бир инсоннинг ҳаётида, бир нарсани, ўз ўзидан бўлди, деса, шу фалсафани, тасдиқлаб юрган одамлар ҳам, ҳеч бир нарсани ўз ўзидан бўлганлигини тасдиқламайдиган, кишилар эди. Масалан, бирор жойда, оддий бир тепаликни бўлса, шуни ким қилди? деб сўралса, ўз ўзидан бўлиб қолган, дейилса, бу нарсани ақллик киши айтмайди деб, ҳеч ким, тан олмайди.

Мабодо, бир жиноят содир бўлиб қолган бўлса, бир киши қатл қилинган бўлса, жасади бир ерда ётган бўлса, шуни ким қилди? деб сўралса, ўз ўзидан бўлиб қолган, дейилса, бирор киши, бу нарсани тасдиқламайди. Аммо, шу қадар мураккаб оламни, ўз ўзидан пайдо бўлди деган фалсафа, одамлар тасдиқлаб келган шуни. Шу ҳақда, унвонлар ҳам олган.

Бўлиб ҳам, «илмий» унвонлар олган. Лекин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган фитрат, инсонни, доим бу нарсани, тасдиқламасликка ундайди. Илоҳий куч борлигини, доим қалби тасдиқлаб туради. Умрбод имон ҳақида, бирорта нарсани эшитмаган кишиларнинг қалби ҳам, тасдиқлаб туради. Ислом кишиларга, ўзига хос бир дунёқараш бердики, бу дунёқараш, қиёматгача ўзгармайдиган дунёқарашдир. Ва шу дунёқараш асосида, ўзининг маслакини, китобу суннатда, баён қилди.

Исломиий дунёқараш

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бу оламни яратди. Бу оламдаги тамоми мавжудотни, Ўзининг Халифаси, инсон учун яратди.

هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا ثُمَّ أَسْتَوَىٰ إِلَى السَّمَاءِ فَسَوَّاهُنَّ سَبْعَ سَمَوَاتٍ ۚ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

Бақара сураси 29 оят

Ер юзидаги ҳамма нарсани сизлар учун яратди, дейди, Аллоҳу таоло.

وَسَخَّرَ لَكُمْ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مِنْهُ ۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

Жосия сураси 13 оят

Ва ер юзидаги ҳамма нарсани инсон учун бўйсундирди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, инсонни, Ўзининг Халифаси қилиб, улуғ мукаррам қилди.

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْوَبَرِ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا

Исро сураси 70 оят

Одам авлодини мукаррам қилдик, деб, Аллоҳу таоло, китобида ёд қилди.

Демак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бу оламни яратди. Бу оламдаги тамоми мавжудотни, инсон учун, яратди. Инсонни, Ўзининг Халифаси қилиб, мукаррам қилди. Ва инсон, Аллоҳ тарафидан топширилган, хилофат вазифасини ўташлик учун, яратилди. Маъносиз яратилгани йўқ. Хилофат вазифаси учун, яратди. Ўзининг қиёматгача ўзгармас китоби ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, баён қилган суннати, бизга катта мерос бўлиб қолди. Бу меросда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳамма нарсани баён қилди. Агар кимда ким, қуръони каримда, баён қилинмаган деб, айтса, аввал, (наузан биллоҳ) ўзининг кофир эканини, баён қилиб туриб, кейин, шу сўзни айтсин!

Қуръони карим, ҳар бир нарсани муфассал қилиб, баён қилди. Қуръони каримдага умумий қоидалар билан, уламолар, китобу суннатдан истинбот қилиб, воқеъий ҳар бир муаммони, ҳал қилиб келишди. Ва қиёматгача, бу уламолар тоифаси, йўқ бўлмайди. Ва ҳал қилиб келади. Ҳар бир одамнинг дунёқарашига қараб, маслак келиб чиқади, дедик, дарсимизнинг аввалида.

Инсонни Халифа деб, тан олинган дунёқарашдан келиб чиқиб, қуръондаги ҳукмларни ҳаётга татбиқ қилишга киришилади. Ҳозирги вақтда одамлар, кўп муаммоларни ҳал қилишмоқчи бўлишади.

Лекин, китобу суннат ҳаётга татбиқ қилинмаса, бу муаммолар, ҳал қилинмай қолаверади. Ҳаётдаги бўлаётган маънавий бузуқликлар, йўқ бўлиб кетмайди, ҳеч қачон. Модомики, китобу суннат ҳаётга татбиқ қилинмаса. Чунки, бу муаммолар ҳаммаси, бузуқ дунёқарашдан келиб чиққан. Инсон аждоди маймун, дейишликдан, келиб чиққан. Инсон аждоди маймун бўлганидан кейин, унинг ҳаёти, маймунча ҳаёт бўлади. Унинг ҳаётида маънавий бузуқликдан бошқа нарса, бўлмаслиги керак. Шунинг учун, бу маънавий бузуқликларни йўқотиш учун, биринчи, унинг ботил эътиқодини йўқ қилмоқлик керак. Мен сизларга бу маънони тушунтириш учун, бир афсонани ўқисам.

Бу афсона шуки, бир кишининг учта ўғли бўлиб, улар камолот ёшига етганда, дадаси васият қилади. Халқ учун ва жамият учун, бирор бир манфаатлик иш қилишликга, васият қилиб кетади. Дадаси вафот қилиб кетгач, учаласи жисмоний қувватга эга бўлган фарзандлар, ўзларига ҳаётда ўрин танлашликка ва жамиятга зарар берувчи нарсаларни, йўқ қилишликка аҳд қилишади. Каттаси бир шаҳарга келиб, одамларни еб кетаётган аждарни, йўқотиш учун отланади. Биттаси халқларга ҳужум қилаётган, ваҳший йиртқич арслонни ўлдиришга отланади. Учинчиси, ўз халқига зулм қилаётган, ялмоғиз кампирни йўқ қилишга, отланади. Икковлари ўзларининг ишларида муваффақиятга эришиб, якунланади. Учинчиси, ялмоғизни ўлдириш учун борса, ўзини ўлдириш учун келганини билиб, унга макр қилади. Отини бир оёғини еб, отингни оёғи нечта эди? деса, учта дейди.

(Кенжа ботир ялмоғизни макрига учмайди) Иккинчи оёғини еб, отингни оёғи нечта эди? деса, иккита эди, дейди. Учинчи оёғини еб, отингни оёғи нечта эди? деса, битта эди, дейди. Униям еб, отингни оёғи бормиди? Бир кўрчи, деса, отимни оёғи йўқ эди, дейди. Хуллас, отини еб битириб, отинг бормиди? деса, йўқ пиёда келгандим, дейди. Ялмоғиз бу болани зийраклигини билиб, ҳужумга ўтади. Ялмоғизни қўлини қирқса, иккита бўлиб чиққан. Оёғини қирқса, иккита оёқ чиққан. Ялмоғиз бунинг устидан кулиб, қувватланиб, ҳужумни давом эттиради. Шунда, бир донишманд пайдо бўлиб, ҳой бола, бу ялмоғиз билан, бу услубда курашиб, оввора бўлма! Бу бундан кураш услубида, у кучайиб бораверади. Бунинг йўли шуки, сен Қўҳи Қофга борасан. Йўлда шундай хатарлик, дарё бор. Ўрмон бор ва ҳаказо. Шулардан ўтиб борсанг, бир дарахтни устида, қуш бор. Унга чиқишда, у бор, бу бор. Хуллас, қийинчиликларни айтиб, тепасига чиқсанг, шу қушни ичида, мана шу ялмоғизни, жони туради. Шу қушни ушлаб, буйрагини эзсанг, бу ялмоғиз жон таслим қилади. Бўлмасам, бу курашингни, маъноси йўқ, дейди. Аввал қилаётган ҳаракатингни самараси кўринмай турганига сабр қилмоқлигинг керак! Аммо, кўринганда, бутунлай кўринади.

Хуллас, зийрак фарзанд донишманднинг сўзига кириб, шу масофалардаги вазифани бажаргандан кейин, қушни буйрагини ушлаганда, аввалги курашда кулиб турган ялмоғиз, ялинишга ўтади. Нима хизмати бўлса, қилишга ваъда беради. Шу қушни ўлдиради ва ялмоғиз ўлади. Бу афсонани ҳамма ўқиган.

Бу нарса шунга далолат қиладики, биродарлар, ҳозирги кунда ҳам, кишилар маҳаллаларда, бошқа жойларда тўпланишиб, ҳар хил фикрларни пайдо қилишади. Бир муаммони йўқ қилмоқчи бўлсангиз, иккита муаммо пайдо бўлади. Бу ялмоғизни иккита қўлини қирқсангиз, тўрттаси пайдо бўлади. Муаммо билан курашган сари, муаммолар дунёсига кириб бораверасиз. Ялмоғиз муаммо, кучайиб бораверади. Сизни курашингизга кулиб, масҳара қилиб, тураверади. Нима учун шундай?! Нима учун, фасодни йўқотишга уринсангиз, фасод кучайиб бораверади?! Бунинг сири шу, нотўғри дунёқарашда.

Бу инсон маймун. Аждоди маймун бўлган деган, фалсафа остида улғайиб қолинганидан, муаммолар кучайиб бораверади. Дунёқараш бузуқлиги натижасида муаммолар кўпайиб бораверади.

Шунинг учун биз, шу маслакни босиб ўтишда, муаммоларни кўпига сабр қилишликка, мажбурмиз. Дунёқарашни, исломий Дунёқарашга ўзгартирмоғимиз керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мукаррам қилган инсонни деб, тасаввур қилишлигимиз керак!

Инсонни мукаррам қилган Зот тарафидан келган Дунёқарашни, ўзимизда мужассамлаштирмоғимиз керак. Шу дунёқарашга эга, бўлганимиздан кейин, бизнинг покиза дунёқарашимизга мувофиқ, маслак келиб чиқади. Шундагина муаммолар ҳал бўлади.

Ота оналар хорланишлиги бир муаммо. Ота онани ҳурматлаш ҳақида китоблар ёзилган. Ота оналар ҳақида, турли эшиттиришлар ва кўрсатувлар кўп. Лекин, ота оналар хорланиши, кўпайиб борапти. Қариндошларни ҳурмат қилиш ҳақида, сон саноқсиз нарсалар гапирилган. Агар, бугунги қариндошлар орасидаги бўлаётган ҳолатни текширилса, илгаригилар танимаган одамига қилган мурувватни, булар ўз туғишганига қилолганмас, биродарлар. Бундан ташқари, етимлар масаласи. Илгари болалар етим қолган бўлса, энди ота оналар етим қолаяпти. Етим деган, сўзни луғатини ўзгартириш керак бўлиб қолди.

Етим, яъни, қаровсиз қолган фарзанд, деб аталарди. Энди бўлса, ажойиб фарзандлари бўлган ота оналар, ҳали у фарзандлари тирик бўлиб туриб, ота оналари етим қолаяпти. Сиз у одамни кўрсангиз, бу одамни фарзанди йўқ, ўзи бу маҳалладамас, саҳрода туғилган бўлса керак ва шунинг учун, бу жойга келиб қолган бўлса керак, деб ўйлайсиз.

Мискинлар. Мискин дегани, ҳеч нарсаси йўқ киши. Одамлар кўлида кўп нарса бўлса ҳам, маънавий тарафдан, мискин бўлиб кетган.

Қўшнилари. Қуръони карим ён қўшнига, қариндош қўшнига, ҳамда ёнида турган соҳибга, мурувват қилишликка чорлайди. Бугун бизда, қариндош қўшнилари ўртасида, ҳеч қандай яхшилик йўқ. Қариндошмасини кўяверинг. Мана бу муаммоларни ечишда, Ислом дини қандай йўл тутган? Такрор айтамиз, Исломий дунёқараш инсоннинг қалбида бўлмас экан, у муаммо ҳал бўлмайди. Бу ҳақида насиҳатлар бекор кетаверади. Баъзи бир ибодатда бўлмаган кишилар ҳам, буни эшитиб, шу ҳақида бир гапирилса, бўлар экан, деб қўйишади. Лекин, уни гапиришлик фойда қилмайди, биродарлар. Ибодатда бўлишлик ва асосан, исломий дунёқарашга, эга бўлмоқлигимиз керак.

Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Биз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олидада ўтиргандик, либоси оппоқ бўлган ва сочи қоп қора бўлган ва устида сафар аломати бўлмаган, бир киши кириб келди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни олдиларига келдиларда, иккала тиззаларини Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни тиззаларига теккизди. Иккита кафтларини Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни сонларига, шундай қўйди. Бу ҳадисни, ҳаммангиз биласизлар. Имонни сўрадилар. Имонни баён қилдилар. Исломни сўрадилар. Исломни баён қилдилар. Ҳамда қиёматни сўрадилар. Айтдиларки, Сўралувчи, сўровчидан олимроқмас, дедилар.

Белгиларини айтиб беринг, деганларида, чўри ўзининг хожасини туғмоқлиги, дедилар. Бунга бир неча маънолар беришганлар. Даврлар келиб, оналар ўзининг туққан фарзандига хизматкор манзилатида бўлиб қолади, деганлар. Ва шунда, эҳсонни сўрадилар. Аллоҳни кўриб турганингдек, ибодат қилмоқлигинг. Агар сен Уни кўрмасангда, У сени кўриб туради, деб, ибодат қилмоқлигинг, дедилар. Демак, шу ерда, у киши олдиларидан кетганидан кейин, Бу Жибрил дедилар. Сизларга динингларни таълим беришлик учун, келган эди, дедилар.

Демак, мана шу ДИН, дедилар. Имон, ислом, қиёматни қачон бўлишлигини, Аллоҳнинг ўзига топширишлик, ва Эҳсон, Аллоҳни кўриб турганингдек, ибодат қилмоқликни, ДИН дедилар. Шунинг учун биз, эҳсонни қисқа айтиб, кейин мақсадимизга ўтамиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло эҳсонни, Ўз китобида кўп ёд қилди.

وأنفقوا في سبيل الله ولا تلقوا بأيديكم إلى التهلكة وأحسنوا إن الله يحب المحسنين

Бақара сураси 195 оят

Оятнинг қисқача мазмуни, Аллоҳнинг йўлида, инфоқ қилинлар. Ўзингларни ҳалокатга ташламанглар. Ва яхшилик қилинлар. Эҳсон қилинлар. Аллоҳ муҳсинларни яхши кўради. Абу Айюб ал Ансорий, шу оятни тафсирида, дунёга мойил бўлиб, Аллоҳнинг йўлидаги курашни, тарк қилишлик, деган, эканлар. Кўп одамлар, «Ўзингларни ҳалокатга ташламанглар» деган оятни, бошқача тушунишади. Ҳалокатни, шу дунёдаги ҳалокат, дейишади. Аллоҳ йўлидаги хизматни, дунёга мойил бўлиб, ташлашлик, бу ҳалокатдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзингларни ҳалокатга ташламанглар, деяпти. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, эҳсонни Ўз китобида, кўп ёд қилди. Муҳсинларни яхши кўришини, баён қилди.

Валлоҳу юҳиббул муҳсинин. Оли Имрон сурасида, икки жойда келади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, эҳсонни, Аллоҳни кўриб турганингдек, ибодат қилмоқлигинг, дедилар. Ибодат маъноси жуда кенг, Исломда.

Намоз ўқиш, ибодат. Рўза тутиш, ибодат. Закот бериш, ибодат. Ҳаж қилишлик, ибодат. Ўз оиласи учун ҳалол, нафақа учун ҳаракат қилиш, ибодат. Жиҳод, ибодат. Фарзандларга раҳмдил бўлиш, ибодат. Уларни, ислом одоби билан одоблантиришлик, ибодат. Мўминни ҳурмат қилишлик, ибодат. Ҳатто, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўзининг шаръий никоҳидаги оиласи билан ҳазиллашишликни ҳам ибодат, дедилар. Ҳатто, жинсий кўшилишни ҳам, ибодат, дедилар. Шунда, асҳоблардан биттаси туриб, шу ўзини жинсий шаҳватини қондиришлик учун, савоб бўладими? деди. Шунда, унга, агар шу гуноҳ йўлга юрса, гуноҳ бўлармиди? деганда, ҳа, дедилар. Ундай бўлса, шу гуноҳдан ўзини тийганлиги учун, ибодат, дедилар. Ислом раҳбонийликмас. Тарки дунёчиликмас, биродарлар. Ибодат, ҳаётнинг ҳаммасини, Аллоҳнинг буйруғига мувофиқ қилишлиқдир. Шу ибодатдир!

Ҳар бир мубоҳ нарсани, Аллоҳнинг ризосини мақсад қилишлик билан, ибодатга айланади. Бир киши ухласа, Аллоҳнинг ибодатини нашот билан қилай деб, ният қилса. Ёки, бирор бир муҳтожларни хизматини қилай, қувватлик бўлиб олиб, деб ният қилинган уйку ҳам ибодатдир! Аллоҳни зикр қилиб, ҳалол таомларни ейиш, ибодатдир. Озгина ризқига, сабр қилиб, қаноат қилса, ибодат. Ислом биздан талаб қиладики, ҳаётдаги ҳамма буйруқларни Аллоҳ мени кўриб турибди, ё Аллоҳни кўриб турибман, дегандек, қилишлигимизни талаб қилган. Мана шу эҳсондир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтган, Олий ибодатдир. Ҳаётдаги ҳамма Аллоҳнинг буйруқларини, Аллоҳ мени кўриб турибди, ё Аллоҳни кўриб турибман, дегандек, қилмоқлик керак. Мана шу, биздан талаб қилинган нарса, Аллоҳ доим кўриб турибди, деган фикрни, уйғоқ ҳолда қолдиришлиқдир.

Муҳсин,, ҳар бир нарсада яхшисини олган киши ва чиройли амаллар доирасида қолган кишидир. Маъсиятга ўтиб кетмаган кишини, муҳсин деймиз. Ўзининг шу амалида, доим Аллоҳ мени кўриб турибди, деган, ҳис туйғуни, қалбида мужассамлаштириб турган кишини, муҳсин деймиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, ўзимизда эҳсон сифатини пайдо қилишликка буюрди.

(Шу ердан бошлаб дарс охиригача, Эҳсон сифатига дохил бўлган амаллар жамланган, Нисо сураси 36 ояти, бир неча қисмга бўлиниб, тафсир қилинади)

وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا ۚ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا

Нисо сураси 36 оят

وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا ۚ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا

(1 қисм)

Аллоҳга ибодат қилинглар, ҳеч нарсани шарик қилмаган ҳолатда. Ва ота онага эҳсон қилинглар! Мўмин киши ота онага, доим ҳассос туйғуда турмоқлиги керак. Биз ҳозир Аллоҳни кўриб турибман, дегандек, амал қилмоқлик, Эҳсонлигини айтдик. Ота онага яхшилик қилиш, ҳақида тўхталиб ўтамыз.

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا ۚ إِنَّمَا يُبَلِّغُنَّ عَنْكَ الْكِبَرُ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أَفْ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ۖ وَاخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلِيلِ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيْتَنِي صَغِيرًا ۖ رَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا فِي نُفُوسِكُمْ ۚ إِن تَكُونُوا صَالِحِينَ فَإِنَّهُ كَانَ لِلْأَوَّابِينَ غَفُورًا

Исро сураси 23,24,25 оятлар

Аллоҳ сизларни фақат Ўзига ибодат қилишликка буюрди ва ота онага яхшилик қилишликка буюрди. Якка Аллоҳга ибодат қилишликка буюриб, ширкдан сақланишликка буюра турибلا, ота онага яхшилик қилишликка, буюрди, Аллоҳу таоло.

Ота онага яхшилик қилишликка буюрди, худди ширкка буюрганда, итоат қилмасликка, буюрганга ўхшаган. Мабодо, ширкка буюрса, ота онага итоат қилинмайди. Шу икки иборани қайта айтамыз, Якка Аллоҳга ибодат қилишликка буюриб, яъни, ширкдан сақланишликка буюра турибла, ота онага яхшилик қилишликка буюрди.

وجاء أيضا عن عبد الله بن عمرو رضي الله عنهما عن النبي صلى الله عليه وسلم قال : (رضى الرب في رضى الوالد , وسخط الرب في سخط الوالد) رواه الترمذي (1821) وحسنه الألباني في "السلسلة الصحيحة" (516)

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Робб таолонинг ризолиги, ота онанинг ризосидадир. Робб таолонинг ғазаби, ота онанинг ғазабадир. Ота она ғазаб қилса, Аллоҳ ғазаб қилади. Ота она рози бўлса, Робб таоло, рози бўлади.

عن النبي ﷺ قال: رَغِمَ أَنْفٌ، ثُمَّ رَغِمَ أَنْفٌ، ثُمَّ رَغِمَ أَنْفٌ مِنْ أَدْرَكَ أَبَوَيْهِ عِنْدَ الْكِبَرِ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَمْ يَدْخُلِ الْجَنَّةَ. رواه أبو هريرة مسلم

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Бурни ерга ишқалибди, дедилар. Яъни, хор бўлибди, хор бўлибди, хор бўлибди, дедилар, уч марта. Кимни айтяпсиз, ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, дейишди. Ота онасини қариган вақтида, топиш насиб бўлибдида, яъни, ота онаси қариган вақтида, бу ҳаёт бўлибди. Ёинки, битталари, хоҳ отаси, хоҳ онаси. Кейин, жаннатга кирмай қолибди. Мана шу одам, хор бўлибди, дедилар.

Шу ҳадис ишора бўлаяпдики, Аллоҳнинг ибодати, ота онага яхшилик қилмай, мақбулмасдир. Чунки, инсоннинг ибодати мақбул бўлса, жаннатга дохил бўлади. Ота онасини қариган вақтида топса, Кейин, жаннатга кирмай қолса, бу ҳадис, Аллоҳга қилган ибодати, ота онасига яхшилик қилмаса, мақбул эмаслигига далолат қилаяпти.

Демак, ҳар қандай амали, ота онага яхшилик қилишликка боғланмас экан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, уни жаннатга дохил қилмайди.

Ота она бевосита зоҳирӣ марҳамат марказидир. Ота она фарзандга яхшилик қилганлиги кўриниб турибди. Шу кўриниб турган, яхшилик қилган одамларга, шукр қилолмаса, кўринмай турган Зотга, шукр қилолмайди. Марҳамат келаяпди бизга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан. Лекин, биз уни кўрмаяпмиз.

Марҳамат қилган ота онани кўриб туриб, шукр қилолмаса, кўринмай турган Зотга, шукр қилолмайди. Ота она фарзандга хизматкор бўлган, гўдаклик вақтида. Ота онага фарзанд, Хожалик қилган кичкиналик вақтида. Кичиклигида гапиролмаса, ишора қилса, ота онаси айтганини тайёрлайди. Тоби қочса, гапиролмаса ҳам, ота онаси, уни ишорасига ҳар қандай машаққатга, тайёр туради. Гўдаклик вақтида инсон, ота онасининг, хожаси бўлиб яшайди. Хоҳласа, устига минади. Балки, хожасига ходим, бир малолат билан қараган бўлса ҳам, бу бола хожа бўлиб турган вақтида, муҳаббат билан қарайди, ота она. Гўдаклик вақтида, ота она болага, ниҳоятда мурувват қилган. Озгина муболаға билан айтсак, шу боладан рухсат бўлса, ухлашган. Роҳатланишлик ҳам, рухсат билан бўлган. Гўдаклик вақтида ҳамма қийинчиликларни, ота она кўтаради. Бу биродарлар, булар ҳаммаси, қарз бу. Энди қариган вақтида ҳам, ота она болалик пайтида, биз қилган каби, баъзи инжиқликлар қилиши мумкин? Улар бизни инжиқликларимизни кўтаргани каби, биз ҳам баъзи инжиқликларга дучор бўлиб қолсак, кўтармоқлигимиз керак.

Такрор айтамыз, Аллоҳга осий бўладиган ишларга буюрган вақтида, биз ҳеч кимга итоат қилмаймиз. Бир буйруқ борки, ким тарафидан бўлса ҳам, Аллоҳга осий бўладиган бўлса, итоат қилинмайди. Ота она фарзандини, ҳаммадан ортиқ кўради. Албатта, мўмин киши учун фарзанди муҳаббати, Аллоҳнинг муҳаббатидан ортиқ бўлмайди. Мўмин киши учун фарзандининг муҳаббати, Муҳаммад алайҳиссаломнинг муҳаббатидан ортиб кетмаслиги керак! Лекин, бошқалардан, фарзандини ортиқ кўради. Шундай бўлгандан кейин, биз ҳам ота онани, бошқа ҳаммадан ортиқ кўрмоқлигимиз керак.

عن أبي هريرة رضى الله عنه قال: ((جاء رجل إلى رسول الله (صلى الله عليه وسلم) فقال: يا رسول الله.. من أحق الناس بحسن صحابتي؟ قال: أمك.. قال: ثم من؟ قال: أمك.. قال: ثم من؟ قال: أمك.. قال: ثم من؟ قال: أبوك

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, олдига бир киши келиб, Ё Расулуллоҳ, мени энг яхши суҳбатимга, ҳақли бўлган киши ким? деб сўради. Онангиз дедилар. Ундан кейин ким? деди. Онангиз дедилар. Ундан кейин ким? деди. Онангиз дедилар. Ундан кейин ким? деганида, дадангиз, дедилар. Онанинг ҳаққи уч марта кўплигига, ишора қилдилар. Ота онамизни биз, фарзандимиздан ва оилаларимиздан ортиқ кўрмоқлигимиз керак. Биродарларимиздан ҳам, ортиқ кўрмоқлигимиз керак.

Ҳозирги вақтда, аксар оилаларда, ота онани ўзининг оиласидан ва фарзандидан ва биродарларидан, паст кўради. Сўз билан, ота онамни ортиқ кўраман деган, сўз бўлмайди, биродарлар. Амалӣ суратда текширсангиз, ҳаммаси ўзининг оиласини ва фарзандини ва биродарларини, ота онасидан ортиқ кўради. Ота она бизни, ҳаммадан ортиқ кўрган. Демак, биз ҳам, уларни ҳаммадан ортиқ кўришимиз керак.

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ

Нисо сураси 34 оят

Эркаклар аёлларнинг бошқарадиган саййиди. Қаввомуна аланнисо, Қоййим, дегани уларни устидан текшириб, назорат қилиб турувчи, дегани. Эр кишини шундай қилиб, яратди. Мусулмон одам, ўзининг ота онасига, саййид бўлмаслиги керак. Уларни ўзига саййид қилишлиги керак. Гўдаклик вақтидаги саййидлиги, кифоя қилади. Ҳозирги вақтда биродарлар, ота онани рози қилишлик, осон. Оз нарсалар билан ҳам, ҳаммадан кўра, кўпроқ яхши кўришликни эълон қилишлик билан ҳам, рози қилишлик мумкин!

Яъни, ширин тили билан, ҳаммадан кўра, яхши кўраман, деган сўзи ва озгина мурувват қилишлиги билан, рози қилишлик мумкин. Емоқ, ичмоқ каби, нарсаларни мурувват қилишлик билан. Ғазабланган вақтида хомуш бўлиб, мулойимлик билан, ота онани рози қилишлик мумкин.

جاء رجلٌ إلى رسولِ الله صَلَّى اللهُ عليه وسلَّمَ، واستأذنه في الجهادِ، فقال له رسولُ الله صَلَّى اللهُ عليه وسلَّمَ: (أَحْيَ والدَاكَ؟ قال: نعم، قال: ففِيهِمَا فِجَاهِدْ

Бир киши Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, жиҳодга рухсат сўрадилар. Онанг борми? дедилар. Ҳа деди. Бор, онангни рози қилиш учун, меҳнат қилгин, дедилар. Шунинг рози қилиш учун, курашгин, дедилар.

وعن عبدِالله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما قال: أَقْبَلَ رَجُلٌ إِلَى نَبِيِّ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: أَبَايُكَ عَلَى الْهَجْرَةِ وَالْجِهَادِ أَبْتَغِي الْأَجْرَ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى، قَالَ: فَهَلْ لَكَ مِنَ الْوَالِدَيْنِ أَحَدٌ حَيٌّ؟ قَالَ: نَعَمْ، بَلْ كِلَاهُمَا، قَالَ: فَتَبْتَغِي الْأَجْرَ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: فَارْجِعْ إِلَى الْوَالِدَيْنِ فَأَحْسِنْ صُحْبَتَهُمَا مَتَّفِقًا عَلَيْهِ

عن عبدِالله بن عمرو رضي الله تعالى عنه قال: «أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: إِنِّي جُنْتُ أَبَايُكَ عَلَى الْهَجْرَةِ، وَلَقَدْ تَرَكْتُ أَبَوَيْ يَبْكِيَانِ! قَالَ: ارْجِعْ إِلَيْهِمَا فَاضْحَكُهُمَا كَمَا أَبْكَيْتَهُمَا» (النسائي وصححه الألباني)

Бир киши келиб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, ҳижрат қилишга рухсат сўради. Лекин, ота онам уйда йиғлаб қолдилар деди. Қайт уйинга ва уларни йиғлатганинг каби, қулдиргин, дедилар.

عن طلحة بن معاوية السلمي قال أتيتُ النبيَّ صَلَّى اللهُ عليه وسلَّمَ ، فقلتُ: يا رسولَ الله إني أريدُ الجهادَ في سبيلِ الله تعالى، فقال: أُمِّكَ حَيَّةٌ؟ فقلتُ: نَعَمْ، فقال:الزم رجلها فتمَّ الْجَنَّةُ

Талҳа ибн Муовия айтадилар, мен Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳузурига келиб, жиҳод қилмоқчиман. Маслаҳатлашиш учун келдим, дедим. Онанг тирикми? дедилар. Ҳа, онам бор, дедим. Онангни маҳкам ушлагин, жаннат оёғининг остида, дедилар.

قال رسولُ الله صَلَّى اللهُ عليه وسلَّمَ: (قَدِمْتُ عَلَى أُمِّي وَهِيَ مُشْرِكَةٌ فِي عَهْدِ قُرَيْشٍ إِذْ عَاهَدَهُمْ فَاسْتَفْتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَدِمْتُ عَلَى أُمِّي وَهِيَ رَاغِبَةٌ، أَفَأَصِلُ أُمِّي؟ قَالَ: نَعَمْ، صِلِي أُمَّكَ)

Абу Бакр разияллоҳу анҳу қизлари Асмо ривоят қиладилар. Онам мушрика пайтида, мени олдимга келди. Яъни, Асмо, оналаридан илгари, мусулмон бўлганлар. Мен Наби саллоллоҳу алайҳи васалламдан фатво сўрадим. Онам келибди. Мен унга яхшилик қилайми, йўқми? Аммо, мушрика, деб айтувдим, шунда айтдиларки, мурувват қилгин! дедилар.

Дунёвий мурувват қилишлик, албатта, ҳаммага ҳам қилса, бўлаверади. Баъзи қариндошларга ҳам, мурувват қилинади. Бошқаларга ҳам қилинади, Исломга мойил қилишлик учун.

دخل رجل على رسول الله صلى الله عليه وسلم وقال: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْ بَقِيَ عَلَيَّ مِنْ شَيْءٍ لَوَالِدَيَّ أَبْرَهُمَا بِهِ بَعْدَ وَفَاتِهِمَا؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "نَعَمْ، الصَّلَاةُ عَلَيْهِمَا، وَالِاسْتِغْفَارُ لَهُمَا، وَإِنْفَادُ عَهْدِهِمَا مِنْ بَعْدِهِمَا، وَصَلَةُ الرَّجَمِ الَّتِي لَا تُوصَلُ إِلَّا بِهِمَا، وَإِحْرَامُ صَدِيقَيْهِمَا مِنْ بَعْدِهِمَا"
أَخْرَجَهُ أَبُو دَاوُدَ

Бир киши, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиға келиб, сўрадики, (Бу гапларни афсус билан эшитади, ота онаси ўтиб кетган кишилар) Менинг ота онам ўтиб кетган. Шуларға қандай яхшилик қилсам бўлади? Уларға яхшилик қилиш имкони менда қолдими? деб сўраганларида, ҳақларига истиғфор айтиб дуо қиласиз, дедилар.

Уларнинг аҳдларини ўтайсиз, дедилар. Биродарлар, баъзиларимиз ота оналаримиз молидан бирор нарсани, у бу кимга мурувват қилиб, кетган бўлади. Баъзилари, бизга илм ўқинг, ва шариатга мувофиқ юринг, деб васият қилиб кетган бўлади, кўплари. Мана бу аҳдларини ўташлик, бу ота онага ўтиб кетганидан кейинги, яхшиликдир. Васият деганда, фақат иқтисодни тушунмаслик керак. Ҳали дарсимизни аввалида айтиб ўтганимиздек, биз иқтисод илоҳига чўқинтирилган фалсафада, ўсиб улғайганмиз. Ҳамма нарсани иқтисодга қараб, ҳисоблаймиз. Одамлар намоз ўқишни ҳам, истамай, шу иқтисодий ишларим билан жаннатга кириб кетавераман, дейдиган, даражада, ботил тушунча, пайдо бўлиб қолган.

Жон таслим қилгани Азроил алайҳиссалом келганида ҳам, мен молу давлатим билан қутулиб кетаман, дейдиган даражада, тушуниб кетган, кўп одам. Васиятни фақат иқтисодга чеклаш, нотўғри дунёқараш натижасидан келиб чиққан. Бировга яхшилик қилдим, дейди. Нима яхшилик қилдингиз, деса, бир дунёвий мурувват қилган бўлади. Аммо, кечасию, кундузи таълим бераётган одамни, яхшилик қилмаётган одам деб, тушунади. Нима учун?!

Чунки, у фақат иқтисодий яхшиликни, яхшилик деб, тушунади. Худоё, буларнинг гуноҳларини кечиргил деб, кечаси дуо қилаётган кишини, яхшилик қилаяпди деб, тушунмайди. Ўтираверади бу деб, шундай дейди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига, бир киши келдилар. У киши бошқаларни, садақот қилаётганини ва жиҳод қилаётганини кўриб, Худоё, ким менга зулм қилган бўлса, ҳаммасидан розиман. Ўшаларни гуноҳларини кечиргил, дедилар. Эртасига намоздан кейин, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Бугунги кечада садақот қилган ким? дедилар. Ҳамма ҳайрон бўлишди. Фалончи туринг, дедилар. Сизнинг садақотингиз қабул бўлди, дедилар. Бу ҳақиқатда биродарлар, ҳар кимнинг кўлидан келадиған нарсамас.

Шунинг учун биз, садақот деганда, ҳамма нарсани иқтисодни ўзига чеклаган фалсафада ўсганлигимиз учун, ҳамма нарсани, иқтисодга боғлаб тушунамиз. Шунинг учун, иқтисоддан бошқа нарсани ўйламайдиган авлод, вужудга келиб қолди. Муаммойам иқтисодий муаммо. Бошқа муаммо йўқ, биродарлар. Ҳамма ёқ фоҳишаю, бошқа, булар муаммомас. Бу ўлгандан кейинги маросимларни бажариб туриб, энди биз ота онамизни рози қилдик, деб, ҳаётда ҳеч рози қилмасдан, мана бундай нуқс (нуқсон) бизнинг исломда йўқ, биродарлар. Мана бундай қилиб, бир бўшлиқни тўлдириб қўйдим, деб ўйлаш, ҳаммаси хато, биродарлар. Динимизнинг душманлари, шундай қилишган. Қиёматда бир киши, нима учун, даданга уч қилмагансан? Нима учун, етти қилмагансан? Нима учун, қирқ қилмагансан? деган савол, ҳеч қачон бўлмайди. Хотиржам бўлинг! Дунёдан хотиржам кетаверинг, бу соҳада.

Аммо, нима учун, беш вақт намоз ўқимагансан? деган савол, биринчи бўлади. Намоз ўқиган кишидан ҳам, биринчи савол, намоз ҳақида бўлади.

عن أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : (إِنَّ أَوَّلَ مَا يُحَاسَبُ بِهِ الْعَبْدُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عَمَلِهِ صَلَاتُهُ فَإِنْ صَلَحَتْ فَقَدْ أَفْلَحَ وَأَنْجَحَ وَإِنْ فَسَدَتْ فَقَدْ خَابَ وَخَسِرَ ، فَإِنْ انْتَقَصَ مِنْ فَرِيضَتِهِ شَيْءٌ قَالَ الرَّبُّ عَزَّ وَجَلَّ : انْظُرُوا هَلْ لِعَبْدِي مِنْ تَطَوُّعٍ فَيُكَمَّلَ بِهَا مَا انْتَقَصَ مِنَ الْفَرِيضَةِ ؟ ثُمَّ يَكُونُ سَائِرُ عَمَلِهِ عَلَى ذَلِكَ) ، وصححه الألباني

Қиёмат куни банданинг биринчи савол қилинадиган нарсаси, намоздир. Биз динни юзаки нарсаларга боғлаб тушунишлигимиз керакмас. Бу нарсалар қаердан келиб чиқди?! Нотўғри дунёқарашдан келиб чиқди! Исломиий дунёқарашни мукаммал билар эканмиз, биз бундай нарсалар ҳақида, баҳс қилмаймиз. Ҳатто, савол жавоб ҳам қилмаймиз, биродарлар. Бу нарсалар борми, йўқми, деб, савол жавоб қилишликка ҳам, арзимаиди. Васият, ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзи ота оналар, силаи раҳмни эсдан чиқармагин, дейди. Олим ота оналар, илмни мендан кейин эгаллагин. Ҳаётимда эгалламадинг, дейди. Мана бу аҳдларни ўтамоқлик керак.

Силаи раҳмни фақат, ота онага боғлиқ бўлган қариндошлар билан, алоқа қилиб ўталади, биродарлар. Биродарларини, ҳурмат қилишлик билан, ўталади.

وَبِذَى الْقُرْبَى
(2 қисм)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ерда бузғунчилик қилишлик билан, қариндошлар билан алоқа қилмасликни, баробар зикр қилди.

فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطَّعُوا أَرْحَامَكُمْ
Муҳаммад сураси 22 оят

Ерда бузғунчилик қилишлик билан, қариндошлар билан алоқангларни узасизларми? деди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган, қариндошлар билан алоқани ўрнатишлик ҳақида сўз кетаяпди. Биз дунёқарашимиз тўғриланса, бу гапни тўғри тушунаверамиз. Менга қарши бўлиб юрган қариндошларим бор, деган саволни, дунёқараши тузук бўлган одам, бермайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, баъзи нарсаларга буюрган ва баъзи нарсалардан қайтарган. Силаи раҳм, Аллоҳнинг ризосига етишлик калитидир.

وعن أبي محمد جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَاطِعٌ، قَالَ سَفِيَانُ فِي رَوَايَتِهِ: يَعْنِي: قَاطِعٌ رَحِمٍ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Қариндошлари билан алоқани узганлар, жаннатга кирмайди.

ما من ذنبٍ أجدُرُ أن يعجزَ الله تعالى لصاحبه العقوبةَ في الدنيا، مع ما يذخر له في الآخرةِ مثل البغي وقطيعةِ الرحم
المحدث : الألباني المصدر : صحيح أبي داود

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Охиратдаги азобдан ташқари, шу дунёда ҳам, жазони нақд қиладиган, зулм қилишлиқдан ва алоқаларни узишлиқдан, бошқа гуноҳ йўқ. Яъни, бу икки гуноҳ жазоси, шу дунёни ўзида ҳам, қайтади. Бировга зулм қилсангиз, ва силаи раҳмни узган бўлсангиз, бу дунёда қайтиб келади. Охиратдагидан ташқари. Одамлар оғзаки ҳикоя қилиб қўйишади. Бир киши отасини, бир қопга солиб, бир тоққа олиб бориб ўтқазиб қўйган, экан. Шунда у кулибди. Одамлар унга нега куласан? Бу киши ким? деб сўраса, бу ўғлим. Мени бу ерга ташлаб кетди. Мен ҳам дадамни, худди шу ерга ташлаб кетгандим, деган экан.

Дунёда укубатни олиб келадиган гуноҳлар, иккита. Биттаси, зулм қилишлик ва биттаси қариндошлар билан алоқаларни узишлиқдир.

إِنَّ أَعْمَالَ بَنِي آدَمَ تُعْرَضُ كُلَّ خَمِيسٍ لَيْلَةِ الْجُمُعَةِ فَلَا يُقْبَلُ عَمَلٌ قَاطِعٍ رَحِمٍ
خلاصة حكم المحدث : إسناده ضعيف
(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки: Одам болаларини амаллари ҳар душанда куни ва жума кечаси, кўндаланг қилинади. Шунда, қариндошлардан алоқани узган одамнинг амали, қабул қилинмайди.

Сила нима билан бўлади?! (Сила дегани, қариндошлик алоқасини боғлаш) Бу ҳиба, ҳадя билан бўлади. Зиёрат қилиш, кўришишлик билан бўлади. Ҳеч бўлмаса, бориб, бир салом беришлик билан, бўлади. Садақот ва закот шунга ўхшаган нарсаларни, уларга беришлик билан бўлади. Ўзига хос ва муҳтож бўладиган нарсаларни, бериб туришлик билан бўлади. Ва илмсиз бўлса, илм ўргатишлик билан бўлади. Мана булар ҳаммаси, силаи раҳмга киради.

لَيْسَ الْوَاصِلُ بِالْمُكَافِئِ، وَلَكِنَّ الْوَاصِلُ الَّذِي إِذَا قُطِعَتْ رَحْمَتُهُ وَصَلَّتْهَا
الراوي : عبدالله بن عمرو | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Биз ҳаммамиз борди келди, деган нарсани биламиз. Борди, келди, деб қўйилади ўзи. Келган бўлса, борди, бўлади. Ўзи номиям шунга мувофиқ экан. Ҳеч кимдан бир, борди бўлмайдию, келди, бўлса, борди, бўлади. Мана шу борди, келди, мурувват қилганга кирмайди, деяпдилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам. У қайтариб муомила қилган одам, мана, бизникига бир келди. Мен ҳам, бир бориб қўяй, деган одам, у Аллоҳ буюрган буйруқни қилган, одам эмас. Келди бўлмаганда ҳам, борди бўлса, шу силаи раҳм, қилган одамдир, биродарлар. Шунинг учун, бизга мурувват қилмаган қариндошдан, кўпроқ хурсанд бўлмоқлик керак. Шунга мурувват қилсак, силаи раҳм вужудга келаяпди, деб, хурсанд бўлиш керак. Иложи бўлса, бизга мурувват қилмаган ва биз билан алоқаси бўлмаган, қариндош уруғлар билан, алоқа қилиб, алҳамдулиллоҳ, менга силаи раҳм насиб бўлаяпди, дейишимиз керак.

Ўзи биз эҳсонни, мурувватни Аллоҳнинг ҳамма халқига қилишликка, маъмур бўлганмиз. Ҳатто, ҳайвонни сўяётганда ҳам, тиғини ўткир қилиб, сўйишликка маъмур бўлганмиз. Тиғини кўрсатмасдан, ёнидан боришликка маъмур бўлганмиз. Шу ҳайвонга ҳам, дарахтларга ҳам, яхшилиқ қилишга, маъмур бўлганмиздан кейин, қариндошларга қилаётганимиз билан фахрланмаслигимиз ҳам, керак. Бу ўзи вазифамизда деб, Аллоҳ буюрган нарсани қилаяпмиз, алҳамдулиллоҳ, демоқлигимиз керак.

الصدقة على المسكين صدقة وعلى ذي الرحم ثنتان صدقة وصلة
خلاصة حكم المحدث : ثابت

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Мискинга бўлган садақа, бир садақадир. Шунинг қариндошга қилинса, иккита савоб, садақот ва силаи раҳм бўлади, деганлар.

وَالْيَتِيمِ وَالْمَسْكِينِ
(3 қисм)

Қуръони карим бизни етимларга ва мискинларга мурувват қилишга буюради. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

وعن أبي هريرة قال: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: كَافِلُ الْيَتِيمِ - لَهُ أَوْ يَغْيِرُهُ - أَنَا وَهُوَ كَهَاتَيْنِ فِي الْجَنَّةِ وَأَشَارَ الرَّأْوِي -وَهُوَ مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ- بِالسَّبَابَةِ وَالْوُسْطَى. رواه مسلم

Мен ва етимга қараган киши, жаннатда бирга бўламан деб, кўрсаткич бармоқлари билан ўрта бармоқларини, озгина, очиб қўйдилар. Яъни, етимга қараган киши, жаннатда мен билан ёнма ён туради, дедилар. Бу ҳадис билан, Ислом ҳукм суриб турган даврда, етимхонага муҳтож бўлмай қолди.

Қаерда етим бўлса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, билан жаннатда бирга турайд деб, ҳамма ўзининг қарамоғига олиб олди. Етимхоналар қурганлигимиз билан, биз фахрланмаслигимиз керак. Етимхоналар бўлишлиги, жамиятнинг бузилганлигига, далолат қилади. Бизларга илгарилари етимхоналар бўлмаган деб, маломат қилишади. Биз, ҳа, бўлмаган. Чунки, бунақа етимхоналар куриб, етимларни чекка бир жойга олиб бориб қўйишга, ҳожат бўлмаган, деймиз.

Ахлатларни йиғиштирадиган корхоналар бўлмаган, мана ҳозир шулар бор, дейдиганларга, ҳа, ахлатни йиғиштиришга ҳожат тушмаган. Ахлат бўлмаганда, ахлат бўлса, кейин йиғиштирадиган ҳайъатлар керак бўлади, деймиз.

Бир пайтлар касалхоналар бўлмаган, одамлар ўлиб кетаверган, дейишади. Касалхонага муҳтож бўлган, сон саноқсиз касаллар бўлса, кейин, касалхонага муҳтож бўлинадида?! Бу нарсалар фахрланадиган нарсалармас, биродарлар. Мана биз ҳозир, ота онаси тирик бўлган етимлар учун, етимхоналар куриб қўйдик, деб фахрланиб бўладими?! Бу нарсага, хижолат бўлмоқлик керак! Ота онани олиб бориб қўядиган жойни, қуришлик билан фахрланиб бўладими?! Бу сўз, жамиятнинг бузилганидан дарақдир. Бу сўз айтилганда, уялганидан ерга кириб кетадиган даражадаги нарса билан, фахрланадиган махлуққа, айланиб қолади. Шунинг учун, дарсимизнинг аввалида, дунёқарашимизни тўғрилаш керак, дедик. Чунки, ахлатларни йиғиштиришга келсак, Имон дарахтининг олтмишдан кўпроқ шохчаси бўлса, энг каттаси Ла илоҳа иллоллоҳ бўлса, энг охиргиси, «имотатул аза ан тариқул муслимин.» Муслмонларнинг йўлидан, озор берадиган нарсани олиб ташлашлик. Мана шу ҳадис билан, ахлатларни йиғиштирадиган ҳайъатларга, муҳтож бўлмаган Ислом жамияти.

أن نبي الله صلى الله عليه وسلم قال من قبض يتيمًا من بين مسلمين إلى طعامه وشرابه أدخله الله الجنة ألبته إلا أن يعمل ذنبًا لا يغفر
رواه الترمذي وقال حديث حسن صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Кимки, муслмонлар орасидаги, бир етимни қўлидан ушлаб, ўзи еяётган овқатга ё, ўзи ичаётган суюқликка таклиф қилиб, олиб келса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, жаннатга албатта киргизади, шуни. Модомики, кечирилмайдиган гуноҳни, қилмаган бўлса. Яъни, ширк амали бўлмаган бўлса, дедилар.

ما قعد يتيم مع قوم على قصصتهم فيقرب قصصهم شيطان
حكم المحدث : إسناده ضعيف
(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф, дейишган)

Етим бир қавмнинг таомига яқин бўлиб қолса, шайтон уларнинг таомларига яқин келмайди, дедилар. Етим иштирок этиб турган овқатга, шайтон келмайди, дедилар.

Бир киши, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, қалбим тошдек, мени йиғим келмайди, деб, қалбини қаттиқлигидан шикоят қилди.

عن أبي هريرة أن رجلاً شكّا إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم قسوة قلبه فقال "امسح رأس اليتيم وأطعم المسكين

Шунда, етимни бошини силагин ва мискин одамни едиргин, дедилар. Етимни бошини силаб, мискинга, муҳтож бўлиб турган одамни олдиға, таом тайёрлаб бориб едиринг, кўзингдан ёш оқади. Сиз ўйламасдан еяётган овқатингизни, у лаззатланиб, қувониб, еяётганини кўриб, шу оддий овқатимга қувонаяпди, деб, кўзингиз намланади. Ва ўзиздаги неъматларни, жуда кўпайиб кетганлигини кўрасиз. Агар мискинни кўрмасангиз, ҳеч нарса етмаяпди, деб, яшаб юраверасиз. Қалбингиз тош бўлиб, қорайиб бораверади. Ҳозирги жамиятнинг бузилаётганлиги шуки, мискин ва етим билан, бировнинг иши йўқ, биродарлар.

وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْأَجْنَبِ وَالصَّاحِبِ بِالْأَجْنَبِ
(4 қисм)

Қариндош қўшнига, мурувват қилиш ва ён қўшнига ва бирга иш қиладиган биродарга, мурувват қилиш.

Қуръони каримда Зилкурбо деб, келади, қариндош бўлган қўшни ёки, насабда яқин бўлган қўшни, бўлиши мумкин. Ён қўшни, уйи яқин қўшни ва яқин, ҳамкасб биродарга, яхшилик қилишга буюради. Булар мадрасада бирга ўқиган ва ёки, ҳамхужра бўлиши мумкин. Буларга мурувват қилишга, шариат буюрди. Кофир қўшнининг, қўшнилик ҳаққи бор.

Мусулмон қўшнининг, ҳам қўшнилик ва ҳам, Ислом ҳаққи бор. У мусулмон у. Ислом бир биримизда, ҳақларни жорий қилган. Кофир қўшнининг, қўшнилик ҳаққи бор. Мусулмон қўшнининг ҳам, қўшнилик ва ҳам, Ислом ҳаққи бор. Энди қариндош қўшни бўлса, қариндошлик ҳаққи бор. Ва қўшнилик ҳаққи ва ҳам, Ислом ҳаққи бор.

روى أبو هريرة رضي الله عنه قال: قيل للنبي صلى الله عليه وسلم: يا رسول الله، إن فلانة تقوم الليل وتصوم النهار، وتفعل، وتصدق، وتؤذي جيرانها بلسانها؟ فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لا خير فيها، هي من أهل النار»، قالوا: وفلانة تصلي المكتوبة، وتصدق بأثوار، ولا تؤذي أحدا؟ فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «هي من أهل الجنة». رواه البخاري في الأدب المفرد

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, фалончихон (аёл) намозни кўп ўқийди. Рўзани кўп тутати. Лекин, қўшниларига озор беради, деб шу аёл ҳақида, сўраганларида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, у жаҳаннамда, дедилар. Шунда, яна бир бошқа, фалончихон ҳақида сўралди, у фарз намозларини ўқийди. Лекин, ўзининг қилган пишлоқидан, қўшниларга мурувват қилиб туради. Тили билан қўшниларига озор бермайди, деганларида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, у жаннат аҳлидандир, дедилар. Бухорий ривояти.

عَنْ فَضَالَةَ بْنِ عَبْدِ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ : " ثَلَاثٌ مِنَ الْفَوَاقِرِ : إِمَامٌ إِنْ أَحْسَنَتْ لَمْ يَشْكُرْ ، وَإِنْ أَسَأَتْ لَمْ يَغْفِرْ ، وَجَارٌ إِنْ رَأَى حَسَنَةً دَفَنَهَا ، وَإِنْ رَأَى سَيِّئَةً أَفْشَاهَا ، وَزَوْجَةٌ إِنْ حَضَرَتْ أَذْنُكَ وَإِنْ غَبَتْ عَنْهَا خَاتَمُكَ فِي مَالِكَ وَنَفْسِهَا "

Учта бало бор дунёда. Раҳбарки, яхшилик қилсанг, яхшилигингни билмайди. Ёмонлик қилсанг кечирмайди. Бу ҳам бир бало. Ёмон қўшники, яхшилигингни бекитади ва ёмонлигингни эълон қилади. Бу ҳам бир бало. Учинчиси, аёл. Агар бор бўлсанг, озор беради. Ғойиб бўлсанг, хиёнат қилади. Бу ҳам бир бало. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан, паноҳ ишташқидан бошқа чора йўқ.

Бу подшоҳ бўлиб турганидан кейин, илож йўқ. Шайх саъдий бир ҳикояни келтирадилар: Бир подшоҳ тузалмас касалга гирифтор бўлиб, табибларга даволашни буюрибди. Табиблар унга бу касалга, мана шу ёшдаги, шу сифатдаги ёш болани юраги даво бўлади. Бошқа илож йўқ дейишди. Шунда подшоҳ шу сифатдаги болани, топиб келишга буюрди. Бу юрагини олиш учун, бу болани ўлдиришлик, керак. Шунда, уламоларни чақириб, нима қиламиз? деса, улар подшоҳни саломатлиги учун, битта фуқарони ўлдиришлик мумкин! деб фатво беришди. Қози ҳукм қилди, болани ўлдиришликка. Жаллод ҳозир бўлди. Ота онасига камбағал эдилар, кўп молу дунё берувди, рози бўлиб қолишди. Жаллод уни қатл қилишга ҳозирланиб турганда, бола осмонга қараб бир кулди. Бу куладиган вақтмасу, подшоҳ унга нега кулаяпсан? деди.

Айтдики, фарзанднинг нози, ота онага бўлади. Ҳеч ким, бировнинг нозини кўтармайди. Фарзанднинг нозини, ота она кўтаради. Менинг ота онамга менинг ҳаётимдан кўра, молу дунё, афзал бўлиб турибди. Адолатни подшоҳдан талаб қилинади. Подшоҳ ўзини ҳаётини, менинг ўлимимда кўриб, мени ўлдиришга рози бўлиб турибди. Ҳақиқат уламоларда бўлади. Уламолар бўлса, мени ўлдиришликка фатво бериб туришибди. Уламоларда ҳақиқат қолмаса, подшоҳда адолат қолмаса, ота она фарзанди нозини кўтармаса, Аллоҳдан бошқа, менга паноҳ берувчи Зот қолмабди. Шунга кулаяпман ва Аллоҳга ёлворяпман, деди. Ҳақиқатдан ҳам, бу бир балоки, яхшилиқ қилсанг, яхшилигингни билмаса. Ёмонлик қилсанг кечирмаса?!

Қўшнинг ёнингизда бўлса, тепага учиб кетишни, иложи бўлмаса?! Ёнингизда туриб, яхшилигингни бекитса ва ёмонлигингни эълон қилиб турса. Инсон хатодан холимас. Қилган хатоингизни ўзиз билмасангизу, маҳалладан эшитиб тураверсангиз. Ана энди, аёл ҳам, бозорга олиб бориб, алмаштириб келадиган нарсаси бўлмаса?! Бир неча фарзандларингиз бўлса? Борингизда озор ва йўғингизда хиёнат бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан паноҳ исташлиқдан бошқа чораси қолмайди, бу одамларни. Шунинг учун ҳам, инсонга шунча бало келиб қолса, инсон ниҳоятда ҳаётни тушуниб, файласуф бўлиб кетади.

Сукротдан бир шогирди сўраган экан, агар уйлансам, шунча йил ўқиганларим, илмим йўқ бўлиб кетадими? деса, агар хотининг яхши бўлса, бахтли бўласан. Агар ёмон бўлса, файласуф бўлиб кетасан, деган экан. Яъни, бундан мурод, озор беришлик натижасида, ҳаётнинг тушунмаган бурчакларини, тушуниб кетасан, демоқчи. Мана бу учала нарсаси бало, биродарлар. Аллоҳдан бошқа паногоҳи қолмайди, одамни. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

فَقَدْ جَاءَ الصَّحِيحِينَ عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ: «مَا زَالَ جَبْرِيلُ يُوصِينِي بِالْجَارِ، حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورَثُهُ»

Қўшни ҳақида, Жибрил алайҳиссалом, менга кўп васият қилдиларки, қўшнилари келажакда меросхўр ҳам бўлиб қолса керак, деб, ўйладим, деган, эканлар.

عَنْ أَبِي شَرِيحٍ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ، وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ، وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ»، قِيلَ: وَمَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «الَّذِي لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقِهِ» صحيح البخاري

Ҳатто имони йўқ, дедилар. Уч марта, имони бўлмайди, дедилар. Кимни? деб сўрашди. Қўшниси бунинг балоларидан, саломат бўлмаган одамни, дедилар. Бу ҳадис билан, исломда алоҳида, уришганларни яратиштириб қўядиган ҳайъатлар бўлмаган. Аёлларга алоҳида, эркакларга алоҳида ҳайъат, қудаларга алоҳида ҳайъат, бунақа нарсалар бўлмаган. Чунки, қўшниси озоридан саломат бўлмаса, имони бўлмайди, деган ҳадис, тўғрилаб қўйган одамларни.

عن أنس بن مالك - رضي الله عنه - قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ما آمن بي من بات شبعان وجاره جانع إلى جنبه وهو يعلم به خلاصة حكم المحدث: إسناده البزار حسن

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Менга имон келтирмабди, ўзи қорнини тўйғазсаю, ён қўшниси оч бўлса, шуни билиб турса, очлигини, (унга ҳам бир нарсаси илинмаса) дедилар.

وَأَيْنَ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمُنُكُمْ
(5 қисм)

Ва мусофирларга яхшилик қилишликка буюрди, Аллоҳу таоло. Биз эҳсон калимасида тўхталиб ўтаяпмиз.

وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ

Қўл остидаги кишиларга, яхшилик қилишга буюради.

مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ خَيْرًا، أَوْ لِيَصْنَعْ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ صَافَةً.

الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ким Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини ҳурмат қилсин! дедилар. Меҳмонни мукофоти нима? деганларида, бир кечаю бир кундуз ичида, ҳурмат қилсин, дедилар. Зиёфат уч кун бўлади. Уч кундан ошгани, садақотдир. Зиёфат садақотмас. Бу ҳаққимиз. Буни ўташлигимизда яъни, албатта, ажрланамиз. Лекин, ўзимизни ҳаққимизни ўтаяпмиз. Садақот, уч кундан кейингисидир.

Қўл остидагиларга яхшилик қилиш ҳақида, битта ҳадис, бизга кифоя қилади.

جاء رجل إلى النبي صلى الله عليه وسلم فقال: يا رسول الله كم أعفو عن الخادم فصمت عنه رسول الله صلى الله عليه وسلم ثم قال يا رسول الله كم أعفو عن الخادم فقال: كل يوم سبعين مرة

الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي
الصفحة أو الرقم : 1949 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Бир киши Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб, қўл остимдаги хизматкорни, неччи марта кечиришим керак? деди. Хомуш бўлдилар. Шунда у киши, яна сўради. Хомуш бўлганликлари сабаби, ваҳй келди. Шунда айтдиларки, уни ҳар куни етмиш марта кечирасан, дедилар. Ўзининг қўл остида хизмат қилаётган одамни, бир кеча кундузда етмиш марта кечирса?! Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

Кимни ходими овқат таёрлаб олиб келган бўлса, унинг тутуни олдида иш қилган. Уни ерга ўтқазиб, бирга есин. Агар овқат ниҳоятда оз бўлса, қўлига бир ё, икки лўқма, бериб қўйсин, дедилар.

لَقِيتُ أَبَا ذَرٍّ بِالرَّبِذَةِ، وَعَلَيْهِ خُلَّةٌ، وَعَلَى غُلَامِهِ خُلَّةٌ، فَسَأَلْتُهُ عَنْ ذَلِكَ، فَقَالَ: إِنِّي سَابَبْتُ رَجُلًا فَعَيَّرْتُهُ بِأَمِّهِ، فَقَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَبَا ذَرٍّ أَعَيَّرْتَهُ بِأَمِّهِ؟ إِنَّكَ أَمْرٌ فِيكَ جَاهِلِيَّةٌ، إخوانُكُمْ حَوْلُكُمْ، جَعَلَهُمُ اللَّهُ تَحْتَ أَيْدِيكُمْ، فَمَنْ كَانَ أَخُوهُ تَحْتَ يَدِهِ، فَلْيُطِيعْهُ مِمَّا يَأْكُلُ، وَلْيُلْبِسْهُ مِمَّا يَلْبَسُ، وَلَا تَكْلِفُوهُمْ مَا يَغْلِبُهُمْ، فَإِنْ كَلَفْتُمُوهُمْ فَأَعِينُوهُمْ.

الراوي : أبو ذر الغفاري | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Абу Зарр ал Ғифорий разияллоҳу анҳу ва ходими бир хил либос кийиб келаётган эдилар. Саҳобалардан битталари буни сўраганда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: ходимларингиз сизларнинг биродарларингиздир. Уларга кийган кийимингиздан кийдиринг ва еган таомингиздан едиринг, дедилар. Шунга биз бир хил қилиб кийиб олдик, деган эканлар.

Биродарлар, ўзи ходим бўлса, Раҳбар билан бир хил кийинса, бир хил еса, ходим бўлишликда, нима хорлик сезади?! Шунинг учун Исломда, ходимлар ҳеч хорликни сезмаган. Лекин, ходимларни хорлигини бошқа миллатларда кўргандан кейин, Исломда ҳам, шунақа ходимлар бўлган деб, хор ходимларни Исломга ёпиштирилган.

Агар бир одам, Исломга мос ҳаёт кечирмасдан, нотўғри ҳаёт кечирса, бу Исломнинг айбимас. Шу мусулмоннинг айби бўлиб қолаверади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу оятнинг охирида,

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا
(6 қисм)

Аллоҳ мутакаббир, ўзи билан керилган одамни, яхши кўрмайди, деган калима билан, шу оятни тугатади. Бу оят шунга далолат қиладики, кимда ким, ота онасига яхшилик қилмасдан ҳаёт кечирса. Қариндошларига силаи раҳм қилмаса. Ва етим мискинларни едирмаса. Ён қўшни, қариндош қўшни, ё узоқ қўшниларга, мурувват қилиб, яхшилик қилмаса. Мусофирларни ва қўл остидаги ходимларни, қадрламаса, бу одам мутакаббир, ўзига керилган одам. Аллоҳ яхши кўрмайдиган, одамлар жумласидан бўлади. Мана бу нарсани билиб олишимиз керак. Бу сўзлар, умум одамларга таъсир қилмайди. Чунки, уларнинг дунёқарашлари, бошқа дунёқараш билан ўтган. Улар ҳатто, ота оналарига ҳам, ишлаган тишлайди ва ишламаган тишламайди, деб айтаверади. Мана, сиз ишлаганингизда шунақа, хор бўлмасдингиз деб, айтаверади. Чунки, шу фалсафада улғайган. Шунинг учун, ажнабий миллатларнинг ота онасига қаралса, мабодо бир хор одамни, бировга ўхшатмоқчи бўлсангиз, ажнабий миллатларнинг ота онасига ўхшатаверинг. Хор қилиб, ташлаб кетади. Нима учун?

Чунки, дунёқараш шундай бўлгани учун. Аждоди маймун бўлганидан кейин, маймунлар ота оналарини ташлаб кетади. Шундай бўлганидан кейин, бошқалар ҳам, ташлаб кетмоқликлари керак. Ҳайвонлар ота оналарини билмайди. Такрор айтамиз, дунёқараш исломий бўлмаса, бу сўзлар, манфаат бермайди, биродарлар!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, эҳсонга буюрди. Эҳсон, Аллоҳни кўриб тургандек, ибодат қилиш. Ибодат ҳаёт майдонини ҳаммасини, ўз ичига олади. Ҳатто, ухлаш ҳам. Аллоҳни кўриб тургандек, ухлаш. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай ухлаганлар. Ухлаб жасадимни ҳаққини ўтамоқлигим керак. Қувват ҳосил қилиб, Исломга нашот билан хизмат қилайин деган, ният билан ухлаган уйқу ҳам, ибодатдир, биродарлар. Шундан ўзимизга, хулоса чиқарамиз. Мана бу, муҳсин одам, шундай ният билан, ибодат билан, ҳаётини ҳамма қисмини эгаллаган, эҳсон билан амал қилиб, ибодат қилган одамни, Аллоҳу таоло яхши кўришлигини, қуръони каримнинг бир неча ўринларида, ёд қилди, биродарлар!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, дарсни билиб, амал қилишликни насиб қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ибодатларимизни қабул қилсин! Шу дарсимизни давомли қилсин! Дарсимизни эшитиб, амал қилишликка, ҳаммамизга, Аллоҳу таоло тавфиқ берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбихи ажмаъин! Омин!

.....

29 дарс тугади

30 Дарс

Пайғамбарлар йўли Тавҳид ва мушрикларнинг шубҳалари ҳақида

(Бу дарс аввалида, барча пайғамбарлар, Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи, тавҳидга даъват қилгани баён этилиб, кейин ширк аҳлининг ботил ҳужжатларига, гумон ва шубҳаларига, раддиялар берилади. Шубҳалардан бири шуки, тақдир масаласини ўзларининг ширкига далил қилмоқчи бўлишади. Аллоҳ шуни хоҳлаган учун, мушрик бўлганмиз, дейишади. Аллоҳ бандаси ширк келтиришини истамайди ва шунинг учун расуллар жўнатиб огоҳлантирди. Бу иддаолари нотўғридир. Бу дарс шу ҳақидадир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Исломи ақида, бутун умматлар биноси барпо бўлган, асос ҳисобланади. Ҳар бир умматнинг салоҳияти, ва тараққий топиши, шу умматнинг ақидаси саломат бўлишига боғлиқдир. Ва шу умматнинг дунёқараши, саломат бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун башарият тарихида ўтган ҳамма пайғамбарлар, ақидани ислоҳ қилишга, умматларни ундаб келишди. Инсоният тарихида ўтган, ҳамма умматнинг пайғамбарларининг ақидасининг хулосаси,

قَالَ يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ

Бу оят қуръонда бир неча жойда келган.

Аллоҳга ибодат қилинглари. Сизларга Аллоҳдан ўзга сиғилинадиган, Маъбуд йўқ! Деган мазмунни олиб келишди. Нуҳ алайҳиссалом, Ҳуд алайҳиссалом, Солиҳ алайҳиссалом, Муҳаммад алайҳиссалом, ҳамма умматни пайғамбари

اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ

Аллоҳга ибодат қилинглари. Сизларга Аллоҳдан ўзга сиғилинадиган Маъбуд йўқ! деган ақидани, олиб келишди. Шу ақидани ушлаган умматлар, тараққий топди ва саодатлик бўлди. Шу ақидани ушламаган умматлар, тушкунликка учради ва бахтсиз бўлди. Динга мансуб бўлмаган қайси миллатда, ҳаллоллик ва покликни кўрсангиз, билингки, пайғамбарларнинг даъватлари натижасида вужудга келган. Бунинг инсофли динсизлар ҳам, тан олади, биродарлар. Бу ҳақда гапиришлик, дарсимиз мавзуси бўлмаган учун, бу даъвомиз исботига баъзи бир, ишора қилиб ўтаемиз.

Нима учун, одамлар орасида маҳрам ва номаҳрам тушунчаси бор?! Ҳатто, динни инкор қилганлар ҳам, маҳрамни эътиборга олади. Қаердан вужудга келди, бу нарсаси?! Нима учун, улар маҳрам ва номаҳрамни эътиборга олишади?!

Бу нарсаси, пайғамбарларнинг даъватлари натижасида, вужудга келган.

وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوتَ

Наҳл сураси 36 оят

Ҳар бир умматга пайғамбар жўнатдик, Аллоҳга ибодат қилинлар ва тоғутдан ижтиноб қилинлар деб, дейди, Аллоҳу таоло! Тоғут нима? Тоғут, ма убида мин дуниллаҳ. Аллоҳдан бошқа, сиғинилинган нарсаси, ҳаммаси тоғутдир. Хоҳ инсон, хоҳ жин, хоҳ фаришта, хоҳ дарахт, хоҳ тош ва ҳоказо, бошқа нарсалар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тамоми мавжудотни, Ўзигагина ибодат қилишлик учун яратди.

Ибодат икки қисмдан ташкил топади. Бунда инсон билан бошқа мавжудотлар баробардир. Ҳатто, эшшак ҳам, баробардир. Инсон аъзолари, Аллоҳнинг қонуниятига бўйсунди. Аллоҳга ибодат қилади. Дарахтлар Аллоҳга ибодат қилади. Коинотдаги ҳамма сайёралар, Аллоҳнинг қонуниятидан заррача, ташқарига чиқолмайди. Инсон аъзолари ҳам, Аллоҳнинг қонуниятидан заррача ташқарига чиқолмайди. Хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, барча мавжудот Аллоҳга бўйсунди. Кўз билан кўради ва қулоқ билан эшитади. Ўпка билан нафас олади. Юрак ҳам хос, Аллоҳ тарафидан, унга юклатилган вазифасини ўтайди. Бу кавний ибодатдир. Бунда ҳамма мавжудот бир хил, бўйсунди. Шаръий ибодат билан, инсон мукофотланади. Шаръий ибодатни тарк қилишлик билан, қиёматда жазоланади. Бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғига, ихтиёрий ҳаётида, бўйсунилиқдир. Мана бунда, одамлар икки тоифага бўлинадилар. Кофирлар ва мўминлар. Кофирлар ичига, куфрнинг ҳамма тури киради.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жин ва инс тоифасини, мана шу шаръий ибодат учун, яратди.

وما خلقت الجن والانس إلا ليعبدون

Зариёт сураси 56 оят

Жин ва инсон тоифасини, фақат Ўзимга ибодат қилиши учун, яратдим, дейди. Ибодат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бандалар устидаги, ҳаққидир. Мана бу ҳаққи ўташмаса, Аллоҳнинг ҳаққини ўташмаган бўладилар. Бу ҳақ, ҳамма ҳақлардан устун туради. Ҳамма мавжудотнинг, инсон устида ҳаққи бор. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ягона Ўзига ибодат қилиш ҳаққи, ҳамма ҳақдан устун туради.

كُنْتُ رَدَفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى جِمَارٍ يُقَالُ لَهُ عُفَيْرٌ، فَقَالَ: يَا مُعَاذُ، هَلْ تَدْرِي حَقَّ اللَّهِ عَلَى عِبَادِهِ، وَمَا حَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ؟ - قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: فَإِنَّ حَقَّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ أَنْ يَعْبُدُوهُ وَلَا يُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا، وَحَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ أَنْ لَا يُعَذِّبَ مَنْ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا أُبَشِّرُ بِهِ النَّاسَ؟ قَالَ: لَا تُبَشِّرْهُمْ، فَيَتَكَلَّبُوا

الراوي : معاذ بن جبل | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Маоз ибн Жабалга айтдиларки: Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққини ва бандаларнинг Аллоҳнинг устидаги ҳаққини биласизми? Мен, Аллоҳ ва Расули билувчиروқ, дедим. Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи, бандалар Аллоҳга ибодат қилишлари, ҳеч бир нарсани шарик қилишмаган ҳолатда, дедилар. Бандаларнинг ҳам Аллоҳда ҳақлари бор, дедилар. Агар бу калимани, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтмасалар, Бандаларнинг Аллоҳда ҳаққи бор, дейишликка, мўмин киши, журъат қилолмайди.

Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққи, Аллоҳга ҳеч бир нарсани шарик қилмаган кишиларга, азоб бермасликдир, дедилар. Бу ҳақ, мутлақо ҳамма ҳақлардан, устун туради. Бошқа ҳақлар, бундан баланд турмайди.

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا

Исро сураси 23 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, ота онани ҳаққини, бу ҳақдан кейин, зикр қилди.

قُلْ تَعَالَوْا أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبُّكُمْ عَلَيْكُمْ أَلَّا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِمَّنْ إِمْلَقَ نَحْنُ نَرْزُقُكُمْ وَإِيَّاهُمْ وَلَا تَقْرَبُوا
الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنٌ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ ذَلِكُمْ وَصَّيْتُكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ

Анъом сураси 151 оят

Айтинг, эй Муҳаммад алайҳиссалом, мен сизларга Аллоҳ ҳаром қилган нарсани, ўқиб берай. Биз, ҳаром қилинган деганда, биродарлар, емоққа тааллуқли нарсани тушунамиз. Мана бу ерда, Аллоҳга ҳеч нарсани шарик келтирмаслик, айтиляпти. Яъни, ширк келтиришлик ҳаромдир! Ва ота онага яхшилик қилишликни кейин, зикр қилаяпти. (Аллоҳга ширк келтирмаслик, бошқа амаллардан олдин, биринчи ўринда турадиган муҳим нарсадир) Бу ҳақни ўташлик, умматни иккига бўлади. Бу ҳақни ўтовчи мусулмон уммат. Бу ҳақни ўтамасдан, мушрик бўлган уммат. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, шу ҳақни пойдевор эканлиги учун, шу ҳақни биринчи ўрнатишлик учун, Маккада ўн уч йил муддат, ширкни йўқотишликка даъват қилиб келдилар. Қуръони карим оятлари асосан, шу ҳақиқатни баён қилди. Ҳар бир намоз ўқувчи одам, фарзми ё нафлми, шу ҳақни ўташликка, Аллоҳга шу намозининг ҳар бир ракъатида, аҳд беради.

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ

Фотиҳа сураси 5 оят

Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз, деб, аҳд беради. Бу ҳақни биз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, инсон табиатида марказлаштирган ҳақ деб, билмоқлигимиз керак!

من حديث أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: كُلُّ مَوْلُودٍ يُولَدُ عَلَى الْفِطْرَةِ ، فَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ ، أَوْ يُنَصِّرَانِهِ ، أَوْ يُمَجِّسَانِهِ ، كَمَثَلِ الْبُهَيْمَةِ تُنْتَجُ الْبُهَيْمَةُ هَلْ تَرَى فِيهَا جَذْعَاءَ

أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ فِي "صَحِيحِهِ" (1385)، وَمُسْلِمٌ فِي "صَحِيحِهِ" (2658)

Ҳар бир туғилган бола, мана шу ҳақни ўташ табиати билан туғилади. Фитра, покиза табиат билан. Тавҳид ҳаққини, ўташлик табиати билан туғилади. Бузуқ тарбия натижасида, инсон бу ҳақни, эсдан чиқарадиган, махлуққа айланади. Ота онаси уни, яҳудий қилади. Насоро қилади ва мажусий қилади. Шу ҳақни ўтамайдиган қилади. Биз билишимиз керакки, бу ҳақ аслдир. Ширк, кейин пайдо бўлган, оразий, сунъий нарсадир.

كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً فَبَعَثَ اللَّهُ النَّبِيِّينَ مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيُخْطَمَ بَيْنَ النَّاسِ فِي مَا اخْتَلَفُوا فِيهِ

Бақара сураси 213 оят

Одамлар ҳаммаси, бир уммат эди. Ҳаммаси бир жамоат бўлиб, тавҳид асосида яшашган. Одам алайҳиссаломдан то, Нуҳ алайҳиссаломгача, одамлар, умматун воҳида бўлиб, тавҳид асосида яшашган. Булар ихтилоф қилиб, иккига бўлингач, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга, ҳукм қилиш учун, тавҳид ҳаққини ўтаганларга, жаннат билан башорат бериш ва тавҳид ҳаққини ўтамаганларга, жаҳаннам билан қўрқитиш учун, пайғамбарларни жўнатди.

وَمَا كَانَ النَّاسُ إِلَّا أُمَّةً وَاحِدَةً فَاخْتَلَفُوا

Юнус сураси 19 оят

Одамлар бир уммат бўлган. Тавҳид асосида бўлган. Кейин, булар ихтилоф қилишган.

قال ابن عباس : كان بين آدم ونوح عشرة قرون ، كلهم على الإسلام ، ثم وقع الاختلاف بين الناس ، وعبدت الأصنام والأنداد والأوثان فبعث الله الرسل بآياته وبياناته وحججه البالغة وبراهينه الدامغة
(Ибн Касир тафсиридан)

Шу оятни тафсирида, Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анҳумо айтган эканлар: Одам алайҳиссалом билан Нух алайҳиссалом ўртасида, ўнлаб асрлар бўлган. Ҳаммалари ислом асосида бўлган. Бирортасида ширк бўлмаган. Нух алайҳиссалом давридан кейин, ширк бошланди.

وَقَالُوا لَا تَذَرُنْ آلِهَتَكُمْ وَلَا تَذَرُنْ وَدًّا وَلَا سُوَاعًا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ وَنَسْرًا

Нух сураси 23 оят

Шу калималарни, Вад, Сувоъ, Яғус, Яъуқ, Наср бешта ном, зикр қилинади. Булар Нух алайҳиссаломдан аввал ўтган, улуғ кишилар номлари. Буларнинг суратларини олишликни, шайтон васваса қилган. У вақтда ибодат қилишмаганда, аждодлар ўтиб кетганидан кейин, авлодлар, бу суратларга ибодат қилиб, мушрик бўлишган. Қуръони карим уларнинг сўзларини келтирадики, улар бу бутларни, ҳеч қачон ташламанглар деб, бир бирларига васият қилишган. Шайтон мушрикларнинг бир турини чиқариб олганидан кейин, бу мушрикларнинг турлари, бир бирига уланиб, кўпая бошлади.

Баъзи бир тоифалар борки, улар юлдузларга ибодат қилишади. Баъзи тоифалар борки, ҳайкаллар ясашиб, шунга ибодат қилишади. Баъзи, тоифалар борки, ойга сиғинишади. Бу ибодатга сазовор деб, даъво қилишади. Баъзилар офтобга ва баъзилар ўтга ибодат қилишади. Булар мажуслар. Булар ўтга махсус бинолар қуришади. Уни атрофида маълум кишиларни қўйиб, шу ўтни ўчирмасдан сақлашликка ҳаракат қилишади. Баъзи тоифалар сувга, ибодат қилишади. Сув ҳар бир нарсанинг асли, дейишади. Сув билан, инсон вужудга келган. Сув билан дарахтлар ҳам, ободончилик вужудга келади деб, шунга ибодат қилишади. Баъзилар ҳайвонларга, ибодат қилишади. Булар ичида, отга ибодат қиладиганлари бор. Молга ибодат қиладиганлари бор. Баъзилар инсонларга, ибодат қилдишади. Баъзи тирик инсонга, ибодат қиладиганлари бор. Баъзилари, ўлган одамларга ибодат қилишади. Баъзилар, жинларга ибодат қилишади. Баъзилар, дарахтларга ибодат қилишади. Баъзилар тоғларга ибодат қилишади. Баъзилар, фаришталарга ибодат қилишади. Хуллас, ҳаммаси Аллоҳнинг кўрсатмасидан чиқишлик билан, ўзи ибодат қиладиган, маъбуд топиб олади.

Шу гаплардан биз ўзимизга хулоса чиқаришимиз керакки, суратларни осиб қўйиш, ҳайкалчаларни, уйимизга қўйиб қўйиш, булар бари, аста секин, ширкка олиб боради. Яхшилиқ олиб келади ва ёмонликни қайтаради, деган эътиқодга олиб боради. Нух алайҳиссалом даврида, шу нарса вужудга келди.

Тавҳиднинг турлари, икки турдир.

Биринчиси, тавҳиди рубубийят, яъни, Аллоҳу Субҳонаху ва таоло яқка яратувчи, коиноту ерни тарбия қилувчи ва ризқ берувчи ва ўлдирувчи ва тирилтирувчи Зот деб, тан олишлиқдир.

Бу турдаги тавҳидда сиз билан тортишадиган мушрик, кам бўлади, ҳаётда. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, давридаги мушриклар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, якка яратувчи, коиноту ерни тарбия қилувчи ва ризқ берувчи ва ўлдирувчи ва тирилтирувчи Зот деб, тан олишарди.

قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدِيرُ الْأَمْرَ ۚ
فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ ۚ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ
Юнус сураси 31 оят

Шу оят, шунга далолат қилади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, мана шу сифатлари мавжуд бўлган мушрикларни, Ла илоҳа иллоллоҳга чақирдилар. Уларнинг бу сифатлари, уларни мусулмонлар сафига, олиб киролмади.

Улар Ла илоҳа иллоллоҳ маъносини, тушунишдиларда,

أَجْعَلِ الْآلِهَةَ إِلَهًا وَاحِدًا إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ عَجَابٌ
Сод сураси 5 оят

Шунча илоҳларни битта илоҳ, қиладимиз? Бу жуда қизиқ ишқу? дейишди. Сувларга алоҳида илоҳ, куруқликка алоҳида илоҳ, дарахтларга алоҳида илоҳ, тоғларга алоҳида илоҳ, бўлгани яхшимасми? дейишди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга, якка Маъбудни исботлаган вақтда,

ذَلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ ۖ خَلَقُ كُلَّ شَيْءٍ فَأَعْبُدُوهُ ۚ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ
Анъом сураси 102 оят

Сизларнинг Роббингиз, ҳар бир нарсани яратувчи Аллоҳдир. Шу Зотга ибодат қилинлар! деди. Улар Аллоҳнинг яратувчи эканини, тан олишарди. Лекин, фақат шу Зотгагина, ибодат қилишмасди. Шунинг учун, мушрик бўлишди. Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, улар билан келишмадилар. Ва уларга қарши бўлишлик, имондан бўлди. Рубубийят тавҳидига иқроор бўлишлик, инсонлар табиатида марказлашган. Бу хусусда бирор мушрик, сиз билан тортишмайди. Магар даҳрийлар тоифасики, Аллоҳни вужудини инкор қилганлар. Булар жуда озчиликни, ташкил қилади. Қуръони каримда, буларнинг ҳам зикри келган.

وَقَالُوا مَا هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يُهْلِكُنَا إِلَّا الدَّهْرُ ۚ وَمَا لَهُمْ بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنْ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ
Жосия сураси 24 оят

Яъни, ҳар бир нарсани, табиатга нисбатлаб, табиат ўлдиради ва табиат тирилтиради деб, эътиқод қилган даҳрийлар, зикри айтилди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларнинг, мутлақо илмлари йўқ. Бу фикрлари тахминдан бошқа нарсамас деб, рад қилди. Бундай тоифа билан мунозара қилишликка ўзи асли, ярамайди ҳам. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга ҳужжат қилиб, баъзи нарсаларни келтирган қуръони каримда. Қани ўз ўзидан яралганми улар ва бу табиат ҳам ўз ўзидан яралганми?! Албатта, ўз ўзидан яралдим деб, даъво қилолмайди улар. Ва табиатдаги нарсаларни ҳам, ўз ўзидан яралган, деяолмайди. Мана бу билан, уларнинг фикрлари, ботил бўлади. Ҳатто, фиръавн ҳам, Аллоҳнинг яратувчи эканлигига, иқроор бўлган. Мусо алайҳиссалом фиравнга, хитоб қилганларида,

قَالَ لَقَدْ عَلِمْتَ مَا أَنْزَلَ هَؤُلَاءِ إِلَّا رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ بِصَآئِرَ وَإِنِّي لَأَظُنُّكَ يُفْرَعُونَ مُتَّبِعًا
Исро сураси 102 оят

Бу нарсаларни, коиноту ернинг Робби, тарбияткунандаси туширганлигини, сен аниқ биласану?! деб, Мусо алайҳиссалом фиравнга хитоб қилди.

وَجَدُوا بِهَا وَاسْتَيْقَنَتْهَا أَنْفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ
Намл сураси 14 оят

Бу оятларни инкор қилишди. Лекин, дилларида, уни аниқ, яқин билишган эди.

وَعَادًا وَثُمُودًا وَقَدْ تَبَيَّنَ لَكُمْ مِنْ مَسْئَلِهِمْ وَرَبِّهِمْ أَنَّ الشَّيْطَانَ أَعْمَلُهُمْ فَصَدَّهُمْ عَنِ السَّبِيلِ وَكَانُوا مُسْتَبْصِرِينَ
Анкабут сураси 38 оят

Улар аниқ Аллоҳни яратувчи эканлигини, билишган. Мана бу оятлар, далолат қиладики, рубубийят тавҳидида, мушриклар пайғамбарлар билан, тортишмаган. Аммо, улуҳийят тавҳидида, тортишишган. Шунинг учун биз, қуръони карим кўп ўринда, Улуҳийят тавҳидини исботлаганини кўрамиз.

Қуръони каримни, агар биз, мулоҳаза билан тиловат қилар эканмиз, қуръондаги ҳар бир сура ва ҳар бир оят, шу тавҳидга даъватдир. Чунки, қуръони карим ё, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло исмлари ва сифатлари ҳақида хабар ё, Аллоҳнинг феллари ҳақида хабардир. Булар ҳаммаси Рубубийят тавҳидирдир. Яъни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг коиноту ерни яратувчи эканлиги ҳақидаги хабар, бу Рубубийят тавҳидирдир. Ё, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга чақирувчи, хабар, бу Улуҳийят тавҳидидир. Ёинки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг аҳли тавҳид бандаларини, дунёю охиратда саодатманд қилишини билдирган хабардир. Бу тавҳиднинг мукофотидир. Ёинки, шу тавҳиддан бош тортганларга, қиёматда азоб беришлигининг хабаридир. Бу тавҳид ҳукмидан ташқарига чиққанларнинг, хабаридир. Ёинки, қуръони карим оятлари ҳукм ва қонунлардир. Бу албатта, тавҳид ҳақларидандир. Қонун чиқариш Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, Ўзининг ҳаққидир! Бунга бировни даъво қилиши, бу Улуҳийятни даъво қилишлиқдир. Буни тан олишлик, ширқдир. Қуръони карим суралари, ҳар бир ояти тавҳид ҳақида хабар десак, хато қилмиймиз. Чунки, булар беш нарсани ўз ичига олади. Такрор қиламиз.

1. Қуръони карим ё, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло исмлари ва сифатлари ҳақида хабар ё Аллоҳнинг феллари ҳақида хабар, Бу рубубийят тавҳидирдир.
 2. Ёинки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзининг ибодатига бўлган чақирув хабари, бу Улуҳийят тавҳидидир.
 3. Ёинки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг тавҳид аҳлини, дунёю охиратда саодатманд қилишини билдирган хабари бўлса, бу тавҳиднинг мукофотидир.
 4. Ёинки, шу тавҳиддан бош тортган кишиларни, қиёматда азоб беришлиги ва дунёда бахтсиз қилишлиги хабари, бу ҳам тавҳиддан бош тортганларнинг жазосидир.
 5. Ёинки, ҳукмларни ўз ичига олади. Ҳукмлар тавҳид ҳаққидир. Ҳаётдаги ҳамма қонунлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Улуҳийят сифатидир. Бу сифатни даъво қилиш, бу улуҳийятни даъво қилишлиқдир. Буни тан олишлик, ширқдир.
- Мана бу нарсани текшириб кўрадиган бўлсак, бешта хабар ҳам, тавҳид ҳаққидадир, биродарлар!

Мана шу, тавҳидни ҳамма турини, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, ўз ичига олади, биродарлар! Минг афсуски, биродарлар, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, бугунги мусулмонлар тушунмайди. Ҳатто, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, давридаги мушриклар тушунганчалик, тушунмайдилар. Улар тушунгани учун, тамоми, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, қарши бўлишганлар. Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси ягона, улуҳийят тавҳидига чақирув эканлигини, мушриклар билишган.

Аллоҳни бор дейишлик, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини қабул қилишлик деб, тушунишмаган. Коиноту ерни, Аллоҳ яратган дейишимиз, шу Ла илоҳа иллоллоҳ калимасининг талабига кифоя қилади деб, тушунишмаганлар. Ибодатни ҳаммасини Аллоҳнинг Ўзига қилсак, шундагина, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини қабул қилиш деб, билганлар. Улар қўй мол, туяларини, Аллоҳнинг исмини айтиб сўйишарди. Лекин, бутга аташарди. Мана шу аташликни, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, бекор қилишини, мушриклар тушунишиб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, қарши туришдилар.

Демак, ким Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтса, ибодатни ҳамма турини, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсага қилишликдан, безор эканлигини, эълон қилганидир. Яъни, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, мен Аллоҳдан бошқага ибодат қилмайман. Ибодатнинг ҳамма тури билан, фақат Аллоҳгагина ибодат қиламан, деганидир.

Мен Аллоҳдан бошқага, дуо илтижо қилмайман. Аллоҳдан бошқадан, ёрдам сўрамайман. Аллоҳдан бошқага, бирор нарса атаб сўймайман. Аллоҳдан бошқага, назр қилмайман. Аллоҳдан бошқага, таваккул қилмайман. Ва ҳаказо, ибодатларнинг ҳамма турини, фақат Аллоҳгагина қиламан, деган нарсанинг, эълонидир.

Макка мушриклари ва башарийят тарихидаги ҳамма мушриклар, пайғамбарларга, мана шу ибодатни, фақат Аллоҳнинг Ўзигагина қилишликни, талаб қилишгани учунгина, қарши бўлишди.

أَجْعَلِ الْآلِهَةَ إِلَهًا وَاحِدًا إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ عَجَبٌ

Сод сураси 5 оят

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, шунча илоҳларни битта илоҳ қиласизми? Бу жуда қизиғу бу?! дейишди. Худ алайҳиссалом қавми:

قَالُوا أَجِئْتَنَا لِنَعْبُدَ اللَّهَ وَحْدَهُ وَنَذَرَ مَا كَانَ يَعْبُدُ آبَاؤُنَا فَأْتِنَا بِمَا تَعِدُنَا إِنْ كُنْتَ مِنَ الصّٰدِقِينَ

Аъроф сураси 70 оят

Аждодларимиз ибодат қилган нарсаларни тарк этиб, якка Аллоҳга ибодат қилишни олиб келдингми? дейишди.

Солиҳ алайҳиссалом қавми:

قَالُوا يَا صَالِحُ قَدْ كُنْتَ فِينَا مَرْجُوًّا قَبْلَ هَذَا أَتَنْهَانَا أَنْ نَعْبُدَ مَا يَعْبُدُ آبَاؤُنَا وَإِنَّا لَفِي شَكٍّ مِمَّا تَدْعُونَا إِلَيْهِ مُرِيبٍ

Худ сураси 62 оят

Аждодларимиз ибодат қилган нарсадан, бизни қайтарасанми?, дейишди.

Нуҳ алайҳиссалом қавми:

وَقَالُوا لَا تَذَرُنَّ آلِهَتَكُمْ وَلَا تَذَرُنَّ وَدًّا وَلَا سُوَاعًا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ وَنَسْرًا

Нуҳ сураси 23 оят

Дейишди. Булар ҳаммалари тушунишдиларки, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, ибодатни Аллоҳдан бошқага қилишни, йўқотувчи калима деб, тушундилар.

Ибодатни Аллоҳга қилишликда бўлган ширклар

Ибодатни қайси тури бўлсада, Аллоҳдан бошқага қилишликни, ибодатдаги ширк деб, аталади. Биз ширк касалига гирифтор бўлган одамларнинг шубҳаларини, олиб келамиз. Биз ширкни билмагунча, Исломни қадрига етмаймиз.

فيذكر شيخ الإسلام ابن تيمية رحمه الله في مواضع من كتبه أثراً يعزوه إلى عمر بن الخطاب رضي الله عنه وهو قوله: (إنما تُنْقَضُ عُرَى الإسلام عروة عروة إذا نشأ في الإسلام من لم يعرف الجاهلية)

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтганлар: Исломни қадрлай олмайди, жоҳилиятда яшамаган одам. Жоҳилийятни билмаган одам, Исломнинг қадрига етмайди. Қирқ йил, эллик йил, жоҳилиятда яшаган одам, биз мусулмонларни кўрганда, ҳайрон қоладик, нима учун шунчалик, катта неъматни қадрлашмайди? деб. Узининг бир нажасдан, пок ўринга чиққанлигини ҳис қилади. Исломнинг қадрини, жоҳилийятда яшамаган одам, билмайди.

Мушрикларнинг ботил ҳужжатлари

Биринчи, одамларнинг мушрик бўлишлари, аждодларини ҳужжат қилишади. Улар бу ақидани, бизнинг аждодларимиз қилиб келган, дейди. Шу нарса билан, ширкка тушиб қолинади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, жуда кўп жойда, аждодларга суянишликни, ақлсизлик деб, атади.

وَكَذَلِكَ مَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ فِي قَرْيَةٍ مِّنْ نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَا إِنَّا وَجَدْنَا آبَاءَنَا عَلَىٰ أُمَّةٍ وَإِنَّا عَلَىٰ آثَارِهِم مُّقْتَدُونَ
Зухруф сураси 23 оят

Сиздан илгари қайси бир шаҳарга огоҳлантирувчи жўнатган бўлсак, у шаҳарнинг маишатпарастлари айтдики, биз аждодларимизни бир йўлда, топганмиз. Шуларни изидан кетамиз, дейди. Мен ўзим, баъзи бир кишиларни ҳаққа даъват қилсам, масалан, қуръонни ўқиб, пул олишлик, бу Исломда йўқ.

اقْرَأُوا الْقُرْآنَ، وَلَا تَغْلُوا فِيهِ، وَلَا تَجْفَوْا عَنْهُ، وَلَا تَأْكُلُوا بِهِ، وَلَا تَسْتَكْثِرُوا بِهِ
Имоми Аҳмад ривояти

Қуръонни ўқинглар ва қуръон билан бир нарса еманглар, деяпди, десам, бизни аждодлар еган ва биз ҳам еймиз, деди. Бўлмасам, уларни ҳаромхўр дейишимиз керак! Мен ейман, деди. Мана бу нарса, аждодларга суянишлик, бу нарса, мутлақо ҳаром! Биз, мабодо аждодларимиз хато қилган бўлсалар,

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ
Ҳашр сураси 10 оят

Худоё, бизни гуноҳларимизни кечиргин ва имон билан ўтган биродарларимизни кечиргин деб, дуо қиламиз. Бу сўз аслида, мунозара майдонида, сариқ чақага арзимади, биродарлар!

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوَلَوْ كَانَ آبَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ
Бақара сураси 70 оят

Аждодлари бирор нарсани билмаган ва ҳидоятда бўлмаган бўлса ҳам, шундай қилишадими?!

أُولُو كَانٍ ءَابَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ

Ақлларины ишлатмасдан, ҳидоятда бўлишмаган бўлса ҳам, шундай дейишадими?! Тўғри, агар аждодлар ҳақда бўлса, эргашишлик билан фахрланамиз.

وَاتَّبَعْتُ مِلَّةَ آبَائِي إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ مَا كَانَ لَنَا أَنْ نُشْرِكَ بِاللَّهِ مِنْ شَيْءٍ ذَلِكَ مِنْ فَضْلِ اللَّهِ عَلَيْنَا وَعَلَى النَّاسِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ

Юсуф сураси 38 оят

Юсуф алайҳиссалом, ҳамма халқларни ширқда топганда, айтдиларки: мен Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, (алайҳимуссалом) аждодларимни йўлига эргашаман. Бизларга, Аллоҳга ҳеч бир нарсани шарик қилишлик, мумкинмас. Бу Аллоҳнинг бизга, фазлидир бу! Ширк маразидан қутулган бўлишлигимиз. Одамларга ҳам, Аллоҳнинг фазлидир! Лекин, одамларнинг кўпи шукр қилмайдилар. Ҳақиқатда, Аллоҳнинг фазлидир бу, ширқдан пок яшашлик. Лекин, одамларнинг озими? Йўқ! Кўпи билмайди. Қуръони карим айтяпти.

Бу неъматга шукр қилмасдан, ўтиб кетишади. Аллоҳнинг энг катта неъматларидан биттаси, бу тавҳиддир, биродарлар! Мана бу тавҳид неъматиг,а жуда кўп одамлар, шукр қилмасдан ўтиб кетади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, аждодларга эргашганларни бир жойдан қўпораман, деяпти. Жуда кўп авлодлар, аждодлар билан фахрланади. Бизнинг аждодларимиз, мана шу ҳунарни эгаллаган экан, деб, эгаллайди.

Йўқ, бу ҳунарни аждодлари эгаллаган учунмас, шу вақтда иқтисоди яхши юриб турганлиги учун, эгаллаган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, аждодларига ҳунарда эргашганларни бир жойдан қўпораман, (тирилтираман) демади.

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَاتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُمْ بِإِيمَانٍ أَلْحَقْنَا بِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَمَا أَلَتْنَاهُمْ مِنْ عَمَلِهِمْ مِنْ شَيْءٍ كُلُّ امْرِئٍ بِمَا كَسَبَ رَهِينٌ

Тур сураси 21 оят

Имон келтирган кишиларни ва уларга имон билан эргашганларни, ҳаммаларини жамлайман, деяди, Аллоҳу таоло! Шу авлодни аждодга улайман, деяпти. Имон билан эргашишлик билан, фахрланмоғимиз керак. Биз аждодларнинг ҳунарини эгаллашликка, Аллоҳ тарафидан маъмурмасмиз. Имонида эргашишликда маъмурмиз, мана. Агар биз аждодлар билан бирлашмоқчи бўлсак, имон сифатида эргашайлик. Шу имон сифатида, эргашган жамоани, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, аждодлари билан бирлаштиради.

Одамлар фахрланади. Бизнинг дадамиз шундай эканлар, шунинг учун биз, шундай бўлиб юрибмиз, дейди. Дадалари намозхон бўлган, жуда кўп одамларни. Ҳозирги намоз ўқимаётган авлодларнинг дадалари ҳам, намозхон бўлган. Жуда кўплари ҳофиз қуръон бўлган. Дадамиз ҳофиз қуръон бўлган экан, деб, ҳофиз қуръон бўлмаган (авлодлари) жуда кўплари?! Жуда кўп, Худосизларнинг дадалари, Худосиз бўлмаган! У қаердан топди, бу Худосизликни?! Қаердан топди, маст қилувчи ичимликни ичишликни?! Дадаси шундай маст қилувчи ичимликни ичишликка, муккасидан кетганми? Аждодларга эргашамиз, дейишади. Қайси одамларнинг аждодлари, шундай ҳаёсиз тўйларни қилган?! Бу бир ҳаво, бу нарса. Ҳеч бири аждодига эргашмайди! Ўзининг ботилини, исботлаш учун айтади. Шунинг учун Аллоҳу таоло, буларни ақлсиз ва ҳеч қандай илмсиз одамлар, деяпти. Ҳақиқатда ақлларины ишлатмаган, одамлар. Чунки, у аждодига, ҳеч қайси соҳада эргашмаган. Аллоҳу таоло қуръонда, жуда кўп жойда, ёд қилди.

وما سمعنا بهذا في آباءنا الأولين
Қасас сураси 36 оят

Буни аждодларимизда ҳеч эшитмовдигу?! Бирор бир суннатни ихё қиламан, десангиз намозда, бу илгари, бунақа гап, йўқ эдию, дейди.

وما سمعنا بهذا في آباءنا الأولين
Қасас сураси 36 оят

Ўтган аждодларда, бу нарсa йўқ эдию?!

Савол беринг! Сизни бу очиқ сочиқ тўй қилишингиз бормиди?! Бормиди, бу маст қилувчи ичимлик ичишлигингиз?! Бормиди, бу кашандалигингиз?! Бу нарсалар бормиди? деб, сўранг! Бирортаси йўқ эди.

وما سمعنا بهذا في آباءنا الأولين
Қасас сураси 36 оят

Демак, бу аждодингизда йўқ нарсани қилаяпсиз экан, бу суннатларни ҳам, қилаверинг унда! Солиҳ алайҳиссалом қавми:

قَالُوا يَا صَالِحُ قَدْ كُنْتَ فِينَا مَرْجُوًّا قَبْلَ هَذَا أَتَنهَلُنَا أَنْ نَعْبُدَ مَا يَعْبُدُ آبَاؤُنَا وَإِنَّا لَفِي شَكٍّ مِمَّا تَدْعُونَا إِلَيْهِ مُرِيبٍ
Ҳуд сураси 62 оят

Шуайб алайҳиссалом қавми:

قَالُوا يٰشُعَيْبُ أَصَلَوْتُكَ تَأْمُرُكَ أَنْ نَتْرَكَ مَا يَعْبُدُ آبَاؤُنَا أَوْ أَنْ نَفْعَلَ فِي أَمْوَالِنَا مَا نَشَاءُ إِنَّكَ لَأَنْتَ الْحَلِيمُ الرَّشِيدُ
Ҳуд сураси 87 оят

Сени намозингми бу, аждодларимиз қилган ишдан қайтараётган? дейишган. Ҳозирда ҳам, намоз ўқисангиз, ё бирор бир, суннатга амал қилсангиз, сен мана шу ишни, қилганингдан кейин, ўзгариб қолдинг! дейишади. Шу биз қилаётган ишлардан қайтараётган, сенинг шу амалингми? дейди. Шу намозингми бизни, аждодларимиз қилган ишдан қайтараётган нарсa? дейишарди. Иброҳим алайҳиссалом, мана уларга,

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا تَعْبُدُونَ . قَالُوا نَعْبُدُ أَصْنَامًا فَنَظُنُّ لَهَا عَافِيَةً
Шуаро сураси 70,71 оятлар

Нимага ибодат қилаяпсизлар? деганларида, Бутларга ибодат қилаяпмиз, дейишди. Шунга ўзимизни боғлаяпмиз, дейишди.

* قَالَ هَلْ يَسْمَعُونَكُمْ إِذْ تَدْعُونَ * أَوْ يَنْفَعُونَكُمْ أَوْ يَضُرُّونَ * قَالُوا بَلْ وَجَدْنَا آبَاءَنَا كَذَلِكَ يَفْعَلُونَ
Шуаро сураси 72,73,74 оятлар

Шу дуо қилаётганларинг сизларни эшитябдими? Бу турган бутларнинг қулоқларига гап қираяпдими? Ё бақрайиб турган кўзлари, кўраяпдими? Ё, сизларга фойда ё зарар етказаяпдими? деб сўраганларида,

* قَالُوا بَلْ وَجَدْنَا آبَاءَنَا كَذَلِكَ يَفْعَلُونَ
Шуаро сураси 74 оят

Аждодлар шунақа қилишаётувди. Бизлар ҳам қилаяпмиз, дейишади.

Ана, бошқа ҳужжат йўқ!, биродарлар! Нима дейиш керак, энди?! Аждодинглар хато қилган дейишликка, мажбур бўласиз энди! Баъзи вақтда, инсонни ҳаққа чақирсангиз, бу ҳақ, энди чиққан бўлса, неччи йиллардан бери, залолат бўлиб келган бўлса, ўтганларни аҳволи нима бўлади, бўлмасам? дейди. Худди, шу сўзни фиръавн, Мусо алайҳиссаломга айтган. Мусо алайҳиссалом тавҳидга даъват қилдилар. Фиравн кўп қиздиришликка уринди, атрофдагиларни.

قَالَ فَمَا بَالُ الْقُرُونِ الْأُولَى * قَالَ عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي فِي كِتَابٍ لَا يَضِلُّ رَبِّي وَلَا يَنسَى
Тоҳо сураси 51,52 оятлар

Охири фиръавн, аввалги асрдаги одамларнинг ҳоли, нима бўлади? бўлмасам, деди. У ўтган асрларнинг илми, Роббимнинг ҳузурида. Нима бўлганлигини, биз билмаймиз уни. Биз мана бу ҳаққа, чақирамиз деб, шундай дедилар. Демак, бу қуръони карим бизга олиб келган хабарлардан биламизки, куфр ва ширк, миллати воҳида, бунинг уруғи бир, биродарлар! Тарихда ҳам бир бўлган. Ҳозир ҳам бир. Бундан бу ёғида ҳам, шу бўлади. Шу сўзлар билан, қаршилиқ кўрсатаверади.

Иккинчи: Ширкнинг шубҳаларидан яна биттаси, қадари билан, ҳужжат қилиш.

Шу қазою қадар шу экан. Пешанамизга битгани, шу экан. Шундай бўлиб ўтаяпмиз, дейди. Қуръони каримга мурожаат қиламиз. Тарихдаги мушриклар ҳам, худди шу гапни айтишган.

سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ شَيْءٍ ۚ كَذَلِكَ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ حَتَّىٰ ذَاقُوا بَأْسَنَا ۚ قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ
مِنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَا ۚ إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ
Анъом сураси 107 оят

Мушриклар айтишадики, Аллоҳ хоҳлаганда, биз мушрик бўлмасдик, аждодларимиз ҳам мушрик бўлмасди, бунақа, бир ҳалол нарсани ҳаром ҳам қилмасдик, дейишади. Аллоҳ хоҳлади, шу иш бўлди, дейишади.

قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَا ۚ إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ
Анъом сураси 107 оят

Сизларда шу сўзингларга, бир илм борми? Сизларни мушрик бўлишингизни, Аллоҳ хоҳлаганини тасдиқлайдиган илм борми? Чиқара оласизларми шуни?!

وَقَالَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا عَبَدْنَا مِنْ دُونِهِ ۚ مِنْ شَيْءٍ نَحْنُ وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ دُونِهِ ۚ مِنْ شَيْءٍ ۚ كَذَلِكَ فَعَلَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ ۚ
فَهَلْ عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ الْمُبِينُ
Наҳл сураси 35 оят

Мушриклар, агар Аллоҳ хоҳласа, Аллоҳдан бошқага биз ибодат қилмаган бўлардик, дейишади. Биз ҳам, аждодларимиз ҳам. Бирор нарсани ҳаром ҳам қилмаган бўлардик, дейишади.

وَقَالُوا لَوْ شَاءَ الرَّحْمَنُ مَا عَبَدْنَاهُمْ ۚ مَا لَهُمْ بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ ۚ إِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ
Зухруф сураси 20 оят

Раҳмон хоҳлаганда, биз ибодат қилмаган бўлардик, бу бутларга, дейишади.

فَهَلْ عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ الْمُبِينُ
Наҳл сураси 35 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларнинг шубҳаларини рад қилиб, Пайғамбарлар зиммасида очиқ етказишлиқдан, бошқа нарса йўқ! дейди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларнинг раддига пайғамбарлар жўнатди. Ўзининг ширкка рози эмаслигини, эълон қилиб, пайғамбарлар жўнатди. Аллоҳга ибодат қилинглари, бутдан четланинглари! деб, буюрди. Аллоҳдан бошқа сиғиниладиган нарсани, бут дейилади.

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِيَ إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِ
Анбиё сураси 25 оят

Ҳар бир миллатга элчилар юбориб, уларни яқка Аллоҳга ибодат қилишга буюрди.

وَسَلِّ مَنْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِيَ إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِ
Зухруф сураси 45 оят

Ўзидан илгари жўнатилган пайғамбарлардан сўрангчи, бирортасига, Раҳмон таолодан бошқа, сиғиниладиган маъбуд қилдикми?! деяпти, Аллоҳу таоло.

Демак, бу мушрикларга қандай мумкинки, агар Аллоҳ хоҳласа, Аллоҳдан бошқага биз ибодат қилмаган бўлардик, дейишади?! Лекин, улар биз хато қиляепмиз деб, ўйлашмайди.

وَهُمْ يَحْسِبُونَ أَنَّهُمْ يَحْسِنُونَ صَنِيعًا
Каҳф сураси 104 оят

Биз яхши иш қиляепмиз, дейди, улар.

Учинчи: Шубҳалардан яна бири, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтишлик, жаннатга киришликка кифоя қилади, дейишади. Агарчи, ширку куфр феълларини қилсак ҳам, шу кифоя қилади, дейишади. Бу мутлақо, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, тушунмаслиқдир.

في حديث عتبان: فَإِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ: "لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ" يَبْتَغِي بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ
البخاري ومسلم في "صحيحهما

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Кимки, Аллоҳнинг ризосини истаб, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтган одамга, жаҳаннамни ҳаром қилади, дедилар.

في الصحيح عن طارق بن أشيم رضي الله عنه عن النبي - صلى الله عليه وسلم - إنه قال: "مَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَكَفَرَ بِمَا يُعْبَدُ مِنْ دُونِ (اللَّهِ، حَرَّمَ مَالَهُ وَدَمَهُ. وَجَسَدُهُ عَلَى اللَّهِ - عز وجل
رواه: مسلم

Кимки, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтса ва Аллоҳдан бошқа сиғиниладиган маъбудларга кофир бўлса, деб қайд қилинган. (Шунда, унинг молини олиш ва қонини тўкиш ҳаром бўлади. Яъни, у мўмин деб танилади)

Ҳасанул Басрийга, одамлар, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини ким айтса, жаннатга киради, дейишди, деб айтганларида,

فقد قيل للحسن البصري رحمه الله: "إن أناسًا يقولون: من قال: لا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ دخل الجنة؟"، فقال: "من قال لا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، فآدى حقها
وفرضها دخل الجنة

Агар Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтса ва ҳаққини адо қилса ва фарзларини бажарса, жаннатга киради, деган эканлар.

وقيل لوهب بن منبه: "أليس لا إله إلا الله مفتاح الجنة؟" قال: "بلى، ولكن ما من مفتاح إلا له أسنان، فإن جنت بمفتاح له أسنان فتح لك، وإلا لم يفتح لك" أخرجه البخاري

Ваҳб ибн Мунаббихга, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, жаннатнинг калитими? деб сўраганларида, Ҳа калити, лекин калитнинг тиши бўлса, бу калит бўлиб, очилади, дедилар. Бу тишлари Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, фарз қилган амаллардир, мана!

Тўртинчи: Шубҳалардан яна бири, Муҳаммат уммати залолатда жамланмайди. Шунинг учун уммат ширкда бўлмайди, деган даъвои қилишади. Бу даъво хатодир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўзлари хабар бердиларки, бу умматда яҳуд ва насороларга ўзини ўхшатиш вужудга келади, дедилар. Яҳуд ва насоролар мушрик бўлмасдан ким? биродарлар?!

عن أبي سعيد رضي الله عنه، أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: لَتَتَّبِعَنَّ سَنَنَ مَنْ قَبْلَكُمْ شِبْرًا بِشِبْرٍ، وَذِرَاعًا بِذِرَاعٍ، حَتَّىٰ لَوْ سَلَكَوا جُرَّ ضَبٍّ لَسَلَكْتُمُوهُ؛ قلنا: يا رسول الله؛ اليهود والنصارى ؟ قال النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم: فَمَنْ؟! رواه الشيخان

Сизлар ўзларингдан илгаригилар йўлига, худди оёқ кийимининг бир пойи, иккинчисига баробар бўлгандек, эргашиб кетасизлар. Худди, яҳуд ва насороларнинг, ўзи бўлиб қоласизлар, дедилар. Калтакесакдан каттароқ ва эчки эмардан кичикроқ бир ҳайвон чеккаларда яшайди. Инига яҳуд насоролар кирган бўлса, бунга нима қиламиз кириб демасдан, сизлар ҳам, шу ерга кирасизлар, дедилар. Шунда, ё Расулуллоҳ ўтган умматлар деб, яҳуд ва насороларни айтяпсизми? деганларида, кимни айтяпман, бўлмасам? дедилар. Ҳозирги вақтда, ўзини мусулмонман деяётган ва турли анъаналарни қилаётган одамларни текширсангиз, бу анъаналарни қилаётган одамлар, кимнинг йўлига кирганини текширишмайди. Эргашасизлар, дедилар. Демак, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, хабар бераяпдиларки, шу илгариги ўтган, яҳуд насороларни қилган феъл, одатларини ҳаммасини қилишликларини, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам хабар бердиларки:

وَلَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّىٰ يَلْحَقَ حَيٌّ مِنْ أُمَّتِي بِالْمَشْرِكِينَ ، وَحَتَّىٰ تَعْبُدَ قِبَانِلُ مِنْ أُمَّتِي الْأَوْثَانُ
خلاصة حكم المحدث : ثابت من حديث

Бу умматдан кўп одамлар, мушрикларга қўшилиб кетмагунча, ва ҳатто, умматдан кўп қавмлар, бутларга ибодат қилмагунча, қиёмат қойим бўлмаслигини, хабарини бердилар. Демак, уммат залолатга кетмайди, деб, ширкмас деб, қилаётган даъволари, хатодир.

Бешинчи: Баъзи шубҳалар борки, биз бу тоғу тошларга ва мазоротларга бориб, Аллоҳдан бошқадан ҳожатларимизни сўраётганимиз йўқ. Фойда ё зарар сўраб, келаётганимиз йўқ. Лекин, Аллоҳнинг ҳузурида, шафоатларини умид қилаяпмиз, дейишади. Чунки, улар биздан кўра, Аллоҳнинг ҳузурида салоҳийятли кишилар. Мартабалари биздан кўра, баланд кишилар. Шуларнинг шафоатларини умид қиламиз, дейишади. Шафоат, китобу суннат билан собитдир. Бунда шак шубҳа йўқ. Лекин, китобу суннатда собит бўлган шафоат, бу шафоатмас, биродарлар.

وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَىٰ
Зумар сураси 3 оят

Аллоҳдан бошқага сиғинаётганлар, биз уларга бизни, Аллоҳга яқинроқ қилади деб, сиғиняпмиз халос, дейишарди. Макка мушриклари бутлар фойда ва зарар етказмайди, деб эътиқод қиладиганлари ҳам, бор эди.

وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْصُرُهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هُوَ إِلَهُنا شَفَعَاؤُنَا عِنْدَ اللَّهِ
Юнус сураси 18 оят

Макка мушриклари бутларни зарар ҳам, фойда ҳам етказмайди деб, эътиқод қилишарди. Уларга, зарар ҳам, фойда ҳам етказмайдиган нарсага, нимага ибодат қиласизлар? дейилса, Аллоҳни ҳузурида бизларни шафоат қилувчи деб, эътиқод қилишарди. Мана шу оятни мазмуни, бутлар уларга, зарар ҳам, фойда ҳам етказмайдиган нарса деб, эътиқод қилганига далолат қилади. Шафоатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан талаб қилинади. Шафоатни ўлган кишилардан талаб қилинмайди.

قُلْ لِلَّهِ الشَّفَاعَةُ جَمِيعًا ۚ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ۖ ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ
Зумар сураси 44 оят

Шафоатнинг ҳаммаси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига хосдир! Бандалар Аллоҳдан шафоатни талаб қилишади. Аллоҳ шафоат қилишга изн беради. Хусусан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, изн беради. Ва кимларни шафоат қилишига изн беради. (Яъни, ҳаммани эмас) Баъзи солиҳ кишиларга ҳам, шафоат қилишликка изн беради. Демак, шафоатни вужудга келишига, иккита шарт бор. Биринчи шарт, шафоат қилувчига изн бўлсин.

مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ
Бақара сураси 255 оят

Аллоҳнинг ҳузурида, Аллоҳнинг изнисиз, шафоат қиладиган ким? Ҳеч ким қилолмайди!

وَلَا يَشْفَعُونَ إِلَّا لِمَنْ أَرَادَ
Анбиё сураси 28 оят

Иккинчи шарти, Аллоҳ ихтиёр қилганга шафоат қилишади. Агар Аллоҳ изн бермаса, фаришталар ҳам, шафоат қилишолмайди.

وَكَمْ مِنْ مَلَكٍ فِي السَّمَاوَاتِ لَا تُغْنِي شَفَاعَتُهُمْ شَيْئًا إِلَّا مِنْ بَعْدِ أَنْ يَأْذَنَ اللَّهُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَرْضَى
Нажм сураси 26 оят

Аллоҳ Ўзи ихтиёр қилган одамига рухсат берганидан кейин, шафоати фойда беради.

يَوْمَئِذٍ لَا تَنْفَعُ الشَّفَاعَةُ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ الرَّحْمَنُ وَرَضِيَ لَهُ قَوْلًا
Тоҳа сураси 109 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўзи ихтиёр қилган ва шафоат қилишига рози бўлганларни шафоати манфаат беради. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло фаришталардан ва жинлардан ва бошқа кишилардан, шафоат сўрашликка, рухсат бергани йўқ.

قُلْ لِلَّهِ الشَّفَاعَةُ جَمِيعٌ
Зумар сураси 44 оят

Шафоат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига хосдир! Аллоҳдан биз шафоат талаб қиламиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шафоат қилувчи инсонга рухсат беради. Кимни шафоат қилишликка рухсат берса, шуни шафоат қилади. Шунинг учун, биз Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан, шафоатни талаб қиламиз.

Олтинчи: Шубҳалардан яна биттаси, билмаган одам алданиб қолиши мумкин бўлгани, василадир. Қуръони каримда

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَابْتَغُوا إِلَيْهِ الْوَسِيلَةَ وَجَاهِدُوا فِي سَبِيلِهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Моида сураси 35 оят

Эй, имон келтирган кишилар, Аллоҳдан қўрқинглар! Ва Аллоҳга васила талаб қилинглар! Аллоҳга ёлвориш ила, васила истанглар.

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ الْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُ ۚ إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ كَانَ مَحْذُورٌ
Исроъ сураси 57 оят

Васила калималаридан шубҳа вужудга келган. Улар шу оят билан, ўзлари билан Аллоҳ ўртасида воситалар қилишлик машруъ деб, билишган. Лекин, қуръони каримнинг бу ояти, у маънодамас, биродарлар! Васила қилиш икки қисм бўлади. Машруъ васила, ва шариатга хилоф васила. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога асмой ҳусно билан, васила қилишлигимиз, бу шаръий василадир.

وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا
Аъроф сураси 180 оят

Аллоҳнинг гўзал исмлари бор. Шу билан, дуо қилинглар, шуни васила қилиб. Демак, биз дуо қиламизки, Ё Аллоҳ, Ё, арҳамар роҳимин, ё Маннон, ё Зал Жалоли вал Икром, калималари билан, Аллоҳнинг асмой ҳусносини, васила қилиб, дуо қиламиз.

Иккинчи, ўзидаги муҳтожликни васила қилиб, Аллоҳга ёлвориш.

أَنِّي مَسْنِي الضُّرِّ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ
Анбиё сураси 87 оят

Айюб алайҳиссалом, эй Роббим, мени оғир касаллик ушлади. Ўзинг раҳм қилувчиларни раҳмлироғисан деб, ўзининг муҳтожлигини васила қилди. Мана Закарийё алайҳиссаломнинг дуолари:

رَبِّ إِنِّي وَهَنَ الْعَظْمُ مِنِّي وَاشْتَعَلَ الرَّأْسُ شَيْبًا وَلَمْ أَكُن بِدُعَائِكَ رَبِّ شَقِيًّا
Марям сураси 4 оят

Қариган вақтларида, эй Роббим, мен қаридим. Суякларим юмшади. Сочларим оқарди. Мени бир зурриётсиз қўймагин. Мендан кейин, бир зурриёт қолсин! деб, Аллоҳдан бир зурриёт талаб қилдилар. Васила қилдиларки, ўзларининг ожиз, заифликларини. Ўзларига зулм қилганликларини васила қилиб, Юнус алайҳиссалом дуо қилдилар.

وَذَا النُّونِ إِذْ ذُهِبَ مُغْصِبًا فَظَنَّ أَنْ لَنْ نَقْدِرَ عَلَيْهِ فَنَادَىٰ فِي الظُّلُمَاتِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ
Анбиё сураси 87 оят

Солиҳ амалларни, васила қилиш мумкин.

رَبَّنَا إِنَّا سَمِعْنَا مُنَادِيًا يُنَادِي لِلْإِيمَانِ أَنْ آمِنُوا بِرَبِّكُمْ فَآمَنَّا ۚ رَبَّنَا فَاغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِّرْ عَنَّا سَيِّئَاتِنَا وَتَوَقَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ
Оли имрон сураси 193 оят

Гуноҳларни мағфират қилишликка, имон келтирганликни васила қилишяпти. Биз имон келтириш деб, чақирган элчини эшитдик, мана ва имон келтирдик, дейишяпти. Яна ишора қилиб қўямиз. Учта кишининг ғорни ичида қолиб кетиб, шу учта киши солиҳ амалларини васила қилиб, дуо қилганлигини, ҳаммамиз биламиз. Битталари, ота оналарини хизматини яхши ўтаганлиги, иккинчилари, холи вақтда, ўзини фаҳшдан тийганлиги, учинчилари, бировни ҳаққини, комил даражада ўтаганлигини васила қилиб туриб, бизга нажот бергин, деб дуо қилдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дуоларини ижобат қилиб, нажот берди.

Роббим Ўзингнинг йўлингда ўқидим. Ўзингни йўлингда омонат билан хизмат қилдим. Ўзинг нажот бергин! деб, солиҳ амалларини васила қилиб, дуо қилишлик, бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, буюрган василадир. Бир киши солиҳ одамнинг олдига келиб, менинг ҳаққимга дуо қилинг, деб, дуо олишлиги, бу шаръий василадир. Ўзидан катта одамдан, мени ҳаққимга дуо қилинг, дейишлиги, бу шаръият буюрган василадир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдек зот ҳам, Умар ибн Хаттобга айтадиларки:

قال: استأذنت النبي ﷺ في العمرة فأذن لي، وقال: لا تنسنا يا أخَيَّ من دعائك ◀ حديث عمر بن الخطاب
فقال كلمة ما يسرني أن لي بها الدنيا

Эй биродар, бизни ҳам дуода эслаб қўйинг, дедилар. Умрага кетаётган вақтларида. Умар ибн Хаттоб айтадиларки: шу биродарим деган сўзини, дунёга алмаштирмийман. Мени шундай дедилар, деган эканлар. Яъни, бирорта солиҳ кишидан, биродар, бизни ҳам эслаб қўйинг, деб сўрашлик, бу шариат буюрган, василадир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизни василага буюраяпти. Аллоҳдан қўрқинглар ва васила истанглар, деган, васила шу!

Аммо, бир киши, фалончини ҳаққи ҳурмати учун, деб, дуо қилиб ўтиришлиги, фалончини мартабаси билан, деб, дуо қилиб туришлиги, хоҳ тирик, хоҳ ўлик бўлсин, булар, шариат маън қилган василадир.

Агар фалончини ҳаққи ҳурмати дейишлик, ширки асғар бўлса, шу одамдан мадад талаб қиладиган бўлса, шу одамни Аллоҳ билан ўзини орасига васила қиладиган бўлса, бу ширки акбардир! Масалан, шу одамга атаб сўйишлиги, қабрига назр қилишлиги, ё фалончи мадад беринг, деб, нидо қилишлиги, булар ширки акбардир. Аллоҳ кечирмайдиган гуноҳдир.

Биз Абдулқодир Жилонийни тавҳид ҳақидаги, ал Фатхур Раббоний ва Ғуния китобидаги сўзларини айтганимизда, эсларинга олингларки, Эй, Аллоҳ билан, ўзингни ўртанга восита қилмагин! Аллоҳ билан ўзингни ўртанга, восита сиғадиган жой йўқ! Магар ширк бўладиган бўлса, у восита сиғадиган майдон, катта майдон очилиб кетади. Аллоҳдан шундай узоқ бўлиб кетасан, дедилар.

Бу Абдулқодир Жилонийдан мадад сўраган одамлар, Абдулқодир Жилонийга, туҳмат қилган одамлардир. Булар Аллоҳнинг ваҳдонийятига чақиргандир, ҳаммалари. Баъзи одамлар тушларга суянишади. Таги пуч бўлган, ҳикояларга суянишади. Фалончи тушда кўрган экан. Пистончи китобда ўқиган экан. Мана бу нарсалар, таги пуч нарсалар. Туш, ҳеч қачон ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилолмайди, биродарлар! Пайғамбарлар туши ваҳидир. Туш, мусулмон бандаларга билдирилган илҳомлардир. Ўзининг шахсий ҳаётид,а бу илҳомлардан фойдаланади. Шуни билиб қўйишлик керак. Баъзи одамлар

وَلَوْ أَنَّهُمْ إِذْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ جَاءُوكَ فَاسْتَغْفَرُوا اللَّهَ وَاسْتَغْفَرَ لَهُمُ الرَّسُولُ لَوَجَدُوا اللَّهَ تَوَّابًا رَحِيمًا
Нисо сураси 64 оят

Шу оятни мушрикликка, ҳужжат қилишмоқчи бўлишади. Агар улар ўзларига зулм қилишган вақтида, сизни олдингизга келиб, Аллоҳга истиғфор айтишса, Расул ҳам улар ҳаққига истиғфор айтса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони тавбаларни қабул қилган ҳолда топишади, деган оятни, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни ўтиб кетганларидан кейин ҳам, олдига келса, ва ёки, бошқа солиҳларни қабрига келса ҳам, бўлаверади, деб, шунга ҳужжат қилишмоқчи бўлишади. Бирор бир саҳобани, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни ўтиб кетганларидан кейин, қабрига келиб, истиғфор айтгани, ривоят қилинганмас.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни қабрига боргандаги суннат амал салом беришлик ва саловот айтишлиқдир. Саҳобаларнинг амали, бизга ҳужжат бўлади. Ассалоту вассалому алайка ё Расулуллоҳ деб, ўтилинади. Саҳобалар қилган иш, шудир, биродарлар. Фалончи тушида кўрган экан, деган нарсаларни ҳужжат қилишлик, бу ярамайди. Бу оят, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларида, одамлар ўзларига зулм қилиб қайтиб келсалар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, қалби шунчалар кенг бўлганки, шунчалик, Исломи ва Расулига зулм қилган одамларни, хатоларини кечириб, улар билан бирга қўшилиб, Аллоҳга истиғфор айтганликларига, улуғ қалб эгаси эканликларига, далолат қилади.

Еттинчи: Шубҳалардан яна биттаси, фалон қабрга бориб, дуо қилганда, мақсади ҳосил бўлган, дейишади. Касали яхши бўлган ва ҳаказо. Одамлар ҳаммаси дунёдан тандуруст боришлик керак, қиёматда савол бўлади, деб ўйлашади. Қиёматда нима учун, сен касал бўлиб келдинг? деган, савол бўлади. Шундан бошқа савол бўлмайди, деб ўйлашадида, тамоми вужудларини, тандурустликка бағишлашади. Агар тандуруст бўлиш учун, нажасни ичишга тўғри келса, шу нарсани ичишади.

Мана, кўп савол қилинадик, бавлни ичиб тузалса бўладими? деб. Биродарлар, бу жуда бир хатарлик савол бу! Бавл шундай нарсаки, инсоннинг либосига тегса, эҳтиёт бўлмаса, азоби қабрга сабаб бўладиган нарсадир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, иккита қабрни олдидан ўтдилар ва айтадиларки: булар азобланишяпти, дедилар. Гуноҳи кабира сабабли азобланмаяпти, дедилар. Кейин, йўқ, гуноҳи кабира сабабли азобланаяпти, дедилар.

Ваҳй келганидан кейин. Битталари чақимчилик билан, ўтган эди. Иккинчиси, бавлидан эҳтиёт бўлмаган эди. Бировларнинг бавлиданмас, биродарлар. Ўзининг бавлидан, эҳтиёт бўлмаган эди. Ўзининг бавлидан эҳтиёт бўлмаслик, бу азоби қабрга сабаб экан. Либосига тегиши. Буни истеъмол қилиш ҳақида гапириш, бу жуда уят гап, бу. Мусулмон одамларга. Одамлар нима бўлса, рўбарў келган нарсани, дори дейишворди. Бирорта ҳайвон ҳам қолмади, дори бўлмаган. Ваҳший ҳайвонлар ҳам, инсондан қочадиган даражага, тушиб кетди. Бавлни дори деган гап, мусулмонларнинг душманлари тарафидан чиқарилган гап бу. Хуллас, шундай хулосага келамизки, Аллоҳдан бошқага ибодат қилаётганлар, ибодатнинг қайси тури бўлса ҳам, ҳеч қандай ҳужжати йўқ!

وَمَنْ يَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا بُرْهَانَ لَهُ بِهِ فَإِنَّمَا حِسَابُهُ عِنْدَ رَبِّهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الْكَافِرُونَ
Муъминун сураси 117 оят

Ширк маразига гирифтор бўлган мушрикларнинг, ҳамма ҳужжатлари ботилдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган амалнинг, энг каттаси тавҳид бўлса, қайтарган нарсаларнинг энг каттаси ширкдир! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширкни, ҳеч қачон кечирмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ۚ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا
Нисо сураси 48 оят

Ширк, энг катта зулмдир. Ким ширк амалини қилган бўлса, энг катта золим ҳисобланади.

وَإِذْ قَالَ لُقْمَانُ لِابْنِهِ وَهُوَ يَعِظُهُ يَا بُنَيَّ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ
Луқмон сураси 13 оят

Ким ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади. Унинг жойи жаҳаннамдир.

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ
Моида сураси 72 оят

Ким ширк касалига гирифтор бўлган бўлса, нажасга айланади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ بَعْدَ عَامِهِمْ هَذَا
Тавба сураси 28 оят

Ҳарами шарифга кирмасин, бу мушриклар нажас, деяпди, Аллоҳу таоло!

Ислом ҳукми барпо бўлган диёрларда, мушрикнинг молию, қони ҳалолдир. (Яъни, мусулмон киши диндан қайтиб мушрик бўлса)

فَإِذَا انسَلَخَ الْأَشْهُرُ الْحُرُمُ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ وَأَحْصُرُوهُمْ وَأَقْعُدُوا لَهُمْ كُلَّ مَرْصِدٍ ؕ فَإِنْ تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ
وَاتَّوُوا الزَّكَاةَ فَخَلُّوا سَبِيلَهُمْ ؕ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ
Тавба сураси 5 оят

Ширкдан тавба қилиб, намозни барпо қилса, закотни ўташса. Унда йўлини холиб қилиб қўйинглар. Баъзи оятда (шуларни қилишса) сизларнинг биродаринглар, дейди, Аллоҳу таоло. Мушрик, ниҳоят даражада адашган махлуқдир. Мушрик гўё, баланд осмондан тушиб, уни қушлар чўқиб, жасадларини майда қилиб, шамоллар учириб ташлаган, ҳолатга гирифтор бўлганидан ҳам баттардир. Гўёки, шундай бўлибди.

وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنَ السَّمَاءِ فَتَخْطَفُهُ الطَّيْرُ أَوْ تَهْوِي بِهِ الرِّيحُ فِي مَكَانٍ سَحِيْقٍ
Ҳаж сураси 31 оят

Мушрик, агар ўғил бола бўлса, бунга биронтаси қизини беришлиги мумкинмас. Мушрика қиз бўлса, уни хотинликка олишлик мумкинмас. (мусулмонлар, китоб аҳлидан бўлмаса.)

وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكَاتِ حَتَّى يُؤْمَنَّ ؕ وَلَا مَآةٌ مُؤْمِنَةٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكَةٍ وَلَوْ أَعْجَبَتْكُمْ ؕ وَلَا تُنْكِحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّى يُؤْمِنُوا ؕ وَلَعَبْدٌ مُّؤْمِنٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكٍ وَلَوْ أَعْجَبَكُمْ ؕ أُولَٰئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ ۖ وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ بِإِذْنِهِ ۖ وَبَيِّنَ آيَاتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ
Бақара сураси 221 оят

Мушрик кишининг амали, қабул бўлмайди. Унинг ибодати, саҳиҳ бўлмайди.

وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكَتَ لَيَحْبِطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ
Зумар сураси 65 оят

وَلَوْ أَشْرَكُوا لَحَبِطَ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ
Анъом сураси 88 оят

ояти бунга ҳужжатдир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан паноҳ истаймиз, ширк ва нифоқ ва куфрдан. Мана бу, ширк ҳақидаги баъзи маълумотларни, мушрикларнинг ҳужжатларини баён қилган бўлдики, бизнинг умматга, ширк амаллари ниҳоятда кириб кетгандир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг оятлари мўъжизалиги, яна бир бор, билинадики,

وَمَا يُؤْمِنُ أَكْثَرُهُمْ بِاللَّهِ إِلَّا وَهُمْ مُشْرِكُونَ
Юсуф сураси 106 оят

Бу амалингиз ширк десангиз, одамлар, биз имон келтирганмиз, бизни мушрик дейсанми? дейишади. Аллоҳ айтяпти: одамларнинг кўпи, мушрик ҳолатда имон келтиришади, деяпти. Бу Аллоҳнинг сўзи биродарлар! Имон келтирдик деган одамлар, кўпчилиги мушрик эканлигини Аллоҳ, баён қилаяпти мана. Мана бу нарсадан биз, ниҳоятда эҳтиёт бўлмоғимиз керак! Чунки, Аллоҳнинг ҳузурига, агар бир киши, имон билан, тавҳид билан борса, хатолари кўп бўлсада, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кечириши мумкин?! Хоҳласа кечиради. Хоҳласа, гуноҳига яраша азоблаб, жаннатга дохил қилади. Аммо, ширк билан кетган бўлса, ҳар қанча кечаси туриб, ибодат қилган бўлсин. Кундузи нафл рўзалар тутган бўлсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, унинг амалини қабул қилмайди. Ва унинг жойи жаҳаннамдир! Бу бирор олимнинг сўзимас. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг азалий китобидаги сўздир!

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ
Моида сураси 72 оят

Мана шу оят бизга далолат қилади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, ҳам ширк маразидан сақласин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, маънавий дардларимизга ҳам, шифо берсин! Ўтган умримизда шу ширкни қилган бўлсак, Аллоҳ бизни кечирсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога тавба қилдик. Ўтган вақтдаги ширк касалларимизга. Ширкдан тавба қилиб, намозни барпо қилса, закотни ўташса, сизларнинг биродаринглар, дейди, Аллоҳу таоло. Тавба қилган одамни, мушриксан дейилмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, ҳам тавҳидда барқарор қилсин! Шу дарсларимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

30 дарс тугади

31 Дарс

Пайғамбар алайҳиссаломга эргашишликда тўртта асосий сифат ҳақида

(Бу дарсда, Муҳаммад алайҳиссаломга эргашиш, асосан тўртта нарсада бўлиши зарурлиги баён этилиб, шу тўртта нарсада, у кишига эргашган киши, комил суратда эргашувчи бўлиши, қатор далиллар билан, исботланади. Булар садоқат, омонат, фатонат, ва таблиғдир. Бу сифатлар ҳаммада бўлиши билан бирга, уламоларда бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар у кишига эргашиб даъват қилсалар, тўғри йўлда бўладилар. Бу учун, уларда шу сифатлар мавжуд бўлиши лозиму лобуддир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد ألا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло биринчи бўлиб, башарийятнинг отасини, Одам алайҳиссаломни яратди. Ва Одам алайҳиссаломдан жуфтини яратди. Ва икковларидан кўп кишилар ва аёлларни таратди. Уламолар ичида, биринчи пайғамбар қилиб жўнатилинган зот, Одам алайҳиссаломдир ва пайғамбарлик ундан бошланган деган, фикр ҳам бор. Лекин, аксар уламолар нубувват Нух алайҳиссаломдан бошланган, дейишади. Нух алайҳиссаломгача, одамлар ўртасида, (диний масалада) ихтилоф бўлмаган.

كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً

Бақара сураси 213 оят

Одамлар ҳаммаси, бир уммат бўлиб яшашган. Шунинг учун нубувват то, Нух алайҳиссалом давригача, содир бўлмаган, дейишади. Нух алайҳиссалом, биринчи пайғамбар ҳисобланади, дейишган.

إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّينَ مِنْ بَعْدِهِ

Нисо сураси 163 оят

Биз сизга ваҳй қилдик, худди Нух алайҳиссаломга ваҳй қилганимиздек, ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳй қилганимиздек, деган оятни, ҳужжат қилишадик, биринчи наби, Нух алайҳиссалом эканлигига ва у кишидан нубувват бошланган ва рисолат ҳам бошланган. Нух алайҳиссалом даврида, ширк бошланди.

Нух алайҳиссалом давридаги солиҳ кишиларни суратларини олиш натижасида, аввалги аждодлар ибодат қилишмаган бўлсада, кейинги авлодлар, бу суратларга эҳтиром қилишиб, кейинчалик, ибодат қилиб юборишган.

وَقَالُوا لَا تَذَرُنَّ آلِهَتَكُمْ وَلَا تَذَرُنَّ وَدًّا وَلَا سُوَاعًا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ وَنَسْرًا

Нух сураси 23 оят

Мана шу, қуръони каримда, зикр қилинган бешта бут номи, Нух алайҳиссаломдан олдинги даврдаги, солиҳ кишилар бўлишган. Фосиқ кишилар бўлмаганлар. Кейинги авлод, уларни ҳаддан ташқари, ҳурмат қилишлик натижасида, ибодат қилиб юборганлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, нубувватни давом эттирди. Охирги рисолат соҳиби, Муҳаммад алайҳиссалом бўлдилар. Башарийят гўёки, гўдаклик босқичидан камолот ёшига етиши билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, комил дин билан, Муҳаммад алайҳиссаломни жўнатди. Дин комил бўлди ва энди рисолатга ҳожат қолмади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳаётликларида, Аллоҳ буюрган амалларни қилиб, яшадилар. Қайтарган нарсалардан, қайтдилар. Баъзи нарсаларни, ўзлари тавсия қилдилар. Бу нарсаларни қилишлик, бизга суннат бўлиб, қолди.

Баъзи нарсаларни буюрмасдан, қилдилар. Бу нарса ҳам, бизга суннат бўлиб қолди. Баъзи нарсаларни, ҳузурларида қилинган вақтда, маън қилмадилар. Бу ҳам бизга, тақририй суннат, бўлиб қолди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтган сўзлари, ҳадис дейилади. Суннат эса, айтган сўзлари ва қилган амаллари ва бошқалар қилган пайтида, маън қилмаган амалларни, ўз ичига олади. Ер юзида имонни даъво қилган инсон борки, улар ҳар бири, Аллоҳга муҳаббат қилишади. Аллоҳни яхши кўраман деб, даъво қилишади. Аллоҳнинг муҳаббати, бу сўз билангина ифодаланидиган нарса, бўлмаслиги керак. Бу ҳазлий нарса, бўлмаслиги керак. Аллоҳнинг муҳаббати, жиддий нарса эканлигини, Аллоҳ баён қилди. Ер юзидаги инсонлар, хоҳ мўминлар бўлсин, хоҳ бошқалар бўлсин, ўзининг маъбудига муҳаббат қилади.

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَندَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ

Бақара сураси 165 оят

Одамлар Аллоҳдан ташқари, Аллоҳга шарик қилиб олган бутларини, яхши кўришади. Аллоҳни яхши кўришгандек. Улар, яъни, мушриклар, Аллоҳни яхши кўришади. Шу билан бирга, ўзлари сиғинаётган маъбудотларини ҳам яхши кўришади. Худди, Аллоҳни яхши кўргандек.

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ

Бақара сураси 165 оят

Имон келтирган кишилар, Аллоҳни кўпроқ яхши кўришади. Юқоридагилар мушриклар эди. Улар ҳам Аллоҳни яхши кўришарди. Ва шу билан бирга, ўзлари сиғинаётган маъбудотларини ҳам, яхши кўришади. Мўминлар эса, Аллоҳнинг муҳаббатида ниҳоятда қаттиқдир. Ер юзидаги, имонни даъво қилган ҳар бир киши, Аллоҳга муҳаббатни даъво қилади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг муҳаббатини, ҳазлий нарса қилмади. Жиддий нарса қилди. Ва ҳар бир кишига, бир ўлчовни бериб қўйдики, Эй Аллоҳга муҳаббатни даъво қилганлар, мана бу тарозуда, ўзингларни муҳаббатингларни ўлчаб кўринглар. Таъбир жоиз бўлса, мана бу ойнага қараб кўринглар. Сизларни Аллоҳга муҳаббатингларни, бор ё йўқлигини исботлаб берадиган ойна. Бу ойнани олинглар ва кўрингларки, Аллоҳга муҳаббатни даъво қилишда содиқмисизлар ё, козибмисизлар?! Бу ойна, мана шу оятдир.

قُلْ إِن كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

Оли Имрон сураси 31 оят

Эй, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг муҳаббатини даъво қилганларга айтинг: Агар Аллоҳни яхши кўрсанглар, менга эргашиглар! Ким Аллоҳни яхши кўраман деса, Аллоҳ буюряпдики, менга эргашиглар деб. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, расулига эргашган кишиларга, Ўзининг муҳаббатини, эълон қилаяпди.

يُحِبُّكُمْ اللَّهُ

Аллоҳ сизларни яхши кўради. Оний заиф, инсон тарафидан муҳаббат бўлса, Аллоҳ тарафидан, муҳаббат эълон қилиняпди. Яъни, расулига эргашиш билан, ўзининг муҳаббатини исбот қилса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг муҳаббатини эълон қилибгина қўймасдан, гуноҳларининг мағфиратини ҳам, ваъда қилаяпди. Аллоҳ Ўзини гуноҳларни кечирувчи ва раҳматини юборувчи Зот эканлигини, эълон қилаяпди. Мана бу нарсa биродарлар, жуда бир катта мукофот, агар бунинг бир очиқ қалб билан кўрадиган бўлсак. Агар бир киши, минг марта, Аллоҳни яхши кўраман десаю, Аллоҳ тарафидан унга бир марта жавоб келмаса, у муҳаббатда маъно йўқ, биродарлар!

Аммо, мўмин киши, бир марта Аллоҳни яхши кўраман, десаю, Аллоҳ тарафидан жавоб келса, Муҳаббат жавоби келса, бу жуда катта бахту саодат. Аллоҳ тарафидан Муҳаббат келмайди, магар Расулига эргашганлиги билан муҳаббатини исботласа, Аллоҳ тарафидан Муҳаббат келади! Ва Аллоҳ гуноҳларини мағфират қилади ва Ўзининг раҳматини жўнатади. Мана бу, бизга ойнадир, биродарлар! Ёки, ўлчовдир. Мана бу ўлчовга муҳаббатни даъво қилган киши, муҳаббатини тарозунинг бир палласига қўйсин! Ва ўзининг эргашяпдими йўқми? Шунинг аниқласин! Бўлмаса, муҳаббат даъвосида тўғримаслигини, ўзи тан олсин! Муҳаммад алайҳиссаломга эргашишлик, бир тарафдан Аллоҳ Муҳаббатида даъвосини исботини, бизга кўрсатса, иккинчи тарафдан Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мартабаларини қанчалик баландлигини ҳам, бизга кўрсатади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашган кишиларга, Аллоҳ Ўзининг Муҳаббатини эълон қилган. Гуноҳларини мағфиратини, эълон қилган. Бир инсонни Аллоҳ бир баланд мартабага кўтарса, мана шу мартабага кўтаради. Бундан ортиқ мартаба бўлиши мумкинмас, биродарлар! Иккинчи тарафдан, инсон Аллоҳни муҳаббатини даъво қилишга хижолат бўлиб туришлиги керакки, чунки, азалий ва абадий Зотнинг муҳаббатини, Аллоҳ изн бермаса, инсон Аллоҳни яхши кўраман, дейишликка ҳам, журъат қилолмайдиган ҳолатдир бу! Шунинг учун ҳам уламолар,

سَبِّحْ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى

Аъло сураси 1 оят

оятини, буйруқдан кўра, ожиз инсонга, буюк ва Аъло Роббингни номи билан, тасбиҳ айтиб, зикр қилишга рухсат, деб, тафсир қилишган. Яъни, инсон, мен оғзимга, улуғ Аллоҳнинг номини олсам, мумкинмикан? деб, тортиниб турган вақтда,

سَبِّحْ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى

Аъло сураси 1 оят

Олий Роббингизни поклаб, тасбиҳ айтинг! Рухсат сизга, деб, таъвил қилишганлар.

فَاذْكُرُونِي أَذْكُرْكُمْ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ

Бақара сураси 152 оят

Мени ёдингларга олинглар, Мен сизларни ёдимга оламан, деяпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, жуда катта мукофотдир.

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا

Аҳзоб сураси 21 оят

Сизларга, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламда, гўзал бир намуна бор. Деди.

Бизга намуна, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бўлмоқлиги керак. Аллоҳдан, Қиёмат кунидан умид қилиб, Аллоҳни кўп ёд қилган кишига, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, намуна бўлмоқлиги керак.

Демак, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, ўзига намуна қилган киши, Аллоҳдан умидвор бўлган кишидир. Қиёмат кунидан умидвор бўлган киши ва Аллоҳни кўп ёд қилган кишидир. Энг зокир киши ким? (Зокир, Аллоҳни кўп зикр қилувчи киши деганидир.) Зокир киши, ҳаётида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, ўзига намуна қилган кишидир! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашишликни, асосий сифатлари, тафсир уламулари, тўрт қисмдан иборат дейишганки, бошқа ҳамма амал, шу тўрттага дохил бўлади.

Пайғамбар алайҳиссаломга эргашишликда тўртта асосий сифат

Биринчи: садоқат. Пайғамбарлар ҳаётларида кизб бўлмаган. Ҳаттоинки, душманлари ҳам, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, нубувватдан илгариги ҳаётларида, ёлғон гапирган деб, ҳужжат келтиролмаган. Пайғамбарлар рисолатининг асоси, тўғрилиққа қурилгандир. Бирорта пайғамбар, кизбда тухматланганмас. Ҳаммаларини содиқ кишилар эканликларини, тан олишган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, пайровлик қилган одам, биринчи, мана шу сифатда эргашмоқлиги керак.

Иккинчи, омонат. Бизлар омонат деганда, мақсадимиз молу давлат бўлгани учун, молу давлатга омонатли бўлиши тушунамиз. Омонат аслида, Аллоҳ тарафидан буюрилган вазифаларга, омонатдор бўлишлиқдир. Аллоҳ буюрган нарсаларни вақтида ўташлик, ва қайтарган нарсаларидан қайтишлик, бу омонатдорликни энг комил суратидир. Омонат коиноту ер ва тоғларга кўндаланг қилинганда, улар бу омонатни қабул қилишлиқдан қўрқишган.

إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا

Аҳзоб сураси 72 оят

Аллоҳ буюрган нарсаларни қилиш, ва қайтарган нарсаларидан қайтишлик, бу энг катта омонатдор кишининг сифатидир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, Аллоҳ буюрган нарсаларни қилиш, ва қайтарган нарсаларидан қайтишлик билан, тўладир.

Учинчи, фатонат. Ниҳоят даражада, зийрак бўлишлик. Ҳужжати кучлик бўлишлик. Пайғамбарлар тарихда бирорта рақиблари олдида, мулзам бўлганлари йўқ. Башарийят тарихида ўтган ҳамма, Пайғамбарларнинг ҳужжати, қувватлик бўлган. Улар рақиблари билан мунозара қилишган вақтларида, доим ғолиб бўлишган. Чунки, улар билан бирга бўлган йўл, ҳақ эди. Шунинг учун, Пайғамбарларга эргашган киши, рақиблари олдида, зийрак бўлмоқлиги керак. Бўлмасам, рақиб сизни алдаб кўяди. Оддий мисол қилсак, сиз билан курашаётганда мағлуб бўлиб қолса, сизни ҳалимлик, исломда яхшилигидан огоҳлантиради. Ҳалимлик ва кечиримлилиқ яхшилигини, сизга тушунтира бошлайди. У қувватлик бўлиб, сизни енганда, унга ҳеч қандай, ҳалимлик керакмас эди. Зийрак бўлмоқлик керак. Саҳобаи киромлар ва хулафои рошидинлар, ҳаммалари зийрак бўлишганлар.

Умар ибн Хаттоб, мен бировни алдашликдан афзалман ва бировга алданишликдан ақллироқман, деган эканлар. Инсоннинг фатонати, ақл идроки, зийрак бўлмаса, ўзига берилган илмни, тўғри бошқара олмайди. Ҳикмат пайғамбарларга берилган. Улар умматларга, ҳикматни ўргатишган.

وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُزَكِّيهِمْ
Бақара сураси 129 оят

Ҳикматнинг бир маъноси, илмнинг ўз ўрнида ишлата билишлиқдир. Бунинг акси, макрдир. Масалан, мен сизни уйингизга борганда, саховат ҳақида гапирсам, саховат яхши сифат эканлигини билиш, бу илмдир. Ва қаноат яхши сифат эканлигини билиш, ҳам илмдир. Аммо, сизни уйингизга борганда, саховат ҳақида гапиришлигим ва мени уйимга келганингизда қаноат ҳақида, гапиришлигим, бу макрдир. Чунки, сизни уйингизга борганда, саховат ҳақида гапираётганим, илмни таъмага ишлатаяпман. Ўзимни уйимда, қаноат яхши деган илмни, бахиллигимга парда қилаяпман. Мана бу соҳада, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, ер юзидаги маккор душманларининг бирортаси, алдаёлмаганлар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қиёматгача келадиган умматга, таълим бериб кетдилар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

روى البخاري ومسلم عن أبي هريرة - رضى الله عنه - عن النبي - صلى الله عليه وسلم - أنه قال
« لَا يُلْدَغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرٍ وَاحِدٍ مَرَّتَيْنِ »

Мўмин киши бир тешиқдан, икки марта чақилмайди, дедилар. Яъни, мўмин киши, икки марта алданмайди. Мўмин киши гўл ва содда одам, демадилар. Мўмин киши, икки марта алданмайди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳажв қилиб, ёмонлаган шоир, биринчи марта асир бўлиб тушганда, афв қилиб кечирдилар. Иккинчи марта қўлга тушганда, кечирмадилар. Иккинчи марта, сизни, қуръонни, динни, масхара қилиб юрмийман, деганида, Муҳаммадни икки марта алдадим деб, юрмагин, деб қатл қилдилар. Расулига эргашган мўмин киши, закий бўлмоқлиги керак.

Тўртинчиси, таблиғ. Динни бошқаларга етказишлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг китобида, рисолатни етказувчиларни мақтади.

الَّذِينَ يُبَلِّغُونَ رِسَالَاتِ اللَّهِ وَيَخْشَوْنَهُ وَلَا يَخْشَوْنَ أَحَدًا إِلَّا اللَّهَ ۚ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ حَسِيبًا
Аҳзоб сураси 39 оят

Аллоҳнинг рисолатини етказадиган кишилар, Аллоҳдангина қўрқишади ва Аллоҳдан бошқадан қўрқмадилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу нарсада намуна эдилар. У кишининг бирор бир тарихда, ривоят қилинмаганки, бирор нарсадан қўрқанлар деб. Магар биринчи марта, ваҳй тушганида, ожиз инсон Аллоҳ тарафидан, ваҳй қабул қилиш ҳолати бўлмагани учун, шунда титраган ҳолатда келдилар. Бошқа ҳолатларда, ривоят қилинмаганки, бирор нарсадан қўрқанликлари. Магар Аллоҳдан қўрқанлар. Аллоҳдан қўрқишлари шу даражадаки, шунча амаллари бутун бўлишлиги билан, шунчалик, Аллоҳнинг буйруқларига муқайяд бўлишлиқда ва башарийят тарихида, бунчалик тақволик зот ўтмаган бўлишларига қарамасдан, мана кўп саҳобалар ривоят қилишган, тунги таҳажжуд намозларида, ичларидан чиққан йиғи, худди қозонни қайнаган пайтидаги каби, овоз чиқиб турарди, дейишган.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳдан қўрқишлари қанчалик юқори бўлишлари билан, Аллоҳдан бошқадан қўрқмаганлар. Мана бу сифатда, Расулига эргашмоқлигимиз керак!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, душманлар кўп бўлган вақтида, энг шижоатлик саҳобалар ҳам, Али ибн Абу Толибдек кишилар, Ҳамза ибн Абдулмутталибдек, шаҳидларнинг саййиди ҳам, иш оғирлашганда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларига ўтиб ҳимояланардик, дейишган.

Мадинада бир қаттиқ товуш эшитилганда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобалардан битталарини отларини сўраб олиб, Мадинадан ташқарига чиқиб, хабар олиб келдилар. Саҳобалардан битталари нима товуш экан, деб, чиқаётсам, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам кўрқманглар, тинчлик деб, келаётган эканлар, дейдилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ғазотдан қайтаётганларида, йўлда чарчаб, ҳаммалари, шамширларини дарахтларга илиб қўйиб, дам олишарди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳам чарчаб, кўриқчилари ҳам ухлаб қолганларида, кўзларини очсалар, мушриклардан бири, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни пойлаб, шамширларини олиб, устларига келиб, қилич кўтариб турган экан. Мушрик у кишига қараб, Мендан сени энди, ким ҳимоя қилади, эй Муҳаммад?! деди. Шунда, Аллоҳ ҳимоя қилади, дедилар. Ҳеч ким йўқ. У ажабланиб, Аллоҳ ҳимоя қилади? деб, турган ҳолатда, қўллари қалтираб, қилич тушиб кетди. Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам хотиржамлик билан қилични олиб, энди сени ким ҳимоя қилади, мендан? дедилар. Кечиринг деб, ёлворгандан кейин, қайтиб кетишликка рухсат бердилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тарихларида, бирон бир ўринда кўрққанлик йўқ. Инсон Аллоҳдан кўрқса, бошқа нарсадан кўрқиш йўқолади. Мана бу нарса, таблиғда билинади. Биз ҳам кўрқмаймиз. Ўзимизнинг шахсий манфаатимиз бўлган соатда кўрқмаймиз. Аллоҳнинг рисолатини етказишда, энг кўрқоқ кишилар бизлармиз! Аллоҳнинг муҳаббатини даъво қилганлар, мана бу сифатда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, эргашади. Шунда, Аллоҳ яхши кўради уларни ва гуноҳларини мағфират қилади. Исломиий даъватни етказгандан кейин, инсон, бу даъватни ижобат қилган кишиларни, тарбияламоғи керак. Тарбия нима билан бўлади? Китобу суннатни, тарбияси билан бўлади. Аллоҳнинг китоби ва суннат. Суннат деганда, ҳали айтганимиздек, уч нарсани тушунамиз. Сўзлари ва амаллари ва у кишининг ҳузурида қилинганда, қайтармаган амаллар. Мана шу суннатни, таълим бермоқлигимиз керак. Бу суннат, ҳикмат маъноларини, ўз ичига олади.

هُوَ الَّذِي بَعَثَ فِي الْأُمِّيِّينَ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِنْ قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُبِينٍ
Жума сураси 2 оят

Шу оятдаги китоб, қуръони карим бўлса, ҳикмат, суннатдир. Шу нарсани биз, кишиларга таълим бермоқлигимиз керак. Шу вақтда инсон, содиқ, амин, зийрак ва мубаллиғ, Аллоҳни даъватини етказувчи, кишига айланади.

Омонат сифатини ўташлик жумласидандир, фарз амалларни, вожибларни ва суннатларни бажаришлик. Суннатлар, сунанул ҳудо ва сунанул аъдо. Ҳидоят суннатлари ва одатий суннатлар. Ҳидоят суннатларини тарк қилсак, гуноҳкор бўламиз, биродарлар! Одатий суннатлар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, буюрмаганлар. Уни қилсак, албатта ажр бор. Аллоҳнинг муҳаббати, бизга эълон қилинади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳаром нарсалардан воз кечишликда, эргашишлик. Ва макруҳи таҳлилий ва макруҳи таҳримийдан воз кечишда, эргашишлик. Бу макруҳи таҳримий, ҳаромга яқин бўлган макруҳлар. макруҳи таҳлилий, ҳалолга яқин бўлган, макруҳлар. Мана бу нарсалардан воз кечмоқлигимиз керак! Кўп вақтларда баъзи мусулмонлар, фарзларни бажаришликда бепарво бўламизда, суннатларни бажаришликда, маҳкам бўламиз. Бунга ўхшаган ҳолатда, ўзимизни фикримизни, тўғрилашга муҳтожмиз. Бу тўғрилашлик, фарзни қилиб, суннатни тарк қилиш, деганимас. Фарзни суннатдан муқаддам қилмоқлик, деганидир.

Баъзи кишилар, сиз фарзга бепарво экансиз, сиз фарзни ўнганг, деса, бу суннатдан воз кечиш керак, деганимас, биродарлар! Биз таълим берганимизда, суннатни фарз билан бирга қўшиб ўргатмоқлигимиз керак! Баъзи кишилар, фарз ва суннатларни бирга қўшиб, ижро қилишса, тўғриликини, ўзига лозим тутмайди.

Баъзи кишилар, тўғри гапирсада, омонатни, ўзига лозим кўрмайди. Баъзи кишилар, ўзининг шахсий аҳволида яхши яшашсада, Аллоҳнинг буйруқларини бошқаларга етказишликка, эътибор бермайди. Баъзи бир кишилар, бошқа одамларга даъватни етказса, ўзининг хонадонига етказмайди.

Мана бу нарсалар, бизнинг Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашишликда, жуда кўп, нуқсонимиз борлигига, далолат қилади. Биз, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳамма нарсада, олий намуна деб, эътиқод қилмоқлигимиз керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло у кишига, ҳар бир нарсада, комилликини берган деб, эътиқод қилмоқлигимиз керак. У киши ҳар бир амалларда, энг олий мақомда деб, эътиқод қилмоқлигимиз керак. Ва энг олий мартабада деб, билмоқлигимиз керак! Бу нарсадан нима келиб чиқади?!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамма амалий суннатлари, олий мартабада деб, билмоқлигимиз керак! Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг либослари, энг комил суратда деб, билмоқлигимиз керак! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамма ҳолатлари, емоқ ва ичмоқ ва ҳаётдаги барча шахсий ҳолатлари, энг комил аҳволда деб, билмоқлигимиз керак! Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг фарзандлари билан ва оилалари билан бўлган муносабатлари, энг комил мартабадаги муносабатлар деб, билмоқлигимиз керак! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қўшилари ва умумий одамлар билан, бўлган муносабатлари ҳам, энг комил мартабадаги муносабатлар деб, билмоқлигимиз керак! Мусулмон киши, ҳар бир ҳолатда. Расулига ўхшашига ҳаракат қилмоқлиги керак!

Мисол қилиб олганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий ҳолатда, мўйловни қисқартириб, соқолни қўйиш керак деганларини, замонлар ўзгариши билан, ҳеч қайси ҳолатда, бунга амал қилмасак ҳам бўлаверади, деган гапни қилмаслигимиз керак! Бу нарса, бу сунанул худодан. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларидир бу! Ҳали айтиб ўтдик, Суннатлар, икки қисм бўлади. Сунанул худо, буюрган суннатлари. Сунанул аъдо, бу одатий суннатлар. Мана бу соҳада, биз Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамма амаллари, энг олий мартабада деб, эътиқод қилмоқлигимиз керак! Агар кимда ким, камолотни, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қилган амаллардан, бошқа амалларда деса, очикдан очик, заллатга кетади.

Бизнинг суннатларга эргашишимиз, Аллоҳ муҳаббатининг натижаси билан, бўлиши керак. Бу зўрлик билан, бўлмаслиги керак. Қалбимизда аввало, Аллоҳ муҳаббати ўрнашиши керак. Кейин, бунинг исботи ўлароқ, иттибоир расул, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, эргашишимиз керак. Биз агар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашмасак, барибир, бошқаларга эргашишга мажбур бўламиз. Масалан, бир киши уйланмоқчи. Қуръон ва суннада, уйланишни, қайсиниси суннатга мувофиқ ва қайсиниси суннатга зид экани, баён қилинган. Бир киши вафот қилди. Майитни дафн қилишда, қайси амаллар суннатга мувофиқ ва қайсиниси суннатга зид экани, баён қилинган. Фарзанд туғилди. Фарзанд туғилиши билан, қайси амаллар суннатга мувофиқ ва қайсиниси суннатга зид, бу ҳам баён қилинган.

Оддий мисол қилсам, таҳоратга кираётганда, қайси амаллар суннатга мувофиқ ва қайсиниси суннатга зид, бу ҳам баён қилинган. Аллоҳнинг марҳамати билан, йигирма уч йил муддатда, ваҳй билан, қиёматгача бўлган, ҳаётнинг ҳамма муаммоси ҳал қилинган. Мана бу Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ва у кишининг умматларига, тамоми қиёматгача катта фазлидир бу! Баъзи бир, хусусий ҳолатдаги баён қилинмаган нарсаларни, умумий ҳолат билан ифодаланган. Агар биз, шу баён қилинган суннатга эргашмас, эканмиз, қандайдир бошқа нарсаларга, эргашиб кетамиз. Масалан, фарзанд туғилди.

Шу Фарзанд туғилиши билан, қайси амалларни қилсак, суннатга мувофиқ бўлади, десак, бу бизга баён қилинди. Ном қўйиш. Ўнг қулоғига азон ва чап қулоғига иқома айтиш, бу нарсалар ҳаммаси суннат амаллардандир, биродарлар! Буни қилмасангиз, қандайдир бошқа нарсаларни қиласиз. Баъзи кишилар айтадики, ҳозирги вақтда, бу каби майда нарсаларни ўртага чиқаришни ҳожати йўқ. Биз асосий масала ҳақида, иш юритишимиз керак, дейди. Умумий одамларга нисбатан, бу кишининг гапи тўғри.

Уларга аввал имонни, исломни, тушунтиришимиз керак. Лекин, ўзи исломга чақираётган киши, мисол учун, ҳеч ким эътибор қилмайдиган нарсани олайлик. Таҳоратхонага киришлик. Таҳоратхонага кирмоқчи бўлган киши, ё Расулига эргашади. Ё бошқаларга эргашади. Ё мутлақо, эътибор қилмайди. Шу мутлақо эътибор қилмайдиган кишини, Аллоҳнинг зикридан ғофил одам, деймиз. Ё ўнг оёғи билан, киради ё, чап оёғи билан, киради. Ё иккала оёғи билан, ҳатлаб киради. Биз мунозара майдонида турганимиз учун, бу шакл топилмасада, айтиб ўтаяпмиз. Ҳеч қачон, ёнбоши билан думалаб кирмайди. Савол қилайлик, шу қандай кирсин?

Шу оддий ҳолатга киришни, шундай йўллари бор. Ўнг оёғи билан киради, ё чап оёғи билан киради. Ё иккала оёғи билан, ҳатлаб киради. Ёки, ёнбоши билан, думалаб киради. Шулардан биттасини танласин! Биз қарайлик, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, таҳоратхонага, чап оёғи билан кирганлар. Чиқишликда, ўнг оёғи билан чиқади ё чап оёғи билан ё, ўйламасдан чиқади. Ўйламасдан чиққанни, биз Аллоҳнинг зикридан ғофил одам, деймиз. Чиқишликда ўнг оёғи билан чиқиш, суннатдир. Масжидга киришликда, бунинг аксини қилинади. Ўнг оёғи билан кирдилар ва чап оёғи билан, чиқдилар. Оддий бир амал. Бир сувни ичмоқчимиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сувни қандай ичганлар? Биринчи, ичаётганда идишга нафас олмасин, дедилар. Ичаётганда, идишга қараб нафас олиш, суннатга зид. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам идишни олиб, нафас чиқарганлар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

لَا يَشْرَبَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ قَائِمًا، فَمَنْ نَسِيَ فَلْيَسْتَقِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم
الصفحة أو الرقم: 2026 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ким тикка туриб, ичса, қайт қилиб юборсин, дедилар.

(Қуйидаги иловада, шу мавзудаги барча ҳадисларни жамлаб, хулоса қилиб, уламолар доимий фатво қўмитаси, чиқарган фатвоси арабча матни, берилди. Унга кўра, Сувни ўтириб ичган афзал ва лекин, тикка туриб, ичишлик ҳам мумкин.)

: وقد جاء في فتاوى اللجنة الدائمة (22/133)
الأصل أن يشرب الإنسان قاعداً ، وهو الأفضل ، وله أن يشرب قائماً ، وقد فعل النبي صلى الله عليه وسلم الأمرين للدلالة على أن الأمر
في ذلك واسع

Биз ҳар бир нарсани ақлга тўғри келса, қабул қиладиган ва ақлга тўғри келмаса, қабул қилмайдиган, фалсафани соясида яшадик. Шунинг учун одамлар, ҳар бир нарсани ақлий суратда, баён қилиб бермагунингизча, имонлари ҳосил бўлмай тураверади. Лекин, имон ақлга мувофиқ бўлган вақтдагина, қабул қилишмас. Ундан ташқари, ўзининг ақлига тўғри келмаган нарсани, ақлга тўғри келмади, дейишликдан кўра, катта нодонлик йўқдир! Ер юзидаги ҳамма ақл менда бор, деганидан бошқа гапмас бу. У айтиши керакки, менинг ақлимга тўғри келмаяпди, дейиши керак. Мен буни, яна бир мисол билан тушунтирмоқчиман. Жон инсонни оёқ тарафидан чиқади. Буни мусулмонлар аввалдан ҳам биларди.

Ҳозирги фан ҳам, буни тасдиқлаяпдики, аввал чап оёғидан, жон таслим қилишлик бошланади. Жон таслим қилишлик, баъзида дақиқаларда ҳам, бўлиб қолади. Буни тагида жуда кўп, ҳикматлари бор. Мен ҳикматларидан бирини айтмоқчиман. Чап оёғи билан ҳожатга кирган вақтида, остонада жон таслим қилиш вақти келиб қолса, Инсон покиза жойга қайтиб чиқиши мумкин бўлади. Чунки, ўнг оёғи ташқарида турибди. Агар ўнг оёғи билан ҳожатхонадан чиқса, остонада жон таслим қилиш вақти келиб қолса, чап оёғидан жон таслим қилиш бошланса, ўнг оёғи билан, покиза жойга қайтиб чиқиши мумкин бўлади. Масжидга ўнг оёғи билан киради. Масжид остонасида жон таслим қилиш бошланса, Масжидга кириб, жон таслим қилади. Масжиддан чап оёғи билан чиқади. Масжид остонасида жон таслим қилиш бошланса, унда масжидга қайтиб, кириб олиши мумкин бўлади. Мана бу бир, оддий суннат деб, амал қиладиган нарсдаги ҳикмат бу, биродарлар. Ундан ташқари, Ким тикка туриб, ичса, қайт қилиб юборсин, дедилар. Лекин, ким тикка туриб, ичса,бу ҳаромдир, демадилар. У ҳаром бўлиб қолмайди. Ҳадис иборалари ваҳй бўлганлиги учун. Ниҳоятда дақиқ эканлигини, эсдан чиқармаслик керак, биродарлар.

Ҳозирги фан олимлари, исботлашяпдики, инсондаги кўр ичак, тикка туриб, суюқлик ичган вақтда, очилар экан. Яъни, шу суюқликни тик туриб ичса, тезлик билан қайт қилиб юборсинки, шу кўр ичак тарафга, ўтиб кетмасин. Яъни, буни ҳаром деган, калима бўлмаяпди. У тик туриб ичса, сув ҳаром бўлиб, қолмайди. Лекин, мана буни шу фан олимлари, ихтиро қилишяпди. Яна бу ҳадислар ичида, қанча ҳикматлари бор? Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзи билади.

سُنِّيهِمْ آيَاتِنَا فِي الْأَفَاقِ وَفِي أَنْفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ الْحَقُّ
Фуссилат сураси 53 оят

Биз ўзимизнинг мўъжизаларимизни кўрсатаверамиз, ҳатто. Одамлар бу динни ҳақ эканлигини билгунча. Биз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашишимиз керак. У ҳикматини билганидан кейин, у эргашишликмас. У ўзизга манфаатини билганидан кейин, қилсангиз, ўзингизча қилишлик дейилади. Иттибоъ, ҳикматини билмасдан туриб, эргашишликдир. Биз кимга эргашяпмиз? Расулуллоҳга, Аллоҳнинг элчисига эргашяпмиз! Ҳаводан гапирмайдиган, фақат гапирган сўзлари, ваҳй бўлган зотга, эргашяпмиз!

Ўзлари имон келтирдик деб, Муҳаммад алайҳиссаломни, Аллоҳнинг элчиси деб туриб, Расулининг буйруғини қилмай юрган кишилар ҳақида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам:

قلوبهم قلوب الأعاجم و أسنتهم السنة العرب

Қалблари ажамлар қалбию, тиллари араб тили, деб, қўйган эканлар.

(Бу ерда ҳадисни бир қисми айтилган бўлиб, унинг тўлиқ шакли, қуйидагича:)

ليأتين على الناس زمان؛ قلوبهم قلوب الأعاجم؛ حب الدنيا، سنتهم سنة الأعراب، ما أتاها من رزق جعلوه في الحيوان، يرون الجهاد ضررا، والزكاة مغرما
هذا الحديث ذكره الشيخ الألباني رحمه الله في السلسلة الصحيحة في المجلد السابع، القسم الثاني

Ҳаётимиздаги ҳамма нарсани қилишликда, биз ё, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашамиз. Ё, бошқаларга эргашамиз. Ё, мутлақо эътиборга олмасдан қиламиз. Эътиборга олмаслик, мамнуъдир. Бошқаларга эргашишлик, ёмонроқдир. Расулига эргашишлик, зикрдир. Бирор бир киши, ўзининг либос кийишлигида, ё юришлигида, ё бирорта ҳаракатида, бир кишига муҳаббати пайдо бўлади. Ва шу муҳаббати пайдо бўлиб, шунга эргашади. Шу муҳаббат самараси, эргашишлик бўлади.

Ҳаётнинг ҳар бир босқичини, текшириб кўринг. Иложи йўқ, албатта бировга эргашади. Шунинг учун, биз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини, комил ҳаёт деб, билмоқлигимиз керак. Бу кишига эргашсак, Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўламиз. Ва гуноҳларимиз мағфират қилинишига сазовор бўламиз. Инсон ҳаётини ўтказишга мажбурдир. Хоҳласин, Расулига эргашиб ўтказсин! Хоҳласин, бошқаларга эргашиб ўтказсин! Хоҳласин, икковидан ҳам, ғофил бўлиб, ўтказсин!

Шунинг учун, суннатга эргашишлик, у майда нарсамас. Ҳаётда бу суннатга эргашмаётган кишилар, билсинларки, албатта мажбурдир, у бошқаларнинг йўлига, эргашишликка. Эътиборга олмийман, деган кишилар билсинки, улар бошқаларга ўзини ўхшатиш учун, соатлаб, ҳафталаб вақтини сарфлашади. Мана бу нарсани, билиб қўймоғимиз керак!

Саҳобалар тарихидан

Талха ибн Убайдуллоҳ разияллоҳу анҳу фазилатлари

وروى أبو عيسى الترمذي بإسناده إلى الزبير - رضي الله عنه - قال: كان على رسول الله صلى الله عليه وسلم يوم أحد درعان فنهض إلى الصخرة فلم يستطع فأقعد تحته طلحة، فصعد النبي صلى الله عليه وسلم حتى استوى على الصخرة قال: فسمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول: أوجب طلح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд кунида, иккита совут кийдилар. Тоққа кўтарилганда, бир катта тошга, дуч келдилар. Тошни устига чиқишга, қодир бўлмадилар. Душманларни кузатишлик учун, Шу тошга чиқиш керак эди. Шунда, Талха ибн Убайдуллоҳ келиб, энгашиб турдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, унинг елкасига чиқиб, шу тошга чиқдилар. Шунда мушриклардан биттаси, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, қилич билан уриш учун, югуриб келди. Қилич урган вақтда, Талха ибн Убайдуллоҳ қўлларини қиличга тутдилар. Қўллари, осилиб қолди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Талҳа, жаннатни ўзиники қилиб олди, дедилар.

ما رواه البخاري بإسناده إلى قيس بن أبي حازم قال: رأيت يد طلحة شلاء وقى بها النبي صلى الله عليه وسلم يوم أحد

Эй Талҳа, бугун жаннат билан хурсанд бўлинг, дедилар.

أبشر يا طلحة بالجنة اليوم

Бошқа ривоятда келадики, Талха ибн Убайдуллоҳни, мушрик қиличи билан уриб, икки қўллари осилиб қолганида, ҳиқ деган, эканлар. Бу эҳҳ деганга, ўхшаган, товуш чиқарган эканлар. Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам унга,

«وعند أحمد : فقال له النبي صلى الله عليه وسلم : «لو قلت بسم الله لرأيت بيني لك بها بيت في الجنة وأنت حي في الدنيا

Агар сен бисмиллоҳ, деганингда, тирик ҳолатингда ҳар куни, жаннатда қурилаётган қасрингни, кўриб юрардинг, деган эканлар. Талха ибн Убайдуллоҳни ўғиллари Мусо ривоят қиладилар. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам олдилардан, Талха разияллоҳу анҳу ўтиб қолдилар. Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, уни кўли билан кўрсатиб,

هذا ممن قضى نحبه

Бу улушини олиб бўлганлардан, деган эканлар.

(Яъни, жаннатга кириши учун, лозим бўлган ишни, дунёда қилиб бўлган одам, деган маънода. Валлоҳу аълам.)

Саъд ибн Аби Ваққос (ибн Молик) разияллоҳу анҳу фазилатлари

Саъд ибн Аби Ваққос ўзининг жаннатий эканликларини, ҳаётликларида эшитиб кетган, ўн кишининг битталаридир. Сизга ота онам фидо бўлсин, деган сўзни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитган, ягона кишидир. Бирорта кишига, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ота онам фидо бўлсин, демаганлар. Магар, Саъд ибн Аби Ваққосга айтганлар. Саъд ибн Аби Ваққоснинг қизлари, Оишадан ривоят қилинадик, дадам эрталабдан кечгача, исломнинг учдан бири бўлиб, яшаганлар, деганлар. Яъни, ер куррасида, учта мусулмон бўлган. Биттаси Саъд ибн Аби Ваққос бўлган. Исломнинг учдан бири бўлиб, эртадан кечгача яшаганлар. Шу куни, Исломни ҳеч ким қабул қилмаган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан ташқари олинса, Хадичаи Кубро, Али ибн Абу Толиб, ва учинчилари Саъд ибн Аби Ваққос, бўлганлар. Исломда биринчи бўлиб, камон отган киши, Саъд ибн Аби Ваққос, бўлади.

نُتِلَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كِنَانَتَهُ يَوْمَ أُحُدٍ، فَقَالَ: أَرُمُ، فَذَاكَ أَبِي وَأُمِّي.
الراوي : سعد بن أبي وقاص | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам унга, отинг эй Саъд, сизга, ота онам фидо бўлсин! деган эканлар.

وروى الإمام مسلم بإسناده إلى أم المؤمنين عائشة رضي الله عنها قالت: ((سهر رسول الله صلى الله عليه وسلم مقدمه المدينة ليلة فقال: ليت رجلاً صالحاً من أصحابي يحرسني الليلة، قالت: فبينما نحن كذلك سمعنا خشخشة سلاح فقال: من هذا قال: سعد بن أبي وقاص فقال له رسول الله صلى الله عليه وسلم: ما جاء بك؟ قال: وقع في نفسي خوف على رسول الله صلى الله عليه وسلم فجننت أحرسه فدعا له رسول الله صلى الله عليه وسلم ثم نام

Оиша онамиз айтадиларки: Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, бир кеча бедор бўлдилар. Оиша онамиз, шу ҳужрада эдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ухлолмасдан, безовталаниб чиқдилар. Шунда, ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, нимага, сиз безовтасиз? дедим. Асҳобларимдан бир солиҳ киши келиб, менга кўриқчилик қилса эди, дедилар. Шу пайтда силоҳни товуши эшитилди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бу ким? дедилар. Мен Саъд ибн Моликман деди. Нимага келдинг? дедилар. Сизни кўриқлашга келдим, ё Расулуллоҳ, деди. Шунда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ухлаганлик товушларини эшитдим, дейдилар Оиша онамиз. (Бу воқеъа, уйларидамас, жанг майдонида чодирда ётганликларида бўлган. Мушриклар ён атрофда изғиб юрган пайти бўлган. Шунда, кўриқчига эҳтиёж сезганлар)

Бу биродарлар, бир ажиб ҳолатки, Асҳобларимдан бир, солиҳ киши келиб, менга қўриқчилик қилса эди, деганларида, шу соатда, бу кишини келиб туришлиги, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Саъд ибн Аби Ваққосга, ўзига хос, бир фазилат берганлигининг, бир белгисидир.

عن سعد قال: سمعني النبي صلى الله عليه وسلم وأنا أدعو فقال: اللهم استجب له إذا دعاك. رواه البزار ورجاله رجال الصحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Саъд ибн Аби Ваққосга, Эй Аллоҳим. Сенга қачон дуо қилса, мустажоб қилгил! деб, дуо қилган эканлар. Саъд ибн Аби Ваққос айтадиларки: Бадрда ҳозир бўлдим. Менинг юзимда, битта мўй бор эди, халос, дейдилар. Кейин, Аллоҳу таоло, менинг соқолимни кўпайтирди, деган эканлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдида ўтиргандим, Саъд ибн Аби Ваққос келиб қолди, дейдилар, Жобир разияллоҳу анҳу. Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу менинг тоғам бўлади, деб. Саъд ибн Аби Ваққосга, ишора қилдилар. Саъд ибн Аби Ваққос у кишига, насабда тоға бўладилар. Баъзи ривоятларда, кимни шундай тоғаси бор? Кўрсатсин, деб кўяр эканлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга айтдиларки: Саъд ибн Аби Ваққосни дуосидан кўрқинглар, деб. Бадр кунида Саъд ибн Аби Ваққос ўзи пиёда бўлсалар ҳам, отлиқ одамга ўхшаб, жанг қилардилар, дейдилар, Умайр ибн Молик. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотидан кейин, Абу Бакр Сиддиқ Халифа бўлдилар. Кейин, Умар ибн Хаттоб Халифа бўлди.

Шу киши даврида, Саъд ибн Аби Ваққос, бир вилоятда волий эдилар. Волий деб, намозга ўтиб берадиган одамни айтилади, биродарлар. Волий дегани, одамларнинг олдида ўтиб, намозни ўқиб берадиган одамни, шу вилоятнинг волийси, дейишган. Умар ибн Хаттобга, ўша ердан, Саъд бизга яхши намоз ўқиб бермаяпди, деган тухмат хабар етди. Шунда чақириб сўрадилар. Мен, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг намозини, ўқиб бераяпман, дедилар. Умар ибн Хаттоб халқлар билан, волий ўртасида келишмовчилик бўлишини, хоҳламасдилар. Шунда, бу хабарни текширишга, одам жўнатдилар.

Саъд ибн Аби Ваққос масжидда туриб, тухмат қилганни ҳаққига, дуоибад қилдилар. Халқлар олдида, менинг шаънимни булғашлик учун, риё билан, менга тухмат қилган бўлса, унга узоқ умр бергин ва нопок аёллар фитнасига дучор қилгин, деб дуо қилдилар. Шу одам, соқоллари кўзларини юмиб, ниҳоятда хор бўлиб, нопок аёллар фитнасига гирифтор бўлиб, ўтиб кетган экан. Имоми Бухорий буни ривоят қилганлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Саъд ибн Аби Ваққоснинг дуосидан кўрқинглар, деганлар. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам атрофларида камбағал саҳобалар ҳам, бор эди. Касалманд саҳобалар ҳам бор эди. Бадавлат саҳобалар ҳам, бор эди. Бакувват саҳобалар ҳам, бор эди. Ёш саҳобалар ҳам, бор эди. Қария саҳобалар ҳам, бор эди. Аёллар ҳам, исломни ўзида мужассам кўрсатган эди. Бирон бир ҳолат йўқ эдики, қаршилиқ бўлмаган. Фарзанд мусулмон бўлса, ота мушрик. Отанинг мушриклиги, фарзанднинг комиллигига зарар етказолмаган эди. Саҳобалар ҳар бири ўзига хос, сифат эгалари, эдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам улардаги хусусиятларни комил билардилар. Аллоҳнинг буйруғи билан, улар билан маслаҳатлашардилар. Маслаҳат солишлик билан, улардаги хусусиятлар уйғонарди. Аслида, маслаҳатнинг сири ҳам шудир. Мана бундан, кўп фойдаланардилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсларимизни давомли қилсин! Ва шу эшитган дарсга, амал қилишликка Аллоҳ тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қалбимизни очсин! Тавфиқи абадий берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

اهدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ . صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ

Фотиҳа сураси 6,7 оятлар

31 дарс тугади

32 Дарс

Чақалоққа доир аҳкомлар ҳақида

(Бу дарсда, фарзанд туғилиши билан бошланадиган исломий аҳкомлар, нималардан иборат эканлиги, батафсил баён этилади. Буларга эргашмаган одамлар, бидъатларга эргашиб кетишлари, ҳаётӣ мисоллар билан тушунтирилади. Бидъатлар эса, инсон ўлими билан ва ёки туғилиши билан бўладиган маросимларда кўп учрайди. Ислом дини, инсон туғилишидан то ўлганидан кейинги амалларгача кўрсатгандир. Мўминлар бу маросимларда, бидъатга аралашмасдан, динни кўрсатмасини қилишлари керак. Бу дарс мавзуси шудир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره, ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له, ومن يضلل فلا هادي له, وأشهد ألا إله إلا الله وحده لا شريك له, وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله وسلم عليه وعلى آله وصحبه أجمعين, أما بعد

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

قال الله تعالى

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

Оли Имрон сураси 31 оят

قال الله تعالى

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا

Аҳзоб сураси 21 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг марҳамати, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, йигирма уч йил нубувват, ва рисолат даврида, ҳаётдаги, инсон муҳтож бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг каломиди, нозил қилди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, муборак ҳадисларида баён қилдилар ва амалий суннатлари билан кўрсатдилар. Ёинки, тақририй суннатлари билан, маршрут қилдилар. Ҳадислар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари бўлса, суннат, амалий ишларидир. Тақририй баён деб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида, бирор иш қилинган бўлса, буни рад қилмаган бўлсалар, бу суннатни биз, Тақририй баён деб, биламиз. Бу нарсга бизга, ҳужжат бўладик, бу амални қилишлик, бизга суннат бўлади.

Инсон ҳаётда яшар экан, ўзининг эҳтиёжотларини таъминлашликда, бирор соҳага эргашишликка, мажбурдир. Баъзилар билган ҳолатда ва баъзилар, билмаган ҳолатда, эргашади. Масалан, фарзанд туғилиши билан, динга эргашганлар ҳам, ҳеч қайси динга алоқаси бўлмаганлар ҳам, ўзига хос, бир маслакка эргашишликка, мажбурдир.

Бола туғилишлиги билан, қандайдир ҳаракатлар, содир бўла бошлайди. Бола туғилишлиги билан, уни туғилганлигини эълон қилиш, бошқалар унга муборакбод қилиш, унга ном қўйиш, ёинки, шу бола туғилганлиги билан, зиёфат уюштириш, хуллас, инсон туғилганидан тортиб, то ўлгунгача, ўлганидан кейин, ҳам бир нарсалар қилишади. Хоҳ усти боши билан қўмишсин. Ёинки, усти бошини олиб, қўмишлик. Хуллас, туғилгандан тортиб, то ўлгунча, ўлганидан кейин ҳам, инсон қандайдир бир маслакка, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, эргашади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизни йўқдан бор қилиб, яратди. Бизни, ўз ҳолимизга ташлаб қўйгани йўқ. Бизни ҳаётимиздаги нима нарса, яхши бўлса, шунга йўллади. Ё қуръони карим билан, ё ҳадиси шариф билан. Ё амалий суннат билан, ё тақририй баён билан, йўллади. Мана бу бизга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг энг катта, марҳаматларидан биридир. Мўмин кишининг амаллари, бир неча қисмни ўз ичига олади. Мўмин киши тарафидан (қилиш қилмасликда) мутлақо ихтиёри йўқ, амалларга маъмурмиз. Бу фарз амалидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрди. Фарз ҳам икки қисм бўлди. Фарзи айн. Бу ҳар бир мусулмон кишию, аёлга фарз бўлди. Фарзи кифоя. Кифоя қилгудек, мусулмонлар билишлиги ё, қилишлиги, фарз бўлди. Масалан жаноза намози фаръи кифоядир. Бу бажарилмай қолса, ҳамма мусулмонлар, гуноҳкор бўлади. Агар шу бажарилса, бошқа мусулмонлардан, соқит бўлади. Яна динсизларнинг илмларини, исломга қарши ҳужум қилганида, қайтара оладиган даражада, биладиган одамлар бўлишлиги ҳам, фарзи кифоядир, биродарлар!

Яъни, исломга қарши шубҳаларни айтиб, исломда мана бундай фикрлар бор, деб. Ўзини тушунмаган фикрларини тарқатган вақтида, уларнинг шубҳаларини рад қиладиган даражада Ислом олимларининг бўлишлиги, фарзи кифоядир, биродарлар!

Намоз дуруст бўладиган миқдорда, қироат илмини билишлик, фарзи айндир! Ҳалол ва ҳаром илмларни билишлик, фарзи айндир! Бир киши савдо билан шуғулланса, савдо илмини билишлик, фарзи айнга айланади. Савдо билан шуғулланмагунча, савдо илмини билишлик, фарзи айн, бўлмай туради. Бир киши, турмуш қуришлиги билан, никоҳ ва талоқ илмларини билиш, фарзи айн бўлади. Ҳаёти, биринчи фарзи айн ва фарзи кифоя билан тўлса, кейин, вожиб, суннат, суннати муаккада, суннати завоид, макруҳи таҳримий ва макруҳи танзилий ва мубоҳ амалларни ўз ичига олади. Албатта, ҳаром бўлган амалларни ҳам, ўз ичига олади. Яъни, мўмин кишига, баъзи амаллар фарзи айн, баъзи амаллар вожиб, баъзи амаллар суннат, баъзи амаллар мубоҳ, яъни, қилса савоб бўлмайди ва қилмаса, гуноҳкор бўлмайдиган амал. Баъзи амаллар макруҳи таҳримий, ҳаромга яқинроқ туради. Баъзи амаллар макруҳи танзилий ҳалолга яқинроқ туради. Суннати муаккада, кучли суннатлар ва баъзи суннатлар, суннати завоиддир. Ҳаётдаги ишлар, мана шу амалларни, ўз ичига олади. Мўмин кишининг ҳаётида бирор бир амал йўқки, ўзининг ихтиёри билан бажариб кетаверадиган. Магар дунё ишларида, ихтиёрлидир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, дунё ишларини ўзинглар билувчироқсиз дедилар.

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ بِقَوْمٍ يُلْقَحُونَ، فَقَالَ: لَوْ لَمْ تَفْعَلُوا لَصَلَحَ قَالَ: فَخَرَجَ شَيْصًا، فَمَرَّ بِهِمْ فَقَالَ: مَا لِنَخْلِكُمْ؟ قَالُوا: قُلْتَ كَذَا وَكَذَا، قَالَ: أَنْتُمْ أَعْلَمُ بِأَمْرِ دُنْيَاكُمْ
الراوي : أنس بن مالك | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Албатта, бир одамга зарар етказадиган услубда қилмайди. Дунё ишларини ҳам, ўзига хос қоидалари борки, у Ислом шариатида, тўла баён қилинган. Биз кўп суннат амалларни, эсдан чиқарганмиз. Агар, Аллоҳни яхши кўрсанглари, менга эргашинглари деб, айтинг, деяпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Шунда Аллоҳ сизларни яхши кўради ва гуноҳларингни мағфират қилади. (Оли Имрон сураси 31 ояти, мазмуни айтилди)

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламда, сизларга яхши намуна бор! Кимга? Аллоҳдан умид қилишлик сифати бўлган одамга. Қиёмат кунини умид қилган ва Аллоҳни, кўп ёд қилган кишига. Демак, Аллоҳни кўп ёд қилган ва Аллоҳдан умид қилган ва қиёмат кунидан умид қилган одамгина, шу сифатлар эгаси бўлган одамгина, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, ўзига намуна қилиб олади. (Аҳзоб сураси, 21 оят мазмуни айтилди)

Шу сифатлари бўлмаган киши, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ўзига намуна қилмайди. Қаттиқ гап бўлаяпди, биродарлар! Қандай амал бўлишидан қатъий назар, хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, сиз бировга эргашасиз ёинки, менга эътибори йўқ, бу қилаётган ишимни дейсиз. Ёки, эътибори бор менга, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, шу пайтда, шу соатда нима қилганлар? Менга ўргатингки, мен у кишига эргашай ва Аллоҳ мени яхши кўрсин ва гуноҳларимни мағфират қилсин, дейсиз. Такрор айтамин, оддий амал, таҳоратхонага кирганда, ё ўнг оёқ ва ё, чап оёғимиз ё, иккала оёғимиз билан ҳатлаб кирамиз. Қандайдир бир йўлга эргашамиз. Ёинки, менга эътибори йўқ, бу ишни дейсиз. Бу эътиборга олмаган одам, Аллоҳни кўп ёд қилмаган одам, ҳисобланади. Ҳар бир соатда, хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам, эргашамиз.

Баъзи одамлар, мен буларни диндан деб, билмийман, деб, ўзининг қилаётган хато амалларини, бекитмоқчи ҳам, бўлиши мумкин?! Бу гапи кизбдир, биродарлар. Мисол қилиб айтайлик, бир киши ғул қилмоқчи бўлса, бир соатга яқин, вақт сарф қилади. Ўзини покиза бўлишига, эътибор беради. Шу покизаликда ҳам, қандайдир бир кишига эргашади. Шунда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қандай ювинган бўлсалар, шундай ювинаман дейиш, суннатга эргашилликдир. Бу Аллоҳнинг зикридир.

Мен Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашаман. Лекин, бу нарсаларни эътиборга олмайман, демасин. Киши бировда кўрган нарсасига, тақлид қилиб, ҳаёт кечиради. Ҳар бир соҳада, шундай бўлади. Аллоҳ билан, ўзи холи қолиб, ўзига ўзи айтсин! Сен кимга эргашяпсан ҳозир, шу туришингда, десин. Ва жавобини ҳам ўзи берсин! Биз туғилган вақтимизда нима суннат, буни биз билмиймиз. Бизни ақлимиз бўлмайди. Лекин, фарзандимиз туғилгандан бошлаб, биз нима амалларни қилсак. Шу фарзандимизга нисбатан суннат бўлади? Нима амал қилсам, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатларига мувофиқ бўлади? Мана бу ҳақида, бугунги дарсимизни юргизамиз. Агарчи, бизнинг ҳаётимиз тўғриламай қолган бўлса ҳам, фарзандларимиз ҳаёти, тўғриланиб қолсин!

Биринчи, инсон фарзанд талабида бўлишлиги, мустаҳаб амалдир. Аллоҳдан фарзанд талаб қилишлик, мустаҳаб амал ҳисобланади. Қиз фарзанд кўрса, ғабланишлик, бу макруҳ амал, ҳисобланади. Фарзанд туғилганда, буни хабарини беришлик, мустаҳаб амал ҳисобланади. Фарзанд туғилганда, унга азон ва иқома айтишлик, мустаҳаб амал ҳисобланади. Фарзанд туғилган вақтда, уни бирор бир амаллик олимнинг олдида олиб бориб, бирон бир нарсани, хурмо бўлса яхши, уни чайнатиб, уни оғзига шуни сувини томишишлик ҳам, мустаҳаб амаллардан ҳисобланади. Ундан кейин, фарзанднинг шукронасига, ўғил бола бўлса, иккита қўй ва қиз бола бўлса, битта қўй, еттинчи кун, қодир бўлса, сўйиб, зиёфат қилишлик ва шу кун, унинг сочини олиб, уни тарозида тортиб, унинг оғирлиги миқдорида, кумуш садақа қилишлик ҳам, мустаҳаб амаллардан ҳисобланади.

Унга исм қўйишлик ва ўғил бола бўлса, хатна қилишлик ва қиз бола бўлса, келажакда зийнатланишлик учун, қулоғини тешишлик ҳам, мустаҳаб амаллардан, ҳисобланади.

Бола туғилди. Биз мажбурмиз, нима қилсам, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлига эргашаман? деб сўрашга. Буларни қилмасак, бошқа бировларнинг, йўлига эргашамиз. Ҳозирги кунда, тутуриқсиз ҳаёт, вужудга келган.

Одамлар, ислом ҳақиқатини билмасалар, туғилган кунлар, бир йиллиги, икки йиллиги, уч йиллиги, тилло тўй, бриллиант тўй, ва ҳаказо тўйларни, саксону тўқсонга киргунча, олиб кетаверади. Хоҳласин, хоҳламасин бир йўлни топади. Бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон табиатида яратган, фитрат. Кимга эргашяпман? деб, савол қилсин ўзига. Агар суннатга эргашмаса, кофирларнинг йўлига эргашиб кетади.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

من تشبَّه بقومٍ فهو منهم
خلاصة حكم المحدث : إسناده صحيح
أخرجه أبو داود

Ким бир қавмга ўзини ўхшатса, Бас, у ўшалардандир.

Айтсин, бу нарсаларни эътиборга олмайман, деган одамлар: Улар бола туғилганда ҳеч нарса қилмаяпдими?! Бола туғилиши билан, ҳеч нарса қилмасдан, ҳатто эълон ҳам қилмасдан, индамасдан, жим ўтиришибдими?!

Исломни масхара қилган тоифалар, нима қилишяпти?! Боласи туғилган вақтда?! Қандайдир бир йўл топиб, эргашишяпти. Буни маданият, дейишяпти. Уни маданият деб, номлаб, суннатни қолоқлик, дейишяпти. Демак, мақсад Ислом йўлини қоралаб, ундан бошқа йўл топиб бериб, Ислом йўлидан чиқаришликдир. Биз мажбурмиз биродарлар, қандайдир йўлга эргашишликка! Хоҳлайлик, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, йўлига эргашайлик! Хоҳлайлик, бошқаларнинг йўлига эргашиб кетайлик. Хоҳ, Аллоҳни кўп ёд қилиб, Аллоҳдан умид қилиб, Қиёмат кунини умид қилиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, йўлига эргашайлик. Хоҳ бошқалар йўлига эргашиб, Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўлибгина қолмасдан, бошқаларнинг йўлини қасд қилиб, эргашилса, шулар жумласидан бўлиб кетиб қолинади.

Такрор айтамиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буюк неъматини, бизга керакли бўлган ҳамма нарсани, китобида, ва суннатда, баён қилиб берди. Ҳатто, фарзанд уйланиб, турмуш қуриб, қўшилаётган вақтда ҳам, суннат амал нималигини, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бизга таълим бердилар. Махсус дуоларини таълим бердилар. Ва шунга ҳам, ажр ваъда қилдилар.

Ислом дини раҳбонийят дини эмаслигини, тарки дунёчилик дини эмаслигини, эълон қилдилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, турмуш қуришлик менинг йўлим. Менинг йўлимдан бош тортган киши, менданмас, дедилар. Исломда тарки дунёчилик йўқ. Насороларга ўхшаб, бола чақани тарк этиб, тарки дунёчилик қилиб, тоғу тошга чиқиб кетишлик йўқ! Исломда, тарки дунёчилик қилиб, ювинмасдан юришлик, ва қанча кўп ювинмаса, шунчалик улуғ киши бўлади, деган ботил, фикрлар йўқдир! Шунинг учун, фарзанд кўришлик мақсадида, турмуш қилишлик, бу Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бола туғадиган аёлларга уйланишликка, тарғиб қилдилар.

رواه النسائي وأبو داود والإمام أحمد بلفظ: تزوجوا الودود الولود فإني مكاثر بكم الأمم. ومنها: تكثرُوا فإني مباه بكم الأمم يوم القيامة. وهو حديث صحيح رواه الشافعي عن ابن عمر

Фарзанд кўрадиган аёлга уйланинглар! Мен сизлар билан, қиёматда, пайғамбарлар олдида, кўпайиб туришлик билан, фахрланаман, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, фарзанд кўрганидан кейин, фарзанди кетиб қолган киши, сабр қилса. Бунинг ҳам ажри кўплигини айтдилар. Бир киши боласини етаклаб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдида келди. Уни яхши кўрасанми? дедилар.

У киши, сизни ҳам яхши кўраман, худди уни яхши кўрганимдек, деди. (Яъни, жуда яхши кўришини, маълум қилди) Кейин, у бола кўринмай қолди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, фалончини ўғли қани? дедилар. Ё Расулulloҳ, у вафот қилди, дейишди.

أَنَّ رَجُلًا كَانَ يَأْتِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَعَهُ ابْنٌ لَهُ فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَحِبُّهُ؟ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَحَبُّكَ كَمَا أَحَبُّهُ فَقَفَّذَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ لِي مَا فَعَلَ ابْنُ فُلَانٍ؟ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَاتَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تَأْتِي بَابًا مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ إِلَّا وَجَدْتَهُ يَنْتَظِرُكَ فَقَالَ الرَّجُلُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَهُ خَاصَّةٌ أَمْ لَكُنَّا قَالِ بَلْ لِكُلِّكُمْ

خلاصة حكم المحدث: صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам у кишини чақириб, Жаннат дарвозаларини қайси бирига келсанг, у сени кутиб туришини дўст тутасанми? дедилар. (Яъни, шуни истайсанми? дедилар) Яъни, сен шу болангни ўтиб кетганига сабр қилсанг, жаннат дарвозасининг, қайси бирига борсанг, сени кутиб, туради, дедилар. Бир киши туриб, шу кишига хосми бу, (хабар) ё ҳаммамизгами? деганларида, йўқ, ҳаммангизга, дедилар.

وعن ابن عباس قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "من كان له فرطان من أمتي أدخله الله بهما الجنة، فقالت عائشة: فمن كان له فرط من أمتك؟ قال: ومن كان له فرط يا موفقة، فقالت: فمن لم يكن له فرط من أمتك؟ قال فأنا فرط أمتي، لن يصابوا بمثلي. رواه الترمذي خلاصة حكم المحدث: ضعيف

(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Менинг умматимдан, Кимни иккита фарзанди, ўзидан олдин охиратга кетса, Аллоҳу таоло уни, жаннатга киргизади, дедилар. Оиша онамиз айтдилар: Битта фарзандни жўнатган бўлсачи? дегандилар. Битта фарзанд бўлса ҳам, дедилар. Фарзанди бўлмасачи? деб сўрадилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Умматимни олдин бориб кутиб турувчиси, менман. Менга ўхшаган, кутиб турувчиси йўқ, дедилар. (Яъни, мендан яхши, кутиб турувчиси йўқ)

قَالَتِ النِّسَاءُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: غَلَبْنَا عَلَيْكَ الرِّجَالُ، فَأَجْعَلْ لَنَا يَوْمًا مِنْ نَفْسِكَ، فَوَعَدَهُنَّ يَوْمًا لَقِيَهُنَّ فِيهِ، فَوَعظَهُنَّ وَأَمَرَهُنَّ، فَكَانَ فِيمَا قَالَ لَهُنَّ: مَا مِنْكُمْ امْرَأَةٌ تَقْدِمُ ثَلَاثَةَ مِنْ وَلَدِهَا، إِلَّا كَانَ لَهَا جِجَابًا مِنَ النَّارِ فَقَالَتْ امْرَأَةٌ: وَأَنْتَيْنِ؟ فَقَالَ: وَأَنْتَيْنِ

خلاصة حكم المحدث: صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, аёлларга ваъз насиҳат қилганларида, айтдиларки: Бир аёлни учта фарзанди, вафот қилган бўлса, улар жаҳаннам ўтидан парда бўлади, дедилар. Бир аёл туриб, иккита бўлсачи? деди. Иккита бўлса ҳам шу, дедилар.

Хуллас, Исломда бир киши уйлансаю, фарзанд кўрса, фарзанди вафот этса, бу билан, маюс бўлиш йўқ. Унга, Ислом жавоб берган. Фарзандини ўзидан илгари юборган кишиларни, улар жаннат дарвозалари олдида, кутиб туришлиги, ваъда қилинган. Албатта, бу биродарлар, имонли ва Исломдаги кишиларга, ваъда қилинди. Бўлмасам, яҳудларнинг ҳам, фарзанди ўлади. Насороларнинг ҳам, фарзанди ўлади. Фақат Исломдаги, сабрли кишиларга, бу ваъдалар.

Бир киши фарзанд кўрганда, ўзининг яқинларига, мен фарзанд кўрдим деб, башорат беришлик, мустаҳабдир. Бу Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Иброҳим алайҳиссаломга, фарзанд кўришини башорат берди. Иброҳим алайҳиссаломга малоикалар келиб, ўғил фарзанд кўришларини, хабарини берган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам туғилганда, Сувайба исмли чўри аёл, қариндошлари (амакилари) Абу Лаҳабга, хабар берди. Абу Лаҳаб Сувайбанинг, хожаси эди. (Вафот этиб кетган, укаси) Абдуллоҳни, ўғил кўргани, хабарини олиб келгани учун, шу чўриси Сувайбани, (қулликдан) озод қилди, хурсандлигига.

Шу ва бошқа қатор ҳадислардан биламизки, фарзандни хушхабарини беришлик суннат. Ва хабарни қабул қилиб, совға беришлик ҳам, мустаҳаб амалларга киреди.

Боланинг қулоғига азон айтишлик ва иқома айтишлик, мумкинми йўқми? Байҳақий, ўзларининг, шуъбатул имон китобларида, ривоят қиладиларки:

من وُلِدَ لَهُ مَوْلُودٌ فَأَذَّنَ فِي أُذُنِهِ الْيَمْنَى وَأَقَامَ فِي أُذُنِهِ الْيُسْرَى رُفِعَتْ عَنْهُ أُمُّ الصَّبِيَّانِ
خلاصة حكم المحدث : في إسناده ضعف

(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: кимни фарзанди туғилса, уни ўнг қулоғига азон ва чап қулоғига иқома айтсин! Болани онаси уни кўтариб турсин, дедилар.

(Қисқа изох: Бу ҳадисдаги Руфиат анҳу Умму Сибён деган, сўзни, қори ака, «Болани онаси уни кўтариб турсин,» деб, таржима қилдилар. Аслида, бу Умму Сибён деб, арабларда болаларга, алоқадор жинга, айтилади. Бу каби жинни мавжудлигини, Ибн Боз асли йўқ, деган. Бу каби, гаплар, саҳиҳмас деб тушунилади. Бу ҳадисни ўзини ҳам, заиф дейишган. Азон айтиш ва иқома айтишликни мустаҳаблигига, қатор фатволар бор. Лекин, бу ҳадисга суянишлик, тўғримас. Валлоҳу аълам)

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам, имоми Ҳасан туғилганда, ўнг қулоғига азон ва чап қулоғига иқома айтганлар. Баъзи ривоятларда бу ҳадисни иснодида заифлик бор, дейишади. Бошқа ҳадислар, буни қувватлайди, албатта.

(Қуйидаги арабча матнда, юқоридаги ҳадисни, далили келган. Бу ҳадисни Албоний Ҳасан деган)

، حَدَّثَنَا مُسَدَّدٌ، حَدَّثَنَا يَحْيَى، عَنْ سُفْيَانَ، قَالَ حَدَّثَنِي عَاصِمُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي رَافِعٍ، عَنْ أَبِيهِ
قَالَ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَذَّنَ فِي أُذُنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ - حِينَ وَلَدَتْهُ فَاطِمَةُ - بِالصَّلَاةِ
رواه أبو داود والترمذي وقال : حديث صحيح , ورواه البيهقي والحاكم وصححه ، وحسنه الألباني

Азоннинг сири мумкинки, шу бўлса, биринчи қулоғига чалинадиган сўз, Яратувчисининг исми бўлсин! Аллоҳнинг буюклигини, намозга келишликка ва нажотга келишликка бўлган эълонни эшиттирилишлиги бўлса керак? Шунга ўхшаш, дунёдан кетаётган вақтда ҳам, Аллоҳнинг исмини талқин қилиб турилади. Дунёга келганда ҳам ва кетаётганда ҳам, Аллоҳнинг исмини талқин қилишлик, бу суннат амалдир.

(Шу мавзуга қўшимча, маълумот: Аллома ибн Боздан чақалоқни қулоғига азон айтиш шаръийми йўқми? деб савол берилганда, шуларни айтган.

في اليوم السابع يستحب أنه يؤذن في أذنه اليمنى ويقام في اليسرى ويسمى في اليوم السابع، ولا بأس.. يستحب التحنيك بالتمر بأن يوضع تمر

Туғилганининг еттинчи куни, ўнг қулоғига азон айтиш ва чап қулоғига иқома айтиш ва исм қўйишлик мустаҳаб амалдир. Хурмо билан таҳник қилиш ҳам, мустаҳабдир.)

Манба: حكم تحنيك الطفل والأذان في أذنيه وحلق رأسه

Таҳник, хурмони чайнаб, шуни сувини, оғзига озгина теккизиб, амаллик олимларни, шундай табаррук қилдириш, дурустми, йўқми?! Абу Мусо ал Ашъарий разияллоху анху ривоят қиладилар. Менинг фарзандим туғилди. Шунда, Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васалламнинг олдиларига олиб келдим. Иброҳим деб, ном қўйдилар. Бир хурмо билан, оғзига сувини томизиб қўйдилар. Унга баракот тилаб, дуо қилдилар ва менга қайтариб бердилар. Имоми Бухорий ва Муслим ривояти. Бу ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. Ақиқа ҳадида, кўп саволлар қилинади, биродарлар. Ақиқанинг мустаҳаблигига, кўп далиллар бор. Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам, (неваралари) Ҳасан ва Ҳусайн ибн Алига, иккитадан, қўчқор сўйиб, ақиқа қилганлар.

Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам, болани туғилганидан кейин, еттинчи кунида, ном қўйишликка, унинг сочини олдиришга ва у учун, ақиқа қилишликка буюрдилар. Имоми Термизий ривояти.

Лайлатул Аснавий айтадиларки, жоҳилият даврида, бизларда фарзанд туғилганда, бир қўй сўйилардида, болани бошига, шу қўйни қонини, суртиб қўйиларди. Ислон келганидан кейин, биз, бола туғилса, бир қўй сўйдик. Сочини олди ва бошига заъфарон суртиб қўйдик. Заъфарон бу хушбўй, янги туғилган боланинг, ҳидларини кетказадиган ва боланинг бошига дори, нарсадир. Демак, болани туғилганидан кейин, еттинчи кунида, унга ном қўйишлигимиз ва унинг сочини олиб, Тополсак, заъфарон суртиб қўйишлигимиз ва қўй сўйиб, ақиқа қилишлигимиз ва унинг сочини миқдориди, кумушни эҳсон қилишлигимиз, мустаҳаб амаллардандир. Боланинг сочи, оз бўлади. Шу миқдордаги кумушни, (ёки олтинни ва ёки, унинг пулини) эҳсон қилишлигимиз, мустаҳаб амаллардандир. Ақиқани, еттинчи кунида қилолмай қолса, ўн тўртинчи ва йигирма биринчи кунларда, қилинади. Бир кишининг ақиқаси, фавт бўлган бўлса, ёши улғайганда, ўзи қилиб қўйса ҳам, рухсат дейишган. Қилмаса ҳам, ҳеч нарса бўлмайди.

كُلُّ غُلَامٍ مَرْتَهَنٌ بِعَقِيْقَتِهِ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Бола ўзининг ақиқасига, гаровлангандир. Биз мана бу суннатни қилмаганимиздан кейин, мажбур бўлаяпмиз, қандайдир бир нарса, ихтиро қилишликка! Ҳозир қилинаётган ишлар ҳаммаси, суннатга хилоф ишлардир. Ақиқани пулини эҳсон қилишлик ва ёки, гўштини хом тарқатишлик, бу суннатга хилоф ишлардир биродарлар. Машруъ бўлган ишни қилишлик керак. Ҳажга борганда, қурбонлик қилинади. Шу қурбонликни қилмасдан, пулини эҳсон қилиш, машруъмас, биродарлар. Ҳозирги вақтда Ҳажга борадиганлар пулини тўлаб қўйишади. Уни махсус ҳайъатлар, шу уч кун ичида, қурбонлик қилиб, гўштини махсус ҳалложаларга солиб, камбағал давлатларга етказиб беришга, ҳаракат қилишади. Шу уч кунни ичида, сўйилиши шартдир.

Шунга ўхшаган ақиқани ҳам, сўйиб, Гўштини пишириб, зиёфат қилишлик, шартдир. Аксар уламолар гўштни, суягини синдирмасдан пиширишликни, афзал қўришган. Чунки, саховатга далолат қилади. Боланинг туғилганлигининг ҳурматида, далолат қилади. Шу бола комил ва саховатлик бўлсин, деган яхши ўйга, далолат қилади. Гўштни суяги синдирилмаган ҳолда тақдим қилинишлиги, бу анча саховатли киши эканига, далолат қилади. Суяги синдирилса, гўшт кичик бўлиб қолади.

Ақиқа болага гаровланган бўлса, суяги синдирилмаса, боланинг ҳам, суяги соғлом ўссин деган, фикрга далолат қилади. Аммо, суягини синдирилса ҳам, унга ҳеч қандай, зарари йўқ.

Аммо, суягини олиб, бир нарсага ўраб, бир жойга олиб бориб, кўмиш, булар хилофи суннатдир. Гўшти эгаси есин ва суягини эгасига (итга) берсин! Шундай бўлмоқлиги керак! Ақиқада қурбонликдаги каби, иштирок мумкинмасдир. Молни етти киши сўйишлиги, қурбонлик қилишлиги мумкин. Туяни етти киши, қурбонлик қилишлиги мумкин.

Ақиқада бир киши, (болани отаси) фақат, қўй сўяди, халос. (туя ва мол сўйиш, суннатга хилоф) Ақиқани сарфи, кўпроқ қўшнилари ва биродарлари, бўлмоқлиги керак. Фарзанд туғилганлигини башоратини ҳам, асосан шуларга, билдирилади.

عَنْ عَنِ الْحَسَنِ وَالْحُسَيْنِ وَقَالَ قَوْلُوا : بِسْمِ اللَّهِ وَاللَّهُ أَكْبَرُ ، اللَّهُمَّ لَكَ وَإِلَيْكَ ، هَذِهِ عَقِيْقَةُ فَلَانٍ
الرَّأَوِي : عائشة أم المؤمنين | المحدث : النووي | المصدر : المجموع
الصفحة أو الرقم : 8/428 | خلاصة حكم المحدث : إسناده حسن

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ақиқа учун сўяётганда, шуни айтишлар, деб буюрганлар: Бисмиллоҳи валлоҳу акбар! Аллоҳумма лака ва илайка. Бу ақиқа фалончини, деб, Боланинг номни айтилади. Бисмиллоҳ, Аллоҳу акбар! Эй Аллоҳим, бу нарса ўзингдан ва сенга бағишляпман. Бу фалончини ақиқаси, деб сўйилади.

Ақиқани еттинчи кунга хосланиши ҳам, баъзи одамлар қалбида бир қитиқ пайдо бўладики, моддий фалсафада яшаганлиги учун, шунинг сабабини ҳам, билсам дейди. Ана шу қитиғига керак бўлгани учун, озгина гапириб қўямиз. Бир ҳафта, етти сониди, жуда кўп нарсалар бор. Ҳафтада одамлар ҳаётдаги ўзгариш босқичининг, бир босқичини, босиб ўтишади. Ҳафтанинг етти кунидан кейин, кунлар такрорланади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, коиноту ерни, олти кунда яратди. Еттинчи кун, ўзига хос бир кун, бўлди. Сабаъийи саёра, еттита сайёра. Ҳафта кунлари етти. Онанинг қорнида бола, етти ойда камол топишлиги. Болага исм қўйишлик ҳам, еттинчи кунда, бўлишлиги керак.

Лекин, ҳозир болани, ўзининг ота онасининг қўлига тегишлиги, ўзининг ихтиёрида бўлмагани учун, исм қўйишлик ҳам, ўзининг ўрнидан чиқиб кетган. Яхши ном қўйишлик, боланинг ота устидаги ҳаққидир. Фарзандга яхши ном қўйилмаса, ота она жавобгардир. Ном қўйишликда ҳам, ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашамиз, ёинки, бошқаларга эргашамиз. Нима учун, болага ном қўядиган махсус китоблар, вужудга келади? Исломга эргашиб қолинмаслиги учун! Ислом ўзига хос номларни, Аллоҳнинг бандаси эканлигини ифодаловчи номларни, қўйишга чақирган. Шунинг учун, иккита ном бўлиши ҳам, исломга хилоф бўлмайди. Ҳозирги вақтда, кўтаринки руҳда бўлсин деб, шариатга зид номлар қўйишлик, кўпайган.

Баъзи вақтларда, шу китобдагидан бошқа номлар қўйишлик, таъқиқланган. Нима учун? Номингиздан, Исломни бўйи келиб турмасин! Мана, бу нарсага кўп кишилар, дучор бўлган. Маликул мулк. Подшоҳларнинг подшоҳи. Бу ном макруҳ, балким, ҳаромдир?! Маликул мулк, фақат Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодир. Шоҳаншоҳ, шоҳлар шоҳи, султонул салотин, султонлар султони, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодир, бу сифатлар эгаси. Агарчи, асмоул хуснодан бўлмасада, бу номлар маъноси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан бошқага, истеъмол қилинмайди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳнинг ҳузуридаги энг хор ном, Маликул амлок, Подшоҳларнинг подшоҳи, деган номдир, дедилар. Шунга ўхшаган, Шоҳи жаҳон ва Жаҳонгир каби, номларни қўймаслигимиз керак. Жаҳонгирни маъноси нима? Жаҳонгиранда, Жаҳонни тутиб турувчи. Қўяётган одам, маъносини билмайди. Шоҳи жаҳон, жаҳонни шоҳи, демакдир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло барча жаҳоннинг Шоҳидир. Баъзи катта кишилар номи шундайдир, деган сўз, бизга ҳужжат бўлмайди. Биз довдираган халқлармасмиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга, китобу суннатни туширган. Қозиларнинг қозиси ва ҳокимларнинг ҳокими каби, номлар, маъноси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигагина хосдир! Шунинг учун, бошқага қўйишлик мумкинмас. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, яхши номларни яхши кўрардилар. Номларнинг ёмонидан малолланардилар ва ўзгартардилар. Номлардан баъзи яхши ният олардилар. Аслам салламахумуллоҳ, Аслам қабиласини, Аллоҳ саломат қилсин! дедилар.

Ғифор, ғафараллоҳ. Ғифор қабиласини, Аллоҳ мағфират қилсин, дедилар. Усайя, асатиллаҳ. Усайя қабиласи, Аллоҳга осий бўлди, дедилар. Шунинг учун, ном қўйишликда, яхши ном, қўймоқлигимиз керак!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир туяга қараб, Ким соғади бу туяни? Сутидан бир ичайлик, дедилар. Бир киши турди ва мен соғаман деди. Сени исминг нима? дедилар. Исмин Мурра, деди. Аччиқвой деди. Ўтиргин дедилар. Кейин, яна, Ким соғади бу туяни? дедилар. Бошқа одам турди. Сени исминг нима? дедилар. Исмин Ҳарб, деди. Жанг деди. Кейин, яна, Ким соғади бу туяни? дедилар. Бошқа одам турди. Сени исминг нима? дедилар. Исмин Яиш, деди. Яъни, яшасин, деди. Узоқ яшасин деб, шу номни қўйишган. Ҳа сен соғ унда, дедилар. Яъни, номдан шумландилар. Бир ишни буюрганда, ҳали бир, қўпол бир сўз бор. Каллангни олса ҳам, Мард олсин! деган. Ҳар бир нарса, биринчи эшитишликда, инсоннинг қалбига таъсир қилади.

Умар ибн Хаттоб олдиларига, Жуҳайна қабиласидан, бир киши келди. Номинг нима? деганда, шихоб, деди. Шихоб дегани, ўтнинг учқуни. Кимнинг ўғлисан? десалар, Ибни Жамра, деди. Чўғнинг ўғли, дегани. Ибни ман? (отанг) Кимнинг ўғли? дедилар. Ибни Зироъ, Аланга ўғли, деди. Қайси уруғдансан? деганда, хурқа деди. Хурқа, Ёниб кетди дегани. Қаерда турасан? десалар, Ҳарратун нор, деди. Ўт чуқурида деди. Вайҳақа дедилар, Умар ибн Хаттоб. Аҳлингую, манзилингга тез етиб бор! Куйдирдинг жойингни дедилар. У киши қайтиб борса, ҳаммаси ёниб кетган экан. Ҳамма номи ажоддигача, ўтдан ташкил топган, ном қўйилган.

Ҳозирги вақтда ҳам, шунақа номлар йўқ эмас, биродарлар. Баъзи ерларда, туғилиши билан ташқарига чиқар экан, нима кўринса, шуни номини кўяр экан. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, номларнинг ёмонидан эҳтиёт бўлар эканлар. Бир киши келганда, номинг нима? десалар, Ҳузн деди. Ғамгин деди. Бал анта Саҳл, сени исминг саҳл бўлсин! Мулойим юмшоқ бўлсин, дедилар. У киши йўқ, мен дадам қўйган номни, ўзгартирмийман, деди. Қачон шу қаерда бўлса, ғам вужудга келар эди. Ичимизда шу бор ерда, ғам билан яшадик, деб, саҳобалар ривоят қилишган.

روى الخطيب في "تاريخه" (376 /15) عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :
(الْبَلَاءُ مُؤَكَّلٌ بِالْقَوْلِ ، فَلَوْ أَنَّ رَجُلًا عَيَّرَ رَجُلًا بِرِضَاعِ كَلْبَةٍ ؛ لَرَضَعَهَا)

"وهذا حديث ضعيف جدا، في إسناده نصر بن باب ، قال البخاري: يرمونه بالكذب. وقال ابن معين: ليس حديثه بشئ . "میزان الاعتدال
(4/ 250)

وقال الألباني في "ضعيف الجامع" (2380) : " ضعيف جدا
(Бу ҳадисни муҳаддислар, жуда заиф дейишган)

Бало, сўзга боғлаб қўйилгандир. Баъзи сўзлар, тилга боғлаб қўйилган. Мен кулгили бўлса ҳам, айтиб беришга мажбурман. Ҳозир, тирик бу одам. Туркманларда, ўғил болани уйлаш ниҳоятда қийин бўлади, биродарлар. Қизи бўлса, омон. Ҳамма жойда ҳам, ислом йўқ бўлиб кетганидек, туркманларда ҳам шундай, биродарлар! Ўғил боласи бор одам, жуда қийналади. Маҳрни ҳаддан ташқари кўп олишади. Бу одам, солиҳ кишилардан эди.

Биринчи фарзанд туғилди. Қиз бола кўрган эдим, дейди. Шуни номини ғазабланиб, Ўғил керак, қўйдим, дейди. Шу номни қўйганимдан кейин, бало нутққа боғланган, дегандек, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, тўққизта, ўғил берди, дейди. Шу фарзандларимни уйлантиролмасдан ўтиб кетаяпман, тўрттасини зўрға уйлантирдим, дейди. Шунақа маҳрни қийинлигидан. Бу ҳаётимдаги ўзим кўрган билган ва ўзи ҳикоя қилиб берган, воқеъани айтаяпман.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, эмизиб тарбия қилган аёл, исми Ҳалима ва қабиласи Саъдийя. Ҳалима мулойим деган, маънода, Саъдийя бўлса, бахт деган, маънода. Араблар болани гўдаклик пайтидан, бошқа қабилада эмизиб, тарбия қилишганлар. Шаҳарда ўсган бола заиф бўлиб қолади, деб, саҳрода ўстиришган.

Абу Толиб жиянини боқишга, она излаб юргани, хабарини эшитиб, Шу Ҳалима, Абу Толибни олдиға келди. Кимсан, деди. Мен Бани Саъд қабиласиданман, Исми Ҳалима, деди. Бахтлиқ ва ҳалимлиқ бор экан, мана шунга бераман, деди, Абу Толиб. Фарзандини хижолат бўлмаслиғи учун, номини яхши қўймоқлик керак. Номни ўзгартириб олса бўладими? деб сўрашади. Албатта, исмларни ўзгартириб олишлиқ, бўлади, биродарлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кўп одамни номларини ўзгартирдилар мана. Куня дегани, фарзандига нисбатлаб чақиришлиқ. Бир кишининг Нўъмон деган, ўғли бўлса, уни, Абунўъмон деб чақиришлиқ, Куняси билан чақиришлиқдир. Исм қўйишлиқ, отанинг ҳаққидир. Онасининг эмас. Қуйидаги оят шунга далолат қилади, биродарлар!

أَدْعُوهُمْ لِأَبَائِهِمْ هُوَ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ ۚ فَإِنْ لَمْ تَعْلَمُوا آبَاءَهُمْ فَاِخْوَانُكُمْ فِي الدِّينِ وَمَوَالِيَهُمْ
وَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ فِيمَا أَخْطَأْتُمْ بِهِ وَلَكِنْ مَا تَعَمَّدَتْ قُلُوبُكُمْ ۚ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا

Аҳзоб сураси 5 оят

Куня, Исм ва лақаб, учта нарсас. Бу учови ҳам, кишининг ўзига далолат қилса ҳам, Лекин, исм зикр қилинганда, мақтов ҳам, мазаммат ҳам, тушунилмайди. Бир одамни исмини айтсак, бундан мақсад, уни мақташ ё, маломат қилиш, бўлмайди. Куня дегани, фарзандига нисбатлаб чақиришлиқдир. Фалончини дадаси деб, чақиришни, куня деймиз. Лақабда эса, кўпроқ, мазаммат билиниб туради. (Яхши лақаблар ҳам, бўлиши мумкин) Ёмон лақаб қўйишлиқ, мумкинмас.

وَلَا تَنَابَرُوا بِالْأَلْقَابِ بِئْسَ الْأَسْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَانِ

Ҳужурот сураси 11 оят

Бир бирларинга лақаб отишманглар, яъни, лақаб қўйиб, чақирманглар дейилган. Лақаб отишларни пайдо бўлиши ҳам, жоҳилият феълларидандир.

Фарзандни хатна қилишлиқ ҳақида

Хатни қилишлиқ Иброҳим алайҳиссаломдан бошланган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Иброҳим алайҳиссаломни, баъзи нарсаларга буюрди.

إِذْ أَيْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ رَبَّهُ بِكَلِمَتٍ فَأَتَمَّهُنَّ

Бақара сураси 124 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Иброҳим алайҳиссаломни, буюриқлар билан, имтиҳон қилди. Иброҳим алайҳиссалом буйруқни, комил қилдилар. Иброҳим алайҳиссалом, ўзларини ўзлари хатна қилганлар, саксон ёшларида. Аллоҳ буюрган, хатна қилишлиққа. Иброҳим алайҳиссаломнинг бу суннатлари, бизга мерос бўлиб қолдики, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бунга буюрдилар. Ўн нарсани фитратдан деб, санадилар. Булар ичида, хатна ҳам бор.

Хатнанинг манфаатларини, ҳозирги замон олимлари ҳам, кашф қилдилар. Кўп зарарли моддаларнинг, шу ерга ўрнашишлигини, агар хатна қилинмаса, зарар беришини, ҳозирги тибб илми, исботлади.

Ҳатто, исломга қарши бўлиб, хатна қилган учун, одамларни лавозимидан четлатган, одамларни ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бўйинларини ерга ишқаб, хатнанинг фойдалиқ эканини, тан олдирди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Шунинг учун, Исломни қабул қилган киши, неччи ёшида бўлишидан қатъий назар, уламолар, сочини олиб ташлашликка, буюрганлар. Чунки, куфр сочи ҳам, тепадан тушиб кетсин, дейишган.

(Қўшимча маълумот: Бу мазмундаги ҳадис ҳам борки, қуйида унинг матни, илова қилинди. Уни Албоний ҳасан ҳадис деган. Бу ҳадисда, янги мусулмон бўлган кишига, Пайғамбаримиз, куфрдаги сочинини олиб ташлаб, хатна қилгил! деганлари, ривоят қилинган. Буни динга янги кирган аёлларга нисбатан, айтмаганлар. Яъни, аёллар ҳам хатна қилинган, у замонда. Лекин, бунга эркакларники каби, тарғиб қилинмаган.)

أَنَّهُ جَاءَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ قَدْ أَسْلَمْتُ فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلْقِ عَنْكَ شَعْرَ الْكُفْرِ يَقُولُ احْلِقْ قَالَ وَ أَخْبَرَنِي
أَخْرَجَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِأَخْرَجَ مَعَهُ أَلْقِ عَنْكَ شَعْرَ الْكُفْرِ وَاخْتَتَنَ
المحدث : الألباني | المصدر : صحيح أبي داود
خلاصة حكم المحدث : حسن

(Қисқа изоҳ: Неччи ёшида бўлсада, янги динга кирган кишини, хатна қилишга буюрган уламолар Ҳанбалий ва Шофий мазҳабадирлар. Улар наздида, хатна фарз ва намоздаги тозалик учунб шартдир. Шунга кўра, хатни қилиш, фарз дейишади. Ва Исломга кирган кишини, ёши қандай бўлишидан қатъий назар, юқоридаги ҳадисни далил қилиб, хатна қилишга буюришади. Ҳанафий ва Моликий мазҳабларида, хатна суннат, амалдир. Бунга кўра, ёши катта одамни, хатна қилиш, фарзмас. Қилса, ҳаромга ўтмаслик шарти билан қилишга рухсат, дейилади. Ҳаромга ўтмаслик шарти, назардан сақланиш ва асбоблар биланб амалиёт қилишдир. Валлоҳу аълам. Қуйида шунга, араб матнидаги, далиллар илова қилинди.)

الختان سنة وهو مذهب الحنفية والمالكية، وبعض الشافعية، مستندين للحديث الضعيف الوارد عن النبي -صلى الله عليه وسلم-: (الْخِتَانُ سُنَّةٌ لِلرِّجَالِ، مَكْرَمَةٌ لِلنِّسَاءِ)

الختان واجب وهو المشهور عند الشافعية والحنابلة، وقد استدلوا باختتان سيدنا إبراهيم -عليه السلام-، فقد ورد في الحديث الصحيح: (اِخْتَتَنَ إِبْرَاهِيمُ -عَلَيْهِ السَّلَامُ- وَهُوَ ابْنُ ثَمَانِينَ سَنَةً بِالْقُدُومِ)، [٥] وقد أمر الله نبينا محمد باتِّباع ملة إبراهيم واتِّباع شريعته، قال -تعالى-: (ثُمَّ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ أَنْ اتَّبِعْ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا). [٦] كما استدلوا بالخبر الضعيف، عن الرجل الذي جاء إلى النبي يخبره عن إسلامه، فقال له النبي: (أَلْقِ عَنْكَ شَعْرَ الْكُفْرِ وَاخْتَتِنِ)، [٧] فقد ذهبوا إلى أن القطعة التي تُقَطَّع في الختان تحبس النجاسة وتجمعها، فيجب قطعها لتحقيق الطهارة، ووجوب الصلاة. وقالوا بوجوب ختان البالغ أو الكبير، وأجازوا النظر إلى موضع العورة للاختتان، ولو لم يكن واجباً لما أبيح ذلك، بل لكان من ارتكاب المحظورات

Исломга кирган одам, Хатна қилиб, сочини олиб ташлаб, ғусл қилиб, пок бўлади. Маънавий жиҳатдан ҳам, гуноҳлардан, пок бўлади. Ва жасади ҳам, покланади. Биз хатнани фойдаларини баён қилиб, ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳозирги фан китобларини ўқиганлар, буни билиб олишган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўн нарсани фитратдан, яъни, исломнинг буйруқларидан деб, санадилар. Бештаси бошда ва бештаси, жасаддадир.

Бошдаги бештаси: Мўйловни қисқартириш, мазмаза, оғизни чайқаш, истиншоқ, бурунга сув олиб, чайиб ташлаш, Мисвок тутиш, Сочни қисқартиришлик.

Жасаддаги бештаси: тирноқ олиш, икки оёқ орасини поклаш, Хатна қилиш, қўлиқ остини тозалаш ва истинжоъ, тахорат вақтидаги нопок ўринларни, ювиб тозалашлик.

Ҳозирги фан олимлари, мана булардаги ҳикматларни, баён қилиб, тамомлай олмаябди, биродарлар! Дунёдаги олимлар йиғилган, бир мажлисда иштирок этганимизда, шу соҳада жуда кўп баёнларни қилишдилар. Дунёдаги инсонга зарар берадиган моддалар, кўп ўрнашадиган жой, оғиз бўлишлигини, тирноқ бўлишлигини, хатна қилинмаган ўринлар бўлишлигини, ва қўлтиқ ости, бўлишлигини, илмий йўл билан, баён қилишди. Ислом бунинг минг тўрт юз йил илгари, одамларнинг бунақа кашфиётларгача, қурбон бўлиб, йўқ бўлиб кетишигача, қараб турмасдан, баён қилганлиги, биз учун Аллоҳнинг жуда катта марҳаматидир, биродарлар!

Баъзи уламолар, хатна қилинмаган одамнинг сўйган ҳайвонлар гўшти ҳалолмас дейишган. Ва хатна қилинмаган одамнинг, гувоҳлиги ҳам ўтмайди, дейишган. Абдуллоҳ ибн Аббос айтган эканлар: Хатна қилинмаган одам, камолот ёшига етса, унинг гувоҳлиги ўтмайди. Намози ҳам дуруст бўлмайди ва сўйган гўштини ейиш ҳам, мумкинмас, деган экан.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: الْأَقْلَفُ : لَا تَجُوزُ شَهَادَتُهُ، وَلَا تُقْبَلُ لَهُ صَلَاةٌ، وَلَا تُؤْكَلُ لَهُ ذَبِيحَةٌ

(Қўшимча изоҳ: бу қавл хатнани вожиб деб, қабул қилган уламолар мазҳабидир. Жумладан Ҳанбалий ва Шофеий мазҳаблари ҳам, шундай қарашдалар. Ибн Таймийя ва Ибн Усаймин ва Ибн Бозлар ҳам, шу манҳажда бўлишган. Фатволари ҳам шунга доир берилган. Хатнани суннат деб, қаровчилар, нисбатан, анча енгилроқ мавқеъда бўлиб, улар хатна қилинмаган одамни сўйган, мол гўштини ейиш жоиз, дейишган. Қуйидаги матн, шунга далилдир.)

جمهور أهل العلم لا يرون بأكل ذبيحته بأساً، إذا وقعت بها الذكاة كاملة " انتهى، من "الاستذكار"

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни жўнатди. У киши бизга, ҳаётда керак бўладиган, ҳамма нарсани, баён қилиб, бердилар.

إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا
Исро сураси 9 оят

Бу қуръон, энг тўғри бўлган, йўлга йўллайди. Такрор айтамиз, ҳаётда биз, то вафотимизгача, кимгадир эргашишликка, мажбурмиз. Хоҳайлик, қуръон йўлига эргашайлик ва хоҳайлик бошқаларнинг, йўлига эргашайлик. Унда, бошқаларнинг йўлига эргашишлик билан, шулар жумласидан бўлиб қолиш, мумкинлигини ҳам, эсдан чиқармаслик керак. Мана бу дарсда, туғилган болага тааллуқ топувчи, баъзи илмларни, айтиб ўтдик. Агар биз, шу суннат амалларни қилмасак, мажбур бўлиб, бидъат амалларни қиламиз. Ҳозирги қилинаётган хатна тўйлар, исломда йўқ, биродарлар!

Хотиржам бўлайлик, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, даврида, бунақа тўйлар бўлганмас, биродарлар. Ким бунинг тавжиҳ қилаётган бўлса, Исломни ўзгартиришга уринаётган одам, деб, биламиз. Бидъатга чақираётган одам, деб, биламиз. Баъзи кишилар, ахир бу суннатни улуғлаш деб, қўйишади. Агар, суннатни улуғлаш бўлса, саҳобалар улуғлашган. Тобеъинлар, улуғлашган. Суннатни улуғлаш, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кўрсатганига мувофиқ иш, қилишлик билан бўлади. У хатна тўйлар қилаётган одамлар, исломда йўқ, нарсани қилишяпти. Хотиржам бўлсинлар! Ўзларини, бунақа гаплар билан, алдамасинлар.

Баъзи кишилар, суннатни улуғлаяпмиз деб, ўзларича раъй топаётган бўлса, карнай сурнайлар чалдириб, катта эълонлар қилиб, шундай улуғлаётган бўлса, ўнта нарса суннат. Нима учун, унинг ичидан фақат, хатнани танлаб олишган?!

Қўлтиғини жунини олдираётган вақтида ҳам, карнай сурнайлар чалдириб, олдирмайдими?! Уям суннат, буям суннат амал. Буниси айтса бўлаверадиган, хатна янада махфийроқ қилиниши керак бўлган амал. Биз суннатни, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кўрсатган каби, қилганимиздагина, зокирлар жумласидан бўламиз! Ва суннатни, ихё қилган бўламиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ким менинг суннатимни, умматим фасод бўлган вақтда, вужудга келтирса, юзта шаҳидни, ажри бўлади, дедилар. Шунинг учун суннатни ихё қилишга, ҳаракат қилмоғимиз керак. Баъзи кишилар, бу жуда муболаға сўзку, юзта шаҳиднинг ажри, бу кўпку? дейишлари мумкин?!

Лекин, уммат фасод бўлган вақтда, битта суннатни ихё қилишлик учун, юз марта шаҳид бўлишликка сал қолади, биродарлар! Мана бу нарсани, ҳозирги вақтда, кўриб турибмиз. Бир суннатни ихё қилишликка, ҳаракат қилинг, бузилган одамлар ичида, юз марта шаҳид бўлишликка, сал қоласиз!

Бугун мана, янги туғилган болага тааллуқли бўлган, суннат амалларни, баён қилдик.

Бундан кейин, суннат амалларни қўлимиздан келганича, баён қиламиз. Бунга эргашишликни, Аллоҳу таоло ҳаммамизга насиб қилсин! Ва бу эргашишлик билан, Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлайлик! Гуноҳларимизни кечирилишига, сазовор бўлайлик! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, беморларга шифо берсин! Баъзилар, узоқ жойдан келган эканлар, қадамларига ҳасанотлар берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи, ажмаъин! Омин!

.....

32 дарс тугади

33 Дарс

Дин насиҳатдир, холис бўлишлиқдир

(Бу дарсда Исломдаги асослардан бири, холислик, сидқидиллик экани, айтилган ҳадис шарҳланиб, кейин, бандани, ҳидоятдан тўсувчи сабаблар ҳақида, қуръондаги маълумотлар баён қилинади. Дарс охирида, аҳли байтдан бўлган, Фотиматуз Заҳро ва унинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу анҳумо, фазилатлари айтилади. Аёлларни уй ишини қилишлари вожибми йўқми, мавзусида баҳс қилувчилар, шу дарсдаги Фотима онамизга отаси, Пайғамбар алайҳиссалом нима деганига, эътибор қилишсин.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا ضَلَالٌ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, марҳамат қилиб, айтдиларки:

الدِّينُ النَّصِيحَةُ. قُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأَيِّمَةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ.
الراوي : تميم الداري | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Дин насиҳатдир, дедилар. Холис гапирмоқлик. Холис амал қилмоқлик, гувоҳликларда, холис туришлик. Дин, шу дедилар. Дин насиҳатдир, деганларида, асҳоблар ким учун, холис туришлик, ё Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам? дедилар. Нима учун, қайси нарсалар учун холис туришлик?, деганларида, Аллоҳ учун, холис туришлик, ва Аллоҳнинг китоби учун, холис туришлик, Аллоҳнинг Расули учун, холис туришлик ва мусулмонларнинг имомлари учун, холис туришлик ва мусулмонларнинг оммаси учун, холис туришлик, дедилар.

Имом ким?

Имом деганда, масжидни имомини тушунамиз, кўпчилигимиз. Бу ҳам тўғри. Лекин, замони саодатдаги имом, вилоятни каттаси ҳисобланган. Шу киши, масжидда имомликка ўтган. Ислом ҳукми барпо бўлган вақтда, жума хутбасини, султонлар ўқиган. Яъни, мусулмонларнинг имоми, ўқиган. Имомат, хусусан масжиддаги жума намозига имомлик, бу мусулмонлар пешвосининг вазифаси, бўлган. Демак, имом деганда, масжиднинг имоми тушунилибгина қолмасдан, Аллоҳнинг ҳудудини барпо қилиб турган, кишини ҳам имом дейилади. Яъни, ўғирлик қилганни, қўлини кесишликка қодир бўлган, шариат ҳудудлари бузилганда, жиноят қилган кишиларни, жазолашга қодир бўлган кишини, мусулмонларнинг имоми деб, эътибор қилинган. Дин, демак, шу мусулмонларнинг имоми учун, холис туришлик ва мусулмонларнинг оммаси учун, холис туришлик, дедилар.

Аллоҳ учун холис туришлик. Аллоҳ учун холис туришлик, нима? Ибодатнинг ҳамма турларини Аллоҳ учун, холис қилишликдир. Ибодат маъноларини, ўтган дарсларимизда тушунтирганмиз. Яъни, йигирма тўрт соат ичидаги қилган амалларнинг, ҳар бирини, холис Аллоҳ учун, қилишлик. Шариатга мувофиқ бўлган амал, ибодат, Аллоҳга холис бўлишлик билан, мақбул бўлади. Аллоҳ учун, насиҳат, дегани, насиҳат қилиб гапиришмас, Аллоҳ учун, холис туришликдир. Яъни, ибодатни фақат, Аллоҳ учун, қилишлик, ан нусхи биллаҳ, ҳисобланади.

(Аллоҳнинг китоби учун холис туришлик, ҳақида қори ака, эсдан чиқариб, ёки, тасодифан шарҳламасдан кетадилар. Бунинг сири энди, Валлоҳу аълам. Агар, у киши, шу мавзуда гапирганларида, менинг фикримча, қуйидагича, шарҳлаган бўлардилар. Қори акани, дарсларидан умумий хулоса қилиб, мен у киши, унутиб қолдирган, шу ерига, кичик бир шарҳ ёзишга, ўзимча журъат қилдим. Хато бўлса, Аллоҳга истиғфор айтаман. Қуйида, шу шарҳни ўқийсиз. Унинг муаллифи, камина Саҳвийдир)

Аллоҳнинг китоби учун холис туришлик. Аллоҳнинг китоби учун холис туришлик, биродарлар, бу китобни, ҳалол деганини, ҳалол деб, тасдиқлаш, ва ҳаром деганини, ҳаром деб, тасдиқ қилишликдир. Ва бу китобни, буйруқларига амал қилишлик ва қайтарганларидан қайтишликдир. Бу китобни, Аллоҳу Таоло тарафидан келган деб, ишониш ва уни тўғри, беҳато, бериё, тиловат қилиш ва тиловат илмини биладиган одамлар, уни бошқаларга холисан лиллоҳ ўргатишлиги, билан бўлади, биродарлар. Қуръон воситасида, емоқдан сақланишлик ҳам, қуръонга холис туришлиқдандир. Уни ўқишни билмаганлар, ўрганишликка ҳаракат қилмоқлари керак. Уни тиловатини эшитмоқлик ҳам, холис туришлиқдандир. Қуръонга холис туришлик, уни уйда осиб қўйишлик билан, бўлмайди. Уни ўлиқларга, ўқишлик билан бўлмайди. Қуръонга холис туришлик, унинг ҳукмига ҳаётда амал қилишлик ва ҳаддларни ижро қилишлик билан, бўлади, биродарлар. Бунга қодир бўлмасак, барибир, шунга ҳаракатда бўлишлик ва доим шунга интилишлик, қуръонга холис туришлиқдандир. Валлоҳу аълам.

Аллоҳнинг Расули учун, холис туришлик. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари, Расулига холис турдилар. Ҳаётликларида, Расулига ёрдам бериш, буйруқларига бўйсунуш, у киши қайтарган нарсалардан, қайтишлик. У киши ўтиб кетганидан кейин, ҳам, суннатларига амал қилишлик. Суннатларини сақлашлик ва суннатларини тарқатишлик ва суннатларини мудофаа қилишлик. У кишидан собит бўлган ривоятларни шубҳалантормасдан, аниқ қилиб, баён қилишлик. Ва у кишидан собит бўлмаган нарсаларни, бу мавзуъ, бу кизб деб, айта олишлик. Расули учун, холис туришлик шarti, яна у кишига муҳаббат қилмоғи ва эргашишликка, у кишинигина танламоғидир.

Бир миллатнинг, оддий бир кимсаларига эргашишяпди, одамлар. Бизнинг, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдек, эргашадиган ва бизга намуна бўладиган, зот бўлиб туриб, мана бу кишини ташлаб, қаёқларга эргашаётганимизни ҳам, билиб қўййлик. Бу Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам учун, холис туришликмас, биродарлар. Агар бир миллатнинг, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдек, намуна бўладиган, бу кишининг озгина суратини, вужудга келтирган раҳбари бўлганда, бу кишига эргашган, бўларди. Мана бу эргашишлик, муҳаббат тарафидан вужудга келмоқлиги керак. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, суннатларини қилмасдан, қаёқларга эргашаётганимизни ҳам, бир ўйлаб, қўймоқлигимиз керак, биродарлар.

Мусулмонларнинг имомларига холис туришлик. Такрор айтамиз, имом Аллоҳнинг ҳукмини, ижро қилувчи киши. Мусулмонлар имомларига, манҳажларини, рўёбга чиқаришда, ёрдамлашиш. Уларнинг Исломига мувофиқ таълимотларини, рўёбга чиқариш.

Аллоҳнинг итоати бўлган буйруқларига, итоат қилишлик. Уларга хитоб қилишликда, ҳикмат йўли билан, хитоб қила олишлиқдир, биродарлар! Мусулмонларнинг имомларига, хитоб қилишлик, халқ оммасига хитоб қилишлик каби, бўлмаслиги керак. Шариат ҳукмини барпо қилиб турган имомга, холис бўлишлик жумласидандир, унга қарши бўлиб турган одамга, ёрдам бермаслик. Уларнинг сирларини, бошқаларга фош қилмаслик ҳам, Мусулмонларнинг имомига, холис бўлишлик, жумласидандир.

Мусулмонлар оммасига холис туришлик. Уларнинг адашганларига ҳақ йўлни кўрсатиш. Жоҳилларига таълим бериш. Маънавий ва моддий муҳтож бўлганларига, ёрдам бериш. Уларга амри маъруф ва наҳй мункарни, барпо қилишлик. Мусулмонлар оммасига келаётган яхшиликка, ёрдам беришлик. Уларга келаётган зарарларни, даф қилишлик. Бу зарар уларнинг динларига ёки, дунёларига келаяпдими, фарқи йўқ, даф қилишга уринишлик. Мана бу, Дин насиҳатдир, деган сўзнинг қисқача маъносидир, биродарлар! Дин насиҳатдир!

Бир одам, шу амалларни қилган бўлса, Аллоҳ учун, Расули учун, Аллоҳнинг китоби учун, Мусулмонлар имомлари учун, Мусулмонларнинг оммалари учун, холис тура олса, у диндорман деб, даъво қилса бўлади, биродарлар!

Ҳаммамиз ҳам, одамларнинг ҳидоятига ҳарисмиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, эргашган, ҳар бир киши, одамларнинг ҳидоятига, ҳарис бўлади. Ҳар бир кишини, Аллоҳнинг ҳидотида бўлишини, орзу қилади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга,

وَمَا أَكْثَرُ النَّاسِ وَلَوْ حَرَصْتَ بِمُؤْمِنِينَ
Юсуф сураси 103 оят

Одамларнинг кўпи, қанчалик ҳарис бўлсангиз ҳам, имон келтирувчи бўлмайди, деди.

إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ ۚ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ
Қасас сураси 56 оят

Сиз яхши кўрган кишингизни, ҳидоят қила олмайсиз. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни, ҳидоят қилади. Аллоҳ ҳидоят топишликка сазовор кишиларни, билувчиروқдир. Агар ҳидоят, инсоннинг кўлида бўлганида, ўзи яхши кўрган кишиларни ҳидоят қилиб олган бўларди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳидоятни, Ўзининг кўлида эканлигини билдирди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, энг яқин киши ва у кишига бўлган манфаатга, энг ҳарис киши, Абу Толибни, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тўғри йўлга сололмадилар. Абу Толиб, ўзининг ширк динида, кетди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мана бу оятни, нозил қилди.

إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ ۚ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ
Қасас сураси 56 оят

Сиз яхши кўрган кишингизни, ҳидоят қилолмайсиз. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни, ҳидоят қилади. Аллоҳ ҳидоят топишликка, сазовор кишиларни билувчироқдир. Шунинг учун, бугунги дарсимизда, ҳидоятдан тўсувчи сабаблар ҳақида, тўхталамиз.

Ҳидоятдан тўсувчи сабаблар ҳақида

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳар бир нарсани яратди. Яратилган нарсаларга ўзига хос, суратни берди. Инсонга ҳам, ўзига хос суратни берди. Ҳайвонларга ҳам, ҳар бирига, ўзига хос бўлган суратни берди. Дарахтларга ҳам, ўзига хос, суратни берди.

Оламдаги бир турдаги мавжудот, иккинчи турдаги мавжудотга, ўхшамайди. Яратган мавжудотини ҳаммасини, ўзининг ҳаёт йўлига, йўллаб қўйди. Ва ҳар бир нарсани, нима учун яратган бўлса, шу нарсага, йўллаб қўйди.

Ҳайвонларни ҳам ўзига хос, мақсад билан яратди. Бирор нарсани, мақсадсиз яратмади. Оламдаги ҳамма мавжудотни, шу инсон учун, яратди. Инсонни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзигагина, ибодат қилишлик учун яратди. Инсонни, бу оламга қул бўлишлик учун, яратгани йўқ. Ўзига қул бўлишлиги учун, яратди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бу оламини инсонга бўйсундирди. Инсонни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзигагина ибодат қилишлик учун, яратди. Ва унга ҳидоят йўли нима? Залолат йўли нима, кўрсатиб қўйди. Ҳидоят йўлидан тўсадиган нарсаларни, Ўзининг каломиди, баён қилди. Ҳидоят йўлидан тўсадиган сифатлар топилганда, одамларни ҳидоят қилмаслигини эълон қилди!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръони каримда, баъзи ўринларда,

وَاللّٰهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ
Бақара сураси 264 оят
(Бу мазмундаги оят, кўп сураларда келган)

Кофир тоифаларни, Аллоҳ ҳидоят қилмайди.

وَاللّٰهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ
Оли Имрон 86 оят
(Бу мазмундаги оят, кўп сураларда келган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, золим тоифаларни, ҳидоят қилмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ
Мунофиқун 6 оят
(Бу мазмундаги оят, кўп сураларда келган)

Фосиқ тоифаларни, Аллоҳ ҳидоят қилмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ
Зумар сураси 3 оят

Ҳаддидан ошган ва каззобларни, Аллоҳ ҳидоят қилмайди.

وَأَنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي كَيْدَ الْخَائِنِينَ
Юсуф сураси 52 оят

Хоин сифатига эга бўлган кимсаларнинг макрини, Аллоҳ мақсадига йўлламайди деган маънони эълон қилишлик билан, хоинларни ҳам, ҳидоят қилмаслигини, баён қилди.

Аллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди, деган учта оят:

Биринчи: Аллоҳ кофир қавми ҳидоят қилмайди, деган оят, Бақара сураси 264 оятидир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَبْطُلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالَّذِي كَانُوا يُنْفِقُونَ مَالَهُ رِئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَمَثَلُ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ
ثَرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابِلٌ فَتَرَكَهُ صَلْدًا لَا يَقْدِرُونَ عَلَى شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ
Бақара сураси 264 оят

Мана бу оятда, мисоли келган, Кофир тоифаларни, Аллоҳ ҳидоят қилишни хоҳламади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳидоятни, ялиниб берадиган нарсаси, қилмади. Кофир бўлишликка рағбат қилиб, кофир бўлган тоифаларни, ҳидоят қилмаслигини, баён қилди. Оятнинг аввалида, куфрга олиб борувчи сабабларни баён қилиб, эй имон келтирганлар, қилган садақотларингизни, миннат ва озор билан йўққа чиқармангизлар, деди. Демак, садақа берган кишига берилган озор, ҳаммасини ботил қилади, деб эълон қилди. Бу ботил бўлишликни мисол билан, кўрсатди. Одамларга риё билан, садақа қилган одамга ўхшаган. Демак, риёкорлик билан, молини сарф қилган одамнинг ҳам, садақоти ботил эканлигини баён қилди. Ва уни, Аллоҳга ва қиёмат кунига, имон келтирмаган киши, деди. Чунки, риё қилган одам, одамлардан, мукофотни умид қилган учун, Аллоҳга ва қиёмат кунига, имон келтирмаган ҳолатда, эъсон қиладиган одам, деди.

Унинг қилган амали мисоли, катта силлиқ тошга ўхшайдики, унинг устида, юпка тупроқ бор. Уни узоқдан кўрган одам, бу ерга сув келса, ёмғир ёғса, бу ер ниҳоятда, унумдор ер бўлса керак, дейди. Риё билан эҳсон қилувчини, одамлар мақташлиги, шунга ўхшайди. Ўзи силлиқ, чуқурчаси йўқ тош. Унинг устида, юрка тупроқ. Буни кўрган одамлар, бу ерга ёмғир ёғса, жуда унумдор ер деб, ўйлайди. Лекин, ёмғир ёғиши билан, шип шийдам бўлиб, супуриб, бирор нарсаси қолмайди. Унишлиги у ёқда турсин. Уларнинг қилган эҳсони, тагидаги тошни бекитиб турган, тупроққа ўхшайди. Тагида ҳосил берадиган, бирор нарсанинг илдизи ўрнамаган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, риёкорларнинг амалини, шунга ўхшатади. Одамларнинг гумони шунга ўхшайди, Деябди. Бундай тоифаларни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳидоят қилмайди, деб,

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ

Деябди. Кофирларни ҳидоят қилмаслигини айтябди. Демак, миннат қилувчи, қилинган садақотларни, миннат қилиб, озор берган кишилар, риё билан садақа қилган одамларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонмаган одамлар, деди. Улар қиёмат кунига ва қиёматда Аллоҳнинг берадиган мукофоти, ишонишмайди. Одамларнинг мақтовларини, ундан кўра, афзалроқ кўрган одамлардир. Бундай одамларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳақиқат йўлига, ҳидоят йўлига йўлламайди, деябди. Демак, миннат, озор ва риё, инсонни, ҳақ йўлга йўлланишликдан тўсади.

Шунинг учун, халқлар ўртасида, ҳақ йўлга унамаётган кишиларни текширинг, ҳаммаси, риёкор, ва ўзининг қилаётган садақасини, миннат қилиб, озор берувчи кишилардир. Чунки, улар қилаётган садақотидан, одамларни ўзига қул қилиб, олишликни хоҳлайди. Ёинки, иккинчи Хотам деб, ном чиқаришликни, хоҳлайди. Буларни аксарини кўринг, молу давлатини кўп сарф қилиб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳидоятидан, маҳрум бўлиб яшайди.

Рум подшоси Ҳирақл, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳақида эшитиб, у киши ҳақида кўпроқ хабар олсам деб, Рум шаҳрига Қурайшдан келган савдогарларни, ҳузурига таклиф қилди. Муҳаммад алайҳиссаломни таниган кишиларни, талаб қилганда, Абу Суфён қариндошлигини ва яқинлигини айтди. У мушрик эди, у вақтда. Шунда, олдида ўтқазиб, ўнта савол қилди. Шулардан биттаси,

رَقْل : فَأَشْرَافَ النَّاسِ يَتَّبِعُونَهُ أَمْ ضَعُفَاؤُهُمْ ؟
أَبُو سَفْيَانَ : بَلْ ضَعُفَاؤُهُمْ

Бу пайғамбарликни даъво қилган кишига, халқлар ўртасида шарафлик одамлар эргашябдими? Ё заиф одамлар эргашябдими? деб, сўради. Шунда, Абу Суфён одамларнинг заифлари эргашаяпди, деди. Рум подшоси Ҳирақл, мушрик бўлса ҳам, у ақллик эди, подшоҳ бўлса ҳам. Подшоҳлар ичида ҳам, ақллиси бўлади, биродарлар! Бунга ишонаверинг. Мушриклар ақллиси ҳам, бўлади ва лекин, ҳидоят йўлига насиб бўлмайди.

Шунда, Ҳирақл, унга эргашувчилар, шулар бўлади, деди. Чунки, пайғамбарлар, заиф халқларнинг қалбидаги мақсадини, олиб келади. Мазлумларнинг додига биринчи етган йўлни, олиб келади. Шунинг учун ҳам, ҳақ қаерда чиқди, десангиз, атрофига заифлар йиғилган бўлади. Шарафли одамлар, улар (Дин) олимларни, уларнинг мақсади билан, юришлигини хоҳлашади. Улар қилаётган эҳсонлари билан, олимлар ҳам шу эҳсонга қараб, гапиришлари керак, дейди. Сиз қовунфуруш бўлсангиз, масалани қовундан, қилиб бериш керак. Сиз косиб бўлсангиз, масалани косибликдан қилиб бериш керак. Сиз ҳунарманд бўлсангиз, шу ҳунарманд одам, жаннатни саккизта дарвозасидан кириб кетишлигини, баён қилиб, беришлиги керак! Мана бу нарсa, шарафлик одамларга ёқади. Сулаймон ибн Абдулмаликни ҳузурида, Абу Ҳозим қаттиқ гапирдилар. Аллоҳни раҳматидан ҳам гапиринг, деди.

إِنَّ رَحْمَتَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ
Аъроф сураси 56 оят

Аллоҳнинг раҳмати муҳсинларга яқиндир, деди. (оятни ўқиди) Уни эшитмай қўяверинг, деди. Ваъидларни, эшитинг, деди.

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ

Шунинг учун ҳам, мана бу оятда, Аллоҳ бундай кофир қавмни ҳидоят қилмайди, деди. Сиз бунга танг бўлманг! Қайси одам миннатли бўлса, Қайси одам риёкор бўлса, Қайси одам озор берадиган бўлса, унга ҳақни айтаверасиз, таъсир қилмайди! Аллоҳ уни ҳидоят қилмайди. Ҳидоятни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, миннатчи, озор берувчи ва риёкорга ҳам, берадиган нарсa қилмади.

Иккинчи: Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмайди, деган оят, Моида сураси, 67 оятидадир.

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْكِتَابِ ءَامَنُوا وَاتَّقَوْا لَكَفَّرْنَا عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَلَأَدْخَلْنَاهُمْ جَنَّاتِ النَّعِيمِ
وَلَوْ أَنَّهُمْ أَقَامُوا التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَمَا أُنْزِلَ إِلَيْهِمْ مِنْ رَبِّهِمْ لَأَكْلُوا مِنْ فَوْقِهِمْ وَمِن تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ مِّنْهُمْ أُمَّةٌ مُّقْتَصِدَةٌ وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ سَاءَ مَا
يَعْمَلُونَ
يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَّمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ
سورة المائدة 65,66,67

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Аҳли китобларни, имон келтиришганда эди, деябди, Аҳли китоблар, Аллоҳни бор, дейишарди. Аҳли китоблар, коиноту ерни, Аллоҳ яратган дейишарди. Аҳли китоблар, Аллоҳ ўлдиради ва Аллоҳ тирилтиради, дейишарди. Аҳли китоблар, Аллоҳ ризқ беради, дейишарди. Аҳли китоблар, коиноту ерни, Аллоҳ яратган дейишарди. Аллоҳ уларни, мўмин демаяпди. Нима учун? Ибодатни фақат, Ўзига қилмагани учун!

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْكِتَابِ ءَامَنُوا

Агар, Аҳли китоблар, имон келтиришганда, демак, имон келтирмаган улар, деябди, Аллоҳу таоло!

وَاتَّقُوا

Агар тақво қилишганда,

لَكَفَّرْنَا عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ

Уларнинг катта, хатоларини кечирган бўлардик.

وَلَدْخَلْنَاهُمْ جَنَّاتِ النَّعِيمِ

Ва уларни жанноти наимга, киргизган бўлардик.

Агар улар, тавроту инжилни барпо қилишганда, улар тавроту инжилни ўқишади халос. Улар ҳукмини, барпо қилишмайди. Агар барпо қилишганда,

وَمَا أُنْزِلَ إِلَيْهِمْ مِنْ رَبِّهِمْ لَأَكْلُوا مِنْ فَوْقِهِمْ وَمِنْ تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ

Роббилари тарафидан туширилган қуръонни, барпо қилишганда, улар тепа тарафдан ҳам, остиларидан ҳам, ёнларидан ҳам, таомланишган бўларди. Яъни, баракот уларга ёғилиб кетган бўларди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мана бу оятдан кейин, Эй пайғамбар, Ўзизга Роббингиз тарафидан туширилган нарсани етказинг! деди. Яъни, қуръони каримни етказинг. Агар буни қилмасангиз, Аллоҳнинг рисолати, ҳаёт фақат шунинг учун, бизга берилди. Шу рисолатни, етказмаган бўласиз. Аллоҳ сизни одамлардан сақлайди. Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмайди, деди. Сиз етказинг, кофирларни, Аллоҳ ҳидоят қилмайди, деди. Чунки, ҳидоят, қалбда куфр бўлса, куфр билан ҳидоят, жамланмайди, биродарлар! Мана шу оятнинг тафсирида, Уммул муъминин, Оиша разияллоҳу анҳодан, ривоят қилинадики:

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кечаси ухлолмай безовта бўлиб чиқдилар. Шунда сизга нима бўлаяпти? деб сўрадим. Шунда, умматимдан бир солиҳ киши келиб, мени қўриқлаганда эди, дедилар. Шунда ташқарида, силоҳ товушлари эшитилди. Ким бу? дедилар. Саъд ибн Моликман, дедилар. Нима келдинг? дедилар. Сизни қўриқлагани келдим, деди. Шундан кейинла, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламда, ухлаганлик аломати сезилди, дейдилар. Шу кундан бошлаб, у кишини доим қўриқчилари бор эди. Муҳаммад ибн Маслама ҳам, қўриқчиларидан эди.

وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ

Аллоҳ сизни, одамлардан сақлайди, деган, оят нозил бўлганда, ҳужраларидан бошларини чиқардиларда,

عن عائشة قالت: كان رسول الله يحرس ليلاً حتى نزلت وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ فَأَخْرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأْسَهُ مِنَ الْقُبَّةِ فَقَالَ لَهُمْ: «أَيُّهَا النَّاسُ انصرفوا لقد عصمنى الله»

Ҳой одамлар, Аллоҳ мени ҳимоясига олди. Кетаверинглар, дедилар. Шу кундан бошлаб, неччи йил яшаган бўлсалар, ер куррасидаги ҳамма душманлари, бу кишини йўқотишга ҳаракат қилди. Аллоҳ мана шу оятда, Ўзи ҳимоясига олишни, ваъда қилди. Аллоҳ сақлади. Ваҳйга пайғамбарлар, шундай ишонишган.

Демак, бу оятлардан бизга маълум бўлаяпдики, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло туширган қуръонни, ҳаётда барпо қилмаслик, уни барпо қилишга ҳаракат қилмаслик, биздан ҳидоятни тўсиб қўяди, биродарлар. Аллоҳ кофир қавми, ҳидоят қилмайди, дейилапди.

Учинчи, Аллоҳ кофир қавми, ҳидоят қилмайди, деган оят, Тавба сураси 37 оятидадир.

إِنَّ عِدَّةَ الشُّهُورِ عِنْدَ اللَّهِ اثْنَا عَشَرَ شَهْرًا فِي كِتَابِ اللَّهِ يَوْمَ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ مِنْهَا أَرْبَعَةٌ حُرُمٌ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ فَلَا تَظْلِمُوا فِيهِنَّ أَنْفُسَكُمْ وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ كَافَّةً كَمَا يُقَاتِلُونَكُمْ كَافَّةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ
إِنَّمَا النَّسِيءُ زِيَادَةٌ فِي الْكُفْرِ يُضِلُّ بِهِ الَّذِينَ كَفَرُوا لِيُجْلُوهُ عَامًا وَيُحَرِّمُونَهُ عَامًا لِيُؤْاطُوا
عِدَّةَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ فَيُجْلُوا مَا حَرَّمَ اللَّهُ زَيْنٌ لَهُمْ سَوْءُ أَعْمَالِهِمْ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ
Тавба сураси 36,37 оятлари

Шу оятдан биламизки, Насиъ қилишлик, яъни, Шаҳрул ҳаромга баъзи кунларни қўшиб, (юқоридаги оятда уруш ҳаром қилинган 4 ой ҳақида, гапирилган. Шу ойларни арабчада, шаҳрул ҳаром, дейилади) Зулҳижжадан олиб ташлашиб, хуллас, ойларга нисбатан кунларни ўзгартириш, (насиъ қилиш) бу куфрни зиёда қилиш, эканлигини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баён қилиб, мана бу оятда, Аллоҳнинг ҳукмларини ўзгартирган кишини, Аллоҳ ҳидоят қилмайди, деяпди. (Юқоридаги оятлар, шу уруш ҳаром қилинган ойларни кунларини алмаштирган мушриклар ҳақида айтилган.) Шунинг учун ҳам биз, Аллоҳнинг ҳукмларини ўзгартириб қўймаслигимиз керакки, бу куфрга олиб боради ва Аллоҳнинг ҳидоятидан маҳрум қилади.

Баъзи одамлардан эшитиладики, албатта, динсиз одамлардан, бу рўза ҳам, манфаати катта, бу руҳий риёзатга киради. Инсон жисми, саломат бўлади. Шунинг учун, рўза тутишимиз керак, деган, сўзлар, биродарлар, бу куфрдир. Биз рўзани, жисмимиз саломат бўлишлиги учун, тутамиз. Намозни ҳам, бу жисмоний машқ. Бошқа жисмоний машқлар чикди, ҳозир, деб айтишлик, куфрдир бу! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ҳажни фарз қилди. Ҳаж ҳам бир саёҳат. Бошқа саёҳатлар ҳам, чикди. Буни ўрнини босаверади деб, айтишлик, бу куфрдир бу! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бундай кофир одамларни, ҳидоят қилмайди. Ҳар қанча, сиз унга ҳақни гапирманг, фойдаси йўқ. Биз унга етказишлик билан, ўзимизни вазифамизни ўтаймиз. Мана бу оятдан кейин, Аллоҳ кофир қавми ҳидоят қилмайди, деяпди. Бу нарса, яъни, Аллоҳнинг ҳукмларини ўзгартиришлик, бу нарса куфдир.

Аллоҳ золимларни ҳидоят қилмайди, деган учта оят:

Биринчи: Аллоҳ золим қавми ҳидоят қилмайди, деган оят

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ
Оли Имрон 86 оят

Албатта, энг катта зулм, бу ширқдир.

إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ
Луқмон сураси 13 оят

Албатта, ширк энг катта зулмдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мушрикларни кечирмайди.

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِي حَاجَّ إِبْرَاهِيمَ فِي رَبِّهِ أَنْ آتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ إِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّيَ الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا أَحْيِي وَأُمِيتُ فَقَالَ إِبْرَاهِيمُ فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

Бақара сураси 258 оят

Шу оятдан бизга маълум бўладики, бир одам, Робб таолонинг сифатларидан биттасини, ўзига даъво қилишлиги, бу зулмдир. Энг катта зулмдир бу. Бу зулм содир бўлишлиги билан, ҳидоят йўли тўсилади. Иброҳим алайҳиссалом, менинг Роббим ўлдиради ва тирилтиради, деганларида, у киши билан ҳужжатлашган киши, (Намруд исмлики кофир подшоҳ) мен ҳам ўлдираман ва тирилтираман, деди. Бир одамни чақириб, ўлдирди. Бир одамни ўлдиринглар деб, буюриб, кейин, чақириб, бор озодсан, деди. Мана бу ўлдиришим ва бу тирилтиришим деди. У нодон, ўлганни тирилтиришни маъноси, шу деб, билди.

Иброҳим алайҳиссалом, бундай нодон билан, маънавий нарса устида, баҳслашиш бефойдалигини билдиларда, менинг Роббим қуёшни Машриқдан Мағрибга олиб келади. Сен уни, Мағрибдан Машриққа олиб келчи, дедилар. Шунда кофир, индамай қолди. Ана, робб таолонинг сифатини даъво қилганларни, Аллоҳ золим деяпти. Буларни ҳеч қачон, ҳидоят қилмайди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло.

Иккинчи: Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмайди, деган оят

كَيْفَ يَهْدِي اللَّهُ قَوْمًا كَفَرُوا بَعْدَ إِيمَانِهِمْ وَشَهِدُوا أَنَّ الرُّسُولَ حَقٌّ وَجَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ ۚ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

Оли Имрон сураси 86 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Сураи Оли Имронда, имонларидан кейин, кофирларни йўлини танлаган одамларни Аллоҳ қандай ҳидоят қилади? дейди. Улар Расул ҳақ деб, гувоҳлик беришган. Уларга очиқ ҳужжатлар келган. Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмайди. Баъзи кишилар, Аллоҳ ҳақ деб, имон келтиришади. Ла илоҳа иллоллҳ Муҳаммадар расулulloҳ деб, Муҳаммад алайҳиссаломни ҳақ, дейишади. Уларга кўп ҳужжатлар келган. Лекин, Аллоҳнинг йўлини қўйиб, бошқалар ўйлаб топган йўлни, ҳақ дейди. Буларни Аллоҳ ҳидоят қилмайди, ҳақ йўлга. Ҳидоят йўлини тўсилиши сабаби, исломдан бошқа йўлни, ўзига йўл қилиб танлашдир.

Учинчи: Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмайди, деган оят

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

Моида сураси 51 оят

Эй имон келтирганлар, яҳуд ва насороларни дўст қилманглар ўзингизга. Ким улардан биттасини ўзига дўст деб, билса, улардан ҳисобланади. Аллоҳ бундай золимларни тўғри йўлга ҳидоят қилмайди, деябди. Бундан мурод, ислом ҳукмини остида яшаётган аҳли китоблар эмас. Уларга биз, яхшилик қилишликка ва адолат қилишликка, маъмурмиз. Аммо, исломга қарши турган, яҳуд ва насороларни дўст деб, билса, улардан ҳисобланади. Дўст тутишликни маъноси, ёрдамлашиш. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бундай золимларни ҳидоят қилмайди. Ҳар қанча даъват қилинг, таъсир қилмайди, уларга.

لَا يَنْهَكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقْتُلُواكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُواكُم مِّن دِيَارِكُمْ أَن تَبَرُّوهُمْ وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ

Мумтаҳа сураси 8 оят

Яъни, сизлар билан, дин йўлида жанг қилмаган ва сизларни диёрингиздан қувиб чиқармаган, яхуд ва насороларни, яхшилик ва адолат қилишдан, Аллоҳ қайтармайди, деябди. Демак, бу оятдан биламизки, ислом динига қарши турган яхуд насороларни, дўст тутган киши золим бўлади. Аллоҳ бундай золимларни, тўғри тўғри йўлга, ҳидоят қилмайди.

Аллоҳ фосиқларни ҳидоят қилмайди, деган оятлар:

Ҳидоят йўлини тўсувчи нарсалардан бири, фисқдир, биродарлар.

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ

Бу оят кўплаб сураларда келган.

Фисқ, қуръони каримда бир неча маъноларда, истеъмол қилинади. Ширқдан тортиб, гуноҳи кабираларгача, фисқ истеъмол қилинади.

الْحَجُّ أَشْهَرُ مَعْلُومَاتٍ فَمَنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفْتَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِي الْحَجِّ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَرَوُودَا فَإِنْ خَيْرَ الرَّادِ
التَّقْوَى وَاتَّقُوا يَا أُولِي الْأَلْبَابِ

Бақара сураси 197 оят

Бу оятда, исён маъносида, истеъмол қилинади.

أَفَمَنْ كَانَ مُؤْمِنًا كَمَنْ كَانَ فَاسِقًا ۚ لَا يَسْتَوُونَ

Сажда сураси 18 оят

Мўмин бўлган билан, фосиқ бўлган баробарми? Улар ҳеч қандай, баробармас!
Бу оятда, фосиқ сўзи, куфр маъносида, истеъмол қилинаябди.

Фисқ, яна куфрдан пастроқ гуноҳларга ҳам, истеъмол қилинади.

وَلَكِنَّ اللَّهَ حَبِيبٌ إِلَيْكُمْ إِلَيَّكُمْ وَإِلَيْكُمْ وَكَرَهُ إِلَيْكُمْ الْكُفْرَ وَالْفُسُوقَ وَالْعِصْيَانَ

Ҳужурот сураси 7 оят

Куфрга атф қилиниши (боғланиши) муғаййаротни (ўзгаришликни) талаб қиладида, фусуқ, демак, куфрдан пастроқ, гуноҳлар. Фисқнинг энг каттаси, куфрдир. Бу иблисининг куфри.

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ الْجِنِّ فَفَسَقَ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِ

Каҳф сураси 50 оят

Фаришталар Одамга сажда қилдилар, Иблисдан бошқа. У жинлардан эди. Роббисининг буйруғидан ташқарига чиқди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, фисқ сифатига эга бўлганларни, ҳидоят қилмаслигини айтяпти. Биз учун муҳим бўлгани, тавба сурасида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, фисқ сифатига эга бўлганларни, ҳидоят қилмаслигини баён қилишдан илгари:

قُلْ إِنْ كَانَ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا وَمَسَاكِنُ تَرْضَوْنَهَا أَحَبَّ إِلَيْكُمْ مِّنْ
اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَجِهَادٍ فِي سَبِيلِهِ فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ

Тавба сураси 24 оят

Айтинг, Эй Муҳаммад алайҳиссалом, агар, ота онанглар, фарзандинглар, ака уканглар, аёлинглар, қариндош уруғинглар, касб қилган молу давлатинглар, ва сизлар касод бўлиб қолармикан деб, турган тижоратинглар ва ўзинглар рози бўлиб, ихтиёр қилган ҳовли жойинглар, мана шу саккизта нарсани тарозининг бир палласига қўйди.

Ҳаётда, инсонни ҳақ йўлдан тўсадиган, саккизта нарса, агар ҳаётдаги ҳамма нарсани санасангиз, мана шу саккизта нарсага, чекланади. Тарозининг иккинчи палласига, Аллоҳ, ва Унинг Расули ва Аллоҳ йўлидаги жиҳодни, қўйди.

Аллоҳнинг ҳукмидан қайтарадиган ҳам, ё ота она, ё фарзанд ва ё ака ука, ёинки, аёллар ва ёинки, қариндош уруғлар, ёинки, топиб турган молу давлатлар, ёинки, касод бўлиб қолармикан деб, турган тижорат, ёинки, маҳрум бўлиб қолармиканман деб, турган жойлар, мана шу саккизта нарсани, тарозининг бир палласига қўйди.

Тарозининг иккинчи палласига, Аллоҳнинг муҳаббатини, ва Унинг Расулининг муҳаббатини, ва Аллоҳ йўлидаги жиҳоднинг муҳаббатини, қўйди. Аввалги тараф оғир келса, Аллоҳ уларни фосиқлар, деди. Бундай фосиқларни Аллоҳ, тўғри йўлга ҳидоят қилмайди, деди. Ҳақ йўлига киролмаётганимизни сабаби, мана шу сифатлар, бизга Аллоҳ, ва Унинг Расули ва Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан, суюмли бўлиб кетганидир, биродарлар! Аллоҳ бизга баён қилиб қўйди. Нима учун мени ҳидоят қилмадинг? дея олмайди, ҳеч ким. Аллоҳ эълон қилдики, «Бундай фосиқларни Аллоҳ ҳидоят қилмайди,» деб қўйди. Биз ҳақ йўлга киролмаётганимизнинг сабаби, мана шу бўлса керак, биродарлар?!

Баъзи кишилар, ҳақ йўлдан, ота оналарини афзал кўришади. Баъзи кишилар, фарзандлари сабаблик, залолат йўлига кетишади. Баъзи бир кишилар, ака укалари, Баъзи бир кишилар, аёллари, Баъзи бир кишилар, қариндош уруғлари, баъзи бир кишилар, молу давлатлари, шу касбим юрмай қолади, дейди. Тижоратидан кўрқади. Баъзи бир кишилар, шу ҳовли жойни мен кийнаиб кўрдим. Шу жойдан, жилиб кетиб қоламан. Муроса қилмасам, дейди. Аллоҳу таоло буларни, фосиқ деяпди. Биз бўямаслигимиз керак! Фалончи, пистончи қўйинг, Аллоҳу таоло буларни, фосиқ, деяпди. Буларни ҳидоят қилмайман, деяпди. Текширинг, ҳаётингиздаги ҳамма адашган пайтингизни, текширинг! Тарозунинг мана шу палласи босиб кетаяпди, биродарлар! Саҳобаларда, бизга ҳужжатлар барпо бўлди.

Аллоҳу таоло, саҳобалар учун, оғиздаги сўз қилиб қўймади, бу нарсани. Баъзи саҳобаларни дадалари қарши, эди. Бўлиб ҳам, дадаси, оддий одаммас эди. Маккадаги энг кучлик, одамлар эди. Амр ибн ал Осс, Абдуллоҳнинг дадаси эди. Ўғли мусулмон ва отаси, у вақтда мушрик эди. Амр ибн ал Осс, Қурайш ичида, Абу Суфёндан кейинги ўринда турарди. Шундай шажоатлик эди. Мисрни Фатҳ қилган, кейинчалик. Ҳабашистонга мусулмонларни асир қилиб олиб келиш учун ҳам, жўнатилган киши, Амр ибн ал Осс эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Замони саодатни қиёматгача, ойна қилиб қўйди. Токи бизга ўхшаган одамлар, айтмасинки, дадам оддиймас, эдида, ниҳоятда кучлик эдида, динга қарши тургани учун, унга қарши туришга, кучим етмади, дея олмасин! Амр ибн ал Оссча бормиди? Сени даданг, дейилади. Ўғли Абдуллоҳни ҳақ йўлдан қайтаролмади. Охири, ўзи ҳам Исломни қабул қилди. Исломга, кўп хизматлар қилиб кетди.

Уҳудда иккита қабр бор. Ҳамза ибн Абдулмутталиб билан бирга Мусъаб ибн Умайр, ётибди. Бу киши саҳобалар ичида машҳурларидан эдилар. Унинг онаси жуда яхши кўрарди. Унга ҳеч ким киймаган кийимни, кийдирарди ва ҳеч ким емаган таомни, едирарди. Имон келтирганини эшитган онаси, агар Муҳаммадга кофир бўлмасанг, сенга таом бермаман ва либосларни ҳам киймисан, деди. Онасини қаршилиги бу кишини ҳидоят йўлидан тўсолмади. Онасининг муҳаббатидан, Аллоҳу Расул муҳаббати, оғир келди.

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг ўғли, исломни қабул қилмади. Бадр кунида, мушриклар сафида, мусулмонларга қарши, жанга чиққан эди.

Яккама якка курашга мушриклар тарафидан уч кишидан бири бўлиб, шу чиқди. Унга қарши мен чиқаман дедилар, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам унга, Бизни фойдалантириб тулинг, дедилар. Яъни, шаҳид бўлиб кетиб қолишингиздан қўрқаман, дедилар. Фарзанд муҳаббатидан, Ислом муҳаббати, ортиқ бўлди. Ака укалар тарихи, замони саодатда, бир неча саҳобаларда кўринди. Оилаларга оид мисоллар, бунга, башарийят тарихида ва нубувват тарихида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, кўп мисолларни кўрсатди.

Қариндошлар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мисолида кўрдик. Баъзи аёллар айтиши мумкинки, мен аёл кишиманда, ўғил болани йўли бошқа, қиз бола қаерга боради? дейиши мумкин! Умму Ҳабиба разияллоҳу анҳо, Абу Суфённинг қизи эди. Абу Суфён Қурайшнинг, энг каттаси эди.

Умму Ҳабиба разияллоҳу анҳо, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари эди. Дадаси Абу Суфён, Ҳудайбийя сулҳини бузиб қўйилгач, уни қайта тиклаб оларман, қизим бору шу ерда деб, Мадинага келди. Биринчи бўлиб, қизи Умму Ҳабиба ўтирган уйга кирди. Бу ота биродарлар. Бировни шону шавкатли отаси бўлса, шу Абу Суфёнча бўлади. Қизини уйига кириб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўтирадиган хурмо барги солинган тўшакчага, ўтирмақчи бўлди. Қизи тўшакни тортиб олди. Қизим, мендан бош тиртдинми? деди. Қизи, бу Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўтирадиган тўшак. Сен мушриксан, деди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Аллоҳу Расулини муҳаббатини, олий қилган! Бизнинг имонимиз тил билан бўлган қуруқ даъво бўлиб қолмаслиги керак, биродарлар! Имон жиддий нарсадир.

أَلَا إِنَّ سُلْعَةَ اللَّهِ غَالِيَةً أَلَا إِنَّ سُلْعَةَ اللَّهِ الْجَنَّةُ
خلاصة حكم المحدث : إسناده حسن

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: Аллоҳнинг қиёмат кунида берадиган матоси қийматдир. Аллоҳнинг қиёмат кунида берадиган матоси жаннадир! Дедилар.

Имон фақат тил билан айтиладиган нарса бўлганида, ер юзида ҳамма мусулмон бўларди. Имону куфрни фарқи бўлмасди, десак ҳам, бўлаверарди. Аллоҳ фосиқ деяпди. Агар, Тарозининг иккинчи палласи, Аллоҳнинг муҳаббатидан, ва Унинг Расулининг муҳаббатидан, ва Аллоҳ йўлидаги жиҳоднинг муҳаббатидан ортиқ келса, ўзизга бошқа ном қўйманг. Фосиқ денг! Аллоҳ қўйган номни айтинг! Аллоҳ сизни ҳақ йўлга ҳидоят қилмайди, хотиржам бўлаверинг! Аллоҳ буни таъкид билан, айтяпди. Аллоҳ бундай фосиқ қавмларни, ҳидоят қилмайди! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, фосиқ қавмларни, ҳаққиға истиғфор айтишлигу, айтилмаслигини, баробар қиляпди, сураи Тавбада.

أَسْتَغْفِرُ لَهُمْ أَوْ لَا تَسْتَغْفِرُ لَهُمْ إِنْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ سَبْعِينَ مَرَّةً فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ
Тавба сураси 80 оят

Истиғфор айтинг уларнинг ҳаққиға ё, Истиғфор айтманг, агар етмиш бор, Истиғфор айтсангиз ҳам. Уларнинг ҳаққиға, Аллоҳ уларни кечирмайди. Чунки, улар Аллоҳга ва Расулига, кофир бўлишган. Аллоҳ бундай, фосиқ қавмларни, ҳидоят қилмайди!

سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أَسْتَغْفَرْتَ لَهُمْ أَمْ لَمْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ لَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ
Мунофиқун сураси 6 оят

Баробарки, Истиғфор айтинг, уларнинг ҳаққига ё, Истиғфор айтманг, фарқи йўқ! Аллоҳ уларни кечирмайди. Чунки, Аллоҳ бундай фосиқ мунофиқларни, тўғри йўлга ҳидоят қилмайди! Қалбингизда нифоқ бўлганидан кейин, ҳидоятдан маҳрум бўласиз.

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ ۖ يُقَوْمِ لِمَ تَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ قُلْتُمْ ۖ فَلَمَّا زَاغُوا أَزَاغَ اللَّهُ قُلُوبَهُمْ ۖ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ
Саф сураси 5 оят

Мусо алайҳиссалом айтдиларки: Эй қавмим, нега менга озор берасизлар? Мени Аллоҳнинг элчиси эканлигимни биласизлару?! дедилар. Улар билишарди ва лекин, озор беришарди. Уларнинг озор беришликдан, қалблари бурилди. Аллоҳ уларнинг қалбларини буриб қўйди. Аллоҳ фосиқ одамларни, ҳидоят қилмайди!

Ким Расулига ва Расулига эргашган кишиларга озор берса, Аллоҳ унинг қалбини буриб қўяди. Уларнинг қалби бурилди. Ва Аллоҳу таоло, уларни, ҳидоят қилмайди!

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ
Ғофир сураси 28 оят

Ҳаддидан ошган ва каззобларни, Аллоҳу таоло, ҳидоят қилмайди! Мана бу нарсани биз билиб қўймоқлигимиз керакки, кўп одамларга_ ҳидоят таъсир қилмаслигининг сири, уларнинг қалбида, ҳидоятга бўлган тайёргарлик_ йўқлигидир. Ҳидоятнинг йўлини тўсадиган нарсалар, баъзилари, шу дарсимизда баён қилинган нарсалардир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ҳидоятнинг йўлини тўсадиган нарсалардан, фосиқ бўлиб қолишликдан, куфрдан, ҳаддидан ошишликдан ва кизбдан ва зулмдан, Ўзи сақласин!

Фотиматуз Заҳро фазилатлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Фотиматуз Заҳро қизларини чақирдилар ва махфий сўз айтдилар. Шунда қизлари йиғладилар. Кейин яна чақириб, махфий сўз айтдилар. Шунда кулдилар. Оиша разияллоҳу анҳо, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизга нима махфий сўз айтдилар, биринчисида йиғладингиз ва кейин кулдингиз? деганларида, мен дадам айтган сирни, сизларга айтолмайман, дедилар. Агар сизлар ҳам билишинглар керак бўлганда, ошкор айтган бўлардилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, вафот қилдилар.

Шунда, Оиша разияллоҳу анҳо, Мен сизга оналик ҳурматим билан ва сизга қилган хизматларим ҳаққи сўрайманки, менга шу сирни айтинг, деганларида, Фотиматуз Заҳро, биринчи марта, мен дунёдан кетаяпман, дедилар. Шунда йиғладим дедилар. Кейин, яна чақириб, айтдиларки, менинг ортимдан, оила аъзоларим ичида, биринчи борадигани, сизсиз дедилар. Шунда, хурсанд бўлиб кулдим, дедилар. Олти ойдан сўнг, Фотиматуз Заҳро вафот қилганлар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Ер юзида камолот ҳосил қилган ва Аллоҳнинг ҳузуридаги, энг улуғ аёлларни санаб, Марям бинти Имрон дедилар. Ҳадича бинти Хувайлид. Фотимата бинти Муҳаммад ва Фиравн аёли Осия, дедилар.

حَسْبُكَ مِنْ نِسَاءِ الْعَالَمِينَ مَرْيَمُ بِنْتُ إِيمَرَانَ ، وَخَدِيجَةُ بِنْتُ خُوَيْلِدٍ ، وَفَاطِمَةُ بِنْتُ مُحَمَّدٍ ، وَأَسِيَةُ امْرَأَةِ فِرْعَوْنَ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عن أبي سعيد الخدري -رضي الله عنه- عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: " فاطمة سيدة نساء أهل الجنة إلا ما كان من مريم بنت عمران
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Аҳли жаннат аёлларининг саййидаси Фотима, аммо, Марямдан кейин, деб қўйдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари ҳаммаси жамланиб ўтиришгандилар. У кишининг олдиларига, қизлари фотима келиб қолди. Унинг юриши, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг юришидан, ҳеч фарқ қилмасди. Марҳабо ё бинти, деб, ёнларига ўтқаздилар. Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу, ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Қиёмат куни бўлганда, бутун йиғилган жамоатга хитоб қилинадики, Эй жамоат, кўзларингни пастга қилиб туринглар, Муҳаммад алайҳиссалом қизи, Фотима ўтади, дейилади.

إذا كان يوم القيامة نادى منادٍ من وراء الحجاب : يا أهل الجمع ! غَضُّوا أَبْصَارَكُمْ عَنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى تَمُرَّ
خلاصة حكم المحدث : موضوع
(Бу ҳадисни муҳаддислар мавзӯ дейишган)

Мана бу, Фотиматуз Заҳро ҳақидаги, кўп фазилатли сўзлардир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қизлари, қандай яшадилар?

عن سليمان بن بريدة، عن أبيه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وآله: قم بنا يا أبا بريدة نعود فاطمة فلما أن دخلنا عليها أبصرت أباهما،
دمعت عينها قال: ما يبكيك يا بنتي؟ قالت: قلت الطعم وكثرة الهم وشدة السقم، قال لها
أما والله ما عند الله خير مما ترغبين إليه، يا فاطمة أما ترضين إن زوجك خير أمتي أقدمهم سلما وأكثرهم علما وأفضلهم حلما " والله ان
ابنيك لسيدا شباب أهل الجنة
في مسند أحمد ٥

Бурайда разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: эй Бурайда, тур, Фотимани кўриб келамиз, дедилар. Шунда бориб, кирганларида, Фотима дадасини кўриб, кўзлари ёшланди. Ҳа қизим, нега йиғлаяпсиз? дедилар.

،قالت: قلت الطعم وكثرة الهم وشدة السقم

Емишим оз, ғамим кўп ва касаллик кўп деди. Баъзи ривоятларда келадики, Фотиматуз Заҳро қўл тегирмонида ун қилиб, нон пиширганлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қизларига, ходима бермаганлар. Ҳикматини Аллоҳ биладики, биродарлар, ҳозирги вақтда, бутун дунёни кезсангиз, Ислом мамлакатлари деб, аталган мамлакатларда, ҳамма хонадонларга, ходималар кириб қолган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, ходима талаб қилган вақтда, бошқа жуда кўп кишиларда, ходималар бор эди. Лекин, қизларига, ходима бермаганлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, қизларига ходима бермаганлар.

Ҳозир кўрсангиз, булар уйларига, ажнабийя аёллардан, ходималар олишганки, булар билан тарбиялар бузилиб, қолаяпди. У динсиз бўлганидан кейин, болаларга ҳам, динсизликни ўргатади. Ҳикмати ҳам, шу бўлса керак. Шунда қизларига қараб, сен талаб қилаётган нарсадан, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса, яхшироқдир, сабр қил! дедилар.

يا فاطمة أما ترضين إن زوجك خير أمتي أقدمهم سلما وأكثرهم علما وأفضلهم حلما " والله ان ابنيك لسيدا شباب أهل الجنة

Эй Фотима, сени умматимнинг энг биринчи, мусулмон бўлган одамига, эрга бердим. Энг олимига ва энг, ҳилмлисига бердим. Розимасмисан? дедилар. Сенинг иккита ўғлинг, жаннат аҳли йигитларининг саййидларидан, дедилар. Қиёматгача, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг авлодларининг аксари, Фотиматуз Заҳродан тарқалди, биродарлар.

Ҳасан ва Ҳусайн фазилатлари ҳақида

Ҳасан ибн Али, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, ниҳоятда ўхшардилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, бу неваралари ҳақида, жуда кўп сўзларни айтдилар. Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васаллам, невараларини елкаларига миндириб, эй Аллоҳим, мен уни яхши кўраман. Сен ҳам уни, яхши кўргин! дер эканлар.

كان النبي (ص) يحمل الحسن على عاتقه، ويقول: اللهم إني أحبه؛ فأحبه

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, жума хутбасида минбарда турганларида, имоми Ҳасан эмаклаб, келиб қолдилар. Шунда, шу минбарда турганларида, унга қараб, шу ўғлим саййиддир, дедилар. Бу ўғлим туфайли, Аллоҳу таоло, иккита мусулмон жамоасини ўртасини ислоҳ қилади, дедилар.

فَقَالَ الْحَسَنُ: وَلَقَدْ سَمِعْتُ أَبَا بَكْرَةَ يَقُولُ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمَنْبَرِ وَالْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ إِلَى جَنْبِهِ، وَهُوَ يَقْبَلُ عَلَى النَّاسِ مَرَّةً وَعَلَيْهِ أُخْرَى، وَيَقُولُ: إِنَّ ابْنِي هَذَا سَيِّدٌ، وَلَعَلَّ اللَّهَ أَنْ يُصْلِحَ بِهِ بَيْنَ فِتْنَتَيْنِ عَظِيمَتَيْنِ مِنَ الْمُسْلِمِينَ
خلاصة حكم المحدث: صحيح

Ҳақиқатдан ҳам, бир неча йиллардан кейин, Муовия ибн Абу Суфён билан Ҳасан ибн Али ўртасида, ихтилоф вужудга келганида, бориб орани ислоҳ қилган зот, шу киши бўлади. Бу Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидандир. (Шу ерда қисқача изоҳга зарурат сезилди. Қори ака, Муовия ибн Абу Суфён билан Ҳасан ибн Али ўртасида, ихтилоф вужудга келганида, бориб орани ислоҳ қилган, дедилар. Бу ихтилофнинг асли эса, бу иккаласи ҳам, Халифаликни қўлига олишни истарди. Муовия ибн Абу Суфён, Али ибн Абу Толибни, Халифалигини тан олмай, унга қарши курашганди. Бу урушда кўп мусулмонлар қонлари тўкилганди. Бу уруш умматни парчалаб ташлаган, катта фитна эди. Али разияллоҳу анҳу, хаворижлар томонидан қатл қилинган, катта ўғли, Ҳасан ибн Али уни ўрнига тахтга ўтирди. Муовия ибн Абу Суфён билан Ҳасан ибн Али Халифалигини ҳам, тан олмади.

Унга қарши урушга ҳозирлик кўра бошлади. Шу учун икки томондан ҳам, қўшинлар тўпланиб, жанга ҳозирланишганди. Шу уруш бўлганда, икки томондан ҳам, яна мусулмонлар қони тўкиларди. Шу фитна авжида пайтида, Ҳасан ибн Али, тахтга даъвогарликдан воз кечди. Муовия Халифа бўлиб қолди. Ўртада уруш бўлмади. Укаси Ҳусайн ибн Али акасини аксини қилди. У киши Муовия Халифалигини тан олмади. Ўзи тахтга даъвогар бўлди. Бу киши, муовия ўғли Язиб юборган қўшин, томонидан, қатл қилинди. Шундай қилиб, Халифалик, Уммавийлар қўлига ўтиб қолди. Ҳасан ибн Али эса, юқоридаги, Наби САВ башоратларини амалда рўёбга чиқарди. У тахтдан воз кечиши ҳисобига, катта урушни олдини олди. Гарчи, бу билан фитна босилиб кетмаган бўлсада, ноҳақ қон тўкилишини олди олингани аниқ эди. Валлоҳу аълам.)

Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васаллам, булар ҳақида, менинг райҳоним деб, мақтаганлар. Ҳасан ибн Али туғилганларида, Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васаллам, келиб, кўрсатинглар менга ўғлимни, деганлар. Нима деб, исм қўйдинглар? деганларида, Ҳарб дейишди. Бал ҳува Ҳасан, дедилар. Ҳарб эмас, Ҳасан исми, дедилар.

Ҳусайн ибн Али туғилганларида, ҳам, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, келиб, кўрсатинглар менга ўғлимни, деганлар. Нима деб, исм қўйдинглар? деганларида, яна Ҳарб дейишди. Бал ҳува Ҳусайн, дедилар. Икковларини ҳам номларини, ўзлари қўйдилар.

Кўп одамлар Ҳасан ва Ҳусан деб, эгизак туғилганларга, қўйишади. Лекин, имоми Ҳасан ва Имоми Ҳусайнлар орасида, икки йил фарқ бўлган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам тўшакка ўтирдиларда, ўнг томонига Фотимани ва чап томонига Али ибн Абу Толибни ўтқаздилар. Олдиларига Ҳасан ва Ҳусайнни ўтқаздиларда, либослари билан шундай иковларини, ўраб олдиларда,

إنما يريد الله ليذهب عنكم آلرّجس أهل البيت ويطهركم تطهيرا

Аҳзоб сураси 33 оят

Аллоҳ сизлардан нопокликни кетказишликни мақсад қилади, деган оятни ўқидилар. Яъни, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хонадонларида, нопоклик бўлмайди. Аллоҳ уларни ниҳоят даражада, поклашни хоҳлайди, деган оятни, ўқиб қўйдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ҳусайн ибн Алининг қадамларини, ўзларининг қадамлари устига қўйдилар. Икки қўлини ушлаб, болани эркалатишлиқда иков оёғига, иков оёғини қўйиб, оёғини кўтариб ўйнатади. Тараққа айна баққа, Тараққа айна баққа, деб, яъни, юр, шу тарафга деб, эркалаб, гапирганларини кўрдим, дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадиларки: Ҳасан ибн Алига, қўйлагингизни кўтаринг дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўпган жойдан, мен ҳам ўпаман, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, қоринларини тепаларини ўпганини кўрган эканлар, шу жойидан ўпдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, имоми Ҳасан ва Имоми Ҳусайнлар ҳақида, кўп яхши хабарлар берганлар. Булар жаннат аҳлининг йигитларининг саййидларидир деб, хабар берганлар.

(Дарс охирида баъзи қисқа саволларга жавоблар берилган. Мавзуга алоқаси бўлмаган учун киритилмади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам ҳақ йўлда барқарор қилсин!

Ва шу дарсимизга амал қилишликка Аллоҳ тавфиқ берсин! Ўтган аждодларимизни Аллоҳ раҳмат қилсин! Жойларни жаннат боғларидан бир боғчага айлантирсин! Гуноҳларини мағфират қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларни ҳам гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ибодатларимизни қабул қилсин! Зулм, куфр, ширк, кизб ва исрофдан, Аллоҳу таоло Ўзи сақласин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Исломга зарар етказаётганларга, Аллоҳу таоло кифоя қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

33 дарс тугади

34 Дарс

Ғариблар кимлар?

(Бу дарсда, Исломдаги ибодат, деганда, нимани тушунишлик, баён қилинади. Ва ибодатларни, фақат Аллоҳагина қилишлик, яъни, тавҳид шартлари, яна бир бора, такрорланади. Ва ғариблар кимлар эканлиги, мисоллар билан тушунтирилади. Учинчи китобдаги, 45 дарс ҳам, шу мавзуда бўлади. Бу мавзуни мукаммал ўрганишни истаганлар, ҳар иккала дарсни бирга ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Дарс охирида, ансорлар фазилатлари ҳақида, маълумотлар берилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ хидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни хидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Одам алайҳиссаломни ва жуфтини яратиб, иковларидан бутун оламга, эр ва аёлларни таратди. Яъни, ер курраси, инсон билан, тўлди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло агар, Одам алайҳиссаломни, ҳозир бир тирилтириб, шу инсонларни кўрганларида, шу инсонлар, Одам алайҳиссаломдан яратилинганлигидан, хабардор қилинганларида, албатта, бир ажабланган бўлсалар керак, эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни мукаррам махлуқ, қилди. Ва тамоми мавжудотни, шу инсон учун, яратди. Инсонни бўлса, яқка Аллоҳга ибодат қилишлик учун, яратди.

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

Зориёт сураси 56 оят

Аксар уламолар фикрича, пайғамбарларнинг аввали, Нух алайҳиссалом ва охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломдир. Нух алайҳиссалом давригача, одамлар бир уммат, эди. Яъни, уларда, бир ихтилоф йўқ, эди. Улар Одам алайҳиссаломга ва у кишининг зурриётига, Аллоҳ фитрат билан билдирган тавҳид асосида, яшашарди. Нух алайҳиссалом даврида, ширк бошланди. Нух алайҳиссаломни мушриклар, масхара қилишди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Нух алайҳиссалом ва у кишига эргашганларга, кемада нажот берди. Ва тамоми обод бўлган ер куррасини, ботқоққа ботириб ташлади.

\

Мана шу кемада саломат қолган озгина жамоадан, инсоният, иккинчи бора, кўпайди. Нух алайҳиссаломдан, Муҳаммад алайҳиссаломгача бўлган, пайғамбарларнинг ҳаммаларининг, умматлари билан, бўлган хусуматлари, якка Аллоҳга ибодат қилиш ва якка Аллоҳга ибодат қилмаслик, масаласида эди. Мушриклар Аллоҳни, инкор қилмасди. Аллоҳни бор, дейишарди. Аллоҳни коиноту ерни яратувчи деган, сифатини тан олишарди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ўлдирувчи, тирилтирувчи. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ризқ берувчи. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, коиноту ерни бошқариб турувчи, деб, рубубийят сифатига ҳам, иқрор эдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, ибодат ҳам, қилишарди. Шу ибодатларида, Аллоҳга бошқа нарсаларни ҳам, шарик қилишарди. Мана шу хусусда, пайғамбарлар улар билан, келишмадилар. Пайғамбарлиқнинг асл маъзи, шундан иборат. Шу ширк билан, курашдир, биродарлар. Аллоҳнинг борлигига иқрор бўлишимиз, бизни мағрурлантормаслиги, керак.

Нух алайҳиссалом давридан, Муҳаммад алайҳиссаломгача бўлган, мушриклар тан олган сифатларни тан олишлигимиз, бизни мағрурлантормаслиги, керак. Модомики, бизда якка Аллоҳни ўзига, ибодат қилишлик сифати, топилмас экан, биз, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтувчи, ва шунга эътиқод қилувчи ва шунинг амалини, ҳаётда татбиқ қилувчи кишилар жумласидан, бўлмаймиз, биродарлар! Якка Аллоҳни Ўзига, ибодат қилишлик ҳақида биз, доим дарсимизда такрор қилаверамиз. То, одамлар буни, бирламчи ҳақиқат эканлигини, билиб олишмагунча!

Муҳаммад алайҳиссалом, пайғамбар қилиб жўнатилдилар, ўтган пайғамбар биродарларига ўхшаган, якка Аллоҳни Ўзига ибодат қилишликка, даъват қилишлик учун. Макка мушрикларига бориб,

أَيُّهَا النَّاسُ قُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ تَقْلِحُوا
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Эй одамлар, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтишлар! дедилар. Қуръони карим сураларига, мурожаат қилар эканмиз, Ҳамма пайғамбарлар қавмига,

يُقَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ
(Бу хитоб жуда кўп оятда келган)

Эй халқим, Аллоҳга ибодат қилишлар. Сизларга Аллоҳдан бошқа сиғиниладиган Маъбуд йўқ.

أَنْ لَا تُعْبُدُوا إِلَّا اللَّهَ
Худ сураси 26 оят

Якка Аллоҳгагина ибодат қилинг!

أَنْ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاتَّقُوهُ وَأَطِيعُوا
Нух сураси 3 оят

Аллоҳгагина ибодат қилишлар ва менга итоат қилишлар!

Мана шу калималар, пайғамбарларнинг рисолатининг маъзи, бўлган. Бандани, Аллоҳнинг яратувчи холиқ ва розиқ ва тарбият қилиб турувчи Зот эканлигини тан олишлиги, уни мўминлар сафига олиб киролмайди. Балки, ибодатни якка Аллоҳга қилиши ва Аллоҳдан бошқа маъбудларни, инкор этишлиги билан, мўминлар сафига, кира олади. Тавҳид икки қисмдир.

Биринчи қисм, рубубийят бунга дохил холиқийят ва розиқийят сифатларида, Аллоҳни якка деб, билиш керак. Яъни, якка Аллоҳ яратувчи ва ризқ берувчи ва бошқариб турувчи деб, тан олишлик, керак.

Тавҳидни иккинчи қисми, Улуҳият тавҳиди, бунинг маъноси, ибодатнинг ҳамма турларини, фақат Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ўзигагина қилишлиқдир. Ўтган барча пайғамбарлар рисолатининг туб маъноси ҳам шу, ибодатни фақат Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигагина, қилишлиқдир.

Ибодат турлари

Эътиқодий ибодат

Лафзий ибодат

Амалий ибодат

Молий ибодат

Эътиқодий ибодат: Қалбий ибодат ҳам, дейилади. Эътиқодий ибодат деганда, мўмин киши Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг яратувчи, ризқ берувчи ва тарбиятқунанда, зарар ва манфаат етказишлик фақат, Ўз қўлида бўлган ва шарики бўлмаган, Зот деб, имон келтиради. Ва, У Зотнинг ҳузурида, У зотнинг изнисиз, ҳеч ким, шафоат қилмаслигини, тан олишлиқдир. У Зот, ҳақиқий Маъбуд деб, тан олишлик. Бошқа Маъбуд йўқ, деб, тан олишлик. Ва Улуҳийят сифатларини, тан олишлик, ҳаммаси эътиқодий ибодат жумласига, киради. (Имон эгаси бўлиш учун, бундай эътиқодда бўлишлик шарт ва тили билан, шуни тасдиқлаши шарт!)

Лафзий ибодат: Лафзий ибодат, калимаи шаҳодатни айтишлик. Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, тил билан, нутқ қилишлик. Кимки, юқоридаги эътиқодни тан олсаю, шу калимани тили билан айтмаса, Қонию, молини сақлай олмайди. (Қонию моли, омонда бўлмайди, яъни мўмин ҳисобланмайди, дегандир.) Чунки, мўмин киши қалбидаги эътиқодни, тили билан, исботлай олишлиги керак. Иблис, Аллоҳнинг холиқийят, розиқийят, улуҳийят сифатларини, тан оларди. Лекин, у тилда, иқрор бўлмади. Шу нутқни қилмади. Аллоҳнинг амрига бўйсунмади. Бундай одамнинг, имони қабул бўлмайди. Калимаи тавҳидни нутқ қилмаган одамнинг, қонию моли сақланмайди. Агар тили билан, тавҳид калимасини айтсаю, қалби билан тасдиқ қилмаса, бу мунофиқлар сифатидир. (Қалбни тасдиқ қилиши ва тилни нутқ қилиши, баробар шартдир)

Амалий ибодат: Жисмоний ибодатларга, намоз ўқиш, қиём, рукуъ, сажда қилиш, бадан билан қилинадиган ибодатлар, киради. Ҳажни тавоф қилиш ва рўза тутиш ҳам, баданий ибодатлардандир.

Молий ибодат: Молининг бир қисмини ажратишлик. Молий ибодатлар баъзилари фарз ва баъзилари, нафлдир. Закот беришлик фарз. Фарз, вожиб, суннат, нафл ибодатлар, Фелларда ҳам, бор. Молда ҳам бор. Лафзда ҳам борки, баъзи маъсур зикрларни қилишлик, сўз билан қилинган, фарздан ташқари қилинган ,лафзий ибодатлар жумласига, киради. Мол ибодатида, ихтиёри билан, нафл садақа қилишлик. Бадан ибодатида, ихтиёри билан, нафл намоз ўқишлик. Лекин, бу ибодатнинг тўртта тури ҳам, инсон тарафидан ихтиро қилинган бўлмаслиги, шарт! Чунки, ибодатни, Аллоҳ ва Расули тарафидан, тайин қилинади.

Эътиқодий ёки лафзий ёки, баданий ва ёки, молий ибодатларни, қолипни қўйишга, бировни ҳаққи йўқ, модомики, ўзини инсон эканини, тан олса. Наузан биллаҳ, модомики улуҳийятни даъво қилмаса, унинг ҳаққи йўқдир, буни қолипни қўйишликка! Бунинг қолипи, ўзгармас қолипдир.

Баъзи вақтда намоз ўқишлик савоб бўлса, баъзи вақтда гуноҳ бўлади. Кун чиқаётган вақтда, биз, намоз ўқишликдан қайтарилганмиз. Кун чиқаётган вақтда, нафл намоз ўқиган одам, қайтарилган амални қилган, бўлади.

Кун қиёмда, тикка турган вақтида, ким намоз ўқиса, макруҳ амални қилган бўлади. Кимки, ийд куни, рўза тутса, бу одам, макруҳ амални қилган бўлади. Гуноҳкор бўлади. Шунинг учун ибодатлар, ўзининг ўзгармас қолипида, бўлмоғи керак.

Инсон тарафидан ихтиро қилиб олинган, бўлмаслиги керак.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا

Аҳзоб сураси 44 оят

Қуръонда, Аллоҳни кўп ёд қилинлар, деб буюрилган деб, ўзи махсус зикрларни тўқиб олишликка, ҳаққи йўқ. Агар ўзимиз тўқиб айтаверамиз, кўп зикр қилишга, буюрилганмиз деса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, Кўп зикр этмаган киши, дейишликка, тўғри келади. У киши зокирларнинг, устозидир. У кишидан ортиқ, ҳеч ким, зикр айтолмайди. Шунинг учун, у киши қўйган қолипдан, ташқарига чиқишга, ҳеч кимнинг, ҳаққи йўқ! Шунинг учун, ибодатларнинг ҳамма тури, ўзгармас қолипда бўлмоқлиги керак. Биз, кўп зикр қилишга буюрилганмиз деб, ўзларича зикр қилишни тўқиб олишга, ҳеч кимнинг, ҳаққи йўқдир!

Шунинг учун, қайси дуони, қайси ўринда айтган бўлсалар, шунга эътибор бермоғимиз керак. Биз, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашсак, шунда энг катта, зокирлардан бўламиз. Бир одам, умри бўйи нафл рўза тутган бўлса, бу одамдан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тутган кунларда, рўза тутган одам, афзалдир. Душанба ва пайшанба кунларида ва ойдин кечаларда рўза тутган киши, умрбод рўза тутган кишидан, афзалдир. Мабодо, валлоҳу аълам, савоб деб, тутса, савобини олади. Лекин, Душанба ва пайшанба кунларида ва ойдин кечаларда, рўза тутса, рамазондан кейин, ийдни ўтказиб, олти кун тутса, ҳадисларда кўрсатилган буйруқларни қилган бўлса, бу одам, энг катта савобли ишни қилган бўлади.

Инсон ўзича, ибодат йўлини тузиб олишлик билан, хатога йўл қўяди. Биз мусулмонларнинг кўплари, мана шу тарафдан, кўп хатога йўл қўямиз. Биз, нафл намозлар ўқишликка буюрилган қаторида, баъзи вақтларда, нафл намоз ўқишдан, қайтарилганмиз. Нафл рўзалар тутишликка буюрилган қаторида, баъзи вақтларда, нафл рўзалар тутишликдан, қайтарилганмиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳамма пайғамбарларни, ибодатни ҳамма турларини, фақат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қилишликка, даъват қилишлик учун, юборди.

Маккадаги Мушриклар, Аллоҳни бор дейишарди. Аллоҳни коиноту ерни, яратувчи деган сифатини, тан олишарди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўлдирувчи тирилтирувчи. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ризқ берувчи. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, коиноту ерни, бошқариб турувчи деб, тан оладиган мушриклар, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтинг деб, хитоб қилишга, лойиқ бўлишди! Улар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасини маъносини, яхши тушунишарди.

قَالُوا أَجِئْتَنَا لِنَعْبُدَ اللَّهَ وَحْدَهُ وَنَذَرَ مَا كَانَ يَعْبُدُ آبَاؤُنَا فَأْتِنَا بِمَا تَعِدُنَا إِنْ كُنْتُمْ مِنَ الصّٰدِقِينَ

Аъроф сураси 70 оят

Якка Аллоҳни ўзига ибодат қилишга, бизни чақириб, пайғамбар бўлиб келдингми? дейишди. Улар, араб тилини яхши тушунишарди. Улар, бу калиманинг тагида, нима бекиниб ётганлигини, яхши билишарди. Агар, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, айтиб қўйишлик

билан, бу томондаги бошқа ишларда, омон омон бўлиб юриш бўлганда, пайғамбарлар даъвати, қандай осон бўлган бўларди? Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтмаган одам, Ер юзида қолмаган бўларди. Магар, дахрийлар қоларди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида, агар Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, тарозини бир палласига қўйилса, ва коиноту ерни, тарозининг иккинчи палласига қўйилса, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, оғир келади, дейилган. Агар айтиб қўйишликни ўзи бўлганда, бунчалик қийматли нарсa бўлмасди, биродарлар. Ҳасанул Басрийнинг, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонга, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси маъносини билдиришдан кўра, катта неъмат бермади, деган сўзлари бор. Бунинг маъноси нима бўлади, агар Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтиб қўйишликни, ўзи бўлганда?!

Ибодатнинг турларидан, такрор айтамыз, дуо. Агар дуони, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони Ўзига қилсак, ибодатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, қилган бўламиз.

Агар дуони, бошқа нарсаларга қилсак, хоҳ мазорлар, хоҳ дарахтлар, хоҳ тоғлар, хоҳ булоқлар, хоҳ малоикалар, хоҳ жинлар ва бошқа нарсалардан. мадад сўрасангиз, дуо, яъни, ибодатни, бошқа нарсаларга қилган бўлиб, ширк бўладида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, буни кечирмайди. Агар бир киши айтсаки, мен ибодат қилаётганим йўқ. Мен сажда қилаётганим йўқ, деса, ибодатнинг маъносини, тушунмабди.

الدعاء هو العبادة، كما ورد في الحديث النبوي؛ فعن النعمان بن بشير، رضي الله عنه، أن رسول الله صلى الله عليه وسلم، قال: إن الدعاء هو العبادة، ثم قرأ "وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ" إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ [غافر: 60]"، رواه أحمد في المسند، والبخاري في الأدب المفرد

Ибодат турларидан истионат, ёрдам сўрашлик. Агар, Аллоҳдан ёрдам сўрасак, ибодатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, қилган бўламиз. Таовун билан, истионатни фарқини, билишимиз керак. Таовун, инсонлар бир бирига имконият доирасида, ёрдам беришлик. Бу нарсага биз, маъмуримиз. Бир биримизга, имконият доирасида, ёрдам беришга. Бир биримиздан, ёрдам сўрашга ҳам, маъмуримиз. Аммо, истионат, фақат Аллоҳдангина сўралади. Аллоҳдангина сўраладиган нарсани, бошқадан сўрашлик, ширкдир.

إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ وَإِذَا اسْتَعَنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ

Сўрашлик ҳам шундай. Аллоҳдан бошқадан сўралмайдиган нарсани, Аллоҳдан бошқадан сўраш, ширкдир. Назр ибодатдир. Агар назрни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони, Ўзига қилсак, ибодатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қилган бўламиз. Агар бошқа нарсаларга қилсак, ибодатни, бошқа нарсаларга қилган бўламиз.

Забҳ ҳам, ибодат. Бирор ҳайвонни қурбонлик қилиб, сўйишлик. Агар буни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони Ўзига қилсак, ибодатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, қилган бўламиз. Агар бошқа нарсаларга қилсак, нима бўлишидан қатъий назар, бу ибодатни, бошқа нарсаларга қилишлиқдир. Бизнинг кўп нарсаларда хатоларга йўл қўйишимизни, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизларни, яҳуд ва насоролар йўлига, кириб кетишлиқдан огоҳлантирдилар.

عن أبي سعيد رضي الله عنه، أنَّ النبي صلى الله عليه وسلم قال: لَتَتَّبِعَنَّ سَنَنَ مَنْ قَبْلَكُمْ شِيْرًا بِشِيْرٍ، وذراعًا بذراع، حتَّى لو سَلَكَوا جُحْرَ ضَبٍّ لَسَلَكْتُمُوهُ ؛ قلنا: يا رسول الله؛ اليهود والنصارى؟ قال النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم: فَمَنْ؟ رواه الشيخان

Сизлар ўзларингиздан илгариги, тоифалар йўлига эргашиб, кетасизлар, оёқ кийимини бир пойи, иккинчисига баробар бўлган миқдорда. Ё Расулulloҳ, Яҳуд ва насороларни айтяпсизми? деганларида, кимни айтяпман, бўлмасам? дедилар.

عن أبي هريرة رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم أنه قال: لا تقوم الساعة حتى تأخذ أمتي بأخذ القرون قبلها، شبراً بشبر، وذراعاً بذراع. فقيل: يا رسول الله، كفارس والروم؟ فقال: ومن الناس إلا أولئك . رواه البخاري

Бу уммат, Ислом уммати, ўзидан аввалги умматлар ушлаган ўринни, ушлайди. Қаримча қарич ва газма газ. Яъни, ҳамма нарсаси, тўғри келиб қолади, дедилар. Ё Расулulloҳ форс ва румларни айтяпсизми? дедилар. Шу одамлар бўлмаса, кимни айтяпман? дедилар.

عن خُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ : " أَنَّهُ أَخَذَ حَصَاةً بَيَضَاءَ فَوَضَعَهَا فِي كَفِّهِ ثُمَّ قَالَ : إِنَّ هَذَا الدِّينَ قَدْ اسْتَضَاءَ إِضَاءَةً هَذِهِ , ثُمَّ أَخَذَ كَفًّا مِنْ تُرَابٍ فَجَعَلَ يَذُرُّهُ عَلَى الْحَصَاةِ حَتَّى وَارَاهَا , ثُمَّ قَالَ : وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ , لَيَجِبَنَّ أَقْوَامٌ يَدْفِنُونَ الدِّينَ كَمَا دُفِنَتْ هَذِهِ الْحَصَاةُ , وَلَيْسَلَكُمْ طَرِيقٌ " الَّذِينَ كَانُوا قَبْلَكُمْ حَذَوْا الْفِدَّةَ بِالْفِدَّةِ , وَحَذَوْا النَّعْلَ بِالنَّعْلِ

Хузайфат ибнул Яманий қўллариға майда оқ тошни олдиларда, бу дин, мана шу тошни тиниклиги каби, тиникдир, дедилар. Кейин, бир кафт тупроқни олдиларда, уни устига сепиб, кўмдилар. Оқ тош, кўринмай қолди. Кейин, шунақа тоифалар келадики, Худди, мен оқ тошни тупроқ билан бекитганим каби, мана шунақа қилиб, динни бекитадилар, дедилар. Ва ўзларингиздан илгариги одамлар йўлига, шундай пойма пой эргашиб кетасизлар, дедилар.

(Кичик изоҳ: Бу каби саҳобалар сўзларини, асар дейилади. Улар ҳадис ҳисобланмайди. Лекин, асарларда келган хабарлар, ибрат олинадиган ва амал қилинадиган сўзлар жумласига киради. Чунки, саҳобалар, Пайғамбар алайҳиссаломдан эшитган, ҳадислар асосида, эътиқодга эга бўлишган ва уларнинг ўз шахсий сўзлари ҳам, мазмунан ҳадисларга, ҳам оҳанг бўлади. Шунинг учун, Хузайфа разияллоҳу анҳу сўзини, ғайбни билишни иддао қилган деб, ҳисобланмайди. Зеро, бу мазмундаги бошқа, кўплаб саҳиҳ ҳадислар ҳам бор.)

عن أبي الدرداء قال: لو خرج رسول الله -صلى الله عليه وسلم- اليوم إليكم ما عرف شيئا مما كان عليه هو وأصحابه إلا الصلاة. قال الأوزاعي فكيف لو كان اليوم

Абу Дардоъ разияллоҳу анҳу , Агар сизларнинг олдингизга, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, чиқиб қолса, дедилар. Қачон? Абу Дардоъ саҳобалардан. Ҳали саҳобалар тирик пайтида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тирилиб, олдингизга чиқиб қолса, намоздан бошқа нарсани, танимасдилар, дедилар. Мен олиб келган нарсадан, намоздан бошқа нарса қолмабдику? Деган, бўларди, дедилар.

Авзойи айтидилар, Улуғ тобеъинлардан бу киши. Менга Абул Воиз деган, киши айтди: Эй Сулаймон дедилар, Авзойига қараб: Мен сенинг замонингдаги қориларни, яъни, динни билдим деб, юрган одамларни, бир нордон нарсани еб, сувни кўп ичган, қўйга ўхшатаман, дедилар. Биров кўрса, семиз қўй, дейди. Ҳозирги вақтда ҳам, бозорга олиб кетаётган қўйларга, нордон нарсани едириб, сувни кўп ичириб олиб чиқади. Буни кўрган одам, бу жуда семиз қўй, дейди. Лекин, уни сўйса, ичида, ҳеч нарса чиқмайди. Шунга ўхшатаман, дедилар. (Яъни, баъзи қориларда дин, бўлмаслигига ишора қилинди.)

عن الحسن البصري رحمه الله قال ((لو أن رجلاً أدرك السلف الأول ثم بُعث اليوم ما عرف من الإسلام شيئا - قال : ووضع يده على خده ثم قال : إلا هذه الصلاة - ثم قال : أما والله ما ذلك لمن عاش في هذه النكراء ولم يدرك هذا السلف الصالح ، فرأى مبتدعاً يدعو إلى بدعته ورأى صاحب دنيا يدعو إلى دنياه ، فعصمه الله من ذلك ، وجعل قلبه يحن إلى ذلك السلف الصالح يسأل عن سبيلهم ويقتص آثارهم ويتبع سبيلهم ليعوض أجراً عظيماً ، فكذلك فكونوا إن شاء الله

Ҳасанул Басрий айтадилар: Агар бир киши, аввалги салафлар замонини топиб, кейин, тирилганда, эди, Исломдан ҳеч нарсани, топмаган бўларди, дедилар. Кейин, қўлини пешасига қўйиб, намоздан бошқа нарсани, топмаган бўларди, дедилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ғарибларга жаннат бўлсин! дедилар.

حدثنا محمد بن يحيى قال حدثنا أسد بإسناده عن عبد الرحمن أنه سمع رسول الله يقول: إن الإسلام بدأ غريباً وسيعود غريباً كما بدأ فطوبى للغريباء. قيل: ومن الغريباء يا رسول الله؟ قال: الذين يصلحون إذا فسد الناس خلاصة حكم المحدث: صحيح

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: ислом ғариб бўлиб бошланган. Ва ғарибликка қайтади. Аввалги бошлангандек. Ғарибларга жаннат бўлсин! дедилар.

Ғариблар кимлар?

Ғариблар кимлар? Ғариблар, фоҳиша, зино, маст қилувчи ичимликлар ичиб юрган йигитлар ичида, қандай қилсам, Аллоҳни рози қилар эканман, қайси амалим суннатга мувофиқ бўлаяпди, қайси амалим суннатга зид, бидъат бўлаяпди, деб, ўзини текшириб яшаётган, китобу суннатга ўзини мувофиқ қилишга уринаётган йигитлар, фоҳишабоз, бидъатларга чўмган, зино, маст қилувчи ичимлик, кашандалик, шуни ичида яшаётган йигитлар ичида, ғарибдир! Ғарибдир у! Чунки, уни, ҳаётни гаштини билмаётган аҳмоқ деб, қарайди унга. Бу қанчалик, қалби билан, эй биродарлар, Ҳаққа юринглар деса, уни тушунишмайди. Ҳаётни гаштини билмаётган нодон, дейишади, унга қараб. Ғариб, мана шу йигитдир!

Ғариблар кимлар? Ғариблар, қариялар. Китобу суннатга, ўзини мувофиқ қилаяпди. Қайси амалим суннат ва қайси амалим бидъат экан, суннатни ҳаётимга татбиқ қилай ва бидъатдан эҳтиёт бўлай деса, қариган вақтида айниди бу, деб, хитоб қилаётган қариялар ичида, ғарибдир! Ғарибдир, у одам! Қабрга яқинлашган вақтимда, ўзимни тозалай деб, уринаётган одам, бутун бидъатларга чўмиб яшаётган, унинг гапини тушунмайдиган, хусусан, қариган вақтида, беданавоз бўлиб қолган одамлар ичида, суннат ҳақида гапирса, бу қариганда, ҳаётда гаштини билмайдиган, совуқ одам бўлди, деб, турган қария, ғарибдир!

Ғариблар кимлар? Ғариблар, болалик вақтида, ҳамма ўйин кулгига берилган вақтида, қандай қилсам, Аллоҳнинг китобини, ёд қилар эканман, шариат илмларини ўрганишим керак! Эртага қиёматда, масъул бўламан деб, ёшлик вақтида, ўзини Аллоҳнинг ибодатига машғул қилаётган болалар, бутун эртамадан кечгача, ўйинга ғарқ бўлиб юрган болалар ичида, ғарибдир! Чунки, буни ҳаётдан маҳрум бўлиб яшаяпди, деб тушунади, улар.

Ғариблар кимлар? Ўзини оиласини, шариатга мувофиқ юришга тарғиб қилса, фарзандларини шариатга мувофиқ юришга тарғиб қилса, аёли айтиб турсаки, сиз замондан орқада қолдингиз, деса, фарзандлар сизни, охиратдан бошқа гапингиз йўқ деб, турса, мана бу оилани ичида бу одам, ғарибдир! Агарчи, унинг ҳар қандай дунёси бўлса ҳам, агарчи, унинг болалари, бу дадамизни яхши кийимлар билан алдаб турмасак бўлмайди, деб, яхши таомлар олиб келиб турмасак, яна охиратдан гапириб қолади, деб, турса, мана бу ота ҳам ғарибдир, биродарлар!

Ғариб ким? Фарзандки, ҳақиқий исломга, қандай қилиб амал қилсам бўларкин, қандай қилсам, исломга мувофиқ яшайман, деб, турсаю. Шунда, Отаси унга, сен мендан бўлганмисан? Нимага, ёшларга ўхшаб, ўйин кулгуга ғарқ бўлмаяпсан? Нимага сен, тўйларда, мана бу йигитларга ўхшаб, йигитлик даврини сурмайсан? Деб, хитоб қилиб турса,

онаси, сенга нима бўлди? Бу ўйин кулгулардан воз кечиб, сен бутун, соқол қўйган, бутун исломдан бошқа, гапинг йўқ бўлиб қолди, сени деяётган, фарзанд ҳам, ғарибдир!

Ғариб ким? Ҳаммасидан ҳам ғариб, ҳозирги вақтда, ўзини қандай қилсам, саҳобалар аёлига ўхшайман экан? қандай қилсам, ҳаётим, азвожи мутаҳҳаротларга ўхшар экан, деб, ўзини зийнати бекитиб, ўзини номаҳрамлардан сақлаб. Ўзини ҳижобга олиб турган вақтда, кўчаларда, масхараларга дучор бўлган, ўзининг имони билан, эртага қиёмат куни, Аллоҳ биздан сўрайди, деб, фарзандларини Ислом йўлида тарбия қилишлик билан, ўзини машғул қилган аёл, ғарибдир!

Унданда ғариброкдирки, ҳали қиз болалик вақтида, ҳижоб билан юришликка уриниб, қандай қилсам, Аллоҳ рози бўлар экан, бу гуноҳлардан ўзимни тиймоқлигим керак! Зийнатларимни бекитмоқлигим керак! Ўзини ҳар бир амалини, муслима аёлларга ўхшатган ва тарихдаги камолот ҳосил қилган, аёлларга эргашишликка ҳаракат қилиб, жамиятдаги фоҳишабоз, бузуқ аёлларга, кулгу бўлиб, яшаётган эътиқодлик, муслима қиз ва аёллар, ҳақиқий ғарибадир! Чунки, уларб ҳақни гапирган сари, масхарага дучор бўлиб яшайдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ғарибларга жаннат бўлсин! деганларининг сири ҳам, шу бўлса керак?! Чунки, ғариб ўзининг ҳаётида, Ўзининг бир мустаҳкам суянчиғига суянмас экан, у ташқи зарбаларга, таъсирланиб, ўзининг эътиқодидан ажралиб қолишлиги, ниҳоятда осондир, биродарлар.

Ғариб ким? Ўзининг ҳаётини, ҳаммасини жоҳилият билан ўтказган. Фиску фужур билан ўтказган. Бирдан ислом даъватини эшитиб, Исломни маҳкам ушлаган. Шу кундан тамоми ҳаётида, исломни татбиқ қилишликка уринган. Шунда, ўзининг эски қадрдонлари унга кулиб, сенга нима бўлди? Сен туппа тузик одам эдинг? Бирданига бундай мажнун сифат бўлиб қолдинг? деган вақтда, эй сенлар, мен татиган лаззатни бир татиганингизда эди, деса, нима лаззат бор, бу мажнун сифат бўлиб юришингда? деб, хитоб қилиб турган вақтда, бу одам ҳам ғарибдир! Ғурбатда яшаётган киши, камбағал кишимас, биродарлар!

Тўғри, камбағал киши ҳам ғариб! Лекин, бу ғариблик, ҳеч нарсамас. Моддий жиҳатданмас, маънавий жиҳатдан ғариб бўлган одам, ҳақиқий ғарибдир! Сиз одамларга яхшиликни шунчалик хоҳласангиз, улар сизга шунчалик ёмонликни хоҳлашса, сизни қалбингиздаги яхшиликни тушунмай турса, бу одам ҳақиқий ғарибдир бу! Булар, умумий ғариблар биродарлар!

Ғариблар ичида бир ғариб борки, у китобу суннатни мукаммал билади. Қуръонни буйруқларини тўғри тушунади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларини тўғри тушунади. Уламолар ўртасида, китобу суннатга чақирган вақтида, улар, бунинг мақсадини билиб туради. Ҳақ эканлигини билади. Лекин, улар ўзларининг сохта обрўларидан маҳрум бўлиб қолишларини билиб, билиб туриб, ҳаққа қарши чиққан вақтида, бу одам бутун қалби билан уларни, тўғри йўлга чақирса, улар бунга ҳар хил туҳматлар қилиб, ҳар хил лақаблар қўйиб турса, ҳақиқий олимлар, бу ғариблар ичидаги, энг биринчи ғарибдир, биродарлар! Чунки, бу билиб турган одамларнинг қаршилигини кўриб, уларнинг тез кунда, қиёмат куни, билиб илмига амал қилмаган учун, ичкаларини тортиб азоб беришларини билиб туриб, шунчалик ўзларининг виждонларини пачақлаб, ҳаққа қарши чиқиб турган вақтида, бу китобу суннатни билиб турган одам, бунга ҳеч чидолмайди, биродарлар! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, исломни олиб келган вақтда, наҳотки, шунча одамлар билмай, сен билиб қолдингми? дейишган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ғариб бўлдилар. Қариндошлари ичида, ғариб бўлдилар. Бутун олам ичида, ғариб бўлдилар. Болалар, раҳматан лил оламинни, тошбўрон қилиб ўйнашди.

Кулишди. Ғариб бўлдилар. Муҳаммад Амин деб, лақаб олган кишини, танишмади. У киши Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан бўлган ваҳйни, етказардилар. Шу одамлар билмасдан, у кишига қарши бўлаётганини, билардилар. Уларни дуоибад қилмасдилар. Улар, қанчалик озорни кучайтирсалар, бу киши, шунчалик раҳмдилликларини кучайтирардилар. Бу киши ғариб бўлиб яшадилар. Ислом ғариб бўлди. Ислом одамларга нотаниш бўлиб кўринди. Бир, ажиб нарса бўлиб кўринди.

Ҳозирда ҳам, кўп одамлар ғарибдир, биродарлар! Ҳақни одамларга айтиб, тушунтиришлик учун, қайси тарафдан бошласам экан, деб, қийналади. Ўзининг ота оналарини кўриб, вақт оз қолганда, шу ширклар билан ўтиб кетиб қолишса, абадий азобда қолиб кетиб қолишини билсаю, шуни тушунтиришликка ҳаракат қилсаю, улар сенга нима бўлди? Бу айнишинг қайдан пайдо бўлди? деб турса, бу фарзанд жуда ғарибдир, биродарлар! Чунки, вақт оз қолган, кўп қари кишиларга.

Бир томондан ғариб бўлишлиги билан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тарафидан, Ғарибларга жаннат бўлсин! деган сўзни, эшитишлиги билан, бахтлидир, бу одам! Шунинг учун ҳам, ҳақ нарсани баён қилинган вақтда, ҳамманглар, хусусан ёшлар, ғарибликни ихтиёр қилинглар! Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ғарибларга жаннат бўлсин! дедилар.

Руҳан тушкунликка тушмаслик керакки, Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари бу. Маҳаллада, ғариб бўлинглар! Шаҳарларда ғариб бўлинглар! Чунки, ҳаққа чақирмоқлик билан, ғариб бўласиз! Бу одамларнинг залолатлари, бу турган ботиллари, биродарлар, бир дақиқада булар, йўқ бўлиб кетади. Ҳақнинг рўбарўсига чиққунча, залолатнинг умри бўлиб туради. Ҳақнинг рўбарўсига чиққан вақтида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, албатта, ҳаққа мадад беради.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ғарибларга жаннат бўлсин! дедилар.

Ансорлар фазилати ҳақида

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Макадан Мадинага ҳижрат қилдилар. Шунда, Ансорлар тарихда, мисли кўрилмаган муҳаббат билан кутиб олишдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ансорлар фазилатлари ҳақида, Кўп нарсани айтдилар. Ансорлар Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдига келиб, бизга дуо қилинг, Аллоҳ мағфират қилсин, дейишди.

عن زيد بن أرقم -رضي الله عنه- قال: قال رسول الله -صلى الله عليه وسلم-: «اللهم اغفر للأَنْصَارِ، ولأَبْنَاءِ الْأَنْصَارِ، وَأَبْنَاءِ أَبْنَاءِ الْأَنْصَارِ
صحيح البخاري

Худоё, Ансорларнинг гуноҳларини кечиргин. Ансорларнинг фарзандларини ҳам гуноҳларини кечиргин. Ансорларнинг фарзандларининг фарзандларини ҳам гуноҳларини кечиргин. , дедилар. Шунда, ё расулulloҳ бошқалардан бўлган фарзандларимизни ҳам гуноҳларини кечирсин, деб дуо қилинг, дедилар. Шунда, уларга ҳам дуо қилдилар. Шунда, , ё Расулulloҳ бизларнинг ходимларимизни ҳам гуноҳларини кечирсин, деб дуо қилинг, дедилар. Шунда ва маволий Ансор, дедилар. Хизматкорларини ҳам, гуноҳларини кечирсин, деб дуо қилдилар.

الْأَنْصَارُ لَا يُحِبُّهُمْ إِلَّا مُؤْمِنِينَ، وَلَا يُبَغِّضُهُمْ إِلَّا مُنَافِقِينَ، فَمَنْ أَحَبَّهُمْ أَحَبَّهُ اللَّهُ، وَمَنْ أَبْغَضَهُمْ أَبْغَضَهُ اللَّهُ.

Ансорларни мўминларгина яхши кўради ва мунофиқларгина, ёмон кўради. Ким уларни яхши кўрса, Аллоҳ уни, яхши кўради ва ким уларни ёмон кўрса, Аллоҳ уни ёмон кўради, дедилар. Шунинг учун, Мадинадаги Ансорлар ҳақида, тилимизни ёмон сўз айтишдан, тиймоқлигимиз керак. Али ибн Абу Толиб, дунёда мўмин киши борки, унинг устида, Ансорларнинг ҳаққи бор, деган, эканлар. Қиёматгача келадиган мўминлар устида, Ансорларнинг ҳаққи бор, деган эканлар. Динга ёрдам берганлари учун. Динга ёрдам берганларнинг қадри, шундай катта бўлади, биродарлар! Қийинчилик пайтида, Динга ёрдам берганларнинг, қиёматгача келадиган мўминлар устида, ҳаққи бор, биродарлар. Мана буни, қийинчилик пайтида, ғанимат билмоғимиз керак. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

لَوْلَا الْهَجْرَةُ لَكُنْتُ امْرَأً مِنَ الْأَنْصَارِ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ҳижрат бўлмаганида, Ансорлардан бири бўлардим, деган эканлар.

من أخاف أهل المدينة ، فقد أخاف ما بين جنبي
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Ким Ансорларни кўрқитса, шу икки қўлни орасидаги одамни кўрқитибди, дедилар. Ўзларига ишора қилиб. Яъни, Ким Ансорларни кўрқитса, мени кўрқитибди, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, жанг кучайиб кетган пайтида, жиҳодда, Ансорлар байроғи остида, бўлардилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Макка фатҳида, Ансорлар билан бирга келдилар. Ансорларга Сафо тоғи олдида бориб туришни айтдилар. (Ҳарамга кириб) Ҳажарул Асвадни ўпдилар. Кейин, Сафо тоғига бориб, Тепага чиқиб, узоқ дуо қилдилар. Ансорлар пастда туришарди. Шунда улардан бири, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳақида, ўзларини шаҳарларини соғинган эканлар, ва қариндош уруғларини соғинган эканлар деган, гапни айтишди. Шу ерда турганларида, у кишига ваҳй келди.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Биз, у кишига ваҳй келадиганини билардик. Ўзгариб кетардилар, дейдилар. Ваҳй келганида, у кишига, ҳеч ким тикилиб турмасди. Ҳаммамиз ерга қараб олардик. Шунда, ваҳй келиб бўлгач, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Эй Ансорлар жамоаси, дедилар. Сизлар мени, шаҳарларини соғинган эканлар, ва қариндош уруғларини соғинган эканлар, шу ерда қолмоқчилар деб, ўйладингизми? дедилар. Худди шундай дедик, дейишди. Шунда, айтдиларки, Йўқ, дедилар. Аллоҳнинг бандаси ва Расулиман, дедилар. Аллоҳ тарафига ҳижрат қилдим. Сизлар тарафга ҳижрат қилдим. Ҳаёт сизларнинг олдингизда бўлади. Ўлимим ҳам сизларнинг олдингизда бўлади, дедилар. Шунда, ҳаммалари йиғладилар. Шунда, Ансорлар Ё, Расулulloҳ, қалбимизга келган шу сўзни айтишимиз, Аллоҳни Расулига бахиллик қилдик, сизни шу ерда қолишингизга, бахиллик қилдик, шунинг учун, шу сўзни айтишдик, дейишди. Шунда, Аллоҳ ва Расули сизларни тасдиқлайди ва сизларни узрингларни қабул қилади, дедилар.

فَقَالَ: يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ، أَلَمْ أَجِدْكُمْ ضَلَالًا فَهَدَاكُمْ اللَّهُ بِي؟ وَكُنْتُمْ مُتَفَرِّقِينَ فَأَلْفَكُمُ اللَّهُ بِي؟ وَعَالَةً فَأَغْنَاكُمْ اللَّهُ بِي؟ كُلُّمَا قَالَ شَيْئًا قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمَنٌ، قَالَ: مَا يَمْنَعُكُمْ أَنْ تُجِيبُوا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: كُلُّمَا قَالَ شَيْئًا، قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمَنٌ، قَالَ: لَوْ شِئْتُمْ قُلْتُمْ: جِئْنَا كَذَا وَكَذَا
المصدر : صحيح البخاري

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Сизларни Аллоҳу таоло мен сабабли ҳидоят қилмадимми? дедилар. Ҳа, дейишди. Сизларни Аллоҳу таоло мен сабабли

Ўзаро улфат қилмадимми? дедилар. Ҳа, дейишди. Сизларни Аллоҳу таоло мен сабабли сизларни бой, бадавлат қилмадимми? дедилар. Ҳа, дейишди. Шунда, айтмайсизларми, сиз жойсиз эдингиз, жойладик, демайсизларми? дедилар.

Сизни қавмингиз ёлғончи дейишганда, биз имон келтириб, тасдиқладик, деб айтмайсизларми? Сизлар ҳам, деганларида, Йўқ, Аллоҳу Расулига миннат, биз бу сўзни айтмаймиз, дедилар. Биродарлар, Инсон бир яхшиликни қилишлиги қийин. Лекин, Ансорларнинг яхшилигини қилиш, бу қийин нарса бу! Лекин, Ансорлардаги фазилат, умрларининг охиригача, миннат қилмасдан, ўтиб кетишди. Ҳатто, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, миннат қилмайсизларми, ҳаққингиз бор, айтишликка, деганларида ҳам, Йўқ, дейишдилар, Мана!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизларни ҳам, динга ёрдам берадиганлардан қилсин!

(Шу ерда, баъзи саволларга, жавоблар берилган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Исломий ҳукмлар ҳақидаги саволларга, жавоб берганда айтдик. Бу саволларга ўзларининг жавоб берадиган одамлари, вужудга келгунча, биз жавоб бериб турибмиз, биродарлар. Бунининг эгалари бўлган вақтида, улар мукамал жавобларни беришади, иншааллоҳ! Ҳаммамиз ҳам, ҳозирги вақтни ғанимат билайлик. Ҳозир биз Исломни ҳақиқий суннاتини қилсак, биров бизни мақтамайди. Бизни ёмонлайди. Мазаммат қилади. Маҳаллада сўкиш эшитасиз. Ғариб бўлиб яшайсиз. Мана шу ғариблик пайтида, хизматни қилиб олишимиз керак! Ўзининг вақти келган вақтда, бизга ўхшаган одамларга берилмайди, бу хизматлар. Биз бир оддий одамларга айланиб қолсак керак, валлоҳу аълам! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

34 дарс тугади.

35 Дарс

Ибодат турлари

(Бу дарс аавалида Иброҳим алайҳиссалом ва ўғли қиссаси, келтирилади. У киши қилган дуолари ва унга ижобат қилинган оятлар таққосланиб, инсонга китобу суннат манфаат бериши учун, ширк нажасидан покланиш зарурлиги уқтирилади. Ислолдаги ибодат деганда, нимани тушунишлик, баён қилинади. Ва ибодатларни фақат Аллоҳагина қилишлик, тавҳид шартлари, яна бир бора, тақдорланади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ хидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни хидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўзлари ҳақида,

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ لَخَاتَمُ النَّبِيِّينَ، وَإِنَّ آدَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ لَمُنْجِدٌ فِي طِينَتِهِ، وَسَأَتَّبِعُكُمْ بِأَوَّلِ ذَلِكَ دَعْوَةَ أَبِي
، . «إِبْرَاهِيمَ، وَبَشَارَةَ عِيسَى بِي، وَرُؤْيَا أُمِّي الَّتِي رَأَتْ
وروى الحاكم وصححه

Мен Бобом Иброҳимнинг дуосиман, дедилар.

رَبَّنَا وَابْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ آيَاتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُزَكِّيهِمْ ۚ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

Бақара сураси 129 оят

Иброҳим алайҳиссалом Каъбаи Муаззамани ўғиллари, Исмоил алайҳиссалом билан, қураётган вақтларида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан бу амални қабул қилишлигини, ва бу диёрга бир пайғамбар жўнатишлигини ва одамларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, уларга китоб, яъни қуръонни, ва ҳикмат, яъни, ҳадисларни таълим берадиган ва уларнинг ахлоқларини поклайдиган бир пайғамбар жўнатишлигини сўраб, дуо қилган эдилар. Мана бу дуо натижаси, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бўлдилар. Шунинг учун ҳам, Мен Бобом Иброҳимнинг дуосиман, дедилар.

وَاجْعَلْ لِي لِسَانَ صِدْقٍ فِي الْآخِرِينَ

Шуаро сураси 84 оят

Келажак авлодлар, мени яхши ном билан, тилга олишликни, менга насиб қилгин, дедилар. Бу дуолари ижобат бўлди. Бирор бир пайғамбар йўқки, магар бир тоифа, муҳаббат қилади ва бошқа тоифа, адоват қилади. Аммо, Иброҳим алайҳиссаломга ҳамма миллат, муҳаббат қилади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Иброҳим алайҳиссаломни дуоларини, ижобат қилди. Ҳатто, Ислонинг ашаддий душманлари, яҳудлар ҳам, Иброҳим алайҳиссаломни яхшилиқ билан, эсга олади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг дўсти, Иброҳим алайҳиссаломни қаттиқ имтиҳон қилди. Узоқ вақт фарзанд кўрмаган, Ўзининг дўстига, қариган вақтида, фарзанд берди.

Инсон ҳаётда ҳам сезиши мумкин, фарзанд кўришдан умиди узилган вақтида берилган фарзандга нисбатан, ота онанинг меҳри баландроқ бўлади. Ана шу фарзанднинг энг ширин вақти, араб тилида ғулом дейди. Атрофида чопиб, баъзи бир енгил хизматларни бажариб юрадиган даври бўлади. У вақтда ота онага, осий бўлишлиқ ҳам, чиройлик кўринадиган вақти бўлади. Фарзандлари, шу ёшга етган вақтда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қаттиқ имтиҳон қилди. Шу фарзандни, қурбон қилишликка буюрди. Қуръони каримда, бу забҳ калимаси билан келади. Сўйишликка буюрди. Қатлни тури кўп, биродарлар. Лекин, забҳ энг қаттиқ хили. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шунга буюрди. Мана бу имтиҳонда Аллоҳнинг буйруғини бажаришга тайёр бўлдилар. Ва ўғиллари ҳам тайёр бўлди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғи шу бўлса, қилинг! деди.

فَلَمَّا بَلَغَ مَعَهُ السَّعْيَ قَالَ يَا بُنَيَّ إِنِّي أَرَىٰ فِي الْمَنَامِ أَنِّي أَذْبَحُكَ فَانْظُرْ مَاذَا تَرَىٰ ۚ قَالَ يَا أَبَتِ افْعَلْ مَا تُؤْمُرُ ۖ سَتَجِدُنِي إِن شَاءَ اللَّهُ مِنَ الصَّابِرِينَ

Ассооффот сурсаси 102 оят

Энг ширин вақтига етганда, фарзандига айтдиларки, мен тушимда сизни, сўяяпман экан, дедилар. Нима деб маслахат берасиз? дедилар. Бир тарафдан, бу оғир бир имтиҳон бўлса. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг фарзанд бериши, ва уни камолот ёшига етмасдан туриб, Аллоҳнинг йўлида қурбон бўлишга тайёр бўладиган, фарзанд бўлишлиги, бу Аллоҳнинг жуда катта неъматидир. Фарзанд нима деди?

قَالَ يَا أَبَتِ افْعَلْ مَا تُؤْمُرُ ۖ سَتَجِدُنِي إِن شَاءَ اللَّهُ مِنَ الصَّابِرِينَ

Сиз буюрилган нарсани қилинг! Иншааллоҳ мени Аллоҳнинг буйруғи ижро қилинаётган вақтда, сабр қилувчилардан топасиз, деди. Мана бу башарийят тарихида, инсонга берилган неъматларнинг энг каттасидир, биродарлар! Фарзанднинг Аллоҳнинг ҳукмига тайёр бўладиган даражага етиши, отанинг ҳам, фарзанднинг ҳам фидоий бўлишлиги, бу инсоният тарихидаги бериладиган неъматнинг энг каттасидир. (Изоҳ: бу бир имтиҳон эди. Аллоҳу таоло ўз Расулини, шундай имтиҳон қилди. У ўз ўғлини қурбон қилишга тайёр бўлгач. Уни тўхтатди. Жибрил алайҳиссалом олиб келган қўчқорни қурбонлик қилишга буюрди. Шундай қилиб, қурбонлик қилиш, у кишидан бу умматга ибодат бўлиб қолди. Яъни, фарзандини ҳеч ким қурбон қилиб сўймайди. Бу мутлақо мумкинмас. Бу нарсаси, фақат у кишига бўлган бир синов, имтиҳон бўлганди халос.)

وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ ۖ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا ۚ قَالَ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي ۖ قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ

Бақара сурсаси 124 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Иброҳим алайҳиссаломни бир неча калимотлар билан имтиҳон қилди. Буни тамомига етказдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг имтиҳонидан ўтдилар. Бу калимотлар, ўнта суннат амаллар.

Тирноқ олиш, қўлтиқ тагини тозалаш, махфий ўринларни тозалаш, хатна қилишлик, мазмаза, (оғизга сув олиб чайқашлик) истиншоқ, (бурунга сув олиб чайқашлик) (соқолни узун қўйиш, мўйловни қисқартиш, мисвок тутиш, сочни қисқартириш) Буни тамомига етказдилар. Бу киши саксон ёшида, ўзларини ўзлари, хатна қилдилар. Аллоҳнинг буйруғини иккиланмасдан ижро қилдилар. Фаатамма хунна, сўзидаги фа, буйруқ келиши билан, ижро қилинганини билдиради. Бажардилар эмас, камолига етказдилар.

قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Мен сизни имом қилмоқчиман деди. Имом нима? Биз имом деганда, масжидни имомини тушунамиз. Имом, ислом истилоҳида, Аллоҳнинг ҳукмларини ижро қилишга, қодир бўлган киши. Ўғирлик содир бўлганда, қўлини қирқишлик. Зино содир бўлганда, турмуш қурмаган бўлса, юз дарра уриш. Турмушдан кейин, содир бўлса, тош бўрон қилиш, ҳукмларини ижро қилишга қодир бўлган кишини, Имом дейилади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Мен халқлар устида, сизни имом қилмоқчиман деди. Имом, султон, халифа, намозда имомликка ўтиш ҳаққи, шу кишиники бўлган. Шунинг учун намозда имомга ўтган кишини, имом деб, аталиб қолган.

رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا فَرَّةً أُغْنِ وَاجِعَنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا
Фурқон сураси 74 оят

Худоё, бизга кўзимиз хурсанд бўладиган фарзандлар ва жуфтлар ато қилгин! Яъни, фарзандлар ва жуфтлар Аллоҳнинг буйруғига бўйсунуши, мўмин кишининг кўзини хурсанд қилади. Кўзимиз хурсанд бўладиган фарзандлар ва жуфтлар ато қилгин! деганнинг маъноси, Ўзингни, буйруғинга бўйсунадиган фарзандлар ва жуфтлар ато қилгин! деганидир. Мўмин кишининг хурсандлиги, шу билан бўлади. Бизларни Аллоҳдан қўрққан, муттақинларга имом қил, деб, дуо қилишликка маъмурмиз. Раҳмон таолонинг бандаларининг сифатларидан биттаси, шундай дуо қилиб, Аллоҳга ёлворади. Демак, ҳар биримиз уйда, имоммиз. Аллоҳдан бизни муттақинларга имом қил, деб, дуо қилайлик. Яъни, оиладаги ҳамма кишилар, Аллоҳдан қўрқадиган бўлсину, биз шуларга, раҳбар бўлайлик.

يَوْمَ نَدْعُو كُلَّ أُنَاسٍ بِإِمَامِهِمْ ۖ فَمَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ فَأُولَٰئِكَ يَقْرَءُونَ كِتَابَهُمْ وَلَا يُظْلَمُونَ فَتِيلًا
Исро сураси 71 оят

Қиёмат кунида одамларни ўзларининг имоми билан, чақиради. Сиз бир тоифани эргаштирасиз ўзингизга. Бошқалар бир тоифани эргаштиради ўзига. Улар ўз фикрини саҳиҳ деб, эълон қилади. Одамларни эргаштиради. Динсизлар ҳам ўзининг йўлини, ҳақ дейди. Ширк амалини қилаётганлар, ўзини йўлини ҳақ дейди, шу йўлга чақиради. Бутпарастлар ўзини йўлига чақиради. Фоҳишабозлар ҳам ўз йўлига бир жамоани чақиради. Бизнинг йўлимиз, ҳақ дейди. Булар ҳаётнинг лаззатидан маҳрум бўлиб юрган, одамлар дейди. Фоҳишабозлар ҳам ўз йўлини, ҳақ дейди. Маст қилувчи ичимликни ичиб юрганлар, кашандалар, булар ҳаммаси ўзини йўлини, ҳақ дейди. Ўзига жамоат тўплайди. Қаерга борсангиз, маст қилувчи ичимлик ичадиганлар алоҳида ўтиради. Кашандалар алоҳида ўтиради. Ҳар бир одам, ўзининг йўлини ҳақ деб, ўзига жамоа тўплайди. Ва у жамоанинг имоми бор. Ҳар бир жамоани, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу имоми билан чақиради.

Ҳақ йўлдаги имом, ўзининг жамоасини жаннатга етаклаб кетади. Ботил жамоани раҳбари, ўзининг ботил жамоасни, жаҳаннамга ўтин бўлишлик учун, етаклаб кетади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳар бир жамоани, ўзининг имоми билан чақиради. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Иброҳим алайҳиссаломга, Мен сизни имом қиламан деди. Мен бир нарсани айтишлик учун, Иброҳим алайҳиссаломдан сўзни бошладим.

Иброҳим алайҳиссалом имтихон босқичини, босиб ўтдилар. Каъбаи Муаззамани қурдилар. Ва Эй Роббим, шу Каъбаи Муаззама қурилган диёрга, одамларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, уларга китоб, яъни қуръонни, ва ҳикмат, яъни, ҳадисларни таълим берадиган ва уларнинг ахлоқларини поклайдиган, бир пайғамбар жўнатишлигини сўраб, дуо қилган, эдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан бўлган ижобати, қуръони каримда уч жойда келади. (Яъни, Бу мазмундаги оят, қуръони каримда, уч жойда келади.)

كَمَا أَرْسَلْنَا فِيكُمْ رَسُولًا مِّنكُمْ يَتْلُو عَلَيْكُمْ آيَاتِنَا وَيُزَكِّيكُمْ وَيُعَلِّمُكُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُعَلِّمُكُم مَّا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ
Бақара сураси 151 оят

لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ ءَايَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِن قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ
Оли имрон сураси 164 оят

رَبَّنَا وَأَبْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْهُمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ ءَايَاتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُزَكِّيهِمْ ۚ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ
Бақара сураси 129 оят

Иброҳим алайҳиссалом дуосида, китобу ҳикматни таълими, аввал келиб, ахлоқларни покизалашлик, тазкия сифати, кейин келади. Аммо, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бу дуони ижобат қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломни жўнатганлигини миннат қилган ўринларда,

وَيُزَكِّيهِمْ

аввал келиб,

وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ

Китоб ва ҳикматни таълими, ахлоқларни покизалагандан кейин, эканлиги аён бўлади. Бу ҳаммамиз учун диққатга сазоворки, агар инсон ўзини покламаса, унга китоб ва ҳикматни таълимини манфаати бўлмайди. Агар инсон ўзини, ширк маразидан покласа кейин, унга китоб ва ҳикматнинг таълимнинг, манфаати бўлади.

فَتَعَلَّمْنَا الْإِيمَانَ قَبْلَ أَنْ نَتَعَلَّمَ الْقُرْآنَ
وصححه الألباني في "صحيح سنن ابن ماجه

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтадиларки, Биз аввал имонни ўргандик, кейин қуръонни ўргандик. Имон нима, тавҳид нима, ширк нима, буларни ўрганиш, инсон ўзини ширк нажасидан поклашлиқдир.

إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ بَعْدَ عَامِهِمْ هَذَا
Тавба сураси 28 оят

Мушриклар нажасдир, деябди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Масжидул Ҳаромга яқинлашмасин! Нажас нарсани Масжидул Ҳаром олдида туриши бўлмайди, деябди, Аллоҳу таоло. Агар бир нажас покиза сувга тушса, албатта, муайян миқдорда, шу сув нажас бўлади. Муайян миқдордан кўпайса, шаръан нопок ҳисобланмайди. Шунинг учун биз, ширк нажасидан пок бўлмагунча, китоб ва ҳадиснинг таълими, манфаат бермайди. Ҳозирги замонамиз бунга яққол далилдир, биродарлар! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг китоби, узоқ вақтлар тиловат қилинди. Ҳадислар узоқ вақт ўқилинди. Лекин, у китобу суннатни билмаслик. У ширк мажлисларинда ўқиб кетилди, биродарлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Иброҳим алайҳиссалом дуосини қабул қилиб, у кишининг дуосида, китобу ҳикматни таълим бериб, ахлоқларни покизалашлик, сифати кейин келаябди.

Аммо, Аллоҳнинг ижобатида,

وَيَرْكَبُهُمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ

Китобу суннат таълими, тазкияи нафсдан кейин келаябди. Демак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, агар инсон, ширк нажасидан пок бўлмагунча, унга берилган китобу суннат таълимидан, манфаат бўлмаслигига ишора қилаябди. Мана, биз ўзимизнинг ҳаётимизда, бу нарсанинг намунасини, кўриб турибмиз, биродарлар! Қуръони карим хатм қилинаябди. Ҳадиси шарифлар ўқилди, яқин тарихимизда. Лекин, мана бунга, аксар ҳолда, ширк мажлисида, ширкни қувватлаш учун ўқилинганига, ўзларинг гувоҳ бўлгансизлар.

Шунинг учун ҳам, бизнинг эътиқодимиз, бу дарсимизнинг қуришлик ҳам, тавҳид асосида бўлишликка, ҳаракат қилинлди. Тавҳид нима эканлигини, ва тавҳиди улуҳийят нима? Тавҳиди рубубийят нима? Биз бу нарсани билмоқлигимиз керак! Тавҳиди рубубийят пайғамбарлар билан, халқлар ўртасида, хусумат ўрни бўлмаган. Тавҳиди хулуқийят ҳам, хусумат ўрни бўлмаган. Аллоҳни ҳамма бор деб, эътиқод қилган. Аллоҳни инкор қиладиган виждонсиз кофир, бу яқин тарихда вужудга келган, биродарлар! Шунинг учун, Аллоҳни бор деб, эътиқод қилишган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ризқ берувчи сифатини исбот қилишган мушриклар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло коиноту ерни яратган ва бошқариб турувчи деб, тан олишган. Аллоҳга ҳам ибодат қилишган. Лекин, бошқа нарсаларни ҳам шарик қилиб, ибодат қилишган. Баъзи вақтларда, Аллоҳга ибодат қилишган. Баъзи вақтларда, бутларга ибодат қилишган.

Масалан, яҳудлар Узайр алайҳиссаломга, пайғамбарга ибодат қилишган. Насоролар Исо алайҳиссаломга, ибодат қилишган. Бошқа қабилалар, жинларга ибодат қилишган. Бошқа қабилалар, малоикаларга ибодат қилишган. Мана бу ибодатлар, уларни ширкдан чиқара олмади. Улар, якка Аллоҳга ибодат қилишликка маъмур бўлишди. Шу одамлар, Аллоҳни бор деганлар, Аллоҳни яратувчи деб, тан олганлар, Аллоҳни коиноту ерни яратган ва бошқариб турувчи деб, тан олган кишилар, ла илоҳа иллоллоҳ деб айтишлар, деб, мухотаб бўлишликка муҳтож бўлдилар.

Яъни. Уларни, ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтмаётган одамлар деб, эътибор қилинди. Шунинг учун, мана бу оятда, ширк нажасидан покланмагунча, китобу суннатдан таълими манфаат бермаслигини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизларга Ўзининг мўъжиз каломида баён қилди. Шунинг учун биз, ҳар бир ҳаракатимизда ва ҳар бир амалимизда, ширкдан саломат бўлишликка, ўтган дарсларимизда айтган ширк турларни ҳаммасини, ўрганиб, доим ширкдан саломат бўлишлик, ҳаётимизни асосий мазуси бўлмоқлиги керак. Биз ибодатлар жумласига, қайси нарсалар киришни, аввалги дарсларимизда, кўп ўринда такрор қилдик.

Ибодат турлари

Такрор айтамыз, дуо қилиш, ибодат. Агар дуони, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони Ўзига қилсак, ибодатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қилган бўламиз. Агар дуони, бошқа нарсаларга қилсак, хоҳ мазорлар, хоҳ дарахтлар, хоҳ тоғлар, хоҳ булоқлар, хоҳ малоикалар, хоҳ жинлар ва бошқа нарсалар, нима бўлишидан қатъий назар, дуони, бошқа нарсаларга қилиш билан, ибодатни, бошқа нарсаларга қилган бўламиз. Дуо ибодатдир. (Изоҳ: Аддуои муххул ибодат, ҳадиси, заиф дейилган. Аддуои ҳувал, ибодат, ҳадиси саҳиҳ дейилган. Шунга қуйида саҳиҳ ҳадис, илова қилинди)

الدعاء هو العبادة، كما ورد في الحديث النبوي؛ فعن النعمان بن بشير، رضي الله عنه، أن رسول الله صلى الله عليه وسلم، قال: إن الدعاء هو العبادة، ثم قرأ "وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ [غافر: 60]"، رواه أحمد في المسند، والبخاري في الأدب المفرد

Демак, ёрдам сўраш, истионат, ёрдам сўрашлик, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан бўлади. Аллоҳдангина сўраладиган ҳожатларни, фақат Аллоҳдангина сўралмоғи керак. Таовун, инсонлар орасида, бўладиган ёрдам беришлик, бундан мустаснодир.

إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ وَإِذَا اسْتَعَنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ

Деб, Абдуллоҳ ибн Аббосга Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадилар. Таваккул, Аллоҳгагина бўлади. Ибодат нима? Аллоҳнинг шариатдаги ҳукмларига бўйсунитишлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу ҳукмлари билан, баъзи нарсаларни ҳалол қилди ва баъзи нарсаларни ҳаром қилди. Фарзларни бизга, вазифа қилди ва ҳудудларни ижро қилди. Жиноят содир бўлса, бу ҳукмларга бизнинг бўйсунитишлигимиз, ибодатдир. Кимки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан келган ҳукмларни қабул қилмаса, бўйсунмаса, ибодатдан бош тортган бўлади.

Агар одамлар тарафидан ўйлаб чиқарилган йўлларга бўйсунса, ибодатни, шу ўйлаб чиққан одамга қилган бўлиб, ширк амали содир бўлади. Агар кимда ким, ўзи хоҳлаган ҳукмни, тузишликка ихтиёри менда деса, ҳалол қилишлик ва ҳаром қилишлик ихтиёри менда деса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан келган ҳукмни ташлаб, ўзини Раб ва илоҳ деб, даъво қилишлиқдан, бошқа нарсамас. Агарчи, буни сўз билан айтмаса ҳам. Агар кимки, унинг шариатга зид ҳукмини қабул қилса, ибодатни унга қилган бўлиб, мушрик бўлади, хоҳ билсин, хоҳ билмасин! Биз ширкнинг мана бу хилидан эҳтиёт бўлмоғимиз керак!

Минг афсуслар бўлсинки, бизда одамлар намозни ўқиб, рўзани тутиб, шу билан, энди тамоман эркинман деб, ҳаётнинг бошқа майдонларида, хоҳлаган ҳаётда яшашади. Бу мутлақо тўғримасдир. Ислон, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини ўз ичига олади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан бўлган ҳукмни, ўз ичига олади. Бунга оятлар, бизларга қуръони каримда равшандир.

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ آمَنُوا بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَاكَمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا
Нисо сураси 60 оят

Манови одамларни кўрмайсизмики, бунақа мўминман деган, одамлар ҳам бор, деб, Аллоҳ бизни ажабланишга ундаб, кўрмайсизмики, бунақа махлуқлар ҳам бор. Ўзларини сизга туширилган қуръонга, ва сиздан илгариги туширилган Таврот ва Инжилга имон келтирганмиз деб, даъво қилишади. Лекин, Тоғут, Аллоҳдан бошқа нарса Тоғут. Аллоҳдан бошқа ибодат қилинидиган нарсалар ҳаммаси Тоғут. Ким бўлишлигидан қатъий назар. Тоғутга ҳукм сўраб боришни ирода қилишади. Яъни, ундан ҳукм сўрашни ширклигида, шак шубҳа йўқ. Ҳукмлашишни мақсад қилишликни ўзи, ширкка олиб боради. Ва шулар мўминман, деб, даъво қилишини кўрмайсизми, кейин?! Мана шунақа имонни даъво қилган тоифалар ҳам бор! деб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, булардан ажабланишга буюраябди.

Улар кофирга кофир бўлишликка маъмур бўлишганди. Шунинг учун, бизга маълум бўлиши керакки, ибодатнинг мана бу турини, билмоғимиз керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, юборган ҳукмларга, жиний ҳукмларни ва бошқасини тан олиб, итоат қилишимиз, бу ибодат. Шунда, ибодатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қилган бўламиз.

Аммо, бу ҳукмларни қабул қилмасдан, бошқа одамни ҳукмларини қабул қилиш, бу нарса насс, қуръони карим билан, ширқдир бу нарса! Бу нарса ибодатни бошқа нарсага қилиш, бу нарса исломдан чиқиш ва жаҳаннамга ўтин бўлишликка тайёргарлик қилишдир! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бундай кишига, жаннатни ҳаром қилганлигини эълон қилаяпти.

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ
Моиди сураси 72 оят

биз, алҳамдулиллоҳ, ибодатни маъноларини тўла айтиб ўтдик, биродарлар. Аввалги дарсимиздан эшитиб келаётган кишилар, қайси нарса ибодат эканлигини, билиб олдилар. Агарчи, биз ибодат қилмаяпмиз десалар ҳам, булар бари, ибодатдир. Мана бу охири қисми, ҳукмга ҳам тўхталиб ўтдик.

Холид ибн Валид фазилати

Саҳобалар фазилатлари ҳақида, аввалги дарсимизда Ансорлар ҳақида тўхталиб ўтдик. Бугун Холид ибн Валид ҳақида, дарс қиламиз. Холид ибн Валид улуғ саҳобалардан. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида ва Абу Бакр Сиддиқ даврида, қўмондон бўлиб хизмат қилган, довюрак саҳобалардандир. Инсонлар қанчалик яшашни яхши кўришса, бу киши шунчалик, Аллоҳ йўлида жон беришни яхши кўрган зотлардан эди.

Холид ибн Валид Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан, кўп мақтовларни эшитган кишилардандир.

فقال: لا تؤذوا خالداً فإنه سيف من سيوف الله صبه الله على الكفار
رواه الطبراني

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Холид ибн Валидни, сўкманглар, дедилар. Холид Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, кофирларга Ўзи суғурган, Аллоҳнинг қиличларидандир, дедилар. Бу ғазотда қўмондонлардан уч киши, улуғ саҳобалар шаҳид бўлишди. Зайд ибн Ҳориса, ва Абдуллоҳ ибн Абу Равоҳа ва Жаъфар ибн Абу Толиб шаҳид бўлишган. Кейин, Холид ибн Валид мутъа ғазотида қўшинга қўмондон бўлган. Румнинг сонсиз қўшинларига дучор бўлганда, ўзларининг ҳарбий маҳорати билан, Ислом лашкарининг нажотига сабаб бўлган, улуғ саҳобалардандир.

حتى نُسِر يوم مؤتة في يده تسعة أسياف ، كما روى ذلك البخاري في صحيحه

Муъта ғазотида, менинг қўлимда тўққизта қилич синиб кетди, фақат Ямоний қиличим қолди халос деган, эканлар. (Қуйидаги матн муъта ғазоти ҳақидаги имоми Муслимнинг китобидан парча бўлиб, мавзуга мослиги учун, илова қилинди)

قام الرسول صلى الله عليه وسلم بتجهيز ثلاثة آلاف مقاتل لمواجهة جيش الرومان في غزوة مؤتة، ولم يجعل الرسول صلى الله عليه وسلم لهذه الغزوة أميراً واحداً، بل عين ثلاثة من الأمراء، وهم زيد بن حارثة وجعفر بن أبي طالب، وعبد الله بن رواحة، وقال صلى الله عليه وسلم " إِنْ قُتِلَ زَيْدٌ فَجَعَفَرٌ وَإِنْ قُتِلَ جَعْفَرٌ فَعَبْدُ اللَّهِ بْنِ رَوَاحَةَ" [1]، وقد أخرج الرسول صلى الله عليه وسلم مع هذا الجيش البطل الإسلامي الفذ خالد بن الوليد رضي الله عنه، ولم يكن مر على إسلامه إلا ثلاثة أشهر فقط، وخرج الرسول بنفسه لتوديع الجيش، وحرص على ألا تخرج الحرب الإسلامية عن ضوابطها الشرعية، وأن يلتزم المسلمون تماماً بأخلاقهم حتى في أشد حروبهم، حيث كان صلى الله عليه وسلم إذا أمر أمير على جيش أو سرية أوصاه في خاصته بنقوى الله ومن معه من المسلمين خيراً ثم قال «اغزوا باسم الله في سبيل الله، قاتلوا من كفر بالله، اغزوا ولا تغلوا، ولا تغزوا، ولا تمثلوا، ولا تقتلوا وليداً

مسلم: كتاب الجهاد والسير

حتى قال رضي الله عنه : (لقد منعتي كثيراً من القراءة الجهاد في سبيل الله) رواه ابن أبي شيبة

Холид ибн Валид, Аллоҳ йўлидаги жиҳод, мени қуръонни кўп тиловат қилишдан тўсиб қўйди, деган, эканлар. Уммул Маноқиба деган, бир қабилага тушдилар. Шунда у кишига эҳтиёт бўлинг. Булар сизга, заҳар ичириб қўйишмасин, макр қилиб, дейишди. Шунда заҳарни олиб келинглари дедилар. Заҳарни олиб келишди. Қўлларига ушлаб, бисмиллоҳ деб, ичиб юбордилар. Бирор нарса бу кишига зарар қилгани йўқ.

وكان من كلامه رضي الله عنه في ساعة الاحتضار : لقد طلبت القتل في مظانه فلم يقدر لي إلا أن أموت على فراشي ، وما من عملي شيء أرجى عندي بعد أن لا إله إلا الله من ليلة بثها وأنا منتزس ، والسماء تهلني تمطر إلى الصبح حتى تغير على الكفار

Холид ибн Валид шаҳид бўлмадилар. Тўшақда ётиб, вафот қилдилар. Жасадимда бир қариш ер йўқки, ё, камон кирмаган, ё, найза кирмаган ё, қилич кесмаган, лекин, туя ўлгандек, уйимда ўлаяпман, деган эканлар. Душманга мактуб ёзсалар, имон келтиринглари, биродаримиз бўласиз. Ёки, жузъя тўланглари, биздан омонда бўласиз. Ёки, уруш қилишни истасанглари, мен шундай одамлар билан бораманки, сизлар ҳаётни қандай яхши кўрсанглари, булар ўлимни шундай яхши кўрадилар, деб ёзар эканлар.

Ҳарбий кишилар одатда, ўзининг имтиёзи бўлганлиги билан, озгина даъвоси ҳам бўлади. Абу Бакр Сиддиқ билан хайрлашиб чиқиб кетганларидан кейин, уни бошқа кўрмадилар. У киши вафот қилганидан кейин, Умар ибн Хаттоб Халифа бўлди. У кишидан мактуб келди, Холид ибн Валидга, қўмондонликдан бўшатиш ва ўрнига Абу Убайда ал Жарроҳни ҳарбий қўмондон бўлгани, мактуби келди. Шунда, жанг охирлашга, оз қолганди. Бу киши мактубни ушлаб турдиларда, Абу Бакр Сиддиқнинг вафоти хабари таъсир қилиб, Жангчилар сусайиб кетмасин деб, эълон қилмай, турдилар.

Жангдан кейин, Абу Убайдани чақириб, мактубни кўрсатдилар. Ҳаммалари Абу Бакр Сиддиқнинг вафотидан, ғамгин бўлдилар. Шу пайтда, ўзлари мактуб келган заҳоти, қўмондонликни топширмагани учун, узр айтдилар. Ҳарбий одамда инсофни бу даражада бўлишлиги, фақат қалбида, мустаҳкам имону ислом бўлган одамга, насиб бўлиши мумкин?! Бизнинг Исломда, раҳмабр бўлишлик учун, молу дирҳам сарф қилганмас. Одамларни тарғиб қилганмас. Ўзини сайлашга. Ўзининг жойида, битта мактуб кифоя қилган. Халифа тарафидан келган битта мактуб, кифоя қилган, раҳбарликни топширишга ва сайланишга. Ислом тарихида, бундай воқеалар жуда кўпдир. Биз ҳам, Ислом ҳаётини кўрмадик. Лекин, қалбимизда билиб, ва тарихимиздан билиб яшаяпмиз. Исломга қарши тарбия олган одамлар, бунга ишонмасликлари мумкин?! Чунки, уларнинг тарихида ҳам, ва воқеъий ҳаётларида ҳам, бунинг бирорта мисоли йўқ ва бўлиши, мумкин ҳам эмас!

Саъд ибн Маоз фазилатлари

Саъд ибн Маоз Ансорлардан бўлган.

Абу Бакр Сиддиқ муҳожирлар ичида, қандай ҳурматга эга бўлсалар, Саъд ибн Маоз Ансорлар ичида, шундай ҳурматга эга эди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Саъд ибн Маоз вафотига, Аллоҳнинг Арши титради, деган, эканлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, бир ипак либос олиб келишди. Уни чиройли ва мулойимлигини кўриб. Улар ажаблана бошлашди.

أَهْدِي لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جُبَّةً سُنْدُسَ، وَكَانَ يَنْهَى عَنِ الْحَرِيرِ، فَعَجِبَ النَّاسُ مِنْهَا، فَقَالَ: وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ، لَمَنَادِيلُ سَعْدِ بْنِ مُعَاذٍ فِي الْجَنَّةِ أَحْسَنُ مِنْ هَذَا، وَقَالَ سَعِيدٌ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسٍ: إِنَّ أَكْبَدَ دُومَةٍ أَهْدَى إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
الراوي : أنس بن مالك | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Саъд ибн Маозни жаннатдаги миндили ҳам, бундан яхши, дедилар. Миндил деб, қўлини артадиган кичик сочиқни айтади. Саъд ибн Маозни қўлларига, ҳарба кириб, ҳарба, найзанинг бир тури, душман тарафидан отилганда, қўлларини кесиб кетганди. Шу жароҳат тузалмасдан, томирлари ёрилиб кетганлигини, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, кўрган эдилар. Саъдга нима бўлди? деганларида, одамлар келиб, уйига кўтариб кетишди, дедилар. Яҳудий қабиласидан бўлган, учта қабиладан биттаси, ўртада хусумат бўлганда, Саъд ибн Маозни, Ҳакамлик қилишига рози бўлишган эди.

Шу ерга ҳукм учун келганларида вафот қилдиларда, жасадини уйларига кўтариб кетишди, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бомдодни ўқиб, эрталаб, шошиб йўлга тушдилар. Одамлар у кишига эргашди. У киши тез кетаётгани учун, оёқларидаги оёқ кийими, тушиб қоладигандек бўларди. Саҳобалар, Ё Расулуллоҳ одамлар чарчаб қолишди, дейишди. Секинроқ юрайлик дейишганда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, мен Саъд ибн Маозни ҳам, Малоикалар, Ҳанзалага ўхшаб, биздан илгари ювиб қўйишмасин деб, кетаяпман, дедилар.

Ҳанзала деган саҳоба бор эди. Бу кишининг лақаблари «ғасилул малоика» бўлган эди. Бу кишининг шаҳодатлари, уйланган кунлари бўлган эди. Эрталаб шошиб Жиходга чиқиб кетиб, шу кун шаҳид бўлгандилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, ваҳй келдики, Ҳанзала фалон кудуқни олдида деб. Уни олиб келишга саҳобаларни юбордилар. Борсалар, ҳамма ёғи ҳўл, ювилган эди. Уни олиб келиб, оиласидан сўрашганида, жиҳодга чақирганида, ғусл қилсам, Аллоҳнинг ҳукми кечикмасин деб, жиҳоддан кеч қоламан деб, ғусл қилмасдан чиқиб кетганди, дедилар. Шу кун, у шаҳид бўлди. Уни танасини ювилганини, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, буни малоикалар биздан илгари келиб, ғусл қилдирган, дедилар. Шунга ишора қилиб, Саъд ибн Маозни ҳам, Малоикалар, Ҳанзалага ўхшаб, биздан илгари ювиб қўйишмасин деб, кетаяпман, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Саъд ибн Маозни жанозасига, етмиш мингта фаришта тушди. Булар, илгари ерга ҳеч қачон тушганмас эди, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шундай улуғ зот ҳақида берган бир хабарлари, ҳаммамизни ҳам, келажак ҳаёт ҳақида ўйлашликка чорлайди.

فقد قال النبي صلى الله عليه وسلم: "لو نجا أحد من ضمة القبر لنجا سعد بن معاذ، ولقد ضم ضمة ثم رخي عنه" أخرجه الطبراني في الكبير عن ابن عباس رضي الله عنهما، وصححه الألباني في صحيح الجامع

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кўрқиб кетдилар, қабрга қўйгандан кейин. Шунда нима бўлди сизга деб, сўрадилар. Шунда айтдиларки, Саъдни қабр бир қисиб кейин қўйиб юборди, дедилар. Агар бирор киши, қабрдаги сиқувдан нажот топганда, Саъд ибн Маоз нажот топарди, дедилар. Қабрдаги сиқув биродарлар, ҳаётнинг ҳамма лаззатини йўқотиб ташлайди. Шунинг учун, ана шу кунга қараб, иш қилмоғимиз керак.

Саъд, баланд бўйлик, жасадлари йўғон киши эдилар. Саҳобалар тобутларини кўтарганларида, жуда енгилдек кўринди. Улар ҳайрон бўлиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, Саъд баланд бўйлик, жасадлари йўғон киши эдилар. Тобутлари енгил бўлди, деганларида, сизлар ўзимиз кўтардик деб, гумон қилаяпсизларми? Малоикалар тамомий тобутни қамраб олганди, дедилар. Саҳобалар тарихини билишимиз керак, биродарлар. Биз нима учун, Саҳобалар фазилатлари ҳақида, дарс қилаётганимизни, аввалги дарсларимизда айтиб ўтдик.

Шу ерда саволларга қатор жавоблар берилади.

Баъзилар дуо қилинг дебдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аҳли ислом беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларни ҳам, гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, ширқдан покласин! Тавҳид асосида яшашликни, Аллоҳ насиб қилсин!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизларни ҳам, Аллоҳни ҳукмини ирода қиладиган ва бошқа ҳукмларни хоҳламайдиган ва уни ёмонлик билан эсга оладиган кишилардан қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри ҳолқихи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

35 дарс тугади.

36 Дарс

Зулм, қиёмат кундаги зулумотдир

(Бу дарс аавалида, Муҳаммад алайҳиссалом йўлидан юрмаган кишилар оқибати, яхши бўлмаслиги зикр қилинади ва кейин, зулм турлари, келтирилади. Зулмнинг каттаси, ширк экани ва бошқа зулмлар ҳам, оқибати ёмонлиги, ояту ҳадислардан, мисоллар билан уқтирилади. Зулм қиёматдан ташқари шу дунёда жазоси бериладиган кабира гуноҳдир. Зулмнинг каттаси Аллоҳга ширк келтиришдир. Тавба қилганлар мустасно, бу гуноҳ кечирилмайди.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ хидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни хидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон билан жинни, фақат Ўзига ибодат қилишлик учунгина яратди. Яъни, инсон билан жинни, ибодат қилишлик учунгина, яратгани йўқ. Фақат Ўзига ибодат қилишлик учунгина яратди. Бу иккаласини фарқини, билишлик керак. Макка мушриклари, коиноту ерни, Аллоҳ яратган ва бошқариб туришлигига иқдор бўлишлари қаторида, Аллоҳни ризқ берувчи эканлигига, иқдор бўлишлари қаторида, Аллоҳга ибодат ҳам қилишарди. Лекин, ибодатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони, Ўзигагина қилишмасди. Мана шу билан мушрик бўлишди. Аллоҳни бор деб, эътиқод қилганлар ва Аллоҳни розиқ сифатига иқдор бўлганлар ва Аллоҳни яратувчи деб, иқдор бўлган ва ҳамда, Аллоҳга ибодат ҳам қилиб юрган одамлар, Эй одамлар, ла илоҳа иллоллоҳ, денглар, деб, мухотаб бўлишга лойиқ бўлишди. Яъни, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, йўлидамас бу одамлар деб, эълон қилинди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, уларга, мен олиб келган йўлдамас сизлар деб, хитоб қилдилар. Сизлар мушриксизлар деб, хитоб қилдилар. Мен бу сўзни айтсам, кўпчиликка, дағал бўлиши мумкин? Агар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламни, ҳозир пайғамбар қилиб, жўнатганларида, ҳозирги одамларнинг ҳаммасига, ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, шахсий ҳаётида татбиқ қилиб юрган кишилар, бундан мустасно, қолганлар, Эй одамлар ла илоҳа иллоллоҳ денглар, деб, мухотаб қилишга, лойиқ бўлишган, бўларди. Шунинг учун бизни, баъзи амалларимиз, мағрурлантириб қўймаслиги керак.

Дарсимиз аввалидан тортиб, калимаи тавҳид устида, кетмоқда, биродарлар! Ибодат маънолари муфассал суратда баён қилинди. Шу ибодатларни фақат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таологагина қилишга, Аллоҳ бизларга ҳам тавфиқ берсин! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, йўлларига эргашишликка, ҳаммамизга тавфиқ берсин! Қиёмат куни, ўзининг бармоғини тишлаб, мен Расул билан, бир йўл тутсам бўлар экан. Ҳамма йўллардан воз кечиб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, олиб келган, йўлга эргашсам бўлар экан, деб, аттанг қилиб қоладиган, золимлардан қилиб қўямасин!

وَيَوْمَ يَعْصُ الظَّالِمُ عَلَى يَدَيْهِ يَقُولُ يَا لَيْتَنِي اتَّخَذْتُ مَعَ الرَّسُولِ سَبِيلًا
Фурқон сураси 27 оят

يَا وَيْلَتَى لَيْتَنِي لَمْ أَتَّخِذْ فُلَانًا خَلِيلًا
Фурқон сураси 28 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, золим деяпди. Биз золим деганда, биродарлар, фақат, бировга молиявий зулм қилган одамнигина, тушунамиз. Тўғри, молиявий суратда, зулм қилган одам ҳам, золим. Золимнинг бошқа маънолари ҳам бор. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тасвирлаяпдики, золим икки қўлини тишлаган, деяпди. Араб тилида, яд деб, қўлни кафт қисмини айтади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу ерда, золим бармоғини учини тишлайди, демаяпди.

يَجْعَلُونَ أَصَابِعَهُمْ فِي آذَانِهِمْ
Бақара сураси 19 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳақни эшитишни хоҳламаётган, ҳақни эшитиш қалбини пора қилиб ташлаётган мунофиқларни, бармоқларини қулоқларига суқиб олади, зарб қилиб олади деяпди. Инсоннинг бармоқ қисми, қулоғига сиғмайди. Лекин, шу ҳақни эшитмаслик учун, тамоми бармоғини қулоғига, суқиб юборади. Қаттиқ бекитишликдан киноя, бўлаяпди. Одатда, тишлашда ҳам, бармоқни учини тишлайди. Бу надоматдан киноя. Лекин, мана бу оятда,

وَيَوْمَ يَعْصُ الظَّالِمُ عَلَى يَدَيْهِ يَقُولُ يَا لَيْتَنِي اتَّخَذْتُ مَعَ الرَّسُولِ سَبِيلًا
Фурқон сураси 27 оят

Бир қўлинимас, икки қўлини, аттангни ниҳоят даражада қаттиқ қилганлигидан, иккита қўлини оғзига киритиб, тишлайди. Шунини тишлаётганини билмайдиган даражада, қаттиқ ташвиши билан тургани суратланаяпди. Нима учун аттанг қилади?!

وَيَوْمَ يَعْصُ الظَّالِمُ عَلَى يَدَيْهِ يَقُولُ يَا لَيْتَنِي اتَّخَذْتُ مَعَ الرَّسُولِ سَبِيلًا
Фурқон сураси 27 оят

Расул билан, мен бир йўл тутсам бўлар экан. Яъни, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, олиб келган йўлни, тутсам бўлар экан, дейди. Бу йўлни тутмасликка сабаб нималигини, ҳам айтади. Бировларни ўзига, қаттиқ дўст қилиб олган. Садиқ бор, араб тилида, халил бор. Садиқ деб, дўстни айтади, умуман. Халил, ниҳоятда киришиб кетган дўст. Киришиб кетишлик натижасида, унинг йўлини қабул қилиб қўйган. Хоҳ, у куфр йўл бўлсин. Хоҳ, у нифоқ йўл бўлсин. Хоҳ, у фисқ йўли бўлсин. Хоҳ, у бидъат йўли бўлсин. Суннатга хилоф бўлган йўллар. Хоҳ, динсизларнинг йўли бўлсин. Умуман, Расул олиб келган йўлдан, бошқа йўлларни, олмасам бўлар экан, деб, қаттиқ суратда надомат қилади. Золим, деяпди, Аллоҳу таоло.

Расул саллоллоҳу алайҳи васаллам, олиб келган йўлдан, бошқа йўлларни ўзига йўл қилиб олган одамларни, дўст қилиб олса, мана шу одам, золим деяпди.

يَا وَيْلَتَى لَيْتَنِي لَمْ أَتَّخِذْ فُلَانًا خَلِيلًا

Фурқон сураси 28 оят

У фалончи ким бўлишидан қатъий назар! Жоҳилиятдаги хатолардан биттаси, ўзларининг олимларини Робб қилиб олишлиқдир. Робб, яъни, улар ҳалол деган нарсаларни, ҳалол дейиш, шариатни текширмасдан. Ёки, шариат ҳаром деб, кўрсатган нарсани, пешволари ҳалол қилиб берса, шуни қабул қилиб кетаверишликни, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Робб қилиб олишлик деб, очиқ баён қилдилар.

اتَّخَذُوا أَحِبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا ۚ لَآ إِلَهَ إِلَّا هُوَ ۚ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ

Тавба сураси 31 оят

Яҳудлар ва насоролар, ўзларининг олимларини, Аллоҳни қўйиб, робб қилиб олишди. Бу оятни, Адий ибн Хотим Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳузурига кириб келаётган вақтларида ўқидилар. Адий ибн Хотим бўйнида, бут бор эди. Адий ибн Хотим, Ё Расулulloҳ, улар ибодат қилишмаган эдию, Яҳудлар ва насоролар ўзларининг олимларига, ибодат қилишмаган эдию, деганида, Бало, Йўқ, ибодат қилишганди, дедилар. Улар ҳалолни ҳаром қилиб берса, қабул қилишган. Ҳаромни ҳалол қилиб берса, қабул қилишган. Шу ибодатлари, дедилар.

Демак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг йўлига, зид йўлни биров айтса, ким қабул қилса, ибодатни шу одамга қилган, мушрик бўлади, деб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, очиқ айтдилар. Демак, бу одам золимдир. Бу одам ширк амалини қилган одам. Бу бир маҳалланинг домласини тафсиримас, биродарлар! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бизларга шариати исломийяни олиб келган зотнинг тафсиридир. Бунга ҳеч қандай одам, бошқача маъно айтишликка, модомики, имонни даъво қилса, ҳаққи йўқ! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шундай золимлардан қилиб қўймасин!

Биз ҳар куни, ҳар бир намозимизни, ҳар бир ракъатида, сураи фотиҳани ўқиймиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан тўғри йўлга йўллашлигини сўраймиз. Ғазабга дучор бўлган ва адашган одамлар йўлига кириб қолишлиқдан, паноҳ сўраймиз. Баъзи уламолар Ғазабга дучор бўлган кишилар, илм ўқиб, амал қилмаган кишилар, дейишган. Илм ўқиб, амал қилмаган кишиларни, Аллоҳнинг, ғазабга дучор бўлган кишилар, дейишган. Мана шу оятни тафсирида. Адашган кишиларни, жоҳил обидлар, дейишган. Ибодат қилаверади. Лекин, жоҳил, шариатга мувофиқми йўқми, иши йўқ. Мана шу, адашган одамлар аз-золинни тафсиридир.

Биз хоҳ, билиб, хоҳ, билмасдан, ҳар бир ракатда, Илм ўқиб, амал қилмайдиганлардан қилмагил деб, сўраймиз. Биз, ҳар бир ракатда, жоҳил обидлардан қилиб қўймагил деб, Мадад сўраймиз. Ким, бир илм барпо бўлсаю, Унга амал қилмаса, мана бу оят таҳтига дохил бўлиб қолиш, эҳтимоли бор, биродарлар. Жоҳил обид бўлса, шариат нима деганини билмайди. Хоҳлаган амалини, ибодат деб, қилаверади.

Мана ҳозирги вақтда, ширк амалини қилаётганлар, биздан кўра кўпроқ йиғлаб, ибодат қилаяпман, дейди. Назрларини Аллоҳдан бошқага қилаётганда, улар жуда ихлос билан қилишади. Ихлос билан, мушрик бўлишади.

Аллоҳдан бошқа номига қасам ичаётганлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, туширган йўлга, йўлга, бошқа йўллар тенг бўлиши мумкин, деб, балки, ундан афзал деб, билаётган кишилар, ва унга ихлос қўяётган кишилар, Ихлос билан мушрик бўлишяпди, деб, билмоғимиз керак!

Ибодат қабул бўлишлигининг, иккита шарти бор.

Биринчиси, ибодат Аллоҳ учун бўлмоқлиги керак! Яъни, Аллоҳнинг ризоси учун, қилинган бўлмоқлиги керак! Биз фақат, ибодат қилишга маъмур бўлганмасмиз. Биз ибодатни, фақат Аллоҳгагина, қилишга маъмур бўлганмиз.

وَمَا أَمْرًا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ خُنَفَاءَ

Байина сураси 5 оят

Иккинчиси, ибодатимиз китобу суннатга, мувофиқ бўлмоқлиги керак. Ибодат деб, эътибор қилинган амалларнинг катталари ҳам, Аллоҳнинг ризоси мақсад қилинмагани учун, жаҳаннамга ўтин бўлиб, улоқтирилганлигини, мана, дарсларимизнинг аввалида келтирганмиз.

Бу дарсимизда зулмнинг ҳаромлиги ҳақида, дарс қиламиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Золимларни албатта, ҳалок қилишлигини хабарини берди.

فَأَوْحَىٰ إِلَيْهِمْ رَبُّهُمْ لَنُهْلِكَنَّ الظَّالِمِينَ
وَلَنُسَكِّنَنَّكُمْ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِهِمْ

Иброҳим сураси 13,14 оят

Золимларни албатта, ҳалок қиламан, деди. (иккинчи оятни мазмунини бу ерда айтмасдан ўтилади) баъзи, кишиларнинг ҳаёлига келиши мумкинки, шунча золимлар маза қилиб яшашяпдику деб?! Золимларнинг хароб бўлиши, биродарлар, унинг муқобаласига, Ҳақ жамоа вужудга келгандагина бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳукмларини ижро қилувчи, мусулмон жамоа вужудга келгандагина бўлади. Шунинг учун Ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

فَأَوْحَىٰ إِلَيْهِمْ رَبُّهُمْ لَنُهْلِكَنَّ الظَّالِمِينَ
وَلَنُسَكِّنَنَّكُمْ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِهِمْ

Иброҳим сураси 13,14 оят

Золимларнинг ҳалок бўлишида шак шубҳа йўқ! Лекин, унинг муқобаласида,

وَلَنُسَكِّنَنَّكُمْ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِهِمْ

Иброҳим сураси 14 оят

деган, мухотаб бўлмоқликка лойиқ, ҳақ жамоа бўлмоқлиги керак!

(Изоҳ: баъзида, зулмнинг муқобилида Ҳақ жамоа, вужудга келмаслиги ҳам мумкин. У ҳолда, золимлар зулмини қилиб, мазлумлар зулм кўриб, ўтиб кетаверадилар. Аммо, қиёматда, албатта, бу золимлар ҳисоб китоб қилинадилар, лойиқ жазоларини оладилар. Аммо, баъзида, золимлар, муқобилидаги ҳақ жамоа, ғалабага эришиб, золимлар шу дунёда ҳам жазосини олишлари мумкин?! Инсоният тарихида, бу иккаласига ҳам, мисоллар барча халқларда ва барча асрларда доимо бўлган ва бугун ҳам, кўплаб мисоллар бор.)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло зулмни, ҳамма турини ҳаром қилди. Зулмнинг энг каттаси ширқдир!

وَإِذْ قَالَ لُقْمَنُ لَابْنِهِ - وَهُوَ يَعِظُهُ يَبْنَىٰ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ - إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ
Луқмон сураси 13 оят

Имоми Бухорий катта зулм ва кичик зулм деган, боб очиб, катта зулмга, шу оятни келтирган. Яъни, катта зулм борки, бу зулм ширк. Ширк келтирган одам, золимларнинг энг каттасидир. Зулмнинг таърифи, бир нарсани, ўз ўрнидан бошқа жойга қўйишлиқдир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ибодатни фақат Ўзига қилишликка буюрди. Бу золим, яъни мушрик, ибодатни Аллоҳдан бошқага қилди. Шунинг учун, зулмнинг энг каттаси бу. Ҳадиси қудсийда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан ривоят қиладилар:

عن أبي ذر الغفاري - رضي الله عنه - عن النبي - صلى الله عليه وسلم - فيما يرويه عن ربه عز وجل أنه قال : (يا عبادي إني حرمت الظلم على نفسي وجعلته بينكم محرماً فلا تظالموا ، يا عبادي ، كلّم ضال إلا من هديته ، فاستهدوني أهدكم ، يا عبادي كلّم جانع إلا من أطعمته ، فاستطعموني أطعمكم ، يا عبادي كلّم عار إلا من كسوته ، فاستكسوني أكسكم ، يا عبادي ، إنكم تخطئون بالليل والنهار ، وأنا أغفر الذنوب جميعاً ، فاستغفروني أغفر لكم ، يا عبادي ، إنكم لن تبلغوا ضري فتضروني ، ولن تبلغوا نفعي فتنفعوني ، يا عبادي ، لو أن أولكم وآخركم وإنسكم وجنكم كانوا على أتقى قلب رجل واحد منكم ما زاد ذلك في ملكي شيئاً ، يا عبادي لو أن أولكم وآخركم وإنسكم وجنكم كانوا على أفجر قلب رجل واحد ما نقص ذلك من ملكي شيئاً ، يا عبادي لو أن أولكم وآخركم وإنسكم وجنكم قاموا في صعيد واحد فسألوني فأعطيت كل إنسان مسألتة ما نقص ذلك مما عندي إلا كما ينقص المخيط إذا أدخل البحر ، يا عبادي إنما هي أعمالكم أحصيها لكم ثم أوفيكم إياها ، فمن وجد خيراً فليحمد الله ، ومن وجد غير ذلك فلا يلومن إلا نفسه) أخرجه مسلم في صحيحه

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтадики, Эй бандаларим, Мен зулмни, Ўзимга ҳаром қилдим, дейди.

وَمَا رَبُّكَ بِظَلَمٍ لِلْعَبِيدِ
Фуссилат сураси 46 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳеч зулм қилувчи эмас.

Мен зулмни, Ўзимга ҳаром қилдим, дейди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Ва зулмни сизларнинг ўртангизда ҳам, ҳаром қилдим. Бир бирларингларга, зулм қилманглар, дейди.

ن جابر - رضي الله عنه - أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: ((اتَّقُوا الظُّلْمَ؛ فَإِنَّ الظُّلْمَ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَاتَّقُوا الشُّحَّ؛ فَإِنَّ الشُّحَّ أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ؛ حَمَلَهُمْ عَلَى أَنْ سَفَكُوا دِمَاءَهُمْ، وَاسْتَحَلُّوا مَحَارِمَهُمْ؛ رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Зулмдан сақланинглар. Зулм, қиёмат кундаги зулумотлардир. Молга бахилликни арабларда, бахиллик дейилади. Шўхх деб, ҳам молга ва ҳам бирон бир, фазилатга бахиллик қилганга айтилади. Бир киши илми бўлсаю, бировга ўргатмаса, буни шаҳиҳ дейди, араб тилида. Шўххдан сақланинглар! Умумий бахилликдан сақланинглар, дедилар.

Яъни, хоҳ молга бўлсин, хоҳ, бирон бир, фазилатга бўлсин, бахиллик сақланинглар, дедилар. Чунки, бу шўхх, сизлардан илгариги одамларни, ҳалок қилган. Уларни қонлар тўкишга ва ҳаром нарсаларни ҳалол санашликка, мажбур қилган. Ҳақиқатдан ҳам, кўп ҳаромларни, ҳалол санаб, бир бирларига зулмлар қилишликка, сабаб бўладиган нарса, мана шу умумий бахилликдир.

وعن أبي موسى قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنَّ اللَّهَ لِيَمْلِكُ لِلظَّالِمِ فَإِذَا أَخَذَهُ لَمْ يُفْلِتْهُ، ثُمَّ قَرَأَ: وَكَذَلِكَ أَخَذَ رَبُّكَ إِذَا أَخَذَ الْقُرَىٰ وَهِيَ ظَالِمَةٌ إِنَّ أَخَذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ [هود:102] مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло золимни қўйиб бераверади. Ушлаганида, у золим қочиб қутулолмайди.

الَّذِينَ ءَامَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ أُولَٰئِكَ لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُهْتَدُونَ
Анъом сураси 82 оят

Имон келтирган ва имонларини зулмга алмаштирмаган кишилар, булар ҳақиқий ҳидоят топган ва хотиржамлик насиб бўлган кишилардир, деган оят, нозил бўлганда, асҳоби киром ташвишга тушдилар.

فَقَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ: فَأَيْنَا لَا يَظْلَمُ نَفْسَهُ؟

Айтишдики, Ё Расулulloҳ, қайси биримиз имонини зулмга булғамаганмиз? дейишди. Агар, ҳақиқий ҳидоят топган ва хотиржамлик насиб бўлган кишилар, шулар бўлса, бизни ҳолимиз нима бўлар экан? деб, ташвиш қилганларида,

فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - : " لَيْسَ كَمَا تَظُنُّونَ ، إِنَّمَا قَالَ [لِقْمَان] لِابْنِهِ : (يَا بَنِي لَا تَشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ)

Бу сизлар ўйлаган нарсамас, дедилар. Ва эшитмаганмисизлар, Луқмон ўғлига нима деди? Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма! Албатта, ширк энг катта зулмдир! оятини ўқидилар.

Яъни, Имон келтирган ва имонларини зулмга алмаштирмаган кишилар, булар ҳақиқий ҳидоят топган ва хотиржамлик насиб бўлган кишилардир, деган, маънони билдиради.

أَتَذَرُونَ مَا الْمُفْلِسُ؟ قَالُوا: الْمُفْلِسُ فِينَا مَنْ لَا دِرْهَمَ لَهُ وَلَا مَتَاعَ، فَقَالَ: إِنَّ الْمُفْلِسَ مِنْ أُمَّتِي يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِصَلَاةٍ، وَصِيَامٍ، وَزَكَاةٍ، وَيَأْتِي قَدْ شَتَمَ هَذَا، وَقَذَفَ هَذَا، وَأَكَلَ مَالَ هَذَا، وَسَفَكَ دَمَ هَذَا، وَضَرَبَ هَذَا، فَيُعْطَى هَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ، وَهَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ، فَإِنْ فَنِيَتْ حَسَنَاتُهُ قَبْلَ أَنْ يُقْضَى مَا عَلَيْهِ أَخَذَ مِنْ خَطَايَاهُمْ فَطَرَحَتْ عَلَيْهِ، ثُمَّ طُرِحَ فِي النَّارِ.

المصدر : صحيح مسلم

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, асҳобларига айтадиларки: муфлис кимлигини биласизларми? Асҳоблар, муфлис деб, биз бирон бир дирҳами қолмаган кишини айтамиз, дейишди. Муфлиснинг маъноси шуки, бир киши, ҳаётини бировлардан пул сўраб, ўтказиб юраверади. Бировдан пул оладида, уни ишлатиб, у одам сўраб келганда, бошқадан қарз олиб, унга беради. Яна бировдан қарз олиб, ҳаётини ўтказиб юраверади. У сўраб келганда, яна бошқасидан олиб, қарзини узади. Хуллас, шу шаҳарни кўпчилигидан қарз бўлиб қолади.

Охири бориб, бу сир очилганидан кейин, Қозига боришади, қарз берганлар. Шунда, унинг моли мулкини мусодара қилиб, қарз берганларга бўлиб беради. Ва эълон қиладики, бу одам муфлис. Яъни, ифлос одам бу! Энди бунга қарз бермасликни айтиб, эълон қилинади. Бу одамни мутлақо, муомалотларда, четга чиқариб қўйилади. Бу эълондан кейин, ким қарз берса, қози ўртага тушмайди. Шу маънони айтишди, саҳобалар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: бу ҳам муфлису, бу ҳаётдаги муфлис. Умматимнинг муфлиси, қиёмат кунига намоз ўқиган ҳолда келади. Яъни, бенамоз одаммас. Рўза тутган ва закотни берган. Биродарлар, биз анча салоҳийятли одам деб, гумон қилиб юрган одам бу. Намоз, рўза, закот фарзларини адо қилган.

Аммо, бировларга зулм қилган ҳолатда келган. Баъзиларга тили билан, зулм қилган. Баъзи аёллар шаънига, бўҳтон тошини отган. Баъзиларини молини олган ва баъзиларини жисмига зулм қилиб, Қонини тўккан. Баъзиларини қўли билан, урган. Хуллас, зулмнинг ҳамма турини қилган. Биттасига бунинг ҳасанотларидан олиб берилади. Бошқасига ҳам, ҳасанотларидан олиб берилади. Худди, молу мулкини, мусодара қилгандек.

Яъни, бу Намоз, рўза, закот фарзларини, қабул бўладиган даражада, адо қилган. Худди, дунёда молу мулкани мусодара қилингандек, унинг савоблари мусодара қилинади. Агар ҳақни ўташидан илгари, бунинг ҳасанотлари тугаб қолса, уларнинг хатоларидан, бунга юкланади. Ва ўзини оловга улоқтирилади. Зулмнинг ҳамма тури ёмон эканлигини, мана бу ҳадисдан, билиб қўйишимиз керак! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, инсонларгамас, ҳайвонларга қилинган зулмнинг ҳам, оқибати, жаҳаннам эканлигини хабар бердилар.

دَخَلَتْ امْرَأَةٌ النَّارَ فِي هَرَّةٍ رَبَطَتْهَا، فَلَمْ تُطْعَمْهَا، وَلَمْ تَدَعْهَا تَأْكُلْ مِنْ خَشَاشِ الْأَرْضِ -
الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Аёл киши жаҳаннамга, мушук сабаблик кирди, дедилар. Бу аёл мушукни қамаб қўйганди. У едирмадиям, ичирмадиям ва ердаги ҳашаротларни тутиб ейишликка, қўймадиям. Охири шу мушук ўлди. Шу мушукка зулм қилганлиги сабаблик, жаҳаннамга кирди, дедилар. Ҳайвонга қилган зулмни, уни ҳурриятини тортиб олиб, зулм қилгани учун, жаҳаннамга кирганини хабарини, бердилар. Мана бу нарсадан, биз хулоса чиқаришимиз керак. Мусулмонликни даъво қилмаган кишиларга, бу гап таъсир қилмайди. Бизнинг яқин тарихимизда, ҳозирги вақтда ҳам, Ислом йўлида, хизмат қилган кишиларни қамаётган кишилар, агар бир аёл киши, мушукни қамаб қўйиб, жаҳаннамга кирган бўлса,.....?!

Инсоникни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мукаррам махлуқ қилиб, яратган эди.

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ
Аъроф сураси 70 оят.

Одам боласини мукаррам қилдим, деябди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Мутлақ, ҳаммасини мукаррам қилди. Мана шу, мукаррам қилинган махлуқни, бўлиб ҳам, ислом йўлида юрган, Исломни қандай қилсам, ҳаётимда, татбиқ қилар эканман, Исломни қандай қилсам, бирога билдирар эканман, деб, турган кишини, ҳибс қилган одам, жаҳаннамга ўтин бўлишлигида, шак шубҳа йўқдир! Мана бу нарсани, билиб қўймоғимиз керак! Мўмин одамлар ўзининг фарзандига, шундай инсон зотига зулм қиладиган ўринда, маош топиб, иш қилмасликни васият қилиб кетмоқлиги керак! Зулм, қиёмат кунидаги, зулумотдир. Ким шу зулмда шарик бўлса, билсинки, шу қоронғуликда, бирга бўлади. Қиёмат қоронғулиги, бу биз билган қоронғуликлармас, биродарлар!

Фуқоҳоларнинг бир масъаласини, шу ўринда келтириб ўтаман. Исломда тўнғиз гўшти, қатъан ҳаромдир. Маст қилувчи ичимликлар, ҳаромдир. Ўзи ўлиб қолган ҳайвон гўшти, ҳаромдир. Аллоҳнинг номидан бошқа ном билан, айтиб сўйилган ҳайвонлар ҳам ҳаромдир. Бутни номига айтганми бошқами? Лекин, МУЗТАР, мажбур бўлган одам, ҳаддидан ошмасдан, ўлмагудек микдорда, қарасаки, шу ҳаром қилинган нарсалардан бошқа нарса йўқ. Емаса, очликдан ўлади. Шу вақтда ейишликка, шаръийяти исломийя, рухсат берган.

فَمَنْ اضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ
Бақара сураси 173 оят

Мабодо, бир золим, зулм қилишга қудрати етади. Айтсаки, шу ҳаром қилинган нарсани емасанг, ўлдираман деди. Ҳақиқатдан ҳам, ўлдиришга қодир! Шу вақтда, шу ҳаром нарсани ейишга, шариат буюради. Еб, ҳаётини сақлаб қолсин! Мана шу нарсани емасдан, ўлиб кетса, гуноҳкор бўлади. Еб, ҳаётини сақлаб қолсин! Чунки, бу ерда, бировга зарар йўқ, биродарлар. Энди шу масъала, бир золим, ўлдиришга қодир! Шу одам айтсаки, бир мўмин кишини молини, ёндириб юборасан ёинки, молини талон тарож қиласан, ёинки, унинг зарарига, бир сўз айтасанки, шу билан у маҳбус бўлиб, йўқ бўлиб кетади.

Хуллас, мўмин одамни зарарига, бирор сўзни айтмасанг ёки, бирор амални қилмасанг, сени қатл қиламан, деди. Ҳақиқатда, ўлдиришга қодир! Шунда, агар ўзини ҳаётини сақлаб қолишлик учун, ё молига ўт қўйсин, ё унинг зарарига, бир гап айтсин, хуллас, зарар етказса, шу билан ўзини ҳаётини сақлаб қолса, қаттиқ гуноҳкор бўлиб кетади! Аммо, шу ерда, мен буни қилмайман. Аллоҳу таоло зулмни, Ўзининг Зотиға ҳаром қилган. Мўминлар ўртасида ҳам, ҳаром қилган. Мен буни қилсам, Аллоҳнинг олдида нима деб, жавоб бераман деб, қилмаса, золим уни ўлдириб юборса, шаҳид бўлади, биродарлар! Биз, бир одамга зулм қилишлик билан, тўнғиз гўшти ейишни ўртасидаги, фарқни билмоқлигимиз керак!

Энди, ҳали уни мажбур қилинмасдан туриб, мўмин одамга зарар етказишга ишқивоз бўлса, ҳоли қандай бўлади?! Уни ҳам қўйинг! Энди бунга, маълум бир маош олиб, туриб шу ишни қиладиган бўлса, унинг аҳволи нима бўлишлигини, мана бу масъаладан таққослаб, билиб олаверасиз! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ислом шариатида, зулм каби, қаттиқ маън қилган нарсаси йўқдир! Бу зулмнинг аввали ширк. Охири, мана кичкина зулмларгача боради. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, зулмдан сақласин!

Яна дарсимизни аввалига қайтамыз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, золим деяпти. Расул саллоллоҳу алайҳи васаллам, буюрган суннатларни қўйиб туриб, бошқанинг йўлини тутиб кетган одамни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло золим, деяпти. Ва унинг қиёматдаги ачинарлик, надомат қилган ҳолатини, бизга баён қиляпти.

Ҳорисат ибн Нуъмон фазилатлари

Ҳорисат ибн Нуъмон разияллоҳу анҳу фазилатларидан, бу киши қуръоннинг тиловатига моҳирликлари билан, машҳурдир. Ва яна бу киши, оналарига содиқ фарзанд бўлганликлари билан машҳурдир.

دخلت الجنة فسمعت فيها قرأاً فقلت من هذا قالوا حارثة بن النعمان كذلك البر كذلك البر وكان أبر الناس بأمه خلاصة حكم المحدث : قوله وكان أبر الناس بأمه من كلام النبي صلى الله عليه وسلم وليس بمدرج في الحديث

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Ухлаб тушимда ўзимни жаннатда кўрдим, ва у ерда қуръон товушини эшитдим. Бу ким деб сўрасам, Ҳорисат ибн Нуъмон дейишди. Кейин, кўп яхшиликлар қилишлик оқибати, шундай бўлади. Кўп яхшиликлар қилишлик оқибати, шундай бўлади, дедилар. Ҳорисат ибн Нуъмон оналарига содиқ фарзанд эдилар. Ҳорисат ибн Нуъмон Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, ҳамма ғазотда, бирга бўлганлар. Жибрил алайҳиссаломга салом берганлар ва Жибрил алайҳиссалом, бу кишига жавоб қайтарган, зотлардандир.

Ҳунайн ғазотида, жуда кўп саҳобалар чекиниб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам атрофида, бармоқ билан саналадиган кишилар қолишди. Шу атрофида қолган кишилардан биттаси, Ҳорисат ибн Нуъмон, разияллоҳу анҳудир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан қўшни турганлар. У киши турмуш қилганларида, уйини бўшатиб, ўзига бошқа уй қилиб олганлар. Яна турмуш қилганларида, яна уйини бўшатиб бериб, ўзига бошқа уй қилиб олганлар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтганларки: Ҳорисат ибн Нуъмондан уялиб қолдим, уйини менга бераверишидан, деган эканлар.

مَرَرْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَعَهُ جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ جَالِسًا فِي الْمَقَاعِدِ ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ ، ثُمَّ أَجَزْتُ ، فَلَمَّا انصَرَفْتُ وَرَجَعْتُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، قَالَ لِي : هَلْ رَأَيْتَ الَّذِي كَانَ مَعِيَ ؟ قُلْتُ : نَعَمْ ، قَالَ : فَإِنَّهُ جَبْرِيلُ ، وَقَدْ رَدَّ عَلَيْكَ السَّلَامَ
خلاصة حكم المحدث : إسناده صحيح

Мен дейдилар, Ҳорисат ибн Нуъмон разияллоҳу анҳу, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан ўтдим. Шунда, Жибрил алайҳиссалом ҳам ўтирган экан. Мен салом бериб, ўтиб кетиб, қайтиб келсам, менга айтадиларки: мен билан ўтирган одамни кўрдингизми? дедилар. Ҳа, дедим. Бу Жибрил эди. Сизга жавоб қайтарди, дедилар.

Суҳайб разияллоҳу анҳу фазилатлари

Суҳайб разияллоҳу анҳу Рум вилоятидан бўладилар. (араб бўлмаган) Суҳайб разияллоҳу анҳу фазилатларидан, у киши Маккада турганида, давлатманд бўлганлар. Ҳижратга маъмур бўлганларидан кейин, ҳижрат қиламан десалар, Қурайш кофирлари у кишига, ҳамма жоҳилият даврида айтиладиган, сўзни айтишди. Сен бу ерга камбағал бўлиб келгансан. Энди бу ерга келиб, мол топдинг. Давлат топдинг. Энди чиқиб кетганингда, худди келганингдек, молу давлатни ташлаб, чиқиб кетасан, дейишди. Бир киши бир маҳаллага кўчиб борадиган бўлса, албатта, жой қилади. Яланга яшамайди, ҳеч қачон. Қодир бўлса, бир сайёра (машина) олади. Ўртада, бирор бир хусумат бўлиб қолса, сен бу ерга келганингда, ҳеч нарсанг йўқ эди. Сен келганингдан кейин, молу давлат топдинг, дейишади. Худди, бошқа ерга борса, молу давлат топмайдигандек.

Ҳамма одамлар, туғилганда, ҳеч нарсасиз туғилган. Унда айтиши керакки, сен туғилганингда, сенда бу либос ҳам, йўқ эди. Буни айтмайди ҳеч ким. Чунки, буни айтса, ҳамма бир бирига шунақа деб, айтиши мумкин бўлиб қолади, деб айтмайди. Суҳайб разияллоҳу анҳу Рум вилоятидан келгандилар. Ислонни қабул қилгандилар. Ҳижрат қиладиган бўлсам, молимни ташлаб кетишим шартми? дедилар. Ҳа, дейишди. Ҳамма молини ташлаб кетдилар. Бу хабарни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга Жибрил алайҳиссалом етказган эди. Мадинага кириб келишлари билан, робиха Суҳайб, робиха Суҳайб, деб, кутиб олдилар. Суҳайб фойда қилди, Суҳайб фойда қилди, деб кутиб олдилар. Нимага бундай деяётганларини сўрашганда, шуни айтдилар. Суҳайб ҳамма молу давлатини, Қурайш кофирларига бериб, ўзи Аллоҳ ва Расулини ихтиёр қилиб келди, дедилар.

Зайд ибн Ҳориса ва Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳумо фазилатлари

Зайд ибн Ҳориса разияллоҳу анҳу, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, яхши кўрадиган ва ўзлари тарбия қилган, саҳоба эдилар. (У кишининг ходими ва кейин тутинган ўғли бўлган эди) Зайд ибн Ҳориса борадиган ҳамма сарияларга, (кичик кўшинларга) у кишини, амир қилиб юборганлар. Муъта ғазотига ҳам, амир бўлган уч кишидан бири бўлганлар. Шу кишининг фарзандлари, Усома ибн Зайд бўлади. Қуръони каримда номлари абадий, зикр қилиниб қолган зот ҳам, Зайд ибн Ҳорисадир.

لا ينبغي لأحد أن يُبغِضَ أسامة بعدما سمعتُ رسولَ الله صَلَّى الله عليه وسلم يقول: من كان يحبَّ الله ورسوله فليحبَّ أسامة - 80
الراوي : عائشة أم المؤمنين
خلاصة حكم المحدث : صحيح غريب

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Биров учун мумкинмас, Усома ибн Зайдни ёмон кўришлиги. Мен Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман, Ким Аллоҳ ва Расулини яхши кўрса, Усомани яхши кўрсин! деганлар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, вафот топишларидан илгари, Усома ибн Зайдни, дадалари шаҳид бўлган рум Вилоятига кетаётган Лашкарга, амир қилиб қўйдилар. Шу вақтда, Усома ўн етти яшар, бола эдилар. Кўп кишилар Усомани ёшлик қилади деб, гапирганларида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, буни рад қилдилар.

Усома ўн етти яшар бола, Рум вилоятига кетаётган, ичида Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Холид ибн Валиддек, маҳоратли кишилар ва бошқа улуғ саҳобалар бўлган лашкарга, бош қўмондон қилиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тарафидан тайинланган кишидир, Усома ибн Зайд. Бу лашкар жўнамасдан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам вафот қилдилар. Абу Бакр Сиддиқ Халифа бўлгач, биринчи ишлари, Усома ибн Зайдни, лашкарини жўнатишлик бўлди.

Шунда, баъзи кишилар, ҳатто, Умар ибн Хаттоб ҳам, Усома ибн Зайдни, ёшлиги ҳақида гапирганда, Абу Бакр Сиддиқ, ғазабланиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тайинлаган кишини, бекор қилишни, мендан талаб қилаяпсанми? Итлар мени талаб тугатса ҳам, бекор қилмайман, дедилар. Ҳубб ибнул Ҳубб, суюклининг ўғли суюклик, деб лақабланардилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Усома ибн Зайдни ҳам ва бу кишининг дадалари, Зайд ибн Ҳорисани ҳам, яхши кўрардилар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, Хилофати даврларида, ўғли Абдуллоҳ ибн Умарга ва Усома ибн Зайдга маош тайин қилганларида, Усомага кўп тайинлаган эканлар.

Абдуллоҳ ибн Умар сабабини сўраганда, Эй Абдуллоҳ ўғлим, бу кишининг дадаси, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, сенинг дадангдан кўра, суюмлироқ эди. Ўзи ҳам сендан кўра, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, сендан кўра суюмлироқ эди. Мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатини, ўзимни муҳаббатимдан ортиқ кўрганим учун, маошини ортиқ қилиб қўйдим, деган эканлар. Мана шундай улуғ саҳобалардан бўлган, бу кишилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсларимизни давомли қилсин! Ва шу дарсларимизга амал қилишликка Аллоҳ ҳаммамизга, тавфиқ берсин! Саҳобаларнинг фазилатини ўқияпмиз, бизга ҳам уларга эргашишликка, Аллоҳ тавфиқ берсин! Илмимизга амал қилишликка, Аллоҳ тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жаҳондаги, ҳамма мусулмонларга нажот берсин! Хусусан мустазафинларга нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Исломга зарар етказаётганларга, Аллоҳу таоло кифоя қилсин!

اللهم عليك بأعدائك أعداء الدين

Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ
صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ
Фотиҳа сураси 6,7 оятлар

.....

36 дарс тугади

37 Дарс

Исломий оила

(Бу дарс аавалида, Муҳаммад алайҳиссалом йўлидан юрмаган кишилар оқибати, зикр қилинади ва кейин, зулмлар турлари келтирилади. Зулмнинг каттаси ширк экани ва бошқа, зулмлар ҳам, оқибати ёмонлиги, ояту ҳадислардан мисоллар билан, уқтирилади. Бу дарсдаги асосий нуқта, ҳукми Аллоҳнинг ҳаққи эканлигини ва бунда, Унга шарик келтиришлик, ҳам ширк эканлигини англатишликдир. Дарс охирида, Исломий оилага тааллуқли ҳукмлар баён этилади. Дарсдан кейин, бахтли одамлар кимлиги ҳақида, саволга жавоблар берилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا ضَلِيلَ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аҳли жаннат амалларининг асосийси, мана аввалги дарсларимизда айтаётганимиздек, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасига, шаҳодат беришлик. Мутлақ шаҳодат беришликни ўзига эмас, балки, тил билан шаҳодат бериб, қалб билан холис тасдиқламоқлигидир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ва ўтган пайғамбарлар ҳаммаси, шу калима билан, мабъус бўлишган. Яъни, Пайғамбар қилиб жўнатилинганлар. Рисолатнинг туб маъноси ҳам, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасининг шаҳодатидир. Ўтган пайғамбарлар ҳаммаси, шу калимани айтдилар.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ تَقْلِحُوا
رواه أحمد

Бу тавҳид, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, бандалар устидаги, бошқа ҳамма ҳақлардан устун турадиган, ҳаққидир. Бу тавҳид намоз, рўза, закот, булардан аввал турадиган фарздир. Бу тавҳид бўлмаса, агар банда, намоз ўқиган бўлсин, рўза тутган бўлсин, садақа қилган бўлсин, ҳаммаси ҳабата бўлади. Тавҳид сифати топилмаса, у жаҳаннам аҳлидан бўлишига, шак шубҳа йўқдир, биродарлар! Агар тавҳид сифати, топилса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳузурига тавҳид билан борса, у аҳли жаннатдандир, агарчи, тоғлар мисоли гуноҳи билан борса ҳам. Мана ҳадислар мазмуни, шуни кўрсатади.

Лекин, ҳамма одам ўзини аҳли тавҳид санаши, бу мусибатдир. Ҳатто, аҳли ширклар ҳам, ўзини, аҳли тавҳид санайди. Ибодат маъноларини, аввалги дарсларимизда, тушунтирдик. Тавҳид, бу рубубийят тавҳиди, холиқийят тавҳиди ва розиқийят тавҳиди, булар тавҳиднинг бир қисмидир. Яъни, коиноту ерни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган. Коиноту ерни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бошқаради. Ва коиноту ердаги мавжудотларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ризқ беради деб, эътиқод қилишлик, бу рубубийят, холиқийят, розиқийят сифатларида, Аллоҳни якка деб, билишликдир. Бу тавҳид билан мўмин кишилар, мушриклардан ажралмайди. Чунки, мушриклар ҳам, коиноту ерни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган. Коиноту ерни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бошқаради. Ва коиноту ердаги мавжудотларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ризқ беради, дейишган.

Ҳатто, улар кўриш ва эшитиш аъзоларини, Аллоҳгина яратади ва Аллоҳгина ўлдиради ва тирилтиради деб эътиқод қилишган. Ҳатто, Аллоҳга ибодат ҳам қилишган. Лекин, шу ибодатда, бошқа бир нарсани, шарик ҳам қилишган. Мана шу сифат билан, мушрик бўлишди. Шу сифат уларда топилганлиги учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам келишмадилар. Ва уларни Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, айтмаётган одамлар деб, эътибор қилинди. Мўминлар ва мушрикларни ажратиб турувчи, асосий тавҳид, бу ибодатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога хослаш ва хосламасликдир.

Агар ибодатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига хосланса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва бошқа пайғамбарлар олиб келган, тавҳид аҳлидан бўлишади. Агар ибодатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигагина қилишса, ибодатларни олдин, санаб ўтдик. Дуо қилиш ибодат,

قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ
Анъом сураси 162 оят

Сажда қилиш, қурбонлик қилиш, булар бари ибодат. Агар ибодатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигагина қилишса, ибодатларни Ўзигагина қилинган бўлади. Агар шу ибодатда бошқа бир нарсани, шарик ҳам қилишса, мушрик бўлишади. Масалан, дуони, бирор бир мазорга, ёинки, бирор бир дарахтга, тоққа сиғиниб, шу ердан мадад сўраб, шундай қилса, бу амал ширкдир, биродарлар. Бизнинг диёрлардаги мусибат ҳам, мана шудир. Ширк турларидандир мана, аввалги дарсларимизда ҳам, тўхтамасдан бунини айтганмиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло башарийят саодати учун, дастур жўнатди. Кимки, инсонлар тарафидан ўйлаб чиқилган дастурни, бу дастурга, баробар деса, бу ширкдир, биродарлар!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг қуръони ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари, бу ҳақиқатдан ҳам дастур, одамлар тарафидан ўйлаб чиққан дастур ҳам, бу дастурга тўғри келади, дейиш, ширкдир бу! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ибодат қилиб, бошқага ҳам қилишликдир. Бир киши ўзида, тавҳидул ибодани топмаса, яъни, ибодатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигагина қилиш, сифатини топмаса, ҳаётида ҳар қанча йиғлаб, ибодат қилган бўлсин, унинг аҳли жаҳаннам эканлигида, шак шубҳа йўқ, биродарлар! Бизнинг ҳаётимизни вужудга келиши ва Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизни яратишидан мақсад, Ўзигагина ибодат қилишлик учун, яратди.

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ
Зориёт сураси 56 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳар бир умматга пайғамбар жўнатди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигагина ибодат қилиб, тоғутдан четланишлар деб. Тоғут, ма убида мин дуниллоҳ, Аллоҳдан бошқа ибодат қилиб, сиғинилган ҳамма нарса, тоғутдир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган рисолатлатлари, мана шу тоғутни парчалашликдан, иборат бўлди. Тоғутни ҳамма турларини, парчаладилар. Одамлар ўзларича, манҳаж қуриб олган эдилар. Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси билан, мана бу тоғутни парчаладилар.

Якка Аллоҳга ибодат қилиш учун, қурилган Каъбаи Муаззамада, уч юз олтмишта, бут бор эди. Улар бу тошларга ибодат қиламиз, дейишмасди. Бу бутлар, улар тарихида ўтган, улуғ кишиларнинг, рамзи эди. Лот, Уззо, Манот, булар ҳаммаси, улуғ кишилар эди. Лот ҳожилар келган вақтда, талқонни ивитиб берадиган, бир киши эди. Шу одам ҳожиларни, очлик пайтида хизматида бўлганлиги учун, шу одамни суратини сақлаб қолиб, рамзини қилиб, кейинчалик, ибодат қилиб кетишган. Ҳозирги одамлар ҳам, бирор бир шаклни ясаб олган бўлса, булар тарихда ўтган, солиҳ кишилар рамзи. Ҳақиқатда ҳам, баъзилари солиҳ, ибодатли, кишилар бўлган.

Баъзи ажнабийларники, фосиқ бўлган бўлса ҳам. Булар, биз бу тошларга сиғинмаймиз дейди. Биз буларни эслаймиз, дейди. Мана шу эслашлик билан, ўзига хос анъаналар вужудга келган. Шу тошни атрофида, турли урф одатлар ташкил қилинган. Мана бу нарсалар, асосий ширкдир. Шунинг учун, ўтган солиҳ одамларни шаклини ясаб олишлик билан, унга ҳурмат кўрсатишликни, бу ширкмас, деб айтишликка, ҳаққимиз йўқдир! биродарлар.

Биз ҳар куни намозда...,

غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ
Фотиҳа сураси 7 оят

деб, дуо қиламиз. Мағзубин алайҳ ким?! Уламоларки, ширк нима, тавҳид нима, билишган. Куфр нима, Ислом нима, билишган. Шариат нимага буюради, буни билишган. Қайси нарсалардан қайтаради, буни билишган. Мана шу нарсаларни билиб, амал қилмаган кишилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан ғазабга дучор бўлган кишилардир. Шунақа олимлардан бўлиб қолмайлик деб, ҳар намозимизда паноҳ истаймиз. Аззоллиин бўлса, жоҳил обидлар. Илм йўқ. Лекин, йиғлайди. Нафл рўзалар тутди. Садақотлар қилади. Лекин, жоҳил. Жоҳиллик агар, қайси умматда вужудга келса, у уммат барбод бўлади, биродарлар!

Масалан, шариат илми уммат ўртасида вужудга келмаса, ҳаром нарсани фарқини қилмайди. Маҳрамлар ким. Номаҳрамлар ким, билмайди. Йиғлаб ўтирган соатида, гуноҳкор бўлиб ўтираверади. Шариат илми бўлмаса, одамлар қилаётган амалларини маъносини мутлақо билмайди. Ғайридинлар ўртасида вужудга келган баъзи бир, одатлар ҳам, мана шу Исломнинг таъсири остида, сақланиб қолган. Масалан, қаердан маҳрам ва номаҳрам тушунчаси, вужудга келди? Нима учун, одамлар никоҳланганда, синглисига никоҳланмайди?! Ёинки, нима учун, бошқа маҳрамларига никоҳланмайди? Буни, шариат маън қилганлиги учун, никоҳланишмайди! Исломни масхара қилаётганлар ҳам, никоҳланмайди. Нима учун?!

Мана шу, исломни маҳрамларга кўрсатган ҳурмати, таъсири остида бўлганлиги учун, шундай! Баъзи, ғайридинлар айтиши мумкинки, синглисига ҳурмат кўрсатганлиги учун, никоҳланилмайди. Ундай бўлса, нима учун, аммасининг қизига ҳурмат кўрсатмайди? Нима учун, холасининг қизига ҳурмат кўрсатмайди? Нима учун, амакисининг қизига, ҳурмат кўрсатмайди? Нима учун, тоғасининг қизига, ҳурмат кўрсатмайди? Демак, шариатнинг ҳукмига бўйсунмаслик, имондан чиқаришини, мана шу ҳукмлар, бизга кўрсатади.

Шариат фақат, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот беришни ўзига чекланмаганлигидан, ҳаётда, ўзига хос бир қонун борки, бу қонунга мусулмонлар, модомики, имонни даъво қилса, бўйсунишга мажбурдир! Ла илоҳа иллоллоҳ калимасининг маъноси, Аллоҳ юборган қонунга, дастурга амал қиламан, шу амал қилишлик билан, фақат, Аллоҳни Ўзигагина сиғинаман. Сиғиниладиган зот, ягона Аллоҳдир! (деган маънони билдиради)

Пайғамбарлар Аллоҳ тарафидан бўлган ваҳйни, олиб келишди. Улар ўзларини тарафидан, бирор бир, қонун чиқаришмадилар. Аллоҳ тарафидан бўлган қонунни, ижро қилишдилар халос. Халифалар ҳам, Аллоҳ тарафидан пайғамбарлар олиб келган қонунни, ижро қилувчи кишилардир.

Ер юзидаги халқлар, ҳаммаси тўпланган тақдирда ҳам, ер юзидаги, бирорта қонунни чиқаришга ҳаққи йўқдир! Ислом нуқтаи назаридан, модомики, имонни даъво қилса?!

Мабодо, бир одам, инсон тарафидан чиқарилган қонунни қабул қилса, бу Ла илоҳа иллоллоҳ калимасига зиддир! Сиғинилишликни, инсонга қилган бўлади. Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини қалбидан айтишлиги билан, жаннатга киради, агарчи тоғ каби, гуноҳлари бўлса ҳам.

عن النبي ﷺ أنه قال: يقول الله : لو أتيتني بقراب الأرض خطايا ثم لقيتني لا تشرك بي شيئاً لقيتكم بقرابها مغفرة

Эй инсон фарзанди, агар Менинг ҳузуримга. Ер қобиғи тўла, гуноҳ билан келсанг, менга ҳеч нарсани шарик қилмаган ҳолатда. Мен сенинг олдинга, ер қобиғи тўла мағфират билан рўбарў бўламан. Аммо, ширк билан келса, ҳамма ёғи ибодат билан келса, биз (ибодатни) одамлар истилоҳида айтамыз, ислом истилоҳидамас, у мутлақо ибодатмас, ислом истилоҳида, одамлар истилоҳидаги ибодат билан келса, ширк амали бўлган учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кечирмайди. Унинг аҳли жаҳаннам эканлигида, шак шубҳа йўқ! Исломни биз, шундай тушунмоқлигимиз керак! Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини қалбимиздан айтишлигимиз, мана бундай суратда, бўлиши керак! Ибодатнинг бошқа маъноларини, биз аввалги дарсларимизда айтганлигимиз билан, чекланамиз.

Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, бу урватул вусқо, мустаҳкам бир халқадир. Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, тақводир! Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, бу миллати Иброҳимдир! Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қиёматгача бўлган башарийятга, мана шу калимага, содиқ бўлиб қолишга буюрди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон ва жинни, шу калимага амал қилишлик учун, яратди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизни яратишликка, бошқа бирор ҳожати йўқ эди.

Шунинг учунгина, биз вужудга келдик. Бирор бир дунёда камчилик йўқ эдики, шуни башарийят тўлдириб қўйшлиги учун. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг Маъбуди Барҳақ эканлигини исботлаш учун, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасига амал қилишлик учун, инсон ва жин тоифасини яратди. Бу ибодатни самарасига, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, жаннатни ваъда қилди. Бу ибодатдан бош тортганларга, жаҳаннам хабарини берди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّى يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ

Раъд сураси 11 оят

ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ لَمْ يَكُ مُغَيِّرًا نِعْمَةً أَنْعَمَهَا عَلَى قَوْمٍ حَتَّى يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ وَأَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

Анфол сураси 53 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу икки оятда, одамлар ўзларидаги ҳолатни ўзлари ўзгартиришмаса, Аллоҳ уни ўзгартирмаслигини айтди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ

Деб, таъжирни Ўзига нисбат берганда, қавм калимасини, иккала оятда ҳам, истеъмом қилди. Яъни, ижтимоий аҳволни ўзгартириш, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ихтиёрида эканлигини билдирди.

حَتَّى يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ

ояти билан, тағйирни нисбатини инсонларга берганда, у ўзгартириладиган нарсани, шахсларга боғлади.

Яъни, инсонлар ўз шахсларидаги ҳолатни, ўзлари ислоҳ қилишмасалар, ҳар бир одам, шахсий ҳолатда, ўзини ўнглашмасалар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, уларнинг ижтимоий ҳолатини ўзгартирмайди, деди. Биз бунда, шахсий ҳолатни, ўзгартириш ихтиёри, ўзимизда эканлигини, билмоқлигимиз керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳар бир кишини, ўзини тарбиялаб, ўзгартириш ихтиёрини, ўзига берди. Агар бу ихтиёр бўлмаганда, тағйирнинг нисбати, инсонларга берилган бўлмасди. Демак, инсонлар ўзларини ўзгартирмоқликлари керак. Шахсий аҳволида, Ислом нимани буюрган бўлса, қилмоқликлари керак!

Оилавий аҳволида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, нимага буюрган бўлса, қилмоқликлари керак! Шуни қилишса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шахслардан ташкил топган ва оилалардан ташкил топган ижтимоий ҳолатни, ўзгантиради. Биринчи хулоса, шахсий ҳолатни, ўзгартириш ихтиёри, ўзимизда эканлигини билмоқлигимиз бўлса, иккинчи хулоса, ижтимоий ўзгартириш ихтиёрини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизга бермади. Ижтимоий ҳолатда, халқларни ҳаммасини улфат қилиш бўйича, ихтиёрни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизга бермади.

وَأَلْفَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ ۖ لَوْ أَنفَقْتَ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مَّا أَلْفَتْ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ وَلَئِنَّ اللَّهَ أَلْفَ بَيْنَهُمْ ۖ إِنَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

Анфол сураси 63 оят

Агар ер юзидаги нарсани сарф қилганингизда, ё Расулulloҳ, тамоми одамларни улфат қила олмасдингиз! Лекин, Аллоҳ улфат қилди, ислом билан. Ислом буюрган эди, ҳар бир киши ўзини ўзгартиришликка. Ўзини ўзгартириши билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, уларнинг ижтимоий ҳолатини, ўзгартирди. Шунинг учун, қайси бир йўл, ижтимоий ҳолатни, ўзгартириб олиб, шахсларни кейин тарбия қиламан деса, бу исломдан бошқа йўлни, даъво қилибди.

وَمَنْ يَتَّبِعْ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخُسْرَيْنِ

Оли Имрон 85 оят

Исломдан бошқа йўлни талаб қилган одамдан, кўриниши ҳар қанча чиройлик бўлса ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қабул қилмайди. Ҳатто,

وَمَنْ يَتَّبِعْ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخُسْرَيْنِ

иснодини Аллоҳу таоло, Ўзига нисбат беришликдан ҳам, тортинди. Яъни, Исломдан бошқа йўлни талаб қилган бўлса, Аллоҳ қабул қилмайди, демади. Қабул қилмаслик, рўбарўсига ҳам келмади. Ундан мутлақо, қабул қилинмайди, деди. Уни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қабул қилмайди, дейишга ҳам, нолойиқ бу! Мутлақо қабул қилинмайди. У мажҳул суратда қолаверади. Шунинг учун, биз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлини даъво қилар эканмиз, шахсий ҳолатимизни ўзгартиришга, ҳаракат қилмоғимиз лозимдир. Мисолини айтиб ўтганимиздек, яна тақдорлаймиз.

Бир подшоҳ сутдан ҳовуз қилмоқчи бўлибди. Аксар подшоҳлар, маишат касалига гирифтор бўлади. Шу сутдан бўлган бир ҳовуз ташкил қилиш учун, қўл остидагиларнинг ҳаммасига, бир косадан сут олиб келишга, амр қилади. Сут олиб келишлик учун, халқлар ҳаракатга тушди. Бир одам ўйладики, шунча одам сут олиб борса, мен сув олиб борсам, бу сув, шунча сутни ичида билинмайди, дедида, ҳар бир одам шундай ўйлади. Эрта билан подшоҳ қараса, сувдан бўлган ҳовуз, вужудга келиб турибди.

Бизда ҳам шундай фикр борки, мени ўнгламаслигим, бу жамиятга таъсир қилмайди. Агар бу одамлар ўнглаган бўлганда, мен шу заҳоти, ўнглаган бўлардим, деб, ҳамма шундай деб, эътиқод қилади. Мени ўнглаганлигим, бу жамиятга таъсир қилмайди дейдида, ҳамма шундай деб, жамият фасод бўлиб юраверади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ижтимоий ҳолатни, ўзгартиришликни, шахслар ўзларини ўзгартиришга мукофот қилиб беришликни ваъда қилаяпти. Ўзимизни ўнглашлик ҳақида, баъзи бир саволлар бўлганлиги сабаблик, шу тўғрисида қисқача қилиб, дарсимизни ўтказамиз.

Исломий оила

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, оилани жуда бир муътабар нарсаси, деб, эътибор қилди. Оила бу, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг китобида ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси муборақларида, жуда катта эътиборда турадиган, кичкина мамлакатчадир. Қуръони каримда кўп оятлар, оила низомини тасвирлашликка, бағишланган. Моддий фалсафа, оила ҳақида, мутлақо Исломга зид фикрдадир. Моддий фалсафа, оила ҳақида, оила бу одамни фикрини, мутлақо торайтириб қўяди деб, оила қуришликни хато деб, эълон қилган. Лекин, бу озгина, сиз билан биз, қўриб яшаган, буларнинг истилоҳидаги никоҳлар, никоҳга қаттиқ туришган албатта, лекин, бу ўзларинг истилоҳидаги, қоғозга боғланган никоҳлари, бу вақтинча деб, эътибор қилинган, биродарлар!

Моддий фалсафа, раҳбарларининг фикри, оила бу, одамни фикрини мутлақо торайтириб қўяди, деб, оила қуришликни хато деб, эълон қилишган. Ислом, оилани энг муътабар йўл, дейди. Оила бу жамият биносининг, биринчи ғишти ҳисобланади. Агар биринчи ғишт нотўғри қўйилса, кейин, бино ҳар қанча баланд бўлса ҳам, нотўғрилигича қолаверади. Шунинг учун, оиланинг, ўзига хос йўллари бор. Турмуш икки тарафнинг, муҳаббати асосида қурилади. Лекин, шунга қарамасдан, баъзи вақтларда, ажралиш вужудга келади. Турмуш қураётганда бу фикр бўлмайди. Ўртада фарзанд қолади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, фарзандга ота ва онадан кўра, меҳрибонроқ эканлигини кўрсатади.

وَالْوَلَدُ يَرْضَعْنَ أَوْلَدَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ طَلَمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَمَّ الرِّضَاعَةَ
Бақара сураси 233 оят

Фарзанд туғилди. Оила ажралишди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бу фарзандни, Ўзининг кафолатига олади.

وَالْوَلَدُ يَرْضَعْنَ أَوْلَدَهُنَّ
Бақара сураси 233 оят

Оналар ихтиёрликмас. Ўғилми, қизми, фарзандларини эмизади. Кўксидан сут беради.

حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ
Бақара сураси 233 оят

Икки йил тўла муддатда. Бу сут бериш муддатини комил қилишни мақсад қилган кишиларга. Икки йил тўла, мажбур, болага кўксидан сут беради. Ихтиёрликмас. Она икки йил кўксидан сут беришлиги, икки йилгача, рўзғор қилишликдан маҳрумлигига ҳам, далолат қилади.

Савол тушадики, болани вужудга келишига, ота ҳам сабаб эдику?! У ўзини маишатида юраверадими?!

وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ
Бақара сураси 233 оят

Отага Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло вазифа қилди, ўзига мувофиқ бўлган амални, Едириш ва кийдиришликни. Чунки, бу фарзандни вужудга келишида, у шарикдир. Она фарзандга қараётган бўлиб, отага едириш ва кийдириш вазифаси, юклангандан кейин,

لَا تُكَلِّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَا
Бақара сураси 233 оят

Икковига ҳам, тоқатидаги нарсани буюрди. Отага айтмадики, шу болага сут берасан, демади. Онага, шу болага овқат бериш учун, ишлайдиган қилиб қўймади. Аёлни, едириб, кийинтирасан деб, тоқатидан ташқари нарсага, буюрмади, Ислом. Тоқатидаги нарсага буюрди.

لَا تُضَارُّ وِلَدَةٌ بِوِلَدِهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَهُ بِوِلَدِهِ
Бақара сураси 233 оят

Шу суратда аёллар, отанинг болага меҳридан фойдаланиб туриб, кўп кийим кечак талаб қилиб, отани зарарлантирилмайди. Бунга кийдирсам ҳам, кийдирмасам ҳам, барибир боласига қарайдику деган фикр билан, ташлаб қўйиб, онани ҳам зарарлантирилмайди. Қуръони карим, қисқа оятларда, оиладаги низомни баён қилиб бераяпти. Қонун биродарлар, иттифоқлик пайтида, керак бўлмайди. Ўзаро иттифоқ оилани, келиб, бизни ҳаққимизни айтиб беринг. Бу мени ҳаққимни тортиб олаяпти, деганини эшитганмисиз?! Иттифоқлик муҳаббат давом этаётганда, бирор одам, қонунга эҳтиёжи тушмайди. Иттифоқлик билан кетаверади оила. Лекин, қонун, келишмовчилик вужудга келганда, керак бўлади.

وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ
Бақара сураси 233 оят

Энди ота вафот қилиб кетса, бу вазифа меросхўрларга тушади. Меросхўрлар, бу болани отаси бажарадиган вазифани бажариб юради. Ана ислом, оила ҳақида, жуда кўп нарсаларни риоя қилганлигидан, битта бир низомдир шу. Шу низомлардан биттаси, Ислом мўмин кишиларни, ажнабийя аёллардан кўзини юмишликка буюрди. Ва мўмина аёлларни, ажнабийя эркаклардан кўзни паст, қуйи қилишликка буюрди.

قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ذَلِكَ أَزْكَى لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ
Нур сураси 30 оят

Мўмин кишиларга айтинг, кўзларини қуйи қилишсин ва авратларини сақлашсин! Бу нарса улар учун, покizarоқдир.

وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ
Нур сураси 31 оят

Мўмина аёлларга айтинг, улар кўзларини қуйи қилишсин. Ва авратларини сақлашсин.

وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا
Нур сураси 31 оят

Зийнатларини, ошкор бўлганлари мустасно, бошқасини бекитсинлар. Ошкор бўлгани, бу қўлидаги узук ва қулоғидаги сирға ва баъзи халқларда, шу одат бўлар экан, оёқларига бир нарсалар тақиб юришар экан. Мана шулар, мустаснодир. Қўлини ишлатганлигидан. Узуги кўриниб қолса, буларни бекитиш имкони йўқлигидан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бунинг узрини баён қилаяпди.

وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Рўмолларини ёқаларига ташлашсин. Одатда, қўйлакка ёқа қилинмагани учун, ўзининг фитнага сабаб бўладиган жойларини кўрсатмаслик учун, бекитиб юришга, рўмол сабаб бўлади. Бу зийнатларни, махсус одамларга кўрсатиши мумкин деб, бизга маҳрамларни баён қилаяпди. Аллоҳ аёлларни табиатини, зийнатланадиган қилиб, яратди. Кераклик ўринларга зийнатланишликни, ибодат деб санади. Эр кишиларни аёли устида ва аёлни эри устида ҳаққи бор, деган оятни, тафсир қилиб, Абдуллоҳ ибн Аббос айтганларки,

أثر عن ابن عباس، فقد قال ابن عباس رضي الله عنهما: إني لأحب أن أتزين للمرأة، كما أحب أن تتزين لي؛ لأن الله تعالى يقول: {ولهن مثل الذي عليهن بالمعروف}

Мен аёлимга покиза кийиниб, рўбарў бўлишликни яхши кўраман. Уни ҳаққи борлиги учун. Худди, уни менга покиза кийиниб, Зийнатланиб, Кўринганини яхши кўрганимдек, деган эканлар.

ولهن مثل الذي عليهن بالمعروف

Бақара сураси 228 оят

Шу оятни ўқиб, шунга мисол қилган эканлар. Аёлларни Тақинчоқ ва зийнатларни яхши кўрадиган, табиат билан яратди. Ва кимларга бу зийнатларни кўрсатишликни ҳам баён қилди. Бошқа ажнабий халқлар ўйламасинки, Ислом аёллари зийнатланишликни билмайди, деб. Ислом аёллари, зийнатланишликни билади. Лекин, ҳалолга зийнатланади. Ҳаромга улар зийнатланишликни билмайди. Билишлик, уларнинг ахлоқидан бўлмаслиги керак! Ҳаромга зийнатланишлик, бошқа миллатлар одатидир.

Уларни кўрасизки, Ҳаромга зийнатланишликка моҳира, аммо, ҳалолга бўлса, эски бир чипта қопга ўрангандек, кўринишади. Лекин, минг афсуски, муслима аёлларга ҳам, ажнабий халқларнинг таъсири ўтган. Улар четга чиқаётганда, ҳамма зийнатлари билан зийнатланишади ва уйга келганда, бир хароб ҳолда юришади. Мана бу ажнабий халқларнинг бизга ўтган, кўп одатлари қаторида, ўтган битта одатидир. Қуръони карим, зийнатларни кимга, кўрсатиши ҳақида, айтади:

Биринчи:

وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Турмуш ўртоқларига кўрсатсин. Чунки, Турмуш ўртоқларига кўрсатиш, ҳаётининг муҳаббат билан, давом этишига сабаб бўлади. Ўзининг оиласини чиройли ҳолда кўришлик, унинг муҳаббатини зиёда қилишлик билан бирга, у ўзининг марҳаматини, оиласида кўриб қувонади.

أَوْ آبَائِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

ота оналарига, кўрсатиши мумкин.

Дадасига кўрсатсин. Чунки, ота ўзининг қизини , зийнат билан, яхши ҳолатда кўришлиги билан, унинг қалбида қувонч пайдо бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу покиза қувончни давом этишлигини хоҳлайди. (Шунга, уларга кўрсатишга рухсат берди)

أَوْ آبَاءِ بُغُولَتِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Турмуш ўртоғининг дадаларига, яъни, қайноталарига кўрсатсин. Ҳақиқатда, Ислумни тушунган қайнота, ўзининг келинини покиза юришлиги билан қувонади. Агар хароб ҳолда кўрса, ўзининг бепарво қилинапман деб, бир томондан хижолат бўлиб қолади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни яратган. Ва Ўзи яратган бандаларини, табиатини яхши билади. Албатта, қайнота, ўзининг келинини покиза юришлигини кўришлиги билан, хурсанд бўлади. Мустасно бўлган суратда, мабодо, фикри саҳиҳ бўлмаганлар, ёмон кўришлиги мумкин?

أَوْ أَبْنَاءِ بُغُولَتِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Аёллар ўзларининг фарзандларига зийнатларини кўрсатсин. Фарзандлари, ўзининг онасини зийнатланишини ва озода кўриниши билан, қувончи зиёда бўлади. Чунки, фарзанд ҳам, ота онасига, нафақа бериб турадиган кишидир. Ўзининг нафақасини ота онасида кўришлиги билан, қувонч пайдо бўлади.

أَوْ أَبْنَاءِ بُغُولَتِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Турмуш ўртоғининг фарзандларига, яъни, ўғай фарзандларига. Бир кишининг фарзандлари бўлса, кейин уйланган бўлса, аёл киши ўғай фарзандларига, ўзининг зийнатини кўрсатиши, худди, ўзининг фарзандидек, бу ҳам қувончга сабаб бўлади.

أَوْ إِخْوَانِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Ака укаларига. Ака ука ўзининг опаси ё, синглисини, яхши ҳолатда кўриши билан, қувонади.

أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Ёинки, ака укаларининг фарзандларига, Амма бўлган ҳолатдаги, жиянларига кўрсатиши мумкин. Буларга зийнатларини кўрсатишга Ислум рухсат беради. Буларда, Аммаларини яхши ҳолда кўришлиги билан, бузуқ фикр пайдо бўлмайди.

أَوْ بَنِي أَخَوَاتِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Ё, хола бўлган суратдаги жиянларига. Ўзининг опа синглисининг фарзандларига, зийнатларини кўрсатишга, Ислум рухсат беради.

أَوْ نِسَائِهِنَّ

Нур сураси 31 оят

Ва муслима аёлларга. Мушрика, Кофира, беҳаё аёлларга ўзининг зийнатларини кўрсатишга, Ислом маън қилади, биродарлар! Ўзининг аъзоларини кофира аёллар кўришлиги билан, бошқаларга уни сифатлашлиги билан, улар билан доим бирга юришлиги билан, ўзининг ахлоқан бузилишлигига сабаб бўлади, биродарлар!

Бу оятни тафсирида, баъзи муфассирлар айтишганки, фақат кофира ва мушрика аёллардангина эмас, балки, ўзини мусулмонман дейдиган, фоҳиша аёллардан ҳам, ўзини четга олишликка маъмурдир. Чунки, уларнинг ахлоқсизликлари, буларга ўтади.

أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ

Нур сураси 31 оят

Қўл остидаги хизматкор бўлиб турганларга. Агар аёл киши саййида бўлса, қўл остида қули бўлса, булардан зийнати бекитишлик хараж бўладида, булардан бекитмайди.

أَوِ التَّابِعِينَ غَيْرِ أُولِي الْإِزْبَةِ مِنَ الرِّجَالِ

Нур сураси 31 оят

Яъни, эр кишилиқ хусусияти йўқ бўлган яъни, эркаклик хусусияти йўқ бўлган ва уйда хизмат қилиб юрган кишилардан ҳам, четга олмасликка, Ислом рухсат беради.

أَوِ الطِّفْلِ الَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا عَلَى عَوْرَاتِ النِّسَاءِ

Нур сураси 31 оят

Камолот ёшига етмаган, гўдак болалардан ҳам, зийнатларини бекитмасликка, Ислом рухсат беради.

وَلَا يَضْرِبْنَ بِأَرْجُلِهِنَّ لِيُعْلَمَ مَا يُخْفِينَ مِنْ زِينَتِهِنَّ وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَ الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

Нур сураси 31 оят

Мана бу ўринда, биз жавобни умумий қилиб, бераяпмиз, бизга савол бўлгани учун. Амаки ва тоғалар ҳаммаси маҳрам, биродарлар! Лекин, куёвининг амаки ва тоғалари ва ака укалари ва куёвининг жиянлари, булар маҳраммас, биродарлар! Буларга ўзининг зийнатларини кўрсатишни, Ислом маън қилади, биродарлар! Бу зийнатларини бекитишлик, уларга беҳурматликмас, биродарлар! Бизнинг давримизда, эркак киши келса, аёл киши кутиб олмаслиги, беҳурматлик деган, фалсафада, ўсиб қолганимиз учун, шу таъсир остида, маҳаллалар аёлларга, маҳрам бўлиб кетаверган. Ҳа, бу ўзимизнинг маҳаллани одамида, дейди. Унданда қизиғи шуки, бирор бир мусулмон киши келаётса, ўзини четга олади. Агар бир ажнабий кофир ё, мушрик келаётса, ҳа бу кофир, дейди. Ўзи аслида, шу кофирдан эҳтиёт бўлишлик керак, у гуноҳни билмайди, биродарлар!

Биз исломни тан олмайман, деган кишилар билан, гаплашмиймиз. Ислом бизнинг йўлимиз, биз Исломни тан оламиз, деган кишиларга, шу сўзни айтамыз, баъзи кишилар, болаларга таълим беради. Қуръон ўргатади. Шу билан оиласи, уларга уммул муъминин бўлиб қолаверади, биродарлар?! Шу билан у болалар, камолотга етганидан кейин ҳам, устозининг аёли билан, бемалол гаплашиб, сўрашиб юраверади. Бу онамизнинг манзилатида бу, дейди. Бу ҳеч қачон она бўлмайди бу, биродарлар! Минг марта онаси, онаси, онаси, деса ҳам, онаси бўлмайди! Қуръони карим, баъзи бир боқиб олинган болаларни, ўзининг ўғли, дейди. Жоҳилият даврида, мутабанно, боқиб олинган бола, ҳақиқий боладан, баланд мартабада турарди. Зайд ибн Ҳориса, Зайд ибн Муҳаммад деб номланган.

Зайд ибн Ҳориса, улуғ саҳобалардан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, тутинган ўғли эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло,

وَمَا جَعَلَ أَدْعِيَاءَكُمْ أَبْنَاءَكُمْ
Аҳзоб сураси 23 оят

Сизларнинг тутинган ўғлиларни, ҳақиқий ўғлилар килгани йўқ! деди. Сизларни бу ҳақиқий ўғлим дейишларинг,

ذَلِكَ قَوْلُكُمْ بِأَفْوَاهِكُمْ
Аҳзоб сураси 23 оят

Бу сизларнинг тилингдаги гаплардир халос, деди. Шундан кейин, Зайд ибн Муҳаммад номи Зайд ибн Ҳориса, деб, дадасига нисбат бериб, аталадиган бўлди. Бу бир киши қуръондан таълим беришлиги, бу улуг иш. Лекин, бу дарс беришлик билан, бунинг оиласи, шогирдларига, уммул муъминин бўлиб қолмайди, биродарлар! Бирон бир, қадрдон биродар. Лекин, бу қадрдонлиги билан, оиласи унга маҳрам бўлиб қолмайди. Мана бу нарсалар бизга, ғайридинлардан кириб келган, таъсир.

Тўғри, бу сўзни эшитиб, жуда кўп одам, харажланиб қолиши мумкин? Ниҳоятда оғир бир ҳолатку бу?! дейишлари мумкин? Бу оғир ҳолат ўз ўзидан келгани йўқ, биродарлар! Биздаги ҳаёни йўқотишлик учун, юз йиллардан бери ишлаб келинган бу, биродарлар! Жойлар илгари, ички ва ташқи бўлган. Ота оналар бу нарсани риоясини қилишган. Фарзандларни рўзғорлантириш риоясини қилишган. Лекин, бизда бугун, иложи йўқ ҳолатга тушиб қўйишган. Барибир биз, ўзимизни шахсий аҳволимизни тарбиялашликка, ўнглашликка муҳтожмиз биродарлар. Менга саволлар тушгани учун, бу дарсимизда маҳрамлар масаласини айтиб, ўтишга мажбур бўлдим. Мана, араб диёрларига борилса, ака укалар бир бирларига, ҳурмати жуда баланд. Лекин, аёллари алоҳида ўтиришади. Лекин, мабодо биз, шундан харажланиб, қийналаётган бўлсак ҳам, Аслида бу заифлигимиздан бўлаяпди. Мабодо шу, келинга савол жавоб қилиш лозим бўлса, парда орқасидан қилишга, ислом рухсат берган.

يَا نِسَاءَ النَّبِيِّ لَسْتُنَّ كَأَحَدٍ مِنَ النِّسَاءِ ۚ إِنِ اتَّقَيْتُنَّ فَلَا تَخْضَعْنَ بِالْقَوْلِ فَيَطْمَعَ الَّذِي فِي قَلْبِهِ مَرَضٌ وَقُلْنَ قَوْلًا مَعْرُوفًا
Аҳзоб сураси 32 оят

Азвожи мутахҳаротларга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюраяпдики. Сизлар пардани орқасидан туриб, жавоб беринглар ва овозларингни ўзгартирманглар, одатий овозда жавоб беринглар, деган. Бу ҳам саволларга жавобки, баъзилар сўрашадики, уйда аёл киши бўлса фақат, эркак киши чақирса, нима жавоб қилиши керак, деб? Шунда овозини ўзгартирмасдан, йўқлигини билдирувчи гап айтишга, Ислому рухсат беради. Маҳрам ва номаҳрамлар ҳақида, биз айтдик мана. Биз моддий фалсафада яшаганмиз учун, бу нарсдан харажланиб қийналаётган бўлишимиз мумкин?! Лекин, барибир ҳақиқатни айтишимиз керак. Ислому бизни шунга буюради. Ота оналарга тушунтиришимиз керакки, биз исломнинг қулимиз. Бу бизни буйруғимизмас. Бу исломни бизга берган таълими, Биз бунга амал қилмоғимиз керак деб, айтишимиз лозим.

Абдуллоҳ ибн Масъуд Ҳазратлари

Абдуллоҳ ибн Масъуд қуръони каримни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин, Макка мушрикларига эшиттира олган, довурак саҳобалардандир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари, бир куни тўпланиб, бу Макка мушриклари қуръонни бир эшитмадида. Агар эшитсалар, бир фикр қилиб қолармиканлар деб, фикр қилишди. Қуръонни ким эшиттиради, буларга деганда, Абдуллоҳ ибн Масъуд, мен дедилар.

جتمع أصحاب الرسول صلى الله عليه وسلم يوما فقالوا: والله ما سمعت قريش هذا القرآن يجهر لها، فمن رجل يسمعهم إياه؟ قال ابن مسعود: أنا. قالوا: إنا نخشاهم عليك، إنما نريد رجلا له عشيرة يمنعونه من القوم إذا أرادوه.

قال: دعوني فإن الله سيمنعني (يحميني)

فغدا ابن مسعود حتى أتى المقام في الضحى، وقريش في أنديتها (مجالسها) حول الكعبة عند المقام، ثم قرأ بصوت مرتفع بسم الله الرحمن الرحيم، الرحمن علم القرآن خلق الإنسان علمه البيان (الرحمن: 1-4)

ثم استقبلهم يقرأها فتأملوه قائلين: ماذا يقول ابن أم عبد؟ إنه ليتلو بعض ما جاء به محمد، فقاموا إليه، وجعلوا يضربون وجهه، وهو ماض في قراءته حتى بلغ منها ما يشاء الله له أن يبلغ، ثم عاد إلى أصحابه مصابا في وجهه وجسده، فقالوا له: هذا الذي خشيناك عليه، فقال: ما كان أعداء الله أهون علي منهم الآن، ولنن شتم لأغاديهم بمثلها غدا، قالوا: حسبك، فقد أسمعتهم ما يكرهون

Сиз жисмонан заифсиз. Биз сиздан кўрқамиз. Биз қариндош уруғлари кўп кишини танламоқчи эдик. Мабодо қурашйликлар урмоқчи бўлса, қариндошлари ҳимоя қилиб олишарди, дейишди. Мени ўз ҳолимга қўйинглар, Аллоҳ аzza ва жалла мени ҳимоя қилади, дедилар. Эртасига мақоми Иброҳимни олдиға бордиларда, Қурайш катталари мажлисда ўтиришган эди. Мақоми Иброҳимда ўтирдиларда, Ар Раҳмон сурасини, ўқиб бошлайди. Абдуллоҳ ибн Масъуд нима деябди бизга? деб қолишди мушриклар. Бу Муҳаммад олиб келган нарсани ўқиябди, дейишди. Ҳаммалари туриб, уриб бошлашди. Бу киши, то ҳоллари қуриб қолгунча, тўхтамадилар, ўқишдан. Кейин қайтиб келдилар. Юзлари калтак зарбасидан ўзгариб кетган эди. Мана шундан кўрққан эдикда, дейишди. Шунда айтдиларки, Аллоҳнинг душманлари, менга безътибор бўлди, бу воқеадан кейин. Аввалда, оз моз ҳайбат қилган бўлсам, энди шу ҳайбат йўқолди, дедилар. Ҳақиқатда, одам кўрқиб турган нарсасига, бир кириб чиқса, кўрқмай қолади, биродарлар! Агар истасанглар эртага, яна бораман, дедилар. Йўқ, бўлади, бир марта эшиттирганингиз кифоя, дейишди.

Абдуллоҳ ибн Масъудни, ибн умми абд деб, қўярдилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд умматимга нимани ихтиёр қилса, мен ҳам шуни, ихтиёр қилдим, деган эканлар. Бундан ортиқ инсонга фазилат ва ишонч бўлмайди, биродарлар! Нимани умматимга хоҳламаса, мен шуни хоҳладим, деган эканлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки: кимки қуръонни худди нозил бўлгани каби, ўқишни истаса, Абдуллоҳ ибн Масъудни ўқишидек қилиб ўқисин, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Халифа қилинг деганларида, қилмаган эканлар. Мусулмонлар машваратига ташлаб кетганлар. Айтган эканларки, агар бемаслаҳат бировни, Халифа қилмоқчи бўлсам, Абдуллоҳ ибн Масъудни қилардим, деган эканлар. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг вафоти хабари, Абуд Дардоъ разияллоҳу анҳуга етиб келганида, Ма тарака баъдаҳу мислаҳу, деган, эканлар. Абдуллоҳ ибн Масъуддан кейин, Абдуллоҳ ибн Масъудга, ўхшаган одам қолмади, деган, эканлар.

Хузайфа ибн Яманийга, одамлар ичида Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, ахлоқда ва ҳидоят йўлини кўрсатишда, энг ўхшайдигани ким? деб, савол берганларида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, бунда энг ўхшаган киши Абдуллоҳ ибн Масъуд деган, эканлар. Бошқа ривоятда, юриш туришда, кийинишда ва барча амалда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Абдуллоҳ ибн Масъуддан кўра, кўпроқ ўхшаган кишини кўрмадим, то уйини ичига кириб кетгунгача, деган эканлар. Уйини ичида ўхшайдими йўқми, билмайман, деганлар. Умар ибн Хаттоб мактуб жўнатган эканлар. Уни ўқиб кўришса, мен Амморни, амир қилиб жўнатдим, сизларга ва Абдуллоҳ ибн Масъудни муаллим ва вазир қилдим, дейилган экан. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан ва Бадр жанги қатнашчиларидан ва буларга итоат қилиб, қулоқ солинглари. Мен бу икковларини ёнимдан жилдирмасдим. Лекин, сизларни, ўзимдан афзал кўриб, сизларга, ийсор қилдим, деган эканлар.

"عن عبد الله بن عمرو أن النبي قال: "خذوا القرآن من أربعة: من ابن مسعود، وأبي بن كعب، ومعاذ بن جبل، وسالم مولى أبي حذيفة"

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, айтдиларки: Қуръонни тўрт кишидан, олинглар. Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Маоз ибн Жабал ва Солим, Абу Хузайфани мавлоси. Ровий айтади, биринчи Абдуллоҳ ибн Масъудни номини айтганлари учун, доим у кишини муҳаббат қилиб юрдим, деган эканлар. Абдуллоҳ ибн Масъудни оёқлари ингичка, нимжон киши эканлар.

وكان نحيل الجسم دقيق الساق ولكنه الايمان القوي بالله الذي يدفع صاحبه الى مكارم الأخلاق، وقد شهد له النبي -صلى الله عليه وسلم- بأن ساقه الدقيقة أثقل في ميزان الله من جبل أحد، وقد بشره الرسول -صلى الله عليه وسلم- بالجنة

فقد أمر النبي -صلى الله عليه وسلم- ابن مسعود فصعد شجرة وأمره أن يأتيه منها بشيء، فنظر أصحاب رسول الله -صلى الله عليه وسلم- إلى ساقه حين صعد فضحكوا من حموشة ساقه، فقال النبي -صلى الله عليه وسلم-: (مَمَّ تضحكون؟ لَرَجُلٍ عبد الله أثقل في الميزان يوم القيامة من أحد)

Абдуллоҳ ибн Масъуд Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни хизматларида бўлган. Ироқ деган дарахт бор. Шундан мисвок олиб берардилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга. Шу дарахтга мисвок олишга чиққанларида, шамол эсиб, оёқларини бекитиб қўйди. Шунда одамлар кулишди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уларга, сизлар Абдуллоҳ ибн Масъудни болдирина ингичкалигига кулаяпсизларми? Аллоҳнинг ҳузурида Уҳуд тоғидан оғир туради, деб қўйдилар. Ислон одамларни жасадига қараб ўлчамади, биродарлар. Тақвосига қараб баҳолади.

Саволларга жавоблар берганлар

Ота онаси ёки бошлиқ, ислонда бўлмаса, шунда уларни алдаб, дунёвий ишга деб, бошқа нарсга кетаяпман деб, ёлгон гапириб кетса бўладими?

Ўзи ислонда бўлмаса, намозга ҳам, рўзага ҳам, рухсат бермаса, намозни биз бировдан рухсат сўраб, ўқимаймиз. Аллоҳ буюрган. Ота она ислонда бўлмаса, маст қилувчи ичимлик олиб келиб бер, дейди. Ислонда бўлмаган кишини буйруғига, биз итоат қилмаймиз. Ким бўлсада. (Яъни. Динга зид буйруқларга итоат қилинмайди) Ота онага мурувват қилишга буюрилганмиз. Дунёвий мурувват, қилаверамиз.

Энг бахтли киши ким?

Бу ерда бир киши сўрабди. Сиздан энг бахтли киши ким? деб сўраса, нима деб, жавоб берардингиз? дебди.

Мен энг бахтли одам ким, деса, шундай жавоб берардимки, **биринчи** тавҳидни билиб, Ислонни билиб, ҳеч қандай маломатчининг маломатидан қўрқмай, шу билганига амал қилган одам деб, жавоб берардим. Инсон ҳақиқатда бахтлики, ўзининг фикри билан ҳаётда яшай олса. Ҳозирги ҳаётдаги кўп кишиларнинг қийналётганлиги, иқтисодий томондан эмас, шу бир нарсани ҳақ деб, туриб, шуни қилолмаётганидан қийналади. Агар одам ҳақни билса ва амал қила олса, ўзининг наздидагина ҳақ бўлмаса, Аллоҳ наздида ҳақ бўлса, шунга амал қилаётган бўлса, агар унинг бошида қилич ўйнатиб, чопишга тайёр бўлиб турган бўлса ҳам, парво қилмайди. Чунки, агар шаҳид бўлсам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг олдида, энг юқори даражани оламан, деган, ўзининг фикрига мувофиқ, иш қилаётган бўлади. Ҳар бир нарсанинг бахтлиси бўлади. Биринчи туғилишни бахтлиси бўлади. Мусулмон оилада туғилиш. Бу сизни ихтиёрингиздаги нарсамас. Гўдаклик даврининг бахтлиси шуки, Ислонга мувофиқ яшаса.

Йигитлик даврининг бахтлиси шуки, Исломни ўрганишга ижтиҳодлик бўлса, давлат топишликни бахтлиси бўладики, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган жойга, давлатини сарф қилса, камбағалликни бахтлиси шуки, Аллоҳ берган нарсага қаноат қила олса, Аллоҳ берган аъзоларни Ўзининг йўлига сарф қила олишлик, бу саломатликнинг саодатидир. Ўлмасликни иложи йўқ, ўламиз. Ўлишни бахтлиси, бу шаҳид бўлиб ўлишлиқдир. Инсоннинг бахтлиси, Исломий шуурга эга бўлсаю, шу фикрда яшай олса?!

Мана Умар Хайёмнинг ёзганига қаранг! Дод фарёд қилиб ёзган. Исломий қарашга эга бўлмаган Умар Хайём! Биз Умар Хайёмдан олмаймиз, бу ислом йўлини. Кўп одамлар, Умар Хайём бунақа деган, дейди. Бизга Умар Хайём ҳужжатмас. Бизга Навоий ҳужжатмас! Бундан мурод, Навоий ёмон одам, ё Умар Хайём, ёмон одам, деганимас. Бизга ҳужжат китобу суннат, қуръон ва ҳадисдир. Шунга мувофиқ бўлган одам, тўғри гапирган бўлади. Унда ҳам, унинг гапи бўлгани эмас, шунга мувофиқ бўлган учун, тўғри дейилади. Одамлар ҳамма одамни, катта одам дейди, йўл қилиб берган одам дейди, шунинг учун азоб чекади. Бу нарсалар ҳам, баъзи одамларнинг фикрини қийнайди. Бу Умар Хайёмдан, динсизлар одамларнинг фикрини чулғашлик учун, фойдаланган. Ислом манақа деб?!

Ислом бунақа эмас! Бу нотўғри фикрларини ўзларига ёпиштиришсин! Ислом бизга қуръон ва саҳиҳ ҳадислар! Мана шу ерда келган йўлни биз, ҳақ ва маъсум йўл, деймиз. Хатодан сақланган йўл, деймиз. Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаводан гапирмаганлар. Бахтли одам, бойми камбағалми, хуллас. Умумий бахтлилик шуки, бой бўлса ҳам мусулмон бўлса, камбағал бўлса ҳам мусулмон бўлса, эркак бўлса ҳам, мусулмон бўлса, аёл бўлса ҳам, муслима бўлса, бола бўлса ҳам, мусулмон бўлса, қари бўлса ҳам мусулмон бўлса, Исломга мувофиқ ҳаёт кечири олса, ўзининг ҳаётида исломга мувофиқ яшай олган одам, бахтли одамдир! У одам қариган вақтида, аттанг қилмайди. Яна ҳаёти такрорланса, худди шундай, ҳаёт кечирган бўларди. Саҳобалар, худди шундай, бахтли одамлар бўлишган эди. Улар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида, бўлишганлар. Нимага буюрса, шуни қабул қилишганлар.

Бахтли жамият қайси?

Лекин, жамиятнинг бахтлиси ким? Жамиятнинг битта раҳбари бўлса. У ҳавои нафсига чақирмаса, фақат Аллоҳнинг йўлига чақирса, одамлар ундан хотиржам бўлишса, бу одам ҳақ йўлга чақиради деб, буюрган нарсасини қилаверса. Ўлса шаҳид бўлиб кетадиган йўл бўлса, яшаса, ниҳоятда ажр билан яшаса, молини сарфлаб, жаннатни сотиб олса, камбағал бўлса, сабр қилса, молим йўқ, ўрнига дуо қилиб, ёрдам берай деса, мана шу жамият ҳам бахтлидир, биродарлар!

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг атрофидаги кишилар, ҳақиқатда бахтли бўлишган. Чунки, у киши ҳеч қачон, ҳавосига (яъни, шахсий фикрига) буюрмаслигини билишганларда, нимага буюрса, ўйламасдан қилишганлар. Чунки, билишганларки, бу йўл, албатта жаннатга олиб боради, деб, билишганлар. Мана бу ҳақиқатда бахтли жамиятдир. Улар ўлиб кетганларини ҳам, бахтли дейишганлар. Яшаётганларини ҳам, бахтли дейишганлар. Улар молу давлатларини, Ислом йўлига тиккан вақтларида, бахтлимиз деб, эътиқод қилишган. Кейинги хулафолар вақтида ҳам, шундай бўлди. Бахтли жамият, ҳақиқий Ислом йўлига чақирадиган, пешвоси бўлган жамиятдир!

Бахтли аёл ким?

Аёлларнинг бахтлиси шуки, турмуш ўртоғи Исломга мувофиқ яшайдиган бўлса, у доим тўғри йўлга чақирса, нотўғри нарсадан огоҳлантирадиган ўзининг турмуш ўртоғи бўлса. Сахарда таҳажжудга уйғотадиган, ўзининг турмуш ўртоғи бўлса, бу аёл ҳақиқатдан ҳам бахтлидир! Эр кишиларнинг аёлга нисбатан бахтлиси, кўчага чиқиб кетаётганда огоҳлантирса аёли, Аллоҳдан қўрқинг, бизнинг ҳаққимизда, хонадонга фақат, Ҳалолу тойибни кўтариб келинг! Биз дарвозани ичига кирган нарсани, еяверамиз. Жавобини, сиз берасиз. Биз сизга уни олиб келинг. Буни олиб келинг, демаймиз. Ҳалолу тойибни кўтариб келинг! дейдиган оиласи бўлса, бу эр киши ҳам, шундай аёли борлигидан бахтлидир! Ҳамма соҳада ўзининг бир бахтли, кишиси бор!

Бахтли ота ким?

Оталарнинг бахтлиси, Аллоҳнинг буйруғини қиладиган ва Аллоҳнинг қайтарганидан қайтадиган, фарзанди бўлса, отаси адашган вақтда, дадажон бу хато бу! Бу ишингиз исломга зид бу, деб, уни огоҳлантирадиган фарзанди бўлса, бу ота ҳам, шундай фарзанди борлигидан бахтлидир! Агар фарзанди отасининг хатосини айтганда, бу ота, мендан вужудга келиб, мендан юқори даражага чиқиб, мени хатоимни айтадиган фарзандни менга берган, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! деса, бу фарзанд ҳам, шундай отаси борлигидан фахрланса, бахтлиман деса, арзийди, мана! Оилада жанг бўлмайди. Мақсадлари Ислом бўлса, Ислом нима деса, ҳақ деб, қабул қилинадиган бўлса, у ерда гўдаклар ҳам, ҳуқуқи тенг бўлсаю, ҳаммаси бир Ислом йўлига, йўлланадиган бўлса, бу оила бахтлиқдир! Бу оила ўзи ерда яшаётган билан, ҳақиқатда, дунёнинг жаннатида яшаётган оиладир!

Дўстлар ва устозларнинг бахтлиси ким?

Ёру биродарларга нисбатан бахтлилик шуки, сиз ноҳақ бўлсангиз, сизни тўғри йўлга чақирадиган ва сизни орқадан ғийбат қилмайдиган ва тухмат қилмайдиган бўлса, бахтлидир шу. Устозларнинг бахтлиси шуки, яхши солиҳ ва солиҳа шогирдлари бўлса, уларни тўғри йўлга чақирса, қабул қиладиган бўлса, бу устоз ҳам бахтлидир! Шогирдлари устозини хатоларидан огоҳлантирса, бундай шогирдлари бор устозлар ҳам, бахтлидир! Хуллас, Ислом фикри билан, яшаган жамият, бахтлик жамиятдир!

(Бошқа, майда савол жавоблар, дарсга киритилмади)

Мусулмони комилни, ҳаётда ҳар қандай ҳолатда ҳам, исломга мувофиқ ҳолда, топасиз.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни, давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни манфаатдор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам Ислом ҳудудларини барпо қилишликка, тавфиқ берсин! Биродарлар исломнинг ҳудудларига амал қила олишлик, катта бахт саодатдир! Кимгадир қилган яхшилигингиз сизни хурсанд қилса, ёмонлигингиз хафа қилса, сиздаги имоннинг аломатидир, деганлар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам. Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

37 дарс тугади

38 Дарс

Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи

(Бу дарс аввалида, Аллоҳнинг бандалар устидаги аввалги ҳаққи тавҳид эканлигини, айтилади ва мушриклардан мўминни фарқловчи тўртта сифат, келтирилади. Дарс охирида, ибодатдаги ширк турлари, баён этилади. Қабристонлардаги бидъатлар ҳақида, гапирилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

نُ مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - قَالَ: كُنْتُ رَدَفْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى جَمَارٍ يُقَالُ لَهُ عُقَيْرٌ. قَالَ: فَقَالَ: يَا مُعَاذُ! أَتَدْرِي مَا حَقُّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ وَمَا حَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ؟ قَالَ قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ. قَالَ: «فَإِنَّ حَقَّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ أَنْ يَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا يُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا. وَحَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ أَنْ لَا يُعَذِّبَ مَنْ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا» قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ! أَفَلَا أَبَشِّرُ النَّاسَ؟ قَالَ: «لَا تُبَشِّرْهُمْ. فَيَتَكَلَّبُوا».

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бандалар устида, жуда кўп ҳаққи бор! Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам мана бу ҳадисда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бандалар устидаги асосий ҳаққини, баёт этдилар. Бу ҳаққ, бандалар Аллоҳга ибодат қилишлари, ҳеч бир нарсани, Унга шарик қилмаган ҳолатда. Демак, Аллоҳга ибодат қилишлигимиз, мутлақо ибодатмас, балки, Унга ҳеч бир нарсани шарик қилмаган ҳолатда, ибодат қилишлигимиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, бандалари устидаги ҳаққидир!

Ҳар бир инсон ўзини Аллоҳга абд (қул) деб, даъво қилар экан. Шу абд деб, номланган инсоннинг устида, Аллоҳнинг ҳаққи бор. Бу ҳақнинг асосийси, Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилиб, Унга ҳеч бир нарсани шарик қилмаслик. На пайғамбарни, на фариштани на жинни, на солиҳ кишини на тошни на дарахтни на булоқни, бирор бир нарсани, Шайъан, шайъ Мосиваллоҳ, (Аллоҳдан бошқа, ҳамма нарса шайъ) лекин, ақидада, Аллоҳни ҳам шайъ деб, айтса бўлади. (бу ерда қуръондаги, бир оятга ишора қилиб кетилди)

لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

Шуро сураси 11 оят

Демак, Унга ҳеч бир нарсани шарик қилмасдан, Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилишликдир! Бир инсон, ўзини Аллоҳнинг бандаси деб, даъво қилар экан. Унинг устига, мана бу ҳақни адо

қилишлик вазифаси тушади. Инсон устида кўп нарсаларнинг, ҳаққи бор. Ота онанинг ҳаққи бор. Фарзанднинг ҳаққи бор. Аёлнинг ҳаққи бор. Аёлда эрнинг ҳаққи бор. Эрда аёлнинг ҳаққи бор. Биродарларнинг ҳаққи бор. Ҳайвонларнинг ҳам ҳаққи бор. Дарахтларнинг ҳам ҳаққи бор. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақларни баён қилиб туриб,

" فَأَعْطِ كُلَّ ذِي حَقٍّ حَقَّهُ .

Ҳар бир ҳақдорга, ҳаққини бериб қўйгин, дедилар.

(Ҳадиси шарифда, бу сўз Салмон Форсийнинг сўзи экани, зикр қилинади: Қуйида шу ҳадис илова қилинди. Бу сўзни, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари айтганликларига ҳадисда ҳужжат йўқ. Аммо, Салмони Форсийнинг сўзини, у киши тасдиқлаганлари, бу сўзни, амалда шаръий далил сифатида қўлланишга, етарлик ҳужжат бўлади. Валлоҳу аълам)

عن أبي جَحِيْفَةَ وَهْب بن عبد الله رضي الله عنه قال:
أَخَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ سَلْمَانَ الْفَارِسِيِّ وَأَبِي الدَّرْدَاءِ. فَرَأَى سَلْمَانُ أَبَا الدَّرْدَاءِ، فَرَأَى أُمَّ الدَّرْدَاءِ مُتَبَيِّلَةً، فَقَالَ: " مَا شَأْنُكَ؟ ".
قَالَتْ: " أَخُوكَ أَبُو الدَّرْدَاءِ لَيْسَ لَهُ حَاجَةٌ فِي الدُّنْيَا .
فَجَاءَ أَبُو الدَّرْدَاءِ، فَصَنَعَ لَهُ طَعَامًا، فَقَالَ لَهُ: " كُلْ، فَإِنِّي صَائِمٌ ". قَالَ: " مَا أَنَا بِأَكَلٍ حَتَّى تَأْكُلَ ". فَأَكَلَ .
فَلَمَّا كَانَ اللَّيْلُ ذَهَبَ أَبُو الدَّرْدَاءِ يَقُومُ، فَقَالَ لَهُ: " نَمْ ". فَنَامَ . ثُمَّ ذَهَبَ يَقُومُ، فَقَالَ لَهُ: " نَمْ ". فَلَمَّا كَانَ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ قَالَ سَلْمَانُ: " قُمْ الْآنَ .
فَصَلَّيْنَا جَمِيعًا .
" فَقَالَ لَهُ سَلْمَانُ: " إِنَّ لِرَبِّكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَإِنَّ لِنَفْسِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَلَا هَلْكَ عَلَيْكَ حَقًّا. فَأَعْطِ كُلَّ ذِي حَقٍّ حَقَّهُ .
" فَأَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: " صَدَقَ سَلْمَانُ رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Демак, бу ҳақларнинг энг каттаси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳаққидир. Бу ҳақ, ҳеч бир нарсани шарик қилмаган ҳолатда, Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилишлигимиздир. Бандалар устидаги бу ҳақ, намоздан ҳам, рўзадан ҳам, закотдан ҳам фарзроқ бўлган, ҳақдир! Модомики, бу ҳақ ўталмас экан, бошқа фарз амалларининг ўталишлигининг манфаати бўлмайди. Бу ҳақ ўталмас экан, бирор бир амал, мақбул бўлмайди. Бу ҳақ ўталмас экан, кечалар билан бедор бўлгани ва умрбод тутилган нафл рўзалар, манфаат бермайди. Шунинг учун биз, бу ҳақни доим такрорлаймиз. Биз доим, бу ҳақни билиб, яшамоқлигимиз керак! Ва бу ҳақни, ўтаб юрмоқлигимиз керак! Агар инсон қиёматга, шу тавҳид билан бориб қолса, тоғча гуноҳлар билан бориб қолса ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уни, хоҳласа кечиради. Яъни, иншааллоҳ, буни кечирилишлигини умиди бор. Ҳадисларнинг мазмуни шуни кўрсатади.

قال الله تعالى : يا ابن آدم ! إِنَّكَ مَا دَعَوْتَنِي وَرَجَوْتَنِي غَفَرْتُ لَكَ عَلَى مَا كَانَ فِيكَ وَلَا أَبَالِي يَا ابن آدم ! لَوْ بَلَغَتْ ذُنُوبُكَ عَنَانَ السَّمَاءِ ثُمَّ اسْتَغْفَرْتَنِي غَفَرْتُ لَكَ (يَا ابْنِ آدَمَ ! لَوْ أَتَيْتَنِي بِقَرَابِ الْأَرْضِ خَطِيئًا ثُمَّ لَفَيْتَنِي لَأَشْرَكَ بِي شَيْئًا لَا تَبْتَغِي بِقَرَابِهَا مَغْفِرَةً . خلاصة حكم المحدث : حسن لغيره

Эй инсон фарзанди, агар ер қобиғи тўла гуноҳ билан, Менинг ҳузуримга келсанг, менга ҳеч нарсани шарик қилмаган ҳолда келсанг, Мен сенга ер қобиғи тўла, мағфират билан рўбарў бўламан. Агар инсон Аллоҳнинг ҳузурига ширк билан бориб қолса, ҳар қанча кўп ибодат билан, намозу, рўзалар билан борса ҳам, Аллоҳу таоло қабул қилмайди. Уни кечирмайди. Жаҳаннам аҳлидан бўлишлигида, шак шубҳа йўқ!

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ
Моиди сураси 72 оят

Ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга, жаннатни ҳаром қилади. Ва жойи жаҳаннамдир бунинг. Бундай золим, яъни, мушрикларга, ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир! Мушрик ибодат қилган нарсалари, қиёмат куни менга ёрдам беради, ва шафоат қилади деган, умидда, ширк келтирганди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, улар гумон қилган ёрдамчиларни биронтаси ҳам, бўлмаслиги баён қилаяпди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларнинг устимизга бу тавҳид ҳаққини фарз қилар экан, тўрт масъалани билмоқлигимиз керак! Бу тўрт масъала билан, мусулмон одам, мушрикдан фарқли бўлади.

Биринчи: Пайғамбарларга итоат жаннат йўлидир

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни бекорга яратгани йўқ. Бизнинг яратилишимиздан бир мақсад бор. У мақсад, якка Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ибодат қилиш. Шунинг учун ҳам, Пайғамбарлар жўнатди. Пайғамбарлар Аллоҳ буюрган ва қайтарган нарсаларни олиб келдилар. Ҳаётда, бирор бир манфаатли нарса бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло пайғамбарлар орқалик, бизга буюрди. Қайси бир нарса зарарлик бўлса, шу нарсадан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизни пайғамбарлар воситаси билан қайтарди. Ким Пайғамбарларга итоат қилса, у жаннатда. Бунда шак шубҳа йўқ! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ваъда қилди. Пайғамбарларга итоат қилганлар, ЖАННАТда, деди. Ким Пайғамбарларга итоат қилмаса, у жаҳаннамда. Бунда ҳам, шак шубҳа йўқ!

وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلْهُ جَنَّتٍ تَجْرَى مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ۚ وَذَٰلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ
Нисо сураси 13 оят

وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ نَارًا تَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ
Нисо сураси 14 оят

Мана бу оятлар, шунга далолат қилади.

عن أبي هريرة ، عن النبي ﷺ أنه قال: كل أمّتي يدخلون الجنة إلا من أبى، قيل: يا رسول الله ومن أبى؟ قال: من أطاعني دخل الجنة، ومن عصاني فقد أبى،
حديث صحيح رواه البخاري في صحيحه

Умматимнинг ҳаммаси жаннатга киради, дедилар. Демак, бу катта башорат бўлди. Менинг Умматимнинг ҳаммаси, жаннатга киради. дедилар. Магар жаннатга киришликдан бош тортганлар кирмайди, дедилар. Яъни, жаннатга кирмийман деб, маҳкам туриб олган одамлар, жаннатга кирмийди. Асҳоблар ажабланишдилар. Саҳобалар сўрашдики, Ё Расулulloҳ, ким жаннатга киришликдан бош тортади?! Ким менга итоат қилса, жаннатга киради. Ким менга итоат қилишликдан бош тортса, шу жаннатга киришдан бош тортганидир, дедилар. Чунки, Пайғамбарлар олиб келган йўл, жаннат йўлидир. Бундан бошқа жаннат йўли бўлиши мумкинмас, йўқ, биродарлар! Агар жаннатга киришликдан бош тортган одам бор деб, айтилса, инсон ажабланади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, итоат қилишликдан бош тортган одамлар, жаннатга киришликдан бош тортган одамлардир. Бу Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳодатлари билан. Биринчи биз билишимиз зарур бўлган нарса, мана шудир.

Демак, Аллоҳнинг Расулига итоатга бўлган мукофот, дунёдаги мартабалармас. Ёинки, молу давлатлик бўлишликмас. Ёинки, соғлом ўсишликмас. Ёинки, бола чақалик бўлишликмас. Ёинки, ўғли кўп бўлишликмас. Ёинки, қизи кўп бўлишликмас. Ёинки, бир дабдаба билан яшашлишликмас. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, итоатга бўлган мукофот, битта нарса, бу ЖАННАТдир! Мўмин кишининг рўбарўсида бу муқаррар бўлмоқлиги керак.

Бизнинг мусибатимиз, ҳаётдаги кўп одамларнинг Ислом ҳақиқатини билмасликлари, бу қанақаси бўлди? Биз мусулмон эдигу? деб, довдираётганининг сири, оддий, мана шу бирламчи ҳақиқатни, тушунмаслигидир!

(Яъни, мусулмон бўлиб, диндорлиги учун дунёда мукофот талаб қилишлари, хатолигини тушунмаётганларидир. Чунки, диндорлик учун мукофот, охиратда берилади.)

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, итоат қилиш, ҳаётда қандай бўлиб яшашидан қатъий назар, камбағал бўлиб ўтадимиз?! Бадавлат бўлиб ўтадимиз? Соғлом бўлиб ўтадимиз? Касал бўлиб ўтадимиз? Кўп иморатлик бўлиб ўтадимиз? Кўп фарзандлик бўлиб ўтадимиз? Ё бефарзанд бўлиб ўтадимиз? Одамлар бунга олқишлаб, мақтаб ўтадимиз? Одамлар бунга озор бериб ўтадимиз? Қандай ўтишлигидан қатъий назар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, итоат қилиш, мукофоти, битта нарсаси, бу ЖАННАТдир, биродарлар!

Инсонларнинг кўп довдираётгани сири, мана шу бирламчи ҳақиқатни тушунмасликдандир! Улар бирор бир зарар кўриб қолишса, Биз зарар деб, дунёвий истилоҳда айтамыз, исломий истилоҳдамас, (Дунёсига зарар етиб қолса) Дунё кишиларининг истилоҳида, зарар бу жасадининг зарари, асосийси иқтисодий зарар, агарчи, ҳар қанча манфаат бўлса ҳам, иқтисодига зарар етса, бу одам, зарар кўрдим, деб тушунади. Шу одамлар истилоҳидаги зарарга учраб қолса, мен мусулмон бўлганимдан кейин, мени ишим юрмайбди, дейди. Шунини яхши билишимиз керакки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, итоатга битта ваъда бор. Бу ЖАННАТдир! Итоат қилмасликка битта ваъид, бу жаҳаннамдир!

Тўғри, ҳаётда яхши яшашликни ҳам, имону амали солиҳга, ваъда қилинган.

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أَنشَأَ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيَاةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ
Наҳл сураси 97 оят

Ким имон келтириб, амали солиҳ қилса, покиза ҳаёт билан яшатамиз. Покиза ҳаёт, маъноси ҳар хилдир, биродарлар! Битта маъноси шуки, охиратда қаттиқ жазоланмайдиган ҳаёт билан, яшатамиз.

ما شر شر بعده خيرا ما خير خير بعده شر
(Бу сўз араб мақоли)

Бир яхшилик борки, сиз яхшилик деб, ўйлаяпсиз. Унинг орқасида ёмонлик. Яъни, оқибати ёмон! Бу оқибати ёмон бўлган яхшилик, бу яхшиликмас! Оқибати яхшилик бўлган, сиз ўйлаётган ёмонлик, ёмонликмас!

Яъни, бу кўриниб турган касаллик қийинчиликлардан кейин, оқибати яхши бўладиган бўлса, кўриниб турган ёмонликни охири, яхшилик бўладиган бўлса, бу ёмонликмас бу!

ما شر شر بعده خيرا, شر ما خير بعده شر, خيرا

(Бу каби сўз Ҳазрат Алидан ривоят қилинган. Қуйида шу илова қилинди)

ورد عن علي بن أبي طالب كرم الله وجهه من كلماته القصار (ما خير بخير بعده النار، وما شر بشر بعده الجنة، وكل نعيم دون الجنة محقور وكل بلاء دون النار عافية)

Мана шундайки, ибора, ҳаётимизда қандай ҳолатда бўлса ҳам, имону амали солиҳ билан ўтган бўлсак, ҳаётимиз қандай бўлса ҳам, покиза ҳаёт билан яшашлигимиз, муқаррардир. Мўмин одам шунга қаноатланиб қолаверади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, Расулига итоат қилишлик учун яратган. Бу итоатга ЖАННАТни ваъда қилган. (Яъни, расулига эргашган ҳолда, Аллоҳагина ибодат қилишлик учун яратган) Итоат қилмасликка, жаҳаннам билан огоҳлантирган.

Иккинчи: Инсон ва жинлар, бу ҳаётга имтихон учун, яратилди

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло халқларни, Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилишлик учун, яратди.

وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ خُنْفَاءَ
Баййина сураси 5 оят

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ
Зориёт сураси 56 оят

Ҳаётда одамлар ибодат қилишади. Лекин, бу ибодатни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога холис қилишмайди.

Учинчи: Ширк аралашса, ибодатларни ҳабата қилади

Агар ширк ибодатга дохил бўлса, ибодат бекор бўлади. Мақбул бўлмайди. Ҳар қандай гуноҳни, кечирилишлигини умиди бор. Аммо, ширкни қатъан афв қилинмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ۚ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا
Нисо сураси 48 оят

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, ва у кишидан илгариги Пайғамбарларга ваҳй қилиндики, агар ширк амали содир бўлса, амалингизни ҳабата бўлишлигида шак шубҳа йўқ!

وَلَقَدْ أَوْحَىٰ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ
Зумар сураси 65 оят

Мана шу оят, бизга қаттиқ бир ваъидки, агар шу билан таъсирланмасак?! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, ҳабибул оламин, саййидул анбиёи вал мурсалинга, аёвсиз суратда, ҳеч қандай аямасдан, агар ширк амали, сиздан содир бўлса, амалингизни ҳабата бўлишлигида, шак шубҳа йўқ! деяпти.

ولو أشركوا لحبط عنهم ما كانوا يعملون
Анъом сураси 88 оят

Агар одамлар ширк амалини қилишсалар, қилган амаллари ҳабата бўлади. Ширк турларидандир, инсон, хоҳ пайғамбар, хоҳ солиҳ киши, хоҳ фолбин, хоҳ сеҳргар, хоҳ жин, хоҳ дарахт, хоҳ юлдуз, хоҳ булоқ, хоҳ тоғ, шу нарсалар, менга манфаат етказади, ё зарар етказади, деган, ғайбий эътиқодотларни қилса, бу одам мушрик бўлади.

Фойда ва зарарни, фақат Аллоҳдан деб, билишлик керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръонда кўплаб оятларда, зарар етказувчи ҳам, Ўзи эканлигини, фойда етказувчи ҳам, Ўзи эканлигини баён қилган.

مَا يَفْتَحِ اللَّهُ لِلنَّاسِ مِنْ رَحْمَةٍ فَلَا مُمْسِكَ لَهَا ۖ وَمَا يُمْسِكْ فَلَا مُرْسِلَ لَهُ ۖ مِنْ بَعْدِهِ ۚ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ
Фотир сураси 2 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло одамларга раҳмат юборса. Уни ушлаб, тўсиб қолувчиси йўқ. Агар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тўсган бўлса, уни қўйиб юбуровчи йўқ!

وَإِنْ يَمْسَسْكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِنْ يَمْسَسْكَ بِخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

Анъом сураси 17 оят

Мана бу оятлар ҳаммаси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, зарар етказувчи ҳам, Ўзи эканлигини, фойда етказувчи ҳам, Ўзи эканлигига, далолат қилади.

قُلْ لَنْ يَصِيَّبَنَا إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَنَا هُوَ مَوْلَانَا وَعَلَىٰ اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ

Тавба сураси 51 оят

Ҳадиси шарифларда ҳам, зарар етказувчи ҳам, фойда етказувчи ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи эканлиги, баён қилинган.

وَاعْلَمَ أَنَّ الْأُمَّةَ لَوِ اجْتَمَعَتْ عَلَىٰ أَنْ يَنْفَعُوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَنْفَعُوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ لَكَ، وَلَوْ اجْتَمَعُوا عَلَىٰ أَنْ يَضُرُّوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَضُرُّوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ، رُفِعَتِ الْأَقْلَامُ وَجُفَّتِ الصُّحُفُ

Ер куррасидаги ҳамма одамлар, сенга бир фойда ё, зарар етказишликка жамланишса, фойда ҳам, зарар етказолмайдилар, магар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, китобат қилган зарарни етказадилар. Мўмин кишининг эътиқоди шундай бўлмоқлиги керак! Худ алайҳиссалом якка ўзлари, мушриклар, сенга бутларимиз зарар етказиб қўйишидан эҳтиёт бўлгин, деган вақтда,

فَكِيدُونِي جَمِيعًا ثُمَّ لَا تُنْظَرُونَ

Худ сураси 55 оят

Ҳамманглар бор тадбирингизни ишлатинглар ва менга, унақа муҳлат берманглар, дедилар. Одатда ҳаққа қарши одам, сенга уч кун муҳлат берамиз. Уч кунда ўзингни тузатсанг тузатдинг, бўлмаса, сенга бир кори ҳол кўрсатамиз, дейди. Худ алайҳиссалом шунда, Ҳамманглар, бор тадбирингизни ишлатинглар, менга унақа муҳлат берманглар, дедилар. Ҳозирдан бошланглар, дедилар. Пайғамбарларнинг ишончи, мана бу сўзларга комил суратда бўлишган.

Инсон, ўзига етадиган зарардан қўрқиб, даъватни тўхтатиб қўймоқлигидан қўрқмоқлиги керак! Чунки, мана бу ҳадиси шарифлар, бизга ҳаёт йўлидаги йўлланмадир. Агар шу оят ва ҳадисларни, саҳобалар ҳаётларига татбиқ қилишмаганда, улар даъват йўлида, бунчалик қаттиқ туришмаган бўларди. Даъват бизнинг диёрларимизга келмаган ҳам бўларди. Улар оз бўлишига қарамасдан, бутун дунёга муқобил бўлиб, тура олдилар.

Умар ибн Хаттоб ўзларининг ҳарбий қўмондонларига ёзган хатида, сизлар душман лашкарларидан қўрқишдан кўра, гуноҳинглардан қўрқинглар! Биз мусулмонлар сонда ҳам, тайёрларликда ҳам улардан кам эдик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога итоат қилишликда улардан ортиқ эдик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло нусратни бизга, Ўзига итоат қилганлигимиз сабабли берди. Агар маъсиятда улар билан баробар бўладиган бўлсак, улар ғалаба қилишадики, улар сон ва тайёргарликда баланддир, дедилар. Сизлар душман лашкарларидан қўрқишдан кўра, гуноҳинглардан қўрқинглар! Билингларики, мусулмонларнинг мағлубияти, гуноҳлари сабаблик бўлади деб, мактуб йўлладилар.

Шунинг учун, биз биров бизга фойда ё зарар етишлиги ҳақида, Аллоҳу Субҳонаху ва таолонинг изнисиз, фойда ҳам, зарар ҳам, етказолмайди, деган эътиқодда, бўлмоғимиз керак!

قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ ۚ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبِ لَاسْتَكْنَزْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسْنِيَ السُّوءُ ۚ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ

Аъроф сураси 188 оят

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам одамларга, агар даъво қилсалар, мен сизлардан бошқачаман, десалар, ҳақлари бор эди. Чунки, у киши ўткарма рўза тутадиган бўлсалар, хоҳлаганча тутаверардилар. Бошқалар эргашаман деб, ҳалок бўлишга яқин бўлиб қоларди. Ўзлари маън қилдилар, ўткарма рўза тутишликни. Ўзингиз тутасизу?, дейишганда,

عن عائشة رضي الله عنها قالت: نهاهم النبي صلى الله عليه وسلم عن الوصال رحمة لهم، فقالوا: إنك تواصل؟ قال: إني لست كهينتكم؛ إني أبين يطعمني ربي ويسقيني؛ متفق عليه

дедилар. Яъни, мен Роббимнинг ҳузурида таомланаман ва суғориламан, дедилар. Яъни, даъво қилсалар, бўлаверарди, мен сизлардан бошқачаман, деб. Оиша онамиздан ривоят қилинадики, мен Сурайё юлдузидаги еттита ва саккизта юлдузни санайман, деганлар. Сурайё бу юлдузлар тўплами бўлиб, агар кимки, ўзини синаб кўрмоқчи бўлиб, Сурайёни ўзига қараса, юлдузни йўқотиб қўяверади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари ҳам, жуда соғлом эди. Ундан ташқари, сафда баробар туринглар, мен орқамдаги кишиларни, худди олдимдаги каби, кўриб тураман, дердилар. У кишида, Аллоҳу Субҳонаху ва таолонинг изни билан, баъзи бир мўъжизотлар ҳам бўлиб турарди.

У киши, даъво қилсалар, бўларди, мен сизлардан бошқачаман, деб. Лекин, шу сўзни айтмадилар. Шунда зот, Аллоҳ тарафидан маъмур бўлдилар, «Мен ўзимга манфаат ва зарар етказишга қодирмасман» деб, эълон қилишга. Биродарлар, агар ҳозирги ўзини сохта муршидман деб, даъво қилган одамларда, бирор бир, нарса бўлиб қолса, у бутун одамларга, ўзини, бошқача хусусиятлик инсон эканлигини, эълон қилган бўларди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳ тарафидан, мана шу сўзни айтишга, маъмур бўлдилар.

Ибодатдаги ширк турлари

1. Ширк турларидандир таваккулни, Аллоҳдан бошқага қилишлик. Таваккул фақат Аллоҳнинг Ўзигагина бўлади.

و على الله فتوكلوا إن كنتم مؤمنين
Моида 23 оят

Аллоҳгагина таваккул қилинглар, агар мўмин бўлсангизлар!

فَاعْبُدْهُ وَتَوَكَّلْ عَلَيْهِ
Худ сураси 123

Аллоҳгагина ибодат қилинг ва Унгагина таваккул қилинг!

Ибодатни ёнида зикр қилинган. Кимки, таваккулни, Аллоҳга қилса, Аллоҳга ибодат қилган бўлади. Кимки, Аллоҳдан бошқага қилса, ибодатни бошқа нарсага қилган бўлиб, ширк амали содир бўлган бўлади.

2. Намоз ўқишлик. Сажда фақат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўлади. Бошқа ҳеч кимга сажда қилинмайди.

3. Назр фақат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўлади. Аллоҳдан бошқага назр қилишлик, ширкдир!

4. Сўйишлик, фақат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўлади. Агар бошқани номини атаб сўйса, ёки, бош нарсага атаб туриб, Аллоҳнинг исмини айтиб сўйса ҳам, бу амал ширк бўлади, биродарлар! Қуръони каримда, тўнғиз гўштини қаторида, Аллоҳнинг номидан бошқа номни атаб, сўйилган нарсалар гўшти ҳаромлиги, зикр қилинди. Қўй гўшти ҳалол. Лекин, Аллоҳнинг номидан бошқа номни атаб сўйилса, ширк бўлади. Шу гўшт ҳаром бўлади.

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالْدَّمُ وَلَحْمُ الْخَنَازِيرِ وَمَا أَهَلَ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ

Моида сураси 3 оят

Аллоҳдан бошқага атаб сўйилган ҳайвонлар гўшти ҳаромлиги, тўнғиз гўшти ва ўлимтиқлар қаторида, зикр қилинди. Баъзи кишилар, биз намозни Аллоҳ учун ўқиямиз. Бу сўйишлигимиз бу ибодатмас. Биз хоҳлаган мазорга ва хоҳлаган жойга бориб сўяверамиз. Бу ибодат эмас деб, айтадиган бўлса, қуръони каримда, намоз билан сўйишликни, ёнма ён зикр қилиб, шарикни бўлмаган Аллоҳ учун, деб айтиш, деб айтишга, буюрилади.

قُلْ إِنْ صَلَّيْتُ وَنَسَكْتُ وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

Анъом 162 оят

Нусук, бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қурбат ҳосил қилишлик учун сўйилган, гўшти ҳалол бўлган ҳайвонни айтади. Демак, Намозим ва нусуким, бутун оламнинг тарбиятқунандаси бўлган, Роббал оламиннинг Ўзига хосдир! деб айтиш, дейилади.

5. Ширк турларидандир, Аллоҳ ҳалол қилган нарсани, ҳаром қилишлик. Аллоҳ ҳаром қилган нарсани, ҳалол қилишлик.

تَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ

Тавба сураси 31 оят

Яҳудлар ва насоролар ўзларининг олимларини, Аллоҳни қўйиб, Робб қилиб олишди. Насоролар Масих ибн Марямни Робб қилиб олдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мана бу оятни, Хотим Тойни ўғли кириб келган вақтда ўқидилар. Хотим Тойни қизи асира бўлиб тушганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир қавмни улуғини ҳурмат қилардилар. Хотим Тойни қизи эканини, айтгандан кейин, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам асҳоблардан сўрадиларда, бу асира қизни, кўп марҳаматлар қилиб, ўзини қабиласига жўнатиб юбордилар. Бу марҳаматни кўргандан кейин, Хотим Тойни қизи, акаси Адийга, бориб бу одам билан суҳбатлашининг керак, деди. Бу одамда каззоблик белгиси йўқ, деди. Хотим Тойни ўғли Адий Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келди. Хотим Тойни ўғли кириб келганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларидаги, макоримул ахлоқ билан, ҳужраларидаги ягона ҳурмо барги солинган тўшакни, унга бериб, ўтиришга таклиф қилди. Адий ўтирмади. Ўртада тўшак қолиб, икковлари ерга ўтиришди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мана бу оятни, ўқидилар.

Яҳудлар ва насоролар ўзларининг олимларини, Аллоҳни қўйиб, Робб қилиб олишди. Адий ибн Хотим айтдики, худди ҳозирги мушриклар айтаётгандек, Ё Расулulloҳ, Яҳудлар ва насоролар ўзларининг олимларини, Аллоҳни қўйиб, Робб қилиб олишганмас. Уларни меҳробга қўйиб олиб, сажда қилишганмас, деди.

وأخرجه الطبري بلفظ: عن مصعب بن سعد، عن عدي بن حاتم، قال: أتيت رسول الله -صلى الله عليه وسلم- وفي غنقي صليب من ذهب، فقال: يا عدي، اطرح هذا الوثن من عنقك! قال: فطرحته، وانتهيت إليه وهو يقرأ في "سورة براءة"، فقرأ هذه الآية: (اتخذوا أحبارهم ورهبانهم أرباباً من دون الله). قال: قلت: يا رسول الله، إنا لسنا نعبدهم! فقال: أليس يحرمون ما أحل الله فتحرمونه، ويحلون ما حرم الله! فتحلونه؟ قال: قلت: بلى! قال: فتلك عبادتهم.

وضعف الترمذي الحديث بقوله: هذا حديث غريب، لا نعرفه إلا من حديث عبد السلام بن حرب، وغطيف بن أعين ليس بمعروف في الحديث. اهـ. وقد حكم ابن تيمية على الحديث بأنه حديث حسن، وحسنه الألباني في السلسلة الصحيحة.

Яхудлар ва насоролар олимлари, ҳаромни ҳалол қилиб берганда, итоат қилишганми? Ва ҳаромни ҳалол қилиб берганда, итоат қилишганми? деганларида, Ҳа, деди. Мана шу ибодатлари, дедилар.

Демак, ибодат дегани фақат сажда қилишлик дейишликка, ҳеч кимни ҳаққи йўқ! Агар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлигини тан олса, қуръонни тушунганликларини тан олса, мана бу тафсирдан кейин, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ибодат дегани фақат, сажда қилишлик, дейишликка!

Агар кимда ким, шариатда ҳаром бўлган нарсани, ичидан чиққан бир олимнинг гапига кириб, ҳалол қилиб олса, шариатни ҳукмини олмаса, ибодатни шунга қилган бўлиб, мушрикдир шу одам! Бу Яҳуд ва насоролар йўлига, эргашиб кетган одамдир. Бунини бошқа одам тафсир қилганда, таъвил қилиб, тушунишга журъат қилса, бўларди. Аммо, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари тафсир қилаяпдилар. Ҳатто, ўртада, Аллоҳнинг иродаси билан, Қиёматгача, бу тафсир ҳужжат бўлаяпдики, савол жавоб тариқасида содир бўлишлиги ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, Расулига берган мўъжизасидир!

Ҳозирги вақтда, кўп нарсаларни, шариат маън қилган бу нарсани десангиз, ҳозирги давр рухсат берди. Ёинки, кўп одамлар қилаяпди, биз ҳам қилаверамиз, дейдиган одамлар, Аллоҳгамас, урфга ибодат қилаётган одамлардир! Улар ибодатларни бошқа нарсага қилаётган одамлардир.

6. Ширк амалларидан яна бири, машҳур қабрларга бориб, шулар менга манфаат беради деб, эътиқод қилиб, шулардан мадад сўраб, шу ерда эътиқоф ўтиришлик, ширк амалларидандир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, қабрларга ибодат қилишлик, ширкнинг бошланиши эканлигини билдиларда, бунинг дарвозасини беркитдилар. Ўзларинг ўлим тўшагида ётганларида, яъни, бир одам айтолмайдики, бу ҳадис мансук бўлган деб, баъзи кишилар, (уламолар) вафотларидан уч кун илгари айтганлар, дейишган.

لعن الله اليهود والنصارى اتخذوا قبور أنبيائهم مساجد
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Яҳуд ва насороларни Аллоҳ лаънатласин, Пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олдилар, дедилар. Оддий одамларнинг қабрларинимас. Пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олган, Яҳуд ва Насороларга, Аллоҳ лаънати бўлсин, дедилар. Демак, қабрларга масжид қуриш, бу яҳудларнинг йўли.

Пайғамбарларни озор бериб, баъзиларини ўлдиришиб, ҳаётда бирор бир, Пайғамбарларни ҳурмат қилмасдан яшаган яҳудлар, ўлгандан кейин, ибодат қилишган. Ҳозирги одамларнинг ҳам шунга ўхшатаман.

Пайғамбарнинг ҳурмати, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларни қабул қилмоқлик билан бўлмоғи керак! Аллоҳнинг муҳаббати, Расулига эргашишлиги билан исботланиши керак!

Пайғамбарларнимас, солиҳ кишиларни, ҳар бир миллатдан чиққан солиҳ кишиларни, ҳақиқий Аллоҳ йўлида хизмат қилаётган одамни, тириклигида танимаслик, ҳамма миллатга одат бўлиб бораяпдию, бизнинг ўзбек мусулмонларига хусусан одатдир! Улар ўтиб кетишлари билан, кейин, бу кишини мақташдан бошқа нарса қилмайди. Тарихдаги жуда кўп кишиларни, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни, дарра билан урган ҳам, шу исломни даъво қилган кишилар эди.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни, ҳозирда ҳурмат қилаётган кишилар, агар у кишининг даврида тирик бўлганида, у кишини сўзини қабул қилмаган бўлардилар.

"إِذَا صَحَّ الْحَدِيثُ فَهُوَ مَذْهَبِي"

Ҳадис саҳиҳ бўлса, менинг йўлим шу, деганлар. Менинг сўзимни ҳадисларга солиштиринглар! Агар тўғри келмаса, деворга уринглар! деганлар. Имоми Бухорийни Самарқанддан чиқариб ташлаган ҳам, шу исломни даъво қилган кишилар, эди. Имоми Бухорийнинг Жомеус Саҳиҳлари, қуръони каримдан кейин, ҳамма уламолар иттифоқи билан, улуғ китобдеб, эътибор қилинган китобдир. Бухорога кирмоқчи бўлиб кетаётганларида, Бухородан хабар келдики, Бухорога киришга сизга рухсат йўқ, деган. Хартанг деган жойга келганларида, Аллоҳу таолодан омонатни олишни сўраб, дуо қилдилар. Дуолари ижобат бўлиб, шу ерда қолдилар. Биродарлар, қайси бир тарихда, катта бир инсон келса, уни ҳаётида ҳурматламасдан, вафот этганидан кейин, ҳурматлашлик бу, яҳудийлар одатидир. Яҳудийлар Пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олдилар. Пайғамбарларнинг тириклигида, уларга зулм қилиб залолатга кетишган бўлса, вафот қилганларидан кейин, ҳаддан ташқари ҳурмат билан, залолатга кетишган. Қабрдагилар бизларга, шунча катта жойларни ташлаб кетганидан кейин, уларнинг бир газ жойига, бизлар бориб, талашиб, яна масжид қурмаслигимиз керак!

"ورد عن النبي - صلى الله عليه وسلم - بسند صحيح أنه قال: "لعن الله زائرات القبور، والمتخذين عليها السرج"

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Қабрларни зиёрат қилувчи аёлларга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Қайси нарса лаънат эълон қилинган бўлса, шу ҳозирги халқларда бор, биродарлар! Ажиб, биров вафот қилгандан кейин, эрталабдан қабрларнинг зиёратига, эркаклармас, аёллар боришади. Эркакларга лаънат эълон қилинмаган ўзи. Аёлларга лаънат эълон қилингани учун бўлса керак, аёллар боришади.

"والمتخذين عليها السرج"

Қабрлар устига масжидлар қурадиган ва чироқлар осадиган ва қимматбаҳо нарсалар қўядиганлар аслида аёллармас, эркаклар бўлади. Ҳадиснинг мўъжизаси шундаки, бу лафзи музаккар сиғада келаяпди. Қабрлар устига чироқлар осадиган эркакларга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Чунки, бу исроф биродарлар! Бир одам дадасини ҳурмат қилмоқчи бўлса, дадасига манфаат етказмоқчи бўлса, унинг устига чироқ ўрнатишлик билан бўлмайди. У чироққа сарф бўладиган пулни, Аллоҳ йўлида сарф қилиб, дадасига уни савоби бўлишини, Аллоҳдан сўрашлик билан бўлади. Мабодо, дадасида қасди бўлса, ўзини ҳам лаънатхонада қолишини истаса, қабрига масжид қуриб, устига чиқроқларни осиб қўйсин!

Бу ҳадисни, охирги вақтларида айтилганлиги, шоеъ бўлганлиги, Имоми Бухорий ва Имоми Муслимнинг саҳиҳ тўпламларида келтирилганлиги, бир мўъжизаки, уммат устида жуда катта ҳужжат барпо бўлди. Энди Ислом миллатини билмабмиз, дейишликка ҳаққи қолмади. Ислом миллатини устида, жуда катта ҳужжат барпо бўлди.

Аммо, Яҳуд ва насоролар буларни, ўтиб кетган одамларни, ҳурмат қилишини билишдида, шу билан буларни мушрик қилиб, дуолари ижобат бўлмайдиган бўлиб, улар буларнинг диёрларини мустамлака қиладиган шароитни, шу йўл билан пайдо қилишди.

قَالَ لِي عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ: أَلَا أَبْعَثُكَ عَلَى مَا بَعَثَنِي عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ أَنْ لَا تَدَّعِ تَمَثُّلًا إِلَّا طَمَسَتْهُ وَلَا قَبْرًا مُشْرِفًا إِلَّا سَوَّيْتَهُ. [وفي رواية]: وَقَالَ: وَلَا صُورَةَ إِلَّا طَمَسَتْهَا.
الراوي : علي بن أبي طالب | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Али разияллоҳу анҳу айтадиларки: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Мени жўнатдилар, бирорта баланд қабр кўрсангиз бузиб, текислаб ташлайсиз, Тимсол ҳайкаллар кўрсангиз, изини йўқотиб ташлайсиз, дедилар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуға хабар келдики, Ҳудайбийядаги Дарахтга, одамлар кела бошлашгани хабари келди. Ҳудайбийя сулҳини ҳаммамиз биламиз.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Ҳажга келаётганларида, Ҳудайбийяда Макка мушриклари у кишини йўлини тўсди. Шу ерда мушриклар билан Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сулҳ туздилар. Мушриклар нима шарт қўйса, қабул қилдилар. Баъзи ривоятда ўнта шарт қўйдилар. Бу шартларга, баъзи мусулмонлар сабр қилишолмади. Усмон разияллоҳу анҳу Маккага Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг берган вазифалари билан, келган эдилар. Шунда, Усмон ўлдирилди, деган хабар тарқалди. Шунда Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Усмоннинг бир бармоғи дунё ва ундаги барча нарсалардан афзал дедилар. Маккага қарши жиҳод қилишга қарор қилишди. Шунда бир дарахт остида турдилар ва саҳобалар у кишига баъйат беришди. Молу жонларини тикиб, Макка мушрикларига қарши жиҳод қилишга, тайёр бўлишди. Шу пайтда Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло оятлар нозил қилди.

لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَبَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا
Фатҳ сураси 18 оят

Аллоҳ рози бўлди, шу дарахтни тагида, сизга байъат қилганлардан, деди. Дарахт номи ҳам қуръонда зикр қилинди. Биродарлар, бу дарахтни зикри қуръонда, абадий қолди. Модомики ерда ҳаёт бўлар экан, қуръон туради. Шу қуръонда, шу дарахт зикр қилинади. Аллоҳ рози бўлди, шу дарахтни тагида сизга байъат қилганлардан. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу даврида, у киши Халифалик пайтида, унга хабар келдики, шу даратга одамлар келишни одат қилишибди. Бу дарахт тагида байъат бўлган экан. Шу дарахтни тагида байъат қилганлардан, Аллоҳ рози бўлган. Қуръондаги дарахт, шу дарахт, деган гаплар билан, баъзи одамлар, шуни олдиға бораётгани хабари келди. У ерда биродарлар, товуқ сўйиб, эчки сўйиб, унақа бўлганмас. Улар бориб, шу дарахт тагида, байъат бўлганлигини эслаша бошлади. Шунда, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, Аллоҳ рози бўлсин, асҳобларни жўнатдиларда, шу дарахтни илдизи билан суғуриб олиб, йўқ қилиб ташлашликка буюрдилар. Келажакда, бу ерни ширк жойи бўлиб қолишидан, қўрқдилар.

Абу Мусо ал Ашъарий разияллоҳу анҳу, (Басрада волий бўлган) Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуға одам жўнатдиларки, бир қабрни кавлаётганимизда, бир қабрдан бир жасад чиқиб қолди. Бу жасад, бирор жойи айнамаган, узоқ даврлардан бери, янги жасаддек турган эди. Шу ернинг маҳаллий халқидан бу кимни қабри дердинглар, деб сўрашса, улар Дониёл, пайғамбар қабри, дейишган. Дониёлни кўп кишилар, пайғамбар деб аташади.

Шу қабрда бир мусхаф ҳам бор. Бу мусхафда кўп хабарлар ёзилган экан, ва қачонки, бу ерда қурғоқчилик бўлса, булар шу қабрни очсалар, ёмғир ёғар экан деган, бир хабарни ёзиб жўнатдилар. Шунда, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, мактуб жўнатдиларки, кундузи ўн учта қабр кавлаб, кечаси дафн қилинган, қайси қабрга дафн қилинганлигини, бирор одам билмай қолсин, дедилар.

Кейинчалик, ширк манбаси бўлиб қолмаслигига, шунчалик ҳаракат қилдилар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳунинг бу қилган ишлари, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини тутганларидир бу!

رَأَيْتُ الْأَصْلَحَ يَعْنِي عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ يَقْبَلُ الْحَجَرَ وَيَقُولُ: وَاللَّهِ، إِنِّي لَأَقْبِلُكَ، وَإِنِّي أَعْلَمُ أَنَّكَ حَجَرٌ، وَأَنْتَ لَا تَضُرُّ وَلَا تَنْفَعُ، وَلَوْلَا أَنِّي رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَكَ مَا قَبَّلْتُكَ
المصدر : صحيح مسلم

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, ҳажарул асвадни (Каъбадаги қора тошни) олдиға бориб, Сен тошсан, сен фойда ҳам, зарар ҳам, етказолмайсан. Агар мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сени ўпганларини кўрмаганимда, ўпмасдим, деб, бориб ўпдилар. Яъни, ўпишлик, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашишлик эканлигини, руҳини кўрсатдилар.

Тўртинчи: Амаллар китобу суннатга мувофиқ бўлмоқлиги ва холис қилинмоқлиги керак.

Бизнинг амалларимиз тўғри бўлмоғи шартдир. Урфга тўғри бўлиши эмас. Аждодларимиз қилиб келаётган нарсаларга, тўғри бўлиши эмас. Ҳавоимизга тўғри бўлиши эмас. Шариатга тўғри бўлмоғи керак! Биз қилаётган амал, Қуръон ва ҳадисда баён қилинган бўлмоқлиги керак. Агарчи, бу амал ҳеч кимга маъқул бўлмаётган бўлса ҳам, бу амални биз, тўғри амал деб, биламиз. Иккинчи, бу амаллар холис бўлмоқлиги керак. Яъни, бу амалдан Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ризоси мақсад қилинган бўлмоқлиги керак. Агар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ризоси мақсад қилинган бўлмаса, бу амал тўғри бўлса ҳам, мақбул бўлмайди. Агар Субҳонаҳу ва таолонинг ризоси мақсад қилинган бўлсаю, кечаси билан намоз ўқиб, кундузи рўза тутилсаю, шариатга мувофиқ бўлмаса, у ҳам мақбул бўлмайди. Жоҳил сўфилар, жуда кўп нафл ибодатлар қиладию, шариатга мувофиқми йўқми, ўйламайди. Уларнинг амали барбоддир. Баъзи кишилар, амалларини шариатга мувофиқ қиладию, лекин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ризосини мақсад қилмайди. Бу амал ҳам барбоддир. Ҳаммамизга маълумки, амалларнинг катталаридан, қорилик, Аллоҳ йўлидаги жиҳод, ва саховат, шу учун амал. Мана Имоми Бухорий ҳадисларида, Аллоҳнинг ризоси учун бўлмаганлиги сабаблик, жаҳаннамга улоқтириладиган кишиларнинг биринчилари шулардир, деб, баён қилинган. Чунки, одамлар қори десин, деб, тиловат қилган. Одамлар қаҳрамон десин, деб, жиҳод қилган. Одамлар Хотам Той десин, деб, саховат қилган. Тўғри қилган. Бидъатга сарф қилмаган, биродарлар! Тўғри жойларга сарф қилган. Лекин, риё билан қилгани учун, жаҳаннамга улоқтириладиган кишиларнинг биринчилари бўлади. Чунки, улар мукофотларини, дунёда олиб олишган. Одамлар қори, дейишган. Одамлар қаҳрамон, дейишган. Одамлар Хотам Той, дейишган. Мукофотларини олиб олишган.

قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُمْ بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا
الَّذِينَ ضَلَّ سَعْيُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا
أُولَئِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ وَلِقَائِهِ فَحَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فَلَا تُقِيمُ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَزْنًا
Каҳф сураси 103,104,105 оятлар

Улар биз, жуда яхши амал қиляпмиз деб, даъво қилишади. Аллоҳнинг ризоси учун бўлмаганлиги сабаблик, бу амаллар ҳабата бўлади.

وَجُودٌ يَوْمَئِذٍ خَاشِعَةٌ
عَامِلَةٌ نَاصِبَةٌ
تَصَلُّى نَارًا حَامِيَةً

Ғошия сураси 2,3,4 оятлар

Шундай юзлар бор. Бошини қуйи қилиб туради, жаҳаннамга улоқтирилишидан илгари. Ниҳоятда кўп амаллар қилган. Бу амалларни қилиш учун, ўзини кўп қийнаган. Кечалар бедор бўлган. Кундузлар жуда қийналган. Булар қиздириб қуйдирувчи, ўтга киради. Нима учун? Амаллари холис бўлмаганлиги учун! Сўзимни шу ҳадис билан тугатаман.

وأخرجه ابن أبي عاصم في (الزهد) (127) والطبراني في (مسند الشاميين) (612) من طريق : موسى بن أيوب النصيبى ثنا : خدّاش بن المهاجر ثنا عبد الرحمن بن يزيد بن جابر عن أبي عبيد الله عن أبي الدرداء قال : " قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : " الدنيا ملعونة ملعون ما فيها إلا ما ابتغى به وجه الله عز وجل "

Дунё маълундир ҳаммаси, лаънатлангандир. Дунёдаги ҳамма нарсаси малъундир. Магар Аллоҳнинг ризоси талаб қилинган нарсалар, малъун эмасдир. Сизларга бу сўз кўпол бўлиши ва тушунмаслигингиз мумкин? Шариат илмини ўрганишлик ҳам малъун бўлиб қолади. Агар Аллоҳнинг ризоси учун бўлмаса. Шариат илмини ўргатишлик ҳам малъун бўлиб қолади. Агар Аллоҳнинг ризоси учун бўлмаса. Тиловатлар малъун бўлиб қолади. Агар Аллоҳнинг ризоси учун бўлмаса. Амаллар ва кечқурунги бедор бўлишлар ҳаммаси малъун бўлиб қолади. Агар Аллоҳнинг ризоси учун бўлмаса.

وَمَا لِأَحَدٍ عِنْدَهُ مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَى (19)
إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَى (20)
{وَلَسَوْفَ يَرْضَى (21)}
Валлайл сураси

Аллоҳнинг ҳузурида бирор кимса учун, бир мукофотланадиган неъмат йўқ. Магар Аллоҳнинг ризоси учун, талаб қилинган бўлса, бор. (21 оят мазмуни айтилмаган. Ва тезда, Аллоҳнинг мукофотидан, рози бўлади, шундай амал қилган одамлар.) Мана бу нарсаси, биз билишимиз муҳим бўлган, тўртта масаланинг тўртинчиси, ниҳоятда муҳим бўлмоғи керак!

لَا تَرَالُ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي ظَاهِرِينَ عَلَى الْحَقِّ، لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ خَذَلَهُمْ، حَتَّى يَأْتِيَ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ كَذَلِكَ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Умматимнинг бир тоифаси, доим ҳақда яшайди. Уларни ташлаб кетганлар, уларга зарар етказолмайди. Уларга қарши бўлганлар ҳам, зарар етказолмайди. Ҳақда бўлган одамнинг атрофидагилар, икки хил бўлади. Ҳақда бўлган одамни, бир қисм одамлар, бунга зарар етса, бизга ҳам етиб қолади деб, ташлаб кетади. Иккинчиси, очиқ қарши бўлади. Ҳар иккаласи ҳам, зарар қилолмайди. Улар ҳақда қолиб кетаверади. Ҳатто, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг муҳлати келгунча, шундай бўлади. Улар, шу ҳақда қолиб, дунёдан кўз юмишади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳаммамизни ҳам, мана шу Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам башорат берган, тоифадан қилсин! Аммо, бу нарсаси осонлик билан қўлга келмайди, биродарлар! Ҳаққа амал қиладиган одам кўп бўлади, ҳақнинг бозори чаққон бўлганда. Ҳақнинг бозори касод бўлганда, ҳаққа амал қиладиганлар, жуда камайиб кетади.

Абдуллоҳ ибн Аббос фазилатлари

Абдуллоҳ ибн Аббос, пайғамбаримизнинг амакилари, Аббоснинг учта ўғлидан биридир. Абдуллоҳ ибн Аббос қуръоннинг моҳир суратда билишлик билан, ажралиб турганлар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, Абдуллоҳ ибн Аббосни, ёш бўлсада, ўзларининг уламолар шўросига киритганлар. Баъзи саҳобалар, бизларнинг ҳам ўғилларимиз бор. Мажлисингизга киритинг, деганларида, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу

ذَاكَ فَتَى الْكُهُولِ لَهُ لِسَانُ سُؤُولٍ وَقَلْبٌ عَقُولُ

Бу чолларнинг йигити деб, қўяр эканлар. Ўзи ёш йигит, ақли чол деб, қўяр эканлар. Баъзи вақтда, бу гапни қабул қилишмаганларида, ҳамма уламоларни жамладилар ва шу ўғлимизни мажлисга киргизмайсиз, деганларни ҳам жамлаб, бир оятни тафсирини сўрадилар. Шунда ҳаммалари ўзлари билганича, маъно беришганда, Абдуллоҳ ибн Аббосга қани, сен нима дейсан? дедилар. Бу ерда кенгайтиришга ҳожат йўқ. Шундай жавоб бердиларки, Умар ибн Хаттоб, мен Абдуллоҳ ибн Аббоснинг фикридаман, дедилар. Яъни, бу ёш бўлса ҳам, маслаҳат олишликка ярайди, дедилар.

مَا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا قَلِيلٌ

Каҳф сураси 22 оят

Буларни жуда озлар билади, деган, оятнинг тафсирида, Абдуллоҳ ибн Аббос ўзлари ҳақида, айтган эканларки, мен шу озлар жумласиданман, деган эканлар.

عن قتادة، ذكر لنا أن ابن عباس كان يقول: أنا من أولئك القليل الذين استثنى الله، كانوا سبعة وثامنهم كلبهم

Абдуллоҳ ибн Аббос, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, беш ёшларида таҳорат учун, сув олиб борган эканлар. Ким олиб келди? деганларида, мен дейдилар. Шунда, Худоё бунга қуръонни билдиргин, динда фақиҳ, олим қилгин! деб, дуо қилган эканлар.

وعن البركة والدعوة النبوية التي نالها يقول ابن عباس رضي الله عنه، : كنت في بيت خالتي ميمونة، فوضعت للنبي صلى الله عليه وسلم «طهورا، فقال: «من وضع هذا؟»

«قالت له ميمونة: وضعه عبد الله، قال: «اللهم فقهه في الدين وعلمه التأويل

وقال أيضا ابن عباس، رضي الله عنه : دعاني رسول الله صلى الله عليه وسلم فمسح على ناصيتي، وقال: «اللهم علمه الحكمة وتأويل الكتاب»

Абдуллоҳ ибн Аббос, шу дуонинг таъсирини, доим сезиб яшадим, деган эканлар. Абдуллоҳ ибн Аббосга, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам икки марта, ҳикмат сўраб дуо қилганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос, Жибрил алайҳиссаломни, икки марта кўрган эканлар.

Хадича разияллоҳу анҳонинг фазилярлари

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам йигирма беш ёшларида, Хадича онамизга турмуш қилдилар. Иккита фарзандлари бор эди. Қирқ ёшларида эдилар. Биз тарихга, йигирманчи аср кўз ойнагани олиб қўйиб, қарамоғимиз керак. Бизнинг кўзимизга, йигирманчи аср, иқтисод ва шаҳват кўзойнагани тақиб қўйган. Ҳар бир насани иқтисод ва шаҳват кўзойнаги билан кўраимиз. Тарихда ким ўтган бўлса, текшираимизки, иқтисодда улуғ бўлган бўлса, улуғ одам деймиз.

Шаҳватда, бутун шаҳватга берилган Оврупо одамларига катта одам деб, қараймиз. Уларнинг шаҳватпарастлиги бекитилинади. Ислон кишиларини тарихида сал иқтисодга ё, шаҳватга алоқаси бўлса, бизга бунга ёмонлаб кўрсатилади. Бизнинг кўзимизга кўринмай турган, иқтисод ва шаҳват кўзойнаги, бизга шундай ёмонлаб кўрсатади. Биз йигирманчи аср кўз ойнагини олиб қўйиб, тарихга қарасак, тарихни ўзини кўраверамиз. Мана шу мисолни олайлик.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам йигирма беш ёшларида, Хадича онамиз қирқ ёшларида, иккита фарзандлик аёлга турмуш қилдилар. Ҳозирги одамларнинг ҳаммаси, бундай турмушга, ёш йигит, фойдалиқ турмуш қилмаган деб, қарайди.

Абу Толиб хутба ўқиди. Унинг хутбасидан шу маълум бўладики, Хадича мисли йўқ, Аёл. Лекин, менинг жияним ҳам каммас, деб, Хадича онамизни, ўша пайтда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан ҳамма соҳада юқори бўлганлигини, бу турмушдан фойда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга бўлаябди деб, хутба ўқиган. Хадича онамиз, у кишидаги баъзи аломатларни кўриб туриб, турмуш қилганлар. Ва башарийят тарихидаги охириги пайғамбарни, биринчи бўлиб, тасдиқлаган покиза Зот, шу киши бўладилар. Хадича онамиз, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, кўп хизмат қилдиларки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мана бу ахлоқларидан, ўзимизга хулоса чиқариб олсак бўлади.

Ва ҳозирги кундаги кишилар ўзининг оиласига шунақа ишни қилганми, йўқми, текшириб ўзи билиб олсин! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қўй сўйсалар, шу қўйни гўштидан, Хадича онамизнинг дугоналарига, жўнатиб юборар эканлар, вафот қилиб кетганларидан кейин. Бирор бир киши, ўзининг оиласи ўтиб кетганидан кейин, шундай яхшилиқ қилганида, уни таниган аёлларга, бир нарса жўната оладими?! Жўнатганми?!

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Хадича онамизни шунчалик кўп, ёд қилганларки, вафот қилиб кетганларидан кейин, Оиша онамиз айтар эканларки, мен бирорта аёлга рақш қилмадим, Хадичага рақш қилганимдек, ваҳолонки, мен Хадичани кўрмаган эдим, дейдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг насаблари ҳам, асосан Хадича онамиздан қолди.

خَيْرُ نِسَائِهَا مَرْيَمُ بِنْتُ عِمْرَانَ وَخَيْرُ نِسَائِهَا خَدِيجَةُ بِنْتُ خُوَيْلِدٍ
المصدر : صحيح مسلم

Аввалги умматлар ичидаги аёлларнинг энг яхшиси, Марям бинти Имрон бўлса, кейинги умматлар аёлларининг энг яхшиси, Хадича бир Хувайлид деган, эканлар.

Аммор ибн Ёсир фазилатлари

Аммор ибн Ёсир саҳобалар ичида, Аллоҳ йўлида энг қаттиқ азоб чеккан саҳобалардандир. Амморга азоб бераётганларида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган эканларки, Уларга нима бўлдики, Аммор уларни жаннатга чақирса, улар уни жаҳаннамга чақиришяпти. Бадбахт кишиларнинг одати шу бўлади, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларида ўтирган эдим, дейдилар, Али ибн Абу толиб, Аммор келиб қолди ва изн сўради. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам рухсат беринглар Амморга. Покиза ва покизаланганга дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аммор ҳақида, Аммор товонидан тортиб, сочининг учигача, имон билан тўладир, деганлар.

Икки киши ҳаммомдан покизаланиб, хушбўйланиб чиқиб, Али разияллоҳу анҳунинг олдида келдилар. Кимсизлар? деганида, Бизлар муҳожирларданмиз, дейишди. Али разияллоҳу анҳу, Ҳақиқий муҳожир, Аммор ибн Ёсир, дедилар. Аммор ибн Ёсир олдида, муҳожирман деб, айтманглар, дедилар.

Аммор ибн Ёсир разияллоҳу анҳу билан, Холид ибн Валид ўртасида гап ўтиб қолганда, Аммор ибн Ёсир, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, шикоят қилиб келдилар.

Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам,

وقال الحافظ ابن حجر: «عن خالد بن الوليد قال: كان بيني وبين عمار كلام فأغلظت له، فشكاني إلى النبي صلى الله عليه وسلم، فجاء خالد فرفع رسول الله صلى الله عليه وسلم رأسه فقال: من عادى عماراً عاداه الله ومن أبغض عماراً أبغضه الله ومن يسب عماراً يسبه الله

Ким Амморни ёмон кўрса, Аллоҳ уни ёмон кўради, дедилар. Ким Амморга адоват қилса, Аллоҳ адоват қилади. Ким Амморни сўкса, Аллоҳ уни сўкади, дедилар. Бир инсонни ҳимоячиси Аллоҳ бўлишлиги фазилати, кифоя қилади, биродарлар!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, дарсимизни ҳаммамизга манфаатлик қилсин! Шу дарсимизга амал қилишимизга, Аллоҳу Таоло, тавфиқ берсин! Биродарлар тавҳид ҳақида кўп гапирганмиз ва яна гапираверамиз. Чунки, бу Аллоҳнинг ҳақи, доим кўз олдимизда бўлишлиги керак! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дунёда тавҳид билан яшашликка, тавфиқ берсин!

Ўтиб кетаётганимизда ҳам, шу тавҳидга содиқ бўлган ҳолда, ўтиб кетишликка тавфиқ берсин! Шунга қодир қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

38 дарс тугади.

39 Дарс

Қиёмат кунида Аллоҳнинг соясида турувчи етти тоифа ҳақида

(Бу дарс аввалида, ҳадис тўпламлари тарихи айтилади ва Имоми Нававийнинг Риёзус Солиҳин китоби билан, қисқача таништирилади. Ва қиёмат куни, Аллоҳнинг соясида турадиган етти тоифани кимлигини, кенг суратда, ҳаётий мисоллар билан, тушунтириб берилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Ҳадис тўпламларини ёзишликка, жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини, биринчи бор девон қилинган давр, Халифа Умар ибн Абдулазиз даврлари бўлди. (Уммавийлардан бўлган Бу халифа, милодий 717 йил Халифа бўлганлар 720 йилда вафот этганлар) Раҳматуллоҳи алайҳ. Бу киши, биринчи марта, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини биринчи бор, девон шаклига келтирдилар. (Китоб қилдилар) Умар ибн Абдулазиз даврлари, исломнинг олдинги Хилофат даврига ўхшаган, олтин давр ҳисобланади. Умар ибн Абдулазиз икки йилу тўрт ой, валлоҳу аълам, Халифа бўлиб турганлар. Шу муддат ичида, замони саодатдан кейин, пайдо бўлган бидъату хурофотларни тозалашдек катта неъмат, бу кишига насиб бўлди.

Имоми Молик ўзларининг Муватто номлик, ҳадис тўпламларини, шу пайтда ёзиб, девон шаклига келтирди. (Китоб шаклига келтирди) Ҳадис ровийлари ниҳоятда тақволик кишилар бўлишган. Ислом тарихида муҳаддислардек, тақволик кишилар бўлганмас, биродарлар. Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ҳаммаларига. Умар ибн Абдулазиз, имоми Моликни чақириб, китоб билан табриклаб, у киши тўплаган ҳадислар тўплами Муваттони, Халифалик ҳудудида тарқатсак, бошқалар қўлларидаги ҳар хил ҳадисларни йиғиштириб ёқиб ташласак, деган таклиф киритди.

Имоми Молик буни, қатъиян рад қилдилар. Хоҳлаган одам, хоҳлаган ҳадис тўпламига амал қилсин, одамларни бир ҳадис тўпламига олиб келиш тўғримади, деб, халифани рад қилдилар. Бу исломдаги саҳиҳ ҳадисга амал қилиш эркинлигини исботлайди, биродарлар! Имоми Молиқдан кейин, Имоми Бухорий, Имоми Муслим каби, шу Сихоҳи Ситтани, олти саҳиҳ тўплами, муаллифлари дунёга келдилар.

Буларнинг аксарлари, фаҳрки, бизнинг диёримиздан етишиб чиқдилар. Шу тўпламларга бутун дунёда қиёматгача, дарс бўладиган илмга, асос солиб кетишдилар. Минг афсуслар бўлсинки, ҳадис устозлари шу диёрда вужудга келган бўлишига қарамасдан, ҳадисларга амал қилишликда, энг орқада қолган диёрлар ҳам, шу ер бўлди. Тўғри, бу нарса ўз ўзидан вужудга келгани йўқ. Ислонинг ашаддий душманлари, бу ерда ҳамма соҳада, дунёни титрата олган, шариат соҳасида, мукаммал устозларни етиштириб чиқарган, бу диёрдаги, ислонни мукаммал тушунган, ниҳоятда закий устозларни, оз фурсатда, қурбон қилиб, йўқотиб ташлашлик натижасида, бунинг таъсири катта бўлди.

Уламолар ичида содда кишиларгина, ва Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзи сақлаган кишиларгина саломат қолди. Бунинг натижасида, оддий халқ, ислонга амал қилишликдан маҳрум бўлди. Бу тазйиқлар натижасида, Ислоннинг асоси бўлган, китобу суннатга амал қилиш, бизнинг диёримизда камайиб қолди. Уламоларнинг йўқлигидан фойдаланган, ислон душманлари, матбааларга кириб олиши натижасида, туркий ва бошқа китобларга заиф ва мавзуъ бўлган, заиф бўлса ҳам бир навъ эди, биродарлар. Мутлақо мавзуъ бўлган, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, тўқилган ҳадисларни, аста секинлик билан китобларга киритишди. Ҳадисларни ажратиб берадиган уламолардан, маҳрум бўлиб қолган миллат, секин аста, ўзаро мавзу ҳадисларни ҳам ривоят қилиб бошлашди. Бунинг натижасида, ислоннинг асоси, саҳиҳ ҳадисларни билмаслик, бизнинг диёримизда вужудга келди. Такрор айтаман, бу нарса ўз ўзидан вужудга келгани йўқ. Ажойиб уламоларнинг қатл қилиниб, йўқотиб ташланишлиги натижасида, вужудга келди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг раҳмати бўлсин, шу шаҳид бўлган уламоларга. Шунинг учун, Ислон душманлари, ҳақиқий ислонни тушунган кишидан, доим ташвишда бўлади, биродарлар! Қуръон ва ҳадисни мукаммал билган кишидан, улар доим ташвишда бўлади. Ислоннинг ҳақ эканлигида, шак шубҳа йўқ. Лекин, ислоннинг ичига сохта, тўқима нарсаларни киритиш натижасида, Ислон сохталашди. Қўлбола «ислом» вужудга келади. Мана бу Ислоннинг нурига, қоронғулик, лой чаплайди. Шу билан одамлар, Ислонни хунук шаклда кўриш натижасида, буни ажратиб ололмаганлигидан, секин аста ислондан четлана бошлайди. Мана бу нарса, бизнинг диёримизда, вужудга келган нарса.

Хусусан, ёшлар тамоми Ислондан узоқлашиб кетганлигининг сабаби, бутун Ислонда йўқ бўлган туҳматлар, Ислонга ёпиштирилиши натижасида бўлди. Ислон душманлари, Ислонни доим, қора нарса қилиб кўрсатишган. Мана бу ерда ўтирган ёшлар, ҳаммалари ислонни бошқача эшитишган. Лекин, бирорталари, Ислонни билган кишидан эшитишмаган. Ислоннинг ашаддий душманидан эшитган. Ислоннинг ашаддий душманлари, ҳеч қачон сизга, Ислонни чиройли қилиб кўрсатмайди.

Ислон бир покиза нарса эди. Бутун мавжудотни яратган Зот тарафидан келган эди. Бутун мавжудотни, биз учун яратган Зот, тарафидан келган эди. Ислонни ҳақлигида, шак шубҳа йўқ эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандаларни азоблашлик учун, яратган эмас, эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бандалардан бир эҳтиёжи бўлиб, шу эҳтиёжини қондириш учун яратганмас эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг ягона Маъбуд бўлиши учун, бутун мавжудотни ва бандаларни яратган эди. Ибодат икки қисм бўлади. Биринчи қисм, оламдаги мавжудот, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, оламдаги қонунига бўйсунди. Шу қонуниятдан заррача ҳам, ташқарига чиқолмайди. Коинотдаги сайёралар, қил миқдорича ҳам, Аллоҳнинг қонуниятидан ташқарига чиқолмайди. Инсон ҳаёти, икки қисмга бўлинади. Бир қисмида у Аллоҳнинг қонуниятига, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, бўйсунди. Бунда у бошқа мавжудот билан бирга, Аллоҳнинг ибодатида яшайди. Бунда, энг тақволик мўмин ҳам, энг ашаддий даҳрий ҳам бир! (Яъни, Кавний ибодатда яшайди)

Инсон кўзи билан кўради, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам. Қулоғи билан эшитади. Ўпкаси билан нафас олади. Ҳар бир аъзо, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан топширилган вазифани, инсон хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, бажаради. Бунда у Инсон, даҳрийлар билан бир хилдир. Ҳатто, ҳайвонлар билан ҳам, ҳатто, эшак билан ҳам, бир хилдир. Бунда фарқ қилмайди. Бу мажбурий ибодат. Иккинчи тарафи, мана бу билан у, бошқалардан фарқ қилади. Ҳайвонлардан фарқ қилади. Ҳайвонлардан баттар бўлган, мушрикдан ҳам, фарқ қилади. Шу иккинчи тарафида, инсонда ихтиёр бор. Ихтиёр билан ибодат қилишлик ва ё, қилмаслик ихтиёри бор. Шу билан мукаррам қилинган. Оламда бирор бир махлуқот йўқки, ихтиёр билан яшаш ҳуқуқига эга бўлган, магар инсон бор. (Жинлар ҳам бор)

Шу инсон, ўз ихтиёри билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг кўрсатмасига амал қилишликка, Аллоҳнинг тавфиқи билан, муваффақ бўлади. Ва абадий бадбахтлик жойи бўлган жаҳаннамга, шу ихтиёри билан, ўтин бўлади. Биз билишимиз керакки, ихтиёр сабаблик, биз мукаррам бўлдик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга, ихтиёрдек, улуғ неъматни берди. Танлаб олишлик ихтиёрини берди. Бирор бир мавжудотга бермаган неъматини, берди.

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْوَيْدِ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا
Исро сураси 70 оят

Одам авлодини мукаррам қилдим, деди. Энди шу мукаррам бўлган нарсa билан, бадбахт бўлишликдан кўра, катта шармандалик йўқдир. Аллоҳ бизни ихтиёр билан мукаррам қилган, эди. Энди шу мукаррам бўлган тараф билан, бадбахт бўлишлик ва жаҳаннамга ўтин бўлишликдан кўра, катта шармандалик йўқдир. Дарсимизнинг аввалида, тилга олган ҳадис тўпламларидан, бирининг муаллифи Имоми Нававийдир. Имоми Нававий ҳаётларида бошқа муҳаддислар қатори, ниҳоятда тақво билан ҳаёт кечирдилар. Кўп меҳнат машаққатлар билан, ўзларининг Риёзус Солиҳин, номли тўпламларини ёздилар. Кўп саҳиҳ ҳадисларни шу тўпламга тўпладилар. Риёзус Солиҳин, бу Солиҳ кишиларнинг боғи, деган маънони билдиради. Боғларда одамлар истироҳат қилиб юришни хоҳлашади. Ҳаётдаги боғларда, мўмин кишилар Аллоҳнинг қудратини тамошо қилса, кофирлар шу ерларда фисқ фуужур ва маъсиятни зиёда қилишади.

Мўмин киши, роҳатланганда, Аллоҳга итоати кучайса, фосиқ кишини, маъсияти кучаяди. Ҳаётдаги боғларда, гуллар очилиб, маълум муддатдан кейин, йўқ бўлиб кетса, маънавий боғ, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари тўпланган боғ, бу ҳеч қачон гуллари сўлимайдиган боғдир. Бу боғни ҳидини билмоқлик учун салоҳият бўлмоқлик керак. Қалбида салоҳият вужудга келса, бу ҳадис гулларида яхши бўй олади. Фосиқ одам, фисқ ишларини кўрганда яйраб кетса, солиҳ одам, салоҳият ишларини кўрганда яйрайди. Фосиқ одам, дунё боғига кириб, фисқ ишларини қилиб яйраса, мўмин одам, бу ҳадис боғларига кириб, ўзига бир салоҳият аломатларини олиб яйрайди. Шунинг учун ҳам, Риёзус Солиҳин, деб атаганлар. Ҳаммининг боғимас бу. Солиҳ одамларнинг боғи!

Бу боққа Солиҳ одамлар кирсагина, баҳраманд бўлади. Фосиқ одамларга ҳадис ўқиб берсангиз, ҳозир бу охиратдан бошлайди, гапни, дейди. Охиратдан кўрқитиб бошлайди ҳозир, дейди.

وَإِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَحْدَهُ اشْمَأَزَّتْ قُلُوبُ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآلِ آخِرَةٍ وَإِذَا ذُكِرَ الَّذِينَ مِنْ دُونِهِ إِذَا هُمْ يَسْتَبْشِرُونَ
Зумар сураси 45 оят

Якка Аллоҳни зикр қилинса, охиратга имон келтирмаганларнинг қалблари малолланади. Агар Аллоҳдан бошқа, зикр қилинса, хурсанд бўлиб, яйраб кетишади.

Аллоҳни зикридан гапирсангиз, бир пасда эснашу, малолланиш бошланади. Бошқа нарсани гапирсангиз, бир пасда қизиқиб, очилиб кетишади. Мана, ҳозирги ёшлар кўпи, маъсият, ўйин кулгулар бўлса, маъноси йўқ нарсаларни кўриб, кечаси билан ухламай чиқаверади. Мана бу нарсалар, қалбдаги салоҳийятни йўқолиб кетганидандир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буни, қуръони каримда, бир оят билан ифодаб қўйди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, айтадиларки:

عَنِ النَّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ - وَأَهْوَى النَّعْمَانُ بِاصْبَعِهِ إِلَى أُنْفِهِ: إِنَّ الْحَلَالَ بَيِّنٌ، وَالْحَرَامَ بَيِّنٌ، وَبَيْنَهُمَا مُشْتَبِهَاتٌ لَا يَعْلَمُهُنَّ كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ، فَمَنْ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ فَقَدْ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ، وَعِزُّهُ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ وَقَعَ فِي الْحَرَامِ، كَالرَّاعِي يَرَعَى حَوْلَ الْجَمَى، يُوشِكُ أَنْ يَقَعَ فِيهِ، أَلَا وَإِنْ لَخَلَّ مَلِكٌ جَمَى، أَلَا وَإِنْ جَمَى اللَّهُ مَحَارِمَهُ، أَلَا وَإِنْ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةٌ إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Ҳалол тиниқ нарса. Биродарлар кўп одам ҳалол ҳаромни сўрайди. Бу сўровчиларнинг аксари, бирор бир ҳаромга йўл чиқиб қолармикан деб, сўрайди. Ҳалол тиниқ нарса. Ҳалол нарсада одам, шубҳа қилмайди ўзи. Ҳаром ҳам тиниқ нарса. Ҳаром нарсаларни еяётган ва қилаётган одамларни кўрсангиз, ҳаммалари, бекитиб, еб ичади ва бекитиб қилади. Ҳаром аниқ нарса. Ҳаёти бўйича, Фоҳишабоз бўлиб ўтган одам ҳам, фоҳишалигини ошкор қилмайди. Маст қилувчи ичимликни ичган одам, бирор бир салоҳийятлик одамни кўриб қолса, бекитади. Тўнғиз гўшти ҳаром, қон ҳаром, лекин, фақат ҳаром ейдиган одамлар тўплангандагина, буни сезишмайди. Ҳаром ҳам аниқдир.

Лекин, ўртада иштибоҳлик нарсалар бор. Буни кўп одамлар билмайди. Мана шу шубҳалик нарсалар, одамни ўйлантирадиган нарсалар шу. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: ким шубҳалардан сақланса, динини ва обрўсини поклабди. Шубҳа нарсалардан сақланган, одамни ҳақиқатда дини ҳам тоза ва обрўсига путур етмайди. Лекин, шубҳалик нарсаларни қилган ва шубҳалик ерларда бўлган одамлар, барибир обрўсига путур етади. Ундан ташқари, шубҳалик нарсаларга тушган одам, ҳаром тушиб қолишлиги ҳам мумкин? Шубҳалик нарсаларга яқин юрган инсон, худди, чегара қилиб қўйилган ерда, қўй боқиб юрган чўпонга ўхшайди. Чегарага яқин юрган ҳайвон, у нариги тарафга ўтиб кетиши мумкин. Худди, шунга ўхшаган, шубҳалик нарсаларга яқин юрган инсон, ҳаромга ўтиб кетаверади. Ҳар бир подшоҳнинг чегаралари бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳам чегаралари бор. Булар ҳаром қилинган амаллардир. Бу ёққа ўтманглар деб, чегара қўйилган.

Мақсад шу эдики, салоҳийят тўғрисида гапирдик. Инсон, нима учун, Аллоҳнинг буйруқларини яхши кўради?! Нима учун, Аллоҳнинг буйруқларини малолат билан эшитадиган бўлиб қолади?! Жасадида бир парча гўшт бор, дедилар. Агар у ўнганса, жасаднинг ҳаммаси ўнғланади. Агар у бузилса, жасаднинг ҳаммаси бузилади. Бу қалбдир, дедилар.

Қалб бузилиб қолгандан кейин, у салоҳийятлик сўзларни хоҳламай қолади. Унга фасод маъқул бўлиб бораверади. Шунинг учун мен, Риёзус Солиҳинга, солиҳ кишилар боғига, шу ерда ўтирган жамоани, етаклаб олиб кирмоқчиман. Шу ердаги баъзи гулларни кўрсатмоқчиман.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

حديث أنس عن النبي ﷺ قال: ثلاث من كن فيه وجد بهن حلاوة الإيمان: أن يكون الله ورسوله أحب إليه مما سواهما، وأن يحب المرء لا يحبه إلا الله، وأن يكره أن يعود في الكفر بعد أن أنقذه الله منه، كما يكره أن يقدف في النار

Уч нарса борки, агар шу уч нарса кимда бўлса, имоннинг ҳаловат, лаззатини татийди, дедилар. Ҳар бир нарсанинг лаззати бор. Биз кўп нарсаларнинг лаззатини биламиз.

Аммо, имоннинг лаззатини кўпимиз билмаймиз. Имон бу, шундай нарсани, шу билан, биз жаннатга киримиз. Имон бу, шундай нарсани, шу билан биз Аллоҳнинг ҳузурида, мўътабар бўлганмиз. Имон бу, шундай нарсани, бизнинг, шу билан ҳамма амалимиз мақбул бўлади. Шу имоннинг ҳаловати, уч сифати бор кишиларгагина, насибдир.

Биринчиси, Аллоҳ ва Расули унга бошқа ҳамма нарсдан суюли бўлса. Аллоҳ ва Расули шундай деган, деса, у шу сўзга амал қилади. Аллоҳ ва Расули шундай деган, деса, у ҳавосини эсдан чиқаради. (шахсий фикрини) Ва маҳалласини фикрини эсдан чиқаради. Қариндошларини фикрини эсдан чиқаради. Агар, маҳалласию, қариндошлари, Аллоҳ ва Расули билан бирга бўлса, улар билан бирга бўлади. Шу нарса бўлмагунча, имоннинг ҳаловатини татимайди. Имоннинг ҳаловатини татиганда, дунёдаги бошқа ҳамма озор, унга лаззатли бўлиб қолади. Шунинг учун саҳобалар, ёлғиз қолишганда ҳам, бахтлиқ бўлиб яшашди. Нима учун?! Имоннинг ҳаловатини татишганди.

Иккинчиси, бир кишини Аллоҳ учун яхши кўрса. Аллоҳ учун яхши кўриш биродарлар, тил билан жуда кўп одамда ифодаланади. Аллоҳ учун яхши кўриш неъматига, ҳар ким сазовор бўлолмайди. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ҳузурига бир киши келиб, сизни Аллоҳ учун яхши кўраман, деди. Унда молинга мендан кўра ҳақлимассан, бугундан бошлаб, дедилар. Яъни, чўнтагиндаги пулинга, мендан кўра ҳақлимассан, мендан кейинги ўринда турасан, дедилар. Унда мен бунга, тайёرمас эканман, деди. Яъни, улар мунофиқлик қилишмасди. Тўғриси айтиб қўйишаварди. Аллоҳ учун яхши кўрганлар, мана шу нарсга тайёргарлик кўришсинлар. Бўлиб ҳам ҳозирги даврда, жонни қурбон қилишлик мумкинку, молу мулкни қурбон қилишлик бу иқтисодий бўҳрон даврида қийин бўлса керак?! Аллоҳ осон қилганларга осондир.

Учинчиси, Ва куфрга қайтишликни, Аллоҳ куфрдан қутқаргандан кейин, ўтга улоқтиришликни ёмон кўргандек, ёмон кўрса. Ҳар қандай азобу укубат бўлса, барибир куфрга қайтишликни ёмон кўради. Ўтга улоқтиришликни ёмонлигини қандай тасаввур қилса, куфрга қайтишликни эслаганда, шундай даҳшат олади уни. Масалан, мусулмон одамнинг зарарига иш қилишлик билан, одам имондан чиқади, биродарлар! мусулмон одамнинг зарарига иш қилган одам имони борлигини, ҳаёлига ҳам келтирмасин, биродарлар! Бир одам маст қилувчи ичимликни ичса. Кофир бўлмайди. Ҳадисларнинг зоҳири, маълум бир вақт, имон ундан чиқиб туради.

Аммо, мўмин одамнинг зарарига иш қилган одам, Аллоҳ буни ҳаром қилган. Бу одам ниҳоят даражада қаттиқ жиноятчи одамдир. Энди маош олиб, мўминларнинг зарарига иш қилган одам ҳақида, оввора бўлиб, гапириб ҳам юрманг у ҳақида. Биз имоннинг ҳаловатини билмаймиз, биродарлар! Сабаби шуки, бизда шу учта сифат йўқ! Учов сифат мукаммал бўлган вақтда, имоннинг ҳаловатини татиймиз. Мисоли шунга ўхшайдики, мижози сафровий бўлган одам, асалнинг лаззатини билмайди. Ўртада асал турибди. Бир одам, ширин экан деб, ейди. Бу сафровий мижоз бўлган одам, таъми йўқ бир нарсани еяётгандек, индамай еяверади. Нима учун? Унда бир дард бор. Касаллик бор. Шунинг учун асалнинг лаззатини билмайди. Шунга ўхшайдики, имоннинг лаззатини шу учта нарса, вужудга келган вақтда, яъни, биздаги дард чиқиб кетганидан кейин, бизга маълум бўлади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, етти тоифага башорат бердилар. Етти тоифа борки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сояда қўяди, уларни, Ўзининг соясидан, бошқа соя йўқ кунда. Инсон ўзидан чиққан тер билан, қулоғининг юмшоғига, фарқ бўлиб кетган соатда, сояда қўяди. У ерда ҳеч қандай дарахтнинг сояси йўқ. Бирор бир ёпинчиқ йўқ. Бирор бир соя йўқ.

Инсон ўзига қўли билан, ё бошқа нарса билан, соя қилишга қодирмас. Шу вақтда сояда бўлади. Бу соя, Аллоҳнинг сояси. Бу соянинг улуғлигига, Ўзига изофа қилишлигини ўзи кифоя қилади. Бу соя, тамоми роҳатланадиган сояларни, яратган Зотнинг сояси. Бу соя, тамоми тамоми мавжудотни, яратган Зотнинг сояси. У сояни қандайлигини, шу етти тоифа, шу сояда турганда, билади. Бу соя, мисли қўрилмаган соя. Буни тил билан ифодалашни, имкони йўқ. Жазирама иссиқда қолган одамга, соядан бошқа нарса керак бўлмайди. Мана шундай кунда, жазирамада қолган одамга, шу соядан бошқа нарса керак бўлмай қолганда, шу етти тоифа, сояда бўлади.

أَخْرَجَ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ - رَحِمَهُ اللَّهُ - فِي صَحِيحِهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ: (سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمْ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي ظِلِّهِ، يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ: إِمَامٌ عَادِلٌ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ اللَّهِ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ فِي خَلَاءٍ فَقَاضَتْ عَيْنَاهُ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسْجِدِ، وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ، وَرَجُلٌ دَعَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالَ إِلَى نَفْسِهَا، قَالَ: إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا صَنَعَتْ يَمِينُهُ

Бу еттита бахтлиқ одамлар кимлар?

1. Адолатлик имом. Масжиднинг имомимас, биродарлар. Имом, Аллоҳнинг ҳудудларини жорий қилига қодир бўлган шахсдир. Яъни, турмуш қурган зинокорни тошбўрон қилиб қатл қилишликка қодир бўлган. Ўғри бўлса, қўлини кесишликка қодир бўлган. Хуллас, Аллоҳнинг ҳудудларини жорий қилига қодир бўлган киши, Имомдир! Адолат нима?! Аллоҳнинг ҳукминигина жорий қилган одам, адолатлик кишидир. Ер куррасида ҳеч кимнинг қонунини жорий қилмаган, ва ҳеч кимнинг раъйига қарамасдан, фақат, Аллоҳнинг ҳукминигина жорий қилган Имом, Аллоҳнинг соясида бўлади. Ҳеч ким жазм билан айтолмайди, лекин, Ислом тарихидаги, Умар ибн Хаттобдек, адолатлик имомлар бўлади, валлоҳу аълам?! Чунки. Исломни қабул қилганларидан тортиб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларида заррача чиқмадилар. Ҳамма ҳаётлари адолатга тўла бўлди.

Умар ибн Хаттоб кўп сифатлари билан машҳур. Аммо, адолат билан, ниҳоят даражада машҳурдир. Адолат кучлик ва кучсизга баробардир. Абу Бакр Сиддиқ Халифа бўлганларидан кейин, биринчи хутбалари шу бўлдики, сизларнинг ичинглардаги кучлик одам. Агар зулм қилса, менинг олдимда энг кучсиз одамдир. Ундан мен зулмини албатта қайтариб бераман. Сизлар кучлик деб, эътибор қилган одам, менинг наздимда заифдир, дедилар. Сизлар заиф деб, эътибор қилган одам, менинг наздимда кучлиқдир, одамдир, дедилар. Ҳаққини олиб бераман дедилар.

Камбағалпарвар бўлишлик ҳам, адолатмас, биродарлар. Нима учун доим Камбағалпарвар бўламиз?! Нима учун бойлар, доим хато бўлади? Бу низом. Аввалги етмиш йил Камбағалпарвар бўлишлик натижасида, хато қилди. Камбағаллик бутига ҳам Ислом қарши бўлди. Нима учун доим бой одам, хато бўлиб, камбағал одам, доим тўғри бўлади?! Шунинг учун, биз камбағалпарвар ҳам эмасмиз, бойпарвар ҳам эмасмиз, биз Ҳақпарвармиз демоклигимиз керак! Биз халқпарвар ҳам эмасмиз дейишлигимиз керак! Ҳақпарвар бўлмоқлигимиз керак! Нима учун, халқ доим тўғри бўлиши керак? Кўринг мана, етмиш йил муддатда, шунча халқлар ҳаммаси, залолатда бўлганлигини, ўзлари эълон қилишяпти.

Нима учун? Чунки, халқпарвар бўлишлик хатодир! Камбағалпарвар бўлишлик хатодир. Бойпарвар бўлишлик хатодир. Эркақпарвар бўлишлик хатодир. Аёлпарвар бўлишлик хатодир. Болапарвар бўлишлик хатодир. Қарияпарвар бўлишлик ҳам хатодир. Магар Ҳақпарвар бўлишлик тўғридир. Нима учун, қариялар доим тўғри бўлади? Ким кафолат беради?! Нима учун ёшлар, доим хато бўлиши керак?! Ким бунга кафолат бера олади?! Демак, адолатлик имом, ҳақпарвар имомдир! Ҳақ доим ягонадир! У Исломдир. Яримта ҳақ ё чорак кам ҳақ, йўқ, дунёда. Бу кўп нарсада, маломатчининг маломатидан кўрқмасликни талаб қилади. Аллоҳнинг соясида бўлишлик осонмас, биродарлар!

Агар бир ҳақни барпо қилмоқчи бўлсангиз, бизнинг турк тилда айтганда, буниси қош ва буниси кўз. Буни риоя қилайми ё, буни риоя қилайми? Бутун умрингиз, қарамликда ўтади. Ҳақпарвар бўлсангиз, мен ҳақни жорий қиламан дейсиз. Ўзингизга ҳам роҳат бўлади. Қутуласиз. Ҳозирги вақтдаги қийналаётган ишларни_ текшириб чиқсангиз, ҳаммаси шу, адолатсизликдан келиб чиқади. Аллоҳнинг ҳукми ўзгармас, битта! Кимга бўлса жорий қилади. Қариндошими бошқами, кимга бўлишидан қатъий назар, жорий қилаверади. Умар ибн Хаттобнинг адолатидан_ битта мисол. Миср диёрининг амири Амр ибн Осснинг ўғли, кичик одаммас, Амр ибн Осс, Мисрнинг фотиҳи ҳисобланади.

Амр ибн Осснинг ўғли Каъбани тавоф қилаётганда, бир Қибтийни бир шапалоқ уради. Қибтий бу Мисрлик маҳаллий халқ, қул бўлиб яшаган. Мумкин у қуллигида, кунига неччи марта қамчи егандир? Мана шу Мисрлик киши, шу Мисрни қулдорликдан озод қилган Зотнинг ўғли билан, ёнма ён тавоф қилаётганда, либосини босиб олганлиги учун, шапалоқ билан урди. Улуғнинг ўғлидан олгин насибангни деб, урди. Қибтий Исломни қабул қилишликдан илгари, бу калтакларни хорлик деб, ҳис қилмаган эди. Энди Ислом бунинг қалбини қулликдан озод қилгандан кейин, бу ҳар қанча катта одам бўлса ҳам, Ислом ҳаммани баробар деб, эълон қилганидан кейин, Исломдан адолат талаб қилиб, Ислом адолатини барпо қиладиган одамдан, адолат талаб қилиб, шу еган бир шапалоқ учун, кимдан еган? Шу диёрни, қулликдан озод қилган зотнинг ўғлидан_ еган эди.

Ҳа, мени бир шапалоқ урган бўлса ҳам, шунча қийинчиликлардан озод қилган, қўяверай демади. Чунки, Ислом унга шунчалик, ҳуррият берган эдики, узоқ масофадан, Мадинага, Умар ибн Хаттобнинг олдига келди. У йўлда шунча саҳроларни босиб ўтишлик қийинчилигини ҳам, қийинчилик, демади. Чунки, улуғворликни, Ислом инсонлар қалбига, шунчалик киргизган эди. Умар ибн Хаттобнинг олдига шунча узоқ масофани босиб келиб, ўзини_ Амр ибн Осснинг ўғли шапалоқ билан урганлигини, шикоят қилди. Амр ибн Осснинг ўғлини чақиртирдилар. Ҳақиқатда исбот бўлдики, Амр ибн Осснинг ўғли урган.

Умар ибн Хаттоб Қибтийга, Амр ибн Осснинг ўғлини уришликка таклиф қилди. Шунда кечиришликни сўраганда, мен кечирмийман, мана бу Қибтийда ихтиёр, сени кечиришлик дедилар. Қибтий ҳам кечирмийман, деди. Шунда, уни неччи марта урган бўлса, шунча марта уришга, буюрдилар. Улуғнинг ўғлидан ол деб, урганлиги учун, уни ураётганда, Улуғнинг ўғлини ур деб, айтиб турдилар. Адолатлик имомлар мисоллари кўп. Буни фақат Ислом тарихидан топишлик мумкин. Бошқа тарихдан истасангиз оввора бўласиз.

Зулм истасангиз, топасиз бошқалар тарихидан. Аммо, адолатлик имом истасангиз, Ислом тарихидан истанг! Лекин, Ислом тарихи деб, баъзи зулмларни бизга пеш қилаётган кишиларга жавобимиз шуки, у Исломни айбимас. У ўзини мусулмонман деб, санаб, нима хато қилган бўлса, сиз китобу суннат асосида текширинг, деймиз. Бу хатолар исломни тўла ҳаётга татбиқ қилганидан, келиб чиққан эмас, деб жавоб берамиз унга.

2. Ибодатда улғайган ёш йигит ва қиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг соясида бўладиган иккинчи киши, Аллоҳнинг тоатида улғайган йигит. Аллоҳ нимага буюрса қилиб, нимадан қайтарса, қайтиб яшаган йигитлар, Аллоҳнинг соясида бўлади. Қариганда кўп одам ибодат йўлига ўтади. Бу ҳам турлича бўлади. Баъзилар холис тавба қилиб, ўтади. Баъзилар қариганда, зиёфатларда, хижолат бўлмаслик учун ўтади.

Баъзилар, фарзандлари ва набиралари ибодат қилганликдан, хижолат бўлиб, ибодат қилиб юради. Баъзилар, бирор жойда хижолат бўлиб қолмаслик учун, озгина қуръонни ўрганиб қўяди. Бу қуръони каримга катта ҳақоратдир. Дунёда ҳеч қайси миллат, ўзини китобини бунчалик ҳақорат қилмаган.

Йигитликда, ҳавас зиёда бўлганда, бўлиб ҳам, атрофида фисқу фужурга берилиб, у билан керилиб мақтаниб юрган йигитлар ичида, қандай қилсам, мен Аллоҳни рози қиламан эканман деб, бош қотириб, ибодатда суяги қотган йигитлардан, Аллоҳ рози бўлади.

Бу фақат йигитлар эмас, қизлар ҳам. Ҳавасга бериладиган вақтда, ёшлик ғурурлари билан банд бўладиган вақтда, Аллоҳни қандай рози қиламан деб, ўйлаган йигит ва қизлар, Аллоҳнинг соясида бўлади. Чунки, бу вақтда Аллоҳнинг ибодати билан улғайиш, жуда катта кучни талаб қилади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам давридаги, асосий Исломни қабул қилганлар, йигитлар эди, биродарлар.

3. Аллоҳ йўлида дўстлашган икки киши. Шу муҳаббат асосида бирлашган ва шу муҳаббат билан тарқалишган. Аллоҳ йўлида дўстлашишлик, бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, мисли кўрилмаган неъматларидандир.

الْأَخْلَاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ إِلَّا الْمُتَّقِينَ
Зухруф сураси 67 оят

Энг қадрдон дўстлар қиёмат куни, бир бирига душман бўлишади. Душманлик шу дунёда ҳам кўриниб туради, биродарлар. Бирор бир жиноят юкланган бўлса, шеригига юклаб тураверади, одамлар. Дунёнинг маҳкамаси шундан иборат. Охиратда бўлса, маъсият сабаблик дўст бўлганлар, ҳаммаси қочади. Аллоҳ йўлида дўстлашганлар шунда ҳам, Аллоҳнинг соясида, ёнма ён бўлиб, бирга туради.

4. Қалби масжидга боғланган одам. Нима учун, Қалби масжидга боғланган одам, Аллоҳнинг соясида бўлади? Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мадрасалари йўқ эди. Шу масжиддан ер куррасига нур тарқалган эди.

Шу масжиддан Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Абу Убайда, Али ибн Абу Толиб каби, зотлар етишиб чиққанди. Абу Бакр разияллоҳу анҳудек етакчи, Умар ибн Хаттобдек, адолатли ҳоким, Абу Убайдадек_омонатлик кишилар ва Али ибн Абу Толибдек қози, Холид ибн Валиддек, қўмондон, ҳаммаси устига хурмо шохчалари қўйилган, бўйи қоматдан сал баландроқ, шу масжидда тарбия топишган эди. Исломдаги масжид, ислом нима эканлигини билдириб, мусулмонларнинг амаллари Ислом нималигини кўрсатадиган, даргоҳ бўлмоқлиги керак! Бунга кирган одам, исломни ўрганмоқлиги керак! Бу ер ҳақни васиятлашиш ва ҳақ йўлда сабрни васиятлашиш жойи, бўлмоқлиги керак! Бунинг ичида беш вақт намозни_жамоат билан ўқишлик ҳам бор. Шунинг учун ҳам, қалби масжидга боғланган киши, Аллоҳнинг соясида бўлади. Чунки, асҳоблар, нифоқи маълум бўлган кишиларгина, жамоатдан четда юрарди, деб айтишганлар.

5. Зинога чорлаганда, ўзини тия олган одам. Бир кишини мансаблик ва жамоллик аёл зинога таклиф қилди. Аёл киши таклиф қилди. Эр киши учун шундай шароит бўлди. Эътибори йўқ аёлмас. Мансаби ва жамоли бор бўлган, аёл. Бузуқ ишга таклиф қилганда, у Аллоҳдан кўрқаман, деди. Эртага қиёматда, мен Аллоҳга қандай жавоб бераман?, деди. Касаллиги сабаблик ё, маҳалласида шарманда бўлишлик сабабликмас, Аллоҳдан кўрқаман деб, ўзини тийди. Мана шу кишидан ҳам, Аллоҳ рози бўлади. Аллоҳнинг соясида туради.

6. Махфий садақа қилган киши. Бир киши садақа берди. Ўнг қўли берганини, чап қўли билмади. Яъни, махфий садақа қилди. Бу киши ҳам бахтлики кишилардан ва Аллоҳнинг соясида бўлади. Ўзи бу нарсани, айтмай қўйсангиз, маълум бўлмай тураверадиганга ўхшайди. Ўзингиз ҳаётингизда қилган барча яхшиликларингизни эсланг. Шунинг ҳеч билдирмаганмисиз?! Битта ҳам тополмайсиз. Ҳатто, билинмай қолса, одамларни ушлаб туриб айтасиз.

Буни биров айтаётган бўлса, бу менга ҳасад қилиб, ҳаммасини айтмаяпди, дейсиз. Ҳар ким ўзини текшириб кўрсин! Бу нарса осонга ўхшайди. Неччи йиллар бекитиб боришлик учун, Катта куч керак бўлади. Мабодо эсингиздан чиқариб юборсангиз, ҳар қанча ўйласангиз ҳам, эсингизга келтиролмасангиз, шунда гапиролмай қолишингиз мумкин! Лекин, бу ерда эсдан чиқаришлик айтилмаяпди. Ўзи қасддан махфий қилди. Ўзидан ўзи махфий бўлиб қолмади. Мана бу одам ҳам, Аллоҳнинг соясида бўлишга_ ҳақиқатда лойиқдир!

Мана_ ҳаммани ота оналари бор. Гаплашиб кўрсангиз одамлар ота оналаридан шикоят қила бошлайди. Сал қўшилиб, кўзингизни ёшлаб берсангиз. Дунёда ота онасидан ёмон одам йўқ қилиб қўяди, бир пасда. Нима учун? Мен ота онамга ҳамма нарсани қиламану, билмайди, деб, хафа бўлади. Нималар қилганингизни бир дафтарга ёзинг. Ва ота онангизни бир кунлик сизга қилган яхшилигини инсоф билан ёзинг. Билганингизни ёзинг. Билмаганингизни қўйинг! Шунга ўзингиз қилган яхшилиқни солиштириб кўринг! Ҳеч нарса бўлмай тураверади. Ҳатто, шу нарсани махфий қилиш ўрнига, шуни ҳам гапириб туради. Буни яхшилигига, ота она хурсанд бўлганига, бу хижолат бўлишлиги керак! Бу ажиб бу, ота онам хурсанд бўлаяпди, шу озгина мурвватимга деб. Ҳатто, айтиш керакки, бу дуоингизни арзон қилиб қўйманг, мени бу арзимас нарсаларимга дуо қилавериш, кўпроқ нарса талаб қилинг деб, туриш керак!

Ўзи инсон текшириб қараса, махфий қилишликнинг қийинлигини англаб олади. Бу неъмат саҳобаларга насиб бўлган. Жарир ибн Абдуллоҳмиканлар валлоҳу аълам, бир кишини эҳтиёжини сезиб, иккита туяни, маълум бир емоқлар билан, маблағ билан, кечасида, шу муҳтож одамниқига етаклаб бориб, эшикни тақиллатди. У киши чироқ кўтариб чиқиб, кимсан? деди. Шунда, унга чироқни ўчириб, кейин эшикни оч дедилар. Ўчиргач, эшикни очгин дедилар. Очганларида, туяни киргизиб юбориб, қайтиб кетдилар. Бу киши шу ишни қилгани маълум бўлганмас.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, ваҳй тушиб, маълум бўлган. Махфий қилишлик_ саҳобаларга насиб бўлган. Умар ибн Хаттоб, доим Абу Бакр разияллоҳу анҳу билан, мусобақа ўйнар эканлар. Мусобақа деганда, сизлар ўйлаган мусобақа эмас. Бунга Бизнинг давримизда, мол топишда, мусобақа бўлади. Сайёрларда мусобақа бўлади. Уй жойда ва катта тўйлар қилишда, мусобақа бўлади. Улар унақа соҳалардамас, охират ишини кўпроқ қилишда, мусобақа қилишар эканлар. Умар ибн Хаттоб, доим Абу Бакр разияллоҳу анҳуга (яхши амалларга) етишсам, деб, юрар эканлар. Мадинада кўзи ожиз, бир аъмо, аёл бор деб, эшитиб, шунга ёрдам берай деб, қачон борсалар, уйлари тозаланган ва овқатлари тайёр бўлар экан. Ҳожатингиз борми? десалар, йўқ дер, эканлар. Кўзи ожиз, қари кампир. Ким келиб хизматингизни қилди? десалар, айтганларки, кимдир келиб, қилаяпди. Кимлигини сўрасам айтмайди, дедилар.

Умар ибн Хаттоб, текшириб кўриш учун, кундузи бир тошни панасида ўтириб, пойладилар. Шунда қарасалар, Абу Бакр разияллоҳу анҳу келиб кетар эканлар. У битта шаҳарни ё вилоятнимас, ер куррасидаги мусулмонларнинг Халифаси эди. Умар ибн Хаттоб, тошни ортидан чиқиб, Эй Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Халифаси, сизмидингиз бу ишни қилиб кетаётган? дедилар.

يقول عمر بن الخطاب رضي الله عنه : ما سبقتُ أبا بكر إلى خير قط إلا سبقتني إليه.

Қачон бир яхши ишда мусобақа ўйнасам, Абу Бакр доим мендан ўзиб кетди, дер эканлар. Махфий қилиш, фақат молга боғлиқмас биродарлар. Агар ҳеч ким билмаган амал бўлса, ҳеч ким бўлмаган жойда, қабрда бизга асқотади. У ерда, бизга нима бўлаётганини ҳеч ким билмайди. Қандай муомила қилиняпди, ҳеч ким билмайди. Қадрдон фарзандингиз ҳам, қабрда сиз билан, бирга бўлолмайди.

Ана шу жойда, ҳеч ким билмаган амалимиз, биз билан бирга бўлади. Қиёмат кунда Аллоҳнинг соясида туради. Бу нарсани, жуда катта меҳнат билан, эгаллаш мумкин.

7. Холи ҳолда, Аллоҳни эслаб, йиғлаган киши. Еттинчи бахтли инсон, Аллоҳни холи ҳолатда зикр қилди. Аллоҳнинг раҳматини эсга олиб, умид қилди. Аллоҳнинг азобларини қуръондан билиб, кўрқди. Азобидан кўрқиб, раҳматини умид қилиб, йиғлади. Холи ҳолатда, ҳеч ким йўқ эди. Мана шу одам ҳам, Аллоҳнинг соясида туради. Чунки, бу Аллоҳдан кўрққан одамлар, турадиган жойдир бу! Биз баъзида, Аллоҳнинг зикри бўлганда, йиғлаймиз. Бировни олдида йиғлашлик, бу барибир, риё эҳтимоли бордир. Аллоҳ сақлаганлар мустасно. Лекин, холи жойда, кўзи намланганмас, кўзи оқиб кетадиган даражада, йиғлаган.

Масалан бир даҳшатни кўрганда, одам ўзини йиғидан тўхтатолмайди. Бу ҳам Аллоҳнинг азобини худди кўргандек, йиғлаганки, худди, кўзи оқиб кетадиган даражада бўлган. Мана шу одам ҳам, Аллоҳнинг соясида бўлади. Бундай қалб, пок қалб бўлади. Бундай қалб эгаси, ўзининг ҳаёт йўналишида, Аллоҳнинг ибодатига тўғри йўналади. Бундай қалб эгаси, бировга зулм қилмайди. Бундай қалб эгаси, тамаъ бўлмайди унда. Бундай қалб эгаси, Аллоҳ раҳматини умид қилган ва азобидан кўрқадиган ва риё қилмаган, инсон бўлади. Бундай қалб эгаси, Аллоҳнинг соясида туришга лойиқдир.

Солиҳлар боғидаги гуллардан бир иккита гулни ёнига бордик, биродарлар. Бу гулни кўргазмага қўйганда, энг аввалги ўринларни оладиган гуллар эканини, солиҳларгина билади, биродарлар! Агар бир кишини уйи, истироҳат боғига яқин ерда бўлса, одам шунга фахрланади. Уйим истироҳат боғига яқин деб, фахрланади. Ҳадис илмини билган одамнинг боғи, доим ўзи билан биргадир. Китоби бор одамлар, уйи ёнида боғи бўлиб, умрида бир кирмай, юрган одамга ўхшайди, биродарлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг марҳамати билан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари қиёматгача сақланиб қолди. Бу боғларни бизга қўйиб кетишди. Бу боғларга киришлик ихтиёрини, бизга берди. Хоҳлаган одамлар бу боғга кириб, фойдаланиб қолмоқлиги керак.

Шу ерда, баъзи саволларга жавоб берилади. (Бу дарсда, саҳобалар фазилати гапирилмаган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам ҳақ йўлда барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломига ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломига зарар етказаётганларга кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам суннат йўлларига йўлласин ва бидъат йўлларида саломат қилсин! Гуноҳларимизни мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўтган аجدодларимизни мағфират қилсин! Қабрларини жаннат боғларидан бир боғчага айлантисин! Фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилиб, Дини Исломига хизмат қиладиган кишилардан қилсин! Имоннинг ҳаловатини тотилишни, Аллоҳу таоло ҳаммамизга насиб қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало ҳойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

39 дарс тугади

40 Дарс

Аллоҳнинг буйруғига амал қилиш шартлари

(Бу дарс аввалида, ҳаётдаги муаммоларни ечими тавҳид эканлиги, эшитувчилар савиясига мослаб, эртақдаги қаҳрамонлар мисолида, тушунтирилади. Кейин, банданинг Аллоҳнинг буйруғига нисбатан қандай шартлар асосида, амал қилишлиги кенг ва тафсилий суратда тушунтирилади. Дарсдан кейин, Оиша разияллоҳу анҳо, фазилатлари ҳақида, маълумотлар берилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни, ягона мақсад, Ўзигагина ибодат қилишлик учун яратди.

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ
Зориёт сураси 56 оят

Бу оят далолат қиладики, инсон ва жинни ягона Ўзигагина ибодат қилишлик учун яратганлигига.

Агар, ягона Ўзигагина ибодат қилишлик мақсадини бажармас экан, инсон, ўзининг яратилишидан бўлган мақсадни бажармасдан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳузурига борса, уни жаҳаннамга ўтин бўлишлигида шак шубҳа йўқдир! Бу хабар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг каломидagi жазм, яқиний хабардир. Чунки, пайғамбарлар билан, умматлар ўртасида, тавҳид хусуматидан бошқа хусумат бўлганмас, биродарлар! Пайғамбарлар одамларга деҳқончилик ўргатиш учун келганмас. Ё, хунармандчиликни ривожлантиришлик учун келганмас. Ёинки, иқтисодиёт масаласини, мукамал қилишлик учун, келганмас.

Пайғамбарлар инсоннинг яратилишидан бўлган мақсадни, ибодатни, яқка Аллоҳнинг Ўзигагина қилишга, таълим беришлик учун, келишган. Бундан, агар ислом ҳаётга татбиқ қилинса, ҳаётдаги масъалаларга эътибор қилинмас эканда, деган, фикр келиб чиқмайди. Тавҳид муаммоси ҳал бўлганда, ҳаётнинг бутун муаммоси ҳал бўлади. Бу биз ҳеч бир муболағасиз айта оламиз. Чунки, буни биз Ислом тарихидан кўрганмиз, агарчи, бошқалар кўрмаган бўлса ҳам. Тавҳид муаммоси ҳал қилмасдан, бошқа муаммоларни ҳал қилишга уриниш, бу муаммоларни кўпайтиришдан бошқа, уриниш, бўлиши мумкинмас.

Шунинг учун ҳам, Пайғамбарлар олиб келган тавҳидни қабул қилган уммат, ҳаётнинг барча соҳаларида тараққий топди?! Пайғамбарлар олиб келган йўлни, қабул қилмаган умматлар, ниҳоят даражада тушкунликка учради. Ҳаётда биз кўрган, баъзи низомлар, иқтисодда баланд даражага эришди, деган даъволар, у кўринишда шундай бўлсада, маънавийят жиҳатидан ниҳоятда инқирозга учради. Инсоният бу даражада, маънавий инқирозга учраганмас, биродарлар!

Тавҳид муаммоси ҳал қилмасдан, бошқа муаммоларни ҳал қилишга уриниш, бу ўхшатиш жоиз бўлса, шунга ўхшайдики, бир кишининг учта ўғли бўлиб, шуларни халққа манфаат етказадиган, зулмга қарши курашадиган, фарзанд бўлишини орзу қилган ота, уларга зулмга қарши курашни, васият қилиб, оламдан ўтиб кетади. Булардан каттаси, йўлда ётиб олиб, халқларга азоб бераётган арслонни ўлдиришга йўл олади. Иккинчиси бўлса, халқларга азоб бераётган аждарҳони, ўлдиришга йўл олади. Учинчиси бўлса, борса келмас, деб ёзиб қўйилган йўлга, шу тарафдаги инсонларга зулм қилаётган ялмоғизни ўлдириш учун, йўл олади. Мана бу афсона бу. Биз бунга тагидаги ибратдан фойдаланмоқчимиз. Афсонанинг мақсади доим, бир нуқтага қаратилган бўлади. Бу афсонадаги асосий нуқта, Кенжа Ботирга қаратилгандир.

Биринчи ва иккинчи фарзандлар, ўзининг мақсадига етганлиги айтилади ва учинчиси, ялмоғизга дучор бўлади. У Кенжа Ботирни ўзини ёнига тортишга ҳаракат қилиб, Отини бир оёғини еб, отингни оёғи нечта эди, деса, учта эди, дейди. Кейин, иккинчи оёғини еб, отингни оёғи нечта эди, , иккита дейди, хуллас, тўрттасини ҳам еб, отингни оёғи бормиди? деса, йўқ, отимни оёғи йўқ эди, дейди. Ялмоғизни маккорлигини ва қаттиқ душман эканлигини сезган Кенжа Ботир, шунга қарши, тайёр бўлиб туради. Ялмоғи отни қолганини ҳам еб, отда келганмидинг? деса, мен пиёда келгандим, дейди. (Бўш келмайди) Хуллас, ялмоғиз бунга қарши, ошкор ҳужум бошлайди.

Кенжа Ботир, бунга бир қўлини қирқса, қўли иккита бўлиб чиқади. Икки қўлини қирқса, тўртта бўлиб чиқади. Хуллас, ялмоғиз бунинг ҳаракати, унга қувват бағишлаганидан қувониб, бу курашда, уни енгишини билиб, хотиржам турди. Шунда, бир донишманд пайдо бўлиб, Кенжа Ботирга маслаҳат беради. Ўғлон, сен бу ҳаракатинг билан, мақсадинга етолмайсан. Бу ҳаракатинг билан, ялмоғизни кучайтирасан халос, дейди. Сен бунга ўлдирмоқчи бўлсанг, Қоф деган, тоққа борасан. Унгача қанча дарёлардан, кечиб ўтасан. Унга етиб боргач, бир ўрмон бор. Бу ўрмонда йиртқич бор, душманлар бор. Булардан ўтиб, шу ўрмондаги катта бир дарахт борки, унга чиқишлиқда ҳам, кўп қаршилиқлар бор. Шунга чиқсанг бир қуш борки, бу қушнинг буйрагида, ялмоғизнинг жони туради дейди. Шунга ушлаб ўлдирсанг, кейин, бу ялмоғиз ўлади, дейди. Лекин, аввалда сен бунгача, кўп сабр қилмоғинг керак, дейди.

Донишманд ғойиб бўлгач, Кенжа Ботир буларни ҳаммасини бажариб, дарахтга чиқиб, қушни қўлига олади. Шунча курашда, хурсанд бўлиб турган ялмоғиз, Қушни буйрагини ушлаганда, дарров пайдо бўлиб, жон жаҳди билан ялиниб, унинг хизматкори бўлишга ваъдалар беради. Кенжа Ботир қушни эзиб ташлашлиги билан, ялмоғиз ўлганлигини афсонасини ҳаммамиз биламиз. Бу ўзи бир афсона. Лекин, ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилишда, бир тадбир бўлмоғи кераклигига ва бу йўлда, кўп сабр қилиш кераклигига, бир ишорадир, биродарлар!

Ёмонлик ялмоғизи ниҳоятда ривож топган. У ёмонлик ялмоғизига қарши курашадиган одамлар, у тарихда битта Кенжа Ботир бўлса, ҳаётда сон саноқсиз бўлди. Улар ҳаммаси, унга қарши курашиб, мағлубиятга учраб, масхара бўлиб, хароб бўлмоқда. Бу муаммо ялмоғизга қарши курашаётганларга, назар ташласангиз, унинг бир қўлини чопса, иккита қўл, муаммо ўсиб чиқаяпти. Иккита муаммо ялмоғизини қўлини чопсангиз, тўртта бўлаяпти.

Шунинг учун саҳобалар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларини олиб, ҳаётдаги бу жоҳилият ялмоғизига қарши курашни қўйдиларда, бу ялмоғизни вужудга келишига сабаб бўлган ширк билан курашдилар. Ширк ҳаётни шундай муаммога тўлдирган эди. Бунинг акси тавҳид эди. Мана бу тавҳидни барпо қилганларида, ҳаётдаги ялмоғиз ялинишликка ўтиб қоладиган даражага тушди. Тавҳид муаммоси ҳал бўлдида, шу билан ҳаёт жаннатга айланди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаракатлари ҳаммаси, тавҳидни барпо қилишга, уриниш бўлди. Бу албатта, осонликча бўлмади. Тавҳид муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилганидан бошлаб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, Муҳаммад Амин деб, номлаб юрган одамлар, душманига айланди. Муҳаммад алайҳиссаломни йўқотганга мукофот тайин қиладиган душманларга айланишди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Тавҳидни, ўзларини атрофидаги одамларга тушунтира олганларидан кейин, муаммо ялмоғизи, аста секин, ўзини жойини бўшата бошлади.

Ҳозирги вақтда ҳам, ҳар хил биродарлар, у муаммо, бу муаммоларни савол қилишадилар. Лекин, бу муаммоларни ҳал қилмоқчи бўлганлар, муаммолар дунёсига кириб қолади. Бунинг сабаби, биз тавҳид муаммосини, ҳал қилганимиз йўқ. Бу муаммо, озгина фурсатда ҳал бўладиган эмас. Узоқ вақт қалбларга ва урф одатларга кириб кетган, бу ширк ялмоғизи, осонликча жон бермайди, биродарлар! Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам узоқ муддатда, ўн уч йил давомида, мана бу тавҳид муаммосини ҳал қилдилар. Маккада ўн уч йил муддатда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам одамларни, ла илоҳа иллоллоҳ денглар деб, тавҳидга чақирдилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ла илоҳа иллоллоҳ денглар деб, тавҳидга чақирган одамлар, Аллоҳни инкор қилишмасди. Аллоҳни бор дейишарди. Аллоҳни инкор қиладиган кофирлар, яқин тарихда вужудга келди. Уч юз йилдан ошмайди, биродарлар. Чунки, Аллоҳни йўқ дейдиган, даражага боришлик учун, инсон виждонни ҳам, ошқозонга айлантириб олишлиги керак! Бундай даражага инсон, яқин тарихда эришган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ла илоҳа иллоллоҳ денглар деб, тавҳидга чақирган одамлар, коиноту ерни Аллоҳ яратган, дейишарди.

وَلَن سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ
Зумар сураси 38 оят

Агар улардан коиноту ерни ким яратган, деб сўрасангиз, Аллоҳ яратган дейишади. Лекин, бу эътиқодлари уларни имонга олиб киролмади. Албатта, биз Холиқ ваҳдониятини тан олишимиз шарт. Лекин, бу кифоя қилмайди.

Рубубийятни тан олишарди. Агар коиноту ерни ким бошқаради, дейилса, Аллоҳ дейишарди. Ризқни ким беради, дейилса, Аллоҳ дейишарди. Ким ўлдиради ва ким тирилтиради, дейилса, Аллоҳ дейишарди. Мана бу эътиқодлари уларни, ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтаётган одамлар сафига, олиб киролмади, биродарлар! „Биз буни яхши билмоқлигимиз керак! Биз баъзан, баъзи бировлар, бир мақоласида, бу дунёни яратувчиси бор дегандек, очиқ айтмасдан, бир ишора қилиб кетса ҳам, Маккадаги мушриклар даражасига чиқса ҳам, шунга, оғзимиз очилиб қолади. Бу Аллоҳни борлигини исбот қилаяпди деб, бу аллома экан, деб, эътиқодот қилиб ташлаймиз.

Биз имон калимасини, чуқур тушунмоқлигимиз керак. Шу одамлар, ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, айтаётган одамлар сафига, қачон қўшилади? Пайғамбарлар билан халқлар ўртасидаги хусумат нима эди? Ибодатни, якка Аллоҳга қилиш устида, эди. Демак, ибодат қилишарди Маккадаги мушриклар. Лекин, Аллоҳга ҳам ибодат қилишарди ва бошқа нарсаларга ҳам қилишарди. Баъзилар, офтобга сиғинарди. Баъзилар, ойга сиғинарди.

Баъзилар, юлдузларга сиғинарди. Баъзилар, тошларга сиғинарди. Баъзилар, бутларга сиғинарди. Баъзилар, дарахтларга сиғинарди. Баъзилар, Аллоҳни буйруғини қўйиб, одамларга бўйсунарди. Мана яхудлар, ўзларининг олимларининг буйруғини қабул қилишарди ва Аллоҳнинг буйруғини қабул қилишмасди. Насоролар ҳам шундай қилишди.

قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

Анъом сураси 162 оят

لَا شَرِيكَ لَهُ ۚ وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ

Анъом сураси 163 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, буюряпдики, айтинг, намозим ва нусуким, Қурбонлигим, биз қурбонлик деганда, қурбон ҳайитида сўйиладиган ҳайвонни тушунамиз фақат. Ҳамма сўйган ҳайвонларим, Тириклигим ва ўлимим ҳам, шарик бўлмаган Аллоҳу Роббил Оламин учун деб, эълон қилинг, деябди. Намоз билан сўйишлик, ёнма ён зикр қилиняпди. Бир одам айтмасинки, мен саждани Аллоҳга қиляпман. Лекин, сўйишлигим, фалон мазорга, ё фалон дарахтга ё фалончига, хоҳ тирик ё ўлик, шуни айтишлиги билан, сўйишлиқда Аллоҳга ширк келтирган бўлади. Мен саждани фақат Аллоҳга қиляпман, деб даъво қилишликка, ҳаққи йўқ!

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ширкни нима эканини билдириб, айтадиларки: бир киши пашша сабабли жаннатга кирди ва бир киши жаҳаннамга кирди, дедилар. Ўтган умматлардан икки киши, сафар қилишди. Бир жойдан ўтаётганларида, мушриклар йўлларини тўсишдида, бирон бир нарсабни бутимизга қурбон қилиб, кейин ўтасан, деб туриб олишди. Биттаси, мен Аллоҳдан бошқага ибодат қилмайман. Бутга атаб қурбонлик қилмайман деди. Мушриклар, битта пашшани бўлса ҳам, қурбонлик қилиб, кейин ўтасан дедилар. Ҳа бу пашша экану, қилсам қилибманда деб, қора пашшани тутиб, қурбон қилди. Бу жаҳаннамга кирди, дедилар. Иккинчиси, мен Аллоҳдан бошқага ибодат қилмайман деди. Уни ўлдиришди. Бу жаннатга кирди, дедилар.

Демак, бировнинг қилаётган ибодатлари, бизнинг кўзимизни бўяб қўймаслиги керак. Агар кичкина ширк қилиб қўйса, мана бу ҳадисдаги зубобни (пашшани) қайд қилишлари, бу хабарни Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга етказишлари, ширкнинг қанчалик мараз ва нажас нарса эканлигини кўрсатади.

إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ

Тавба сураси 28 оят

Қуръони каримда Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, «мушриклар нажасдир,» деди. Агар бир идишдаги сувга, озгина нажас тушиб қолса, ҳа бу озгина нарса тушибдида, демайди, ҳеч ким. Бу сувни нажас, дейди. Шунинг учун биз, тавҳидни, бирорта ширкнинг бўйи билан ҳам, булғаб қўймасликка ҳаракат қилмоғимиз керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, бандага, хоҳ мўмин киши бўлсин, хоҳ мўмина аёл, бирор буйруқ келса, хоҳласам қиламан, хоҳласам қилмайман дейиши, мумкинмас. Ихтиёрли бўлиши мумкинмас. Инсон ақидани танлашда, ихтиёрлик. Ислонни танлаб, мусулмон бўлдим, ихтиёр қолмайди.

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا

Аҳзоб сураси 36 оят

Инсон ақидани танлашда ихтиёрлик. Хоҳласин Ислом ақидасини танлаб, мўмин бўлиб, жаннатга кирсин. Хоҳласин, Исломни танламасдан, мушрик бўладими, кофир бўладими, ким бўлса бўлиб, жаҳаннамга ўтин бўлсин! Мана бу ерда ихтиёрлик. Динда мажбурлаш йўқ. Аммо, ихтиёри билан имонни қабул қилгандан кейин, мўминман дегандан кейин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бир буйруғи келса, унда ихтиёр қолмайди. (Бажариши шарт бўлади)

Аллоҳнинг буйруғига нисбатат бандалар устидаги шартлар

Биринчи шарт шуки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандани бир буйруққа буюрса, биринчи, бу буйруқни билмоқлик лозим бўлади. Илм шарт. Агар илм бўлмаса, у буйруқни тўғри тушунмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, ширкдан қайтарганлигини билса, тавҳидга буюрганлигини билса.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, савдони ҳалол қилди. Рибони, судхўрликни ҳаром қилди. Етимни молини ейишликни, ҳаром қилди. Мабодо, шу етимга қараб турган бўлса, (вояга етгунча) ўртача миқдорда, унинг молидан фойдаланишлиги мумкин, ейишликда фақат. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни нимага буюрди, буни билмоқлигимиз шартдир! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, тавҳидга буюрди. Ва ширкдан қайтарди. Ширкдан қайтаргандан кейин, биз ширклар нималигини билмоқлигимиз керак! Ўтган дарсларимизда буни кўп такрор қилиб ўтдик.

Иккинчи шарт шуки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло туширган шариати исломийяга муҳаббат қилмоқлигимиз керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг қуръонига ва Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган ваҳй, ҳадиси мутавотир, саҳиҳ ҳадисларга, буларга муҳаббат қилмоғимиз керак! Буларни барини Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан олиб келдилар. Агар яхши кўрмасдан, қариш кўрса, куфр деб, қуръони карим, баён қилаяпди.

ذٰلِكَ بِاَنَّهُمْ كَرِهُوا مَا اَنْزَلَ اللّٰهُ فَاحْبَطَ اَعْمَالَهُمْ

Муҳаммад сураси 9 оят

Аллоҳ туширган нарсани қариш кўришди, бас Аллоҳ уларнинг амалларини ҳабата қилди. Ҳозирги вақтда биродарлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонида бундай деган ва Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида, бундай деганлар, дейилса, ёқтирмайдиган одамлар пайдо бўлган. Ёқтирмаслик, қариш кўришлик, куфр бу! Аллоҳ уларнинг амалларини ҳабата қиладди, дейилган қуръонда. Бундан жуда эҳтиёт бўлмоғимиз керак. Баъзи бир кишилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ихё қилмоқчи бўлаётган кишиларни, масҳара қиладиганлиги, қулоққа чалиниб қолаяпди. Қуръони карим, Аллоҳни, ва Аллоҳнинг оятларини ва Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни истехзо қилганларни, кофир бўлганлигида, шак шубҳа йўқлигини, хабар бераяпди.

قُلْ اَبَاللّٰهِ وَاٰيَاتِهٖ وَرَسُوْلِهٖ كُنْتُمْ تَسْتَهْزِئُوْنَ
لَا تَعْتَذِرُوْا قَدْ كَفَرْتُمْ بَعْدَ اِيْمَانِكُمْ

Тавба сураси 65,66 оят

Айтинг (уларга) сизлар Аллоҳни, ва Аллоҳнинг оятларини ва Аллоҳнинг Расулини масҳара қилаяпсизларми? Узр айтманглар, имон келтирганинглардан кейин, кофир бўлдинглар!, деябди. Аллоҳга ва Аллоҳ нозил қилган нарсаларга ва Аллоҳнинг Расулига муҳаббат қилиш, бизга вожибдир! Агар муҳаббат бўлмаса, қариш кўришлик вужудга келиб қолса, куфрга бориб қолади. Кўп кишилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, муҳаббат қилмайди.

У киши олиб келган нарсаларни, ёмон кўради. Суннатларини ёмон кўради. мана бундан биз, эҳтиёт бўлмоғимиз керак!

Учинчи шарт шуки, шу илмга амал қилишни қасд қилиш. Илм ва муҳаббат ҳосил бўлганидан кейин, амал қилишга, қасд қилиш керак. Кўп одамлар билади ва яхши кўрадию, лекин, амалга қасд қилолмайди. Нимага? Бирор бир дунёвий ишларига, путур етиб қолишлигидан кўрқиб. Кўп одамларга, суннатларни ихё қилишни тушунтирсак, мен ҳозир шунақа шароитда турибман. Менга суннатларни ихё қилиш, ноқулай дейди. Азм йўқ, қасд (Шу билганига амал қилиш, нияти), йўқ.

Тўртинчи шарт шуки, билганига амал қилиш. Баъзи кишилар, қасд қилиб амал қиладию, ўзи хурматлаб юрган кишиларда, бу амални йўқлигини кўриб, қайтиб кетади. Сиз бир кишини, ҳқрмат қиласиз. Сиз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, суннатига мувофиқ бир амални қилаяпсиз. Лекин, шу амал, у кишида йўқ. Унда йўқ бўлгач, бу ҳам қилиб юрган амалини, тарк этади.

Бешинчи шарт шуки, Баъзи кишилар, қасд қилиб амал қиладию, лекин, амали холис бўлмайди. Амал холис бўлиши шарт. Бу амални, кўпчилик қилаётгани учун, ё бировдан мақсадини ундириш учун, ё бировдан кўрқиб, қилмаслиги керак. Холис амал қилиш керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ризоси учун, қилмоғи керак.

" عن أبي الدرداء قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : " الدنيا ملعونة ملعون ما فيها إلا ما ابتغي به وجه الله عز وجل "

Дунё маълундир, ҳаммаси лаънатлангандир. Дунёдаги ҳамма нарса, малъундир. Магар Аллоҳнинг ризоси талаб қилинган нарсалар, малъун эмасдир. Чунки, бу нарса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳузурида ва дунёда, мукофотдир. Бу гап моддий фалсафада, ўсган кўпчиликка маъқул бўлмаслиги, мумкин? Бунга далил келтирилмаса, улар буни қабул қилолмайди. Наҳотки, дунёдаги ҳамма яхшилик, малъун бўлса, деб, туради. Айтайлик, сизга бир одам яхшилик қилди. Жой қилиб берди. Камбағаллигингизда, ёрдам берди. Касалингизга бутун, молу давлатини сарф қилди. Хуллас, ота онангиз қилмаган ҳамма яхшиликларни қилди. Аммо, буларни Аллоҳ учун қилмади. Сиз вояга етишингиз билан, Аллоҳга қул бўлишингиздан кўра, унга қул бўлиш тарафига қараб, юра бошлайсиз. Шу одамга қул бўлмаган кунингиз, шу одамни сўзини қайтарган кунингиз, сиз билан, шундай жанг қиладики, ер юзида сиз бирон марта кўрмаган ва сизга бирорта яхшилик қилмаган одамни ҳам, шунча ёмон кўрмайсиз, биродарлар. Шу одамни ёмон кўрасиз ва сўкасиз. Менга бу яхшиликларни нима учун қилди? Агар миннат қиладиган бўлса, дейсиз.

Дунё малъун, биродарлар. Мана шу яхшилик малъун, лаънатланган. Жаҳаннамга биринчи бўлиб улоқтириладиган одамларнинг, аввалги уч тоифаси, биринчиси, жиҳод қилган. Жиҳод Ислом ва куфр ўртасидаги жанг. Шунда моли ва жонини қурбон қилган. Шу одамнинг шу қилган жиҳоди, малъун бўлади. Агар Аллоҳ йўлида қилган бўлмаса. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шу одамни, қиёмат куни чақиради.

Сенга неъматлар бердим. Нима олиб келдинг, Менинг ҳузуримга, дейди. Банда Аллоҳ берган неъматларни, тан олади. Сенинг йўлингда жиҳод қилдим, ҳатто, қатл қилиндим, дейди. Аллоҳ айтади, сен Менинг йўлимда жиҳод қилмадинг. Сен, одамлар қаҳрамон дейишлари учун, жанг қилдинг. Одамлар қаҳрамон, дейишди. Мукофотингни олиб бўлдинг, деб, жаҳаннамга улоқтиришга буюради. Иккинчиси, қори. Қори деб, ислом истилоҳида, қуръоннинг илмини билган, кишини айтади. Агар шу қуръонни, Аллоҳ учун ёд қилмаган бўлса, Аллоҳ учун, ўрганмаган бўлса, жаҳаннамга улоқтириладиган одамларнинг, иккинчиси бўлади, биродарлар. Дунё маълундир, мана шу қилган ҳаракатлари ҳаммаси, малъун бўлиб қолади.

Учинчиси, сахий одам. Бу одам, ҳозирги даврдаги, ўзини Хотамтой санаган одамлар каби, молини бидъатларга сарф қилганмас. Аллоҳ буюрган жойларга сарф қилгану, лекин, холис қилмаган. Тўғри иш қилган учовлари ҳам. Қуръонни ўрганиб, тўғри иш қилган. Жиход қилиб, тўғри иш қилган. Саховат қилиб, тўғри иш қилган. Лекин, холис қилмаганлари учун, жаҳаннамга улоқтириладиган кишиларнинг, аввалгиларидан бўладилар.

" عن أبي الدرداء قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : " الدنيا ملعونة ملعون ما فيها إلا ما ابتغي به وجه الله عز وجل "

Мана бу нарсани кўриб турибмизки, амаллар холис бўлмаса, ўрталарида адоватлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Агар шу амаларни қилмаганида, бу одамлар соф одам бўлиб келишлари мумкин эди?! Қўпол қилиб айтганда, оддий кимса бўлганда, бировларга саховат қилолмаса ҳам, ўзини ишини бажариб, фарзандарини бажариб, риё қилмасдан, холис қилиб. Худоё қабул қилгин, деб, юрганда, покроқ инсон бўларди! Шунинг учун, холис бўлмаган амал, қабул бўлмайди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, асҳобларга шуни ўргатдилар.

وَمَا لَأَحَدٍ عِنْدَهُ مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَى (19)

إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَى (20)

{وَلَسَوْفَ يَرْضَى (21)}

Валлайл сураси

Аллоҳнинг ҳузурида мукофотланадиган бирор неъмат йўқ. Магар Аллоҳнинг олий ризоси учун талаб қилинган амалгагина, мукофот бор.

Асҳоби киромлардан мана, Билоли Ҳабаший оғир азобга дучор бўлиб, азобланаётган вақтларида, Абу Бакр разияллоҳу анҳу, Аллоҳнинг ризоси учун, озод қилдилар. Уни ўзларига қул қилишлик учун озод қилмагандилар. Билоли Ҳабаший бу нарсани шунчалик сездиларки, Абу Бакр разияллоҳу анҳу билан бўлган суҳбатлари, қанчалик ҳассос бўлганликларига далолат қилади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин, Билоли Ҳабаший, азон айтолмадилар. Чунки, у киши, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг борликларини тасаввур қилиб, кўриб, азон айтардилар. Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ деган жойда, Муҳамма алайҳиссаломни йўқликларини билиб, йиғлаб, айтолмай қолар эканлар.

Абу Бакр разияллоҳу анҳу, даврида, азон тўхтаб қолди. Шунда, баъзилар келиб, Билоли Ҳабашийга буюрсангиз, азон айтса, дейишди. Абу Бакр разияллоҳу анҳу, Билоли Ҳабашийни чақириб, азон айтинг, деб буюрдилар. Орадан анча йиллар ўтиб кетган эди, биродарлар. Маккада ўн уч йил ва Мадинада, ўн йил яшадилар. (Яъни, қулликдан озод қилганига 20 йилдан ошганди) Эй Абу Бакр, дедилар, агар мени қулликдан, Аллоҳ учун озод қилган бўлсанг, мени ўз ҳолимга қўй, дедилар. Агар мени, сенинг олдингда муаззин бўлиб туриш учун, озод қилган бўлсанг, унда азон айтаман, дедилар. Йўқ, Аллоҳ учун озод қилганман, деди. Унда мени ўз ҳолимга қўй, дедилар. Шунчалик ҳассос эдилар. Бирор киши тарафидан бўлган яхшилиқни, Аллоҳ учун эканлигини билишардилар.

Агар инсон, амалини холислиги ҳақида фикр қилса, энди шу кундан бошлаб, холис амал қилмасам, ўтган амалларимни биронтасига ишонмийман, дейди. Бизнинг баъзи амалларимиз холис бўлса, шариати исломийяга тўғри келмайди. Кўп кишилар бор, кечалри билан бедор бўладиган ва кундузлари рўза тутадиган ва лекин, бу шариатга мувофиқми йўқми, билмайди. Кўп кишилар борки, молларини сарф қиладиган, шариат буюрган жойми, йўқми, билмайди. Мана бу амаллар тўғри бўлмагани учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қабул қилмайди.

Демак, амал қабул бўлишлиги учун, холис бўлмоқлиги керак ва шариатга мувофиқ бўлмоқлиги керак! Иккала шарт топилмаса, амали қабул бўлмайди. Аввалги уч кишинининг, амаллари, тўғри эди. Шариатга мувофиқ эди. Лекин, холис эмас эди.

Олтинчи шарт шуки, қилган яхши амали ҳабата бўлишидан, эҳтиёт бўлишлик.

Юқоридаги бешта шартга амал қилган киши, амал қилиши керак бўлган, олтинчи шарт, шу амалларини ҳабата қилиб қўймоқликдан, доим хавф қилиб юрмоқлиги керак. Амалларни ҳабата қиладиган биринчи, энг катта хавф, бу ширқдир.

وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبِطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ
Зумар сураси 65 оят

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Агар ширк келтирсангиз, амалингизни ҳабата бўлишлигида, шак шубҳа йўқ, деди.

ذَلِكَ هُدَى اللَّهِ يَهْدِي بِهِ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ ۖ وَلَوْ أَشْرَكُوا لَحَبِطَ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ
Анъом сураси 88 оят

Агар ширк амалини қилишса, ўтган амаллари ҳабата бўлади.

أَنْ تَحْبِطَ أَعْمَالُكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ
Ҳужурот сураси 2 оят

Ўзларингиз сезмаган ҳолда, амалларингиз ҳабата бўлишидан эҳтиёт бўлинглар! деди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло.

Агарчи, бу оят аслида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида, овозни кўтариб, шовқин қилган одамлар, ҳақида бўлса ҳам, оятнинг маъноси умумийдир.

Еттинчи шарт шуки, ҳақ йўлда барқарор қолишлик.

Ҳақ йўлда барқарор бўлиш, бу ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди, биродарлар! Ҳақнинг бозори чаққон бўлиб турганда, ҳақда турадиган биродарлар, кўпдир. Аммо, Ҳақнинг бозори касод бўлганда, Ҳақда турадиган кишилар камайиб кетади. Ҳақда барқарор бўлиш ва дунёдан кетаётган вақтда, ёмон оқибатдан эҳтиёт бўлишлик, керак!

إِنْ أَحَدُكُمْ لَيَعْمَلُ الْجَنَّةَ حَتَّىٰ مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ، فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ، فَيَدْخُلُهَا، وَإِنْ أَحَدُكُمْ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ، حَتَّىٰ مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ، فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ، فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ، فَيَدْخُلُهَا
البخاري ومسلم

(Бу ҳадис мазмунан мавзуга ўхшаш бўлгани учун, илова қилинди)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам асҳобларга хитоб қилиб айтдилар: Сизлардан бирларинг жаннат аҳлининг амалини қиладиган ва жаннатга бир қарич қолганда, (Тақдири унга пешвоз чиқади) охирида жаҳаннам аҳлининг амалини қилиб, кетиб қолади, дедилар. Ва сизлардан бирларинг, жаҳаннам аҳлининг амалини қиладиган ва жаҳаннамга бир қарич масофа қолганда, (Тақдири унга, пешвоз чиқади) охирида, жаннат аҳлининг амалини қилиб, жаннатга кириб кетади, дедилар. Шундай мазмунда, бошқа ҳадислар ҳам бор. Баъзи одамлар, жаҳаннам аҳлининг амалини қиладиган ва жаҳаннамга бир қарич масофа қолганда, бир сўз айтадики. Шу сўзи умматга катта манфаат келтиради. Шу сўзи учун, аҳли жаннат бўлиб кетади, дедилар.

Баъзи кишилар, жаннат аҳлининг амалини қилади ва жаннатга бир қарич қолганда, бир сўз айтадики, бу сўзи ўзига ва умматга зарарли бўлгани билан, жаҳаннамга кетади, дедилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, охирги кетаётган вақтимизда, аҳли жаннат амалларини қилиб кетишликка, Аллоҳу таоло муваффақ қилсин!

Оиша разияллоҳу анҳо фазилатлари

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, энг суюлик оилалари, бу Оиша разияллоҳу анҳодир. Оиша разияллоҳу анҳога, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг марҳамати жуда катта бўлди. Баъзи фуқаҳолар айтишича, Исломи фикҳининг учдан бир илми, Оиша разияллоҳу анҳо ривоятлари асосидаги илмдир. Яъни, Исломи уммати учун келган фикҳ, илм, Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган. Шунчалик катта фазилатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бу кишига берди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, жаннатдаги оилалари деб, гувоҳлик бераман деб, айтганлар, Аммор ибн Ёсир разияллоҳу анҳу. Оиша разияллоҳу анҳо айтганлар, Қайси бир инсон, мени дунёда камситса, охиратда ундан безор бўламан.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдида, Жибрил алайҳиссалом келганда Оиша разияллоҳу анҳога, салом айтар эканлар.

يَا عَائِشَ، هَذَا جِبْرِيلُ يُقْرِئُكَ السَّلَامَ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Эй Оиша, бу Жибрил, сизга салом айтаяпти, дер, эканлар.

فَقُلْتُ: وَعَلَيْهِ السَّلَامُ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، تَرَى مَا لَا أَرَى - ثَرِيدُ رَسُولِ اللَّهِ، صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

Шунда, Оиша разияллоҳу анҳо Жибрил алайҳиссаломга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин! Сиз, мен кўрмай турган нарсани кўрасиз, дер эканлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки:

عن أبي موسى الأشعري - رضي الله عنه - قال: قال رسول الله - صَلَّى الله عليه وسلم -: ((كَمَلُ مِنَ الرِّجَالِ كَثِيرٌ، وَلَمْ يَكْمُلْ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَرْيَمُ بِنْتُ عِمْرَانَ، وَأَسِيَّةُ امْرَأَةِ فِرْعَوْنَ، وَفُضِّلَ عَائِشَةُ عَلَى النِّسَاءِ كَفَضَّلَ النَّبِيُّ عَلَى سَائِرِ الطَّعَامِ))؛ صحيح البخاري

Эр кишилардан кўп кишилар камолотга эришди. Аёллардан ҳеч ким камолот топмаган. магар, Марям бинти Имрон, Фиравн аёли Осия, ва Оишанинг бошқа аёллардан афзаллиги, Сарид таомининг бошқа таомлардан афзаллиги, кабидир, дедилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Фиравн аёли Осия, онамизнинг Аллоҳу таоло имонини шундай қилдики, Фиравннинг берган азобида ҳам, имонини ўзгартирмади.

وَضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِّلَّذِينَ آمَنُوا امْرَأَتَ فِرْعَوْنَ إِذْ قَالَتْ رَبِّ ابْنِ لِي عِنْدَكَ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ وَنَجِّنِي مِن فِرْعَوْنَ وَعَمَلِهِ وَنَجِّنِي مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ
Таҳрим сураси 66 оят

Деб, жон таслим қилган. Ўзингни ҳузурингда жаннатда, менга уй бино қил, деб, дуо қилган, мана, НАСС (Қуръон ояти) билан собитки, комила бўлган аёллардандир.

Марям бинти Имрон, мана қуръони каримда, Марям бинти Имрон, ҳақида жуда кўп оятлар бор. Исо алайҳиссаломнинг оналари.

У кишининг мўъжизалари, дунёда ҳеч ким емаган таомларни, еб ўтирардилар. Бу таом қаердан келди? деганларида, Аллоҳнинг ҳузуридан келди, деганлар. Исо алайҳиссаломни, отасиз туққандир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг мўъжизаси, Марямда содир бўлди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни аввалида, ота онасиз яратди. Кейин, отасиз ҳам яратиб, Ўзининг мўъжизасини кўрсатди. Бу имтихон бўлди. Насоролар адашиб кетди. Отасиз туғилган деб, Аллоҳнинг ўғли деб, адашиб, мушрик бўлиб кетишди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Исо алайҳиссаломни отасиз яратди. Худди, Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратгандек. Одамлар одатдан ташқари нарсани мўъжиза дейди. Бўлмасам, ота онаси бор бўлиб, яратилиши ҳам, ота онасиз яратилишидан, кам мўъжизамас!

Ота онаси бор бўлиб, инсоннинг дунёга келиши ҳам, кичик мўъжиза эмас. Оламда мўъжиза эмас нарса йўқ. Лекин, бунинг кўп такрорланиши, одамлар кўзида, мўъжизавий сифатини йўқотиб қўяди. Биз кўп гапириб турамыз. Бу ҳарфларни товуши чиқиши билан, бир сўз ифода бўлиб, бу сўзлардан бир маънолар тушунилиб, бунга тезлик билан, атрофдан муносабат бўлиши, қизиқ нарса бўлса, кулгуни пайдо бўлиши ва йиғлайдиган нарса бўлса, йиғини пайдо бўлиши ҳам, бу мўъжизадан каммас, биродарлар. Бу оғизларнинг қимирлашидан, қандай маънолар билиняпди? Қандай бу нарса, тезлик билан мафҳумларни билдирыпди?

Инсон қайси бир нарсага қараса, мўъжиза. Агар офтобни чиқишини ҳар кун кўрмаганимизда, офтоб чиқадиган ер бор, деб, эшитсак, шу ерга бориб, ҳамма офтобнинг чиқишини, тамошо қилиб келарди. Шу офтоб чиқадиган ерда яшайдиган одамларнинг тирикчилигига, шу кифоя қиларди. (Бошқа ердагилар) Тамоми молларини сарф қилиб, бориб келишарди. Одамлар офтобни чиқишини кўриб келдим, деб, бошқаларга, айтиб юрарди. Лекин, буни доим рўбарўингизда бўлиб туришлиги, мўъжизавий хусусиятини, ғафлатга солиб. йўқотиб қўяди, биродарлар. Учинчиси, Оиша разияллоҳу анҳо ва тўртинчиси, бошқа ҳадисларда келади, Хадичаи Кубродир. (Бошқа ҳадисларда, Фотиматуз Заҳро ҳам, дейилган)

Оишанинг бошқа аёллардан афзаллиги, Сарид таомининг бошқа таомлардан афзаллиги кабидир, дедилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам. Сарид бу гўшт билан тайёрланган таомни айтади.

وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، قَالَ: " وَكَانَ جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ يَأْتِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي صُورَةٍ بِحَيَّةٍ " رواه الإمام أحمد في "المسند"

Жибрил алайҳиссалом Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларига, Дихятул Калбий номлик саҳобани кўринишида келар эди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Рум вилоятига жўнатган элчининг номи, Дихятул Калбий эди. Дихятул Калбий саҳобалар ичидаги чиройлик кишилардан, бири эди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам элчиларни, кўриниши ва кийиниши ва юриш туришида, энг афзалларини танлардилар. Чунки, элчи, жўнатувчи одамнинг кимлигига далолат қилади. Жибрил алайҳиссалом кўпинча, шу Дихятул Калбий кўринишида, келар эди.

Оиша разияллоҳу анҳо айтадиларки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, бир отни пешасига қўлингизни қўйиб туриб, шу отда ўтирган, Дихятул Калбий билан гаплашаётганингизни кўрдим, дедим. Кўрдингизми? дедилар. Бу Жибрил, сизга салом айтяпди, дедилар. Жибрилга ҳам, Аллоҳнинг саломини ва баракоти бўлсин, дедилар. Ва қандай ҳам бир соҳиб, сизга ва қандай ҳам бир меҳмон, бизга деб, қўйдилар. Оиша разияллоҳу анҳо жуда катта амаллар қилиб ўтганларки, бунинг таърифлари кўп.

Бир жиянлари, катта молни садақа қилиб юборганида, шу молни кечгача қолмасдан тугатиб юборган эканлар. Эҳсон қилиб. Жиянлари эшитиб, ғазабланиб гапирганида, менга берган молига миннат қиладиган бўлса, энди унга гапирмайман деб, қасам ичган эканлар. У кишининг дуолари ижобатлигидан қўрқиб. Узр айтиш учун келганида, киргизмаганлар. Шунда, у кишининг олдига фатво сўраш учун келишардилар. Шунда, парда тортиларди. Ҳадисларни айтиб берардилар, улар эшитиб чиқиб кетишарди. Шунда, савол сўрашга келганларни қабул қилганларида, жиянлари ҳам киради. Кейин, пардани ортига ўтиб, узрини айтади. Қасам ичиб қўйган эдим, каффорати учун, Туя сўямиз деганларида, юзлаб туяларни жўнатишга тайёр эдим, деб, жиянлари ўзи айтиб берган, ривоятлар бор. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг оилалари, шу дунёни ҳавас қиладиган ёшларида ҳам, дунёни дўст тутмаган эканлар.

Оиша разияллоҳу анҳо вафот топаётган вақтларида, Абдуллоҳ ибн Аббос олдиларига кирдилар. У кишига бир тасалли беришлик учун, Эй Уммул муъминин, сиздаги бу озор кетишлиги билан, дўстларга рўбарў бўласиз. Муҳаммад алайҳиссаломнинг жамоасига рўбарў бўласиз. Сиз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суюкли аёллари бўлиб яшадингиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, пок нарсани яхши кўрардилар. Бу эса, сизни поклигингизга далолат қилади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизни поклигингиз ҳақида, осмондан ҳужжат туширди, дедилар. Сураи Нурдаги ўн оят, бу кишининг поклигига, далил бўлиб тушганди. Ер юзида бирор масжид йўқки, магар бўлса, унда сизни поклигингиз ҳақидаги оятлар, тиловат қилиб турилади, деди. Сизни баракотингиздан таяммум ояти, нозил бўлди. Қиёматгача, бу уматтга таяммум қилиш имкони бўлди. Сизни баракотингиз, умматга шунчалик кўп бўлди, деганларида, қўй бу гапларни, дедилар. Мен туғилганимдан савобим ҳам, гуноҳим ҳам бўлмасдан, одамларнинг эсидан чиқиб кетишни хоҳлардим, деган эканлар. Мўмин одам ўзининг ҳаётида, шундай бўлиши керак! Умар ибн Хаттоб қанийди, менинг ҳаётим фойдамга ҳам, зараримга ҳам бўлмас эди, деган эканлар.

Бу ҳақ биродарлар, етказиб қўйишлик, бизнинг вазифамиз. Қабул қилиш ва амал қилиш ҳам ҳар кимга насиб бўлмайди. Ҳақда собит туришлик ҳам, ҳар кимга ҳам насиб, бўлмайди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломига ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломига зарар етказаётганларга, кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам суннат йўлларига йўлласин ва бидъат йўлларидан саломат қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Гуноҳларимизни мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ўтган аждодларимизни мағфират қилсин! Қабрларини жаннат боғларидан бир боғчага айлантисин! Фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилиб, Дини Исломига хизмат қиладиган кишилардан қилсин! Имоннинг ҳаловатини тотилишни, Аллоҳу таоло ҳаммамизга насиб қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

40 дарс тугади.

Иккинчи Китоб Мундарижаси

21 Дарс --- 3 бет

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятлари ҳақида

(Бу дарс аввалида инсонга берилган, баён қилиш неъмат, қанчалик катта неъматлиги тушунтирилади. Кейин, пайғамбарлар жўнатилгани ва улар ҳаммаси ягона Аллоҳга ибодат қилишга чорлагани ҳақида маълумот берилади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматга васиятлари эса, китобу суннатни ушлашлик бўлиб, буни ушлаган миллат адашмаслиги уқтирилади. Дарс охирида, Абу Бакр Сиддиқ фазилатлари гапирилади)

22 Дарс --- 19 бет

Катта гуноҳлар ҳақида

(Бу дарсда бешта тоифага мансуб, катта гуноҳлар ҳақида, қисқа шаклда маълумот берилади. Бешта соҳада шариат чегаралар ўрнатган. Буни мақосиди шариа дейилади. Шу бешта йўналишда ўзига хос мавқеъда туриш шартдир. Шулардан тажовуз қилишлик, кабира гуноҳларга дохил бўлади. Ақидада, молда, ақлда, жонда, ирзда, яъни, номусда. Шу бешта соҳадаги хатолар, кабираларга киради. Бу дарсда шулар баён этилади.)

23 Дарс -- 30 бет

Диндаги тўрт асос ҳақида

(Бу дарс мавзуси, олдинги китобдаги, 17 дарс билан бир хил бўлиб, Илм, амал, даъват ва сабр ҳақида, янада кенгроқ, батафсилроқ тафсир қилинади. Биринчи жузъда шу мавзуда дарс бўлганди. Эътибор бериш лозимки, ҳар бир асос ўз ичига яна учта асосни олади. Илмдаги учта асос, Аллоҳни таниш, Расулини таниш ва Динни танишлиқдир. Аллоҳни танишлиқда учта асоса, Рубуийят, Улуҳийят ва Асмой сифот тавҳидидир. Динни ҳам учта асоси билан таниймиз. Имон, Ислому ва Эҳсон. Шулар ҳаммаси битта, Илмга тааллуқлидир.)

24 Дарс -- 46 бет

Катта ва кичик ширк турлари ҳақида

(Бу дарс мавзуси, 8 чи дарсга яқиндир. Тавҳид фазилати ва ширк турлари ва оқибати кенгроқ тафсир қилинади. Катта ширкнинг саккизта тури ва кичик ширклар турлари айтилиб, кейин, диндан чиқарувчи, имонни бузувчи амаллар, навоқизул ислом ҳақида, қисқача сўз юритилади. Бу дарс тавҳид дарсидир. Бу дарсдаги мазмун, деярли барча дарсларда қисман мавжуддир ва бу бежис эмас. Чунки. Тавҳид, қуръони каримдаги марказий масаладир.)

25 Дарс -- 58 бет

Бидъатлар келиб чиқиш тарихи ва турлари

(Бу дарсда диндаги турли хил бидъатларнинг келиб чиқиши ва турлари ҳақида, қисқача сўз юритилади ва улардан эҳтиёт бўлишликка, даъват қилинади. Бидъатларнинг келиб чиқишига эътибор беришлик зарурдир. Чунки, булар динда нўё, яхши ниятда пайдо қилинади ва шу билан динни бузади. Динда камчилдик йўқ. Унга ҳеч нарса қўшишлик ва олиб ташлашликка ҳожат йўқдир! Суннатлар тарк қилинса, бидъатлар пайдо бўлади. Бу дарс шу ҳақидадир.)

26 Дарс -- 72 бет

Сеҳр ва унинг исломдаги ҳукми

(Бу дарсда, Сеҳр, диндан чиқарувчи кабира гуноҳ эканлиги ҳақида, сўз юритилади ва охирида омонатдорлик ҳақида ҳам, маълумотлар берилади. Қуръондаги битта сеҳр оятини тафсири айтиб, сеҳрни келиб чиқишини тушунтирилади. Ва бундан сақланиш йўлларини айтилади. Сеҳргарлик ва коҳинлик ва фолбинлик ва шунга ўхшаган ишлар, диндан чиқарувчи амаллар экани уқтирилади. Омонатлик бўлиш, мўминлар сифати экани ва бунинг акси мунофиқлик экани, баён этилади.)

27 Дарс -- 84 бет

Ла илаҳа иллаллоҳнинг маъноси ва шартлари

(Бу дарсда имон калимаси ҳақида ва унинг маъноси ва шартлари тўғрисида, сўз юритилади. Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, ўз ичига жуда кўп шартларни олади. Бу калима асосида тавҳид туради. Бу калимани айтиш билангина иш битмайди. Мунофиқлар ҳам, тилда айтишган. Қалбда тасдиқ бўлиши ва бу калимани талабига амал қилинмоқлиши шартдир! Шунда, бу имон мукаммал бўлади. Манфаатлик бўлади. Бу дарс шу ҳақидадир.)

28 дарс қори акани ўзи қилмаган. Бу китобга киритилмади.

29 Дарс -- 97 бет

Исломий дунёқараш ва жамиятдаги муаммоларни ечими ҳақида

(Бу дарс аввалида, даҳрийлик дунёқараш пайдо қилган иллатларни, исломий дунёқараш, саҳиҳ ақида асосида, ислоҳ қилиш ҳақида, сўз юритилади ва Нисо сураси 36 ояти, муфасссал шаклда шарҳланади. 10 дарсда Нисо сураси 29 ояти муфасссал шарҳ қилинганди. Бу дарсда ҳам, шунга ўхшаш, Нисо сураси 36 оятдаги амалларни, Аллоҳни кўриб тургандек, ёки, Аллоҳ мени кўриб турибди, деб, қилишлик, эҳсон эканлиги баён этилади.)

30 Дарс -- 114 бет

Пайғамбарлар йўли Тавҳид ва мушрикларнинг шубҳалари ҳақида

(Бу дарс аввалида, барча пайғамбарлар, Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи, тавҳидга даъват қилгани баён этилиб, кейин ширк аҳлининг ботил ҳужжатларига, гумон ва шубҳаларига, раддиялар берилади. Шубҳалардан бири шуки, тақдир масаласини ўзларининг ширкига далил қилмоқчи бўлишади. Аллоҳ шуни хоҳлаган учун, мушрик бўлганмиз, дейишади. Аллоҳ бандаси ширк келтиришини истамайди ва шунинг учун расуллар жўнатиб огоҳлантирди. Бу иддаолари нотўғридир. Бу дарс шу ҳақидадир.)

31 Дарс -- 133 бет

Пайғамбар алайҳиссаломга эргашишликда тўртта асосий сифат ҳақида

(Бу дарсда, Муҳаммад алайҳиссаломга эргашиш, асосан тўртта нарсада бўлиши зарурлиги баён этилиб, шу тўртта нарсада, у кишига эргашган киши, комил суратда эргашувчи бўлиши, қатор далиллар билан, исботланади. Булар садоқат, омонат, фатонат, ва таблиғдир. Бу сифатлар ҳаммада бўлиши билан бирга, уламоларда бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар у кишига эргашиб даъват қилсалар, тўғри йўлда бўладилар. Бу учун, уларда шу сифатлар мавжуд бўлиши лозиму лобуддир.)

32 Дарс -- 145 бет

Чақалоққа доир аҳкомлар ҳақида

(Бу дарсда, фарзанд туғилиши билан бошланадиган исломий аҳкомлар, нималардан иборат эканлиги, батафсил баён этилади. Буларга эргашмаган одамлар, бидъатларга эргашиб кетишлари, ҳаётий мисоллар билан тушунтирилади. Бидъатлар эса, инсон ўлими билан ва ёки туғилиши билан бўладиган маросимларда кўп учрайди. Ислом дини, инсон туғилишидан то ўлганидан кейинги амалларгача кўрсатгандир. Мўминлар бу маросимларда, бидъатга аралашмасдан, динни кўрсатмасини қилишлари керак. Бу дарс мавзуси шудир.)

33 Дарс -- 158 бет

Дин насиҳатдир, холис бўлишлиқдир

(Бу дарсда Исломдаги асослардан бири, холислик, сидқидиллик экани, айтилган ҳадис шарҳланиб, кейин, бандани, ҳидоятдан тўсувчи сабаблар ҳақида, қуръондаги маълумотлар баён қилинади. Дарс охирида, аҳли байтдан бўлган, Фотиматуз Заҳро ва унинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу анҳумо, фазилатлари айтилади. Аёлларни уй ишини қилишлари вожибми йўқми, мавзусида баҳс қилувчилар, шу дарсдаги Фотима онамизга отаси, Пайғамбар алайҳиссалом нима деганига, эътибор қилишсин.)

34 Дарс -- 174 бет

Ғариблар кимлар?

(Бу дарсда, Исломдаги ибодат, деганда, нимани тушунишлик, баён қилинади. Ва ибодатларни, фақат Аллоҳагина қилишлик, яъни, тавҳид шартлари, яна бир бора, такрорланади. Ва ғариблар кимлар эканлиги, мисоллар билан тушунтирилади. Учинчи китобдаги, 45 дарс ва 48 дарс ҳам, шу мавзуда бўлади. Бу мавзуни мукаммал ўрганишни истаганлар, ҳар учала дарсни бирга ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Дарс охирида, ансорлар фазилатлари ҳақида, маълумотлар берилади.)

35 Дарс -- 185 бет

Ибодат турлари

(Бу дарс аавалида Иброҳим алайҳиссалом ва ўғли қиссаси, келтирилади. У киши қилган дуолари ва унга ижобат қилинган оятлар таққосланиб, инсонга китобу суннат манфаат бериши учун, ширк нажасидан покланиш зарурлиги уқтирилади. Исломдаги ибодат деганда, нимани тушунишлик, баён қилинади. Ва ибодатларни фақат Аллоҳагина қилишлик, тавҳид шартлари, яна бир бора, такрорланади.)

36 Дарс -- 195 бет

Зулм, қиёмат кунидаги зулумотдир

(Бу дарс аавалида, Муҳаммад алайҳиссалом йўлидан юрмаган кишилар оқибати, яхши бўлмаслиги зикр қилинади ва кейин, зулм турлари, келтирилади. Зулмнинг каттаси, ширк экани ва бошқа зулмлар ҳам, оқибати ёмонлиги, ояту ҳадислардан, мисоллар билан уқтирилади. Зулм қиёматдан ташқари шу дунёда жазоси бериладиган кабира гуноҳдир. Зулмнинг каттаси Аллоҳга ширк келтиришдир. Тавба қилганлар мустасно, бу гуноҳ кечирилмайди.)

37 Дарс -- 205 бет

Исломий оила

(Бу дарс аввалида, Муҳаммад алайҳиссалом йўлидан юрмаган кишилар оқибати, зикр қилинади ва кейин, зулмлар турлари келтирилади. Зулмнинг каттаси ширк экани ва бошқа, зулмлар ҳам, оқибати ёмонлиги, ояту ҳадислардан мисоллар билан, уқтирилади. Бу дарсдаги асосий нуқта, ҳукми Аллоҳнинг ҳаққи эканлигини ва бунда, Унга шарик келтиришлик, ҳам ширк эканлигини англатишлиқдир. Дарс охирида, Исломий оилага тааллуқли ҳукмлар баён этилади. Дарсдан кейин, бахтли одамлар кимлиги ҳақида, саволга жавоблар берилади.)

38 Дарс -- 220 бет

Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи

(Бу дарс аввалида, Аллоҳнинг бандалар устидаги аввалги ҳаққи тавҳид эканлигини, айтилади ва мушриклардан мўминни фарқловчи тўртта сифат, келтирилади. Дарс охирида, ибодатдаги ширк турлари, баён этилади. Қабристонлардаги бидъатлар ҳақида, гапирилади.)

39 Дарс -- 236 бет

Қиёмат кунида Аллоҳнинг соясида турувчи етти тоифа ҳақида

(Бу дарс аввалида, ҳадис тўпламлари тарихи айтилади ва Имоми Нававийнинг Риёзус Солиҳин китоби билан, қисқача таништирилади. Ва қиёмат куни, Аллоҳнинг соясида турадиган етти тоифани кимлигини, кенг суратда, ҳаётий мисоллар билан, тушунтириб берилади.)

40 Дарс -- 256 бет

Аллоҳнинг буйруғига амал қилиш шартлари

(Бу дарс аввалида, ҳаётдаги муаммоларни ечими тавҳид эканлиги, эшитувчилар савиясига мослаб, эртақдаги қаҳрамонлар мисолида, тушунтирилади. Кейин, банданинг Аллоҳнинг буйруғига нисбатан қандай шартлар асосида, амал қилишлиги кенг ва тафсилий суратда тушунтирилади. Дарсдан кейин, Оиша разияллоҳу анҳо, фазилатлари ҳақида, маълумотлар берилади.)